



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
СОЛИҚ КОДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИ

(янги таҳрири)

УМУМИЙ ҚИСМ

І БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-боб. Асосий қоидалар

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тартибга солинадиган муносабатлар

Ушбу Кодекс солиқлар ва йиғимларни белгилаш, жорий этиш ва бекор қилишга, ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашга доир муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

2-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ва қабул қилиниши ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ёки уларнинг қисмларини ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ эмас деб топиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми, агар мазкур ҳужжатга нисбатан қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ эмас деб топилади:

1) ушбу Кодексга мувофиқ бундай ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса;

2) солиқ муносабатлари субъектларининг ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқларини бекор қилса ёки чекласа;

3) солиқ муносабатлари субъектлари ҳаракатларининг ушбу Кодексда белгиланган асосларини, шартларини, кетма-кетлигини ёки тартибини ўзгартирса;

4) ушбу Кодексда тақиқланган ҳаракатларга рухсат берса ёки йўл қўйса;

5) ушбу Кодекснинг нормаларига ёки қоидаларининг мазмунига бошқача тарзда зид бўлса.

Ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари бу ҳужжатни бекор қилишга ёки унга зарур ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бу органлар ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгартишлар киритишни рад этган тақдирда, у суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми улар қабул қилинган санадан эътиборан ушбу Кодексга мувофиқ эмас деб топилади.

4-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилиши

Солиқ солиш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

Солиқлар ва йиғимларни бекор қилишни, солиқлар ва йиғимлар ставкаларини камайтиришни, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бекор қилишни ёки уларнинг аҳволини бошқача тарзда енгиллаштиришни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар бу солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Янги солиқлар ва йиғимлар белгиланишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари расман эълон қилинган кундан эътиборан

камида уч ой ўтгач амалга киритилади. Солиқ имтиёзларини бекор қилишни, янги мажбуриятларни жорий этишни, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришни ёки солиқ муносабатлари субъектларининг ҳолатини бошқача тарзда оғирлаштиришни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам худди шундай тартибда амалга киритилади.

Солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расман эълон қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида кўрсатилмаган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

5-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларни ҳисоблаш тартиби

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар, рўй бериши керак бўлган воқеа ёки содир қилиниши керак бўлган ҳаракатни кўрсатган ҳолда календарь сана билан ёки вақтнинг йиллар, чорақлар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланадиган ўтиш даври билан аниқланади.

Календарь санадан ёки рўй бериши керак бўлган воқеадан кейинги кун солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатни ҳисоблаш бошланадиган кун деб ҳисобланади.

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат муддатнинг охириги йилининг тегишли ойи ва кунда тугайди. Бунда кетма-кет келадиган ўн икки ойдан иборат ҳар қандай вақт даври йил деб эътироф этилади, бундан календарь йил мустасно.

Чорақлар билан ҳисобланадиган муддат муддатнинг охириги ойининг тегишли кунда тугайди. Бунда чорақ уч календарь ойга тенг деб ҳисобланади, чорақлар ҳисоби эса календарь йил бошидан юритилади.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат муддатнинг охириги ойининг тегишли санасида тугайди.

Агар муддатнинг тамом бўлиши тегишли сана мавжуд бўлмаган ойга тўғри келса, муддат мазкур ойнинг охириги кунда тугайди.

Кунлар билан ҳисобланадиган муддат, агар бу муддат календарь кунлар билан белгиланмаган бўлса, иш кунлари билан ҳисобланади. Бунда қонун ҳужжатларига мувофиқ дам олиш ва (ёки) иш куни бўлмаган байрам куни деб эътироф этилмайдиган кун иш куни деб ҳисобланади.

Агар муддатнинг охириги куни қонун ҳужжатларига мувофиқ дам олиш ва (ёки) иш куни бўлмаган кун деб эътироф этиладиган кунга тўғри келса, дам олиш кунидан ва (ёки) иш куни бўлмаган кундан кейинги иш куни муддатнинг тамом бўлиш куни деб ҳисобланади.

Амалга оширилиши учун муддат белгиланган ҳаракат муддатнинг охирги куни соат 24 га қадар бажарилиши мумкин.

Агар ҳужжатлар ёхуд пул маблағлари алоқа ташкилотига муддатнинг охирги куни соат 24 га қадар топширилган бўлса, муддат ўтказиб юборилмаган деб ҳисобланади.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг солиқ солишга оид халқаро шартномаларининг қўлланилиши

Ўзбекистон Республикасининг солиқ солиш масалаларига оид халқаро шартномаларини ва халқаро солиқ ҳуқуқининг умумий нормаларини қўллаш ушбу моддада белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси томонлардан бири бўлган, иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш ва солиқларни тўлашдан бўйин товлашни бартараф этиш масалаларини тартибга соладиган халқаро шартнома қоидалари шундай шартномани тузган бир ёки иккала давлатнинг солиқ резидентларига нисбатан қўлланилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисми қоидалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси тузилган давлатнинг солиқ резидентига нисбатан, агар солиқ резиденти ушбу халқаро шартнома қоидаларидан мазкур халқаро шартнома тузилган давлатнинг солиқ резиденти бўлмаган бошқа шахс манфаатларини кўзлаб фойдаланса, татбиқ этилмайди.

Ушбу модданинг бешинчи – ўн иккинчи қисмлари қоидалари Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасига мувофиқ тўлов манбаидан даромад олиш учун ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган шахсни аниқлаш учун қўлланилади.

Юридик шахс томонидан тўланадиган даромадлардан мустақил равишда фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб бундай даромадларни тасарруф этишга ваколатли бўлган ўзга шахс ушбу даромадларга нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган шахс деб топилади. Бунда бу ҳуқуқ ушбу юридик шахсда бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этиш ёки унинг устидан назорат бўлганлиги ёхуд бошқа ҳолатлар туфайли юзага келганлиги аҳамиятга эга эмас.

Юридик шахс ташкил этмаган тузилманинг даромадларига нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган шахс худди шундай тартибда аниқланади.

Даромадларга нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган шахсни аниқлашда ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан бажариладиган вазифалар, шунингдек улар қабул қиладиган таваккалчиликлар инобатга олинади.

Агар Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган даромадларни тасарруф этишга нисбатан чет эллик шахс чекланган

ваколатларга эга бўлса, ҳеч қандай бошқа вазифаларни бажармаса ва ҳеч қандай таваккалчиликни ўз зиммасига олмаса, бундай даромадларни бевосита ёки билвосита бошқа шахсга тўлаган (тўлиқ ёки қисман) ҳолда, ушбу бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб мазкур даромадларга нисбатан воситачилик вазифаларини амалга оширса, бу чет эллик шахс Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган даромадларга нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга деб эътироф этилмайди.

Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан даромадларни бундай даромадларга нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлмаган чет эллик шахсга тўлаш чоғида, агар тўлов манбаига бундай даромадларга (уларнинг бир қисмига) нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга шахс маълум бўлса, тўланаётган даромадга солиқ солиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) агар тўланаётган даромадларга (уларнинг бир қисмига) нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган шахс Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлса, тўланаётган даромадга (унинг бир қисмига) солиқ солиши, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентларига нисбатан ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда тўланаётган даромадларга (уларнинг бир қисмига) тааллуқли солиқ, агар тўлов манбаи ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органини хабардор қилган бўлса, тўлов манбаи томонидан ушлаб қолинмайди. Бундай хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади;

2) агар тўланаётган даромадларга (уларнинг бир қисмига) нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган шахс солиқ солиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан амалдаги халқаро шартнома мавжуд бўлган давлатнинг (ҳудуднинг) солиқ резиденти бўлса, тўланаётган даромадларга (уларнинг бир қисмига) солиқ солишга нисбатан мазкур халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Кўрсатилган қоидалар, башарти даромадлар тўланадиган ва бу даромадларга нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлмаган шахснинг доимий турган жойи солиқ солиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан амалдаги халқаро шартномага эга бўлган давлат (ҳудуд) бўлса, қўлланилади.

Агар даромадлар тўланадиган ва бу даромадларга нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлмаган шахснинг доимий турган жойи солиқ солиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан амалдаги халқаро шартномага эга бўлмаган давлат (ҳудуд) бўлса, солиқ тўлов манбаида мазкур Кодекс билан белгиланган солиқ ставкалари бўйича ушлаб қолинади. Агар бундай даромадлар ушбу даромадларга нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлмаган ва бу даромадларга (уларнинг бир қисмига) нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган шахс қайси давлат (ҳудуд) резиденти эканлиги ўзига маълум бўлмаган шахсга тўланса, тўлов манбаидаги солиқ ҳам солиқ ставкалари бўйича ушлаб қолинади.

Халқаро шартномада Ўзбекистон Республикаси томонидан белгиланган ваколатли орган Ўзбекистон Республикасининг халқаро

шартномаси қоидаларига мувофиқ чет давлатнинг ваколатли органидан чет давлат солиқ тўловчиси томонидан Ўзбекистон Республикасида бажарилмаган солиқ мажбуриятларини бажаришига қўмаклашиш тўғрисида сўрашга ҳақли.

7-модда. Солиқ солиш принциплари

Солиқ солиш мажбурийлик, аниқлик ва солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлиги, адолатлилик, солиқ тизимининг ягоналиги, ошкоралик ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади.

8-модда. Мажбурийлик принципи

Ҳар бир шахс ушбу Кодексда белгиланган солиқлар ва унда назарда тутилган йиғимларни тўлаши шарт.

Ҳеч кимга солиқлар ва йиғимларнинг барча аломатларига эга бўлган, бироқ ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёхуд унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

9-модда. Солиқ солишнинг аниқлиги ва солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлиги принципи

Солиқларни ва йиғимларни белгиловчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчиларни ҳамда ушбу солиқларнинг ва йиғимларнинг бошқа барча элементларини, шу жумладан уларни тўлаш муддатлари ва тартибини аниқлаб бериши керак.

Солиқ органлари солиқ муносабатлари доирасида солиқ тўловчилар билан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тўғри бажариш мақсадида ҳамкорлик қилиши шарт. Бунда солиқ органлари солиқ тўловчиларнинг қонуний фаолиятига асоссиз тўсиқлар яратишга ҳақли эмас, солиқ тўловчилар эса солиқ органлари ўз ваколатларини амалга ошириши учун шарт-шароит яратиши керак.

10-модда. Адолатлилик принципи

Солиқлар ва йиғимлар камситиш хусусиятига эга бўлиши ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмас.

Мулкнинг шаклига, жисмоний шахсларнинг фуқаролигига ёки капиталнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб фарқланган солиқ

ставкаларини, солиқ имтиёзларини ёки бошқа афзалликларни белгилашга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўскинлик қиладиган солиқларни белгилашга йўл қўйилмайди.

11-модда. Солиқ тизимининг ягоналиги принципи

Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягонадир.

Ўзбекистон Республикасининг ягона иқтисодий маконини бузувчи, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасида товарларнинг (хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

12-модда. Ошкоралик принципи

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари расман эълон қилиниши шарт. Расман эълон қилинмаган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

13-модда. Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин этилади.

14-модда. Битимларнинг иқтисодий мазмуни ва уларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш

Солиқ солиш мақсадида барча битимлар ва солиқ тўловчи киришадиган бошқа иқтисодий муносабатлар, уларнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши усулидан ёки шартноманинг номланишидан қатъи назар, ўзининг ҳақиқий иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинishi керак.

Агар битимнинг ёки иқтисодий муносабатларнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши уларнинг ҳақиқатдаги иқтисодий мазмунига мувофиқ бўлмаса, солиқ органлари солиқ солиш мақсадида битимнинг юридик тавсифланишини, солиқ тўловчининг мақомини ва (ёки) унинг иқтисодий фаолияти хусусиятини ўзгартиришга ҳақли.

Қалбаки (кўзбўямачилик учун тузилган) битимлар солиқ солиш мақсадида ҳисобга олинмайди. Агар бундай битимлар бошқа битимларни ниқобласа, солиқларни ҳисоблаш учун ҳақиқий битимларнинг иқтисодий мазмуни ва натижалари ҳисобга олинади.

Агар битимларнинг ёки бошқа иктисодий муносабатларнинг барча иштирокчилари ўзлари тузган битимларнинг барча шартлари ва талабларини бажараётган бўлса, солиққа оид бўлмаган муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларнинг айрим бузилишлари солиқ тўловчи томонидан олинган даромадларни ёки уларнинг қилган харажатларини (кўрган зарарларини) солиқ солиш мақсадида эътироф этишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Агар солиқ тўловчи ягона ёки устувор мақсади солиқ тўламаслик тарзидаги асоссиз солиқ нафи олишдан ёхуд ўзи тўлайдиган солиқларнинг суммасини камайтиришдан иборат бўлган операцияларни ёки операциялар кетма-кетлигини амалга оширса, унинг бундай ҳаракатлари ушбу Кодекс мақсадларида ҳуқуқни суистеъмол қилиш деб эътироф этилади.

Солиқларнинг суммаларини камайтиришга оид схема ҳам ҳуқуқни суистеъмол қилиш деб эътироф этилади, бунда ушбу камайтириш бевосита ёки билвосита мақсад ёхуд оқибат бўлади ёки мақсадлардан ёхуд оқибатлардан бири бўлади ҳамда бу мақсад ёки оқибат иккинчи даражали бўлмайди. Солиқларнинг суммаларини камайтириш солиқ солиш қамровини бевосита ёки билвосита ўзгартиришни, солиқ имтиёзларидан фойдаланишни ёки тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаларини бошқача тарзда камайтиришни ўз ичига олади.

Ҳуқуқ суистеъмол қилинган ҳолларда, солиқ органлари солиқ тўловчи тўлаши лозим бўлган солиқларнинг суммаларини аниқлашда ҳуқуқни суистеъмол қилиш аломатларига эга бўлган айрим операцияларни ёки операциялар кетма-кетлигини эътиборга олмасликка ҳақли. Шунингдек солиқ органлари тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаларини бундай суистеъмолликнинг таъсирини истисно этадиган тарзда ўзгартиришга ҳақли.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқни суистеъмол қилишнинг, битим қалбакилигининг (кўзбўямачилик учун тузилганлигининг) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса, солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилади.

15-модда. Лозим даражада эҳтиёткорлик

Солиқ муносабатларида солиқ тўловчилар контрагентларни танлаш чоғида уларнинг солиқ органларида солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлигини, контрагентнинг ишбилармонлик обрўсини, ишлаб чиқариш базаси ва ходимлари мавжудлигини, молиявий ҳолатини, битим бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини текшириб, лозим даражада эҳтиёткорлик қилиши шарт.

Солиқ тўловчи томонидан унинг олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган шахслар билан тузилган битимлар бўйича қилинган харажатлар (кўрилган зарарлар), агар ушбу солиқ тўловчи битим тузаётганда лозим

даражада эҳтиёткорлик қилмаган бўлса, солиқ солиш мақсадида тан олинмайди.

Солиқ органлари солиқ тўловчиларга контрагентларнинг солиқ органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги ахборотдан, шунингдек бошқа ахборотдан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда фойдаланиш имкониятини беради.

2-боб. Ўзбекистон Республикасида солиқлар ва йиғимлар тизими

16-модда. Солиқлар ва йиғимлар

Солиқ деганда ушбу Кодексда белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига (бундан буён матнда бюджет тизими деб юритилади) тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилади.

Йиғим деганда бюджет тизимига ушбу Кодексда ёки бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўлов тушунилади, бу йиғимнинг тўланиши уни тўловчи шахсга нисбатан ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан унга муайян ҳуқуқларни ёхуд руҳсат этувчи ҳужжатларни бериш шартларидан бири бўлади.

Шахснинг зиммасига суд тартибида юклатилган жарималар ва бошқа тўловлар, шунингдек қонунда белгиланган ҳолларда мол-мулкни мусодара қилиш ҳамда бошқача тарзда олиб қўйиш солиқлар ёки йиғимлар жумласига кирмайди.

17-модда. Солиқларнинг ва йиғимларнинг турлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқлар белгиланади:

- 1) қўшилган қиймат солиғи;
- 2) акциз солиғи;
- 3) фойда солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ижтимоий солиқ.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йиғимлар белгиланиши мумкин. Йиғимларни жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ушбу Кодексда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланади.

Автотранспорт йиғимини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ушбу Кодекс билан тартибга солинади.

Давлат бојини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш тартиби давлат боји тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

18-модда. Махсус солиқ режимлари

Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги махсус солиқ режимлари белгиланади:

- 1) айланмадан олинадиган солиқ;
- 2) махсулот таксимотига оид битимлар иштирокчиларига солиқ солишнинг алоҳида тартиби;
- 3) махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига ва айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига ва айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби қонун ҳужжатларида ёки инвестиция битимларида назарда тутилган инвестицияларни амалга ошириш ҳамда бошқа шартларни бажариш билан боғлиқ ҳолда муайян муддат учун белгиланади.

Махсус солиқ режимлари айрим солиқларни тўлашдан озод этишни, пасайтирилган солиқ ставкаларини ва бошқа солиқ имтиёзларини қўллашни назарда тутиши мумкин.

3-боб. Солиқ муносабатларининг субъектлари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

19-модда. Солиқ муносабатларининг субъектлари ва ҳужжатлар алмашиш тартиби

Солиқ тўловчилар, солиқ агентлари ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.

Солиқ органлари, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, ҳужжатларни электрон ҳужжат тарзида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборади. Юборилган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан ўқиб чиқилганидан кейин, лекин ушбу ҳужжат жўнатилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай олинган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, ҳужжатлар буюртма хат қилиб почта орқали юборилади ва улар жўнатилганидан сўнг беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

Ҳужжатлар солиқ тўловчига ёки унинг вакилига шахсан мазкур ҳужжатлар олинган сана кўрсатилган ҳолда имзо қўйдириб топширилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, солиқ органларига ҳужжатларни мазкур модданинг иккинчи – тўртинчи қисмларида кўрсатилганига ўхшаш тартибда юборади. Бунда ушбу ҳужжатлар солиқ органларига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали

юборилганда – жўнатилган кун, почта орқали юборилганда беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

Ушбу Кодексад назарда тутилган ҳужжатларнинг, электрон ҳужжат айланишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг шакллари, мазкур ҳужжатларнинг шаклларини тўлдириш тартиби, бундай ҳужжатларни қоғозда ёки телекоммуникация каналлари орқали электрон шаклда ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юбориш ҳамда олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

20-модда. Солиқ тўловчилар

Ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига белгиланган солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчилар деб эътироф этилади.

Юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари мазкур шахсларнинг солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича мажбуриятларини ушбу Кодексад назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ушбу алоҳида бўлинмалар жойлашган ери бўйича бажаради.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган солиқ тўловчилар алоҳида бўлинмаларни ҳисобга олиб марказлашган ҳолда солиқ ҳисоботини тақдим этади ва солиқларни (йиғимларни) тўлайди.

Ушбу Кодексад назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмалари солиқ тўловчилар деб эътироф этилади.

21-модда. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари

Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

солиқ органларидан ва бошқа ваколатли органлардан (уларнинг ваколатлари доирасида) амалдаги солиқлар тўғрисида, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида ахборотни, солиқ ҳисоботининг ва аризаларнинг шаклларини, шунингдек уларни тўлдириш тартиби ҳақида тушунтиришларни бепул олиш;

ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларида ва бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган маълумотларни олиш;

ушбу Кодексад белгиланган асослар мавжуд бўлганда ва тартибда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ёхуд улардан фойдаланишни рад этиш;

солиқлар, пенялар ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммаларини ўз вақтида ҳисобга ўтказиш ёки қайтариш;

ушбу Кодексад белгиланган тартибда ва шартларда солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш;

солиқ солиш объектларини ҳисобга олишда, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш;

ушбу Кодексга мувофиқ ўз ҳудудида ўтказиладиган сайёр солиқ текширувини ва солиқ аудитини ўтказиш чоғида ҳозир бўлиш;

сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити материаллари билан танишиш, шунингдек ушбу текширувларнинг далолатномаларини олиш;

солиқ текширувини амалга оширувчи солиқ органларига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросига тааллуқли масалалар бўйича тушунтиришлар бериш;

солиқ органлари ва бошқа ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ушбу Кодексга ва (ёки) солиқ тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган талабларини бажармаслик;

солиқ органлари ва бошқа ваколатли органларнинг норматив тусга эга бўлмаган ҳужжатлари ҳамда қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

солиқ органлари ва бошқа ваколатли органларнинг қонунга хилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарларнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, солиқ текшируви материалларини ёки солиқ органларининг бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш;

солиқ муносабатлари масалаларига оид ўз манфаатларини шахсан ёхуд солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ёки бошқа ўз вакиллари орқали ифодалаш;
солиқ сирига риоя этиш ва уни сақлаш.

Солиқ тўловчилар ушбу Кодексда ва солиқ тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчининг солиқ муносабатларида шахсан иштирок этиши уни вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди, худди шунингдек вакилнинг иштирок этиши солиқ тўловчини бундай муносабатларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар мансабдор шахсларининг тегишли мажбуриятлари билан таъминланади.

Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

22-модда. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари

Солиқ тўловчилар:

белгиланган солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда ҳисоблаб чиқариши ва тўлаши;

ҳужжатларни кўриб чиқиш ёки тушунтиришлар бериш зарурияти тўғрисида чақирув хатини олганида солиқ органига келиши;

товарларни (хизматларни) реализация қилишда харидорга ҳисобварақ-фактураларни, чекларни ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериши;

солиқ текширувини ўтказаетган солиқ органларининг мансабдор шахсларига солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, шунингдек электрон манбаларда сақланадиган тегишли ахборот билан танишиш имкониятини таъминлаши;

солиқ органлари ва бошқа ваколатли органларнинг қонуний талабларини бажариши, кўрсатилган органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги;

агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботларининг ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларнинг тегишли солиқларни тўлаш учун белгиланган календарь йилдан кейинги беш йил мобайнида бут сақланишини таъминлаши;

ўзи солиқ бўйича ҳисобга олинган жойдаги солиқ органларини Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларидаги ва чет эл юридик шахсларидаги иштироки тўғрисида, агар устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши 10 фоиздан ортиқ бўлса, хабардор этиши шарт.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари, ўзлари ҳисобга олинган жойдаги солиқ органларига ўзларининг барча алоҳида бўлинмалари тўғрисида ва алоҳида бўлинмаларга оид илгари хабар қилинган маълумотларидаги ўзгаришлар тўғрисида алоҳида бўлинма ташкил этилган ёки мазкур маълумотлар ўзгартирилган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиши шарт.

Ушбу Кодекс билан зиммасига солиқ ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш мажбурияти юклатилган шахслар солиқ органлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлардаги ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида фойдаланиладиган ҳужжатларнинг солиқ органидан телекоммуникация алоқа тармоқлари орқали электрон шаклда олиншини таъминлаши керак.

Ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солиш объекти деб эътироф этиладиган қўчмас мулкка эга бўлган чет эл юридик шахслари ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари, қўчмас мулк объекти турган жойдаги солиқ органига ушбу чет эл юридик шахсининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда хабар қилиши шарт. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмалари кўрсатилган ҳолатларда ўз муассислари, бенефициарлари ва бошқарувчилари ҳақидаги маълумотларни хабар қилиши керак. Чет эл юридик шахсида (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасида) ушбу қисмда кўрсатилган бир нечта мол-мулк объекти мавжуд бўлган тақдирда, ушбу шахс танловига

кўра, хабар мол-мулк объектларининг бири турган ердаги солиқ органига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар олиб ўтилиши муносабати билан солиқлар тўлайдиган солиқ тўловчилар зиммасида Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятлар ҳам бўлади.

Солиқ тўловчиларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

23-модда. Солиқ агентлари

Ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ва бюджет тизимига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар солиқ агентлари деб эътироф этилади.

Солиқ агентлари, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар каби ҳуқуқларга эга бўлади.

Солиқ агентлари:

солиқларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариши, ушлаб қолиши ҳамда бюджет тизимига ўтказиши;

солиқ органларига солиқни ушлаб қолиш имконияти йўқлиги ва солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммаси тўғрисида бундай ҳолатлар солиқ агентига маълум бўлган кундан эътиборан бир ой ичида ёзма равишда ёки электрон шаклда хабар қилиши;

ҳисобланган ва тўланган даромадларнинг, ҳисоблаб чиқарилган, ушлаб қолинган ва бюджет тизимига ўтказилган солиқларнинг ҳисобини ҳар бир солиқ тўловчи бўйича алоҳида юритиши;

солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, ушлаб қолиниши ва ўтказилиши устидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиши;

солиқ ҳисоботларининг ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларнинг ушбу Кодекснинг 88-моддасида назар тутилган даъво муддати мобайнида бут сакланишини таъминлаши шарт.

Солиқ агентларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

24-модда. Солиқ тўловчининг вакиллари

Солиқ тўловчи, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ муносабатларида қонуний ёки ваколатли вакил орқали иштирок этишга ҳақли.

Вакилнинг ваколатлари ушбу Кодексга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчининг қонуний вакили деб ушбу юридик шахсга қонун ёки унинг таъсис ҳужжатлари асосида вакиллик қилишга ваколатли шахслар эътироф этилади.

Жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчининг қонуний вакили деб фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг вакиллари сифатида фаолият олиб борадиган шахслар эътироф этилади.

Юридик шахс қонуний вакилларининг мазкур юридик шахснинг солиқ муносабатларида иштирок этиши муносабати билан содир этилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу юридик шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ҳисобланади.

Солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда солиқ органлари, божхона органлари ва солиқ муносабатларининг бошқа иштирокчилари билан муносабатларда ўз манфаатларини ифодалаш ваколати берилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ёки бошқа шахслар солиқ тўловчининг ваколатли вакиллари бўлиши мумкин.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчининг ваколатли вакили, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ўз ваколатларини тузилган шартнома ёки фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган ишончнома асосида амалга оширади.

Жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчининг ваколатли вакили ўз ваколатларини фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тасдиқланган ишончнома асосида амалга оширади.

Солиқ, молия, божхона ва бошқа давлат органларининг мансабдор шахслари солиқ тўловчининг ваколатли вакиллари бўла олмайди.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси қонун асосида солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи барча иштирокчиларининг ваколатли вакили ҳисобланади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартнома қоидаларидан қатъи назар, ушбу гуруҳнинг масъул иштирокчиси қуйидагилар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда мазкур консолидациялашган гуруҳ иштирокчиларининг манфаатларини ифодалашга ҳақли:

солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартномани солиқ органларида рўйхатдан ўтказиш, шунингдек ушбу шартномага ўзгартириш киритиш, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор ва уни тугатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда;

солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчисидан солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи учун фойда солиғи бўйича қарзларни мажбурий ундириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда;

солиқ органининг мансабдор шахси томонидан амалга оширилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) хусусияти бўйича улар солиқ тўловчилар

консолидациялашган гуруҳининг иштирокчиси бўлган юридик шахснинг ҳуқуқларига бевосита таъсир қилса.

Амал қилиш муддати тугаши билан солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда ёки тугатилганда ушбу гуруҳнинг масъул иштирокчиси бўлган шахс ушбу модданинг ўнинчи ва ўн биринчи қисмларида назарда тутилган ваколатларини сақлаб қолади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси бўлган шахслар мазкур гуруҳ иштирокчиларининг манфаатларини ифодалаш бўйича ушбу Кодекс билан ўзларига берилган ваколатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган шартнома ёки берилган ишончнома асосида учинчи шахсларга беришга ҳақлидир.

25-модда. Ваколатли органлар

Қуйидагилар ваколатли органлардир:

солиқ органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекциялари;

божхона органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, «Тошкент – АЭРО» махсус божхона комплекси ва божхона постлари;

йиғимларни ундириш функциясини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар.

26-модда. Солиқ органларининг ҳуқуқлари

Солиқ органлари қуйидагиларга ҳақли:

солиқ тўловчилардан ва учинчи шахслардан солиқларни ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни (ахборотни), шу жумладан электрон тарзда тақдим этишини талаб қилиш;

ушбу Кодексда белгиланган тартибда солиқ текширувлари ва бошқа солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

ҳудудни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан солиқ тўловчи даромад олиш учун фойдаланадиган ёки солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларни кўздан кечириш;

мол-мулкни инвентаризация қилиш ва бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг назорат ўлчовларини ўтказиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда кассани ва товар-моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни икки кундан ортиқ бўлмаган муддатга, икки кундан ортиқ муддатга эса, суд қарори бўйича муҳрлаш;

солиқларни ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатларни ва электрон ахборот жисмларини олиб қўйиш;

фото- ва видеотасвирга тушириш, тушунтиришлар ҳамда бошқа маълумотларни олиш;

таржимонни, экспертни жалб этиш ва экспертиза тайинлаш;

солиқ тўловчи ҳисоб ҳужжатларини йўқотган ёки йўқ қилган ҳолларда солиқ тўловчи тўғрисидаги ўзида мавжуд ахборот, шунингдек бошқа шу каби солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида солиқлар суммасини ҳисоб-китоб орқали мустақил равишда аниқлаш;

ўзаро келишув асосида солиқ мониторингида иштирок этаётган солиқ тўловчи томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларни ҳисоблаб чиқаришнинг тўғрилиги, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши юзасидан солиқ мониторингини ўтказиш;

солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўриш;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва молиявий санкциялар қўллаш;

солиқ ҳуқуқбузарликларининг аниқланган ҳолатлари бўйича товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиш. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг товар-моддий бойликларини давлат даромадига ўтказиш суд тартибида амалга оширилади;

солиқ тўловчиларга нисбатан улар томонидан ноқонуний олинган маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисида судларга даъволар киритиш;

ҳужжатларнинг давлат тилига таржима қилинишини талаб қилиш;

солиқ тўловчиларни ва солиқ агентларини ёзма билдириш асосида солиқ органларига улар томонидан солиқларни тўлаш (ушлаб қолиш ва ўтказиш) юзасидан ёки солиқ текшируви билан боғлиқ равишда, шунингдек улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилиши билан боғлиқ бошқа ҳолларда тушунтиришлар беришга чақириш;

ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда солиқ тўловчининг ёки солиқ агентининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ва уларнинг мол-мулкни хатлаб қўйиш;

солиқ тўловчилар ва уларнинг вакилларида, солиқ агентларидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этишни талаб қилиш ҳамда ушбу талабларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ушбу Кодексда белгиланган мажбуриятларнинг банклар томонидан бажарилишини назорат қилиш.

Солиқ органлари қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга ошириши мумкин.

27-модда. Солиқ органларининг мажбуриятлари

Солиқ органлари:

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириши;

солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар, ҳисобланган ва тўланган солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаши;

солиқ текширувларини ўтказишда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот бериши, шунингдек ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисида хабардор қилиши;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида ўз вақтида эълон қилиши;

солиқ тўловчиларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этишида ёрдам бериши, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини ва солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини тушунтириши;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларини таҳлил қилиши ва баҳолаши, солиққа оид ҳуқуқбузарликларга олиб келадиган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат органларига киритиши;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга доир узоқ муддатли ва жорий дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни ўрганиши;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан пул маблағларининг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини назорат қилиши;

масалани ҳал этиш солиқ органлари ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳолларда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши фактлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириши;

ўз ваколатлари доирасида валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиши;

солиқ сирига риоя этиши ва унинг сақланишини таъминлаши;

солиқ тўловчининг талабига биноан солиқларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятининг бажарилиши юзасидан солиштирма далолатнома тузиши; ушбу Кодексга мувофиқ солиқ қарзи суммасини сўзсиз ундириши;

юридик ва жисмоний шахсларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларини ҳисобга олиши, уларга солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамини бериши ҳамда бу ҳақда статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расмий равишда маълум қилиши;

солиқ тўловчининг талабига биноан унинг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи маълумотномани бериши;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ёзма тушунтиришларига амал қилиши шарт.

Солиқ органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

28-модда. Божхона органларининг, йиғимларни ундиришга доир вазифаларни амалга оширувчи давлат органларининг ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Божхона органлари товарларни ва автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш чоғида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, ушбу Кодексга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва йиғимларни ундириш бўйича ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда вазифаларни бажаради.

Йиғимларни ундиришга доир вазифаларни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

29-модда. Солиқ сирини

Ваколатли органлар томонидан олинган солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар солиқ сирини ташкил этади, қуйидагилар бундан мустасно:

- 1) ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган, шу жумладан эгасининг розилиги билан шундай фойдаланиш имкони яратилган маълумотлар;
- 2) солиқ тўловчининг идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари ва бу қоидабузарликлар учун жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) солиқ тўловчилар томонидан қўлланиладиган солиқ режимлари ва қўшилган қиймат солиғини тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлик тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) тўланган солиқларнинг ва солиқ қарзининг суммалари ҳақидаги маълумотлар;
- 6) юридик шахснинг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар;
- 7) ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони тўғрисидаги маълумотлар;
- 8) молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича даромадлар ва харажатлар суммалари тўғрисидаги маълумотлар.

Солиқ сири давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, жалб этиладиган мутахассислар ва экспертлар томонидан ошкор этилиши мумкин эмас, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Солиқ сирини ошкор этиш жумласига, хусусан, солиқ тўловчининг тижорат сирини (ишлаб чиқариш сирини) ташкил этувчи ва давлат органининг мансабдор шахсига, жалб этилган мутахассисга ёки экспертга улар ўз мажбуриятларини бажариши чоғида маълум бўлиб қолган ахборотдан фойдаланиш ёки уни бошқа шахсга бериш киради.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг солиқ органларига ёки бошқа тегишли органларига солиқ тўловчи тўғрисида сўралган маълумотларни тақдим этиш солиқ сирини ошкор этиш сирасига кирмайди.

Давлат органларига келиб тушган солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар махсус сақлаш ва фойдаланиш режимига эга.

Солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган мансабдор шахслар фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Солиқ сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатларнинг йўқотилиши ёки бундай маълумотларнинг ошкор этилиши қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасарруфидаги, солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни киритадиган ва уларга ишлов берадиган ташкилотлар томонидан олинган маълумотларга, шунингдек мазкур ташкилотларнинг ходимларига нисбатан татбиқ этилади.

4-боб. Ушбу Кодексда қўлланиладиган асосий тушунчалар

30-модда. Жисмоний шахслар

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслардир.

Тегишли мақоми ўзига нисбатан белгиланган солиқ даври бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кетма-кет ўн икки ойлик давр давомида жами бир юз саксон уч календарь кундан кўпроқ Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатда бўлган жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисми қоидалари мазкур моддада белгиланган хусусиятларни ва Ўзбекистон Республикасининг солиқ солиш масалаларига доир халқаро шартномалари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

Агар жисмоний шахс тегишли солиқ даврида Ўзбекистон Республикасида жами бир юз саксон уч кундан кам бўлиб, бироқ ушбу

туриш муддати унинг бошқа бирор-бир давлатда турган муддатидан кўпроқ бўлса ҳам, у Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилади.

Агар жисмоний шахс ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ўн икки ойлик муддат тугагунга қадар солиқ органларига узоқ муддатли меҳнат шартномасини ёки ушбу модданинг иккинчи – тўртинчи қисмларида назарда тутилган шартлар бажарилишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этса, ўзининг аризасига биноан Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатан бўлиб туриши даври унинг қисқа муддатли (олти ойдан кам) даволаниш ёки ўқиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиққан даврида узилмайди.

Ушбу модда мақсадларида чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг қуйидаги даврлар мобайнида бўлган вақти унинг Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатда бўлган вақтига тааллуқли ҳисобланмайди:

1) дипломатик ёки консуллик мақомига эга шахс сифатида бўлган даври;

2) Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган, халқаро шартнома бўйича тузилган халқаро ташкилотнинг ходими сифатида бўлган даври;

3) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаган тақдирда, ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган шахслар оиласининг аъзоси сифатида бўлган даври.

Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатан қанча вақт бўлганлигидан қатъи назар, чет элда хизматни ўтаётган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаш учун хизмат сафарига юборилган давлат ҳокимияти органларининг ходимлари Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда бўлиб турганликни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикасига кириш (Ўзбекистон Республикасидан чиқиш) куни чет давлатларнинг давлат чегараларини кесиб ўтганлик тўғрисидаги белги асосида аниқланади. Бундай белги Ўзбекистон Республикасининг ва (ёки) чет давлатнинг чегара назоратини амалга оширувчи ваколатли органи томонидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга ва (ёки) Ўзбекистон Республикасига кириш (Ўзбекистон Республикасидан чиқиш) ҳужжатларига қўйилади. Шунингдек шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда бўлиб турганлиги давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган, солиқ органида мавжуд бўлган маълумотлар асосида ҳам аниқланиши мумкин.

Агар ушбу модданинг тўққизинчи қисми қоидалари жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатан ҳам бўлиб

турганлик вақтини аниқ белгилаш имконини бермаса, жисмоний шахс солиқ органига ўзининг календарь йил (йиллар) давомида ҳақиқатда бўлиб турган жойини тасдиқловчи ҳужжатларни (уларнинг кўчирма нусхаларини), шунингдек ўзининг ҳақиқатда бўлиб турган жойини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа ҳужжатларни (ёки уларнинг кўчирма нусхаларини) тақдим этади:

1) шахсни тасдиқловчи ҳужжат;

2) белгиланган тартибда расмийлаштирилган Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшаш учун рухсатнома;

3) ҳақиқатда бўлиб турган жойини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Агар ушбу модданинг қоидаларига ёки Ўзбекистон Республикасининг солиқ солиш масалалари бўйича халқаро шартномаларига мувофиқ, бир вақтнинг ўзида жисмоний шахс ҳам Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти, ҳам чет давлатнинг солиқ резиденти деб тан олиш учун асослар бўлса, унинг солиқ резидентлиги шундай халқаро шартноманинг қоидаларига мувофиқ жисмоний шахс ҳаётининг манфаатларининг маркази асосида белгиланади. Бунда қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилган тақдирда, жисмоний шахс ҳаётининг манфаатларининг маркази Ўзбекистон Республикасида деб эътироф этилади:

1) жисмоний шахснинг эри (хотини) ва (ёки) яқин қариндошлари Ўзбекистон Республикасида яшаса;

2) Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсга ва (ёки) унинг эрига (хотинига) ва (ёки) унинг яқин қариндошларига мулк ҳуқуқида ёки бошқа асосларда тегишли бўлган, исталган вақтда унинг яшаши ва (ёки) эри (хотини) ва (ёки) унинг яқин қариндошлари яшаши мумкин бўлган кўчмас мулкнинг мавжудлиги.

Агар жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш жойи мавжуд бўлмаса, ушбу Кодекснинг мақсадлари учун яшаш жойи бу жисмоний шахснинг илтимосига биноан унинг бўлиб турган жойи бўйича белгиланиши мумкин. Бунда жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча яшаб турган ва рўйхатдан ўтган жойи (манзили) жисмоний шахснинг бўлиб турган жойи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари бўлмаган жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари деб эътироф этилади.

31-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлар

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, бироқ якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан

ўтмаган жисмоний шахсларга солиқ солиш ва уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш мақсадида якка тартибдаги тадбиркор сифатида қаралади.

32-модда. Юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари

Қуйидагилар юридик шахслардир:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган юридик шахслар (Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари);

2) чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига эга бўлган чет эл юридик шахслари (шу жумладан компаниялар ва бошқа корпоратив тузилмалар);

3) халқаро ташкилотлар.

Юридик шахснинг ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган, турган ери бўйича доимий иш жойлари жиҳозланган ҳар қандай бўлинмаси Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг алоҳида бўлинмасидир.

Юридик шахснинг алоҳида бўлинмасини эътироф этиш, унга қандай ваколатлар берилганлигидан ва унинг ташкил этилиши бўйича юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида ёки бошқа ташкилий-бошқарув ҳужжатларида акс эттирилганлиги ёки акс эттирилмаганлигидан қатъи назар, амалга оширилади.

Агар иш жойи бир ойдан ортиқ муддатга яратилган бўлса, у доимий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси юридик шахси алоҳида бўлинмасининг жойлашган ери ушбу юридик шахс мазкур алоҳида бўлинма орқали фаолият олиб борадиган жойдир.

33-модда. Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари бўлган юридик шахслар. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар

Қуйидаги юридик шахслар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентларидир:

1) Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;

2) Ўзбекистон Республикасининг солиқ солиш масалалари бўйича халқаро шартномаларига мувофиқ ушбу халқаро шартномаларни қўллаш мақсадлари учун Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этилган чет эл юридик шахслари;

3) ҳақиқатдаги бошқарув жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган чет эл юридик шахслари, агар Ўзбекистон Республикасининг солиқ масалалари бўйича халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисми 3-бандининг мақсадлари учун чет эл юридик шахси ҳақиқатда бошқариладиган жой ушбу Кодекснинг 34-моддаси қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Инвестиция фондининг (пай фондининг ёки жамоавий инвестицияларни амалга ошириш бошқа шаклининг) бошқарувчи компаниясини Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этиш ушбу инвестиция фондини (пай фондини ёки жамоавий инвестицияларни амалга оширишнинг бошқа шаклини) Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этиш учун асос бўлмайди. Мазкур фондлар (жамоавий инвестицияларни амалга оширишнинг бошқа шакллари) бошқарувчи шериклар ёки бошқа шахслар томонидан бошқарилган тақдирда ҳам шундай қоидалар қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари бўлмаган юридик шахслар Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари деб эътироф этилади.

34-модда. Чет эл юридик шахси ҳақиқатда бошқариладиган жой

Қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттасига риоя қилинган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси чет эл юридик шахси ҳақиқатда бошқариладиган жой деб эътироф этилади:

1) унинг ижро этувчи органи (ижро этувчи органлари) ўз фаолиятини ушбу юридик шахсга нисбатан мунтазам равишда Ўзбекистон Республикасидан туриб амалга оширади. Бунда Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятнинг бошқа давлатдагига (давлатлардагига) нисбатан сезиларли даражада кам ҳажмда амалга оширилиши фаолиятни мунтазам равишда амалга ошириш деб эътироф этилмайди;

2) унинг асосий (раҳбар) мансабдор шахслари (фаолиятни режалаштириш ва назорат қилишга, корхона фаолиятини бошқаришга ва бунинг учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга ваколатли бўлган шахслари) ушбу юридик шахсни раҳбарлик асосида бошқаришни асосан Ўзбекистон Республикасида амалга оширади. Бунда раҳбарлик асосида бошқариш жумласига, хусусан, ушбу чет эл юридик шахсининг жорий фаолиятига доир бўлган, бошқарувнинг ижро органлари ваколатларига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш киради.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги фаолиятни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг чет эл юридик шахсини ҳақиқатда бошқариш жойи сифатида эътироф этишга сабаб бўлмайди:

1) акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар тайёрлаш ва (ёки) қабул қилиш;

2) директорлар кенгашининг мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш;

3) чет эл юридик шахсининг фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш доирасида алоҳида функцияларни амалга ошириш.

Алоҳида функцияларни амалга оширишга, хусусан, стратегик режалаштириш, бюджетлаштириш, консолидациялашган молиявий ҳамда бошқарув ҳисоботини тайёрлаш ва тузиш, ушбу чет эл юридик шахсининг фаолиятини таҳлил қилиш, ички аудит ҳамда ички назорат, шунингдек стандартлар, услубиятлар ва (ёки) сиёсатларни қабул қилиш (маъқуллаш) киради.

Чет эл юридик шахсининг фаолиятига нисбатан қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ушбу юридик шахс ҳақиқатда бошқариладиган жой деб эътироф этилмайди:

1) фаолият ўзи доимий жойлашган ердаги давлатда (унинг ҳудудида) ўзининг малакали ходимлари ва активларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганда;

2) фаолият Ўзбекистон Республикаси билан солиқ солиш масалаларига доир амалдаги халқаро шартномага эга бўлган чет давлат ҳудудида амалга оширилганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларнинг бажарилганлиги ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.

Агар ушбу модданинг биринчи қисми 1-бандида ва (ёки) 2-бандида белгиланган шартлар бир вақтнинг ўзида ҳам Ўзбекистон Республикасига нисбатан, ҳам бирор-бир чет давлатга нисбатан бажарилаётганлиги ҳужжатлар билан тасдиқланса, агар чет эл юридик шахсига нисбатан қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси чет эл юридик шахси ҳақиқатда бошқарилаётган жой деб эътироф этилади:

1) бухгалтерия ёки бошқарув ҳисобини юритиш (бундан консолидациялашган молиявий ҳамда бошқарув ҳисоботларини тайёрлаш ва тузишга, шунингдек унинг фаолиятини таҳлил қилишга доир ҳаракатлар мустасно) Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган бўлса;

2) иш юритиш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган бўлса;

3) ходимларни оператив бошқариш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган бўлса.

35-модда. Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмалари

Чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилма юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасидир.

Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмалари жумласига, хусусан, фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий

инвестициялар ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари киради.

36-модда. Доимий муассаса

Ушбу Кодекснинг мақсадларида чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикасидаги тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман қайси доимий фаолият жойида амалга ошираётган бўлса, ўша жой чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деб эътироф этилади.

Доимий муассаса деганда қуйидагилар тушунилади, чунончи:

1) ҳар қандай бошқарув жойи, филиал, бўлинма, бюро, идора, офис, хона, агентлик, фабрика, устахона, цех, лаборатория;

2) товарни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, бутлаш, кадоклаш ва ўраб-жойлаш амалга ошириладиган жой;

3) савдо шохобчаси сифатида фойдаланиладиган ҳар қандай жой, шу жумладан омбор;

4) кон (шахта), нефть ёки газ қудуғи, карьер ёки табиий ресурслар казиб олинладиган бошқа ҳар қандай жой;

5) табиий ресурсларни ўрганиш (кидириш), ишлатиш, казиб олиш ва (ёки) улардан фойдаланиш учун қўлланиладиган қурилма ёки иншоот (шу жумладан уни монтаж қилиш), фақат қурилма ёки иншоот бир юз саксон уч кундан ортиқ муддат мобайнида фойдаланилаётган бўлиши ёки фойдаланиш учун тайёр бўлиши шарт;

6) қувур, газ қувури билан боғлиқ фаолият (шу жумладан назорат ёки кузатув) амалга ошириладиган ҳар қандай жой;

7) ўйин автоматларини (шу жумладан уларга қўшимчаларни), компьютер тармоқлари ва алоқа каналларини, аттракционларни ўрнатиш, созлаш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жой.

Қуйидагилар ҳам доимий муассаса деб эътироф этилади:

1) қурилиш майдони, қурилиш, монтаж қилиш ёки йиғиш объекти ёхуд улар билан боғлиқ кузатув (назорат қилиш) фаолияти, башарти бундай майдон, объект ёки фаолият исталган кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр мобайнида бир юз саксон уч кундан ортиқ муддат мобайнида мавжуд бўлса ёки давом этса;

2) хизматлар кўрсатиш, шу жумладан ушбу чет эл юридик шахси томонидан ўз хизматчилари ёки шу мақсадлар учун унинг томонидан ёлланган бошқа ходимлар орқали бажариладиган маслаҳат хизматлари, башарти бундай фаолият (айни бир лойиҳа билан боғлиқ шахс ёки чет эл юридик шахсининг боғланган тарафи учун) исталган кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр мобайнида камида бир юз саксон уч кун давом этса.

Агар ушбу модданинг учинчи қисми 1-бандида кўрсатилган қурилиш майдонида ёки бошқа объектда турли вақт даврларида, бир ёки бир нечта ўзаро боғлиқ чет эл юридик шахси томонидан хизматлар кўрсатиш амалга оширилса, бу даврларнинг ҳар бири алоҳида олинганда ушбу модданинг учинчи қисми 1 ва 2-бандларида кўрсатилган муддатдан ёки муддатлардан ошмаса, ушбу хизматларга доир фаолият даврлари мазкур қурилиш майдонида ёки бошқа объектда фаолият амалга оширилган жами вақт даврига қўшилади.

Фақат тайёргарлик ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлган ва чет эл юридик шахси тадбиркорлик фаолиятининг асосий турлари ҳисобланмайдиган қуйидаги фаолият турлари доимий муассасани ташкил этишга олиб келмайди:

1) объектлардан фақат ушбу юридик шахсга тегишли товарларни ёки буюмларни сақлаш ёхуд намойиш этиш мақсадида фойдаланиш;

2) ўзига тегишли товарлар ёки буюмлар захираларини фақат сақлаш ёки намойиш этиш мақсадида асраб туриш;

3) ўзига тегишли товарлар ёки буюмлар захираларини фақат уларнинг бошқа шахс томонидан қайта ишланиши мақсадида сақлаб туриш;

4) доимий фаолият жойини фақат товарларни, буюмларни харид қилиш ёки ушбу чет эл юридик шахси учун ахборот йиғиш мақсадида сақлаб туриш;

5) доимий фаолият жойини фақат тайёргарлик ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлган бошқа ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш мақсадида сақлаб туриш;

6) доимий фаолият жойини ушбу қисмнинг 1 – 5-бандларида эслатиб ўтилган фаолият турларининг исталган бирикмаси учун сақлаб туриш, башарти ушбу доимий фаолият жойининг бундай бирикмадан юзага келган жами фаолияти тайёргарлик хусусиятига ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлса. Бунда тайёргарлик хусусиятига ва ёрдамчи хусусиятга эга бўлган фаолият учинчи шахслар учун эмас, балки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ўзи учун амалга оширилиши керак.

Ушбу модданинг бешинчи қисми қоидалари тадбиркорлик фаолиятининг чет эл юридик шахси томонидан фойдаланилаётган ёки сақлаб турилган доимий жойига нисбатан, агар бу чет эл юридик шахси ёки у билан ўзаро боғлиқ бўлган шахс тадбиркорлик фаолиятини Ўзбекистон Республикасидаги ушбу жой ёки бошқа жой орқали амалга оширса ва қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, қўлланилмайди:

1) ушбу жой ёки бошқа жой чет эл юридик шахси учун ёхуд у билан ўзаро боғлиқ бўлган шахс учун ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ доимий муассасани ташкил этса;

2) икки нафар шахс, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган юридик шахслар томонидан доимий жой орқали ёки айна шу норезидент ёхуд у билан ўзаро боғлиқ бўлган шахс томонидан

ҳар иккала жой орқали амалга ошириладиган фаолият турларининг бирикмаси натижаси бўлган жами фаолият тайёргарлик хусусиятига ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлмаса.

Агар икки нафар шахс, шу жумладан чет эл юридик шахслари томонидан доимий жой орқали ёки айна шу шахс ёхуд у билан ўзаро боғлиқ бўлган шахс томонидан ҳар иккала жой орқали амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти умумий тадбиркорлик фаолиятининг бир қисми бўлган ўзаро тўлдириб турувчи функциялари бўлса, ушбу модданинг олтинчи қисми қоидалари қўлланилади.

Суғурта фаолиятини амалга оширувчи чет эл юридик шахси, қайта суғурталаш ҳолатларидан ташқари, агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта мукофотларини йиғса ёки тобе агент орқали таваккалчилик хатарларидан суғурта қилса, у Ўзбекистон Республикасида доимий муассасага эга деб эътироф этилади.

Агар бирор-бир шахс Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахси номидан ҳаракат қилса ва одатда мулк (хизматлар кўрсатиш) ҳуқуқини бошқа шахсларга ўтказишга ёки мол-мулкдан ушбу чет эл юридик шахси номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга доир контрактларни тузишда асосий роль ўйнаса, бундай шахснинг фаолияти ушбу чет эл юридик шахсининг доимий муассасаси ташкил этилишига олиб келади.

Агар чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини воситачилик (топшириқ) шартномаси ёки шунга ўхшаш шартнома асосида ҳаракат қилувчи ва битимларни ушбу чет эл юридик шахси номидан имзолашга ваколатли бўлмаган мустақил агент орқали амалга оширса, ушбу модданинг тўққизинчи қисми қоидалари қўлланилмайди. Бунда, агар бундай агент асосан ўзи билан ўзаро боғлиқ бўлган бир ёки бир нечта чет эл юридик шахси номидан ҳаракат қилса, бу шахс тобе агент деб ҳисобланади.

Чет эл юридик шахси томонидан чет эллик ходимларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун бошқа юридик шахсга бериш, қуйидаги шартлар бир вақтда бажарилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида доимий муассасани ташкил этишга олиб келмайди:

- 1) бундай ходимлар қайси юридик шахсга берилган бўлса, ўша юридик шахс номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилса;
- 2) ходимларни берган юридик шахс ушбу ходимларнинг иш натижалари учун жавобгар бўлмаса;
- 3) юридик шахснинг ходимларни беришдан олган даромади унинг ушбу ходимларни бериш юзасидан солиқ даврида қилган харажатлари умумий суммасининг 10 фоизидан ошмаса.

Чет эл юридик шахси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолият биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида амалга оширилган тақдирда:

- 1) бундай шартнома ҳар бир иштирокчисининг фаолияти ушбу моддада белгиланган қоидаларга мувофиқ доимий муассасани ташкил этади;

2) бундай шартноманинг ҳар бир иштирокчиси томонидан солиқ мажбуриятларини бажариш ушбу Кодексида белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширилади.

Чет эл юридик шахсининг фаолияти бундай фаолиятни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш бошланган санадан эътиборан ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ доимий муассасани ташкил этади.

Ушбу Кодексни қўллаш мақсадида чет эл юридик шахси томонидан Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга ошириш бошланган сана деб қуйидаги саналар эътироф этилади:

1) қуйидагилар юзасидан ҳар қандай контрактни (шартномани, битимни) тузиш санаси:

а) Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш, шу жумладан биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома доирасида хизматлар кўрсатиш;

б) ушбу юридик шахс номидан Ўзбекистон Республикасида ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш;

в) товарларни Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш ёки реализация қилиш мақсадида олиш;

г) Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш учун хизматларни олиш;

2) Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амал ошириш мақсадида биринчи меҳнат шартномасини (битимни, контрактни) тузиш санаси;

3) норезидент бўлган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасига келган сана, чет эл юридик шахси томонидан ушбу қисмнинг 1 ёки 2-бандларида кўрсатилган контракт (шартнома, битим) шартларини бажариш учун ходим ёки бошқа ходимлар ёлланган сана.

Агар ушбу модданинг ўн тўртинчи қисмида кўрсатилган бир нечта шарт бажарилса, ушбу саналарнинг нисбатан илгаригиси, бироқ ушбу модданинг ўн тўртинчи қисми 2 ва 3-бандларида кўрсатилган саналарнинг биринчисидан илгари кириб келмаган сана норезидентнинг Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга ошириши бошланган сана деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассасани ташкил этишга олиб келувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эл юридик шахси ушбу Кодексининг 130-моддасида белгиланган тартибда солиқ органида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиши шарт.

Агар чет эл юридик шахси битта солиқ органида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган икки ва ундан ортиқ доимий муассаса ташкил этилишига олиб келувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, битта доимий муассаса барча шундай доимий муассасалар гуруҳи бўйича рўйхатдан ўтказилиши лозим. Мазкур қоида ушбу модданинг учинчи қисми 1-бандида кўрсатилган қурилиш майдонини, қурилиш, монтаж ёки бошқа объектни ташкил этувчи фаолиятга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар чет эл юридик шахси ушбу модданинг иккинчи, учинчи ёки саккизинчи қисмларида кўрсатилган фаолиятни амалга оширадиган, рўйхатдан ўтказилган доимий муассасага эга бўлса ва ушбу доимий муассаса рўйхатдан ўтказилган жойдан фарқланувчи жойда шундай ёки шунга ўхшаш фаолиятни амалга оширса, бундай фаолиятни амалга ошириш ҳам мазкур фаолиятни амалга ошириш бошланган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган доимий муассасани ташкил этишга олиб келади.

Агар чет эл юридик шахсининг фаолияти кўчма хусусиятга эга бўлса (йўл қурилиши, фойдали қазилмаларни қидириш ва кўчма хусусиятга эга бўлган бошқа фаолият турлари), бу ҳолда бутун лойиҳага, унинг кўчма хусусиятидан қатъи назар, доимий муассаса сифатида қаралади.

Агар доимий муассаса Ўзбекистон Республикасининг Ягона солиқ тўловчилар реестридан чиқарилганидан кейин чет эл юридик шахси ўн икки ойлик давр ичида ушбу модданинг иккинчи ёки учинчи қисмларида кўрсатилган фаолиятини тикласа, у доимий муассасани ташкил этган деб эътироф этилади ва бундай фаолият тикланган санадан эътиборан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

37-модда. Ўзаро боғлиқ бўлган шахслар

Агар шахслар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу шахслар тузадиган битимларнинг шартларига ва (ёки) натижаларига ва (ёки) ушбу шахслар фаолиятининг иқтисодий натижаларига ёки ўзларини вакил қилган шахсларнинг фаолиятига таъсир кўрсатса, ушбу қисмда кўрсатилган шахслар солиқ солиш мақсадларида ўзаро боғлиқ бўлган шахслар деб эътироф этилади.

Шахсларнинг ўзаро боғлиқлигини эътироф этиш учун бир шахснинг бошқа шахслар капиталида улар ўртасида тузилган битимга мувофиқ иштирок этиши туфайли ёхуд бир шахснинг бошқа шахслар томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилашда бошқача имконияти мавжуд бўлганда кўрсатилиши мумкин бўлган таъсир инobatга олинади. Бундай таъсир, у битта шахс томонидан бевосита ва мустақил равишда ёки шахснинг ушбу моддага мувофиқ ўзаро боғлиқ деб эътироф этиладиган ўзаро боғлиқ шахслари билан биргаликда кўрсатилиши мумкинлигидан ёки мумкин эмаслигидан қатъи назар, инobatга олинади.

Ушбу Кодекснинг мақсадларида мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари инobatга олинган ҳолда қуйидагилар ўзаро боғлиқ шахслар деб эътироф этилади:

1) юридик шахслар, агар бир юридик шахс бошқа юридик шахсда бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этса ва бундай иштирокнинг улуши 20 фоиздан ортиқни ташкил этса;

2) жисмоний шахс ва юридик шахс, агар жисмоний шахс ушбу юридик шахсда бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этса ҳамда бундай иштирокнинг улуши 20 фоиздан ортиқни ташкил этса;

3) юридик шахслар, агар айна бир шахс бевосита ва (ёки) билвосита ушбу юридик шахсларда иштирок этса ва ҳар бир юридик шахсдаги бундай иштирокнинг улуши 20 фоиздан ортиқни ташкил этса;

4) юридик шахс ва ушбу юридик шахснинг якка тартибдаги ижро этувчи органи тайинловига (сайловига) кўра ёки ушбу юридик шахснинг коллегиял ижро этувчи органи ёки директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркиби камида 50 фоизининг тайинловига (сайловига) кўра ваколатларга эга бўлган шахс (шу жумладан жисмоний шахс). Жисмоний шахс билан боғлиқ ҳолда, унинг ваколатларини белгилаш чоғида жисмоний шахснинг ушбу қисмининг 11-бандида кўрсатилган ўзаро боғлиқ шахслари билан биргаликдаги ваколатлари ҳам инобатга олинади;

5) коллегиял ижро этувчи орган ёки директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибининг камида 50 фоизи айна бир шахснинг (шу жумладан жисмоний шахснинг) қарорига кўра тайинланган ёки сайланган юридик шахслар. Жисмоний шахс билан боғлиқ ҳолда эса, ушбу шахснинг қарорларини белгилаш чоғида унинг ушбу қисмининг 11-бандида кўрсатилган ўзаро боғлиқ шахслари билан биргаликда қабул қилинган қарорлари ҳам инобатга олинади;

6) коллегиял ижро этувчи орган ёки директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибининг 50 фоиздан ортиқини айна бир жисмоний шахслар ташкил этадиган юридик шахслар. Бунда жисмоний шахснинг бевосита иштироки ушбу қисмининг 11-бандида кўрсатилган шахс билан ўзаро боғлиқ шахсларнинг иштирокига тенглаштирилади;

7) юридик шахс ва унинг якка тартибдаги ижро этувчи органи ваколатларини амалга оширувчи шахс;

8) якка тартибдаги ижро этувчи органнинг ваколатлари айна бир шахс томонидан амалга ошириладиган юридик шахслар;

9) юридик шахслар ва (ёки) жисмоний шахслар, агар ушбу шахсларнинг бири бошқа шахсда бевосита иштирок этишини акс эттирувчи кетма-кетликда ҳар бир илгариги шахснинг кейинги юридик шахсдаги бевосита иштироки 50 фоиздан ортиқни ташкил этса;

10) жисмоний шахслар, агар бир жисмоний шахс бошқа жисмоний шахсга лавозим мавқеи бўйича бўйсунса;

11) жисмоний шахс, унинг эри (хотини), ота-онаси (шу жумладан уни фарзандликка олган ота-онаси), эрининг (хотинининг) ота-онаси, фарзандлари (шу жумладан у фарзандликка олган фарзандлар), тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қариндош ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек васийси (ҳомийси) ва жисмоний шахс ҳомийлигидаги шахс.

Жисмоний шахснинг ва унинг ушбу модданинг учинчи қисми 11-бандида кўрсатилган ўзаро боғлиқ шахсларининг юридик шахсда иштирок этишининг жами улуши ушбу модданинг мақсади учун жисмоний шахснинг ушбу юридик шахсда иштирок этиши улуши деб эътироф этилади.

Агар шахслар томонидан тузиладиган битимларнинг шартларига ва (ёки) натижаларига ва (ёки) бу шахслар фаолиятининг иктисодий натижаларига бир ёки бир нечта бошқа шахслар томонидан уларнинг бозордаги устун мавқеи туфайли ёхуд бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли таъсир кўрсатилса, бундай таъсир шахсларни ўзаро боғлиқ деб эътироф этиш учун асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон юридик шахсларидаги бевосита ва (ёки) билвосита иштироки бундай юридик шахсларни ўзаро боғлиқ деб эътироф этиш учун ўз-ўзидан асос бўлмайди. Мазкур юридик шахслар ушбу моддада назарда тутилган бошқа асосларга кўра ўзаро боғлиқ деб эътироф этилиши мумкин.

Агар ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги муносабатлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган белгиларга эга бўлса, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича шахсларни ўзаро боғлиқ деб эътироф этиш суд томонидан амалга оширилади.

38-модда. Юридик шахсда иштирок этиш улуши

Солиқ солиш мақсадида бир жисмоний ёки юридик шахснинг (бундан буён матнда шахс деб юритилади) улуши танланган бошқа юридик шахсдаги (бундан буён матнда танланган юридик шахс деб юритилади) улушни аниқлаш учун ушбу шахснинг танланган юридик шахсда бевосита ва билвосита иштирок этиш улушларининг суммаси тарзида аниқланади.

Танланган юридик шахс овоз берувчи акцияларининг бевосита шу шахсга тегишли бўлган улуши ёки танланган юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) бевосита ушбу шахсга тегишли бўлган улуши юридик шахсда бевосита иштирок этиш улуши деб эътироф этилади.

Шахснинг танланган юридик шахсда бевосита иштирок этиш улушини аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, иштирокчиларнинг танланган юридик шахсдаги сонига мутаносиб равишда аниқланадиган улуш шахснинг танланган юридик шахсда бевосита иштирок этиш улуши деб эътироф этилади.

Қуйидаги тартибда аниқланадиган улуш шахснинг танланган юридик шахсда билвосита иштирок этиш улуши деб эътироф этилади:

1) ушбу шахснинг танланган юридик шахсда иштирок этишининг барча кетма-кетлиги ҳар бир илгариги юридик шахснинг тегишли кетма-кетликдаги ҳар бир кейинги юридик шахсдаги бевосита иштироки орқали аниқланади;

2) ҳар бир илгариги юридик шахснинг ҳар бир кейинги юридик шахсдаги бевосита кетма-кетликдаги иштирок этиш улуши аниқланади;

3) ҳар бир шундай кетма-кетлик учун ушбу кетма-кетликнинг барча юридик шахслари учун бевосита иштирок этиш улуши топилади;

4) ҳар бир шундай кетма-кетлик учун топилган бевосита иштирок этиш улушларининг барчаси жамланади.

Ташкилотда иштирок этиш улушини аниқлашда жисмоний шахснинг ёки юридик шахснинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасидаги иштирок этиш улуши ҳам ҳисобга олинади, ушбу шахс қайси чет давлатнинг (худуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсис этилган бўлса, шу қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотларнинг ёхуд юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги ўзга чет эл тузилмаларининг капиталида иштирок этишга ҳақлидир.

Юридик шахсда иштирок этиш улушини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кўпи билан бир йил муддатга тузилган РЕПО шартномаси доирасида олинган қимматли қоғозларга эгаллик қилиш орқали амалга оширилган иштирок ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ РЕПО операцияси деб эътироф этиладиган операция натижасида амалга оширилган иштирок ҳисобга олинмайди.

Бундай ҳолларда юридик шахсда иштирок этиш улушини аниқлаш мақсадида ушбу қимматли қоғозлар, агар РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчи томонидан сотилган қимматли қоғозлар унинг томонидан РЕПОнинг бошқа операцияси бўйича ёки қимматли қоғозлар қарзига доир операциялар бўйича сотилсагина, РЕПОнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотувчи бўлган шахсда ҳисобга олинади.

РЕПОнинг иккинчи қисми бажарилмаган ёки тўлиқ бўлмаган ҳажмда бажарилган, шунингдек РЕПО шартномаси кўпи билан бир йил муддатга тузилган тақдирда, бир юридик шахснинг бошқа юридик шахсда иштирок этиш улушини аниқлаш ушбу модданинг бешинчи қисмида белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахсда иштирок этиш улушини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган қимматли қоғозлар қарзига доир шартнома доирасида кўпи билан бир йил муддатга олинган қимматли қоғозларга эгаллик қилиш воситасида амалга оширилган иштирок ҳисобга олинмайди.

Бундай ҳолларда юридик шахсда иштирок этиш улушини аниқлаш мақсадида бу қимматли қоғозлар, агар қимматли қоғозлар қарзига доир шартнома доирасида берилган қимматли қоғозлар кредитор томонидан қимматли қоғозлар қарзига доир бошқа операция бўйича ёки РЕПО операцияси бўйича олинган бўлсагина, кредитор бўлган (қимматли қоғозларни қарзга берадиган) шахсда ҳисобга олинади.

Қимматли қоғозлар қарзига доир операциялар бўйича қимматли қоғозларни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаган ёки тўлиқ бўлмаган ҳажмда бажарилган, шунингдек қимматли қоғозлар қарзи юзасидан бир йилдан ортиқ муддатга шартнома тузилган тақдирда бир юридик шахснинг бошқа юридик шахсда иштирок этиш улушини аниқлаш ушбу модданинг

еттинчи қисмида белгиланган ўзига хос хусусиятлар инobatга олинмаган ҳолда амалга оширилади.

Бир юридик шахснинг бошқа юридик шахсда ёки жисмоний шахснинг юридик шахсда иштирок этиш улушини аниқлашдаги қўшимча ҳолатлар суд томонидан аниқланади.

39-модда. Назорат қилинадиган чет эл компаниялари

Солиқ солиш мақсадида бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган чет эл юридик шахси назорат қилинадиган чет эл компанияси деб эътироф этилади:

1) чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилмайди;

2) Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этиладиган юридик ва (ёки) жисмоний шахслар чет эл юридик шахсини назорат қилувчи шахслар ҳисобланади.

Назорат қилувчи шахслари Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этиладиган юридик ва (ёки) жисмоний шахс бўлган, юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси ҳам назорат қилинадиган чет эл компанияси деб эътироф этилади.

Инвестиция фондининг (пай фондининг ёки жамоавий инвестицияларни амалга ошириш бошқа шаклининг) бошқарувчи компаниясини Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этиш ўз-ўзидан ушбу қисмда кўрсатилган шахс ўзи учун назорат қилувчи шахс бўлган ушбу инвестиция фондини (пай фондини ёки жамоавий инвестицияларни амалга оширишнинг бошқа шаклини) назорат қилувчи компания деб эътироф этишга асос бўлмайди. Мазкур фондлар (жамоавий инвестицияларни амалга оширишнинг бошқа шакллари) бошқарувчи шериклар ёки ўзга шахслар томонидан бошқарилган тақдирда ҳам шундай қоидалар қўлланилади.

40-модда. Чет эл компаниялари устидан назорат қилиш ва назорат қилувчи шахслар

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ солиш мақсадида қуйидагилар чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахслари деб эътироф этилади:

1) чет эл компаниясида иштирок этиш улуши 25 фоиздан ортиқни ташкил этадиган, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этиладиган юридик ёки жисмоний шахс;

2) ушбу компанияда иштирок этиш улуши 10 фоиздан ортиқ бўлган юридик ёки жисмоний шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этиладиган барча шахсларнинг ушбу компанияда иштирок этиш улуши 50 фоиздан ортиқ бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисми мақсади учун чет эл компаниясида иштирок этиш улуши ушбу Кодекснинг 38-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жисмоний шахслар учун иштирок этиш улуши ушбу Кодекснинг 37-моддаси учинчи қисми 11-бандида кўрсатилган шахслар билан биргаликда ҳисобга олинади.

Агар шахснинг чет эл компаниясида иштирок этиши листинг тартиб-таомилидан ўтган ва (ёки) тегишли лицензияга эга бўлган биржаларда ёки чет эл молиявий воситачилари рўйхатига киритилган биржаларда муомалага киритилган қимматли қоғозлар (депозитар қайдлар) эмитенти бўлган бир ёки бир нечта Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этиши орқалигина амалга оширилган бўлса ҳамда бу шахс ушбу модданинг бешинчи – ўн иккинчи қисмларига мувофиқ назоратчи шахс деб тан олинмаса, мазкур шахс чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этилмайди. Бунда чет эл молиявий воситачилари деганда Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган рўйхатга киритилган чет эл фонд биржалари ва чет эл депозитар-клиринг ташкилотлари тушунилади.

Қайси шахснинг иштирок этиш улушига нисбатан компанияда ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этилмаса, бироқ бунда бу шахс мазкур компания устидан назоратни шахсий манфаатларини ёки ушбу Кодекснинг 37-моддаси учинчи қисми 11-бандида назарда тутилган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширса, ўша шахс ҳам чет эл компаниясининг назорат қилувчи органи деб эътироф этилади.

Соф фойдани (даромадни) тақсимлашга нисбатан компания томонидан қабул қилинадиган қарорларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш ёки таъсир кўрсатиш имконияти ушбу Кодекснинг мақсадлари учун компания устидан назоратни амалга ошириш деб эътироф этилади. Бунда шахснинг бундай қарорларга ҳам ушбу компанияда бевосита ёки билвосита иштирок этиши туфайли, ҳам ушбу компанияни бошқариш қайси шартноманинг (битимнинг) предмети бўлса, ўша шартномада (битимда) иштирок этиши туфайли ёхуд ушбу шахс ҳамда компания ва (ёки) ўзга шахслар ўртасидаги бошқа ўзига хос муносабатлар туфайли таъсир этиши ёки таъсир этиш имконияти ҳисобга олинади.

Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг активларини бошқарувчи шахс томонидан ушбу тузилма олган фойдани (даромадни) жисмоний шахс қайси давлатнинг (худуднинг) фуқароси бўлса ёки юридик шахс қайси давлатда (худудда) ташкил этилган бўлса, ўша давлатнинг (худуднинг) қонун ҳужжатларига ва мазкур юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ тақсимлашга нисбатан қабул қилинадиган қарорга таъсир кўрсатиш ёки таъсир кўрсатиш имконияти ушбу Кодекснинг

мақсадлари учун юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси устидан назоратни амалга ошириш деб эътироф этилади.

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг мақсадлари учун юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг назорат қилувчи шахси деб ушбу тузилманинг муассиси (асосчиси) эътироф этилади.

Агар ушбу модданинг ўн биринчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса ва агар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасининг муассисига (асосчисига) нисбатан бир вақтнинг ўзида қуйидаги барча шартларга риоя этилса, ушбу муассис (асосчи) мазкур тузилмани назорат қилувчи шахс деб эътироф этилмайди:

1) бундай шахс бу тузилманинг фойдасини (даромадини) бевосита ёки билвосита тўлиқ ёки қисман олишга (олишни талаб қилишга) ҳақли бўлмаса;

2) бундай шахс бу тузилманинг фойдасини (даромадини) ёки унинг бир қисмини тасарруф этишга ҳақли бўлмаса;

3) бундай шахс бу тузилмага берилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ўзида сақлаб қолмаган бўлса (мол-мулк бу тузилмага қайтармаслик шартлари асосида берилган бўлса);

4) бундай шахс бу тузилма устидан ушбу модданинг еттинчи қисмига мувофиқ назоратни амалга оширмаса.

Агар юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг муассиси (асосчиси) бу тузилманинг активларини ўз мулкига ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмаса, ушбу модданинг тўққизинчи қисми 3-бандида назарда тутилган шарт бажарилган деб эътироф этилади. Бунда ушбу тузилманинг активларини тузилманинг бутун мавжуд бўлиш даври мобайнида, шунингдек у тугатилган (шартнома тугатилган, бекор қилинган) тақдирда, тўлиқ ёки қисман мулкка ўтказишга доир чеклов ушбу тузилма ташкил этилган чет давлатнинг (ҳудуднинг) конун ҳужжатлари ва (ёки) тузилманинг таъсис ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ушбу модданинг тўққизинчи қисмида кўрсатилган шахс, агар у ушбу модданинг тўққизинчи қисми 1 – 3-бандларида кўрсатилган ҳуқуқлардан исталганини олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган бўлса, юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этилади.

Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг таъсис этувчиси (асосчиси) ҳисобланмайдиган ўзга шахс ҳам, агар бундай шахс тузилма устидан назоратни амалга оширса ва бунда унга нисбатан қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, ушбу Кодекс мақсадларида ушбу шахс мазкур тузилманинг назорат қилувчи шахси деб эътироф этилади:

1) бундай шахс ушбу тузилма томонидан олинадиган даромадга (унинг бир қисмига) нисбатан ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлса;

2) бундай шахс ушбу тузилманинг мол-мулкни тасарруф этишга ҳақли бўлса;

3) бундай шахс ушбу тузилма тугатилган (шартнома тугатилган, бекор қилинган) тақдирда унинг мол-мулкани олишга ҳақли бўлса.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти ўзини мустакил равишда ушбу модданинг биринчи ёки бешинчи қисмларида назарда тутилган асосларга кўра, чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб ёки ушбу модданинг тўққизинчи ёки ўн иккинчи қисмларида назарда тутилган асосларга кўра, юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмасининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этишга ҳақли. Бундай ҳолларда, ўзини назорат қилувчи шахс деб эътироф этган шахс ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда тегишли билдириш хати юборади.

Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаларининг назорат қилувчи шахсларини эътироф этишнинг ушбу моддада белгиланган қоидалари, қайси чет эл юридик шахсларини назорат қилувчи шахслар учун улар таъсис этилган ёки фуқароси бўлган чет давлатнинг (худуднинг) конун ҳужжатларига мувофиқ капиталда иштирок этиши назарда тутилмаган бўлса, ўша шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

41-модда. Дивидендлар ва фонизлар

Қуйидагилар дивидендлар деб эътироф этилади:

1) юридик шахснинг фойдасини (шу жумладан имтиёзли акциялар бўйича фонизлар тарзидаги фойдасини) ушбу юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) тегишли акциялар (улушлар) бўйича тақсимлаш чоғида акциядор (иштирокчи) томонидан олинган ҳар қандай даромад;

2) тугатиш чоғида юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) ушбу акциядорнинг (иштирокчининг) шу юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдоридан кўп бўлган қисми бўйича пул ёки натура шаклидаги тўловлар;

3) жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улуши қисмининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини ушбу акциядорнинг (иштирокчининг) шу юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдоридан кўп бўлмаган қисми бўйича тўлаш;

4) ушбу юридик шахснинг ўз капитали (мол-мулки) ҳисобига устав фонди (устав капитали) ошган тақдирда юридик шахс акциядорининг (иштирокчисининг) қўшимча акциялар қиймати (улуш номинал қийматининг ошиши) тарзида олинган даромадлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган даромадлар, башарти улар акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) бундай даромадни тўловчи юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тўланса, дивидендлар деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан олинадиган, чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ дивидендлар жумласига киритиладиган ҳар қандай даромадлар ҳам дивидендлар деб эътироф этилади.

Ушбу Кодекснинг мақсадлари учун хусусий корхона мулкдорига, оилавий корхона иштирокчисига ёки фермер хўжалиги бошлиғига бундай юридик шахслар тасарруфида қолган фойда суммасидан тўланадиган даромадлар дивидендларга тенглаштирилади.

Илгари билдирилган (белгиланган) ҳар қандай даромад, шу жумладан ҳар қандай турдаги қарз мажбуриятлари бўйича дисконт тарзида олинган даромад (уни расмийлаштириш усулидан қатъи назар), шу жумладан пул омонатлари бўйича олинган даромад фоизлар деб эътироф этилади.

42-модда. Даромад

Нафни баҳолаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда ва бундай нафни баҳолаш мумкин бўлган даражада ҳисобга олинадиган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий наф даромад деб эътироф этилади.

43-модда. Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган даромадлар

Солиқ тўловчининг даромадлари Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар жумласига киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий фаолиятдан олинган даромадлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси, ҳуқуқ лаёқати ва (ёки) унинг давлат органлари ва иқтисодий муносабатларнинг бошқа субъектлари билан иқтисодий муносабатларга бевосита боғлиқ бўлган бошқа даромадлар Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар жумласига киради.

Агар ушбу Кодекснинг қоидалари даромадларни Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларга ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадларга қатъий киритиш имкониятини бермаса, даромадни у ёки бу манбага киритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади. Мазкур даромадларнинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларга киритиш мумкин бўлган улуши ва Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадларга киритиш мумкин бўлган улуши айти шундай тартибда аниқланади.

44-модда. Роялти

Ҳар қандай номоддий активдан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловлар роялти деб эътироф этилади, шу жумладан:

санъат, адабиёт, илм-фан, шу жумладан дастурий таъминот ва маълумотлар базаларига, чизмага, дизайнга ёки моделга, режага, махфий формулага, технологияга ёки жараёнга, аудиовизуал асарларга ҳамда турдош ҳуқуқлар объектларига, шу жумладан ижролар ва фонограммаларга бўлган муаллифлик ҳуқуқлари;

патентлар, товар белгилари, савдо маркалари ёки ҳуқуқнинг бошқа шунга ўхшаш турлари;

саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли ахборот (ноу-хау). Бунда илмий-техника соҳасидаги интеллектуал фаолият натижалари ва (ёки) касбий фаолиятни амалга ошириш усуллари тўғрисидаги, илгариги тажрибадан келиб чиқадиган, иқтисодий фаолиятда амалий жиҳатдан қўлланиладиган, шунингдек (унинг учинчи шахсларга маълум эмаслиги туфайли) ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлган саноат, тижорат ёки илмий хусусиятга эга ахборот (агар бундай маълумотлардан қонуний асосда эркин фойдаланиш имконияти учинчи шахсларда мавжуд бўлмаса) ва унинг ошкор этилиши натижасида иқтисодий наф олиш мумкин бўлса, бу ахборот ноу-хау деб тушунилади.

Қуйидагилар учун тўланадиган тўловларга роялти сифатида қаралмайди:

1) компьютер дастурларидан фойдаланганлик (шу жумладан дастурни жойлаштирилган ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда созлаш йўли билан мослаштириш), агар фойдаланиш шартлари бундай дастурнинг мўлжалланган функционал мақсади билан чекланган ва уни такрорлаш бундай фойдаланиш учун зарур бўлган кўчирма нусхалар сони билан чегараланган бўлса;

2) шахснинг фойдаланиши, эгалик қилиши ва (ёки) тасарруф этиши учун ушбу қисмнинг 1-бандида белгиланган интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари ўзида акс эттирилган ёки турган товарларни (шу жумладан ахборот ташувчиларни) сотиб олганлик;

3) компьютер дастурларини ва маълумотлар базаларини (ҳисоблаш техникасининг дастурий воситаларини ва ахборот маҳсулотларини) ишлаб чиқиш, шунингдек дастурларни ўрнатиш, уларга ишлов бериш ва уларни созлаш, мослаштириш ва модификация қилиш бўйича хизматлар кўрсатганлик;

4) буюртмачи билан тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатиш натижаси ҳисобланадиган, янги олинган, саноат, тижорат ёки илмий хусусиятга эга бўлган ахборотдан фойдаланганлик;

5) дастурий маҳсулотнинг нусхаларини уларни такрорлаш ҳуқуқисиз ёки агар уларни такрорлаш яқуний истеъмолчи томонидан фойдаланиш билан чекланган бўлса, тарқатишга бўлган ҳуқуқни ўтказганлик.

45-модда. Товарлар ва хизматлар. Товарлар (хизматлар) бозори

Табиатнинг ёки инсон фаолиятининг (шу жумладан интеллектуал фаолиятнинг) қиймат баҳосига эга бўлган ва реализация қилиш учун мўлжалланган ҳар қандай предмети товар деб эътироф этилади.

Товарлар деб, хусусан, электр энергияси, маълумотлар базаси, ахборот, интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан уларга бўлган мутлақ ҳуқуқлар эътироф этилади.

Солиқ солиш мақсадида мулкӣ ҳуқуқлар ҳам товар деб эътироф этилади.

Номоддий хусусиятга эга бўлган, пулда ифодаланган баҳога эга мол-мулкка қаратилган ва ушбу мол-мулкдан мустақил равишда, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда муомалада бўлишга қодир (олди-сотди шартномасининг объекти ёхуд шартномада ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган, ушбу мулкӣ ҳуқуққа эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган, ўз мулкдоридан ўзга шахсга бошқача тарзда ўтказиш объекти бўлиши мумкин бўлган) фуқаровий ҳуқуқ объекти солиқ солиш мақсадида мулкӣ ҳуқуқ деб эътироф этилади.

Мулкӣ ҳуқуқлар жумласига қуйидагилар киради, чунончи: кредиторнинг қарздорга талаб қўйиш ҳуқуқи, хўжалик жамиятининг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш улуши, қимматли қозғалар, муаллифнинг (ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг) интеллектуал мулк объектига бўлган ҳуқуқи, шунингдек ҳуқуқларнинг замирида ётган мол-мулк билан боғлиқ, сотилиши ёки ўз мулкдоридан ўзга шахсга бошқача тарзда ўтказилиши мумкин бўлган бошқа турлари.

Ашёнинг ўзини ўтказмай туриб, мустақил муомалада бўлиши мумкин бўлмаган ашёвий ҳуқуқларга мулкӣ ҳуқуқлар сифатида қаралмайди.

Божхона тўловларини ундириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида бојхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ товарлар жумласига бошқа мол-мулк киритилиши мумкин.

Бошқа шахсларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган маҳсулотларни (моддий ёки номоддий) ишлаб чиқаришга доир тадбиркорлик фаолиятининг турлари, шунингдек бошқа шахслар учун бажариладиган ишлар солиқ солиш мақсадида хизматлар деб эътироф этилади.

Жисмоний шахсларнинг иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси доирасидаги фаолияти хизматлар жумласига кирмайди.

Бир хил хусусиятли асосий белгиларга эга бўлган товарлар (хизматлар) солиқ солиш мақсадида айнан ўхшаш товарлар (хизматлар) деб эътироф этилади.

Товарларнинг айнан ўхшашлигини аниқлашда бундай товарларнинг ташқи кўринишидаги арзимас фарқлар ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Товарларнинг айнан ўхшашлигини аниқлашда уларнинг физик хусусиятлари, сифати, мўлжалланган вазифаси, келиб чиққан мамлакати

ва ишлаб чиқарувчиси, унинг бозордаги ишбилармонлик обрўси ҳамда фойдаланиладиган товар белгиси ҳисобга олинади.

Хизматларнинг айнан ўхшашлигини аниқлашда бажарувчининг (пудратчининг) хусусиятлари, унинг бозордаги ишбилармонлик обрўси ва фойдаланиладиган товар белгиси ҳисобга олинади.

Айнан ўхшаш бўлмаган ҳолда, бир хил хусусиятларга эга бўлган ҳамда айни бир вазифани бажариш имкониятини берадиган ўхшаш таркибий қисмлардан иборат бўлган ва (ёки) тижорат жиҳатидан бир-бирининг ўрнини боса оладиган товарлар ушбу Кодекснинг мақсадлари учун бир турдаги товарлар деб эътироф этилади.

Товарларнинг бир турдалигини аниқлашда, уларнинг сифати, бозордаги мавқеи, товар белгиси, келиб чиққан мамлакати ҳисобга олинади.

Айнан ўхшаш бўлмаган ҳолда, тижорат жиҳатидан ва (ёки) бажарадиган вазифаси жиҳатидан бир-бирининг ўрнини босиш имкониятини берадиган бир хил хусусиятларга эга хизматлар бир турдаги хизматлар деб эътироф этилади.

Хизматларнинг бир турдалигини аниқлашда уларнинг сифати, товар белгиси, бозордаги мавқеи, шунингдек турлари, ҳажмлари, ноёблиги ва тижорат жиҳатидан бир-бирининг ўрнини боса олиши ҳисобга олинади.

Товарларнинг муомалада бўлиш соҳаси товарлар бозори деб эътироф этилади, бу соҳа харидорнинг (сотувчининг) бу товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқарида унча кўп бўлмаган қўшимча харажатларсиз олиш (реализация қилиш) имкониятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Хизматлар бозори ҳам худди шундай тартибда белгиланади.

46-модда. Товарлар ва хизматларни реализация қилиш

Товарларга бўлган мулк ҳуқуқини ҳақ олиш асосида ўтказиш ёки ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш, шу жумладан қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятларини бажармаганда гаровга қўйилган товарларни айирбошлаш ва ўтказиш товарларни ёки хизматларни реализация қилиш деб эътироф этилади.

Ушбу Кодекста назарда тутилган ҳолларда товарларга бўлган мулк ҳуқуқини бепул асосда ўтказиш ёки бепул асосда хизматлар кўрсатиш ҳам реализация қилиш деб эътироф этилади.

47-модда. Ҳисобварақ-фактура

Товарларни (хизматларни) реализация қилишда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, агар мазкур моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу товарларни (хизматларни) сотиб олувчиларга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт.

Ҳисобварақ-фактура, коида тариқасида, электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади.

Товарларни (хизматларни) реализация қилиш чоғида, агар сотувчи харидорга касса чеки ёки белгиланган шаклдаги бошқа ҳужжатни берса, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилмайди.

Реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) қиймати ўзгарганда, шу жумладан етказиб берилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар нархи ўзгарган ёхуд миқдори (ҳажми) аниқлаштирилган ҳолларда, сотувчи сотиб олувчига ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда қўшимча ёки тузатилган ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт.

Ушбу Кодекснинг 279-моддасига мувофиқ ҳисобга туриши лозим бўлган чет эл юридик шахслари ҳисобварақ-фактураларни тақдим этмайди, сотиб олиш реестрларини, сотиш реестрларини, ҳисобга олиш журналларини ҳамда ушбу Кодекс 282-моддасида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш қисми бўйича қабул қилинган ва берилган ҳисобварақ-фактураларни юритмайди.

Ҳисобварақ-фактуранинг шакли ва уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

48-модда. Мақсадли маблағлар

Солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчи томонидан мақсадли маблағларнинг манбаи бўлган шахс томонидан белгиланган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган мақсадга кўра фойдаланиш учун олинган мол-мулк мақсадли маблағларга киради.

Мақсадли маблағларга жумладан қуйидагилар киради:

- 1) бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва бюджет субсидиялари;
- 2) грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;
- 3) мақсадли тушумлар.

Солиқ солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бепул асосда бериладиган қуйидаги мол-мулк грант деб эътироф этилади:

1) давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ёки чет эл ҳукумат ташкилотлари ёхуд ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига берилган мол-мулк;

2) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига берилган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан у ваколат берган ташкилотлар орқали тақсимланадиган, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларига тиббий ва (ёки) ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда

вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикасига аниқ мақсадли бегараз кўмаклашиш солиқ солиш мақсадида инсонпарварлик ёрдами деб эътироф этилади.

Мақсадли тушумларга нотижорат ташкилотларни таъминлаш ва уларнинг уставда белгиланган фаолиятини юритишга йўналтирилган тушумлар (бундан акциз тўланадиган товарлар тарзидаги тушумлар мустасно) давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида бепул келиб тушган, шунингдек бошқа юридик ва (ёки) жисмоний шахслардан келиб тушган, мазкур олувчилар томонидан мақсадли фойдаланиладиган тушумлар киради.

Нотижорат ташкилотларни таъминлаш ва уларнинг уставда белгиланган фаолиятини юритишга йўналтирилган мақсадли тушумларга қуйидагилар киради:

1) муассисларнинг (иштирокчиларнинг, аъзоларнинг) нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган бадаллари, шунингдек фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ деб эътироф этиладиган хайриялар;

2) нотижорат ташкилотлар томонидан бепул олинган тегишли шартномалар асосида кўрсатилган хизматлар тарзидаги даромадлар;

3) ушбу Кодексда белгиланган тартибда уй-жой мулкдорлари ширкатлари, уй-жой, боғдорчилик, боғ-томорка, гараж-қурилиш, уй-жой қурилиш кооперативлари ёки бошқа ихтисослашган истеъмолчилар кооперативлари томонидан амалга ошириладиган умумий мулкни таъмирлаш, мукамал таъмирлаш учун уларнинг аъзолари томонидан захира шакллантиришга ажратмалар;

4) нотижорат ташкилотларга васиятнома бўйича мерос тартибида ўтадиган мол-мулк;

5) нотижорат ташкилотларнинг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун берилган бюджет маблағлари;

6) хайрия фаолиятини амалга ошириш учун олинган маблағлар ва бошқа мол-мулк;

7) касаба уюшмаси ташкилотларига касаба уюшмаси ташкилотларининг уставларида назарда тутилган ижтимоий-маданий ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун жамоа шартномаларига (келишувларига) мувофиқ келиб тушган маблағлар;

8) нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ улар томонидан тузилган солиқ тўловчи бўлган таркибий бўлинмалардан бепул олинган маблағлар;

9) уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун диний ташкилотлар томонидан олинган мол-мулк;

10) нотижорат ташкилотлар томонидан улар уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органларининг

қарорларига биноан олинган давлат мулкидан бепул фойдаланиш ҳукуқи тарзидаги мулкӣ ҳуқуқлар.

49-модда. Қимматли қоғозлар

Қимматли қоғозлар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайдиган, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутадиган ҳужжатлардир.

Қимматли қоғозларга акциялар, облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари, депозитар тилхатлар, опционлар, фьючерс ва форвард контрактлари киради, шунингдек қонун ҳужжатларига ёки чет давлатнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар деб эътироф этиладиган бошқа қимматли қоғозлар киради.

Қимматли қоғозларни эмиссиявий қимматли қоғозлар жумласига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки чет давлатларнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Агар қимматли қоғозлар билан бажариладиган операция муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар мезонларига мувофиқ бўлса, солиқ тўловчи уни мустақил равишда солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар билан бажариладиган операциялар жумласига ёки муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар жумласига киритишга ҳақли.

Солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя этилган тақдирда қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлаётган қимматли қоғозлар (муомаладаги қимматли қоғозлар) деб эътироф этилади:

улар қимматли қоғозлар савдоларининг ҳеч бўлмаганда битта ташкилотчиси томонидан муомалага киритилган бўлса;

уларнинг нархлари (котировкалари) тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинса ёхуд савдоларнинг ташкилотчиси ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ҳар қандай манфаатдор шахсга қимматли қоғозларга доир операциялар амалга оширилган санадан эътиборан уч йил ичида берилиши мумкин бўлса;

солиқ тўловчи бу қимматли қоғозларга доир битимни тузган санадан эътиборан ўтган кетма-кет уч ой ичида улар бўйича ҳеч бўлмаганда бир марта бозор котировкаси ҳисоблаб чиқарилган бўлса (бундан қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштириш чоғидаги бозор котировкасининг ҳисоб-китоби мустасно).

50-модда. Муддатли битимларнинг молиявий воситалари

Ушбу Кодекснинг мақсадлари учун шартнома томонлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг асос активларга нисбатан тақсимланиши бўйича ва томонлар мажбуриятларининг бажарилишига тўғри келадиган сана кўрсатилган шартнома муддатли битимларнинг молиявий воситаси деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларига ва (ёки) чет давлатларнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома талаблари бўйича суд ҳимояси лозим бўлмаса, ушбу Кодекснинг мақсадлари учун ўша шартнома муддатли битимларнинг молиявий воситаси деб эътироф этилмайди. Мазкур шартнома туфайли кўрилган зарарлар солиқ солишда ҳисобга олинмайди.

Муддатли битимлар молиявий воситаларининг асос активи деганда муддатли битимнинг предмети тушунилади.

Асос актив сифатида, жумладан чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, фоиз ставкалари, кредит ресурслари, нарх ёки фоиз ставкаларининг индекслари, муддатли битимларнинг бошқа молиявий воситалари иштирок этиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг мақсадлари учун муддатли битимларнинг иштирокчилари деганда муддатли битимларнинг молиявий воситалари билан операцияларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Муддатли битимларнинг молиявий воситаларини асос активларни етказиб бериш йўли билан, муддатли битимларнинг молиявий воситаси бўйича узил-кесил ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириш йўли билан ёхуд муддатли битимнинг молиявий воситаси билан илгари амалга оширилган операцияга муддатли битим иштирокчиси томонидан қарама-қарши операцияни амалга ошириш йўли билан бажариш муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши деб эътироф этилади.

Муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир, асос активни харид қилишга қаратилган операциялар учун қарама-қарши йўналишдаги операция деб – асос активни сотишга қаратилган операция, асос активни сотишга қаратилган операция учун эса – асос активни харид қилишга қаратилган операция эътироф этилади.

Солиқ тўловчи асос активни етказиб бериш шартларини назарда тутувчи битимни муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операция деб ёки ижрони кечиктирган ҳолда битим предметини етказиб беришга доир битим деб эътироф этиб, ушбу битимни мустақил равишда, ушбу модданинг талабларини инобатга олган ҳолда тавсифлашга ҳақли.

Битимнинг предметини етказиб беришни (бундан хеджирлаш операциялари мустасно) назарда тутувчи битимларни муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар тоифасига

киритиш мезонлари солиқ тўловчи томонидан ҳисоб сиёсатида солиқ солиш мақсадлари учун аниқланиши керак.

Муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ижро этилиш санаси муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциянинг тугалланиш санасидир.

Муддатли битимнинг молиявий воситаси бўйича мажбуриятлар куйидаги ҳолларда уни қайта тавсифламаган ҳолда тугатилиши мумкин:

1) бир турдаги талаблар ва мажбуриятларни ҳисобга ўтказган ҳолда (ўзаро ҳисобга ўтказган ҳолда);

2) шартномаларнинг намунавий шартларига мувофиқ бўлган бош келишувда белгиланган тартибда, агар бундай тугатишда нетто-мажбуриятнинг суммасини белгилаш назарда тутилган бўлса;

3) ташкил этилган савдоларнинг қоидалари ёки клиринг қоидалари шартларида тузилган шартномалардан келиб чиқадиган муқобил талабларни ҳисобга ўтказган ҳолда, агар бундай ҳисобга ўтказиш нетто-мажбуриятнинг суммасини аниқлаш мақсадида амалга оширилган бўлса.

Ушбу Кодекснинг мақсадлари учун бир эмитентнинг бир турдаги, бир тоифадаги (хилдаги) ёки битта пай инвестиция фондининг (пай инвестиция фондарининг инвестиция пайлари учун) бир хил ҳажмдаги ҳуқуқларга эга бўлган қимматли қоғозларини етказиб беришга доир талаблар, шунингдек пул маблағларини айти шу валютада тўлашга доир талаблар бир турдаги талаблар деб эътироф этилади.

Ижро этишни кечиктирган ҳолда битим предметини етказиб беришга доир битим сифатида тавсифланган битимларга солиқ солиш бундай битимларнинг тегишли асос активлари учун ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Кодекснинг мақсадлари учун муддатли битимларнинг молиявий воситалари уюшган бозорда муомалада бўлган битимларнинг молиявий воситаларига (муддатли битимларнинг муомаладаги молиявий воситаларига) ва муддатли битимларнинг уюшган бозорда муомалада бўлмаган молиявий воситаларига (муддатли битимларнинг муомалада бўлмаган молиявий воситаларига) бўлинади.

Муддатли битимларнинг молиявий воситалари куйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя этилган тақдирда уюшган бозорда муомалада деб эътироф этилади:

1) битимларни тузиш, уларнинг муомалада бўлиши ва бажарилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ёки чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ шундай ҳуқуққа эга бўлган савдоларнинг ташкилотчиси томонидан белгиланса;

2) муддатли битимлар молиявий воситаларининг нархлари тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинса ёхуд савдоларнинг ташкилотчиси ёки бошқа ваколатли шахс томонидан

ҳар қандай манфаатдор шахсга муддатли битимнинг молиявий воситасига доир операциялар амалга оширилган санадан кейин уч йил ичида берилиши мумкин бўлса.

Агар битим уюшмаган бозорда тузилса ва унинг шартларида асос активни етказиб бериш назарда тутилган бўлса, битим муддатли битимларнинг молиявий воситаси сифатида фақат, башарти асос активни етказиб бериш бундай битимнинг шартларига мувофиқ битим тузилган кундан кейин камида учинчи кундан сўнг амалга оширилса, муддатли битимларнинг молиявий воситаси сифатида тавсифланиши мумкин.

Уюшмаган бозорда тузиладиган ва шартларида асос активни етказиб бериш назарда тутилмаган битим фақат муддатли битимларнинг молиявий воситаси сифатида тавсифланиши мумкин.

Ўз шартларида асос активни етказиб беришни назарда тутувчи муддатли битимларнинг молиявий воситалари ёки ўз шартларида асос активни етказиб беришни назарда тутувчи бошқа молиявий воситанинг муддатли битимларини тузиш етказиб беришга оид муддатли битимлар деб эътироф этилади.

Ўз шартларида асос активни етказиб бериш назарда тутилмаган муддатли битимларнинг молиявий воситалари ёки ўз шартларида асос активни етказиб беришни назарда тутмайдиган молиявий воситаларнинг муддатли битимларини тузиш ҳисоб-китобли муддатли битимлар деб эътироф этилади.

Етказиб беришга оид муддатли битимлар сифатида, шунингдек ижрони кечиктирган ҳолда битим предметини етказиб беришга доир битим сифатида тавсифланган битимлар мажбуриятлар лозим даражада ижро этишдан фарқ қиладиган усуллар орқали тугатилган тақдирда ҳисоб-китобли муддатли битимлар сифатида қайта тавсифланмайди.

Вариацияли маржа деганда савдоларнинг ташкилотчиси ёки клиринг ташкилоти томонидан ҳисоблаб чиқиладиган ҳамда савдоларнинг ташкилотчилари ва (ёки) клиринг ташкилотлари томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ муддатли битимлар иштирокчилари томонидан тўланадиган пул маблағлари суммаси тушунилади.

51-модда. Хеджирлаш

Ушбу Кодекс мақсадида хеджирлаш операциялари деганда солиқ тўловчи учун нохуш оқибатларни (тўлиқ ёки қисман) камайтириш (компенсация қилиш) мақсадида муддатли битимларнинг молиявий воситалари (шу жумладан ҳархил турлари билан) амалга ошириладиган операциялар (операциялар мажмуи) тушунилади.

Бундай нохуш оқибатлар жумласига, хусусан, зарар кўриш, тушумнинг ёки фойданинг камайиши, мол-мулк бозор қийматининг камайиши, нархнинг, фоиз ставкасининг, миллий валютага нисбатан чет эл валютаси курсининг ёки хеджирлаш объекти (объектлари) бошқа

кўрсаткичининг (кўрсаткичлари мажмуининг) ўзгариши оқибатида солиқ тўловчининг мажбуриятлари кўпайиши киритилиши мумкин.

Солиқ тўловчининг мол-мулки, мулкый ҳуқуқлари ва унинг хеджирлаш операциясини амалга ошириш санасида бажарилиш муддати етиб келмаган мажбуриятлари хеджирлаш объектлари деб эътироф этилади.

Амалга оширилиши (бажарилиши) тарафнинг шартнома бўйича талаб қўйиши билан боғлиқ бўлган ҳамда уларга нисбатан солиқ тўловчи хеджирлаш тўғрисида қарор қабул қилган талаб қилиш ҳуқуқлари ва мажбуриятлар хеджирлаш объектлари бўлиши мумкин.

Муддатли битимлар молиявий воситаларининг хеджирлаш операцияси учун фойдаланиладиган асос активлари хеджирлаш объектидан фарқ қилиши мумкин.

Хеджирлаш мақсадида ҳар хил турдаги муддатли битимнинг биттадан ортиқ молиявий воситасини, шу жумладан хеджирлаш муддати ичида битта хеджирлаш операцияси доирасида муддатли битимларнинг бир нечта молиявий воситаларини тузишга йўл қўйилади.

Солиқ тўловчи муддатли битимларнинг молиявий воситалари билан операцияни хеджирлаш операцияси жумласига киритиш асосланганлигини тасдиқлаш учун хеджирлаш операциясига доир битимни тузиш санасида солиқ тўловчининг тахминларидан келиб чиққан ҳолда ушбу операциянинг амалга оширилиши нархнинг, бозор котировкасининг, валюта курсининг ёки хеджирлаш объекти бошқа кўрсаткичининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган нохуш оқибатларни камайтириш имконини беришини тасдиқловчи маълумотномани тузади.

Агар битта хеджирлаш операцияси мақсадида муддатли битимларнинг молиявий воситалари билан боғлиқ операциялар мажмуидан фойдаланилса, бундай маълумотнома ушбу битимлар мажмуининг биринчиси тузилган санадаги ҳолатга кўра тузилади.

52-модда. Қимматли қоғозлар билан РЕПО операциялари

Репо шартномасига мувофиқ битимнинг бир тарафи битимнинг бошқа тарафига қимматли қоғозларни ушбу шартномада олдиндан белгиланган нархда муайян муддатдан кейин уларни қайтариб сотиш (сотиб олиш) мажбурияти билан сотади. Бунда ушбу қимматли қоғозларнинг шартномада белгиланган сотиш (сотиб олиш) нархи уларнинг бозор нархларидан фарқ қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва (ёки) чет давлатларнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларида репо шартномаларига нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб берадиган шартнома РЕПО операцияси деб эътироф этилади. Бунда репо шартномасининг биринчи ва иккинчи қисмлари тегишинча РЕПОнинг биринчи ва иккинчи қисмлари деб эътироф этилади.

РЕПО шартномаси бўйича сотиб олувчи ва репо шартномаси бўйича сотувчи тегишинча РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотиб олувчи ҳамда РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчи деб эътироф этилади. Бунда РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича мажбуриятлар РЕПОнинг биринчи қисми бажарилиши шарти билан юзага келиши керак.

РЕПО операциясининг шартлари битим тарафларининг қуйидаги ҳуқуқларидан камида биттасини назарда тутиши мумкин:

1) РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчининг РЕПОнинг иккинчи қисмини бажариш санасига қадар РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотиб олувчига РЕПОнинг биринчи қисми бўйича берилган қимматли қоғозлар ёки улар айирбошланган қимматли қоғозлар ўрнига бошқа қимматли қоғозларни бериш ҳуқуқи;

2) РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотиб олувчининг РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчидан ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқи.

Ушбу Кодекс мақсадида РЕПО операцияси иштирокчилари томонидан РЕПОнинг тегишли қисми бўйича ўз мажбуриятларини бажаришининг репо шартномасида назарда тутилган муддатлари РЕПО биринчи ёки иккинчи қисмининг бажарилиш саналари ҳисобланади.

РЕПОнинг биринчи ёки иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни етказиб бериш ва уларга ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлар турли саналарда бажарилган тақдирда, қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш ёки уларни етказиб бериш бўйича мажбуриятлар бажарилиши саналаридан энг кечроғи тегишинча РЕПО биринчи қисмининг санаси ва иккинчи қисмининг санаси деб эътироф этилади.

РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича мажбуриятларни бажариш санаси РЕПО муддатини қисқартириш томонга ҳам, уни узайтириш томонга ҳам ўзгартирилиши мумкин. РЕПОнинг иккинчи қисмини бажариш санаси талаб қилиб олиш пайти билан белгиланадиган операциялар, агар репо шартномасида РЕПО иккинчи қисмининг нархини аниқлаш тартиби белгиланган бўлса ва агар РЕПОнинг иккинчи қисми тарафлар томонидан РЕПОнинг биринчи қисмига доир мажбуриятлар бажарилган санадан эътиборан бир йил ичида бажарилган бўлса, РЕПО операциялари деб эътироф этилади.

Қимматли қоғозлар бозорида савдоларнинг ташкилотчиси (биржа) орқали ёки клиринг ташкилоти орқали бажарилган ҳолда амалга ошириладиган РЕПО операциялари учун РЕПОнинг иккинчи қисми бажарилиши санасининг қимматли қоғозлар бозоридаги савдолар ташкилотчисининг (биржанинг) ёки клиринг ташкилотининг қоидаларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳар қандай ўзгартирилиши ушбу модда мақсадида РЕПО муддатини ўзгартириш деб эътироф этилади.

Ушбу Кодекс мақсадида РЕПО ставкаси РЕПО операциясини тузиш чоғида аниқланади ва у қатъий белгиланган ёки ҳисоб-китобли бўлиши мумкин.

РЕПО ставкаси ҳисобот (солиқ) даврининг охирида фоизларнинг миқдорини белгилаш имконини бериши керак ва репо шартномаси тарафларининг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Агар РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни реализация қилишга (сотиб олишга) доир мажбуриятлар РЕПОнинг иккинчи қисмини бажариш санасида тўлиқ ёки қисман бажарилмаса ва ўзаро талабларни тартибга солиш тартиб-таомили ўтказилмаса, РЕПОнинг иккинчи қисми, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, лозим даражада бажарилмаган деб эътироф этилади.

Ушбу Кодекс мақсадида қуйидагилар РЕПОнинг иккинчи қисмини тўлиқ бажармаслик деб эътироф этилмайди:

1) РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича мажбуриятларни РЕПОнинг иккинчи қисмини бажаришнинг тарафлар томонидан келишган санасидан эътиборан ўн кун ичида бажариш;

2) мажбуриятларни қуйидаги ҳолларда муқобил талабларни ҳисобга олиш йўли билан бажариш (тугатиш):

а) агар бундай талаблар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ёки чет давлатларнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган шартномаларнинг намунавий шартларига мос бўлган бош келишув (ягона шартнома) шартлари асосида тузилган шартномалардан келиб чиқадиган бўлса. Бунда муқобил талабларни ҳисобга олиш нетто-мажбурият суммасини аниқлаш мақсадида амалга оширилган бўлса;

б) агар бундай талаблар уюшган савдолар қоидаларининг ва (ёки) клиринг қоидаларининг шартлари асосида тузилган шартномалардан келиб чиқадиган бўлса. Бунда муқобил талабларни ҳисобга олиш нетто-мажбурият суммасини аниқлаш мақсадида амалга оширилган бўлса.

РЕПОнинг иккинчи қисми лозим даражада бажарилмаган ҳолларда РЕПО операцияси солиқ солиш мақсадида қайта тавсифланиши лозим.

РЕПО операциясини солиқ солиш мақсадида қайта тавсифлаш солиқ тўловчи томонидан қуйидаги ҳолларда мустақил равишда амалга оширилади:

1) репо шартномаларига нисбатан қонун ҳужжатларида қўйиладиган талабларга ва (ёки) РЕПО операциясига нисбатан ушбу моддада қўйиладиган талабларга риоя этилмаганда;

2) репо шартномаси бекор қилинганда;

3) РЕПОнинг иккинчи қисми лозим даражада бажарилмаганда.

РЕПО операциясини солиқ солиш мақсадида қайта тавсифлаш бундай қайта тавсифлаш учун асос бўлган шартлардан бири юзага келган саналардан энг аввалгисида амалга оширилади.

РЕПО операцияси иштирокчиларининг РЕПО операциясини солиқ солиш мақсадида қайта тавсифлаш чоғидаги мажбуриятлари ушбу Кодекснинг Махсус қисмида белгиланади.

53-модда. Қимматли қоғозларнинг қарз операциялари

Қимматли қоғозларни қарзга бериш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ёки чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган, ушбу модданинг учинчи – олтинчи қисмларида белгиланган шартларни қаноатлантирадиган қарз шартномаси (бундан буён матнда қарз шартномаси деб юритилади) асосида амалга оширилади.

Ушбу Кодекс қоидалари солиқ тўловчининг воситачилар, ишончли вакиллар, агентлар, ишончли бошқарувчилар томонидан тегишли фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар асосида унинг ҳисобидан амалга оширилган қимматли қоғозларнинг қарз операцияларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу Кодекс мақсадида қимматли қоғозларнинг қарз шартномасида фоизлар пул шаклида тўланиши назарда тутилиши керак.

Фоиз ставкаси ёки уни аниқлаш тартиби қарз шартномасининг шартларида белгиланади.

Қарз шартномаси бўйича фоизларни аниқлаш мақсади учун, агар ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қарз шартномаси бўйича берилган қимматли қоғозларнинг қиймати тегишли қимматли қоғозларнинг шартномани тузиш санасидаги бозор нархига тенг тарзда, бозор нархи мавжуд бўлмаган тақдирда эса, ҳисоб-китоб қилинган нархига тенг этиб қабул қилинади. Бунда қимматли қоғозларнинг бозор нархи ва ҳисоб-китоб қилинган нархи ушбу Кодекснинг Махсус қисмида белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланади.

Қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқини кредитор томонидан қарз олувчига ўтказиш чоғидаги ўтиш санаси қарзнинг бошланиш санаси бўлади, қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқини қарз олувчи томонидан кредиторга ўтказиш чоғидаги ўтиш санаси қарзнинг тугаш санаси бўлади.

Ушбу Кодекс мақсадида қимматли қоғозлар тарзида берилган (олинган) қарз шартномасининг муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

Агар қарз шартномасида қимматли қоғозларни қайтариш муддати белгиланмаган бўлса ёки мазкур муддат талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса (очик санали қарз шартномаси) ва қарз бошланган санадан эътиборан бир йил ичида қимматли қоғозлар қарз олувчи томонидан кредиторга қайтарилмаган бўлса, солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар қарз бошланган санада реализация қилинган деб эътироф этилади.

Бунда кредиторнинг ва қарз олувчининг қарз шартномаси бўйича берилган қимматли қоғозларни реализация қилишдан (сотиб олишдан) олинган даромадлари ҳамда қилинган харажатлари қимматли қоғозларнинг қарз бошланган ва фоизлар олинган (тўланган) санадаги бозор нархидан (ҳисоб-китоб нархидан) келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Мазкур қимматли қоғозларнинг кўрсатилган бозор (ҳисоб-китоб) нархи ушбу Кодекснинг Махсус қисмида белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланади.

Ушбу модда саккизинчи қисмининг қоидалари қуйидаги ҳолларда ҳам қўлланилади, агар:

1) қарз шартномасида қарзни қайтариш муддати белгиланган бўлса, бироқ қимматли қоғозлар қарз бошланган санадан эътиборан бир йил ўтгач кредиторга қарз олувчи томонидан қайтарилмаган бўлса;

2) қимматли қоғозларни қайтаришга доир мажбурият кредиторга пул маблағларини тўлаш ёки қимматли қоғозлардан фарқ қиладиган бошқа мол-мулкни ўтказиш орқали тугатилган бўлса.

Қимматли қоғозларнинг қарз операциялари бўйича қимматли қоғозларни қайтариш юзасидан мажбуриятлар бажарилмаган ёки тўлиқ ҳажмда бажарилмаган тақдирда, ўзига нисбатан лозим даражада бажармасликка йўл қўйилган ва ўзаро талабларни тартибга солиш тартиб-таомили ўтказилмаган РЕПО операцияси учун ушбу Кодекста белгиланган тартиб солиқ солиш мақсадида қўлланилади.

54-модда. Молиявий ижара ва лизинг

Ушбу Кодекс мақсадида шартнома бўйича мол-мулкни (молиявий ижара объектини) ўн икки ойдан кўп муддатга эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш чоғида юзага келадиган ижара муносабатлари молиявий ижара деб эътироф этилади. Молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан ҳеч бўлмаганда биттасига жавоб бериши керак:

1) молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарачининг мулкига ўтказилса;

2) молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат қилиш муддатининг 80 фоизидан ошса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг камида 20 фоизини ташкил этса;

3) молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарачи молиявий ижара объектини молиявий ижара шартномасида белгиланадиган қатъий нарх бўйича ҳақини тўлаб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

4) молиявий ижара шартномасининг амал қилиш даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати объектнинг уни молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Ушбу Кодекс мақсадида молиявий ижаранинг алоҳида тури лизинг деб эътироф этилиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига кўра учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномаси бўйича шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини)

олади ҳамда уни ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ бўлган шартнома бўйича эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ҳақ эвазига беради.

Ушбу Кодекс мақсади учун молиявий ижара (лизинг) шартномасининг тарафи бўлган ижарачига (лизинг олувчига) молиявий ижара (лизинг) предметининг харидори сифатида қаралади.

55-модда. Солиқ қарзи

Ушбу Кодекс мақсадида ҳисоблаб чиқарилган (ҳисобланган) ва белгиланган муддатларда тўланмаган солиқларнинг, шу жумладан улар бўйича бўнак ва жорий тўловларнинг суммалари, шунингдек ушбу Кодексда белгиланган муддатда тўланмаган молиявий санкциялар ва пенялар солиқ қарзи деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчининг ёки солиқ агентининг солиқ қарзи барча солиқлар бўйича ҳам, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида ҳам аниқланиши мумкин.

Солиқ қарзини тўлаш, шу жумладан уни солиқ органлари томонидан ундириш чоғида тўлаш қуйидаги тартибдаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- 1) солиқлар суммаси;
- 2) ҳисобланган пенялар;
- 3) жарималар.

56-модда. Солиқ тўловчининг шахсий кабинети

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилган ахборот ресурси солиқ тўловчининг шахсий кабинети ҳисобланади.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўз ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини электрон тарзда амалга ошириши учун фойдаланилиши мумкин.

Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга ва солиқ тўловчилар томонидан солиқ органларига юбориладиган электрон ҳужжатларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Ҳар бир солиқ тўловчининг шахсий кабинети ушбу солиқ тўловчи солиқ органларида ҳисобга қўйилганидан кейин шакллантирилади.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш солиқ тўловчи томонидан ихтиёрий тартибда амалга оширилади. Бунда солиқ органлари ҳамда солиқ тўловчилар бўлган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги ахборот алмашинуви фақат солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади.

Жисмоний шахсга, ушбу шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлишидан ёки бўлмаслигидан қатъи назар, солиқ тўловчининг битта шахсий кабинети шакллантирилади.

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳисобга турган жисмоний шахс ўз солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини электрон тарзда амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинетига кириш ягона идентификациялаш тизими орқали электрон рақамли имзо воситасида амалга оширилади.

Электрон рақамли имзо солиқ тўловчига унинг аризаси асосида Давлат хизматлари маркази орқали ҳақ тўлаш асосида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тақдим этилади.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинети фаоллаштирилганидан кейин то унинг амал қилиши тўхтатиб турилгунига қадар солиқ органлари барча ҳужжатларни солиқ тўловчига фақат унинг шахсий кабинети орқали юборади. Солиқ тўловчи ҳужжатларни солиқ органларига худди шундай тартибда юборади.

Солиқ органлари томонидан ҳужжат ва солиқ тўловчига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилиши чоғида у кўрсатган мобил телефон рақамига тегишли СМС-хабар юборилади.

Агар солиқ органи томонидан электрон ҳужжат солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилганда солиқ тўловчи шахсий кабинетининг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки электрон рақамли имзо калитининг сертификати тугатилганлиги тўғрисида маълумот олинган бўлса, мазкур ҳужжат солиқ тўловчига ушбу маълумотлар олинган кундан эътиборан уч кун ичида қоғозда юборилади.

Ушбу Кодекснинг 129-моддаси еттинчи ва ўн учинчи қисмларига мувофиқ солиқ органида ҳисобда турган чет эл юридик шахси томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан солиқ органидан ҳужжатларни (ахборотни) олиш ҳамда ушбу Кодекснинг 282-моддасида кўрсатилган хизматларни электрон шаклда кўрсатишга тааллуқли маълумотларни солиқ органига тақдим этиш учун фойдаланилади.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш имконияти чет эл юридик шахсларига улар солиқ органларида ушбу Кодекснинг 129-моддаси еттинчи қисмида назарда тутилган тартибда ҳисобга қўйилган кундан эътиборан берилади. Бундай чет эл юридик шахси солиқ органида ҳисобдан чиқарилган тақдирда солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш ҳуқуқи солиқ органлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлардаги ўз ваколатларини амалга ошириши чоғида фойдаланадиган ҳужжатларни олиш учун сақланиб қолади.

57-модда. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари

Ушбу Кодекс мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари деб бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар эътироф этилади:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва уни бирламчи қайта ишловчи, башарти бундай юридик шахснинг жами даромадида ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, шу жумладан уни ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромадининг улуши солиқ давридаги жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этса;

ер участкаларига эга бўлган, бу ер участкалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлса.

Ушбу Кодекс мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жумласига биологик ресурслардан (хайвонлар ва ўсимликлардан) олинган қуйидаги маҳсулотлар киради:

- 1) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ўсимликшунослиги маҳсулотлари;
- 2) чорвачилик, паррандачилиқ, асаларичилик маҳсулотлари;
- 3) ипакчилиқ маҳсулотлари;
- 4) балиқчилиқ маҳсулотлари ва сувда етиштириладиган экинлар.

Саноатда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ушбу Кодекс мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти деб эътироф этилмайди.

58-модда. Нотижорат ташкилотлар

Қонун ҳужжатларида нотижорат ташкилот учун белгиланган шаклда рўйхатдан ўтказилган, қуйидаги шартларга мувофиқ бўлган юридик шахс ушбу Кодекс мақсадида нотижорат ташкилот деб эътироф этилади, агар:

даромад олиш мақсадига эга бўлмаса;

даромадларни ёки мол-мулкни иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламаса.

59-модда. Ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар

Ушбу Кодекс мақсадида қуйидаги соҳаларда фаолият кўрсатувчи юридик шахслар ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар жумласига киради:

1) тегишли лицензия асосида тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар (бундан косметология хизматлари мустасно). Тиббий хизматлар жумласига, ушбу бандни қўллаш мақсадида, қуйидагилар киради, хусусан, тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизматлари кўрсатиш:

- а) ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш хизматлари;

б) стоматологик хизматлар, шу жумладан тиш протезларини ўрнатиш хизматлари;

2) таълимга оид хизматлар, шу жумладан тестлар ва имтиҳонлар ўтказишни ташкил этиш;

3) илм-фан соҳасидаги ваколатли орган томонидан аккредитация қилинган илмий ва (ёки) илмий-техникавий фаолият субъектлари томонидан фан соҳасида амалга ошириладиган фаолият (шу жумладан илмий тадқиқотлар ўтказиш, муаллиф томонидан илмий-интеллектуал мулкдан фойдаланиш, жумладан уни реализация қилиш);

4) жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хизматлар. Бундай хизматларга, хусусан, қуйидагилар киради:

а) спорт иншоотларида, мактабларда, соғломлаштириш йўналишидаги клубларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда жамоаларида ўтказиш хизматлари, умумжисмоний тайёргарлик хизматлари;

б) спорт мусобақалари ёки байрамларини, спорт-томоша тадбирларини ўтказиш хизматлари, шунингдек ушбу тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун спорт иншоотларини ижарага бериш;

в) спорт-техника асбоб-ускуналарини, тренажёрларни, анжомларни, спорт кийим-бошларини бериб туриш бўйича хизматлар;

5) болаларни, кексаларни ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий таъминоти соҳасидаги хизматлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар, уларнинг тегишли фаолият турларидан олинган даромадлари текин олинган мол-мулк тарзидаги даромадлар ҳисобга олинган ҳолда жами йиллик даромадининг камида 90 фоизини ташкил этиши шарти билан, ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи шахслар деб эътироф этилади.

Акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга ва реализация қилишга доир фаолиятдан даромадлар олувчи, шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи юридик шахслар ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар жумласига кирмайди.

60-модда. Ушбу Кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар

Ушбу Кодекс мақсадида қуйидаги тушунчалардан ҳам фойдаланилади:

жисмоний шахснинг яқин қариндошлари – унинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-укалари ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболари, бувилари, неваралари, шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси;

ижара (лизинг) тўлови – ижарага берувчига (лизинг берувчига) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарачи (лизинг олувчи) томонидан тўланадиган сумма;

ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фойздан олинган даромади – молиявий ижара (лизинг) объектининг ижара (лизинг) тўлови суммаси ва қиймати ўртасидаги фарқ;

назорат-касса техникаси – фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машиналари, фискал тўплагичлардаги фискал маълумотлар ёзиб олиниши ва сақланишини таъминловчи, фискал ҳужжатларни шакллантирувчи ҳамда уларнинг солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали топширилишини, шунингдек фискал ҳужжатлар назорат-касса техникасини қўллаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда чоп этилишини таъминловчи бошқа қурилмалар ҳамда дастурий-техник мажмуалар;

ортиқча тўланган солиқ суммаси (пеня, жарима) – солиқнинг (пенянинг, жариманинг) тўланган суммаси билан ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ. Солиқнинг (пенянинг, жариманинг) ортиқча тўланган суммаси у илгари ҳисобга олинган ва (ёки) солиқ тўловчига қайтарилган суммаларни, шунингдек солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиладиган суммаларни ҳисобга олган ҳолда уни ҳисоб-китоб қилиш санасида аниқланади;

ортиқча ундирилган солиқ суммаси – солиқ органларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасида ортиқча тўланган солиқ суммаси;

тан олинган солиқ қарзи – солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома берилган санадан бошлаб ўн календарь кун ичида солиқ тўловчи томонидан эътироз билдирилмаган қарз ёки суд қарори билан тасдиқланган қарз;

хатолик билан тўланган солиқ (пеня, жарима) суммаси – солиқ (пеня, жарима) суммасини тўлаган шахсни ва (ёки) ушбу тўловнинг мақсадини қатъий аниқлаш имкониятини бермайдиган тўлов чоғида хатоликка йўл қўйилган солиқ (пеня, жарима) суммаси. Қайси солиққа (пеняга, жаримага) нисбатан уни тўлаган шахс солиқ тўловчи деб ҳисобланмайдиган шахсдан ёки тўланиши лозим бўлган бюджетдан бошқа бюджетга келиб тушган солиқ (пеня, жарима) суммаси ҳам хатолик билан тўланган деб эътироф этилади;

умидсиз қарз – суд қарори билан мажбуриятнинг бекор қилиниши туфайли ёхуд банкротлик, тугатиш, қарздорнинг вафоти ёки даъво муддати тугаши сабабли тўланиши мумкин бўлмаган қарз.

5-боб. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи

61-модда. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи

Солиқ тўловчиларнинг хўжалик фаолияти бўйича жами молиявий натижасини ҳисобга олган ҳолда фойда солигини (бундан буён матнда

солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғи деб юритилади) ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш мақсадида, ушбу Кодекста назарда тутилган тартиб ҳамда шартларда тегишли шартнома асосидаги ихтиёрий бирлашмаси солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисида тузилган амалдаги шартноманинг тарафи бўлган ва ушбу Кодекста бундай гуруҳ иштирокчилари учун назарда тутилган барча шартларни қаноатлантирадиган юридик шахс солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиси деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ зиммасига солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш мажбурияти юклатилган иштирокчи солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси деб эътироф этилади.

Кўрсатилган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашга оид ҳуқуқий муносабатларда, фойда солиғини тўловчилар каби, солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси шундай ҳуқуқларни амалга оширади ва мажбуриятларни зиммасига олади.

Ушбу Кодекста ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи масъул иштирокчисининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатдир.

62-модда. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш шартлари

Ўзбекистон Республикасининг ушбу моддада назарда тутилган барча шартларни қаноатлантирувчи юридик шахслари солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этишга ҳақли.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчилари томонидан қаноатлантирилиши лозим бўлган ушбу моддада назарда тутилган шартлар, агар ушбу Кодекста бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур гуруҳни ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг бутун амал қилиш муддати мобайнида бажарилиши керак.

Башарти бир юридик шахс бошқа юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталда) бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этса ҳамда ҳар бир шундай юридик шахсдаги бундай иштирок этиш улуши камида 90 фоизни ташкил этса, юридик шахслар томонидан солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи ташкил этилиши мумкин. Кўрсатилган шартга солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш

тўғрисидаги шартноманинг бутун амал қилиш муддати мобайнида рия этилиши керак.

Бир юридик шахснинг бошқа юридик шахсда иштирок этиш улуши ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартибда аниқланади.

Юридик шахс солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг тарафи сифатида қуйидаги барча шартларни қаноатлантириши керак:

агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у қайта ташкил этилиш ёки тугатилиш жараёнида бўлмаслиги керак;

унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ банкротлик (иктисодий ночорлик) тўғрисидаги иш бўйича иш қўзғатилган бўлмаслиги керак;

солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш (ўзгартириш) тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни солиқ органига тақдим этиш санасидан олдинги охириги ҳисобот санасидаги молиявий ҳисобот асосида ҳисоб-китоб қилинган шахс соф активларининг миқдори унинг устав фонди (устав капитали) миқдоридан ошиши керак.

Солиқ тўловчиларнинг мавжуд консолидациялашган гуруҳига янги юридик шахсни қўшиб олиш, агар қўшиб олинаётган юридик шахс ўзининг қўшиб олиниши санасида ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган шартларни қаноатлантирса, мумкин бўлади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари бўлган жами юридик шахслар қуйидаги шартларни қаноатлантириши керак:

1) улар томонидан календарь йил мобайнида тўланган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, фойда солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг жами суммаси камида юз миллиард сўмни ташкил этади;

2) календарь йил учун молиявий ҳисобот маълумотларига кўра товарлар ва хизматларни реализация қилишдан тушумнинг, шунингдек бошқа даромадларнинг жами ҳажми камида беш юз миллиард сўмни ташкил этади;

3) активларнинг жами қиймати календарь йил охирида молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида бир триллион сўмни ташкил этади;

4) фойда солиғи бўйича бир хил солиқ ставкасини қўллайди.

Ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган барча кўрсаткичлар солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар солиқ органига тақдим этиладиган йилдан олдинги йил якунларига кўра ҳисоб-китоб қилинади.

Қуйидагилар солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари бўлиши мумкин эмас:

1) махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари бўлган юридик шахслар;

2) махсус солиқ режимларини қўлловчи юридик шахслар;

3) банклар, бундан ушбу консолидациялашган гуруҳга кирувчи бошқа барча юридик шахслар банклар бўлган ҳол мустасно;

4) суғурта ташкилотлари, бундан ушбу консолидациялашган гуруҳга кирувчи бошқа барча юридик шахслар суғурта ташкилотлари бўлган ҳол мустасно;

5) қимматли қоғозлар бозорининг банклар бўлмаган профессионал иштирокчилари, бундан ушбу консолидациялашган гуруҳга кирувчи бошқа барча юридик шахслар қимматли қоғозлар бозорининг банклар деб ҳисобланмайдиган профессионал иштирокчилари бўлган ҳол мустасно;

6) фойда солиғини тўловчилар деб эътироф этилмайдиган юридик шахслар;

7) клиринг ташкилотлари;

8) микрокредит ташкилотлари.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи, фақат башарти ушбу моддада назарда тутилган талабларни қаноатлантирадиган барча юридик шахслар ушбу консолидациялашган гуруҳнинг иштирокчилари бўлса, ташкил этилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг таркиби унга фақат бундай талабларни қаноатлантирадиган иштирокчиларнинг қўшиб олиниши ёхуд ундан бундай талабларни қаноатлантирмай қўйган иштирокчиларнинг чиқарилиши ҳисобига ўзгариши мумкин. Мазкур талабни бузган ҳолда ташкил этилган ёхуд бу талабга мувофиқ бўлмай қолган солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи ғайриқонуний равишда ташкил этилган ёхуд ушбу талаб бузилган санадан эътиборан амал қилиши тугатилган деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи камида икки календарь йил муддатга ташкил этилади.

63-модда. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, ушбу Кодекснинг 62-моддасида белгиланган шартларни қаноатлантирувчи юридик шахслар солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини ушбу Кодексда белгиланган тартибда ва шартларда ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда амалга оширилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномада қуйидаги коидалар бўлиши керак:

1) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг предмети;

2) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг рўйхати ва реквизитлари;

3) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси бўлган юридик шахснинг номи;

4) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари ушбу гуруҳнинг масъул иштирокчисига ушбу бобга мувофиқ ўтказадиган ваколатлар рўйхати;

5) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси ва бошқа иштирокчилари томонидан ушбу Кодексда назарда тутилмаган мажбуриятларни бажариш ҳамда ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби ва муддатлари, белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик;

6) агар солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи муайян муддатга тузилаётган бўлса, календарь йилларда ҳисобланадиган муддат ёхуд бу гуруҳ қанча муддатга ташкил этилаётганлигининг муайян муддати мавжуд эмаслигини кўрсатиш;

7) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг ҳар бир иштирокчиси бўйича ушбу Кодекснинг Махсус қисмида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда солиқ базасини аниқлаш ва фойда солиғини тўлаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар. Бунда танланган кўрсаткичлар солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг бутун амал қилиш муддати мобайнида ўзгартирилмайди.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага асосланган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган қисмига нисбатан эса, фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома ва унинг қоидалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома қуйидаги саналардан энг аввалгиси юзага келгунигача қадар амал қилади:

1) шартнома амал қилишининг тугаш санаси;

2) шартномани бекор қилиш санаси.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси бўлган юридик шахс турган жойдаги солиқ органида рўйхатдан ўтказилади.

Агар солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган бўлса, солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома консолидациялашган гуруҳнинг кўрсатилган масъул

иштирокчиси йирик солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олинган жойдаги солиқ органида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

64-модда. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини рўйхатдан ўтказиш

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш учун ушбу гуруҳнинг масъул иштирокчиси ўзи ҳисобда турган жойдаги солиқ органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1) ташкил этилаётган консолидациялашган гуруҳ барча иштирокчиларининг ваколатли шахслари томонидан имзоланган солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза;

2) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг иккита нусхаси;

3) ушбу Кодекс 62-моддасининг учинчи, бешинчи, еттинчи ва тўққизинчи қисмларида назарда тутилган шартлар бажарилганлигини тасдиқловчи, солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан тасдиқланган ҳужжатлар. Бундай ҳужжатлар жумласига, хусусан, ушбу Кодекс 62-моддаси еттинчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган солиқларни тўлашга доир тўлов топшириқномаларининг (солиқ органининг бу солиқлар бўйича ҳисобга олиш амалга оширилганлиги тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхалари), гуруҳ иштирокчиларидан ҳар бири учун олдинги календарь йилдаги бухгалтерия баланслари, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг кўчирма нусхалари киради;

4) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзолаган шахсларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи учун фойда солиғи ҳисобланадиган ва тўланадиган солиқ давридан олдинги йилнинг 30 октябридан кечиктирмай солиқ органига тақдим этилади.

Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар солиқ органига тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказишга ёки уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида асослантирилган қарор қабул қилади. Ушбу моддада белгиланган муддат доирасида бартараф этиладиган қоидабузарликлар аниқланганда, солиқ органи солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчисини бу ҳақда хабардор қилиши шарт. Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси аниқланган

қоидабузарликларни ушбу моддада белгиланган муддат тутагунга қадар бартараф этишга ҳақли.

Ушбу Кодекснинг 62-моддасида, 63-моддасининг учинчи қисмида ҳамда ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган шартларга риоя этилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиши шарт.

Шартнома рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан беш кун ичида солиқ органи солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчисига ушбу шартноманинг бир нусхасини унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйган ҳолда, шахсан имзо қўйдириб ёки олинганлик санаси тўғрисида гувоҳлик берувчи бошқа усулда бериши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги ахборот худди шу муддатларда солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари бўлган юридик шахслар жойлашган ердаги солиқ органларига юборилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи ушбу гуруҳни ташкил этиш тўғрисидаги шартнома солиқ органи томонидан рўйхатга олинган йилдан кейинги календарь йилнинг биринчи санасида ташкил этилган деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказишни солиқ органи томонидан рад этишга фақат қуйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлганда йўл қўйилади:

1) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этишнинг ушбу Кодекснинг 62-моддасида назарда тутилган шартларига мувофиқ эмаслиги;

2) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг ушбу Кодекс 63-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган талабларга мувофиқ эмаслиги;

3) ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни ваколатли солиқ органига тақдим этмаслик ёхуд тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик ёки мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиш муддатини бузиш;

4) ҳужжатлар уни имзолашга ваколати бўлмаган шахслар томонидан имзоланган тақдирда.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш солиқ органи томонидан рад этилган тақдирда, ушбу гуруҳининг масъул иштирокчиси камчиликлар бартараф этилганидан сўнг бундай шартномани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни қайта тақдим этишга ҳақли.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарорнинг кўчирма нусхаси у қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида солиқ органи томонидан бундай шартномада солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси сифатида кўрсатилган ваколатли вакилига шахсан имзо қўйдириб ёки олинган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали топширилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги устидан бундай шартномада солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси сифатида кўрсатилган шахс томонидан мазкур Кодексада солиқ органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш учун белгиланган тартибда ва муддатларда шикоят қилиниши мумкин.

Ариза (шикоят) қаноатлантирилган тақдирда солиқ органи ушбу шартномани рўйхатдан ўтказиши шарт, солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи эса ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ рўйхатдан ўтиши лозим бўлган йилдан кейинги календарь йилнинг биринчи санасидан эътиборан ташкил этилган деб эътироф этилади. Агар солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш учун ушбу бобда белгиланган бошқа тўсиқлар бўлмаса, кўрсатилган койда қўлланилади.

65-модда. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва шартларда ўзгартирилиши мумкин.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома тарафлари қуйидаги ҳолларда мазкур шартномага ўзгартишлар киритиши шарт:

1) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари бўлган бир ёки бир нечта юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

2) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари бўлган бир ёки бир нечта юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, ажратиб чиқариш ёки бўлиш шаклида) қарор қабул қилинганда;

3) бир ёки бир нечта юридик шахс солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳига қўшиб олинганда;

4) юридик шахс мазкур Кодекснинг 62-моддасида назарда тутилган шартларга жавоб бермай қолган ҳолларда, ушбу юридик шахс солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳидан чиқиб кетганда;

5) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганда.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчиси қайта ташкил этилганда қайта ташкил этилган юридик шахслар, агар улар ушбу Кодекснинг 62-моддасида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлса, шу консолидациялашган гуруҳ таркибига киритилиши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш тўғрисидаги битим шундай гуруҳнинг барча иштирокчилари томонидан янгидан қўшиб олинаётган иштирокчиларни қўшиб ҳисоблаганда ва гуруҳдан чиқаётган иштирокчиларни истисно этган ҳолда қабул қилинади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш тўғрисидаги битим рўйхатдан ўтказиш учун солиқ органига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

1) мазкур шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганда – солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан камида бир ой олдин;

2) бошқа ҳолларда – солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш учун ҳолатлар юзага келган кундан эътиборан бир ой ичида.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш тўғрисидаги битимни рўйхатдан ўтказиш учун унинг масъул иштирокчиси солиқ органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1) шартномага ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги билдириш хати;

2) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг ваколатли шахслари томонидан шартномани ўзгартириш, шу жумладан унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги имзоланган битимнинг иккита нусхаси;

3) шартномага ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги битимни имзолаган шахсларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

4) шартномага киритилган ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Кодекснинг 62-моддасида назарда тутилган шартлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

5) шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорнинг иккита нусхаси.

Солиқ органи солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш тўғрисидаги битимни ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган

кундан эътиборан ўн кун ичида рўйхатдан ўтказиши ва мазкур гуруҳ масъул иштирокчисининг ваколатли вакилига ўзгартишларнинг бир нусхасини, у рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги белгини қўйган ҳолда, бериши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш тўғрисидаги битимни рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) ушбу Кодекснинг 62-моддасида назарда тутилган шартларнинг солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг ҳеч бўлмаганда битта иштирокчисига нисбатан бажарилмаганлиги;

2) ҳужжатларнинг бунга ваколати бўлмаган шахслар томонидан имзоланганлиги;

3) мазкур шартномани ўзгартириш учун ҳужжатлар тақдим этиш муддатининг бузилганлиги;

4) ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги (тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги).

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш тўғрисидаги битим қуйидаги тартибда кучга киради:

1) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага бундай гуруҳга янги юридик шахслар қўшиб олиниши билан боғлиқ ўзгартишлар (бундан гуруҳ иштирокчилари қайта ташкил этилган ҳоллар мустасно) шартномага тегишли ўзгартишлар солиқ органи томонидан рўйхатга олинган йилдан кейинги календарь йилнинг камида биринчи кунидан кейин кучга киради;

2) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага бундай гуруҳ таркибидан иштирокчилар чиқиб кетиши билан боғлиқ ўзгартишлар шартномага тегишли ўзгартишлар киритиш учун ҳолатлар юзага келган йилдан (агар ушбу қисмнинг 3-бандида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса) кейинги календарь йилнинг биринчи кунидан кучга киради;

3) бошқа ҳолларда солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага ўзгартишлар унинг гарафлари кўрсатган санадан эътиборан, лекин тегишли ўзгартишлар солиқ органи томонидан рўйхатга олинган санадан кейин келадиган санада кучга киради.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага мажбурий ўзгартишларни киритишдан бўйин товлаш шартномага тегишли мажбурий ўзгартишлар кучга кириши керак бўлган календарь йилнинг биринчи кунидан эътиборан шартноманинг амал қилиши тугатилишига сабаб бўлади.

66-модда. Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчилари қуйидагиларга ҳақли:

1) консолидациялашган гуруҳнинг масъул иштирокчисидан ушбу консолидациялашган гуруҳнинг фаолияти муносабати билан солиқ органи томонидан масъул иштирокчига тақдим этилган ҳужжатлар, қарорлар, талабномалар, солиштирма далолатномалар ва бошқа ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини олиш;

2) ушбу Кодексда назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ органларининг ҳужжатлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи солиқ органига ёки судга шикоят қилиш;

3) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи масъул иштирокчисининг солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини тўлаш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажариш;

4) масъул иштирокчида солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғи ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши муносабати билан ўтказиладиган солиқ текширувларини ўтказишда, шунингдек бундай солиқ текширувларининг материалларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

Ушбу Кодекснинг 62-моддасида солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари учун назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлган бундай гуруҳ иштирокчиси солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида ўзининг ушбу гуруҳдаги иштирокини ихтиёрий равишда тугатишга ҳақли эмас.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчилари:

1) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартномани ва унга ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳаракатларни амалга ошириши ҳамда барча ҳужжатларни тақдим этиши;

2) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчисига солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини тўловчининг мажбуриятларини бажариш ва ҳуқуқларини амалга ошириш учун унга зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши (шу жумладан электрон шаклда тақдим этиши). Бундай маълумотлар жумласига олинган даромадлар ва қилинган харажатларга нисбатан фойда солиғи бўйича солиқ базасининг ҳисоб-китоблари, ҳисобга олиш регистрларининг маълумотлари ва бошқа ҳужжатлар киради;

3) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг фаолияти муносабати билан солиқ органи томонидан солиқ назорати тадбирлари

амалга оширилганда талаб қилинадиган ҳужжатлар ва бошқа ахборотни ушбу Кодексада белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиши;

4) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини (бўнак ва жорий тўловларни), тегишли пенялар ва жарималарни тўлаш бўйича мажбурият ушбу Кодекснинг III бўлимида белгиланган тартибда ушбу гуруҳнинг масъул иштирокчиси томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, бундай мажбуриятни бажариши;

5) ушбу Кодекснинг 62-моддасида назарда тутилган шартларга риоя этилмаган тақдирда, солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчисини ва мазкур гуруҳни тузиш тўғрисидаги шартнома рўйхатга олинган солиқ органини дарҳол хабардор қилиши;

6) ушбу Кодекснинг II бўлимида назарда тутилган тартибда солиқ солиш мақсадида ҳисоб юритиши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғига нисбатан солиқ мажбурияти масъул иштирокчи томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда, ушбу гуруҳнинг кўрсатилган солиқ мажбуриятини бажарган иштирокчиси фуқаролик қонун ҳужжатларида ва мазкур гуруҳни тузиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган миқдорларда ҳамда тартибда регресс талаби қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу қоида солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси ўрнига унинг солиқ мажбурияти (шу жумладан бўнак ва жорий тўловларни тўлаш) шу консолидациялашган гуруҳнинг бир нечта иштирокчиси томонидан бажарилган ҳолларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Юридик шахс солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи таркибидан чиққанда:

1) юридик шахс фойда солиғи бўйича консолидациялашган гуруҳ таркибидан чиққан солиқ давридан бошлаб солиқ ҳисобига солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиси бўлмаган солиқ тўловчининг солиқ ҳисоби бўйича ушбу Кодекснинг II бўлими талабларига риоя этишга қаратилган ўзгартишлар киритиши;

2) ушбу юридик шахс солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг таркибидан чиқиб кетган солиқ давридан бошлаб ўзи томонидан ҳақиқатда олинган фойдадан келиб чиққан ҳолда фойда солиғини ҳисоблаб чиқиши ва тўлаши. Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан ушбу гуруҳ бўйича ҳақиқатда тўланган фойда солиғи суммаларини ҳисобга олган ҳолда, кўрсатилган талаб тегишли ҳисобот ва солиқ даврларига нисбатан татбиқ этилади ҳамда фойда солиғи бўйича бўнак ва жорий тўловларни ушбу Кодекснинг XII бўлимида белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади;

3) ушбу Кодекснинг XII бўлимида назарда тутилган муддатларда фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобда турган ердаги солиқ органига тақдим этиши шарт.

Юридик шахснинг солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи таркибидан чиқиб кетиши уни ушбу юридик шахс шундай консолидациялашган гуруҳнинг иштирокчиси бўлган даврда юзага келган солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғига нисбатан солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

Мазкур қоида, ушбу юридик шахсга унинг солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи таркибидан чиқиб кетгунига қадар мазкур солиқ мажбурияти бажарилмаганлиги ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлганидан ёки маълум бўлмаганидан қатъи назар, қўлланилади.

**67-модда. Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи
масъул иштирокчисининг ҳуқуқлари
ва мажбуриятлари**

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси ушбу Кодекснинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан ташқари, ушбу моддада белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг фаолияти муносабати билан юзага келадиган муносабатларда фойда солиғини тўловчилар учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси куйидаги ҳуқуқларга эга:

1) солиқ органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини (бўнак ва жорий тўловларни) ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш юзасидан ҳар қандай тушунтиришларни тақдим этиш;

2) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғи тўланиши муносабати билан бундай гуруҳнинг исталган иштирокчиси ва унинг алоҳида бўлинмалари жойлашган ерда ўтказиладиган сайёр солиқ текширувлари ҳамда солиқ аудити ўтказилаётганда иштирок этиш;

3) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғи тўланиши муносабати билан ўтказиладиган солиқ текширувлари ҳужжатларининг ва солиқ текширувларининг натижалари юзасидан солиқ органи томонидан чиқарилган қарорларнинг кўчирма нусхаларини олиш. Шунингдек фойда солиғини (бўнак тўловларини) тўлаш тўғрисидаги талабномаларни ҳамда солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни олиш;

4) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини тўлаш муносабати билан ўтказиладиган солиқ текширувларининг ва солиқ назорати қўшимча тадбирларининг материаллари ушбу Кодекста назарда тутилган ҳолларда ва тартибда солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан кўриб чиқиладиганда иштирок этиш;

5) солиқ органларидан солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари тўғрисидаги солиқ сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш;

6) солиқ органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг ҳужжатлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, шу жумладан солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда улар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши (ҳуқуқларнинг амалга оширилиши) муносабати билан солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг айрим иштирокчилари манфаатларини кўзлаб белгиланган тартибда шикоят қилиш;

7) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича ортикча тўланган фойда солиғини ҳисобга олиш (қайтариш) тўғрисидаги ариза билан солиқ органига мурожаат этиш.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси:

1) солиқ органига ушбу Кодекста назарда тутилган тартибда ва муддатларда рўйхатдан ўтказиш учун солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартномани, ушбу шартномани ўзгартириш тўғрисидаги битимни, солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарорни ёки билдириш хатини тақдим этиши;

2) ушбу Кодекснинг XII бўлимида белгиланган тартибда солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича солиқ ҳисобини юритиши, фойда солиғини (бўнак ва жорий тўловларни) ҳисоблаб чиқариши ва тўлаши;

3) солиқ органига солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботини, шунингдек мазкур гуруҳнинг бошқа иштирокчиларидан олинган ҳужжатларни ушбу Кодекста белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этиши;

4) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг фаолияти тугатилган тақдирда, ушбу гуруҳ иштирокчиларига фойда солиғини (бўнак ва жорий тўловларни) ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳамда тегишли ҳисобот ҳамда солиқ даврлари учун солиқ ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда тақдим этиши. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахс чиқиб кетганда бундай маълумотлар ушбу консолидациялашган гуруҳнинг бошқа

иштирокчиларига ва консолидациялашган гуруҳ таркибидан чиқиб кетган юридик шахсларга худди шундай тартибда тақдим этилади;

5) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини тўловчининг мажбуриятларини бажариш муносабати билан юзага келадиган солиқ қарзини узиши;

6) солиқларни тўлаш тўғрисидаги талабнома олинганлиги ҳақида у олинган кундан эътиборан беш кун ичида солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларини хабардор қилиши;

7) солиқ органлари томонидан солиқ назорати амалга оширилиши ҳамда солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини тўловчининг мажбуриятлари бажарилиши учун зарур бўлган ҳужжатларни, изоҳларни ва бошқа ахборотни солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларидан талаб қилиб олиши;

8) ушбу консолидациялашган гуруҳни ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказган солиқ органи томонидан солиқ назорати тадбирлари доирасида талаб қилинган, солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича бошланғич ҳужжатларни, солиқ ҳисоби регистрларини ва бошқа ахборотни тақдим этиши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахс чиқиб кетган тақдирда шу консолидациялашган гуруҳнинг масъул иштирокчиси:

1) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг фойда солиғи бўйича юридик шахслар консолидациялашган гуруҳ таркибидан чиқиб кетган солиқ даври бошланишидан солиқ ҳисобига тегишли ўзгартишлар киритиши;

2) тугаган ҳисобот даврлари бўйича фойда солиғи юзасидан бўнак ва жорий тўловларни қайтадан ҳисоблашни амалга ошириши ва ҳисобда турган жойидаги солиқ органига солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғига доир аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси ўзига берилган ваколатлар доирасида солиқ тўловчининг ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларига эга бўлади ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлади.

68-модда. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи фаолиятини тугатиш

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи куйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлган тақдирда фаолиятини тугатади:

1) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

2) тарафларнинг келишувига кўра солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда;

3) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

4) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани унинг иштирокчилари таркиби ўзгариши муносабати билан ўзгартириш тўғрисидаги битим белгиланган муддатларда солиқ органига тақдим этилмаганда;

5) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси қайта ташкил этилганда (бундан қайта ўзгартириш мустасно) ёки тугатилганда;

6) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчисига нисбатан ночорлик (банкротлик) тўғрисида иш юритиш қўзғатилганда;

7) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси ушбу Кодекснинг 62-моддасида назарда тутилган шартларга мувофиқ келмаганда;

8) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага мажбурий ўзгартишларни киритишдан бўйин товлаганда.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиси бўлган юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ушбу Кодекс 62-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган шартларнинг бузилишига олиб келмайдиган харид қилиш ёки сотиш солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи фаолиятини тугатишга сабаб бўлмайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган ҳолат мавжуд бўлганда, солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси ушбу гуруҳни тузиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказган солиқ органига унинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги, консолидациялашган гуруҳ иштирокчилари бўлган барча юридик шахсларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган қарорни юбориши шарт. Бундай қарор кўрсатилган солиқ органига қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 3–7-бандларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси ушбу гуруҳни тузиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказган солиқ органига бундай ҳолатлар юзага келган санани кўрсатган ҳолда билдириш хати юбориши шарт. Бундай билдириш ихтиёрий шаклда тузилади ва мазкур солиқ органига тегишли ҳолат юзага келган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади.

Солиқ органи ушбу модданинг учинчи ёки тўртинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар олинган санадан эътиборан беш кун ичида солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи фаолияти тугатилганлиги

хақидаги ахборотни солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари бўлган юридик шахслар жойлашган ердаги солиқ органларига юборади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи, агар ушбу Кодексада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келган йилдан кейинги календарь йилнинг биринчи кунидан эътиборан фаолиятини тугатади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи фойда солиғи бўйича суднинг кўрсатилган қарори қонуний кучга кирган солиқ даврининг биринчи кунидан эътиборан фаолиятини тугатади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи фойда солиғи бўйича ушбу Кодекснинг 65-моддасида белгиланган шарт қайси солиқ даврида бузилган бўлса, ўша солиқ даврининг биринчи кунидан эътиборан фаолиятини тугатади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5, 6 ёки 7-бандларида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи тегишли ҳолат юзага келган календарь йилнинг биринчи кунидан эътиборан фаолиятини тугатади.

6-боб. Солиқларнинг элементлари

69-модда. Солиқларнинг элементлари

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқнинг барча элементлари аниқлаб қўйилган тақдирдагина ушбу солиқ белгиланган деб ҳисобланади.

Бундай солиқ элементларига қуйидагилар киради:

- 1) солиқ солиш объекти;
- 2) солиқ базаси;
- 3) солиқ ставкаси;
- 4) солиқ даври;
- 5) солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби;
- 6) солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби;
- 7) солиқни тўлаш тартиби.

Солиқни белгилашда солиқ имтиёзлари ва уларнинг қўлланилиши учун асослар назарда тутилиши мумкин.

70-модда. Солиқ солиш объекти

Солиқ солиш объекти мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси ёки қиймат, миқдорий ёки физик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳолат бўлиб,

у мавжуд бўлганда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчида солиқ мажбуриятини вужудга келтиради.

Ҳар бир солиқ ушбу Кодекснинг Махсус қисмига мувофиқ белгиланадиган мустақил солиқ солиш объектига эга бўлади.

71-модда. Солиқ базаси

Солиқ базаси солиқ солиш объектининг қиймат, физик ёки бошқа хусусиятини ифодалайди.

Ҳар бир солиқ учун солиқ базаси ва уни аниқлаш тартиби ушбу Кодекс билан белгиланади.

72-модда. Солиқ ставкаси

Солиқ ставкаси солиқ базасининг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган солиқнинг фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорини ифодалайди.

Солиқ ставкалари, агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекс билан белгиланади.

Акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва қатъий белгиланган суммада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади. Акциз солиғининг ставкалари, маҳсулот нархи динамикасидан ва реализация қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

73-модда. Солиқ даври

Солиқ даври деганда тугагандан кейин солиқ базаси аниқланадиган ҳамда тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳисоблаб чиқариладиган календарь йил ёки бошқа давр тушунилади.

Солиқ даври бир неча ҳисобот даврларидан иборат бўлиши мумкин.

Календарь йил солиқ даври ҳисобланадиган солиқларга нисбатан ушбу қисмнинг қоидалари мазкур модданинг тўртинчи – ўнинчи қисмларида назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

Агар юридик шахс календарь йил бошланганидан кейин, лекин шу йилнинг 1 декабрига қадар ташкил этилган бўлса, унинг учун у ташкил этилган кундан эътиборан шу йилнинг охирига қадар бўлган давр биринчи солиқ даври деб эътироф этилади.

Агар юридик шахс 1 декабрдан 31 декабрга қадар бўлган даврда ташкил этилган бўлса, ташкил этилган кундан эътиборан ташкил этилган йилдан кейинги календарь йилнинг охиригача бўлган давр унинг учун

биринчи солиқ даври деб эътироф этилади. Бунда юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган кун у ташкил этилган кун деб эътироф этилади.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар ушбу Кодексда белгиланган тартибда ўзини мустақил равишда Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этган ҳамда фаолияти бундай эътироф этиш санасида Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса тузишга олиб келмаган чет эл юридик шахслари учун фойда солиғи бўйича биринчи солиқ даврини аниқлашга нисбатан қўлланилмайди.

Агар юридик шахс календарь йил охиригача тугатилган (қайта ташкил этилган) бўлса, унинг учун шу йил бошидан то тугатиш (қайта ташкил этиш) тамомланган кунгача бўлган давр охириги солиқ даври деб эътироф этилади.

Агар календарь йил бошланганидан кейин ташкил этилган юридик шахс шу йил охирига қадар тугатилган (қайта ташкил этилган) бўлса, унинг учун у тузилган кундан эътиборан тугатилган (қайта ташкил этилган) кунгача бўлган давр солиқ даври деб эътироф этилади.

Агар юридик шахс жорий календарь йилнинг 1 декабридан 31 декабрига қадар бўлган даврда ташкил этилган бўлса ва ташкил этилган йилдан кейинги календарь йил охиригача тугатилган (қайта ташкил этилган) бўлса, унинг учун у тузилган кундан эътиборан тугатилган (қайта ташкил этилган) кунгача бўлган давр солиқ даври деб эътироф этилади.

Ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган қоидалар таркибидан бир ёхуд бир нечта юридик шахслар ажралиб чиқадиган ёки унга бир ёки бир нечта юридик шахслар қўшиб олинadиган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар фаолияти Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса тузишга олиб келмаган чет эл юридик шахси ўзини мустақил равишда Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этса, унинг учун фойда солиғи бўйича биринчи солиқ даврини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) агар ушбу чет эл юридик шахси ўзини Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этиш тўғрисидаги аризани тақдим этган календарь йилнинг 1 январидан эътиборан ўзини Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этса, мазкур ариза тақдим этилган календарь йил унинг учун биринчи солиқ даври ҳисобланади;

2) агар ушбу чет эл юридик шахси тегишли ариза тақдим этилган санадан эътиборан ўзини Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этса, кўрсатилган ариза солиқ органига тақдим этилган санадан эътиборан ушбу ариза тақдим этилган календарь йилнинг охиригача бўлган давр унинг учун биринчи солиқ даври ҳисобланади. Бунда, агар чет эл юридик шахсининг ўзини Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаси 1 декабрдан 31 декабрга қадар бўлган даврда тақдим этилган бўлса, унинг учун ушбу ариза солиқ органига тақдим этилган санадан эътиборан у солиқ органига тақдим этилган кундан

кейинги календарь йилнинг охиригача бўлган давр биринчи солиқ даври ҳисобланади.

74-модда. Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби солиқ базасидан, солиқ ставкасидан, шунингдек мавжуд бўлган тақдирда, солиқ имтиёзларидан келиб чиққан ҳолда солиқ даври учун солиқ суммасини ҳисоб-китоб қилиш қоидаларини белгилайди.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда бу мажбурият солиқ органига ёки солиқ агентига юклатилиши мумкин.

Агар мазкур Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари солиқлар ҳамда йиғимларни мустақил равишда тўлайди.

Солиқни тўлаш солиқнинг тўлиқ суммаси бўйича ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқача тартибда амалга оширилади.

Агар солиқ бўйича солиқ даври бир неча ҳисобот даврини ташкил этса, улардан ҳар бирининг натижалари бўйича жорий тўловлар тўланади. Жорий тўловларни тўлаш мажбурияти солиқни тўлаш бўйича мажбуриятга тенглаштирилади.

Алоҳида солиқ турлари учун бўнак тўловлари назарда тугилиши мумкин. Бўнак тўловларини тўлаш мажбурияти солиқни тўлаш бўйича мажбуриятга тенглаштирилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқларни банклар орқали нақд пулсиз шаклда тўлайди.

Солиқлар ва йиғимларни турлари бўйича ҳисоблаб чиқариш тартиби ҳамда тўлаш муддатлари ушбу Кодекснинг Махсус қисмида белгиланади.

75-модда. Солиқ имтиёзлари

Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқ имтиёзлари деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчига солиқларни тўлаш бўйича муддатни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилиши солиқ имтиёзлари ҳисобланмайди.

Агар ушбу модданинг бешинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ имтиёзлари ушбу Кодекс билан тақдим этилади.

Солиқ имтиёзлари индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас.

Айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда ва (ёки) реализация қилинганда акциз солиғи ва ер қаъридан

фойдаланганлик учун солиқдан ташқари, ушбу модданинг олтинчи қисми қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини камайтириш, лекин кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин.

Ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар солиқлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар юзага келган пайтдан эътиборан уларнинг бутун амал қилиш даври мобайнида фойдаланишга ёки солиқ имтиёздан фойдаланишдан воз кечишга ёхуд ундан фойдаланишни бир ёки бир неча солиқ даврларида тўхтатиб туришга ҳақли, бундан қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш мустасно.

Солиқлар бўйича имтиёзлар солиқ солишдан бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириши шарти билан берилиши мумкин. Бундай маблағлар мақсадли ишлатилмаган тақдирда мақсадсиз ишлатилган маблағлар суммаси белгиланган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундирилиши лозим. Солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаган ва мазкур имтиёзларнинг амал қилиш даврида фойдаланилмаган маблағлар суммаси берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг бир йил давомида уларни тақдим этишда белгиланган мақсадлар учун йўналтирилиши мумкин. Бунда белгиланган муддатда фойдаланилмаган маблағлар бюджетга ўтказилиши лозим.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар, шу жумладан товарлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига олиб кирилишида (импортида) солиқ солишдан бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шарти билан, берилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бош бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг муассасалари ушбу Кодексда назарда тутилган солиқларни тўлашдан озод этилади, бундан ижтимоий солиқ ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига олиб киришда (импортида) тўланадиган қўшилган қиймат солиғи мустасно.

II БЎЛИМ.

СОЛИҚ ҲИСОБИ ВА СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИ

7-боб. Солиқ ҳисоби

76-модда. Солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олиш ва ҳисоб ҳужжатлари

Солиқ солиш объектлари ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ҳамда тизимлаштириш, шунингдек солиқларни, йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тузиш мақсадида ушбу Кодекс талабларига мувофиқ солиқ

тўловчи ёки солиқ агенти томонидан ҳисоб ҳужжатларини юритиш солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олиш деб эътироф этилади.

Ҳисоб ҳужжатлари солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш, шунингдек солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бошланғич ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа ҳужжатлардан иборатдир.

Агар ушбу модданинг тўртинчи қисмида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосланади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб ҳужжатларини юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига бухгалтерия ҳисобини юритиш мажбурияти юклатилмаган шахслар солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олишни ушбу бобга мувофиқ ташкил этади ва юритади.

77-модда. Солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсати

Солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда белгиланади. Бунда ҳисоб сиёсати ихтиёрий шаклда тасдиқланади ва унда қуйидагилар акс эттирилиши керак:

1) агар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи ёки солиқ агенти томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган солиқ регистрларининг шакли ва уларни тузиш тартиби;

2) унга риоя этилиши устидан масъул мансабдор шахслар;

3) солиқ солиш мақсадларида алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш тартиби, агар бундай ҳисоб юритиш мажбурияти ушбу Кодексда назарда тутилган бўлса;

4) солиқ тўловчи томонидан фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадида сарфларни харажатлар сирасига киритиш, шунингдек қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишнинг танланган усуллари;

5) хеджирланадиган таваккалчиликларни, хеджирланадиган моддаларни ва уларга нисбатан қўлланиладиган хеджирлаш воситаларини аниқлаш сиёсати, хеджирлаш операциялари, шунингдек бошқа молиявий таваккалчиликлар амалга оширилган тақдирда хеджирлаш самарадорлиги даражасини баҳолаш услубияти;

6) активларнинг ҳар бир гуруҳи ва кичик гуруҳи бўйича амортизация нормалари (ҳисоблаш усуллари).

Солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатини ўзгартириш ва (ёки) унга қўшимчалар киритиш солиқ тўловчи томонидан қуйидаги усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади:

1) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган янги ҳисоб сиёсатини ёки унинг янги бўлимини тасдиқлаш;

2) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган амалдаги ҳисоб сиёсатига ёки амалдаги ҳисоб сиёсатининг бўлимига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадларида танланган ҳисоб юритиш усуллари тегишли ҳисоб сиёсати тасдиқланган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан қўлланилади.

Янги ташкил этилган юридик шахс ёки чет эл юридик шахсининг доимий муассасаси солиқ солиш мақсадларида ҳисоб юритиш усуллари тўғрисидаги қарорни ўзи ташкил этилгандан кейинги биринчи ҳисобот даври давомида қабул қилади.

Солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати календарь йил давомида ўзгартирилмайди. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ёхуд солиқ солиш шартларига ўзгартириш киритилганда ва фақат ушбу ўзгартиришлар тааллуқли бўлган қисмида солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида ўзгартиришлар қилишга йўл қўйилади.

78-модда. Солиқ солиш мақсадларида ҳисобни юритиш

Агар ушбу Кодексада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи ёки солиқ агенти солиқ солиш мақсадларида ҳисобни ҳисоблаш усули бўйича миллий валютада юритади.

79-модда. Ҳисоб ҳужжатларини тузиш ва сақлашга доир талаблар

Ҳисоб ҳужжатлари қоғозда ва (ёки) электрон шаклларда тузилади ҳамда ушбу Кодекснинг 88-моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво муддати тугагунга қадар сақланади.

Солиқ тўловчи қайта ташкил этилганда қайта ташкил этилган шахсининг ҳисоб ҳужжатларини сақлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) юклатилади.

Юридик шахс тугатилганда ҳисоб ҳужжатлари тегишли давлат архивига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топширилади.

80-модда. Алоҳида-алоҳида ҳисоб ва уни юритиш қоидалари

Ушбу Кодексада солиқ солишнинг турлича тартиби назарда тутилган фаолият турларини бир вақтда амалга ошираётган солиқ тўловчилар солиқ солиш объектларининг ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши шарт.

Солиқ солиш объектларининг ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида юритилади.

Фаолиятнинг муайян турига тааллуқли барча даромадлар ва харажатлар тегишли ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Солиқ солиш объектларининг ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби мутаносиб усул ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули ёрдамида юритилиши мумкин.

Ҳисобга олишнинг мутаносиб усулида даромадлар, харажатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар реализация қилишдан олинган тушумнинг умумий суммасида фаолиятнинг муайян турлари бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисобга олмаган ҳолда реализация қилишдан олинган тушум улушига мутаносиб тарзда шу муайян фаолият турларига киритилади.

Тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули қўлланилганда даромадлар, харажатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар фаолиятнинг қайси тури амалга оширилиши билан боғлиқ бўлса, шу турига киритилади. Бунда фаолиятнинг фақат битта аниқ турига киритиш мумкин бўлмаган даромадлар, харажатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ҳисобга олишнинг мутаносиб усули орқали фаолиятнинг амалга оширилаётган барча турларига киритилади.

Мақсадли маблағлар олувчи солиқ тўловчилар ушбу мақсадли маблағлардан фойдаланиш доирасида олинган даромадларнинг (қилинган харажатларнинг) алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши шарт.

Солиқ тўловчилар, бундан бюджет ташкилотлари мустасно, солиқ даври тугаганидан кейин ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органларига олинган мақсадли маблағлардан фойдаланганлик тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Олинган мақсадли маблағлардан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботнинг шакли ва уни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

8-боб. Солиқ ҳисоботи

81-модда. Солиқ ҳисоботини тузиш

Солиқ тўловчининг ҳар бир солиқ тури ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китобларни ва солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ҳамда солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган, солиқ тўловчиларнинг ва солиқ агентларининг солиқ мажбуриятларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлари солиқ ҳисоботидир.

Солиқ ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган шаклларда тузилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ органларига шахс фақат солиқ тўловчи деб эътироф этиладиган солиқлар бўйича тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ тўловчининг ёки солиқ агентининг зиммасига юкланади.

82-модда. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади.

Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади.

Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари қоидалари давлат сирлари жумласига киритилган ахборотни тақдим этишга нисбатан қўлланилмайди.

Солиқ ҳисоботи бланкалари солиқ органлари томонидан бепул тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботи ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда солиқ тўловчи томонидан солиқ органига шахсан ёки вакил орқали тақдим этилиши ёхуд почта жўнатмаси тарзида жойланмалар рўйхати билан юборилиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ ҳисоботини солиқ тўловчи номидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этишга ҳақли.

Солиқ органи солиқ тўловчи томонидан белгиланган шаклда тақдим этилган солиқ ҳисоботини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Солиқ ҳисоботи қоғозда олинган тақдирда, солиқ органи солиқ тўловчининг илтимосига кўра, солиқ ҳисоботининг кўчирма нусхасига унинг қабул қилиб олингани тўғрисида белги қўйиши ва у олинган санани кўрсатиши шарт.

Солиқ ҳисоботи, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Солиқ тўловчи ва унинг ваколатли вакили солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаб, унга имзо қўяди.

Агар солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини солиқ тўловчининг ваколатли вакили тасдиқласа, солиқ ҳисоботида бу ҳақда тегишли белги қўйилади. Бунда солиқ ҳисоботига ушбу вакилнинг уни имзолашга бўлган ваколатини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Солиқ ҳисоботи электрон шаклда тақдим этилганда вакилнинг уни имзолашга бўлган ваколатини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси телекоммуникация алоқа каналлари орқали электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар ушбу Кодекснинг Махсус қисмига мувофиқ солиқ ҳисоботини тақдим этиш мажбурияти зиммасига юклатилган солиқ агентларига ва бошқа шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

83-модда. Солиқ ҳисоботига ўзгартиришлар киритиш

Ўзи илгари тақдим этган солиқ ҳисоботида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси камайишига (ўзгаришига) олиб келган нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни ва (ёки) хатоларни аниқлаган солиқ тўловчи ушбу солиқ ҳисоботига зарур тузатишларни киритиши ва солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасининг камайишига олиб келмаган бўлса, солиқ тўловчи ўзи илгари тақдим этган солиқ ҳисоботига зарур тузатишлар киритишга ва солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг белгиланган муддати ўтгандан кейин тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи муддат бузилган ҳолда тақдим этилган деб ҳисобланмайди.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи солиқ органига солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддати ўтгунга қадар тақдим этилган бўлса, солиқ ҳисоботи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кун тақдим этилган деб ҳисобланади.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи солиқ органига солиқни тўлаш муддати ўтгандан кейин тақдим этилган бўлса, солиқ тўловчи бир пайтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этган тақдирда жавобгарликдан озод қилинади:

1) аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи у ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси камайишига (ўзгаришига) олиб келган ҳолатлар солиқ органи томонидан аниқланганлигини ёки солиқ аудити тайинланганлигини билган пайтга қадар тақдим этилган бўлса;

2) аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилгунга қадар у етишмаётган солиқ суммасини ва унга тегишли пеняларни тўлаган бўлса.

Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи солиқ органига, ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда, солиқ ҳисоботини топшириш учун белгиланган тартибда тақдим этилади.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар солиқ агентлари томонидан тақдим этиладиган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботига нисбатан ҳам қўлланилади.

84-модда. Солиқ ҳисоботини сақлаш муддати

Солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари солиқ органларига солиқ ҳисоботини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни, агар ушбу Кодекста бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ушбу ҳисобот тақдим этилган йилдан кейин камида беш йил сақлаши шарт.

Агар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ ставкасини қўллашни, тўланадиган солиқ миқдорини, солиқ имтиёзини ёки солиқ чегирмасини қўллашни ва (ёки) солиқни тўлаш муддатини ўзгартиришни солиқ тўловчининг муайян шартларга риоя этиши билан боғласа, ушбу солиқ тўловчи барча тасдиқловчи ҳужжатларни мазкур шартларнинг амал қилиши тугайдиган йилдан кейин камида беш йил сақлаши керак. Бундай тасдиқловчи ҳужжатлар жумласига, хусусан, ушбу солиқ бўйича солиқ ҳисоботи, унга илова қилинадиган ҳужжатлар, шунингдек кўрсатилган шартларга ёки мажбуриятларга риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар киради. Ушбу қисмнинг қоидалари, агар кўрсатилган шартлар ёки мажбуриятлар вақтинчалик тусга эга бўлса ва уларга риоя этилишини ҳужжатлар билан тасдиқлашни талаб қилса, қўлланилади.

III БЎЛИМ.

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРИШ

9-боб. Солиқ мажбуриятини бажаришнинг умумий қоидалари

85-модда. Солиқ мажбурияти

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан солиқ тўловчилар зиммасига юклатилган солиқларни ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўлаш мажбурияти уларнинг солиқ мажбуриятидир.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан солиқ агентларининг зиммасига юклатилган, ўзига нисбатан ушбу шахслар солиқ агентлари деб эътироф этиладиган муносабатлар доирасида солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва ўз вақтида ўтказиш мажбурияти солиқ мажбуриятига тенглаштирилади.

Солиқ мажбурияти ушбу Кодекс ёки бошқа солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган асослар мавжуд бўлганда юзага келади, ўзгартирилади ва тугатилади.

Ҳар бир солиққа нисбатан солиқ мажбурияти солиқ тўловчига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ушбу солиқни тўлашни назарда тутувчи ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан юклатилади.

86-модда. Солиқ мажбуриятини бажариш тартиби ва муддати

Солиқ тўловчи ўзининг солиқ мажбуриятини, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мустақил равишда бажаради.

Якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланмайдиган жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчининг солиқ мажбурияти ўзга жисмоний шахс томонидан бажарилиши мумкин. Бунда солиқ тўловчи унинг солиқ мажбурияти ўзга жисмоний шахс томонидан бажарилиши натижасида олган моддий наф солиқ солиш мақсадларида шу солиқ тўловчининг даромади деб эътироф этилмайди. Ўзга шахс ўзи томонидан солиқ тўловчи учун тўланган солиқнинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

Солиқ мажбурияти солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда бажарилиши керак.

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари календарь сана ёки вақт даври (йил, чорак, ой, ўн кунлик ва кун) ўтиши билан белгиланади.

Муддатнинг ўтиши календарь санадан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейинги кундан бошланади. Солиқ мажбурияти ушбу мажбуриятни бажариш муддатининг сўнгги куни соат йигирма тўртга қадар бажарилиши керак.

Агар солиқ мажбуриятини бажариш муддатининг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келса, ундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.

Солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини муддатидан олдин бажаришга ҳақли.

Солиқ мажбуриятини бажариш муддати ушбу Кодекснинг 97 – 102-моддаларида назарда тутилган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Солиқ тўловчи томонидан солиқ мажбуриятининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги унга солиқ органи томонидан солиқ қарзини тўлаш тўғрисида талабнома юборилиши учун асос бўлади.

Солиқ тўловчи томонидан солиқ мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, солиқ органлари ушбу мажбуриятнинг мажбурий тартибда бажарилиши юзасидан ушбу Кодекснинг 15-бобида назарда тутилган чораларни кўриши ва (ёки) унинг бажарилишини таъминлашга доир ушбу Кодекснинг 13-бобида назарда тутилган чораларни қўллаши шарт.

87-модда. Солиқ мажбуриятининг тугатилиши

Солиқ мажбурияти, агар ушбу модданинг иккинчи – тўртинчи қисмларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, қуйидаги ҳолларда тугатилади:

солиқ тўловчи томонидан солиқ тўланганда ёки солиқ агенти томонидан ўтказиб берилганда;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ мажбуриятини тугатиш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар юзага келганда.

Жисмоний шахснинг солиқ мажбурияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

мазкур шахс вафот этганда;

уни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирганда.

Вафот этган ёки вафот этган деб эълон қилинган жисмоний шахснинг солиқ қарзи ушбу Кодекснинг 94-моддасида белгиланган тартибда мерос мол-мулкнинг қиймати доирасида меросхўрлардан ундирилади.

Юридик шахснинг солиқ мажбурияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

ушбу Кодекснинг 91-моддасига мувофиқ, бюджет тизими билан барча ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин у тугатилганда;

ушбу Кодекснинг 92-моддасига мувофиқ, бюджет тизими билан барча ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин у қайта ташкил этилганда.

88-модда. Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатлари

Солиқ органи ёки бошқа ваколатли орган солиқ текширувини ўтказишга, текширув натижалари бўйича солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборишга ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган солиқлар миқдорини қайта кўриб чиқишга ҳақли бўлган муддат солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати ҳисобланади.

Агар ушбу Кодекста бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати, натижаларига кўра солиқ мажбурияти аниқланадиган солиқ даври тугаганидан кейин беш йилни ташкил этади. Агар солиқ мажбуриятининг юзага келиши муайян воқеа ёки ҳаракат билан боғлиқ бўлса, агар ушбу Кодекста бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати шу воқеа ёки ҳаракат содир бўлган пайтдан эътиборан беш йилни ташкил этади.

Ушбу Кодекс 84-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда даъво қилиш муддати солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра солиқ тўловчи томонидан солиқ ставкаси, тўланадиган солиқ миқдори, солиқ имтиёзи ёки солиқ чегирмаси қўлланилиши ва (ёки) солиқни тўлаш муддати ўзгариши билан боғлиқ шартларнинг амал қилиш муддатига узайтирилади.

Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, узилади ва қайта тикланади.

10-боб. Солиқ мажбуриятини бажариш

89-модда. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш

Солиқни тўлаш, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, миллий валютада амалга оширилади.

Чет эл валютасида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасини миллий валютада қайтадан ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг солиқни тўлаш санасидаги расмий курси бўйича амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг солиқни тўлаш бўйича мажбурияти, агар ушбу модданинг тўртинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги ҳолларда бажарилган деб эътироф этилади:

1) пул маблағларини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағидан бюджет тизимига тегишли ғазначилик ҳисобварағига ўтказишга доир топшириқнома банкка тақдим этилган пайтдан эътиборан – солиқ тўловчининг ҳисобварағида тўлов кунида етарлича пул қолдиғи мавжуд бўлган тақдирда;

2) банкда ҳисобварақ очмасдан тегишли ғазначилик ҳисобварағига бюджет тизимига ўтказиш учун банк кассасига нақд пул маблағлари топширилган пайтдан эътиборан. Бундай қоида солиқни тўлаш учун пул маблағлари етарлича бўлган тақдирда, фақат жисмоний шахслар томонидан солиқни тўлашда қўлланилади;

3) банк ёки алоқа бўлимига бюджет тизимига ўтказиш учун нақд пул маблағлари киритилган кундан эътиборан. Бундай қоида солиқни тўлаш учун пул маблағлари етарлича бўлган тақдирда, фақат жисмоний шахслар томонидан солиқни тўлашда қўлланилади;

4) ғазначилиқда шахсий ҳисобварағи очилган юридик шахсининг шахсий ҳисобварағида тегишли пул маблағларини бюджет тизимига ўтказишга доир операция акс эттирилган пайтдан эътиборан;

5) ортиқча тўланган суммаларни ёки ортиқча ундирилган солиқлар, пенялар, жарималар суммаларини тегишли солиқ тури бўйича мажбуриятнинг бажарилиши ҳисобига ҳисобга олиш тўғрисида солиқ органи томонидан қарор чиқарилган кундан эътиборан;

6) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ тўловчининг пул маблағларидан ушлаб қолишга доир мажбурият ушбу Кодексга мувофиқ солиқ агентига юклатилган бўлса, солиқ суммалари солиқ агенти томонидан ушлаб қолинган кундан эътиборан.

Солиқ тўловчининг солиқни тўлаш бўйича мажбурияти қуйидаги ҳолларда бажарилган деб эътироф этилмайди:

1) тегишли пул маблағларини бюджет тизимига ўтказишга доир бажарилмаган топшириқнома солиқ тўловчи томонидан қайтариб олинганда ёки банк томонидан унга қайтарилганда;

2) ғазначиликда шахсий ҳисобварағи очилган юридик шахс томонидан тегишли пул маблағларини бюджет тизимига ўтказишга доир бажарилмаган топшириқнома қайтариб олинганда ёки ғазначилик томонидан унга қайтарилганда;

3) пул маблағлари ушбу пул маблағларини бюджет тизимига ўтказишга доир тўлов топшириқномасида банк реквизитлари нотўғри кўрсатилганлиги сабабли бюджет тизимининг тегишли ғазначилик ҳисобварағига ўтказилмай қолганда;

4) агар солиқ тўловчи солиқ тўлови учун банкка пул маблағларини ўтказиш учун топшириқнома тақдим этган куни унинг фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда бажариладиган ҳисобварағига тақдим этилган бажариб бўлмайдиган бошқа талаблар мавжуд бўлса, агар ушбу ҳисобварақда барча талабларни қаноатлантириш учун етарлича қолдиққа эга бўлмаса.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар пенялар ва жарималарга нисбатан ҳам қўлланилади ҳамда солиқ агентларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Солиқ органлари бюджет тизимига тушумлар ҳисобини ҳисобланган ҳамда тўланган солиқлар ва йиғимлар суммаларини, шунингдек пенялар ва жарималарни солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағида акс эттириш орқали юритади. Солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Божхона органлари Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш билан боғлиқ тўланиши лозим бўлган, солиқлар ва йиғимларнинг, шунингдек пенялар ва жарималарнинг бюджет тизимига тушумлари ҳисобини юритади. Ҳисоб юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ундирилиши бошқа давлат органлари ва ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган давлат божи ва бошқа йиғимларнинг бюджет тизимига тушумларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

90-модда. Солиқларни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларининг банклар томонидан бажарилиши

Банклар солиқ тўловчининг пул маблағлари ҳисобидан солиқни бюджет тизимига ўтказишга доир тўлов топшириқномасини (бундан буён ушбу моддада солиқ тўловчининг топшириқномаси деб юритилади), шунингдек солиқ органининг солиқни бюджет тизимига

ўтказишга доир инкассо топшириқномасини (бундан буён ушбу моддада солиқ органининг инкассо топшириқномаси деб юритилади) бажариши шарт.

Солиқ тўловчининг топшириқномалари ва солиқ органининг инкассо топшириқномалари фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган навбат бўйича бажарилиши лозим.

Солиқ тўловчининг топшириқномаси ёки солиқ органининг инкассо топшириқномаси бундай топшириқнома олинган кундан кейинги бир операция куни ичида банк томонидан бажарилади.

Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлган ва тўлов ҳужжатида реквизитлари тўғри кўрсатилган тақдирда банк солиқ тўловчининг топшириқномасини ёки солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажаришни кечиктиришга ҳақли эмас.

Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағларининг йўқлиги (етарли эмаслиги) сабабли солиқ органининг инкассо топшириқномасини белгиланган муддатда бажаришнинг имкони бўлмаганда, банк белгиланган муддат тугаганидан кейинги кундан кечиктирмай инкассо топшириқномасини юборган солиқ органига унинг топшириқномаси бажарилмаганлиги (қисман бажарилганлиги) тўғрисида хабар қилиши шарт.

Солиқ тўловчининг топшириқномаси ёки солиқ органи инкассо топшириқномасининг бажарилмаганлиги (қисман бажарилганлиги) тўғрисидаги банк хабарномасининг шакли ва уни электрон шаклда тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун банклар ушбу Кодексда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Жавобгарлик чораларининг қўлланилиши банкни солиқ тўловчининг топшириқномасини ёки солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Банклар солиқ тўловчиларнинг топшириқномаларини ва солиқ органларининг инкассо топшириқномаларини кўрсатилган операциялар бўйича хизмат кўрсатилганлиги учун ҳақ ундирмасдан бажаради. Солиқ тўловчиларга ёки солиқ агентларига ортиқча тўланган (ундирилган) солиқлар, пенялар ва жарималар суммаларини қайтариш бўйича банклар томонидан топшириқномалар бажарилганда кўрсатилган операциялар бўйича хизмат кўрсатилганлиги учун ҳам ҳақ ундирилмайди.

91-модда. Юридик шахс тугатилганда солиқ мажбуриятини бажариш

Тугатилаётган юридик шахснинг солиқ мажбурияти мазкур юридик шахснинг пул маблағлари, шу жумладан унинг мол-мулкни реализация қилишдан олинган пул маблағлари ҳисобидан тугатувчи томонидан бажарилади.

Агар тугатилаётган юридик шахснинг пул маблағлари, шу жумладан унинг мол-мулкани реализация қилишдан олинган пул маблағлари унинг солиқ қарзини тўлиқ ҳажмда узиш учун етарли бўлмаса, тўланмай қолган қарз мазкур юридик шахснинг иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда узилиши мумкин.

Юридик шахс тугатилаётганда солиқ мажбуриятини мазкур юридик шахснинг бошқа кредиторлари билан ҳисоб-китоблари ўртасида бажариш навбати фуқаролик қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Тугатилаётган юридик шахс томонидан ортиқча тўланган ёки ундан ортиқча ундирилган солиқлар (пенялар, жарималар) суммалари солиқ органи томонидан ушбу Кодекста белгиланган тартибда бошқа солиқлар бўйича солиқ қарзини узиш ҳисобига ҳисобга олиниши лозим.

Ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларнинг (пеняларнинг, жарималарнинг) ҳисобга олиниши лозим бўлган суммаси бошқа солиқлар бўйича солиқ қарзига мутаносиб равишда ёки тугатувчининг қарорига биноан тақсимланади.

Тугатилаётган юридик шахснинг солиқлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, ортиқча тўланган ёки ундан ортиқча ундирилган солиқлар (пенялар, жарималар) суммаси шу юридик шахсга ушбу Кодекста белгиланган тартибда у ариза берган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай қайтарилиши лозим.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш муносабати билан солиқлар тўлашда ҳам қўлланилади.

92-модда. Юридик шахс қайта ташкил этилганда солиқ мажбуриятини бажариш

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқ мажбурияти ушбу моддада белгиланган тартибда унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) томонидан бажарилиши лозим.

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқ мажбуриятини бажариш, қайта ташкил этиш тугаллангунига қадар ҳуқуқий ворисга (ҳуқуқий ворисларга) қайта ташкил этилган юридик шахс солиқ мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги фактлари ва (ёки) ҳолатлари маълум бўлганлиги-бўлмаганлигидан қатъи назар, унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) зиммасига юклатилади.

Ҳуқуқий ворис (ҳуқуқий ворислар) ўзига ўтган мажбуриятлар бўйича жами солиқ қарзини, шу жумладан қайта ташкил этилган юридик шахсга унинг қайта ташкил этилиши тугаллангунига қадар солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этганлик учун белгиланган жарималар суммаларини ҳам узиши шарт.

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) ўз зиммасига ушбу модда билан юклатилган

мажбуриятларни бажаришда солиқ тўловчилар учун ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда ҳуқуқлардан фойдаланади ва зиммасида мажбуриятлар бўлади.

Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) томонидан унинг солиқ мажбуриятларини бажариш муддатларини ўзгартирмайди.

Бир неча юридик шахслар қўшиб юборилганда уларнинг мажбуриятларини бажариш қисми бўйича бундай қўшиб юбориш натижасида вужудга келган юридик шахс уларнинг ҳуқуқий вориси деб эътироф этилади.

Бир юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинганда, уни қўшиб олган юридик шахс солиқ мажбуриятини бажариш қисми бўйича қўшиб олинган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси деб эътироф этилади.

Юридик шахс бўлинганда бундай бўлиш натижасида вужудга келган юридик шахслар солиқ мажбуриятини бажариш қисми бўйича унинг ҳуқуқий ворислари деб эътироф этилади.

Бир неча ҳуқуқий ворислар мавжуд бўлган тақдирда, улардан ҳар бирининг қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқ мажбуриятини бажаришдаги иштироки улуши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган тақсимлаш баланси билан аниқланади. Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳар бир ҳуқуқий ворисининг улушини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган шахснинг солиқ мажбуриятини суднинг қарорига кўра солидар бажариши мумкин.

Агар қайта ташкил этиш солиқ мажбуриятини бажармасликка қаратилган бўлса, қайта ташкил этилган юридик шахс солиқ мажбуриятининг ҳеч бўлмаганда битта ҳуқуқий ворис томонидан унга тўғри келадиган солиқ мажбурияти қисмини тўлиқ ҳажмда бажариш имкониятини истисно этган тақдирда ҳам, ушбу модданинг тўққизинчи қисмида кўрсатилган қоида қўлланилади.

Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажратиб чиқарилганда қайта ташкил этилган юридик шахсга нисбатан унинг солиқ мажбуриятини бажариш қисми бўйича ҳуқуқий ворислик, агар ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, юзага келмайди.

Агар юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахсларни ажратиб чиқариш натижасида қайта ташкил этилаётган юридик шахс ўзининг солиқ мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажариш имкониятига эга бўлмаса ва бундай қайта ташкил этиш солиқ мажбуриятини бажармасликка қаратилган бўлса, ажратиб чиқарилган юридик шахслар ушбу қайта ташкил этилган шахснинг солиқ мажбуриятига суднинг қарорига кўра солидар эга бўлиши мумкин.

Бир юридик шахс бошқа юридик шахс этиб ўзгартирилганда, янгидан вужудга келган юридик шахс солиқ мажбуриятини бажариш қисмида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси деб эътироф этилади.

Юридик шахс томонидан у қайта ташкил этилгунга қадар ундан ортиқча ундирилган ёки ортиқча тўланган солиқ (пеня, жарима) суммаси ҳуқуқий ворис (ҳуқуқий ворислар) қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқ қарзини узиши ҳисобига солиқ органи томонидан ҳисобга олиниши лозим. Бундай ҳисобга олиш қайта ташкил этиш тугалланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ушбу моддада назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахс томонидан у қайта ташкил этилгунга қадар ортиқча тўланган ёки ундан ортиқча ундирилган солиқнинг (пенянинг, жариманинг) ҳисобга олиниши лозим бўлган суммаси ҳисобланиши ва тўланиши устидан назорат қилиш солиқ органлари зиммасига юклатилган бошқа солиқлар бўйича солиқ қарзига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қайта ташкил этилган юридик шахсда солиқ қарзи бўлмаган тақдирда, ушбу юридик шахс томонидан ортиқча тўланган ёки ундан ортиқча ундирилган солиқ (пеня, жарима) суммаси унинг ворисига (ҳуқуқий ворисларига) ҳуқуқий ворис (ҳуқуқий ворислар) ариза берган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қайтарилиши лозим. Бунда ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқ (пеня, жарима) суммаси қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) ҳар бир ҳуқуқий вориснинг тақсимлаш баланси асосида аниқланадиган улушига мутаносиб равишда қайтарилади.

Ушбу модданинг қоидалари юридик шахс қайта ташкил этилганда йиғимларни тўлаш бўйича мажбуриятни бажаришга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар чет давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилган чет эл ташкилоти мажбуриятларининг ҳуқуқий ворисини (ҳуқуқий ворисларини) аниқлашда ҳам қўлланилади.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш муносабати билан солиқлар тўлашда ҳам қўлланилади.

93-модда. Мол-мулкни ишончли бошқарувга беришда солиқ мажбуриятини бажариш

Ишончли бошқарувчи ишончли бошқарув шартномаси тузилган санадан эътиборан ишончли бошқариш шартномаси бўйича солиқ мажбуриятларини бажаради.

Ишончли бошқарувни таъсис этувчи (наф оловчи), мол-мулк ишончли бошқарувга топширилиши муносабати билан ўзида юзага келадиган солиқ мажбуриятларини, агар солиқ мажбуриятларини бажариш (қўшилган қиймат солиғи бўйича мажбуриятлардан ташқари) ишончли бошқарувчига юклатилмаган бўлса ёхуд мол-мулк Ўзбекистон Республикасининг

норезиденти бўлган ишончли бошқарувчига ишончли бошқаришга топширилган тақдирда, мустақил равишда бажаради.

Ишончли бошқарувчи солиқ солиш объектларининг ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг ҳисобини ишончли бошқарувни таъсис этувчининг (наф олувчининг) манфаатларида амалга ошириладиган ишончли бошқарув фаолияти бўйича ва бошқа фаолият бўйича алоҳида-алоҳида юритиши шарт.

Агар ишончли бошқарувни таъсис этувчи (наф олувчи) учун солиқ мажбуриятини бажариш, шунингдек солиқ ҳисоботини ва молиявий ҳисоботни тузиш ҳамда тақдим этиш бўйича мажбуриятни бажариш ишончли бошқарувчига юклатилган бўлса, бундай солиқ мажбуриятини бажариш ишончли бошқарувчи ҳисобланувчи шахс номидан ушбу Кодекснинг Махсус қисмида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар ишончли бошқарувчи солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаган ёки тўлик ҳажмда бажармаган бўлса, уларни бажариш мажбурияти ишончли бошқарувни таъсис этувчига (наф олувчига) юклатилади.

94-модда. Жисмоний шахс вафот этган ёки у вафот этган деб эълон қилинган тақдирда солиқ мажбуриятини бажариш

Солиқ қарзи мавжуд бўлган жисмоний шахс вафот этган тақдирда, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини лозим даражада бажармаганлик учун унга ҳисобланган пенялар ва жарималар суммаси ундирилиши умидсиз суммалар деб эътироф этилади. Ушбу жисмоний шахснинг солиқлар бўйича узилмай қолган қарзи вафот этган шахснинг мерос қилиб олинган мол-мулкни мерос қилиб олиш тартибда қабул қилиб олган унинг меросхўри (меросхўрлари) томонидан мерос қилиб олинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва унинг (уларнинг) меросдаги улушига мутаносиб равишда, ушбу модданинг қоидаларини инобатга олган ҳолда узилади.

Агар вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар бўйича солиқ қарзи мерос қилиб олинган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлса, солиқ қарзининг мерос қилиб олинган мол-мулк қийматидан ортиқ суммаси ундирилиши умидсиз сумма деб эътироф этилади. Мазкур норма меросхўр (меросхўрлар) томонидан мерос қилиб олинган мол-мулкнинг қиймати ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолларда қўлланилади.

Меросхўр бўлмаганда ёки меросхўр (меросхўрлар) мерос олиш ҳуқуқидан воз кечганда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ қарзи ундирилиши умидсиз қарз деб эътироф этилади. Умидсиз солиқ қарзи солиқ органлари томонидан ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Солиқ қарзи бўлган жисмоний шахс вафот этган тақдирда, мазкур жисмоний шахс ҳисобга қўйилган жойдаги ва (ёки) унинг мол-мулки турган

жойдаги солиқ органи вафот этган шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан бир ой ичида унга (уларга) солиқ қарзи мавжудлиги тўғрисида хабар қилиши шарт.

Вафот этган жисмоний шахснинг меросхўри (меросхўрлари) мазкур жисмоний шахснинг солиқлар бўйича қолган қарзини мерос қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай узиши шарт.

Солиқ органининг қарорига биноан узиш муддати, агар солиқ қарзи мавжудлиги тўғрисидаги хабарни меросхўр (меросхўрлар) тўлаш муддати ўтишига олти ойдан кам вақт қолганида олган бўлса, узайтирилиши мумкин.

Вафот этган жисмоний шахснинг жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқни тўлаш бўйича қарзи умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вафот этган деб эълон қилинган жисмоний шахснинг солиқ қарзига нисбатан ҳам қўлланилади.

95-модда. Бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг солиқ мажбуриятини бажариш

Суд томонидан бедарак йўқолган деб эътироф этилган жисмоний шахснинг солиқларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти ушбу бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс (бундан буён матнда ваколатли шахс деб юритилади) томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

Ваколатли шахс суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган жисмоний шахснинг у бедарак йўқолган деб топилган кунда вужудга келган бутун солиқ қарзини шу бедарак йўқолган шахснинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки ҳисобидан узиши шарт.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг солиқ мажбурияти шу муомалага лаёқатсиз шахснинг мол-мулки ҳисобидан унинг васийси томонидан бажарилади.

Васий муомалага лаёқатсиз жисмоний шахснинг солиқлар бўйича бутун солиқ қарзини шу муомалага лаёқатсиз шахснинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки ҳисобидан узиши шарт.

Суд томонидан бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятини, шунингдек унга тегишли пенялар ва жарималарни тўлаш бўйича мажбуриятни бажариш, шу жисмоний шахснинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки қўрсатилган мажбуриятни бажариш учун етарли бўлмаган (мавжуд бўлмаган) тақдирда, тегишли солиқ органининг қарори билан тўхтатилади.

Жисмоний шахсни бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топишни бекор қилиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда, тўхтатиб турилган мажбуриятларнинг бажарилиши мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан тикланади.

Ушбу моддага мувофиқ, суд томонидан бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахсларнинг солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятлари юклатилган шахслар солиқ тўловчилар учун ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда барча ҳуқуқлардан фойдаланади ва барча мажбуриятларни мазкур моддада назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бажаради. Ушбу модда билан ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш чоғида, шу муносабат билан солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этганлик айби учун жавобгарликка тортиладиган мазкур шахслар ушбу Кодексда назарда тутилган жарималарни тегишлича суд томонидан бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг мол-мулки ҳисобидан тўлашга ҳақли эмас.

96-модда. Солиқ қарзининг ундирилишини умидсиз деб эътироф этиш

Айрим солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари зиммасида турган солиқларнинг тўланиши ва (ёки) ундирилиши қуйидаги ҳолларда ундириш имкони бўлмағи қолган умидсиз солиқ қарзи деб эътироф этилади:

1) юридик шахс тугатилганда – юридик шахснинг мол-мулки етарли эмаслиги ва (ёки) шу юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда унинг солиқ қарзини узиш имкони бўлмаганлиги сабабли унинг ушбу Кодекснинг 91-моддасида назарда тутилган тартибда узилмай қолган қисми бўйича;

2) яқка тартибдаги тадбиркор банкрот деб эътироф этилганда – қарздорнинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли солиқ қарзининг узилмай қолган қисми бўйича;

3) жисмоний шахс вафот этганда ёки жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинганда – унинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли, шу жумладан мерос давлат мулкига ўтган тақдирда, унинг солиқ қарзининг ушбу Кодекснинг 94-моддасида назарда тутилган тартибда узилмай қолган қисми бўйича;

4) суд томонидан ҳужжат қабул қилиниб, унга мувофиқ солиқ органи солиқ қарзини ундиришнинг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан уни ундириш имкониятини йўқотганда, шу жумладан суд томонидан солиқ қарзини ундириш тўғрисида ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилганда;

5) мазкур Кодекс 129-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ, чет эл юридик шахси солиқ органидан ҳисобдан чиқарилганда – доимий муассасанинг мол-мулки етарли эмаслиги ва қонунчиликда белгиланган миқдор ва тартибда Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган

юридик шахс томонидан тўлаш имконсизлиги сабабли тўланмаган солиқ қарзи бўйича ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган мазкур солиқ қарзи шу чет эл юридик шахси ушбу Кодекс 129-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра солиқ органида қайтадан ҳисобга кўйилганда тикланиши лозим.

Қуйидагилар солиқ қарзини ундирилиши умидсиз қарз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга органлардир:

1) юридик шахс жойлашган ердаги ёки жисмоний шахснинг яшаш жойидаги солиқ органлари (ушбу қисмнинг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) – мазкур модда биринчи қисмининг 1–3-бандларида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда;

2) солиқ тўловчи ёки солиқ агенти ҳисобда турган жойдаги солиқ органлари (ушбу қисмнинг 3-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) – ушбу модда биринчи қисмининг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда;

3) Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланадиган божхона органлари – Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар, пенялар ва жарималар бўйича.

Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби ва ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар бўйича тартиб ва ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланади.

11-боб. Солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш

97-модда. Солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартиришнинг умумий шартлари

Солиқ тўлашнинг муддатини кейинроқ муддатга кўчириш солиқни тўлаш муддатини ўзгартириш деб эътироф этилади.

Солиқ тўлаш муддатини ўзгартиришга ушбу бобда белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўланиши лозим бўлган умумий солиқ суммасига ёки унинг бир қисмига (бундан буён ушбу бобда қарз суммаси деб юритилади) нисбатан, қарз суммасига фоизлар ҳисобланган ҳолда, солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш мумкин.

Солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш уни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида амалга оширилади.

Солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, шу солиқ бўйича тегишлича бир йўла ёки босқичма-босқич қарз суммасини тўлаган ҳолда, ушбу солиқни тўлаш муддатини ўзгартиришдан иборатдир.

Солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар юзага келган қарз суммасига ёки келгусида юзага келадиган қарз суммасига нисбатан берилиши мумкин.

Солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, агар ушбу Кодекснинг 99-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бир йилдан ошмаган муддатга берилади.

Солиқ тўлаш муддати ўзгартирилишига талабгор шахс (бундан буён ушбу бобда манфаатдор шахс деб юритилади) солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Бундай ариза бир ёки бир нечта солиққа нисбатан берилиши мумкин.

Манфаатдор шахснинг солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш чоғида, солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли орган мазкур шахсга у билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин бўлган кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг ушбу бобда назарда тутилган бошқа шартларини таклиф этишга ҳақли.

Солиқ тўлаш муддатининг ўзгартирилиши солиқ тўлаш бўйича мавжуд мажбуриятларни бекор қилмайди ва янги мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Ушбу Кодекснинг 99-моддасида кўрсатилган органларнинг қарорига кўра солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 107–109-моддаларига мувофиқ мол-мулк гарови, кафиллик ёки банк кафолати билан таъминланиши мумкин.

Ушбу боб қоидалари пеня ва жарима тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилганда ҳам қўлланилади.

Ушбу бобнинг қоидалари солиқ агентларга нисбатан татбиқ этилмайди.

98-модда. Солиқни тўлаш муддатини ўзгартиришни истисно этадиган ҳолатлар

Агар манфаатдор шахсга нисбатан қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилаётган бўлса, солиқни тўлаш муддати ўзгартирилиши мумкин эмас:

1) агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши билан боғлиқ жиноят аломатлари бўйича жиноий иш қўзғатилган бўлса;

2) ушбу шахс бундай ўзгартиришдан солиқ солиниши лозим бўлган ўз пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкани яшириш учун фойдаланишини ёки ушбу шахс доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетишини тахмин қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлса;

3) ушбу шахс солиқни тўлаш муддатини ўзгартириш тўғрисида ариза берган кундан олдинги уч йил мобайнида ушбу Кодекснинг 99-моддасида кўрсатилган орган томонидан солиқ тўлаш муддатини тегишли ўзгартириш шартлари бузилганлиги муносабати билан илгари берилган кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса;

4) банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартлар ушбу Кодекс 99-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин эмас, қабул қилинган қарор эса бекор қилиниши лозим.

Қабул қилинган қарор бекор қилингани тўғрисида манфаатдор шахс ва ушбу шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органи уч кунлик муддатда ёзма шаклда хабардор қилинади. Манфаатдор шахс бундай қарор устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғига нисбатан солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш амалга оширилмайди.

99-модда. Солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли органлар

Қуйидаги органлар солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга органлардир (бундан буён ушбу моддада ваколатли органлар деб юритилади):

1) ушбу Кодекс 17-моддаси биринчи қисмининг 1–5-бандларида кўрсатилган солиқлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (бундан ушбу қисмининг 3-бандида ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно);

2) ушбу Кодекс 17-моддаси биринчи қисмининг 6–8-бандларида кўрсатилган солиқлар ва айланмадан олинadиган солиқ бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Бундай солиқларга нисбатан тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти икки йилгача муддатга берилиши мумкин;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар бўйича – божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона органлари (бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси солиқ тўловчига ушбу Кодекснинг 17-моддасида кўрсатилган ҳар қандай солиқ бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини уч йилгача муддатга беришга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини беришда ушбу Кодекс 98-моддасининг биринчи қисмида белгиланган чекловлардан четга чиқишга ҳақли.

100-модда. Солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш шартлари

Солиқни тўлаш бўйича муддатни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти манфаатдор шахсга, башарти унинг молиявий аҳволи ушбу солиқни белгиланган муддатда тўлаш имконини бермаса, бироқ кўрсатилган шахсда бундай солиқни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун берилган муддат мобайнида тўлаш имконияти юзага келади деб тахмин қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлса, берилиши мумкин.

Солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти манфаатдор шахсга қуйидаги асослардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда берилиши мумкин:

1) ушбу шахсга табиий офат, технологик фалокат ёки бошқа бартароф этиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида зарар етказилганлиги;

2) ушбу шахсни бюджетдан (давлат мақсадли жамғармаларидан) молиялаштириш кечиктирилганлиги ёки ушбу шахс томонидан бажарилган давлат буюртмаси, давлат эҳтиёжлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эҳтиёжлари учун бажарилган ишлар ва (ёки) кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш кечиктирилганлиги;

3) манфаатдор шахс солиқни бир йўла тўлаши оқибатида унинг ночорлиги (банкротлиги) аломатлари пайдо бўлиши хавфи юзага келганлиги;

4) жисмоний шахснинг мулкий ҳолати (қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк ҳисобга олинмаганда) солиқни бир йўла тўлаш имкониятини истисно этиши;

5) манфаатдор шахс томонидан товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш мавсумий хусусиятга эга эканлиги;

6) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар олиб ўтилиши муносабати билан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тўланиши лозим бўлган солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш учун асослар мавжуд эканлиги.

Ушбу модда иккинчи қисмининг 1, 3–6-бандларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти қуйидагиларга берилиши мумкин:

1) юридик шахсга – унинг соф активлари қийматидан ошмайдиган суммага;

2) жисмоний шахсга – унинг мол-мулки қийматидан ошмайдиган суммага, бундан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк мустасно.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқни ҳисобга олиш жойидаги солиқ органига ёзма, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабарнома юбориб, солиқ аудити натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар суммаларини, шунингдек молиявий санкцияларни текширув материалларини кўриб чиқиш натижалари юзасидан солиқ органи томонидан қабул қилинган қарор кучга кирган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг улушларда тўлашга ҳақли.

Агар солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ушбу модда иккинчи қисмининг 1 ёки 2-бандларида кўрсатилган асослар бўйича берилган бўлса, қарз суммасига фоизлар ҳисобланмайди.

Агар солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ушбу модда иккинчи қисмининг 3–6-бандларида ва (ёки) тўртинчи қисмида кўрсатилган асосларга кўра берилган бўлса, кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даврида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига тенг ставкадан келиб чиққан ҳолда қарз суммасига фоизлар ҳисобланади.

101-модда. Солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тартиби

Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги ариза манфаатдор шахс томонидан тегишли ваколатли органга берилади.

Манфаатдор шахсининг солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1) ушбу шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органининг унинг солиқлар, пенялар ва жарималар бўйича ҳисоб-китоблари ҳолати тўғрисидаги маълумотномаси;

2) ушбу шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органининг мазкур шахсга банкларда очилган барча ҳисобварақлар рўйхати кўрсатилган маълумотномаси;

3) ушбу шахсининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича кўрсатилган ариза берилишидан олдинги олти ой давомида ҳар ойлик пул маблағлари айланиши тўғрисида, шунингдек унинг ҳақи тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тегишли картотекасига жойлаштирилган ҳисоб-китоб

ҳужжатлари мавжудлиги тўғрисида ёхуд ушбу картотекада уларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида банклар маълумотномалари;

4) ушбу шахснинг банклардаги барча ҳисобварақларида мавжуд бўлган пул маблағларининг қолдиқлари тўғрисида банклар маълумотномалари;

5) ушбу шахснинг солиқни тўлаш муддати ўзгартирилган даврда солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги қарор қайси шартларга кўра қабул қилинган бўлса, ўша шартларга риоя этилишини назарда тутувчи мажбурияти, шунингдек қарздорликни сўндиришнинг тахминий графиги;

б) солиқни тўлаш муддатини ўзгартириш асослари мавжудлигини тасдиқловчи ушбу модданинг учинчи – саккизинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар.

Ушбу Кодекс 100-моддасининг иккинчи қисми 1-бандида кўрсатилган асос бўйича солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги манфаатдор шахснинг аризасига қуйидагилар илова қилинади:

1) ушбу шахсга нисбатан унинг ариза билан мурожаат этиши учун асос бўлган бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар вужудга келганлиги факти тўғрисидаги хулоса;

2) кўрсатилган ҳолатлар натижасида ушбу шахсга етказилган зарарни баҳолаш далолатномаси.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқаро муҳофазаси, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари томонидан тузилади.

Ушбу Кодекс 100-моддасининг иккинчи қисми 2-бандида кўрсатилган асос бўйича солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги манфаатдор шахснинг аризасига бундай асос мавжудлигини ва бюджетдан (давлат мақсадли жамғармаларидан) молиялаштириш ҳисобига ушбу шахсга келиб тушмаган суммани ёки ушбу шахс томонидан бажарилган давлат буюртмасининг, давлат эҳтиёжлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эҳтиёжлари учун бажарилган ишлар ва (ёки) кўрсатилган хизматларнинг ҳақи тўланмаганлигини тасдиқловчи молия органининг ҳужжати илова қилинади.

Ушбу Кодекс 100-моддасининг иккинчи қисми 3-бандида кўрсатилган асос мавжудлиги манфаатдор шахснинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ёки у ваколат берган солиқ органи томонидан аниқланади. Бундай таҳлил Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган услубиятга мувофиқ ўтказилади.

Ушбу Кодекс 100-моддасининг иккинчи қисми 4-бандида кўрсатилган асос бўйича солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги манфаатдор шахснинг аризасига жисмоний шахснинг кўчар ва кўчмас мулки (бундан қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк мустасно) тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

Ушбу Кодекс 100-моддасининг иккинчи қисми 5-бандида кўрсатилган асос бўйича солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги манфаатдор шахснинг аризасига ушбу шахс томонидан тузилган, мазкур шахснинг умумий даромадларида унинг мавсумий хусусиятга эга бўлган фаолиятдан олинган даромадларининг улуши камида 50 фоизни ташкил этишини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Мавсумий хусусиятга эга бўлган тармоқлар ва фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги манфаатдор шахснинг аризасида ушбу шахс мазкур бобга мувофиқ қарз суммасига ҳисобланган фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ваколатли органнинг талабига кўра, манфаатдор шахс гаров предмети бўлиши мумкин бўлган мол-мулк тўғрисидаги ҳужжатларни, кафиллик хатини ёки банк кафолатини тақдим этади.

Ваколатли орган манфаатдор шахснинг илтимосномаси бўйича ушбу шахс томонидан қарз суммасининг тўланишини вақтинчалик (ариза кўриб чиқиладиган даврда) тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бундай қарорнинг кўчирма нусхаси манфаатдор шахс томонидан ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда тақдим этилади.

Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ваколатли орган томонидан манфаатдор шахснинг аризаси олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида қабул қилинади.

Солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) қарз суммаси;
- 2) кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилаётган солиқ;
- 3) қарз суммасини ва ҳисобланган фоизларни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Тегишли ҳолларда солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги қарорда гаров предмети бўлган мол-мулк тўғрисидаги ҳужжатлар, кафиллик хати ёки банк кафолати кўрсатилиши керак.

Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги қарор ушбу қарорда белгиланган кундан эътиборан кучга киради. Бунда солиқни тўлаш учун белгиланган кундан эътиборан ушбу қарор кучга кирадиган кунга қадар бўлган бутун вақт учун тегишли пенялар, агар тўловнинг кўрсатилган муддати ушбу қарор кучга кирадиган кундан олдин бўлса, қарз суммасига киритилади.

Агар солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш мол-мулк гарови эвазига бериладиган бўлса, уни бериш тўғрисидаги қарор фақат ушбу Кодекснинг 107-моддасида назарда тутилган тартибда мол-мулк гарови тўғрисидаги шартнома тузилгандан кейингина кучга киради.

Солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини беришни рад этиш тўғрисидаги қарор асослантирилган бўлиши керак.

Солиқларни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан манфаатдор шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси ваколатли орган томонидан мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ушбу шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органига юборилади.

102-модда. Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилишини тугатиш

Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши тегишли қарорнинг амал қилиш муддати ўтганидан кейин тугатилади ёхуд ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда бу муддат келишидан олдин тугатилиши мумкин.

Солиқнинг тўлиқ суммаси ва тегишли фоизларнинг суммаси белгиланган муддат ўтгунга қадар тўланган тақдирда солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши муддатидан олдин тугатилади.

Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари манфаатдор шахс томонидан бузилган тақдирда, унинг амал қилиши солиқни тўлаш бўйича мажбуриятни бажариш муддатини тегишли ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли органнинг қарори билан муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши муддатидан олдин тугатилганда манфаатдор шахс тегишли қарорни олганидан кейин бир ой ичида солиқ қарзининг тўланмаган суммасини, шунингдек солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан кейинги кундан бошлаб ушбу сумма тўланган кунгача бўлган ҳар бир календарь кун

учун пеня тўлаши керак. Бунда солиқ қарзининг копланмасдан қолган суммаси кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган солиқ қарзи суммаси тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) амал қилган даврда кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳақидаги қарорга мувофиқ ҳисобланган фоизлар суммасига оширилган сумма билан ҳақиқатда тўланган суммалар ҳамда фоизлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги қарор бекор қилинган тўғрисидаги хабарнома ушбу қарорни қабул қилган ваколатли орган томонидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда манфаатдор шахсга юборилади. Бундай қарорнинг кўчирма нусхаси айти шу муддатда манфаатдор шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органига юборилади.

Ваколатли органнинг солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилишини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарори устидан манфаатдор шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Ушбу бобда назарда тутилган ва манфаатдор шахс томонидан тўланиши лозим бўлган фоизлар уларни тўлаш муддати бузилган тақдирда ҳамда уларни тўлаш тўғрисидаги талабномани бажариш муддати ўтганидан кейин ушбу Кодекснинг 15-бобида назарда тутилган тартибда ва муддатларда ундирилади.

12-боб. Ортиқча тўланган ва ортиқча ундирилган солиқларни ҳисобга олиш ҳамда қайтариш

103-модда. Ортиқча тўланган ва ортиқча ундирилган солиқларни ҳисобга олиш ҳамда қайтариш тўғрисидаги умумий қоидалар

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган ёки ундан ортиқча ундирилган солиқ суммаси солиқ тўловчининг қарзи бўлмаган тақдирда шу солиқ тўловчига қайтарилиши ёхуд ушбу солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олиниши лозим.

Солиқ тўловчида солиқ қарзи мавжуд бўлган тақдирда, ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқ суммаси ушбу қарзни узиш ҳисобига қуйидаги кетма-кетликда ҳисобга олиниши лозим:

- 1) мазкур солиқ турининг пеняси бўйича қарз ҳисобига;
- 2) бошқа солиқлар ва уларнинг пенялари бўйича қарзни узиш ҳисобига;

- 3) солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жарималарни тўлаш ҳисобига.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг аризасига кўра солиқ тўловчига тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмига мувофиқ ва учинчи қисмини ҳисобга олган ҳолда қайтарилиши лозим бўлган суммани солиқ тўловчига қайтариш ушбу Кодекснинг 104 ва 105-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқларнинг ортиқча тўлангани эҳтимолидан далолат берувчи фактлар аниқланган тақдирда, солиқ органининг ёки солиқ тўловчининг таклифига кўра солиқлар, пенялар ва жарималар бўйича ҳисоб-китобларни биргаликда ўзаро солиштириш ўтказилиши мумкин.

Солиқнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳамда ҳисобланган фоизларини ҳисобга олиш ёки қайтариш миллий валютада амалга оширилади.

Ушбу бобда белгиланган қоидалар ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган бўнак ва жорий тўловлар, йиғимлар, пенялар ва жарималарнинг суммаларини ҳисобга олишга ёки қайтаришга нисбатан ҳам қўлланилади ҳамда солиқ агентлари ва йиғимларни тўловчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу бобда белгиланган қоидалар ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган йиғимлар, пенялар ва жарималар суммаларини бошқа ваколатли органлар томонидан ҳисобга олишга ёки қайтаришга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу бобда белгиланган қоидалар солиқ органининг қарорига кўра ўрни қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишга ёки қайтаришга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу бобда белгиланган қоидалар нотўғри тўланган солиқ суммасини, шунингдек пенялар ва жарималарни ҳисобга олишга ёки қайтаришга нисбатан ҳам қўлланилади.

104-модда. Ортиқча тўланган солиқни ҳисобга олиш ёки қайтариш тартиби

Солиқ бўйича қарзини қоплаш ҳисобига солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган суммани ушбу Кодекснинг 103-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини солиқ қарзини қоплаш ҳисобига ҳисобга олиш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан солиқнинг ортиқча тўланганлиги факти аниқлаган кундан эътиборан ёки агар солиқ органи ва солиқ тўловчи томонидан у тўлаган солиқларни биргаликда ўзаро солиштириш ўтказилган бўлса, бундай биргаликдаги солиштириш далолатномаси солиқ органи ва солиқ тўловчи томонидан имзоланган кундан эътиборан ёхуд суднинг тегишли қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ўн кун ичида қабул қилинади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қоида солиқ тўловчига ўзи ортиқча тўлаган солиқ суммасини унинг солиқ

қарзини қоплаш ҳисобига ҳисобга олиш тўғрисида солиқ органига ёзма ариза тақдим этишига тўсқинлик қилмайди. Бундай ариза мавжуд бўлган тақдирда солиқ органининг ортиқча тўланган солиқ суммасини солиқ қарзини узиш ҳисобига ҳисобга олиш тўғрисидаги қарори солиқ тўловчининг аризаси олинган кундан эътиборан ёки, агар биргалиқда ўзаро солиштириш ўтказилган бўлса, солиқ органи солиқ тўловчи билан у тўлаган солиқларни биргалиқда ўзаро солиштириш далолатномасини имзолаган кундан эътиборан ўн кун ичида қабул қилинади.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси, ушбу Кодекснинг 103-моддаси коидаларини инобатга олган ҳолда, солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига биноан солиқ органи томонидан бундай ариза олинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида қайтарилиши лозим.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ёки қайтариш тўғрисидаги ариза, агар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кўрсатилган сумма тўланган кундан эътиборан беш йил ичида берилиши мумкин.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг тегишли аризаси олинган кундан эътиборан ёки, агар биргалиқда ўзаро солиштириш ўтказилган бўлса, солиқ органи солиқ тўловчи билан у тўлаган солиқларнинг биргалиқдаги ўзаро солиштириш далолатномасини имзолаган кундан эътиборан ўн кун ичида қабул қилинади.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилган муддат ўтгунга қадар солиқ органининг тегишли суммаси қайтариш тўғрисидаги қарори асосида расмийлаштирилган ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтаришга доир топшириқнома солиқ органи томонидан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчига қайтариб беришни амалга ошириш учун ғазначиликка юборилади.

Солиқ органи ортиқча тўланган солиқ суммасини ҳисобга олишни ёки қайтаришни рад этиш тўғрисидаги қабул қилинган қарор ҳақида солиқ тўловчига бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида хабар қилиши шарт. Агар ортиқча тўланган солиқ суммасини солиқ тўловчига қайтариш ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддат бузилган ҳолда амалга оширилса, белгиланган муддатда қайтарилмаган сумма учун солиқ тўловчига қайтариш муддати бузилган ҳар бир календарь кун учун фоизлар ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади. Фоиз ставкаси қайтариш муддати бузилган кунларда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг этиб қабул қилинади.

Янглишиб тўланган солиқ суммалари, шунингдек пенялар ва (ёки) жарималар солиқ тўловчига унинг ёхуд банкнинг ёки Ўзбекистон Республикаси Ғазначилигининг ёзма мурожаати асосида, агар хатолик улар томонидан йўл қўйилган бўлса, қайтарилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғининг ортиқча тўланган суммалари шу консолидациялашган гуруҳнинг масъул иштирокчисига ушбу моддада белгиланган тартибда ҳисобга олиниши (қайтарилиши) лозим.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиши тугаган тақдирда, солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича ортиқча тўланган фойда солиғининг ушбу консолидациялашган гуруҳ бўйича мавжуд бўлган солиқ қарзи ҳисобига ҳисобга олинмайдиган ва (ёки) ҳисобга олинмаган суммалари шу солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси бўлган юридик шахсга унинг ёзма аризасига биноан ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши лозим.

105-модда. Ортиқча ундирилган солиқни ҳисобга олиш ёки қайтариш тартиби

Ортиқча ундирилган солиқ суммаларини ҳисобга олиш ёки қайтариш тўғрисида солиқ органига ариза солиқ тўловчи томонидан ундан солиқ ортиқча ундирилгани факти ўзига маълум бўлган кундан ёки суд қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш йил ичида берилиши мумкин.

Ортиқча ундирилган солиқ суммаси ушбу Кодекснинг 103-моддаси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига мувофиқ солиқ органи томонидан бундай ариза қабул қилинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, унга ҳисобланган фоизлар билан бирга қайтарилиши лозим.

Ортиқча ундирилган солиқ суммасига фоизлар солиқ тўловчи ундан солиқ ортиқча ундирилгани факти ўзига маълум бўлган кундан ёки суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ўттиз кун ичида мурожаат этган тақдирда ҳисобланади. Фоизлар ундирилган кундан кейинги кундан эътиборан ҳақиқий ҳисобга олинган (қайтарилган) кунга қадар ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади. Фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу кунлардаги амал қилаётган қайта молиялаштириш ставкасига тенг этиб қабул қилинади.

Агар солиқ ортиқча ундирилгани факти аниқланган бўлса, солиқ органи ортиқча ундирилган солиқ суммасини, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ортиқча ундирилган суммага ҳисобланган фоизларни ҳисобга олиш ва (ёки) қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ортиқча ундирилган солиқ суммасини солиқ тўловчининг солиқ қарзини узиш ҳисобига ёки ўша солиқ тури бўйича ёхуд ушбу Кодекснинг 103-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан ушбу Кодекснинг 104-моддаси биринчи – бешинчи қисмларида ортиқча тўланган

солиқ суммаларини ҳисобга олиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ортиқча ундирилган солиқни қайтариш тартиби ушбу Кодекснинг 104-моддасида ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш учун белгиланган тартибга айнан ўхшашдир.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича ортиқча ундирилган фойда солиғи суммалари шу консолидациялашган гуруҳнинг масъул иштирокчисига ушбу моддада белгиланган тартибда ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши лозим.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиши тугатилган тақдирда ушбу консолидациялашган гуруҳ бўйича мавжуд бўлган солиқ қарзи ҳисобига ҳисобга олиниши лозим бўлмаган ва (ёки) ҳисобга олинмаган солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғининг ортиқча ундирилган суммалари солиқ тўловчилар ушбу консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси бўлган юридик шахсга унинг ёзма аризаси асосида ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши лозим.

13-боб. Солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш

106-модда. Солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш усуллари

Солиқ мажбуриятининг бажарилиши мол-мулк гарови, кафилик, банк кафолати, пенялар, банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларнинг тўхтатилиши ва солиқ тўловчининг мол-мулкни хатлаш билан таъминланиши мумкин.

Солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятини бажариш бўйича таъминлаш чораси сифатида мол-мулкни хатлаш унинг аризасига кўра:

1) қимматли қоғозлар уюшган бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозларнинг гарови ёки ушбу Кодекснинг 107-моддасида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилган бошқа мол-мулк гарови билан;

2) ушбу Кодекснинг 108-моддасида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилган учинчи шахснинг кафилиги билан алмаштирилиши мумкин;

3) ушбу Кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилган банк кафолати билан.

Ушбу Кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилган амалдаги банк кафолати берилган тақдирда, солиқ органи солиқ тўловчига ушбу бандда назарда тутилган таъминлаш чораларини алмаштиришни рад этишга ҳақли эмас.

Солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш усуллари, уларни қўллаш тартиби ва шартлари ушбу бобда белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар бўйича божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлашнинг бошқа чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

107-модда. Мол-мулк гарови

Ушбу Кодексадa назарда тутилган ҳолларда солиқларни тўлаш мажбурияти мол-мулк гарови билан таъминланиши мумкин.

Мол-мулк гарови солиқ органи ва гаровга қўювчи ўртасидаги шартнома билан расмийлаштирилади. Солиқ тўловчининг ўзи ёки учинчи шахс гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчи тегишли солиқ суммаларини ва тегишли пеняларни тўлаш бўйича мажбуриятини бажармаган тақдирда, солиқ органи ушбу мажбуриятнинг гаровга қўйилган мол-мулк қиймати ҳисобидан бажарилишини фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига нисбатан гаров белгиланиши мумкин бўлган мол-мулк, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, гаров предмети бўлиши мумкин.

Бошқа шартнома бўйича гаров предмети солиқ органи ва гаровга қўювчи ўртасидаги шартнома бўйича гаров предмети бўлиши мумкин эмас.

Гаров чоғида мол-мулк гаровга қўювчида қолиши ёхуд гаровга қўювчининг маблағлари ҳисобига солиқ органига (гаровга олувчига), гаровга қўйилган мол-мулкнинг бут сақланишини таъминлаш мажбурияти унга юкланган ҳолда, топширилиши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан бирон-бир битимни, шу жумладан солиқ қарзи суммаларини узиш мақсадида битимларни тузиш фақат гаровга олувчи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаров белгилашда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан, агар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, фуқаролик қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланилади.

108-модда. Кафиллик

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари ўзгарган тақдирда ва ушбу Кодексадa назарда тутилган бошқа ҳолларда солиқларни тўлаш мажбурияти кафиллик билан таъминланиши мумкин.

Кафиллик туфайли кафил, агар солиқ тўловчи тегишли солиқ суммаларини ва тегишли пеняларни белгиланган муддатда тўламаса, солиқ органи олдида солиқ тўловчининг солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

Кафиллик фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ органи ва кафил ўртасидаги шартнома билан расмийлаштирилади.

Солиқ тўловчи кафиллик билан таъминланган солиқни тўлаш бўйича мажбуриятини бажармаган тақдирда, кафил ва солиқ тўловчи солидар жавобгар бўладилар.

Тўланиши бўйича мажбурият кафиллик билан таъминланган солиқ белгиланган муддатда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ органи солиқни тўлаш тўғрисидаги талабномани бажариш муддати тугаган кундан эътиборан беш кун ичида кафиллик шартномаси бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисида кафилга талабнома юборади.

Агар кафил кафиллик шартномаси бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани белгиланган муддатда бажармаса, солиқ органи ушбу Кодекснинг 15-бобида назарда тутилган тартибда ва муддатларда ушбу кафилдан тўлаш мажбурияти унинг кафиллиги билан таъминланган суммаларни мажбурий равишда ундириш чораларини қўллайди.

Кафил шартномага мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаргач, кафил томонидан тўланган суммаларни, шунингдек шу суммалар бўйича фоизларни ҳамда солиқ тўловчининг мажбуриятлари бажарилиши муносабати билан кўрилган зарарларнинг ўрни қопланишини солиқ тўловчидан талаб қилиш ҳуқуқи унга ўтади.

Юридик ёки жисмоний шахс кафил бўлиши мумкин.

Солиқни тўлаш бўйича битта мажбуриятга нисбатан бир вақтнинг ўзида бир нечта кафилнинг иштирок этишига йўл қўйилади.

Солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш бўйича чора сифатида кафиллик белгиланишида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан, агар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фуқаролик қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланилади.

Ушбу модданинг қоидалари йиғимларни тўлашдаги кафилликка нисбатан ҳам қўлланилади.

109-модда. Банк кафолати

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари ўзгарган тақдирда ва ушбу Кодекса назарда тутилган бошқа ҳолларда солиқни тўлаш мажбурияти банк кафолати билан таъминланиши мумкин.

Агар солиқ тўловчи тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини ва тегишли пеняларни белгиланган муддатда тўламаса, банк кафолати туфайли банк (кафолат берувчи) солиқ органлари олдида солиқ тўловчининг солиқни тўлаш бўйича мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Банк кафолати қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) кафолат қайтариб олинмайдиган ва бошқа шахсга ўтказилмайдиган бўлиши керак;

2) кафолатда солиқ органи томонидан кафолат берувчига ушбу моддада назарда тутилмаган хужжатларни тақдим этишга доир кўрсатма бўлиши мумкин эмас;

3) амал қилиш муддати, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи томонидан банк кафолати билан таъминланган солиқ тўлаш мажбуриятини бажаришнинг белгиланган муддати ўтадиган кундан эътиборан камида олти ойдан кейин тугаши керак;

4) қайси суммага берилган бўлса, ўша сумма кафолат берувчи томонидан солиқ тўловчининг солиқни ва тегишли пеняларни тўлаш бўйича мажбурияти, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаши керак;

5) кафолат берувчи томонидан ушбу банк кафолати бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисидаги талабнома белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, солиқ органи томонидан тўлаш мажбурияти банк кафолати билан таъминланган суммаларни кафолат берувчидан ундириш чоралари қўлланилишини назарда тутиши керак.

Кафолат берувчидан ундириш, агар солиқ органининг мазкур талабномаси кафолат берувчига банк кафолатининг амал қилиш муддати тугагунга қадар юборилган бўлса, ушбу Кодекснинг 121 ва 123-моддаларида назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда амалга оширилади.

Солиқ тўловчи томонидан солиқни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилиши банк кафолати билан таъминланган солиқ белгиланган муддатда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ органи солиқни тўлаш тўғрисидаги талабномани бажариш муддати тугаган кундан эътиборан беш кун ичида кафолат берувчига банк кафолати бўйича пул суммасини тўлаш ҳақида талабнома юборади.

Банк кафолати бўйича мажбурият кафолат берувчи томонидан у банк кафолати бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисида талабнома олган кундан эътиборан беш кун ичида бажарилиши лозим.

Кафолат берувчи солиқ органига банк кафолати бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани қаноатлантиришни рад этишга ҳақли эмас (бундан банк кафолати берилган муддат тугаганидан кейин кафолат берувчига талабнома тақдим этилган ҳоллар мустасно).

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар пенялар ва жарималарни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи банк кафолатларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки чет эл юридик шахси томонидан солиқни тўлаш мажбурияти халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтингига эга бўлган чет эл банкининг банк кафолати билан таъминланиши мумкин. Чет эл банкининг бундай кафолати ушбу модда учинчи қисмининг 1–4-бандларида назарда тутилган талабларга мос бўлиши керак.

110-модда. Пеня

Солиқ тўловчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлаш муддатини бузган тақдирда тўлаши лозим бўлган пул суммаси пенядир.

Тегишли пеняларнинг суммаси тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларидан ташқари ва солиқни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга доир бошқа чоралар, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари қўлланилишидан қатъи назар тўланади.

Пенялар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган солиқни тўлаш кунидан кейинги кундан бошлаб солиқни тўлаш бўйича мажбуриятни бажариш кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ҳисобланади.

Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш тўғрисида ариза берилганлиги тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига пенялар ҳисобланишини тўхтатиб турмайди.

Солиқ тўловчи, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг тўхтатилиши ёки пул маблағларига тақик қўйилиши шаклидаги солиқ органининг ундириш тўғрисида таъминот чоралари ҳақидаги қарори қабул қилинганлиги сабабли тўлай олмаган солиқ қарзига пеня ҳисобланмайди. Бундай ҳолда пенялар кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг бутун амал қилиш даври учун ҳисобланмайди.

Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳақида ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашга доир бошқа масалалар бўйича молия ёки солиқ органи (унинг мансабдор шахси) томонидан ўз ваколатлари доирасида солиқ тўловчига ёки номуайян доирадаги шахсларга берилган ёзма тушунтиришларни бажариши натижасида солиқ тўловчида ҳосил бўлган солиқ бўйича қарз суммасига пеня ҳисобланмайди.

Пенялар солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида солиқ органининг солиқ тўловчига юборилган асосли фикрини бажариши натижасида солиқ тўловчида ҳосил бўлган солиқ бўйича қарз суммасига ҳам ҳисобланмайди.

Ушбу модданинг олтинчи ва еттинчи қисмларида кўрсатилган ҳолатлар, шу органнинг моҳияти ва мазмунига кўра солиқ қарзи ҳосил бўлган солиқ (ҳисобот) даврларига тааллуқли тегишли ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда, шундай ҳужжат қабул қилинган санадан қатъи назар, аниқланади.

Ушбу модданинг олтинчи ва еттинчи қисмлари қоидалари, агар солиқ органининг мазкур ёзма тушунтиришлари ёки асослантилган фикри солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри ахборотга асосланган бўлса, қўлланилмайди.

Ҳар бир кечиктирилган кун учун пенялар солиқнинг тўланмаган суммасидан келиб чиқиб фоизларда белгиланади.

Пенянинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаш ставкасининг уч юздан бирига тенг этиб қабул қилинади.

Пенялар тегишли солиқ тўланадиган бюджетга (давлат мақсадли жамғармасига) тўланади.

Пенялар солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан, шунингдек солиқ тўловчининг бошқа мол-мулки ҳисобидан ушбу Кодекснинг 15-бобида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда ундирилиши мумкин.

Юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан пеняни мажбурий равишда ундириш ушбу Кодекснинг 121–124-моддаларида назарда тутилган тартибда, бошқа жисмоний шахслардан эса – ушбу Кодекснинг 125-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Кодекснинг 120-моддаси еттинчи – саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан пеняни мажбурий равишда ундириш суд тартибида амалга оширилади.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар солиқ агентларига ҳам татбиқ этилади.

111-модда. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказаяётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаяётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини аңглатади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати ўтгач ўн кун ичида тақдим этилмаган тақдирда, банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор масъул иштирокчининг ёки ушбу консолидациялашган гуруҳ барча иштирокчиларининг операцияларига нисбатан солиқ органи раҳбари (унинг ўринбосари) томонидан қабул қилиниши мумкин.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

112-модда. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш тартиби

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қуйидагилар асосида қарор қабул қилинган тақдирда бекор қилинади:

1) ушбу Кодекснинг 111-моддаси учинчи қисми 1-банди асосида – солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан кейин бир кундан кечиртирмасдан;

2) ушбу Кодекснинг 111-моддаси учинчи қисми 2-банди асосида – солиқ органининг талабига жавобан ҳужжатлар, тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар тақдим этилган кун;

3) ушбу Кодекснинг 111-моддаси учинчи қисми 3-банди асосида – солиқ органининг текширув ўтказётган мансабдор шахсларига кириш ҳуқуқи берилган кундан кейин бир кундан кечиктирмай;

4) ушбу Кодекснинг 111-моддаси учинчи қисми 4-банди асосида – солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) у маълум қилган манзилида йўқлигининг асослилиги солиқ органи томонидан эътироф этилган кундан кейин бир кундан кечиктирмай. Бундай эътироф учун солиқ тўловчининг вакили солиқ тўловчи ҳисобда турган жойдаги солиқ органига зарур тушунтиришларни шахсан тақдим этиши шарт.

Солиқ тўловчи (солиқ агенти) бошқа солиқ органида ҳисобга қўйилганда, агар ҳисобда туриш жойи ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар олдинги ҳисобда туриш жойидаги солиқ органига маълум бўлмаса, шунингдек техник хатолар юз берганда ва бошқа шу каби ҳолларда солиқ тўловчининг ҳисобга олинган жойда йўқлиги асосли деб эътироф этилиши мумкин.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) унинг филиали ёки алоҳида бўлинмаси ҳисобда турган жойда ёхуд солиқ солиш объекти ҳисобланган мулки жойлашган ерда йўқлиги, хусусан филиал ёки алоҳида бўлинма тугатилган ёки кўрсатилган мулк реализация қилинган тақдирда асосли деб эътироф этилиши мумкин.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисидаги қарор банкка электрон шаклда бундай қарор қабул қилинган кундан кейинги кундан кечиктирмай юборилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ва тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисидаги солиқ органининг қарорларини банкка электрон шаклда юбориш тартибини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгилайди.

Солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш муддати ёки бундай қарорни банкка юбориш муддати бузилган тақдирда тўхтатиб туриш режими амал қилган пул маблағлари суммасига фоизлар ҳисобланади, бу фоизлар солиқ органи томонидан солиқ тўловчига (солиқ агентига) муддат бузилган ҳар бир календарь кун учун тўланиши лозим.

Агар солиқ органи солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида ноқонуний қарор чиқарган бўлса, тўхтатиб туриш режими амал қилган пул маблағлари суммасига нисбатан банк солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни

тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан то уни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олгунга қадар ҳар бир календарь кун учун ушбу солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган фоизлар ҳисобланади.

Ушбу модданинг олтинчи ва еттинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда, фоиз ставкаси солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар ноқонуний тўхтатиб турилган, солиқ органи солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ёки солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни банкка юбориш муддатини бузган кунларда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг этиб қабул қилинади.

113-модда. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорларнинг банклар томонидан бажарилиши тартиби

Солиқ органининг солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори банк томонидан сўзсиз бажарилиши лозим.

Солиқ органининг қарорига кўра ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатиб турилиши оқибатида солиқ тўловчи (солиқ агенти) кўрган зарар учун банк жавобгар бўлмайди.

Агар ушбу Кодекснинг 111-моддаси биринчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш банк солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида солиқ органининг қарорини олган кундан эътиборан, то солиқ органининг ушбу тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисидаги қарори олинадиган кунга қадар амал қилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор банкка электрон шаклда юборилганда, банк томонидан ушбу қарор олинган сана ва вақтни белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда белгиланади.

Агар солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) номи ва (ёки) унинг солиқ органининг ушбу қарорига мувофиқ операциялар тўхтатиб турилган банкдаги ҳисобварағи реквизитлари ўзгарса, мазкур қарор банк томонидан ўз номини ўзгартирган солиқ тўловчига (солиқ агенти) ва реквизитлари ўзгартирилган ҳисобвараққа нисбатан ижро этилиши шарт.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида солиқ органи ёки суднинг қарорини олганидан кейин банклар ушбу солиқ тўловчига (солиқ агентига) янги ҳисобварақлар, омонатлар ва депозитлар очишга ҳақли эмас, бундан қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув йўл қўйилмайдиган ҳисобварақлар мустасно.

114-модда. Мол-мулкни хатлаш

Солиқ органининг солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини чеклашга доир ҳаракати солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида мол-мулкни хатлашдир.

Солиқ қарзи бўйича солиқ тўловчиларнинг мол-мулкни хатлаш суд қарорига кўра амалга оширилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқ қарзи тан олинган тақдирда, солиқ органи қарори асосида солиқ тўловчининг солиқ қарзи бўйича мол-мулкига тақиқ қўйиши мумкин.

Солиқ тўловчининг солиқ қарзи бўйича унинг мол-мулкни хатлаш солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юборилган кундан бошлаб ўн беш календарь кун ичида у томонидан тўлиқ бажарилмаган тақдирда амалга оширилади.

Мол-мулкни хатлаш тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин.

Мол-мулкни тўлиқ хатлаш солиқ тўловчининг ўз мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини шундай чеклашки, бунда у хатланган мол-мулкни тасарруф этишга ҳақли эмас, ушбу мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш эса солиқ органининг рухсати билан ҳамда унинг назорати остида амалга оширилади.

Мол-мулкни қисман хатлаш солиқ тўловчининг ўз мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини шундай чеклашки, бунда ушбу мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш солиқ органининг рухсати билан ва унинг назорати остида амалга оширилади.

Мол-мулкни хатлаш солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларида пул маблағлари етарли бўлмаган ёки йўқ бўлган тақдирда фақат солиқни (пеняни, жаримани) тўлаш мажбурияти унинг ана шу мол-мулки ҳисобидан бажарилишини таъминлаш учун қўлланилиши мумкин.

Мол-мулкни хатлаш ушбу Кодекснинг 117-моддасига мувофиқ солиқ органи томонидан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига юборилгандан сўнг қўлланилиши мумкин.

Солиқ тўловчининг барча мол-мулки хатлаб қўйилиши мумкин.

Фақат солиқ қарзини узиш учун зарур ва етарли бўлган мол-мулк хатлаб қўйилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширмайдиган чет эл юридик шахсининг кўчмас мулки объекти, мазкур кўчмас мулки объектининг қиймати ундириладиган солиқ қарзи

суммасидан ортиқ бўлганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу чет эл шахсининг ундирув қаратилиши мумкин бўлган бошқа мол-мулки бўлмаган тақдирда хатлаб қўйилади.

Солиқ тўловчининг мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан тегишли қарор шаклида қабул қилинади.

Солиқ тўловчининг мол-мулкни хатлаш ҳолислар иштирокида амалга оширилади.

Мол-мулкни хатлашни амалга оширувчи орган мол-мулкни хатлаш чоғида солиқ тўловчининг (унинг конуний ва (ёки) ваколатли вакилининг) иштирок этишини рад қилишга ҳақли эмас.

Хатлашни амалга оширишда ҳолислар, мутахассислар сифатида иштирок этувчи шахсларга, шунингдек солиқ тўловчига (унинг вакилига) уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Мол-мулкни хатлаш олдидан хатлашни амалга оширувчи мансабдор шахслар солиқ тўловчига (унинг вакилига) хатлаб қўйиш тўғрисидаги қарорни ва ўзларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатиши шарт.

Хатлашни амалга оширишда мол-мулкни хатлаш тўғрисида баённома тузилади.

Мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги баённомада ёки унга илова қилинадиган рўйхатда хатланиши лозим бўлган мол-мулк санаб ўтилади ва тавсифланади, ашёларнинг номи, миқдори ва хусусий аломатлари, имкони бўлганда уларнинг қиймати кўрсатилади.

Хатланиши лозим бўлган барча ашёлар ҳолисларга ва солиқ тўловчига (унинг вакилига) кўрсатилади.

Мол-мулкни хатлаб қўйиш тўғрисида қарор чиқарган солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) хатлаб қўйилган мол-мулк туриши лозим бўлган жойни белгилайди.

Хатлаб қўйилган мол-мулкни бошқа шахсга беришга (бундан хатлашни қўллаган солиқ органининг назорати остида ёки рухсати билан амалга оширилиши мустасно), растрата қилишга ёки яширишга йўл қўйилмайди.

Мол-мулкни хатлаб қўйиш тўғрисида ўзига нисбатан қарор қабул қилинган солиқ тўловчининг илтимосига кўра, солиқ органи мол-мулкни хатлашни ушбу Кодекснинг 107-моддасига мувофиқ мол-мулк гаровига алмаштиришга ҳақли.

Солиқ қарзи узилган ва (ёки) ушбу Кодекснинг 107-моддасига мувофиқ мол-мулк гарови тўғрисида шартнома тузилган тақдирда, мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор солиқ органининг ваколатли мансабдор шахси томонидан бекор қилинади.

Солиқ органи мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор бекор қилингани тўғрисида солиқ тўловчини ушбу қарор қабул қилинган кундан кейин беш кун ичида хабардор қилади.

Мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарор мол-мулк хатлаб қўйилган пайтдан то ушбу қарор уни чиқарган солиқ органининг ваколатли мансабдор шахси томонидан бекор қилингунга қадар ёхуд ушбу қарор юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан бекор қилингунга қадар амал қилади.

Ушбу моддада белгиланган қоидалар юридик шахс бўлган солиқ агентининг мол-мулкни хатлашга нисбатан ҳам қўлланилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғига доир солиқ мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ушбу модданинг қоидалари қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади:

биринчи навбатда ушбу солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи масъул иштирокчисининг мол-мулки хатланади;

солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи масъул иштирокчисининг мол-мулки ушбу солиқ мажбуриятини бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, солиқ органи етишмаган сумма қисмида ушбу консолидациялашган гуруҳнинг бошқа иштирокчиларига тегишли мол-мулкни хатлашга ҳақли. Бунда солиқ органининг раҳбари (унинг ўринбосари) солиқ тўловчилар тўғрисидаги мавжуд ахборот асосида солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг бошқа иштирокчилари мол-мулкни қайси кетма-кетликда хатлашни мустақил равишда белгилайди.

14-боб. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома

115-модда. Солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш

Солиқ тўлаш мажбуриятига эга бўлган солиқ тўловчи уни тўлашга доир тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатувчи банкка, ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари бор-йўқлигидан қатъи назар, ушбу Кодексда белгиланган тўлов муддатидан кечиктирмасдан тақдим этиши шарт.

Агар солиқ тўловчида тўланмаган солиқ қарзи мавжуд бўлса, солиқ органи унга солиқларни тўлаш муддати ўтганидан кейин уч кундан кечиктирмай солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборади.

116-модда. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома

Солиқ тўловчига унинг зиммасидаги солиқ қарзи суммаси тўғрисида, шунингдек шу қарз суммасини белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти ҳақида хабар юбориш солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномадир.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчи бўлган юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга тадбиркорлик фаолияти

бўйича унда ушбу Кодекснинг 100-моддасида назарда тутилган солиқ қарзи ёки фоизлар мавжуд бўлган тақдирда юборилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғига доир солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома ушбу солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчисига юборилади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортилишидан қатъи назар юборилади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномада солиқ бўйича қарз суммаси, талабнома юборилаётган пайтга ҳисобланган пенялар миқдори, жарималар суммаси, шунингдек солиқ тўловчи талабларни бажармаган тақдирда, солиқ қарзини ундириш ва солиқ мажбурияти бажарилишини таъминлаш бўйича кўриладиган чоралар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ушбу бобда назарда тутилган қоидалар солиқ агентларига юбориладиган талабномаларга ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Кодекснинг 120-моддаси саккизинчи – ўнинчи қисмларида ва 122-моддасида назарда тутилган ҳолларда солиқ тўловчининг солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома бошқа шахсларга юборилиши мумкин. Бундай ҳолларда ушбу бобда назарда тутилган барча қоидалар мазкур шахсларга юборилган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномаларга ҳам татбиқ этилади.

117-модда. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани юбориш тартиби ва муддатлари

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига у ҳисобда турган солиқ органи томонидан юборилади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ушбу қарз аниқланган кундан эътиборан ёки солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги қарор кучга кирган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилиши керак.

Ушбу Кодекс 116-моддасининг еттинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномалар бошқа шахсларга ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда юборилади. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома олинган санадан эътиборан кўрсатилган бошқа шахслар ушбу талабномани бажариш қисмида солиқ қарзига эга бўлган солиқ тўловчиларга тенглаштирилади.

118-модда. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани ўзгартириш

Агар солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига юборилганидан кейин ушбу талабномада кўрсатилган солиқлар бўйича қарз суммаси, пенялар ёки солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар суммаси ўзгаришига олиб келган ҳолатларни аниқлаган тақдирда, солиқ органи ушбу солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисидаги аниқлаштирилган талабномани юбориши ёхуд илгари юборилган талабномани чақириб олиши шарт. Мазкур қоида солиқ тўловчи томонидан солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномада кўрсатилган солиқ, пеня ёки жарималар бўйича қарзлари қисман тўланган ҳолларга татбиқ этилмайди.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги аниқлаштирилган талабнома ёки илгари юборилган талабномага доир чақирув хати солиқ тўловчига ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ўзгаришларга олиб келган ҳолатлар аниқланган кундан эътиборан уч кун ичида юборилади.

119-модда. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани бажариш

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича яқка тартибдаги тадбиркор томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ичида солиқ қарзи тўланмаган тақдирда ва агар ушбу Кодекснинг 120–122-моддаларида назарда тутилган чоралар қўлланиши натижасида солиқ қарзи узилмай қолаверса, солиқ органи ундирувни ушбу Кодекснинг 123–124-моддаларида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

15-боб. Солиқ қарзини ундириш

120-модда. Солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги умумий қоидалар

Солиқ қарзи белгиланган муддатда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда бу қарзни ундириш ушбу бобда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Солиқ қарзи мазкур солиқ қарзига эга бўлган солиқ тўловчидан, ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда эса – бошқа шахслардан ундирилади.

Агар солиқ тўловчининг солиқлар бўйича қарзини узишга доир мажбурияти банк кафолати, учинчи шахснинг кафиллиги ёхуд мол-мулк гарови билан таъминланган бўлса, солиқ тўловчи солиқлар бўйича солиқ қарзини узмаган ёки тўлиқ узмаган тақдирда, солиқ органи солиқ қарзининг

тўланмаган суммасини тегишлича банк кафолатини берган банкдан, кафилдан ёхуд гаровга қўйилган мол-мулк кийматидан ундириши шарт.

Юридик шахсдан ёки якка тартибдаги тадбиркордан солиқ қарзини ундириш ушбу Кодекснинг 121–124-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш ушбу Кодекснинг 125-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Юридик шахсдан ёки якка тартибдаги тадбиркордан солиқ қарзини ундириш дастлаб унинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан, улар етишмаган тақдирда эса мазкур шахснинг бошқа мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда солиқ тўловчининг ёки бошқа шахснинг солиқ қарзи унинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан ундириш имкони бўлмаган қисмида бошқа шахслардан ундирилиши мумкин.

Агар солиқ тўловчининг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан оладиган тушуми ёки бошқа даромадлари бошқа шахсларнинг банкдаги ҳисобварақларига келиб тушган бўлса, солиқ тўловчининг солиқ қарзи шу шахслардан ундирилиши мумкин.

Агар солиқ тўловчи солиқ текшируви тўғрисида билган пайтдан эътиборан ўзининг пул маблағларини ёки бошқа мулкни ўзга шахсларга берган бўлса, солиқ тўловчининг солиқ қарзи шу шахслардан ундирилиши мумкин.

Ушбу модда саккизинчи ва тўққизинчи қисмларининг қоидалари товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинadиган тушум ёки бошқа даромадлар ёхуд пул маблағлари ёки бошқа мулк ўзга шахсларга бир нечта операциялар орқали ўтказиб берилганлиги аниқланган ҳолларда ҳам қўлланилади.

Ушбу модданинг саккизинчи – ўнинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда мазкур шахслардан солиқ қарзини ундириш солиқ тўловчининг реализация қилинган товарлари (ишлари, хизматлари) учун келиб тушган тушум, бошқа даромадлари, у томонидан ўтказилган пул маблағлари, бошқа мол-мулкнинг қиймати доирасида амалга оширилади. Солиқ органи мазкур шахслар тўғрисида ўзида мавжуд бўлган ахборот асосида ва солиқ тўловчининг солиқ қарзи миқдорига боғлиқ тарзда ушбу қарзни ундиришни кўрсатилган қайси шахслардан ва қандай нисбатда ундиришни амалга оширишни мустақил равишда белгилашга ҳақли.

Ушбу модданинг саккизинчи – ўнинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда солиқ қарзини ундириш суд тартибида амалга оширилади.

Солиқни суд тартибида ундириш қуйидаги ҳолларда ҳам амалга оширилади, агар солиқни тўлаш мажбурияти:

1) солиқ органи томонидан битимни тавсифлашни, солиқ тўловчининг мақомини ёки фаолияти хусусиятини ўзгартиришга асосланган бўлса;

2) ўзаро алоқадор шахслар ўртасида битимлар тузилиши муносабати билан трансферт нарх белгилаш чоғидаги солиқ назорати натижаларига кўра юзага келган бўлса.

Ушбу бобнинг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш муносабати билан тўланадиган солиқлар бўйича солиқ қарзини ундиришга, шунингдек солиқ агентларининг солиқ қарзини ундиришга ҳам татбиқ этилади.

121-модда. Солиқ қарзини банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан ундириш

Солиқ қарзи белгиланган муддатда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ қарзини ундириш – ундирувчи банк ҳисобварақларидаги пул маблағларига (шу жумладан, корпоратив карталардаги пул маблағларига) қаратиш йўли билан мажбурий тартибда амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари фақат юридик шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ қарзини мажбурий тартибда ундириш тўланмаган солиқ қарзига эга бўлган солиқ тўловчидан ёки солиқ агентидан, ушбу Кодекснинг 120 ва 122-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса бошқа шахслардан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Солиқ қарзини ундириш солиқ органи томонидан мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварағи очилган банкка ушбу шахснинг ҳисобварақларидан зарур пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджетга ўтказиш учун инкассо топшириқномасини электрон шаклда юбориш йўли билан амалга оширилади.

Солиқ органининг мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджетга ўтказишга доир инкассо топшириқномасининг шакли ҳамда уни банкка юбориш тартибини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда белгилайди.

Агар солиқ тўловчи солиқни тўлаш учун тўлов топшириқномасини мустақил равишда юбормаган бўлса, солиқ органининг инкассо топшириқномаси солиқ тўловчининг ҳисобварағига солиқни тўлаш учун белгиланган муддат тугагач уч иш кунидан кечиктирмай қўйилади.

Солиқ органининг мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджет тизимига ўтказишга доир инкассо топшириқномаси банк томонидан фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тўловлар навбатини ҳисобга олган ҳолда банк томонидан сўзсиз бажарилиши шарт.

Қуйидаги ҳолларда солиқ органлари мажбуриятга эга шахсларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджет тизимига ўтказишга доир бажарилмаган (тўлиқ ёки қисман) инкассо топшириқномаларини чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилади:

1) ушбу Кодекснинг 11-бобига мувофиқ солиқ қарзига нисбатан кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилганда;

2) солиқ қарзи узилганда, шу жумладан ушбу Кодекснинг 12-бобига мувофиқ ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммалар ҳисобга олиниши муносабати билан солиқ қарзи узилганда;

3) ушбу Кодекснинг 96-моддасига мувофиқ ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилганда;

4) ушбу Кодекснинг 83-моддасига мувофиқ тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича солиқ ва пеня суммалари камайтирилганда.

Солиқ қарзини ундириш миллий валютадаги талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларидан, бундай ҳисобварақларда маблағлар етарли бўлмаган тақдирда эса – мажбуриятга эга шахснинг чет эл валютасидаги талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларидан амалга оширилиши мумкин. Мажбуриятга эга шахснинг валюта ҳисобварақларидан солиқ қарзини ундириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сотиладиган санада белгиланган курси бўйича миллий валютада ундириладиган суммага эквивалент суммада амалга оширилади.

Солиқ қарзини ундириш муддатли депозитларга жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан, уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амалга оширилмайди.

Валюта ҳисобварақларида турган маблағларни ундириш чоғида солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) инкассо топшириқномаси билан бир вақтнинг ўзида банкка мажбуриятга эга шахснинг валютасини сотиш учун топшириқнома юборади. Мазкур топшириқнома банк томонидан у олинган кундан кейинги операция кунидан кечиктирмай бажарилади. Чет эл валютасини сотиш билан боғлиқ харажатлар шу мажбуриятга эга шахснинг ҳисобидан амалга оширилади.

Солиқ органининг мажбуриятга эга шахснинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва бюджет тизимига ўтказишга доир инкассо топшириқномаси банк томонидан инкассо топшириқномаси олинган кундан кейинги бир операция кунидан кечиктирмай, валюта ҳисобварақларидан ундиришда эса – икки операция кунидан кечиктирмай бажарилади.

Агар банк томонидан солиқ органининг инкассо топшириқномаси олинган кунда мажбуриятга эга шахснинг ҳисобварақларида уни бажариш учун пул маблағлари етарли бўлмаса, инкассо топшириқномаси шу ҳисобварақларга пул маблағлари келиб тушишига қараб, ҳар бир бундай тушум кунидан кейинги бир ёки икки операция кунидан кечиктирмай, ҳисобварақ валютасига боғлиқ ҳолда бажарилади. Мазкур инкассо топшириқномаси банк томонидан фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тўловлар навбатини ҳисобга олган ҳолда банк томонидан бажарилади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчиларидан банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан солиқ қарзини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу Кодекснинг 122-моддасида белгиланади.

122-модда. Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан солиқ қарзини ундириш

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғи юзасидан солиқ қарзини шу консолидациялашган гуруҳ иштирокчиларининг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан ундиришда ушбу Кодекснинг 124-моддаси қоидалари мазкур моддада назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғи юзасидан солиқ қарзини тўлаш тўғрисидаги талабнома ушбу Кодекснинг 116-моддасида белгиланган тартибда юборилади. Бундай талабнома солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғини тўлаш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин юборилади.

Банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан солиқ қарзини ундириш биринчи навбатда солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи масъул иштирокчисининг пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи масъул иштирокчисининг банк ҳисобварақларида солиқ қарзининг бутун суммасини ундириш учун пул маблағлари етарли бўлмаса ёки умуман бўлмаса, ундирилмай қолган суммани ундириш ушбу консолидациялашган гуруҳ қолган иштирокчиларининг банклардаги пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Солиқ органи солиқ тўловчилар тўғрисидаги ўзида мавжуд бўлган ахборот асосида солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобига ундириш амалга ошириладиган таркибини, шунингдек олдинги иштирокчиларнинг банкдаги ҳисобварақларида пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, ушбу иштирокчилардан бундай ундиришнинг кетма-кетлигини мустақил равишда белгилайди.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг солиқ қарзи ушбу консолидациялашган гуруҳ иштирокчиларидан бири томонидан узилган, шу жумладан қисман узилган тақдирда, кўрсатилган солиқ қарзини ундириш тартиб-таомили ушбу иштирокчи томонидан узилган қисми бўйича тугатилади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг ўзига нисбатан ундирув тўғрисида қарор чиқарилган иштирокчиларига солиқ тўловчилар

учун ушбу Кодексида назарда тутилган ҳуқуқлар ва кафолатлар татбиқ этилади.

123-модда. Солиқ қарзини бошқа мол-мулк ҳисобидан ундириш

Агар мажбуриятга эга шахснинг солиқ қарзини ушбу Кодексининг 121 ва 122-моддаларида назарда тутилган тартибда ундириш мумкин бўлмаса, солиқ органи солиқ қарзини шу мажбуриятга эга шахснинг бошқа мол-мулки, шу жумладан нақд пул маблағлари ҳисобидан ундиришга ҳақли.

Солиқ қарзини ундириш солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномада кўрсатилган суммалар доирасида ҳамда ушбу Кодексининг 121 ва 122-моддаларига мувофиқ ундирув амалга оширилган суммаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари солиқ қарзини фақат юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан ундиришга нисбатан қўлланилади.

Мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш куйидагиларга нисбатан ушбу кетма-кетликда амалга оширилади:

1) ушбу Кодексининг 121 ва 122-моддаларига мувофиқ ундирув қаратилмаган нақд пул маблағларига нисбатан;

2) маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайдиган мол-мулкка, хусусан, қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари, ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган бинолар, енгил автотранспорт, хизмат хоналарининг дизайни ашёларига нисбатан;

3) тайёр маҳсулотларга (товарларга), шунингдек ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган ва (ёки) бевосита иштирок этишга мўлжалланмаган бошқа моддий қимматликларга нисбатан;

4) ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиш учун мўлжалланган хом ашё ва материалларга нисбатан, шунингдек дастгоҳлар, ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситаларга нисбатан;

5) бошқа шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш шартномаси бўйича ушбу мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи уларга ўтказилмаган ҳолда топширилган мол-мулкка нисбатан, агар солиқни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун бундай шартномалар бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

6) бошқа мол-мулкка нисбатан, бундан якка тартибдаги тадбиркор ёки унинг оила аъзолари кундалик шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган, конун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган бошқа мол-мулк мустасно.

Солиқ қарзини солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундиришнинг ушбу модда тўртинчи қисмида белгиланган кетма-кетлиги бузилишига йўл қўйилмайди.

Солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарздорлигини ундириш суд тартибида амалга оширилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқ қарздорлиги тан олинса, солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига биноан солиқ қарзи бўйича

мажбуриятга эга шахснинг мулки ҳисобидан солиқ қарздорлиги ундирилиши мумкин.

Солиқ органи мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш тўғрисида қарор чиқарилган кундан эътиборан уч иш куни ичида тегишли қарорни қоғозда ёки электрон шаклда ушбу моддада назарда тутилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро этиш учун мажбурий ижро этувчи давлат органига юбориши керак.

Солиқ органининг ушбу модда еттинчи қисмида кўрсатилган қарорни мажбурий ижро этувчи давлат органига юбориш шакли ва тартиби, шунингдек унинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Давлат ижрочиси солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги қарор ўзига келиб тушган кундан эътиборан икки ойлик муддатда ижро ҳаракатларини амалга ошириши ва ушбу қарорда мавжуд бўлган талабларни бажариши керак.

Солиқ қарзини солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг бошқа мол-мулки ҳисобидан ундириш хусусиятлари ушбу Кодекснинг 124-моддасида белгиланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар солиқ қарзларини божхона органлари томонидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ундириш чоғида ҳам қўлланилади.

**124-модда. Солиқ қарзини солиқ тўловчилар
консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг
бошқа мол-мулки ҳисобидан ундириш**

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғига доир солиқ қарзини шу консолидациялашган гуруҳ иштирокчиларининг бошқа мол-мулки ҳисобидан ундиришда ушбу Кодекс 123-моддасининг қоидалари ушбу моддада назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

Солиқни солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг мол-мулки ҳисобидан ундириш биринчи навбатда мазкур консолидациялашган гуруҳ масъул иштирокчисининг ушбу Кодекснинг 122-моддасига мувофиқ ундирувга қаратилмаган нақд пул маблағлари ва банклардаги пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчисида ушбу Кодекснинг 122-моддасига мувофиқ ундирувга қаратилмаган нақд пул маблағлари ва банклардаги пул маблағлари етарли бўлмаган ёки умуман бўлмаган тақдирда, солиқни ундириш мазкур гуруҳнинг бошқа аъзоларидан уларнинг нақд пул маблағлари ҳамда банклардаги пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларида ушбу Кодекснинг 122-моддасига мувофиқ ундирувга қаратилмаган нақд пул маблағлари ва банклардаги пул маблағлари етарли бўлмаган ёки умуман бўлмаган тақдирда, солиқни ундириш мазкур гуруҳ масъул иштирокчисининг бошқа мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади. Бундай ундирув ушбу Кодекс 123-моддаси тўртинчи қисмининг 2–6-бандларида белгиланган кетма-кетликда амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи масъул иштирокчисининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, солиқни ундириш ушбу Кодекс 123-моддаси тўртинчи қисмининг 2–6-бандларида белгиланган кетма-кетликда мазкур гуруҳ ўзга иштирокчиларининг бошқа мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Солиқ органи солиқ тўловчилар тўғрисидаги мавжуд ахборот асосида бошқа мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш амалга ошириладиган солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг таркибини ҳамда аввалги иштирокчиларнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда мазкур иштирокчилардан ундирув қандай кетма-кетликда амалга оширилишини мустақил тарзда белгилайди.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг солиқ қарзини бошқа мол-мулк ҳисобидан ундириш тўғрисида қарор чиқарилган иштирокчиларига нисбатан солиқ тўловчилар учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқ ва кафолатлар татбиқ этилади.

125-модда. Якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахснинг солиқ қарзини ундириш

Агар якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахс (бундан буён ушбу моддада жисмоний шахс деб юритилади) солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаган бўлса, солиқ органи солиқ қарзини ушбу жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги ариза (бундан буён ушбу моддада ундириш тўғрисидаги ариза деб юритилади) билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ундириш тўғрисидаги аризага солиқ органининг талабномани таъминлаш тартибида жавобгарнинг мол-мулкини хатлаш ҳақидаги илтимосномаси илова қилиниши мумкин.

Ундириш тўғрисидаги аризанинг нусхаси у судга берилган кундан кечиктирмай солиқ органи томонидан солиқ қарзи ундирилаётган жисмоний шахсга юборилади.

Агар жисмоний шахснинг солиқ қарзи умумий суммаси бир миллион сўмдан ошса, ундириш тўғрисидаги ариза солиқ органи томонидан судга берилади.

Солиқ қарзини жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Қонуний кучга кирган суд қарори асосида солиқ қарзини жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундириш ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ қарзини жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундириш қуйидагиларга нисбатан ушбу кетма-кетлик билан амалга оширилади:

- 1) банк ҳисобварақларидаги пул маблағларига;
- 2) нақд пул маблағларига;
- 3) бошқа шахсларга шартнома бўйича эгалик қилишга, фойдаланишга, тасарруф этишга берилган мол-мулкка, ушбу мол-мулкка доир мулк ҳуқуқи уларга ўтмаган ҳолда, агар солиқ мажбурияти ижросини таъминлаш учун бундай шартномалар бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;
- 4) бошқа мол-мулкка, бундан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган жисмоний шахснинг ёки унинг оиласи аъзоларининг кундалик шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган мол-мулк мустасно.

Солиқ қарзини жисмоний шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундиришда ушбу модданинг еттинчи қисмида белгиланган кетма-кетликни бузишга йўл қўйилмайди.

Солиқ қарзи жисмоний шахснинг пул маблағлари кўринишида бўлмаган мол-мулки ҳисобидан ундирилган тақдирда, солиқ қарзи бундай мол-мулк реализация қилинган ва ундан келиб тушган суммалар ҳисобидан тўланган пайтдан эътиборан тўланган деб ҳисобланади.

Мазкур мол-мулк хатлаб қўйилган кундан эътиборан ва тушган суммалар бюджет тизимига ўтказилган кунга қадар солиқларни ўз вақтида тўламаганлик учун пенялар ҳисобланмайди.

IV БЎЛИМ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ ВА СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

16-боб. Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш тартиби

126-модда. Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш тўғрисида умумий қоидалар

Солиқ назоратини амалга ошириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар солиқ органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентларини ҳисобга қўйиш ушбу Кодекс у ёки бу солиқни тўлаш мажбуриятининг пайдо бўлишини боғлайдиган ҳолатлар мавжудлигидан қатъи назар амалга оширилади.

Солиқ органларида ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш бепул амалга оширилади.

Солиқ тўловчига идентификация рақами берилганлиги тўғрисида солиқ органи томонидан берилган гувоҳнома ёки солиқ тўловчини давлат

рўйхатидан ўтказиш чоғида у бир вақтнинг ўзида солиқ органларида ва давлат статистика органларида ҳисобга қўйилган тақдирда – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрини юритади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида мавжуд бўлган маълумотларнинг таркиби ҳамда реестрни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар, агар ушбу Кодекснинг 29-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ органида ҳисобга қўйилган пайтдан бошлаб солиқ сиридир.

127-модда. Солиқ тўловчининг идентификация рақами

Ҳисобга олишда ҳар бир солиқ тўловчига Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона бўлган солиқ тўловчининг идентификация рақами берилади ва унинг ҳисоб маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

Солиқ тўловчига идентификация рақамини бериш, қўллаш ҳамда уни ўзгартириш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Солиқ органи солиқ тўловчининг идентификация рақамини унга юбориладиган барча ҳужжатларда кўрсатади.

Ҳар бир солиқ тўловчи ўзининг солиқ тўловчининг идентификация рақамини солиқ ҳисоботларида, солиқ органига тақдим этиладиган аризалар ва бошқа ҳужжатларда, шунингдек, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда кўрсатади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами қуйидаги ҳужжатларда мажбурий кўрсатилади:

фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларда;
юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан тузиладиган хўжалик, фуқаролик-ҳуқуқий ва меҳнат шартномаларида;

юридик шахслар ва (ёки) яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан битимлар тузилганлигини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда, шу жумладан ҳисобварақ-фактураларда ва товар-кузатув ҳужжатларида;

пул, ҳисоб-китоб ва тўлов ҳужжатларида;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда бошқа ҳужжатларда.

128-модда. Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш

Юридик шахслар ўзлари жойлашган ердаги ва уларнинг алоҳида бўлинмалари жойлашган ердаги солиқ органларида ҳисобга қўйилади.

Таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган алоҳида бўлинмалар кирадиган юридик шахслар ҳар бир алоҳида бўлинма жойлашган ердаги солиқ органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиб оладиган норезидент бўлган юридик шахслар биржа савдолари амалга ошириладиган жойдаги солиқ органида ҳисобга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги солиқ органларида йирик солиқ тўловчиларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни ваколатхона ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари фаолиятни амалга ошириш жойидаги солиқ органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

Жисмоний шахслар ўз яшаш жойидаги солиқ органларида ҳисобга қўйилади.

Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар ўзига тегишли бўлган кўчмас мулк жойлашган ердаги солиқ органларида, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳисобга қўйилиши лозим.

Ушбу моддада назарда тутилган асосларга кўра солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби ушбу Кодекснинг 129 ва 130-моддаларида белгиланади.

129-модда. Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш тартиби

Юридик ва жисмоний шахсларни ушбу Кодекснинг 128-моддасида назарда тутилган тартибда олинadиган маълумотлар асосида солиқ органларида ҳисобга олиш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ органлари томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Солиқ органлари ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ тўловчилар ҳисобга олинишини (ҳисобдан чиқарилишини) ва солиқ тўловчилар тўғрисида маълумотлар ҳисоби юритилишини таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида мавжуд бўлган маълумотлар асосида солиқ органларида ҳисобга қўйиш қуйидагиларга нисбатан амалга оширилади:

1) юридик шахс ўзи жойлашган ерида, филиали ва (ёки) ваколатхонаси жойлашган ерида;

2) чет эл нотижорат ноҳукумат ташкилотининг ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлинмаси орқали амалга ошириш жойида;

3) яқка тартибдаги тадбиркор ўз яшаш жойида.

Чет эл юридик шахсини аккредитация қилинган филиал ва (ёки) ваколатхона орқали ўз фаолиятини амалга ошириш жойидаги солиқ

органларида ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Фаолиятини бошқа алоҳида бўлинмалар орқали амалга ошириш чоғида чет эл юридик шахсини ҳисобга қўйиш, агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза асосида амалга оширилади. Чет эл юридик шахсини солиқ органларида ҳисобдан чиқариш худди шундай тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза чет эл юридик шахси томонидан у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини бошлаган кундан эътиборан ўттиз календарь кундан кечиктирмай солиқ органига берилади. Ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ариза бундай шахс томонидан у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини тугаллаган кундан эътиборан ўн беш календарь кундан кечиктирмай берилади.

Ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисидаги ариза берилганда чет эл юридик шахси мазкур ариза билан бир вақтнинг ўзида солиқ органига ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этади. Бундай ҳужжатларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти сифатида солиқ органида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) солиқ органи томонидан бундай чет эл юридик шахсининг ўзини Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этиши тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти мақомидан воз кечиши ҳақидаги) аризаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиб оладиган норезидент бўлган юридик шахсларни ҳисобга қўйиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилайди.

Юридик шахси солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси сифатида ҳисобга қўйиш ушбу Кодекснинг 64-моддасига мувофиқ солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказган солиқ органи томонидан шартнома рўйхатга олинган санадан эътиборан беш кун ичида амалга оширилади. Худди шу муддатда мазкур юридик шахсга солиқ органида солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақида билдиришнома берилади (юборилади).

Юридик шахси солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси сифатида ҳисобдан чиқариш солиқ органи томонидан ушбу Кодекснинг 68-моддасига мувофиқ солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг амал қилиши тугатилган кундан

этиборан беш кун ичида амалга оширилади. Худди шу муддатда мазкур юридик шахсга солиқ органида солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси сифатида ҳисобдан чиқарилганлиги ҳақида билдиришнома берилади (юборилади).

Жисмоний шахсларга ушбу Кодекснинг 282-моддасида кўрсатилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматлар кўрсатувчи ва ҳисоб-китобларни бевосита мазкур жисмоний шахслар билан амалга оширадиган чет эл юридик шахсини солиқ органида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) солиқ органи томонидан ҳисобга олиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисидаги ариза ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Солиқ агенти деб эътироф этиладиган воситачи бўлган чет эл юридик шахсини солиқ органида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) ҳам худди шундай тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисидаги ариза ушбу модданинг ўн учинчи қисмида кўрсатилган чет эл ташкилотлари томонидан солиқ органига мазкур хизматлар кўрсатиш бошланган (тугалланган) кундан этиборан ўттиз календарь кундан кечиктирмай берилади. Ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) солиқ органи томонидан тегишли ариза ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Чет эл юридик шахси томонидан ушбу модданинг ўн учинчи қисмида кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда, солиқ органи бундай юридик шахсни тегишли ариза тақдим этмаган ҳолда солиқ ҳисобидан чиқаришга ҳақли.

Солиқ органида аввал кўрсатилган асослар бўйича ҳисобдан чиқарилган чет эл юридик шахсини ҳисобга қўйиш солиқ органи томонидан ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза ва ушбу модданинг ўн учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ушбу модда ўн учинчи – ўн олтинчи қисмларининг қоидалари мазкур хизматларни электрон шаклда кўрсатувчи ёки бундай хизматларни бевосита воситачи сифатида ўзининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси орқали кўрсатувчи чет эл юридик шахсларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш ушбу Кодекснинг 133-моддасида кўрсатилган органлар тақдим этадиган маълумот ёки жисмоний шахснинг аризаси асосида мазкур жисмоний шахснинг яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Яшаш жойи солиқ солиш мақсадлари учун жисмоний шахснинг турган жойи бўйича аниқланадиган жисмоний шахслар ўзи турган жойдаги солиқ органига солиқ органларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Солиқ тўловчида ҳисобга қўйиш жойини аниқлаш хусусида қийинчиликлар юзага келган тақдирда, қарор у тақдим этган маълумотлар асосида солиқ органи томонидан қабул қилинади.

**130-модда. Ўзбекистон Республикасининг норезиденти
бўлган чет эллик шахсларни ҳисобга қўйишнинг
ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахс мазкур фаолиятни амалга ошириш бошланган кундан эътиборан бир юз саксон уч календарь кундан кечиктирмай солиқ органига солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Ушбу аризага қуйидагиларнинг давлат тилига таржима қилинган асл нусхалари ёки нотариал тарзда тасдиқланган нусхалари илова қилинади:

1) Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахс ўзи таъсис этилган мамлакатда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг;

2) махсус рухсат берувчи ҳужжатларнинг ёки лицензияларнинг (улар мавжуд бўлган тақдирда);

3) Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахс номидан Ўзбекистон Республикасида ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ишончноманинг ёки бошқа ҳужжатнинг (улар мавжуд бўлган тақдирда);

4) ижро этилиши доимий муассаса ташкил этилишига олиб келадиган шартноманинг (мавжуд бўлган тақдирда).

Агар Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахс бир юз саксон уч календарь кундан ортиқ муддатга шартнома тузган бўлса, солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар мазкур фаолиятни амалга ошириш бошланган санадан ўттиз календарь кундан кечиктирмай солиқ органига тақдим этилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахс ўз фаолиятининг умумий муддати бир юз саксон уч календарь кундан ортиқ муддатни ташкил этадиган бир нечта шартномалар тузган бўлса, солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар фаолиятни амалга ошириш бошланган ёки қайси шартномага мувофиқ фаолиятнинг умумий муддати бир юз саксон уч календарь кундан ошадиган бўлса, ўша шартнома тузилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кечиктирмай солиқ органига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти билан тузилган оддий ширкатнинг (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартноманинг) иштирокчиси бўлган, фаолияти доимий муассаса ташкил этилишига олиб келадиган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти солиқ тўловчи

сифатида ҳисобга қўйиш учун ўз фаолиятини амалга ошириш бошланган санадан эътиборан ўттиз календарь кун ичида биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартноманинг иштирокчиси бўлган Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти жойлашган (яшайдиган, турган) еридаги солиқ органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани қуйидаги хужжатларнинг нотариал тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт:

- 1) биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномани;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи хужжатни ёки Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахснинг ўз мамлакатида давлат рўйхатидан ўтказилганлигини, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги рақамини кўрсатган ҳолда, тасдиқловчи хужжатни (ёки унинг ўрнига ўтадиган хужжатни).

Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан даромадлар оладиган, ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ тўлаш манбасида солиқ солиниши лозим бўлмаган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фаолиятни амалга ошириш бошланган санадан ўттиз календарь кун давомида турган (яшайдиган) жойидаги солиқ органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани қуйидаги хужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт:

- 1) чет эллик фуқаронинг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи хужжатларни;

- 2) фуқаролик (резидентлик) мамлакатида солиқ рўйхатига олинганлигини тасдиқловчи хужжатни, бундай хужжат мавжуд бўлган тақдирда;

- 3) Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромад суммасини тасдиқловчи хужжатни, бундай хужжат мавжуд бўлган тақдирда.

Ўзбекистон Республикасида мол-мулк солиғи ёки ер солиғи солиш объекти бўлган мол-мулкни олувчи чет эллик фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиш учун бундай мол-мулк ёки ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани қуйидаги хужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт:

- 1) чет эллик фуқаронинг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи хужжатларни;

- 2) фуқаролик (резидентлик) мамлакатида солиқ рўйхатига олинганлигини тасдиқловчи хужжатларни, бундай хужжат мавжуд бўлган тақдирда.

131-модда. Солиқ тўловчиларни солиқ солиш объекти бўйича ҳисобга қўйиш

Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш у ушбу Кодекснинг 129-моддасида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилганидан кейин, агар ушбу Кодексга мувофиқ солиқ тўловчида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олинмаган жойдаги ер солиғи, мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва (ёки) норуда қазилма бойликлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш мажбурияти юзага келган бўлса, амалга оширилади.

Ҳисобга қўйилмаган жойда ер солиғини, мол-мулк солиғини ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш мажбурияти ўзида юзага келган солиқ тўловчи тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ёхуд мол-мулк солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида солиқ солиш объектларини улар жойлашган ерда ҳисобга қўйиш учун давлат солиқ хизмати органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиши керак.

Ҳисобга олиниши давлат солиқ хизмати органлари томонидан мустақил равишда амалга ошириладиган солиқ солинадиган объектлар бўйича мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчиси бўлган жисмоний шахсларга нисбатан ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган мажбурият татбиқ этилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбурият, шунингдек:

бензин, дизель ёқилғиси ва газни охириги истеъмолчига реализация қилишда тўланадиган акциз солиғининг солиқ тўловчиларига;

худудий алоҳида бўлинма жойлашган ери бўйича ходимлар сони йигирма беш кишидан кўп бўлган доимий иш жойи яратган солиқ агентига татбиқ этилади.

Ушбу модда бешинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган солиқ тўловчи акцизоти маҳсулотни реализация қилиш бошланган пайтдан бошлаб ўн кун ичида автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчаси жойлашган ердаги солиқ органига акциз солиғи солиқ тўловчиси сифатида ҳисобга қўйиш учун мурожаат қилиши шарт.

Ушбу модда бешинчи қисмининг учинчи хатбошисида кўрсатилган солиқ агенти алоҳида бўлинма ташкил этилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин ўн кун ичида алоҳида бўлинма жойлашган ердаги солиқ органига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчи солиқ агенти сифатида ҳисобга қўйиш учун мурожаат қилиши шарт.

Солиқ органи солиқ тўловчига илгари берилган солиқ тўловчининг идентификация рақамига мувофиқ уни мурожаат қилган кундан эътиборан уч иш кундан кечиктирмай объектнинг жойлашган ери бўйича ҳисобга олади.

132-модда. Солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари

Ушбу Кодекснинг мақсадлари учун солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари деганда солиқ тўловчи томонидан солиқ органларига тақдим этилган маълумотлар, шунингдек ушбу Кодекснинг 133-моддасида назарда тутилган тартибда органлар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан юборилган маълумотлар тушунилади.

Юридик шахс тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари таркибига қуйидагилар киради, хусусан:

- 1) солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- 2) тўлиқ ва қисқартирилган номи;
- 3) жойлашган ери (почта манзили);
- 4) ташкилий-ҳуқуқий шакли;
- 5) давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жойи ва рақами;
- 6) устав фондининг (устав капиталининг) миқдори – тижорат ташкилотлари учун;
- 7) алоҳида бўлинмалар тўғрисидаги маълумотлар;
- 8) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган иштирокчилар солиқ тўловчисининг идентификация рақами, чет эллик иштирокчининг мамлакати ҳамда ҳар бир муассиснинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улуши кўрсатилган ҳолда иштирокчиларнинг тўлиқ таркиби – тижорат ташкилотлари учун.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари таркибига уларнинг қуйидаги шахсий маълумотлари киритилади:

- 1) солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- 2) фамилияси, исми, отасининг исми;
- 3) фуқаролиги;
- 4) жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун;
- 5) паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи;
- 6) яшаш жойи (манзили).

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳисоб маълумотлари таркибига ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, қуйидагилар ҳам киритилади:

- 1) давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жойи ва рақами;
- 2) фаолият тури;
- 3) фаолият амалга ошириладиган жой.

Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш тартиби, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

133-модда. Органлар, муассасалар ва ташкилотларнинг солиқ органларига маълумотлар тақдим этиш мажбуриятлари

Тадбиркорлик субъекти бўлган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига ушбу шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиртирмай тегишли юридик шахсларнинг давлат реестридан кўчирмани, раҳбар (раҳбар вазифаларини бажарувчи шахс) тўғрисидаги маълумотларни, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини ва унинг паспорт маълумотларини топшириши шарт. Шунингдек мазкур органлар солиқ органига давлат реестрига киритилган ва тегишли шахсларга тааллуқли бўлган ҳар қандай ўзгартиришлар тўғрисида бундай ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт.

Ички ишлар органлари паспортлар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган паспортлар ўрнига паспортлар берилганлиги фактлари ҳақида, шунингдек бекор қилинган паспортлар тўғрисида ўзлари жойлашган ердаги солиқ органларига ҳар ойда маълум қилиб бориши, шунингдек турар жойни ижарага олиш (ижарага бериш) шартномаси, текин фойдаланишга беришга шартномаси мавжуд эмаслиги ёки солиқ органларида ижарага олиш (ижарага бериш) шартномасининг мажбурий ҳисобга қўйилишига риоя этилмаганлиги бўйича аниқланган фактлар тўғрисида ўзлари жойлашган ердаги солиқ органларига уч кун ичида маълум қилиши шарт.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ҳар йили 1 февралгача ўзлари жойлашган ердаги солиқ органларига тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида 1 январь ҳолатига кўра маълумот бериши, шунингдек ер участкаси ва бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар йил давомида юзага келганда — мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Табиий ресурслардан фойдаланувчиларни ҳисобга олишни ва (ёки) уларни рўйхатдан ўтказишни, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашни амалга оширувчи органлар табиатдан фойдаланиш жойидаги солиқ органларига тегишли тарзда рўйхатдан ўтказилган (лицензия, руҳсатнома берилган) кундан эътиборан ўн кун ичида солиқ солиш объекти бўлган бундай ресурслардан фойдаланишга доир ҳуқуқлар бериш тўғрисида маълум қилиши шарт.

Сув ресурсларини ҳисобга олишни амалга оширувчи органлар сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солиқ органларига ўтган йил якунлари бўйича ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида 15 январдан кечиктирмай хабар қилиши шарт.

Лицензиялар ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни берадиган органлар мазкур ҳужжатлар берилган шахслар жойлашган ердаги солиқ органига шундай ҳужжатлар берилганлиги, бекор қилинганлиги, тўхтатиб турилганлиги ёки уларнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисида тегишли ҳодиса рўй берган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналарини аккредитациядан ўтказишни амалга оширувчи органлар ҳамда ташкилотлар чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтказилганлиги (аккредитациядан маҳрум этилганлиги) тўғрисидаги маълумотларни ваколатхона жойлашган ердаги солиқ органига тегишли ҳодиса рўй берган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Халқаро ташкилотларнинг ҳамда чет эл нотижорат ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари реестрини юритиш ваколатига эга бўлган орган мазкур реестрга тегишли тарзда киритилганлик (реестрдаги ўзгартиришлар) тўғрисидаги маълумотларни аккредитациядан ўтказилган (аккредитациядан маҳрум этилган) ёки мазкур реестрга маълумотлар (ўзгартиришлар) киритилган кундан эътиборан ўн кун ичида ваколатхона жойлашган ердаги солиқ органига хабар қилиши шарт.

Васийлик ва ҳомийлик органлари мол-мулк мулкдорлари (эгалари) бўлган жисмоний шахсларга нисбатан васийлик, ҳомийлик ҳамда мол-мулк бошқаруви белгиланганлиги тўғрисида, шу жумладан мол-мулк мулкдори (эгаси) бўлган боланинг васий оилага топширилганлиги ҳақида, шу жумладан мазкур васийлик, ҳомийлик ва мол-мулк бошқаруви билан боғлиқ кейинги ўзгартиришлар тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида ўзлари жойлашган ердаги солиқ органларига маълум қилиши шарт.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлган органлар (муассасалар) кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, меросга эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар берилганлиги ҳамда ҳадя этиш шартномалари нотариал тарзда тасдиқланганлиги ҳақидаги маълумотларни тегишли тарзда нотариал тасдиқланган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги солиқ органларига маълум қилиши шарт. Бунда ҳадя этиш шартномалари тасдиқланганлиги тўғрисида тақдим этилаётган ахборот ҳадя қилувчи ва ҳадя олувчи шахс ўртасидаги қариндошлик даражаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Чет эллик фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга ишлаш учун рухсатномалар ёки патентлар беришни амалга оширувчи органлар чет эллик фуқаролар ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслар турган жойи бўйича миграция ҳисобига қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларни хабар қилиши шарт. Бундай маълумотлар солиқ органларида ҳисобда турмаган ва ўзига нисбатан ишлаш учун рухсатномани ёки патентни расмийлаштириш учун ҳужжатлар кўриб чиқишга қабул қилинган чет эллик фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тақдим этилади.

Мазкур органлар белгиланган ҳужжатлар қабул қилинган кундан кейин келадиган кундан кечиктирмай ушбу маълумотларни ўзлари жойлашган ердаги солиқ органларига ҳабар қилади.

Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиртирмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

Божхона органлари ҳар ойда солиқ органларига:

экспорт-импорт операциялари тўғрисидаги, шунингдек товарларни олиб ўтиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали электрон тижорат шаклида амалга оширилган товарларни олиб ўтиш ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона омборларида товарлар сақланаётганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг домен номлари тизимини белгиловчи орган солиқ органларига тегишли маълумотлар базасига уланиш учун дастурий маҳсулотларни тақдим этиш орқали домен номларининг маъмурлари тўғрисидаги ахборотларга кириш ҳуқуқини беради.

Солиқ органларига ушбу моддада назарда тутилган, қоғозда ёки электрон шаклда тақдим этиладиган маълумотларнинг шакллари, шунингдек шаклларни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Маълумотларни солиқ органларига электрон шаклда тақдим этиш тартиби ўзаро ҳамкорлик қилувчи тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Ушбу моддада кўрсатилган маълумотлар солиқ органларига бепул тақдим этилади.

Ушбу моддада назарда тутилган маълумотлар ушбу моддада белгиланган органлар, муассасалар, ташкилотлар ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан солиқ органларининг сўровларига биноан сўров олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилади.

134-модда. Банкларнинг солиқ назоратини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари

Банк ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахснинг (бундан буён ушбу моддада миждоз деб юритилади) ҳисобварағи ёки омонати (депозити) очилганлиги (ёпилганлиги), ҳисобварағи ёки омонати (депозити) реквизитларининг ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ахборотни тегишли ҳодиса рўй берган кундан эътиборан уч кун ичида электрон шаклда, ўзи жойлашган ердаги солиқ органига маълум қилиши шарт.

Банк томонидан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ахборотни маълум қилиш тартиби ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Солиқ органининг банк мижозига нисбатан ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровига биноан банк ёзма сўров олинган кундан эътиборан уч кун ичида солиқ органларига қуйидагиларни бериши шарт:

1) мижознинг банкда ҳисобварақлари ва омонатлари (депозитлари) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни;

2) мижознинг ҳисобварақлари ва омонатларидаги (депозитларидаги) пул маблағларининг қолдиқлари ҳақидаги маълумотларни;

3) мижознинг ҳисобварақларидаги операцияларга ҳамда омонатларига (депозитларига) доир кўчирмаларни;

4) солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бошқа маълумотларни.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ахборот, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда чет давлат ваколатли органининг сўрови асосида ҳам солиқ органлари томонидан банкдан сўраб олиниши мумкин.

Солиқ органи томонидан банкка сўров юбориш ва банклар томонидан солиқ органларининг сўровларига биноан ахборот тақдим этиш шакли ҳамда тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

V БЎЛИМ. СОЛИҚ НАЗОРАТИ

17-боб. Солиқ назорати тўғрисидаги умумий қоидалар. Солиқ текширувлари

135-модда. Солиқ назорати тўғрисидаги умумий қоидалар

Ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир.

Солиқ назорати мақсадида ушбу Кодекснинг 133-моддасида кўрсатилган давлат органлари, муассасалари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар солиқ тўловчиларни солиқ бўйича ҳисобга олиш учун зарур бўлган маълумотларни ушбу Кодекста белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиши шарт.

Солиқ назорати мақсадида банклар ушбу Кодекснинг 134-моддасида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаради.

Солиқ, божхона органлари ва бошқа ваколатли органлар, прокуратура органлари ҳамда тергов органлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари, ўзлари олиб бораётган солиқ текширувлари ҳақидаги ўзида

мавжуд материаллар тўғрисида бир-бирини хабардор қилади. Шунингдек мазкур органлар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа зарур ахборот билан алмашишни амалга оширади. Бундай хабардор қилиш тартиби мазкур органлар ўртасидаги келишувлар билан белгиланади.

Солиқ тўловчи (солиқ агенти) тўғрисида қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда олинган ҳужжатлар ёки бошқа ахборот ушбу шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Солиқ назорати материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда солиқ тўловчи ҳисобда турган жойдаги солиқ органида текширув тугаган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилиши керак.

136-модда. Солиқ назоратининг шакллари

Солиқ органлари солиқ назоратини:

- 1) солиқ текширувлари;
- 2) солиқ мониторинги шаклида амалга оширади.

Божхона органлари товарларнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқларга нисбатан ўз ваколатлари доирасида ушбу Кодексга ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ назоратини амалга оширади.

137-модда. Солиқ текширувларининг турлари

Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчи тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Солиқ органлари солиқ текширувларининг қуйидаги турларини ўтказди:

- 1) камерал солиқ текшируви;
- 2) сайёр солиқ текшируви;
- 3) солиқ аудити.

138-модда. Камерал солиқ текшируви

Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботини, молиявий ҳисоботни, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказилади.

Камерал солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилади. Буйруқда солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, текширувни ўтказиш муддатлари, текширилаётган давр, текширилаётган солиқлар ва йиғимларнинг турлари кўрсатилади.

Камерал солиқ текшируви ушбу Кодекснинг 88-моддасида белгиланган даъво муддати ўтмаган солиқ даврларига нисбатан ўтказилиши мумкин.

Камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ органи солиқ тўловчидан (солиқ агентидан, учинчи шахсдан) ҳисобга олиш ҳужжатларини, тақдим этилган солиқ ҳисоботига ва ҳисобга олиш ҳужжатларига доир тушунтиришларни, шунингдек солиқ ҳамда йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотни ушбу Кодексида назарда тутилган тартибда сўраб олиши мумкин.

Сўралган ҳужжатлар ва тушунтиришлар солиқ органига тегишли сўров олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши керак. Сўралган ҳужжатларни тақдим этиш муддати солиқ тўловчининг ҳужжатлар тақдим этиш учун сабаблари ва зарур бўлган муддатлари кўрсатилган аризасига кўра солиқ органи томонидан узайтирилиши мумкин.

Агар солиқ тўловчи камерал солиқ текшируви тугагунига қадар ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ўзгартирилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этса, камерал солиқ текшируви тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Агар ўтказилган камерал солиқ текшируви якуни билан тақдим этилган солиқ ҳисоботида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланган бўлса, солиқ органи солиқ тўловчига ушбу Кодексида белгиланган тартибда солиқ ҳисоботларига тузатишлар киритиш талабномасини юборади.

Солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиш ҳақида талабнома юборилган сана камерал солиқ текшируви тугатилган сана ҳисобланади. Агар ўрганиш ва таҳлил қилиш якунларига кўра тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланмаган бўлса ҳам камерал солиқ текшируви якунланган ҳисобланади.

Солиқ тўловчи тузатишлар киритиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тегишли солиқлар ва йиғимлар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёхуд тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда аниқланган тафовутларнинг асосномасини ушбу Кодексида белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

Солиқ тўловчи солиқ органининг тегишли талабномасида кўрсатилган, аниқланган тафовутларнинг асосномаси сифатида солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тақдим этишга ҳақли. Солиқ тўловчининг номидан бундай асосномани солиқ маслаҳатчилари

ташкilotи солиқ тўловчи билан тузилган шартнома асосида мустақил равишда тақдим этиши мумкин.

Солиқ тўловчининг тақдим этган асосномаси тегишли ҳужжатлар (асосномалар) олинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида солиқ органининг раҳбари (раҳбари ўринбосари) томонидан кўриб чиқилади.

Аниқланган тафовутлар бўйича тақдим этилган асосномаларига тўлиқ ёки қисман розилик берилган тақдирда, солиқ органи илгари юборилган талабнома бекор қилинганлиги тўғрисидаги билдириш хатини ёхуд солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиш тўғрисидаги аниқлаштирилган талабномани солиқ тўловчига юборади.

Агар солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса (шу жумладан аниқлаштирилган талабномадан кейин), ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса, ёки у тақдим этган асосномалар етарли эмас деб топилса, солиқ органи солиқ тўловчига солиқ аудитини тайинлашга ҳақли.

Агар солиқ (ҳисобот) даври учун солиқ мониторинги ўтказилаётган бўлса, бундай давр учун камерал солиқ текшируви ўтказилмайди. Мазкур қоида солиқ мониторинги муддатидан олдин тугатилганда қўлланилмайди.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, зиммасига солиқ ҳисоботини тақдим этиш бўйича мажбурият юклатилган солиқ агентларининг ва бошқа шахсларнинг камерал солиқ текширувларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Кўшилган қиймат солиғи суммасини қоплашга нисбатан камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан кўшилган қиймат солиғининг суммасини қайтариш учун ариза тақдим этилган кундан эътиборан олтмиш кун ичида солиқ органининг буйруғисиз, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Кўшилган қиймат солиғи суммасини қоплашга нисбатан камерал солиқ текшируви натижаларига кўра солиқ ҳисоботига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги талабнома ёзиб берилмайди.

Кўшилган қиймат солиғи суммасини қоплашга нисбатан камерал солиқ текшируви натижаларига кўра солиқ органи ушбу суммани қоплаш тўғрисидаги қарор ёхуд уларни қоплашни рад этиш (тўлиқ ёки қисман) тўғрисидаги асослантирилган қарор қабул қилади.

Камерал солиқ текшируви ўтказиш тўғрисидаги низомни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлайди.

139-модда. Сайёр солиқ текшируви

Солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш соҳасидаги айрим мажбуриятларини, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажарилишини текшириш сайёр солиқ текширувидир.

Сайёр солиқ текшируви чоғида ҳисобга олиш ҳужжатларининг, товар-моддий қимматликлар ва пул маблағлари ҳаракатининг, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг таҳлили ўтказилади.

Сайёр солиқ текширувларини ўтказиш чоғида солиқ органлари профилактика тадбирларини ва хронометраж кузатувларини амалга оширишга, назорат-касса техникаси ва тўлов терминаллари қўлланилишини текширишга ва солиқ назоратининг бошқа тадбирларини ўтказишга ҳақли.

Сайёр солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилади. Буйруқда солиқ тўловчининг номи, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозими, текширувларни ўтказиш муддатлари ва мақсади кўрсатилади.

Сайёр солиқ текшируви ўн кундан кўп бўлмаган муддатда ўтказилади.

Сайёр солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган сана ушбу текширувни ўтказиш муддатининг бошланиши деб ҳисобланади.

Солиқ тўловчига сайёр солиқ текшируви далолатномасини топширилган кун сайёр солиқ текшируви муддатининг тугаши деб ҳисобланади.

Сайёр солиқ текшируви натижаларига кўра солиқ органлари томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Сайёр солиқ текшируви ўтказиш тўғрисидаги низомни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлайди.

140-модда. Солиқ аудити

Муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш солиқ аудитидир.

Солиқ аудити солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчига (солиқ агентига) нисбатан ўтказилади.

Солиқ органлари солиқ аудити ўтказилиши бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисида хабарнома юборади.

Хабарномада солиқ аудитининг бошланиш санаси, текширилиши лозим бўлган масалаларнинг рўйхати, зарур ҳужжатларнинг дастлабки рўйхати, шунингдек солиқ аудитини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Агар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлса, солиқ органи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда солиқ тўловчини олдиндан хабардор этмасдан солиқ аудитини бошлашга ҳақлидир.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларнинг солиқ аудити Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро

давлат солиқ инспекцияси томонидан инспекция бошлиғининг (инспекция бошлиғи ўринбосарининг) буйруғи асосида амалга оширилади.

Солиқ аудитида иштирок этиш учун бошқа солиқ органларининг мансабдор шахслари жалб этилиши мумкин.

Солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруғида текшириладиган солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозими, солиқ аудитини ўтказиш муддатлари ва мақсади кўрсатилади.

Солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи билан уни ўтказиш дастури ҳам тасдиқланади.

Ушбу Кодекснинг 143-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ аудити фақат ушбу Кодекснинг 88-моддасида белгиланган даъво қилиш муддати ўтмаган охириги солиқ аудитидан кейинги даврни қамраб олиши мумкин.

Солиқ тўловчи ихтиёрий равишда тугатилаётганда солиқ аудити, солиқ тўловчининг бевосита солиқ аудити ўтказилаётган йилдан олдинги уч йилдан кўп бўлмаган фаолиятини қамраб олиши мумкин.

Солиқ аудити ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисоботига солиқ тўловчи томонидан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

Солиқ аудити ўтказиш тўғрисидаги низомни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлайди.

141-модда. Солиқ аудитини ўтказиш муддати

Агар ушбу Кодекснинг 142-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ аудити ўттиз кундан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Солиқ аудитини ўтказиш муддати солиқ тўловчига (солиқ агентига) солиқ аудитини тайинлаш тўғрисидаги буйруқ топширилган кунда бошланади.

142-модда. Солиқ аудитини ўтказиш муддатини узайтириш

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ аудитини ўтказиш муддати икки ойгача, алоҳида ҳолларда эса – уч ойгача узайтирилиши мумкин.

Солиқ аудитини ўтказиш муддатини узайтириш асослари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилайди.

Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ аудити ўтказилишини қуйидагилар учун ҳам узайтиришга ҳақли:

- 1) ушбу Кодекснинг 146-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш;
- 2) чет эл давлат органларидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида ахборот олиш;
- 3) экспертизалар ўтказиш;
- 4) чет тилида тақдим этилган ҳужжатларни таржима қилиш.

Солиқ аудити муддатини ушбу модданинг учинчи қисми 1-бандида кўрсатилган асос бўйича узайтиришга ҳужжатлар талаб қилинаётган ҳар бир шахс бўйича кўпи билан бир марта йўл қўйилади.

Солиқ аудити муддатини узайтириш солиқ текширувини ўтказиб қолган солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) тегишли буйруғи билан расмийлаштирилади.

Солиқ аудитининг умумий муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас.

Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўтказилган солиқ аудити тўғрисида далолатнома тузилган (имзоланган) кунда тугайди.

143-модда. Солиқ аудитини ўтказишга доир чекловлар

Солиқ органлари солиқ тўловчининг айнан битта давр учун айнан бир хил солиқлар бўйича бир мартадан ортиқ солиқ аудитини ўтказишга ҳақли эмас, бундан солиқ аудитини ўтказиш чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган ҳоллар мустасно. Янги ҳолатлар аниқланган тақдирда солиқ органи такрорий солиқ аудитини тайинлашга ҳақли.

144-модда. Мансабдор шахсларнинг солиқ тўловчининг ҳудудига кириши

Бевосита солиқ текширувини ўтказувчи солиқ органлари мансабдор шахсларининг текшириладиган шахснинг ҳудудига ёки биносига кириши ушбу мансабдор шахслар томонидан хизмат гувоҳномалари ва солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) ушбу шахснинг солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи (қарори) тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

Солиқ органларининг бевосита солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахслари кўрсатилган объектлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг текшириладиган шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосланган маълумотларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида текшириладиган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳудудларини ёки биносини ёхуд солиқ солиш объектларини кўздан кечиришни ўтказиши мумкин.

Солиқ органларининг солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсларига мазкур ҳудудларга ёки биноларга (бундан турар-жой бинолари мустасно) киришига тўсқинлик қилинган тақдирда солиқ органининг

мансабдор шахси ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатномани тузади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи текширилаётган шахс тўғрисида ўзида мавжуд бўлган маълумотлар ёки худди шундай солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини мустақил тарзда аниқлашга ҳақли. Текширилаётган шахс кўрсатилган далолатномани имзолашни рад этган тақдирда мазкур далолатномага тегишли қайд киритилади.

Солиқ текширувини ўтказувчи солиқ органлари мансабдор шахсларининг турар-жой биноларига уларда яшовчи жисмоний шахсларнинг хохишига қарамай ёки хохишига қарши қонунда ёки суднинг қарори асосида белгиланган ҳоллардан бошқача тарзда киришига йўл қўйилмайди.

145-модда. Худудни ва биноларни кўздан кечириш

Солиқ органининг солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахслари текширувнинг тўлиқлиги учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида текширилаётган шахснинг худудлари ва биноларини, шунингдек ҳужжатлар ва буюмларни кўздан кечиришни амалга оширишга ҳақли.

Агар ҳужжатлар ва буюмлар солиқ органининг мансабдор шахси томонидан солиқ назоратини амалга ошириш юзасидан илгари бажарилган ҳаракатлар натижасида ёки ушбу буюмлар эгаси уларни кўздан кечиришни амалга оширишга рози бўлган тақдирда олинган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ҳолларда ҳужжатлар ва буюмларни кўздан кечиришга йўл қўйилади.

Кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилади.

Кўздан кечириш ўтказилаётганда текширилаётган шахс ёки унинг вакили, шунингдек мутахассислар иштирок этишга ҳақлидир.

Зарур бўлган ҳолларда, кўздан кечириш чоғида фотосуратга олиш ва видеоёзувга тушириш амалга оширилади, ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олинади ёки кўздан кечириш билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар бажарилади.

Кўздан кечириш ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

146-модда. Солиқ текширувини ўтказишда ҳужжатларни талаб қилиб олиш

Солиқ органининг солиқ текширувини ўтказётган мансабдор шахси текширилаётган шахсдан текширув учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли.

Ҳужжатлар тақдим этиш тўғрисидаги талабнома текширилаётган шахсга (унинг қонуний ёки ваколатли вакилига) шахсан имзо қўйдирган ҳолда топширилади. Агар ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги

талабномани мазкур усулда топшириш имкони бўлмаса, у ушбу Кодекс 19-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган тартибда юборилади.

Талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар солиқ органига шахсан ёки вакил орқали тақдим этилиши, почта орқали буюртма хат билан юборилиши ёхуд телекоммуникация алоқа тармоқлари ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда топширилиши мумкин.

Ҳужжатларни қоғозда тақдим этиш текширилаётган шахс томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалар шаклида амалга оширилади. Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ органига (мансабдор шахсга) тақдим этиладиган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини нотариал тарзда тасдиқлашни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳисобга олиш ҳужжатлари электрон шаклда тузилган тақдирда солиқ тўловчи (солиқ агенти) солиқ текшируви чоғида солиқ органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра бундай ҳужжатларнинг қоғоздаги кўчирма нусхаларини тақдим этиши шарт, бундан электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ахборот тизимида рўйхатга олинган ҳисобварақ-фактуралар мустасно.

Зарур бўлган тақдирда солиқ органи ҳужжатларнинг асл нусхалари билан танишишга ҳақли.

Солиқ текшируви давомида талаб қилиб олинган ҳужжатлар тегишли талабнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилади. Агар текширилаётган шахс талаб қилинаётган ҳужжатларни белгиланган муддат ичида тақдим этиш имконига эга бўлмаса, у текширувчи мансабдор шахсларни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

Солиқ тўловчи талаб қилинадиган ҳужжатларни кўрсатилган муддатларда тақдим этишнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги, талаб қилиб олинаётган ҳужжатларни тақдим этиш имкони бўлмаган сабаблар кўрсатилган ёзма шаклдаги хабарномани ҳужжатлар тақдим этиш ҳақидаги талабнома олинган кундан кейинги кун давомида юбориши керак. Хабарномада солиқ тўловчи талаб қилинган ҳужжатларни тақдим эта олиши мумкин бўлган муддатлар кўрсатилиши лозим.

Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ тўловчидан хабарномани олган кундан эътиборан икки кун ичида ушбу хабарнома асосида ҳужжатларни тақдим этиш муддатларини узайтириш ёки муддатларни узайтиришни рад этишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда алоҳида қарор чиқаради.

Текширилаётган шахснинг талаб қилинаётган ҳужжатларни тақдим этишни рад этганлиги солиқ органининг мансабдор шахси томонидан тузиладиган баённомада қайд этилади. Баённома солиқ органининг мансабдор шахси ва текширилаётган шахс томонидан имзоланади. Текширилаётган шахс баённомани имзоланишни рад этган тақдирда бу ҳақда тегишли қайд киритилади. Кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш солиқ тўловчи томонидан рад этилганлиги ёки белгиланган муддатларда тақдим

этилмаганлиги ушбу ҳужжатларни ушбу Кодекснинг 148-моддасида назарда тутилган тартибда олиб қўйиш учун асос бўлади.

Солиқ текшируви ва солиқ назоратининг бошқа тадбирлари жараёнида солиқ органлари текширилаётган шахснинг камерал ёки сайёр солиқ текширувлари ўтказилганда солиқ органларига илгари тақдим этилган ҳужжатларни, шунингдек солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида тасдиқланган кўчирма нусхалар шаклида тақдим этилган ҳужжатларни текширилаётган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли эмас. Агар ҳужжатлар илгари солиқ органига асл нусхалар тарзида тақдим этилиб, кейинчалик текширилаётган шахсга қайтарилган бўлса, шунингдек солиқ органига тақдим этилиб, бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолатлари оқибатида йўқотилган тақдирда, ҳужжатлар текширилаётган шахсдан қайта талаб қилиб олиниши мумкин.

147-модда. Учинчи шахслардан ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш

Солиқ органининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахси текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олишга ҳақли.

Текширилаётган солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) солиқ назоратининг қўшимча тадбирларини тайинлаш тўғрисидаги қарори асосида солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш чоғида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Солиқ текширувларини ёки солиқ назоратининг бошқа тадбирларини амалга оширувчи солиқ органи текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисидаги топшириқномани мазкур ҳужжатлар (ахборот) талаб қилиб олиниши керак бўлган шахснинг ҳисобда турган жойидаги солиқ органига юборади. Бунда топшириқномада солиқ назоратининг қайси тадбирини ўтказиш чоғида ҳужжатлар (ахборот) тақдим этиш зарурати юзага келганлиги кўрсатилади, муайян битимга тааллуқли ахборот талаб қилиб олинаётганда эса ушбу битимни идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар кўрсатилади.

Топшириқнома олинган кундан эътиборан уч кун ичида ҳужжатлар (ахборот) қайси шахсдан талаб қилиб олинаётган бўлса, ўша шахснинг ҳисобда турган жойидаги солиқ органи ушбу шахсга ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисида талабнома юборади.

Талабномага ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисидаги топшириқноманинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисидаги талабномани олган шахс талабнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида уни

базаради ёки талаб қилиб олинаётган ҳужжатларга (ахборотга) эга эмаслигини ўша муддатда хабар қилади. Агар талаб этиладиган ҳужжатларни (ахборотни) мазкур муддатда тақдим этиш имкони бўлмаса, солиқ органи ҳужжатлар қайси шахсан талаб қилиб олинган бўлса ўша шахсинг илтимосномасига кўра ушбу ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш муддатини узайтиришга ҳақли.

Талаб этиладиган ҳужжатлар ушбу Кодекс 146-моддасининг учинчи – бешинчи ва ўн биринчи қисмларида назарда тутилган қоидалар ҳисобга олинган ҳолда тақдим этилади.

Ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олишнинг ушбу моддада назарда тутилган тартиби солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчиларига тааллуқли ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олишда ҳам қўлланилади.

Ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олишнинг ушбу моддада назарда тутилган тартиби солиқ агентларига тегишли бўлган ҳужжатлар ва ахборотни талаб қилиб олишда ҳам қўлланилади.

Ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш тўғрисидаги талабномани олган шахс ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ бўлмаган талабнома бўйича ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этишни рад этишга ҳақли.

148-модда. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш

Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш солиқ органининг солиқ текширувини ўтказаетган мансабдор шахсининг асослантирилган қарори асосида амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва буюмларни тунги пайтда олиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш ҳолислар ҳамда ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш амалга оширилаётган шахслар иштирокида ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда, олиб қўйишни амалга оширишда иштирок этиш учун мутахассис таклиф этилади.

Олиб қўйиш бошлангунига қадар солиқ органининг мансабдор шахси олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда ҳозир бўлган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Солиқ органининг мансабдор шахси ҳужжатлар ва буюмларини олиб қўйиш амалга оширилаётган шахсга уларни ўз ихтиёри билан топширишни таклиф этади, таклиф рад этилган тақдирда эса олиб қўйишни мажбурий тарзда амалга оширади.

Ўзига нисбатан олиб қўйиш амалга оширилаётган шахс олиб қўйилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва буюмлар сақланиши мумкин бўлган биноларни ёки бошқа жойларни очишдан бош тортганда, солиқ органининг мансабдор шахси тамбаларга, эшикларга ва бошқа буюмларга зарурат сабабли юзага келмаган шикаст етказишдан қочиб олиб қўйишни мустақил тарзда бажаришга ҳақли.

Солиқ текшируви предметига алоқаси бўлмаган ҳужжатлар ва буюмлар олиб қўйилмайди.

Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисида ушбу Кодекснинг 154-моддасида ҳамда мазкур моддада назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда баённома тузилади.

Олиб қўйилган ҳужжатлар ва буюмлар олиб қўйиш баённомасида ёки унга илова қилинадиган рўйхатларда аниқ номи, сони, ўзига хос хусусиятлари ва имкон қадар буюмларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда санаб ўтилади ҳамда рўйхатга олинади.

Агар солиқ назорати тадбирларини ўтказиш учун текшириладиган шахс ҳужжатларининг кўчирма нусхалари етарли бўлмаса ҳамда солиқ органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, ўзгартирилиши ёки алмаштириб қўйилиши мумкинлиги тўғрисида тахмин қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлса, солиқ органининг мансабдор шахси ҳужжатларнинг аслини ушбу моддада назарда тутилган тартибда олиб қўйишга ҳақли. Бундай ҳужжатлар олиб қўйиладиганда улардан солиқ органининг мансабдор шахси томонидан тасдиқланадиган кўчирма нусхалар олинади ва ҳужжатлар олиб қўйиладиган шахсга топширилади.

Ҳужжатларни олиб қўйиш билан бир вақтнинг ўзида кўчирма нусхаларни тайёрлаш ёки топшириш имкони бўлмаган тақдирда, солиқ органи кўчирма нусхаларни ҳужжатлари олиб қўйилган шахсга ҳужжатлар олиб қўйилганидан кейин беш кун ичида топширади.

Барча олиб қўйиладиган ҳужжатлар ва буюмлар ҳолисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кўрсатилади ва зарур бўлган тақдирда олиб қўйилган жойда ўралади.

Олиб қўйилган ҳужжатлар рақамланиши, тикилиши ва олиб қўйиладиган шахснинг муҳри ёки имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Ушбу шахс олиб қўйиладиган ҳужжатларни муҳр ёки имзо билан тасдиқлашдан бош тортган тақдирда, олиб қўйиш тўғрисидаги баённомага бу ҳақда махсус белги қўйилади.

Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхаси улар қайси шахсдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга имзо қўйдириб топширилади ёки юборилади.

149-модда. Гувоҳнинг иштироки

Солиқ назоратини амалга ошириш учун аҳамиятга эга бирор-бир ҳолатлар ўзига маълум бўлган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахс кўрсатмалар бериш учун гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин.

Гувоҳнинг кўрсатмалари баённомага киритилади.

Гувоҳ сифатида қуйидаги шахслар жалб этилиши мумкин эмас:

ўзининг жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли солиқ назоратини амалга ошириш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўғри идрок этишга қодир бўлмаган шахслар;

Ўз касбий мажбуриятларини бажариши муносабати билан солиқ назоратини ўтказиш учун зарур бўлган ва ушбу шахсларнинг касбий сирига тааллуқли бўлган ахборотни олган шахслар. Чунончи, бундай шахслар жумласига – адвокат, аудитор, солиқ маслаҳатчиси киради.

Гувоҳнинг кўрсатмалари, агар у касаллиги, кексалиги, ногиронлиги тўғрисида солиқ органига кела олмаса, у турган жойда олиниши мумкин.

Кўрсатмалар олишдан аввал солиқ органининг мансабдор шахси гувоҳни кўрсатмалар беришни рад этганлик ёки бундан бош тортганлик ёхуд била туриб ёлгон кўрсатмалар берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради, бу ҳақда баённомага гувоҳнинг имзоси билан тасдиқланадиган белги киритилади.

Солиқ органига гувоҳ сифатида чақирилган ходимлар учун солиқ органига келганлиги сабабли ишда бўлмаган вақт учун асосий иш жойидаги ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

150-модда. Экспертиза

Зарур бўлган ҳолларда, солиқ назоратини амалга оширишга доир аниқ ҳаракатларни ўтказишда иштирок этиш учун эксперт жалб этилиши мумкин.

Шахсни эксперт сифатида жалб этиш солиқ органи ва эксперт ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Агар юзага келадиган масалаларни тушунтириш учун илм-фан, санъат, техника ёки ҳунармандчилик соҳасидаги махсус билимлар талаб этилса, экспертиза тайинланади. Солиқ органининг солиқ назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсида бундай билимларга эгаллиги экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди.

Эксперт олдида қўйилган масалалар ва унинг хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан чиқиши мумкин эмас.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорни солиқ текширувини ўтказётган мансабдор шахснинг илтимосномаси асосида солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) қабул қилади.

Қарорда экспертизани тайинлаш учун асослар, экспертиза ўтказиши керак бўлган ташкилотнинг номи ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, экспертнинг олдида қўйиладиган масалалар ва унинг ихтиёрига бериладиган материаллар кўрсатилади. Эксперт экспертиза предметига тааллуқли текширув материаллари билан танишишга, ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши тўғрисида илтимосномалар беришга ҳақли.

Эксперт хулосани ўз номидан ёзма шаклда беради. Эксперт хулосасида ўзи ўтказган текширишлар, улар асосида қилинган хулосалар ҳамда қўйилган масалаларга асосланган жавоблар баён этилади.

Агар экспертга берилган материаллар етарли бўлмаса ёки у экспертиза ўтказиш учун зарур билимларга эга бўлмаса, эксперт хулоса беришни рад этиши мумкин.

Солиқ текширувини ўтказаетган солиқ органининг мансабдор шахси текширилетган шахсни экспертиза тайинланганлиги тўғрисидаги қарор билан таништириши ва унинг ушбу модданинг ўнинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқларини тушунтириши шарт бўлиб, бу ҳақда баённома тузилади.

Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш жараёнида текширилетган шахс:

- 1) экспертни рад этиш;
- 2) экспертни ўзи кўрсатган шахслар орасидан тайинлаш тўғрисида илтимос қилиш;
- 3) қўшимча саволларни тақдим этиб, улар юзасидан эксперт хулосасини олиш;
- 4) солиқ органи мансабдор шахсининг рухсати билан экспертиза ўтказишда иштирок этиш ва экспертга тушунтиришлар бериш;
- 5) экспертнинг хулосаси билан танишиш;
- 6) экспертнинг хулосаси юзасидан асослангирилган фикр тақдим этиш ҳуқуқига эга.

151-модда. Мутахассисни жалб этиш

Зарур бўлган ҳолларда, солиқ назоратини амалга оширишга доир ҳаракатларда иштирок этиш учун солиқ органи томонидан махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳамда ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган мутахассис жалб этилиши мумкин.

Шахсининг мутахассис сифатида жалб қилиниши солиқ органи ва мутахассис ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Шахсининг мутахассис сифатида иштирок этиши унинг гувоҳ сифатида айнан шу ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши имкониятини истисно этмайди.

152-модда. Таржимоннинг иштироки

Зарур бўлган ҳолларда, солиқ назоратини амалга оширишга доир ҳаракатларда иштирок этиш учун таржимон жалб этилиши мумкин.

Ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган, таржима қилиш учун зарур даражада тил билладиган ёки кар ёхуд соқов жисмоний шахсининг имо-ишораларини тушунадиган шахс таржимонлик қилиши мумкин.

Шахсининг таржимон сифатида жалб қилиниши солиқ органи ва таржимон ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Таржимон солиқ органи мансабдор шахсининг чақирувига биноан келиши ва ўзига топширилган таржимани аниқ бажариши шарт.

153-модда. Холисларнинг иштироки

Ушбу Кодексада назарда тутилган ҳолларда солиқ назоратини амалга оширишга доир ҳаракатларда иштирок этиш учун холислар жалб этилади.

Холислар камида икки нафар киши миқдорида жалб этилади.

Ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахслар холислар сифатида жалб этилиши мумкин.

Солиқ органлари мансабдор шахсларининг холислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Холислар ўз иштирокида амалга оширилган ҳаракатлар факти, мазмуни ва натижаларини баённомада тасдиқлаши шарт. Улар амалга оширилган ҳаракатлар юзасидан баённомага киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли. Зарур бўлган тақдирда, холислар кўрсатилган ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши мумкин.

154-модда. Солиқ назорати доирасида ҳаракатларни амалга ошириш чоғидаги баённомага қўйиладиган умумий талаблар

Солиқ назорати ҳаракатларини ўтказиш чоғида баённома тузилади. Баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) текшириш ўтказишнинг асослари, тури ва даври;
- 2) амалга ошириладиган аниқ ҳаракатнинг жойи ва санаси;
- 3) ҳаракатнинг бошланиш ва тугаш вақти;
- 4) баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
- 5) ҳаракатда иштирок этган ёки уни ўтказишда ҳозир бўлган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, зарур бўлган ҳолларда эса – унинг манзили;
- 6) ҳаракатнинг мазмуни, уни амалга ошириш кетма-кетлиги;
- 7) ҳаракатни бажариш чоғида аниқланган, иш учун аҳамиятга эга бўлган фактлар ва ҳолатлар.

Баённома ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган ёки уни ўтказишда ҳозир бўлган барча шахслар томонидан ўқиб чиқилади. Мазкур шахслар баённомага киритилиши ёки материалларга қўшиб қўйилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазаларини билдиришга ҳақли.

Баённома солиқ органининг уни тузган мансабдор шахси, шунингдек ҳаракатни амалга оширишда иштирок этган ёки уни ўтказишда ҳозир бўлган барча шахслар томонидан имзоланади.

Баённомага фотосуратлар, видеоёзувлар ва ҳаракатни амалга ошириш чоғида бажарилган бошқа материаллар илова қилинади.

155-модда. Солиқ текширувини ўтказиш чоғида ғайриқонуний ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўймаслик

Солиқ текширувини ўтказиш чоғида текшириладиган шахсларга ёки уларнинг эгаллигида, фойдаланишида ёхуд тасарруфида бўлган мол-мулкка ғайриқонуний ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

Солиқ текширувини ўтказиш чоғида солиқ органларининг ғайриқонуний қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари орқали етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Солиқ органларининг ғайриқонуний қарорлари орқали текширилаётган шахсларга етказилган зарар учун уларнинг мансабдор шахслари қонунда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Солиқ органлари мансабдор шахсларининг қонуний ҳаракатлари орқали текширилаётган шахсларга ёки уларнинг вакилларига етказилган зарарнинг ўрни қопланмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

18-боб. Солиқ текширувларининг ва солиқ назорати бошқа чораларининг ҳуқуқий оқибатлари

156-модда. Солиқ аудити натижаларини расмийлаштириш

Солиқ аудити натижаларига кўра солиқ органларининг ушбу текширувини ўтказган ваколатли мансабдор шахслари томонидан солиқ аудити далолатномаси тузилиши керак.

Солиқ аудити далолатномасида қуйидагилар кўрсатилади:

1) солиқ аудити далолатномасини тузиш санаси – ушбу текширувини ўтказган шахслар томонидан далолатнома имзоланган сана;

2) текширилаётган шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номи ёки фамилияси, исми, отасининг исми. Юридик шахс унинг алоҳида бўлинмаси жойлашган ерда текширилган тақдирда юридик шахснинг номидан ташқари текширилаётган алоҳида бўлинманинг тўлиқ ва қисқартирилган номи ҳамда унинг жойлашган ери кўрсатилади;

3) ўзлари вакили бўлган солиқ органининг номи кўрсатилган ҳолда солиқ аудитини ўтказган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг лавозимлари;

4) солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) солиқ аудити ўтказиш тўғрисидаги буйруғи санаси ва рақами;

5) солиқ аудити давомида текширилаётган шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати;

6) солиқ аудити ўтказилган давр;

7) солиқ аудити қайси солиққа нисбатан ўтказилган бўлса, ўша солиқнинг номи;

8) солиқ аудити бошланган ва тугаган сана;

9) юридик шахс жойлашган ернинг ёки жисмоний шахс яшаш жойининг манзили;

10) солиқ аудитини амалга ошириш чоғида ўтказилган солиқ назорати тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар;

11) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола қилган ҳолда солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг (у мавжуд бўлган тақдирда) батафсил тавсифи;

12) солиқ аудити натижалари бўйича хулосалар ва таклифлар.

Агар ўтказилган солиқ аудити натижаларига кўра солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари аниқланмаган бўлса, бу ҳақда солиқ аудити далолатномасида қайд этилади.

Солиқ аудити далолатномасига текширув давомида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари фактларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Солиқ аудити далолатномаси шаклини ва уни тузишга доир талабларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилайди.

Солиқ аудити далолатномаси камида уч нусхада тузилади.

Солиқ аудити далолатномасининг барча нусхалари солиқ органининг солиқ аудитини ўтказган мансабдор шахслари томонидан имзоланади. Солиқ аудити далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига текширув тугаганидан кейин уч кун ичида топширилади. Солиқ тўловчи далолатноманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда солиқ аудити далолатномасини олганлигига имзо қўйиши шарт. Солиқ аудити далолатномасининг солиқ органида қолган нусхалари солиқ аудити материалларига қўшиб қўйилади.

Солиқ тўловчининг солиқ аудити далолатномасидаги имзоси унинг солиқ аудити натижаларига розилигини билдирмайди.

Солиқ тўловчи (унинг вакили) солиқ аудити далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда, солиқ органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ аудити далолатномасига тегишли ёзув киритади. Бундай ҳолда солиқ аудити далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига юридик шахс (алоҳида бўлинма) жойлашган ер бўйича ёки жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Солиқ аудити далолатномаси почта орқали буюртма хат билан юборилган тақдирда буюртма хат юборилган санадан бошлаб ҳисоблаганда бешинчи кун ушбу далолатнома топширилган сана деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширмайдиган чет эл юридик шахсига (бундан халқаро ташкилот ёки дипломатик ваколатхона мустасно) солиқ аудити далолатномаси почта орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестридаги манзил бўйича буюртма хат билан юборилади. Буюртма хат юборилган санадан бошлаб ҳисоблаганда йигирманчи кун ушбу далолатнома топширилган сана деб ҳисобланади.

Ўзига нисбатан солиқ аудити ўтказилган шахс (унинг вакили) солиқ текшируви далолатномасида баён этилган фактларга ва (ёки) текширувчиларнинг хулосалари ҳамда таклифларига рози бўлмаган тақдирда, солиқ аудити далолатномасини олган кундан эътиборан ўн кун ичида тегишли солиқ органига мазкур далолатнома бўйича умуман ёки унинг айрим ҳолатлари юзасидан ёзма эътирозларини тақдим этишга ҳақли.

Солиқ тўловчи ўз эътирозларининг асосланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини) ёзма эътирозларга илова қилишга ёки келишилган муддатда солиқ органига топширишга ҳақли.

157-модда. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби

Солиқ аудити натижасида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ушбу Кодекснинг 158 ва 159-моддаларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Мазкур кўриб чиқиш тартиби ушбу Кодекснинг 223 ёки 224-моддаларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган, солиқ текшируви ва (ёки) солиқ назоратининг бошқа тадбирлари натижасида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ушбу Кодекснинг 165 ва 166-моддаларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан ушбу Кодексда белгиланган талабларга риоя этмаслик юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ органининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартиб-таомилининг муҳим шартларини бузиш юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш ва (ёки) солиқ суммаларини қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш учун асос бўлади. Бундай муҳим шартлар жумласига ўзига нисбатан солиқ текшируви ўтказилган шахснинг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида шахсан ва (ёки) ўз вакили орқали иштирок этиш имкониятини таъминлаш ҳамда солиқ тўловчининг тушунтиришлар бериш имконини таъминлаш киради.

Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартиб-таомилининг бошқача бузилишлари ҳам, агар бундай қоидабузарликлар солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ғайриқонуний қарор қабул қилишга олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ органининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

158-модда. Солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартиби

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари қайси солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви давомида аниқланган бўлса, ўша солиқ аудити далолатномаси ва (ёки) сайёр солиқ текшируви материаллари солиқ

текширувини ўтказган солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ушбу солиқ текшируви далолатномаси тузилган кундан эътиборан ўн кун ўтгач, лекин ўн беш кундан кечиртирмай кўриб чиқилиши керак. Уларга доир қарор солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилганидан кейин беш кундан кечиктирмай қабул қилиниши лозим.

Агар текширилаётган шахс (унинг вакили) солиқ аудитининг далолатномасига ва (ёки) сайёр солиқ текширувининг материалларига доир ёзма эътирозларини ушбу Кодекснинг 156-моддаси ўн иккинчи қисмида назарда тутилган муддатларда тақдим этган бўлса, ушбу эътирозлар ҳам кўриб чиқилиши лозим.

Солиқ органи текширув материаллари кўриб чиқиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида солиқ тўловчини кўриб чиқиш бошлангунига қадар камида икки иш куни олдин хабардор қилади.

Агар солиқ тўловчи солиқ органини узрли сабабларга кўра солиқ текшируви материалларининг кўриб чиқилишига кела олмаслиги тўғрисида хабардор қилган бўлса, солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ текшируви материалларининг кўриб чиқишни камида беш кун муддатга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилади, солиқ тўловчи бу ҳақда хабардор қилинади.

Ўзига нисбатан солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви ўтказилган шахс солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида шахсан ва (ёки) ўз вакили орқали иштирок этишга ҳақли.

Ўзига нисбатан солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви ўтказилган, текширув материаллари кўриб чиқиладиган вақт ва жой ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган шахснинг (унинг вакилининг) келмаганлиги солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди, бундан ушбу шахснинг иштирок этиши солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан мазкур материаллар кўриб чиқилиши учун шарт деб топилган ҳолатлар мустасно.

Солиқ текшируви материалларини моҳиятига кўра кўриб чиқишдан олдин солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари):

1) ишни ким кўриб чиқаётганлигини ва қайси солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилиши лозимлигини эълон қилиши;

2) кўриб чиқишда иштирок этиш учун таклиф этилган шахсларнинг келган-келмаганлиги фактини аниқлаши шарт.

Ушбу шахслар келмаган тақдирда солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) иш юритиш иштирокчилари белгиланган тартибда хабардор қилинган-қилинмаганлигини аниқлаштиради ва солиқ текшируви материалларини мазкур шахсларнинг йўқлигида кўриб чиқиш ёки ушбу кўриб чиқишни кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилади;

3) ўзига нисбатан солиқ текшируви ўтказилган шахснинг вакили иштирок этган тақдирда ушбу вакилнинг ваколатларини текшириши;

4) кўриб чиқиш тартиб-таомилида иштирок этаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши;

5) кўриб чиқиш учун иштирок этиши зарур бўлган шахс келмаган тақдирда, солиқ текшируви материалларининг кўриб чиқилишини кейинга қолдириш тўғрисида қарор чиқариши керак.

Солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш чоғида текширув далолатномаси, зарур бўлган тақдирда эса солиқ назорати тадбирларининг бошқа материаллари, шунингдек ўзига нисбатан текширув ўтказилган шахснинг ёзма эътирозлари ҳам ўқиб эшиттирилиши мумкин.

Ёзма эътирозларнинг мавжуд эмаслиги ушбу шахсни (унинг вакилини) текширув материалларини кўриб чиқиш босқичида ўз тушунтиришларини бериш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш вақтида тақдим этилган далиллар, шу жумладан ўзига нисбатан текширув ўтказилган шахсдан илгари талаб қилиб олинган ҳужжатлар, ушбу шахс солиқ текширувларидан ўтказилганда солиқ органларига тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ўрганилади.

Ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги қўшимча маълумотлар (ахборот), агар улар ушбу Кодексда белгиланган муддатлар бузилган ҳолда солиқ органига тақдим этилган бўлса ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш давомида зарур бўлган тақдирда ушбу кўриб чиқишда иштирок этиш учун гувоҳни, экспертни, мутахассисни жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқиляётганда баённома юритилади.

Солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари):

- 1) ўзига нисбатан текширув далолатномаси тузилган шахс солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини содир этган-этмаганлигини;
- 2) аниқланган қоидабузарликлар солиққа оид ҳуқуқбузарлик аломатини ташкил этиш-этмаслигини;
- 3) шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортишга асослар мавжуд-мавжуд эмаслигини;
- 4) солиқ тўловчининг эътирозлари асосланганлигини белгилайди.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд бўлган тақдирда солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишдаги айбини истисно этувчи ҳолатларни ёки солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни юмшатовчи ёхуд оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлайди.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари содир этилганлиги фактини тасдиқлаш учун қўшимча далиллар олиш зарур бўлган

тақдирда ёки улар бўлмаганда солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ назоратининг қўшимча тадбирларини бир ойдан ошиқ бўлмаган муддатда ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир.

Солиқ назоратининг қўшимча тадбирларини тайинлаш тўғрисидаги қарорда бундай қўшимча тадбирларни ўтказиш заруратини келтириб чиқарган ҳолатлар баён этилади, уларни ўтказиш муддати ва аниқ шакли кўрсатилади.

Солиқ назоратининг қўшимча тадбирлари сифатида ушбу Кодекснинг 146 ва 147-моддаларига мувофиқ ҳужжатларни талаб қилиб олиш, гувоҳни сўроқ қилиш, экспертиза амалга оширилиши мумкин.

Солиқ назорати қўшимча тадбирларининг бошланиши ва тугаши, солиқ назоратининг ўтказилган қўшимча тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари содир этилганлиги ёки уларнинг мавжуд эмаслиги фактини тасдиқлаш учун олинган қўшимча далиллар, текширувчиларнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга доир хулосалари ва таклифлари ҳамда ушбу Кодекснинг моддаларига оид ҳаволалар, агар ушбу Кодекста солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ушбу бузилишлари учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви далолатномасига доир қўшимчада қайд этилади.

Солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви далолатномасига доир қўшимча солиқ назоратининг қўшимча тадбирларини ўтказган солиқ органининг мансабдор шахслари томонидан бундай тадбирлар тугаган кундан эътиборан ўн кун ичида тузилиши ва имзоланиши керак.

Солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви далолатномасига доир қўшимча солиқ назоратининг қўшимча тадбирлари натижасида олинган материаллар илова қилинган ҳолда ушбу қўшимча тузилган санадан эътиборан уч кун ичида ўзига нисбатан текширув ўтказилган шахсга (унинг вакилига) имзо қўйдириб берилиши ёки у олинган сана тўғрисида далолат берувчи бошқа усулда топширилиши керак.

Агар ўзига нисбатан текширув ўтказилган шахс (унинг вакили) солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви далолатномасига доир қўшимчани олишдан бош тортса, бундай факт текширув далолатномасига доир қўшимчада акс эттирилади. Бундай ҳолда солиқ текшируви далолатномасига доир қўшимча ташкилотнинг (алоҳида бўлинманинг) жойлашган ери ёки жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича почта орқали буюртма хат билан юборилади ва буюртма хат юборилган санадан эътиборан бешинчи кунда қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ўзига нисбатан солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви ўтказилган шахс (унинг вакили) солиқ текшируви далолатномасига доир қўшимча олинган кундан эътиборан ўн кун ичида текширув далолатномасига доир бундай қўшимча бўйича умуман ёки унинг алоҳида қоидалари юзасидан ёзма эътирозларини тақдим этишга ҳақли.

159-модда. Солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилиш

Солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви материалларини ушбу Кодекснинг 158-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқиш натижалари бўйича солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) қуйидагиларни назарда тутувчи қарорни (бундан буён матнда солиқ текшируви натижалари бўйича қарор деб юритилади) қабул қилади:

1) солиқ аудити материаллари бўйича солиқлар ва пенялар қўшиб ҳисоблаш ёки буни рад этиш;

2) солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш ёки буни рад этиш.

Шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорда содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа маълумотларга, ўзига нисбатан текширув ўтказилган шахс томонидан ўз химояси учун келтириладиган важларга ҳамда ушбу важларни текшириш натижаларига ҳавола қилган ҳолда, ўтказилган солиқ текширувида қандай белгиланган бўлса, шундай баён этилади.

Шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорда ушбу Кодекснинг шу ҳуқуқбузарликларни назарда тутувчи моддалари ва қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кўрсатилади.

Солиқларни қўшиб ҳисоблашни назарда тутувчи қарорда, агар солиқларга оид қарздорлик текширув жараёнида аниқланган бўлса, солиқларга оид аниқланган ушбу қарздорлик миқдори ва тегишли пенялар суммаси кўрсатилади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортишни рад этишни назарда тутувчи қарорда бундай рад этиш учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади.

Солиқ текшируви натижалари бўйича қарорда ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс ушбу қарор устидан кайси муддат ичида шикоят қилишга ҳақли бўлса, ўша муддат ва қарор устидан юқори турувчи солиқ органига шикоят қилиш тартиби кўрсатилади.

Агар солиқ аудити жараёнида солиқ органининг қарори асосида ортиқча қайтарилган солиқ суммаси аниқланган бўлса, солиқлар суммаларини қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги қарорда мазкур сумма ушбу солиқ бўйича солиқ қарзи деб эътироф этилади. Ушбу солиқ суммаси солиқ тўловчига қайтарилган тақдирда, у маблағларни ҳақиқатда олган кундан эътиборан, солиқ суммаси ҳисобга ўтказишга қабул қилинган тақдирда эса – ушбу солиқ суммаси ҳисобга олишга қабул қилинган кундан эътиборан ушбу сумма солиқ қарзи деб эътироф этилади.

Солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича қарор қабул қилинганидан кейин солиқ органининг раҳбари (раҳбари ўринбосари) ушбу Кодекснинг 161-моддасида назарда тутилган тартибда ва шартларда ушбу қарорнинг ижроси учун таъминлаш чораларини кўришга ҳақли.

160-модда. Солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорнинг кучга кириши

Солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича ушбу Кодекснинг 159-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган қарор ўзига нисбатан ушбу қарор қабул қилинган шахсга (шахснинг вакилига) берилган кундан эътиборан бир ой ўтгач кучга кирилади.

Солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича қарор у қабул қилинган кундан эътиборан икки кун ичида ўзига нисбатан ушбу қарор қабул қилинган шахсга (унинг вакилига) имзо қўйдириб берилиши ёки олинган сана тўғрисида далолат берувчи бошқа усул орқали топширилиши керак.

Агар қарорни бериш ёки у олинган сана тўғрисида далолат берувчи бошқа усулда топшириш имкони бўлмаса, у юридик шахснинг (алоҳида бўлинманинг) жойлашган ери ёки жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича почта орқали буюртма хат билан юборилади. Қарор почта орқали буюртма хат билан юборилганда буюртма хат юборилган кундан эътиборан бешинчи кун у берилган сана деб ҳисобланади.

Солиқ органининг қарори устидан шикоят берилган тақдирда, мазкур қарор ушбу Кодекснинг 163-моддасида назарда тутилган тартибда кучга кирилади.

Ўзига нисбатан тегишли қарор чиқарилган шахс қарор кучга киргунига қадар уни тўлиқ ёки қисман ижро этишга ҳақли. Бунда шикоятнинг берилиши шахсни кучга кирмаган қарорни тўлиқ ёки қисман ижро этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

161-модда. Таъминлаш чоралари

Солиқ текшируви натижалари бўйича қарор қабул қилинганидан сўнг солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) мазкур қарорни ижро этиш имконини таъминлашга қаратилган чораларни (таъминлаш чораларини) кўришга ҳақли.

Агар ушбу чораларни кўрмаслик кейинчалик ушбу қарорнинг ижросини ва (ёки) солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган солиқ қарзини ундиришни қийинлаштириши мумкин ёхуд ундиришни имконсиз қилиб

қўяди деб тахмин қилиш учун етарлича асослар бўлса, таъминлаш чоралари кўрилади.

Таъминлаш чораларини кўриш учун солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) тегишли қарор қабул қилади. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради ва солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор ижро этиладиган ва (ёки) солиқлар қўшиб ҳисобланадиган кунга қадар ёхуд юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан қабул қилинган қарор бекор қилинган кунга қадар амал қилади.

Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) ушбу модданинг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда таъминлаш чораларини бекор қилиш ёки уларни алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Таъминлаш чораларини бекор қилиш (алмаштириш) тўғрисидаги қарор у чиқарилган кундан эътиборан кучга киради.

Солиқ органининг розилигисиз мол-мулкни бошқа шахснинг ихтиёрига ўтказишга (гаровга қўйишга) доир тақим ва ушбу Кодекснинг 111-моддасида белгиланган тартибда банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш таъминлаш чоралари бўлиши мумкин.

Бошқа шахснинг ихтиёрига ўтказишга (гаровга қўйишга) доир тақим изчиллик билан қуйидагиларга нисбатан амалга оширилади:

- 1) кўчмас мол-мулкка, шу жумладан маҳсулотларни ишлаб чиқаришда (хизматларни кўрсатишда) иштирок этмайдиган мол-мулкка;
- 2) транспорт воситаларига, қимматли қоғозларга, хизмат хоналарининг дизайн буюмларига;
- 3) тайёр маҳсулот, хом ашё ва материаллардан ташқари бошқа мол-мулкка;
- 4) тайёр маҳсулотга, хом ашё ва материалларга.

Олдинги гуруҳлардаги мол-мулкнинг қиймати солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича қарор асосида тўланиши лозим бўлган солиқ қарзининг умумий суммасидан кам бўлган тақдирда, ҳар бир навбатдаги гуруҳнинг мол-мулкни бошқа шахс ихтиёрига ўтказишга (гаровга қўйишга) доир тақим қўлланилади. Бунда мол-мулкнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича белгиланади.

Банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш бўйича таъминлаш чоралари тартибда фақат мол-мулкни бошқа шахс ихтиёрига ўтказишга (гаровга қўйишга) доир тақим қўйилганидан кейин ва фақат агар бундай мол-мулкнинг жами қиймати солиқ қарзининг умумий суммасидан кам бўлса, қўлланилиши мумкин.

Банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ текшируви натижалари бўйича қарорда кўрсатилган солиқ қарзининг умумий суммаси билан бошқа шахс ихтиёрига ўтказиш (гаровга қўйиш) мумкин бўлмаган мол-мулк қиймати ўртасидаги фарққа нисбатан йўл қўйилади.

Ўзига нисбатан таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида қарор чиқарилган шахснинг илтимосига кўра солиқ органи ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган таъминлаш чораларини:

1) банкнинг жавобгарликка тортиш ва (ёки) солиқларни кўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган солиқ қарзи суммасини ўзига нисбатан шундай қарор чиқарилган шахс ушбу суммаларни тўламаган тақдирда солиқ органи томонидан белгиланган муддатда тўлашга розилигини тасдиқловчи банк қафолатига;

2) қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозларни гаровга қўйишга ёки ушбу Кодекснинг 107-моддасида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилган бошқа мол-мулкни гаровга қўйишга;

3) ушбу Кодекснинг 108-моддасида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилган учинчи шахснинг кафиллигига алмаштиришга ҳақлидир.

Солиқ тўловчи томонидан солиқ аудити ва (ёки) сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича қарор асосида бюджетга тўланиши лозим бўлган суммага доир амалдаги банк қафолати тақдим этилган тақдирда, солиқ органи бу солиқ тўловчига ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган таъминлаш чораларини алмаштиришни рад этишга ҳақли эмас.

Таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги қарорнинг ва уларни бекор қилиш ҳақидаги қарорнинг кўчирма нусхалари улар чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида ўзига нисбатан мазкур қарорлар чиқарилган шахсга (унинг вакилига) имзо қўйдириб берилади ёки олинган сана тўғрисида далолат берувчи бошқа усулда топширилади. Қарорнинг кўчирма нусхаси почта орқали буюртма хат билан юборилганда ушбу нусха буюртма хат юборилган санадан эътиборан беш кун ўтгач олинган деб ҳисобланади.

162-модда. Солиқ органлари қарорларини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қайси қоидабузарликлар учун жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлса, солиқ органи томонидан аниқланган шундай қоидабузарликлар юзасидан солиқ органининг сайёр солиқ текширувини ёки солиқ аудитини ўтказган ваколатли мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Ушбу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда уларни содир этганликда айбдор бўлган жисмоний шахсларга ва юридик шахсларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллаш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Агар солиқ органи жисмоний шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин материалларни прокуратура органларига юборган бўлса, ушбу солиқ органи шу жисмоний шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини тўхтатиб туриши шарт.

Материалларни прокуратура органларига юбориш билан бир вақтнинг ўзида ушбу жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги қарорнинг ижроси тўхтатиб турилади. Бундай тўхтатиб туриш солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) қарори билан материаллар прокуратура органларига юборилган кундан кейинги кундан кечиктирмай амалга оширилади. Бунда ушбу Кодексда назарда тутилган солиқ қарзини ундириш муддатларининг ўтиши ушбу солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш даврига тўхтатиб турилади.

Агар прокуратура органларига юборилган материаллар бўйича жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор чиқариладиган бўлса, солиқ органининг тўхтатиб турилган қарорларининг амал қилиши қайта тикланади. Қарорнинг амал қилишини қайта тиклаш солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) қарори билан прокуратура органларидан ушбу фактлар тўғрисида билдиришнома олинган кундан кейинги кундан кечиктирмай амалга оширилади. Агар тегишли жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқариладиган бўлса, худди шундай қоида қўлланилади.

Агар жисмоний шахснинг уни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу жисмоний шахсга нисбатан айблов ҳукмини чиқариш учун асос бўлган бўлса, солиқ органи қабул қилинган қарорни ушбу жисмоний шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш қисми бўйича бекор қилади.

Солиқ органларидан материаллар олган прокуратура органлари солиқ органларига тегишли қарор қабул қилинган кундан кейинги кундан кечиктирмай уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги билдиришномаларни юбориши шарт.

Ушбу моддада кўрсатилган солиқ органи қарорларининг қўчирма нусхалари тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида солиқ органи томонидан ўзига нисбатан тегишли қарор чиқарилган шахсга (унинг вакилига) топширилади (юборилади).

Ушбу модданинг қоидалари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва (ёки) солиқ агентлари бўлган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

163-модда. Шикоят қилинганда солиқ органлари қарорларини ижро этиш

Солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилинган солиқ органининг қарори устидан шикоят қилинганда, бундай қарор юқори турувчи солиқ органи томонидан бекор қилинмаган ва устидан шикоят қилинмаган қисми бўйича шикоят юзасидан юқори турувчи солиқ органи томонидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Агар шикоятни кўриб чиқадиган юқори турувчи солиқ органи қуйи солиқ органининг қарорини бекор қилса ва янги қарор қабул қилса, юқори турувчи солиқ органининг бундай қарори у қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Агар юқори турувчи солиқ органи шикоятни кўриб чиқмасдан қолдирса, қуйи солиқ органининг қарори юқори турувчи солиқ органи томонидан ушбу шикоятни кўриб чиқмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан, лекин мазкур шикоятни бериш муддати тугамасдан кучга киради.

164-модда. Солиқ органларининг қарорларини ижро этиш

Солиқ текшируви натижалари бўйича қарор у кучга кирган кундан эътиборан ижро этилиши лозим.

Тегишли қарорни ижрога қаратиш ушбу қарорни қабул қилган солиқ органининг зиммасига юклатилади.

Шикоят юқори турувчи солиқ органи томонидан кўриб чиқилган тақдирда, ушбу юқори турувчи солиқ органининг кучга кирган қарори юқори турувчи солиқ органининг қарори кучга кирган кундан эътиборан уч кун ичида дастлабки қарор қабул қилган солиқ органига юборилади.

165-модда. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ушбу Кодекс 157-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган бузилишлари тўғрисида далолат берувчи фактлар аниқланган тақдирда, солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик фактини аниқлаган мансабдор шахси ушбу мансабдор шахс ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланиши лозим бўлган далолатномани тузади.

Далолатнома белгиланган шаклда солиққа оид ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан ўн кун давомида тузилади.

Далолатномада солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг ҳужжатлар билан тасдиқланган фактлари, шунингдек ушбу фактларни аниқлаган мансабдор шахсининг аниқланган

қоидабузарликни бартараф этишга доир хулоса ва таклифлари кўрсатилиши керак.

Далолатноманинг шаклини ва уни тузишга доир талабларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси белгилайди.

Далолатнома солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга имзо кўйдириб берилади ёки у олинган сана тўғрисида далолат берувчи бошқа усулда топширилади. Агар мазкур шахс далолатномани олишдан бош тортса, солиқ органининг мансабдор шахси далолатномага тегишли белги қўяди. Бундай ҳолда далолатнома ушбу шахсга почта орқали буюртма хат билан юборилади. Мазкур далолатнома буюртма хат билан юборилган санадан бошлаб ҳисоблаганда бешинчи кун у топширилган сана деб ҳисобланади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахс далолатномада баён этилган ҳолатларга ва (ёки) солиққа оид ҳуқуқбузарликни аниқлаган мансабдор шахснинг хулосалари ҳамда таклифларига рози бўлмаган тақдирда, далолатнома олинган кундан эътиборан ўн кун ичида далолатнома бўйича умуман ёки унинг айрим қоидалари юзасидан ёзма эътирозларини тегишли солиқ органига тақдим этишга ҳақлидир. Бунда мазкур шахс эътирозларининг асосланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини) ёзма эътирозларига илова қилишга ёки келишилган муддатда солиқ органига топширишга ҳақли.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари фактлари қайд этилган далолатномани, шунингдек солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқади.

Далолатнома жавобгарликка тортилаётган шахс ёки унинг вакили иштирокида кўриб чиқилади.

Солиқ органи текширув далолатномаси кўриб чиқиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида солиқ тўловчини кўриб чиқиш бошланадиган кунга қадар камида икки иш куни олдин хабардор қилади.

Агар солиқ тўловчи солиқ органини узрли сабабларга кўра далолатноманинг кўриб чиқилишига келолмаслиги тўғрисида хабардор қилган бўлса, солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) далолатноманинг кўриб чиқилишини кўпи билан уч кун муддатга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиб, солиқ тўловчи бу ҳақда хабардор қилинади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилаётган, тегишли тарзда хабардор қилинган шахснинг ёки унинг вакилининг келмаганлиги солиқ органи раҳбарини (раҳбар ўринбосарини) далолатномани ушбу шахснинг йўқлигида кўриб чиқиш имконидан маҳрум этмайди.

Далолатномани кўриб чиқиш чоғида тузилган далолатнома, солиқ назорати тадбирларининг бошқа материаллари, шунингдек солиққа оид

ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёзма эътирозлари ўқиб эшиттирилиши мумкин. Ёзма эътирозларнинг мавжуд эмаслиги ушбу шахсни далолатномани кўриб чиқиш босқичида ўз тушунтиришларини бериш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Далолатнома кўриб чиқиладиганда жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари эшитилади, бошқа далиллар ўрганиб чиқилади.

Ушбу Кодекс талабларини бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Жавобгарликка тортилаётган шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (ахборот), ҳатто улар солиқ органига ушбу Кодексда белгиланган муддатларни бузган ҳолда тақдим этилган бўлса ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Далолатномани кўриб чиқиш чоғида баённома юритилади.

Далолатномани ва солиқ назорати тадбирларининг бошқа материалларини кўриб чиқиш жараёнида, зарур бўлган тақдирда, ушбу кўриб чиқишда иштирок этиш учун гувоҳни, экспертни, мутахассисни жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Далолатномани ва бошқа материалларни кўриб чиқиш давомида солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари):

1) ўзига нисбатан далолатнома тузилган шахс солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини содир этган-этмаганлигини;

2) аниқланган қоидабузарликлар ушбу Кодексдаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар таркибини ташкил этиш-этмаслигини;

3) ўзига нисбатан далолатнома тузилган шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд-мавжуд эмаслигини белгилайди.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд бўлган тақдирда солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини истисно этувчи ҳолатларни ёхуд солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни юмшатувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлайди.

166-модда. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материаллар бўйича қарор қабул қилиш

Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) далолатномани ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ва материалларни ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқиш натижаларига кўра қуйидагиларни назарда тутувчи қарорни қабул қилади:

1) солиқлар ва пеняларни қўшиб ҳисоблашни ёки буни рад этишни;

2) солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортишни ёки буни рад этишни.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган қарор далолатнома кўриб чиқилганидан кейин беш кун ичида қабул қилинади.

Шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорда содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари баён этилади, мазкур ҳолатларни, жавобгарликка тортилаётган шахс томонидан ўз ҳимояси учун келтирилаётган важларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар ҳамда ушбу важларни текшириш натижалари кўрсатилади. Шунингдек қарорда ушбу Кодекснинг шу қоидабузарликларни назарда тутувчи моддалари ва қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кўрсатилади.

Шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорда ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс шу қарор устидан қайси муддат ичида шикоят қилишга ҳақли бўлса, ўша муддат ва қарор устидан юқори турувчи солиқ органига шикоят қилиш тартиби кўрсатилади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қайси аниқланган бузилишлари учун шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлса, ўша қоидабузарликлар бўйича солиқ органининг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади. Ушбу ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва уларни содир этганликда айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жазони қўллаш солиқ органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

167-модда. Молиявий санкцияни ундириш тўғрисидаги ариза

Якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор чиқарилганидан кейин тегишли солиқ органи мазкур шахсга нисбатан ушбу Кодексда белгиланган молиявий санкция қўллаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилади. Молиявий санкцияларни ундиришнинг суддан ташқари тартибига йўл қўйилмайдиган ҳолларда молиявий санкция қўллашнинг худди шундай тартибидан фойдаланилади.

Судга мурожаат қилингунга қадар солиқ органи солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилаётган шахсга молиявий санкциянинг тегишли суммасини ўз ихтиёри билан тўлашни ёзма шаклда таклиф қилиши шарт.

Зарур бўлган ҳолларда, солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилаётган шахсдан молиявий санкция ундириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда солиқ органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабномани таъминлаш ҳақидаги илтимосномани судга юбориши мумкин.

168-модда. Молиявий санкцияларни ундириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва қарорларни ижро этиш

Солиқ органларининг юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилишини назарда

тутувчи қарорлари бўйича молиявий санкциялар суммаларини ундириш солиқ органлари томонидан ушбу Кодекснинг 120 – 124-моддаларида назарда тутилган тартибда мустақил тарзда амалга оширилади.

Солиқ органларининг аризасига кўра яқка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкциялар ундириш тўғрисидаги ишлар суд томонидан кўриб чиқилади. Судларнинг молиявий санкцияларни ундириш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарорларини ижро этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19-боб. Солиқ мониторинги

169-модда. Солиқ мониторинги тўғрисидаги умумий қоидалар

Қуйидагилар солиқ мониторингининг предметидир: солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, ўзига нисбатан солиқ мониторинги ўтказилаётган юридик шахс томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблашнинг тўғрилиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказиб берилганлиги).

Солиқ мониторинги ушбу Кодексга мувофиқ юридик шахс қайси солиқлар ва йиғимларга нисбатан солиқ тўловчи ёки солиқ агенти бўлса, барча шундай солиқлар ва йиғимларни қамраб олади.

Солиқ тўловчилар учун солиқ мониторинги ихтиёрийдир.

Солиқ мониторинги солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги қарор асосида солиқ органи томонидан амалга оширилади.

Юридик шахс, агар унинг олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида ўн миллиард сўмни ташкил этган бўлса, солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги ариза билан солиқ органига мурожаат қилишга ҳақли.

Юридик шахс солиқ органига солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этган йилдан кейинги календарь йил солиқ мониторинги ўтказиладиган даврдир.

Солиқ мониторингини ўтказиш солиқ мониторинги ўтказиладиган йилнинг 1 январидан бошланади ва солиқ мониторинги ўтказилган даврдан кейинги йилнинг 1 июлида тугалланади.

170-модда. Ахборотга доир ҳамкорлик регламенти

Солиқ мониторингида иштирок этувчи юридик шахс ва солиқ органи ўртасидаги ахборотга доир ҳамкорлик регламент асосида амалга оширилади.

Ахборотга доир ҳамкорлик регламентида солиқлар ҳамда йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш (ушлаб қолиш ва ўтказиб бериш) учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатларни (ахборотни) солиқ органига электрон шаклда тақдим этиш тартиби ва (ёки) кўрсатилган ҳужжатлар (ахборот)

мавжуд бўлган юридик шахснинг ахборот тизимларига кириш тартиби акс эттирилади.

Юридик шахс ахборотга доир ҳамкорлик тартибини мустақил равишда танлашга ҳақли.

Юридик шахс ахборотга доир ҳамкорлик регламентида:

1) бухгалтерия (солиқ) ҳисоби регистрларида даромад ва харажатлар, солиқ солиш объектларини акс эттириш тартибини;

2) солиқ ҳисобининг таҳлилий регистрлари тўғрисидаги маълумотларни;

3) солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги (ушлаб қолинганлиги), тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказиб берилганлиги) устидан ички назорат тизими тўғрисидаги ахборотни кўрсатади.

Ички назорат тизими тўғрисидаги ахборот бундай тизим мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади.

Ахборотга доир ҳамкорлик регламентининг шаклини ва унга доир талабларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлайди.

171-модда. Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги қарор

Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги ариза солиқ мониторинги ўтказиладиган даврдан олдинги йилнинг 1 июлидан кечиктирмай ҳисобга олиш жойидаги солиқ органига юридик шахс томонидан тақдим этилади.

Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги аризанинг шаклини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлайди.

Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бирга қуйидагилар тақдим этилади:

1) белгиланган шакл бўйича ахборотга доир ҳамкорлик регламенти;

2) солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этган юридик шахсда бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этадиган ҳамда бундай иштирок улуши 25 фоизни ташкил этадиган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги ахборот;

3) солиқ солиш мақсади учун амалдаги ҳисоб сиёсати.

Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этган юридик шахс солиқ органи томонидан солиқ мониторингини ўтказиш ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар чақириб олиш ҳақидаги ёзма ариза асосида уни чақириб олиши мумкин.

Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги ариза чақириб олинган тақдирда берилган деб ҳисобланмайди.

Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги аризани ва ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ юридик шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларни (ахборотни) кўриб чиқиш натижалари бўйича солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) ариза берилган йилнинг 1 ноябрига қадар қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги қарорни;
- 2) солиқ мониторингини ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарорни.

Солиқ мониторингини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор асослангандир.

Солиқ мониторингини ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун қуйидагилар асосдир:

- 1) ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этмаслик ёки тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик;
- 2) ушбу Кодекснинг 169-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган шартларга риоя этмаслик;
- 3) ахборотга доир ҳамкорлик регламентининг белгиланган шакл ва талабларга номувофиқлиги.

Солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги қарор (солиқ мониторингини ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарор) қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида аризага юборилади.

172-модда. Солиқ мониторингини муддатидан олдин тугатиш

Солиқ мониторинги қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тугатилади:

- 1) ахборотга доир ҳамкорлик регламенти юридик шахс томонидан ижро этилмаганда, агар бундай ижро этмаслик солиқ мониторингини ўтказиш учун тўсик бўлган бўлса;
- 2) солиқ органи томонидан солиқ мониторингини ўтказиш чоғида юридик шахс томонидан ишончли бўлмаган ахборот тақдим этилганлиги факти аниқланганда;
- 3) солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида ушбу Кодекснинг 173-моддасида назарда тутилган тартибда ҳужжатлар (ахборот), тушунтиришлар солиқ органига мунтазам равишда (икки марта ва ундан ортиқ) тақдим этилмаганда.

Солиқ органи ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган кундан эътиборан ўн кун ичида, лекин солиқ мониторинги ўтказилаётган даврдан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай юридик шахсни солиқ мониторингини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

173-модда. Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби

Солиқ мониторинги солиқ органининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат мажбуриятларига мувофиқ солиқ органи жойлашган ер бўйича ўтказилади.

Агар солиқ мониторингини ўтказиш чоғида тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ўртасида зиддиятлар ёки юридик шахс томонидан тақдим этилган ҳамда солиқ органида мавжуд бўлган

маълумотлар ўртасида номувофиқликлар аниқланса, солиқ органи бу ҳақда зарур тушунтиришлар бериш ёки тегишли тузатишлар киритиш талаби билан юридик шахсга хабар қилади. Бундай тушунтиришлар юридик шахс томонидан талабнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилади, тузатишлар эса ўн кун давомида киритилади.

Агар тақдим этилган тушунтиришлар кўриб чиқилганидан кейин ёки улар мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ органи солиқлар ёки йиғимлар нотўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги (ушлаб қолинганлиги), тўлик ёки ўз вақтида тўланмаганлиги (ўтказилмаганлиги) тўғрисида далолат берувчи фактни аниқласа, солиқ органи ушбу Кодекснинг 174-моддасида назарда тутилган тартибда асослантирилган фикрини тузиши шарт.

Солиқ мониторинги ўтказилаётганда солиқ органи солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги (ушлаб қолинганлиги), тўлик ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказилганлиги) билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатларни (ахборотни), тушунтиришларни юридик шахсдан талаб қилиб олишга ҳақлидир.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар (ахборот) ва тушунтиришлар солиқ органига шахсан ёки вакил орқали тақдим этилиши, почта орқали буюртма хат билан юборилиши, телекоммуникация алоқа каналлари орқали, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда топширилиши ёки ахборотга доир ҳамкорлик регламентида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Ҳужжатларни қоғоз шаклида тақдим этиш юридик шахс томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалар шаклида амалга оширилади. Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ органига (мансабдор шахсга) тақдим этиладиган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини нотариал тарзда тасдиқлашни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Солиқ органининг талабига кўра телекоммуникация алоқа каналлари орқали электрон шаклда ҳужжатлар тақдим этиш тўғрисидаги талабномани юбориш ва ҳужжатларни тақдим этиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилайди.

Солиқ мониторингини ўтказишда ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ талаб қилинган ҳужжатлар (ахборот) ва тушунтиришлар юридик шахс томонидан тегишли талабнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилади.

Агар талабномани белгиланган муддатда ижро этиш имкони бўлмаса, юридик шахс талабнома олинган кундан кейинги кун давомида солиқ органининг солиқ мониторингини ўтказувчи мансабдор шахсларини уни ижро этиш имкони йўқлиги тўғрисида сабабларини ҳамда у талаб этилаётган ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни қайси муддатлар ичида тақдим этиши мумкин бўлса, ўша муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади. Солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) мазкур билдиришнома асосида у олинган кундан эътиборан икки кун ичида ҳужжатларни (ахборотни) ва тушунтиришларни тақдим

этиш муддатларини узайтиришга ёки муддатларни узайтиришни рад этишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда алоҳида қарор чиқарилади.

Солиқ мониторингини ўтказиш давомида солиқ органи юридик шахс томонидан илгари солиқ органига тасдиқланган кўчирма нусхалар кўринишида тақдим этилган ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас.

174-модда. Солиқ органининг асослантилган фикри

Солиқ органининг асослантилган фикри солиқ органининг солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги (ушлаб қолинганлиги), тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказилганлиги) масалаларига доир нуқтаи назарини ифодалайди.

Солиқ органи солиқ мониторингини ўтказиш чоғида ўз ташаббусига кўра ёки юридик шахснинг сўровига биноан асослантилган фикр тузади.

Асослантилган фикр солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) имзоси билан юридик шахсга юборилади.

Солиқ органининг асослантилган фикрининг шаклини ва уни тузишга доир талабларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилайди.

Агар солиқ мониторинги ўтказилаётганда юридик шахс томонидан солиқлар ва йиғимлар нотўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги (ушлаб қолинганлиги), тўлиқ ёки ўз вақтида тўланмаганлиги (ўтказилмаганлиги) тўғрисида далолат берувчи факт аниқланган бўлса, солиқ органининг асослантилган фикри тузилади.

Солиқ органининг асослантилган фикри тузилган кундан эътиборан беш кун ичида юридик шахсга юборилади.

Солиқ органининг асослантилган фикри солиқ мониторингини ўтказиш муддати тугагунига қадар камида уч ой олдин тузилиши мумкин.

Асослантилган фикр тақдим этиш тўғрисидаги сўров юридик шахс томонидан хўжалик фаолиятининг содир этилган фактлари натижаларига кўра солиқ мониторинги ўтказиладиган давр учун солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқарилганлигига (ушлаб қолинганлигига), тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлигига (ўтказилганлигига) нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда ёки ушбу масалалар юзасидан ноаниқликлар бўлган тақдирда солиқ органига юборилади.

Асослантилган фикр тақдим этиш тўғрисидаги сўровда юридик шахснинг мазкур масалаларга доир нуқтаи назари баён этилади.

Асослантилган фикр тақдим этиш тўғрисидаги сўров солиқ мониторинги даврдан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай юборилиши мумкин.

Юридик шахснинг сўрови бўйича солиқ органининг асослантилган фикри ушбу юридик шахсга мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида юборилиши керак. Бу муддат солиқ органи томонидан ушбу юридик шахсдан ёки бошқа шахслардан асослантилган фикрни тайёрлаш

учун зарур бўлган ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш учун бир ойга узайтирилиши мумкин.

Солиқ органи асослантилган фикрни юбориш муддатини узайтириш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида юридик шахсга ёзма шаклда хабар қилади.

Юридик шахс солиқ органининг асослантилган фикрига розилиги тўғрисида шу асослантилган фикрни тузган солиқ органини мазкур асослантилган фикр бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (улар мавжуд бўлган тақдирда) илова қилган ҳолда асослантилган фикр олинган кундан эътиборан бир ой ичида хабардор қилади.

Юридик шахс асослантилган фикрни солиқ органининг бухгалтерия (солиқ) ҳисобидаги ва солиқ ҳисоботидаги асослантилган фикрда баён этилган нуқтаи назарини эътиборга олиш орқали, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини бериш орқали ёки бошқа усулда бажаради.

Юридик шахс солиқ органининг асослантилган фикрига рози бўлмаган тақдирда, у олинган кундан эътиборан бир ой ичида солиқ органига ўз эътирозларини тақдим этади. Мазкур эътирозларни олган солиқ органи улар олинган кундан эътиборан уч кун ичида бу эътирозларни ўзида мавжуд бўлган барча материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ўзаро келишув тартиб-таомили ташаббуси билан чиқиш учун юбориши шарт.

Солиқ органи солиқ мониторинги тугаган санадан эътиборан икки ойдан кечиктирмай юридик шахсни солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида ушбу юридик шахсга юборилган, бажарилмаган асослантилган фикрлар мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хабардор қилади.

175-модда. Ўзаро келишув тартиб-таомили

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Кодекснинг 174-моддаси ўн бешинчи қисмига мувофиқ солиқ органи томонидан тақдим этилган эътирозлар ва материаллар олинганидан кейин ўзаро келишув тартиб-таомилини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

Ўзаро келишув тартиб-таомили асослантилган фикрни тузган солиқ органи ва эътирозларни тақдим этган юридик шахс (унинг вакили) иштирокида, солиқ органи томонидан тақдим этилган эътирозлар ва бошқа материаллар олинган кундан эътиборан бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбари (раҳбарининг ўринбосари) томонидан ўтказилади.

Ўзаро келишув тартиб-таомили натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси асослантилган фикр ўзгартирилганлиги ёки ўзгаришсиз қолдирилганлиги тўғрисида юридик шахсни хабардор қилади.

Асослантирилган фикрни ўзгартириш ёки ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги билдиришномани Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбари (раҳбарининг ўринбосари) имзолайди.

Билдиришнома у тузилган кундан эътиборан уч кун ичида юридик шахсга берилади ёки юборилади.

Асослантирилган фикрни ўзгартириш ёки уни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги билдиришнома олинган кундан эътиборан бир ой ичида юридик шахс асослантирилган фикрни тузган солиқ органини асослантирилган фикрга рози эканлиги (рози эмаслиги) ҳақида мазкур асослантирилган фикр бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (улар мавжуд бўлган тақдирда) илова қилган ҳолда хабардор қилади.

VI БЎЛИМ. ТРАНСФЕРТ НАРХНИ БЕЛГИЛАШДА СОЛИҚ НАЗОРАТИ

20-боб. Трансферт нархни белгилашда нархлар ва солиқ солиш тўғрисидаги умумий қоидалар

176-модда. Трансферт нархни белгилаш тўғрисидаги умумий қоидалар

Ўзаро алоқадор тарафлар ўртасидаги битимларда шаклландиган ва (ёки) мустақил шахслар ўртасида битимлар тузилаётганда таққосланадиган иқтисодий шароитларда қўлланилиши мумкин бўлган ҳолис тарзда шаклландиган нархдан фарқ қиладиган нарх ушбу Кодекс мақсадида трансферт нарх деб тушунилади.

Ўзаро алоқадор тарафлар фаолиятининг мустақил шахслар томонидан таққосланадиган иқтисодий шароитларда олиниши мумкин бўлган шароитлар ва натижалардан фарқ қиладиган тижоратга оид ва (ёки) молиявий шароитлар ва (ёки) натижалар ушбу Кодекснинг мақсадида трансферт нархни белгилаш деб тушунилади.

Битимнинг тарафларидан бири томонидан олиниши мумкин бўлган, лекин трансферт нархни белгилаш натижасида тараф олмаган ҳар қандай даромадлар солиқ солиш мақсадида ушбу бўлимда белгиланган ҳолларда ва тартибда битимнинг шу тарафида ҳисобга олинади.

Ушбу бўлимда белгиланган ҳолларда ва тартибда ташқи савдо фаолияти иштирокчиларининг даромадлари солиқ солиш мақсадида битим нархининг битим предмети бўлган товарларга (хизматларга) доир бозор нархидан фарқ қилишига сабаб бўлган тўлиқ олинмаган даромадлар суммасига кўпайтирилиши мумкин. Бунда шундай битимлар иштирокчилари ўзаро алоқадор ёки мустақил шахслар эканлиги эътиборга олинмайди. Худди шундай қоидалар ушбу бўлимда белгиланган ҳолларда

ва тартибда иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари бўлган битимларда қўлланилиши мумкин.

Солиқ солиш мақсадида даромадларни ҳисобга олиш бюджет тизимига тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг камайишига ёки ушбу Кодекснинг Махсус қисмига мувофиқ аниқланадиган зарар суммасининг кўпайишига олиб келмаган тақдирда, бундай ҳисобга олиш ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган даромадларни аниқлаш ушбу бўлимда белгиланган усулларни қўллаган ҳолда трансферт нархни белгилаш чоғида солиқ назорати доирасида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади. Мазкур қоида солиқ тўловчининг битимнинг ҳақиқий нархи ўрнига солиқ суммасини ҳисоблаб чиқариш чоғида битимнинг бозор нархини солиқ солиш мақсадида мустақил равишда қўллаш ҳуқуқини, агар бу нарх ҳақиқий нархдан фарқ қилса ва ушбу модданинг бешинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, чекламайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси трансферт нархни белгилашда солиқ назорати доирасида, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда қуйидаги солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текширади:

- 1) фойда солиғини;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини;
- 3) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни;
- 4) қўшилган қиймат солиғини;
- 5) акциз солиғини.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа оид қисми бўйича трансферт нархни белгилаш чоғидаги солиқ назорати, агар битимнинг тарафларидан бири мазкур солиқни солиқ тўловчиси бўлса ҳамда қазиб олиниши чоғида солиқ солиш адвалор солиқ ставкаси бўйича амалга ошириладиган фойдали қазилма битимнинг предмети бўлса, амалга оширилади.

Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғига оид қисми бўйича трансферт нархни белгилаш чоғидаги солиқ назорати, агар битимнинг тарафларидан бири тегишли солиқ тўловчиси бўлмаган юридик шахс ёки яққа тартибдаги тадбиркор бўлса, амалга оширилади.

Трансферт нархни белгилаш чоғидаги солиқ назорати махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг бундай иштирокчи бўлмаган шахслар билан тузилган битимларига нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати натижасида ушбу модданинг еттинчи – ўнинчи қисмларида кўрсатилган солиқ суммалари камайтирилганлиги ёки зарарнинг суммаси кўпайтирилганлиги аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тегишли солиқ базасига ва (ёки) солиқ суммасига тузатишлар киритишни амалга оширади.

177-модда. Солиқ тўловчи томонидан солиқ базасига мустақил равишда тузатиш киритиш

Агар трансферт нархнинг белгиланиши ушбу Кодекснинг 176-моддаси еттинчи қисмида кўрсатилган бир ёки бир нечта солиқнинг (бўнак ва жорий тўловининг) суммалари камайтирилишига ёки зарар суммасининг кўпайтирилишига олиб келган бўлса, солиқ тўловчи солиқ базасига ва (ёки) тегишли солиқларнинг (зарарнинг) суммасига мустақил равишда тузатишлар киритишни амалга оширишга ҳақли. Бундай тузатиш киритиш суммаларига тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқлар бўйича солиқ даврини (солиқ даврларини) ўз ичига олувчи календарь йил ўтгач амалга оширилади.

Солиқ тўловчи қайси битимга нисбатан солиқ базасига ва (ёки) солиқ суммасига мустақил равишда тузатиш киритган бўлса, ўша битимни идентификация қилиш имконини берадиган маълумотлар тегишли аниқлаштирилган солиқ ҳисоботига илова қилинадиган тушунтиришларда кўрсатилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатишлар киритиш:

1) юридик шахслар томонидан – фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун белгиланган муддатларда;

2) жисмоний шахслар томонидан – жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида декларацияни топшириш муддатларида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ амалга оширилган тузатиш киритиш натижаларига кўра солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда аниқланган тўланмаган солиқлар суммаси тегишли солиқ даври учун фойда солиғини (жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини) тўлаш санасидан кечиктирилмаган муддатда тўланиши керак. Бунда тақдим этилган аниқлаштирилган ҳисобот бўйича солиқ мажбурияти юзага келган санадан то мазкур моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган муддат тугагунига қадар бўлган давр учун тўланмаган солиқлар суммасига пенялар ҳисобланмайди.

Календарь йил ичида тугайдиган солиқ даврларининг (ҳисобот даврларининг) якунлари бўйича солиқларни (бўнак ва жорий тўловларни) ҳисоблаб чиқаришда солиқ тўловчи битимларнинг ҳақиқий нархларидан фойдаланишга ҳақли.

178-модда. Бозор нархлари тўғрисидаги умумий қоидалар

Ушбу Кодекс мақсадида, агар ушбу бўлимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, битимларнинг нархлари, ушбу битимлар тарафларининг даромадлари ва харажатлари қуйидаги ҳолларда бозор нархлари деб эътироф этилади:

1) мустақил шахслар ўртасидаги битимлар;

2) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилган биржа савдоларининг натижаларига кўра тузилган битимлар;

3) монополияга қарши органнинг кўрсатмаларига мувофиқ (тартибга солинадиган нархлар қўлланиладиган битимлар учун ушбу Кодекснинг 179-моддасида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда) нархлари белгиланган битимлар;

4) нархлари ушбу Кодекснинг 25-бобида назарда тутилган нархни белгилаш тўғрисидаги келишувига мувофиқ белгиланган битимлар.

Назорат қилинадиган битимларда битимнинг нархи, агар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан бунинг акси исботланмаган бўлса ёки солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 177-моддасига мувофиқ солиқ (зарар) суммаларига мустақил тузатиш киритишни амалга оширмаган бўлса, бозор нархи деб топилади.

Агар ушбу Кодекснинг Махсус қисмида солиқ солиш мақсадида айрим солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш масалалари бўйича товарнинг (хизматнинг) нарhini ёки битим тарафларининг даромадларини (харажатларини) аниқлашнинг бошқача қоидалари белгиланган бўлса, ушбу Кодекснинг Махсус қисми қоидалари қўлланилади.

179-модда. Нархларни тартибга солишда бозор нархи деб топишнинг ўзига хос хусусиятлари

Агар айрим турдаги битимларга нисбатан нархни белгилаш, энг кўп ва (ёки) энг кам чегаравий нархларни белгилаш воситасида нархларни тартибга солиш назарда тутилган бўлса, кўрсатилган турдаги битимлардаги нархлар ушбу модданинг тўртинчи – еттинчи қисмларида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ солиш мақсадида бозор нархлари деб топилади.

Агар айрим турдаги битимларга нисбатан нархга доир энг кўп ва (ёки) энг кам устамалар ёки нархлардан чегирмалар белгилаш воситасида ёхуд рентабелликка ёки фойдага доир чекловлар воситасида нархларни тартибга солиш назарда тутилган бўлса, кўрсатилган турдаги битимлардаги нархлар солиқ солиш мақсадида ушбу модданинг саккизинчи қисмида белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда бозор нархлари деб топилади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ўзига хос хусусиятлар, агар нархларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилса, ҳисобга олинади.

Белгиланган нархларга мувофиқ бўлган нархлар ва нархнинг келишилган формуласига мувофиқ бўлган нархлар бозор нархлари деб топилади.

Энг кам чегаравий нархни белгилашда бундай нарх, агар бозор нархлари оралигининг ушбу Кодекснинг 23-бобига мувофиқ мазкур энг кам чегаравий нарх ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланган энг кам кўрсаткичи ушбу энг кам чегаравий нархдан кўп бўлса, бозор нархни аниқлашда ҳисобга олинмайди. Акс ҳолда, энг кам кўрсаткичи ушбу энг кам чегаравий нархга тенг бўлган оралик бозор нархларининг оралиғи деб эътироф этилади, энг кўп кўрсаткич эса унинг ушбу Кодекснинг 23-бобига мувофиқ белгиланган энг кўп кўрсаткичига тенг равишда қабул қилинади.

Энг кўп чегаравий нархни белгилаш чоғида бундай нарх бозор нархни аниқлашда, агар ушбу энг кўп чегаравий нарх бозор нархлари оралигининг ушбу Кодекснинг 23-бобига мувофиқ мазкур энг кўп чегаравий нарх ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланган энг кўп кўрсаткичидан кўп бўлса, бозор нархни аниқлашда ҳисобга олинмайди. Акс ҳолда, энг кўп кўрсаткичи ушбу энг кўп чегаравий нархга тенг бўлган оралик бозор нархларининг оралиғи деб эътироф этилади, энг кам кўрсаткич эса унинг ушбу Кодекснинг 23-бобига мувофиқ белгиланган энг кам кўрсаткичига тенг равишда қабул қилинади.

Бир вақтнинг ўзида энг кам ва энг кўп чегаравий нархлар белгиланганда улар бозор нархларини аниқлашда, агар бозор нархлари оралигининг ушбу Кодекснинг 24-бобига мувофиқ аниқланган энг кам кўрсаткичи энг кам чегаравий нархдан кўп бўлса, энг кўп чегаравий нарх эса бозор нархларининг ушбу оралигининг энг кўп кўрсаткичидан кўп бўлса, бозор нархни аниқлашда ҳисобга олинмайди. Акс ҳолда, бозор нархлари оралигининг тегишинча энг кам ва (ёки) энг кўп кўрсаткичига ушбу модданинг бешинчи – олтинчи қисмларига мувофиқ тузатишлар киритилади.

Агар битим учун нархга доир энг кам ва (ёки) энг кўп устамалар белгиланган бўлса ёхуд рентабеллик ёки фойда миқдорлари учун бошқа чекловлар белгиланган бўлса, ушбу Кодекснинг 23-бобига мувофиқ аниқланган бозор нархлари оралиқларига (рентабеллик оралиқларига) ушбу модданинг бешинчи – еттинчи қисмларида назарда тутилган ҳудди шундай тартибда тузатишлар киритилиши лозим.

21-боб. Назорат қилинадиган битимлар

180-модда. Ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги назорат қилинадиган битимлар

Ушбу Кодекс мақсадида, ушбу моддада назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги битимлар назорат қилинадиган битимлар деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлган ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги битим қуйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлганда назорат қилинадиган битим деб эътироф этилади:

1) мазкур шахслар ўртасидаги битимлар бўйича тегишли календарь йилдаги даромадлар суммаси (битимлар нархларининг суммаси) беш миллиард сўмдан ошса;

2) битимнинг ҳеч бўлмаганда битта тарафи махсус солиқ режимини қўлласа ёки махсус иқтисодий зона иштирокчиси бўлса, бунда бу битимнинг бошқа тарафлари орасида махсус солиқ режимларини қўлламайдиган шахс бўлса;

3) битимнинг ҳеч бўлмаганда битта тарафи фойда солиғини тўлашдан озод этилган бўлса, пасайтирилган солиқ ставкасини ёки бошқа солиқ имтиёзларини қўлласа, бунда бу битимнинг бошқа тарафлари орасида бундай солиқни тўлашдан озод этилмаган ва имтиёзларни қўлламайдиган шахс бўлса;

4) битимнинг тарафларидан бири томонидан казиб олинган фойдали қазилма битим предмети бўлса, агар ушбу фойдали қазилмага нисбатан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг адвалор солиқ ставкаси назарда тутилган бўлса.

Ушбу модданинг иккинчи қисми 2 – 4-бандларида назарда тутилган битимлар, агар мазкур шахслар ўртасидаги битимлар бўйича даромадларнинг тегишли календарь йилдаги суммаси беш юз миллион сўмдан ортиқ бўлса.

Товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир, ушбу товарларнинг (хизматларнинг) биринчи сотувчиси ва охириги харидори билан ўзаро алоқадор бўлмаган шахслар иштирокида (воситачилигида) тузиладиган битимлар кетма-кетлиги ёки мажмуи, агар мазкур сотувчи ва харидор ўзаро алоқадор шахслар бўлса, ушбу Кодекс мақсадида ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги битимга тенглаштирилади. Бундай ҳолларда, ўз иштирокида (воситачилигида) битимларнинг мазкур кетма-кетлиги ёки мажмуи амалга ошириладиган учинчи шахсларнинг мавжудлиги эътиборга олинмайди.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган қоида, башарти битимларнинг мазкур кетма-кетлигида ёки мажмуида иштирок этувчи бундай учинчи шахслар:

1) битимларнинг ушбу кетма-кетлигида ёки мажмуида ҳеч қандай қўшимча вазифаларни бажармаса, бундан товарларни (хизматларни) бир шахс томонидан бошқа шахсга реализация қилишни (қайта сотишни) ташкил этиш мустасно;

2) ўз зиммасига ҳеч қандай таваккалчиликларни қабул қилмаса ва товарларни (хизматларни) бир шахс томонидан бошқа шахсга реализация қилишни (қайта сотишни) ташкил этиш учун ҳеч қандай активлардан фойдаланмаса, қўлланилади.

Ушбу модда мақсадида календарь йил учун битимлар бўйича даромадлар суммаси бир шахс (ўзаро алоқадор шахслар) билан тузилган шундай битимлар бўйича календарь йилда олинган даромадлар суммасини

фойда солиғи учун белгиланган даромадларни эътироф этиш тартибини ҳисобга олган ҳолда қўшиш йўли билан аниқланади.

Назорат қилинадиган битимлардаги даромадларни солиқ солиш мақсадида аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бундай битимларни ёки жами шундай битимларни (бундан буён ушбу бўлимда таҳлил этиладиган битим деб юритилади) тарафлари мустақил шахслар бўлган битта ёки бир нечта битим (бундан буён ушбу бўлимда таққосланадиган битимлар деб юритилади) билан таққослашни амалга оширади. Бундай таққослаш ушбу бўлимда назарда тутилган трансферт нарх белгилаш чоғида даромадларни аниқлаш услубларини танлаш ва уларни кейинчалик қўллаш мақсадида амалга оширилади.

Битимлар бўйича даромадлар суммасини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси битимлар бўйича олинган даромадлар суммасини уларнинг бозордаги даражасига мувофиқлигини ушбу Кодекснинг 22 ва 23-боблари қоидаларини инobatга олган ҳолда текширишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг аризасига қўра, суд битимни мазкур битимнинг ушбу моддада белгиланган назорат қилинадиган битим белгиларига жавоб бермаслигига сабаб бўладиган шароитлар яратиш мақсадида тузилган бир турдаги битимлар гуруҳининг қисми деб тахмин қилиниши учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда назорат қилинадиган битим деб эътироф этиши мумкин.

181-модда. Назорат қилинадиган ташқи савдо битимлари

Ушбу Кодекс мақсадида мазкур моддада назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, назорат қилинадиган битимлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) жаҳон биржа савдоси товарларининг ташқи савдоси соҳасидаги битимлар;

2) тарафларидан бирининг рўйхатдан ўтказилиш жойи, яшаш жойи ёки солиқ резидентлиги жойи офшор юрисдикция бўлган шахс ҳисобланадиган битимлар.

Агар бунда Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг фаолияти офшор юрисдикцияда доимий муассасани ташкил этса ва назорат қилинадиган битим ушбу фаолият билан боғлиқ бўлса, ушбу битим қисмида мазкур юридик шахсга рўйхатдан ўтказилиш жойи ушбу офшор юрисдикция бўлган шахс сифатида қаралади.

Ушбу Кодекс мақсадида солиқ солиш бўйича имтиёзли режимни тақдим этадиган ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда ахборотни ошкор этишни ҳамда тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ва ҳудудлар офшор юрисдикциялар деб эътироф этилади.

Офшор юрисдикцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат

божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда тасдиқланади.

Ушбу модданинг биринчи қисми 1-бандида назарда тутилган битимлар, агар бундай битимларнинг предмети куйидаги товар гуруҳларидан бирининг ёки бир нечтасининг таркибига кирувчи товарлар бўлса, назорат қилинадиган битимлар деб эътироф этилади:

- 1) рангли металлар;
- 2) қимматбаҳо металлар;
- 3) минерал ўғитлар;
- 4) углеводород хом ашёси ва нефть маҳсулотлари;
- 5) пахта толаси ва калава ип.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида санаб ўтилган товарларнинг кодларини Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг аризасига кўра суд битимни ушбу моддада белгиланган назорат қилинадиган битим белгиларига жавоб бермаслигига сабаб бўладиган шароитлар яратиш мақсадида тузилган бир турдаги битимлар гуруҳининг қисми деб тахмин қилиниши учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам назорат қилинадиган битим деб эътироф этиши мумкин.

182-модда. Назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги хабарнома

Солиқ тўловчилар солиқ органларини календарь йилда ўзлари тузган, ушбу Кодекснинг 180 ва 181-моддаларида кўрсатилган назорат қилинадиган битимлар тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги маълумотлар солиқ тўловчи томонидан ўзи ҳисобда турган жойдаги солиқ органига назорат қилинадиган битимлар тузилган календарь йилга оид йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай юбориладиган назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги хабарномаларда кўрсатилади.

Назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги маълумотларда куйидаги ахборот бўлиши керак:

- 1) тузилган назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилаётган календарь йил;
- 2) битимларнинг предмети;
- 3) битимларнинг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар:
 - а) юридик шахснинг тўлиқ номи ва унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами (агар юридик шахс Ўзбекистон Республикасининг солиқ органларида ҳисобда турса);
 - б) яқка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

в) якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва фуқаролиги;

4) нархлари тартибга солиниши лозим бўлган битимлар бўйича даромадлар (харажатлар) суммаларини ажратган ҳолда назорат қилинадиган битимлар бўйича олинган даромадларнинг суммаси ва (ёки) қилинган харажатларнинг (кўрилган зарарнинг) суммаси. Ушбу қисмда кўрсатилган маълумотлар бир турдаги битимларнинг гуруҳи бўйича тайёрланиши мумкин.

Солиқ тўловчи назорат қилинадиган битимлар тўғрисида тақдим этилган хабарномада маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, уларни тўлдиришда йўл қўйилган ноаниқликлар ёки хатолар аниқланганда аниқлаштирилган хабарномани юборишга ҳақли.

Назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги хабарнома солиқ органига белгиланган шакл бўйича қоғозда ёки электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги хабарноманинг шаклини, шунингдек уни тўлдириш ва назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги хабарномани электрон шаклда тақдим этиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлайди.

Назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги хабарномани олган солиқ органи у олинган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу хабарномани Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига электрон шаклда юборади.

Агар солиқ текширувини ёки солиқ мониторингини ўтказишда солиқ органи ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ маълумотлар тақдим этилмаган назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги фактини аниқлаган бўлса, солиқ органи аниқланган фактлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига мустақил тарзда хабар қилади ва ўзи олган бундай битимлар тўғрисидаги маълумотларни юборади.

Солиқ текширувини ёки солиқ мониторингини ўтказётган солиқ органи хабарнома юборилган санадан эътиборан ўн кундан кечиктирмай хабарнома ва тегишли маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига юборилганлиги тўғрисида солиқ тўловчига хабар қилиши шарт.

Хабарноманинг шаклини ва уни юбориш тартибини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлайди.

Солиқ текширувини ўтказётган солиқ органи томонидан назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги ўзи томонидан олинган маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига юборилиши бундай текширувни давом эттириш ва (ёки) тугатиш ҳамда текширув материалларини кўриб чиқиш натижаларига кўра қарор чиқариш учун тўсқинлик қилмайди.

22-боб. Битимларнинг таққосланадиган шартлари

183-модда. Битимларнинг тижорат ва молиявий шартларини таққослаш

Ушбу Кодекс мақсадида таққосланадиган битимлар, агар улар таҳлил этиладиган битимлар билан бир хил тижоратга оид ва (ёки) молиявий шартларда тузиладиган бўлса, таҳлил этиладиган битим билан таққосланадиган битим деб эътироф этилади.

Агар таққосланадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари таҳлил этиладиган битимнинг шартларидан фарқ қилса, бундай битимлар, агар таҳлил этиладиган ва таққосланадиган битимларнинг мазкур шартлари ўртасидаги фарқлар уларнинг натижаларига жиддий таъсир кўрсатмаса, таҳлил этиладиган битим билан таққосланадиган битимлар деб эътироф этилиши мумкин. Агар ушбу битимларнинг шартларидаги фарқларнинг бу битимлар шартларига ва (ёки) натижаларига доир тегишли тузатишларни солиқ солиш мақсадида қўллаш ёрдамида ҳисобга олиниши мумкин бўлса, бундай битимлар ҳам таҳлил этиладиган битим билан таққосланадиган битимлар деб эътироф этилиши мумкин.

Битимларнинг таққосланишини аниқлашда, шунингдек битимларнинг тижоратга оид ва (ёки) молиявий шартларини тузатишларни амалга ошириш учун таҳлил этиладиган ҳамда таққосланадиган битимларнинг мустақил шахслар ўртасидаги битимларнинг тижоратга оид ва (ёки) молиявий шартларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий тавсифларининг таҳлили ўтказилади. Бундай таҳлил ушбу Кодекснинг 184-моддасига мувофиқ ўтказилади.

184-модда. Битимларнинг шартларини таққослаш таҳлили

Битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартларини таққослашни таҳлил қилишда бу шартларнинг ушбу битимларнинг тижоратга оид ва (ёки) молиявий шартларига ёхуд уларнинг молиявий натижаларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий тавсифлари ҳисобга олинади. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- 1) товарларнинг сони, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми;
- 2) битим бўйича мажбуриятларни бажариш муддатлари;
- 3) тегишли битимларда қўлланиладиган тўловларнинг шартлари;
- 4) битимда қўлланилган чет эл валютасининг сўмга ёки бошқа валютага нисбатан курси ва унинг ўзгариши;
- 5) битим тарафлари ўртасидаги ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тақсимлашнинг бошқа шартлари.

Битимларнинг асосий тавсифлари жумласига қуйидагилар ҳам киради:

- 1) битим предмети бўлган товарларнинг (хизматларнинг) тавсифлари;

2) ишбилармонлик муомаласи анъаналарига мувофиқ битим тарафлари томонидан бажариладиган вазифаларнинг тавсифлари, шу жумладан битим тарафлари фойдаланадиган активларнинг, ўз зиммасига оладиган таваккалчиликларнинг тавсифлари, шунингдек битимлар тарафлари ўртасидаги жавобгарликнинг тақсимланиши ва бошқа шартлар (бундан буён ушбу бўлимда функционал таҳлил деб юритилади);

3) товарлар (хизматлар) нархларига таъсир кўрсатадиган битим тарафлари ўртасида тузилган шартномаларнинг (контрактларнинг) шартлари;

4) битим тарафлари фаолиятининг иқтисодий шартлари тавсифлари;

5) товарлар (хизматлар) нархларига таъсир кўрсатадиган битим тарафларининг бозор (тижоратга оид) стратегиялари тавсифлари.

Битимларнинг шартларини таққослашни таҳлил қилиш чоғида таққосланадиган ва таҳлил этиладиган битимлар тузиладиган бозорларнинг тавсифлари ҳисобга олиниши керак. Бунда қуйидаги омиллар эътиборга олинади:

1) бозорларнинг географик жойлашган ери ва уларнинг ўлчами;

2) бозорларда рақобатнинг мавжудлиги ҳамда бозордаги сотувчилар ва харидорларнинг нисбий рақобатбардошлилиги;

3) бозорда бир турдаги товарларнинг (хизматларнинг) мавжудлиги;

4) бозордаги таклиф ва талаб, истеъмолчиларнинг харид қобилияти;

5) ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиш даражаси;

6) бозорнинг битим нархига таъсир этувчи бошқа тавсифлари.

Битимларнинг тарафлари томонидан бажариладиган вазифаларни таҳлил қилишда уларнинг тасарруфидаги моддий ва номоддий активлар ҳисобга олинади.

Битимлар шартларининг таққосланишини таҳлил қилишда ҳисобга олинadиган битим тарафларининг асосий вазифалари жумласига қуйидагилар киради, хусусан:

1) товарларнинг дизайнини амалга ошириш ва уларни технологик жиҳатдан ишлаб чиқиш;

2) товарларни ишлаб чиқариш;

3) товарларни ёки уларнинг таркибий қисмларини йиғиш;

4) усқунани монтаж қилиш ва (ёки) ўрнатиш;

5) илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш;

6) товар-моддий қимматликларни сотиб олиш;

7) товарларнинг улгуржи ёки чакана савдосини амалга ошириш;

8) таъмирлаш, кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича вазифалар;

9) янги бозорларда товарларни (хизматларни) ўтказиш, маркетинг, реклама;

10) товарларни сақлаш ва ташиш;

11) сугурта қилиш;

12) молиялаштириш, молиявий операцияларни амалга ошириш;

13) сифатни назорат қилиш;

14) тезкор ва стратегик бошқарув, шу жумладан товарларнинг (хизматларнинг) нарх сиёсатини, уларни ишлаб чиқариш стратегиясини, реализация қилиш ҳажмини ва ассортиментини, уларнинг истеъмол хусусиятларини аниқлаш.

Битимларнинг шартларини таққослашни таҳлил қилишда битим тарафларидан ҳар бири томонидан ўз фаолиятини амалга оширишда зиммасига олинadиган ва битимнинг шартларига таъсир кўрсатадиган таваккалчиликлари ҳисобга олиниши мумкин. Тарафларнинг тижорат стратегиялари, шу жумладан чиқариладиган маҳсулотни янгилашга ва такомиллаштиришга, маҳсулот сотиладиган янги бозорларга чиқишга қаратилган стратегиялари ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Агар битимларнинг шартларини таққослаш таҳлил қилинаётганда кредитлар ёки заёмлар шартларини таққослаш талаб этиладиган бўлса, битимлар тарафларининг кредит тарихи ва тўлов қобилияти, бундай кредитлар ёки заёмлар берилаётган муддатлар, уларнинг валютаси ҳамда фоиз ставкаси ўлчамига таъсир кўрсатувчи бошқа шартлар ҳисобга олинади.

Ушбу моддада кўрсатилган омиллар ва тавсифлар, ушбу моддада назарда тутилган функционал таҳлил учун қайси ҳолларда ва қайси даражада зарур бўлса, ўша ҳолларда ва даражада ҳисобга олинади.

Ушбу модданинг биринчи – саккизинчи қисмларига мувофиқ таққосланadиган битимлар шартларини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таққосланadиган битимларнинг шартлари таҳлил этиладиган битим шартлари билан таққослашнинг зарур даражасини таъминлаш учун тузатишлар киритишни амалга оширишга ҳақли. Бундай тузатишлар қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

1) мустақил шахсларнинг назорат қилинмайдиган битимлардаги даромадлари улар томонидан фойдаланиладиган активларни ва товарлар (хизматлар) бозорида юзага келган иқтисодий шароитларда ўз зиммасига олинadиган иқтисодий (тижоратга оид) таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ҳамда шартнома шартларига ва ишбилармонлик муомаласи анъаналарига мувофиқ битимнинг ҳар бир тарафи томонидан бажариладиган вазифаларни акс эттиради;

2) бошқа тенг шароитларда бозор (тижорат) стратегиясига мувофиқ битим тарафлари томонидан қўшимча вазифаларни амалга ошириш, даромадлар миқдорига жиддий таъсир кўрсатувчи активлардан фойдаланиш, қўшимча тижорат (иқтисодий) таваккалчиликларини ўз зиммасига олиш бундай битим бўйича кутиладиган даромадларнинг ошиши билан бирга кечади.

185-модда. Битимларнинг шартларини таққослаш таҳлилида фойдаланиладиган ахборот

Трансферт нархни белгилашда солиқ назоратини ўтказишда (шу жумладан таҳлил этиладиган битимнинг ва таққосланадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартларини таққослаш чоғида) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси куйидаги ахборотдан фойдаланади:

1) Ўзбекистон Республикаси биржаларининг ва чет эл биржаларининг нархлар ҳамда котировкалар тўғрисидаги маълумотларидан;

2) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан эълон қилинадиган ёки сўровга кўра тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг божхона статистикасидан;

3) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли давлат бошқаруви органларининг расмий ахборот манбаларидаги, чет давлатларнинг ёки халқаро ташкилотларнинг расмий ахборот манбаларидаги ёхуд бошқа эълон қилинган ва (ёки) ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидаги ҳамда ахборот тизимларидаги нархлар (нархларнинг ўзгариш чегаралари) ва биржа котировкалари тўғрисидаги маълумотлардан;

4) ахборот-нарх агентликлари маълумотларидан;

5) солиқ тўловчи томонидан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборотдан.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот мавжуд бўлмаган (етарли бўлмаган) тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси куйидаги ахборотдан фойдаланади:

1) эълон қилинган ва (ёки) ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборотлар манбаларидаги ҳамда ахборот тизимларидаги нархлар (нархларнинг тебраниш чегаралари) ва котировкалар тўғрисидаги маълумотлардан;

2) юридик шахсларнинг молиявий ва статистика ҳисоботидан олинган маълумотлардан, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларида эълон қилинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг ва (ёки) чет эл юридик шахсларининг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот тизимларидаги, шунингдек расмий сайтларидаги маълумотлардан.

Чет эл юридик шахсларининг молиявий ҳисоботидаги маълумотлардан фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг (Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти доимий муассасанинг ташкил этилишига олиб келадиган чет эл юридик шахсларининг) рентабеллиги оралиғини аниқлаш учун фақат таққосланадиган битимлар тузган Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида рентабелликнинг бундай оралиғини ҳисоблаш имкони бўлмаган тақдирда йўл қўйилади;

3) баҳолаш объектининг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ёки чет давлатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган бозор қиймати тўғрисидаги маълумотлардан;

4) ушбу Кодекснинг 23-бобига мувофиқ фойдаланиладиган бошқа ахборотдан.

Битимларнинг шартларини таққослашни таҳлил қилишда солиқ сирини ташкил этувчи ахборотдан, шунингдек фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланган бошқа ахборотдан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Бундай чеклов Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси трансферт нархни белгилашда солиқ назоратини ўтказиётган солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Битимларнинг шартларини таққослашни таҳлил қилишда фақат ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидан, шунингдек солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

Битим шартларининг таққосланишини таҳлил қилишда, ушбу Кодекснинг 193-моддасига мувофиқ ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим этишда солиқ тўловчи ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан ташқари ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ҳар қандай ахборот манбаларидан, шунингдек ўзи билан ўзаро боғлиқ бўлган, худди шундай фаолиятни амалга ошираётган шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишга ҳақли.

Агар солиқ тўловчига нисбатан трансферт нарх белгилашда солиқ назорати ўтказилаётганда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу солиқ тўловчи томонидан мустақил шахслар билан тузилган таққосланадиган битимлар тўғрисидаги ахборотга эга бўлса, бундай битимларни таҳлил этиладиган битим билан таққослашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бозор нархларининг оралигини аниқлаш учун ушбу ахборотдан фойдаланишга ҳақли.

23-боб. Трансферт нархни белгилашда солиқ назоратида фойдаланиладиган усуллар

186-модда. Трансферт нархни белгилашда солиқ назоратида фойдаланиладиган усуллар тўғрисидаги умумий қоидалар

Трансферт нархни белгилаш чоғида солиқ назорати ўтказилганида (шу жумладан назорат қилинадиган битимнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари ҳамда унинг натижалари таққосланадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари ҳамда уларнинг натижалари билан таққосланганда) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу моддада белгиланган тартибда қуйидаги усуллардан фойдаланади:

- 1) таққосланадиган бозор нархларининг усулидан;
- 2) кейинги реализация қилиш нархи усулидан;
- 3) харажат усулидан;

- 4) таққосланадиган рентабеллик усулидан;
- 5) фойдани тақсимлаш усулидан.

Зарур бўлган ҳолларда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ усуллар комбинациясидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Таққосланадиган бозор нархлари усули, агар ушбу Кодекс 189-моддасининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, назорат қилинадиган битимлар нархларининг бозор нархларига мувофиқлигини солиқ солиш мақсадида аниқлаш учун устувор ҳисобланади.

Агар солиқ солиш мақсадида таққосланадиган бозор нархлари усулини қўллаш мумкин бўлмаса ёхуд уни қўллаш назорат қилинадиган битимлар нархларининг бозор нархларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисида асосланган хулоса чиқариш имконини бермаса, ушбу модданинг биринчи қисми 2–5-бандларида кўрсатилган бошқа усулларни қўллашга йўл қўйилади.

Агар тегишли товарлар (хизматлар) бозорида ҳеч бўлмаганда бир турдаги товарлар (хизматлар) предмети бўлган битта таққосланадиган битим мавжуд бўлса, шунингдек бундай битим ҳақида етарлича ахборот мавжуд бўлса, назорат қилинадиган битимлар нархларининг бозор нархларига мувофиқлигини ушбу Кодекснинг 188-моддасида назарда тутилган тартибда аниқлаш учун таққосланадиган бозор нархлари усулидан фойдаланилади.

Солиқ тўловчининг назорат қилинадиган битими нархининг бозор нархларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида таққосланадиган бозор нархлари усулини қўллаш учун ушбу солиқ тўловчининг мустақил шахслар билан тузган битимларидан, башарти бундай битимлар таққосланса, таққосланадиган битимлар сифатида фойдаланилиши мумкин.

Айнан ўхшаш (бир турдаги) товарлар (хизматлар) билан таққосланадиган битимларда нархлар тўғрисидаги ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда трансферт нархни белгилашда солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг тўлиқлигини аниқлаш мақсадида ушбу модданинг биринчи қисми 2 – 5-бандларида кўрсатилган усулларнинг биридан фойдаланилади.

Агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, назорат қилинадиган битимнинг ҳақиқий ҳолатлари ва шартларини инобатга олган ҳолда битим нархининг бозор нархларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги ҳақида кўпроқ асосланган хулоса қилишга имкон берадиган усулдан фойдаланилади.

Ушбу модданинг биринчи қисми 2 – 5-бандларида кўрсатилган усуллардан солиқ солиш мақсади учун назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳи бўйича даромадларни аниқлашда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Айнан ўхшаш (бир турдаги) товарлар (хизматлар) предмети бўлган ва таққосланадиган тижорат ва (ёки) молиявий шартларда амалга оширилган битимлар ушбу бўлимнинг мақсади учун бир турдаги битимлар деб эътироф этилади.

Назорат қилинадиган битимларда солиқ солиш мақсадида даромадларни (фойдани, тушумни) аниқлаш чоғида фойдаланиладиган усулни танлашда дастлабки маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги, шунингдек таққосланадиган битимларни назорат қилинадиган битим билан таққослашни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган тузатишларнинг асосланганлиги инобатга олиниши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган усуллари қўллаш мақсадида аниқ битимлар тўғрисидаги ахборотдан ташқари бозор нархларининг шаклланган даражаси ва (ёки) биржа котировкалари ҳақидаги ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган, шунингдек ахборот-нарх агентликларининг тегишли товарлар (хизматлар) бозорларидаги айнан ўхшаш (бир турдаги) товарларга (хизматларга) оид нархлар (нархлар оралиқлари) ҳақидаги маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган усуллари қўллаш мақсадида бозор нархлари тўғрисидаги ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидан фойдаланишга, башарти ушбу ахборот манбаларида маълумотлари мавжуд бўлган битимларнинг назорат қиладиган битим билан таққосланиши таъминланса, йўл қўйилади.

Ушбу модданинг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида кўрсатилган усуллари қўллаш учун харажатларни ҳисобга олиш тартибда ушбу усулларга мувофиқ ҳисоб-китоб қилинадиган кўрсаткичларга ва рентабеллик оралиғига таъсири сезиларли бўлмаслигини таъминлайдиган рентабеллик оралиғи ҳисоб-китоб қилинадиган молиявий ҳисоботларнинг маълумотлари таққосланадиган тарзга келтирилиши керак.

Агар рентабеллик оралиғини ҳисоб-китоб қилиш ва назорат қилинадиган битимларда солиқ солиш мақсадида даромадларни (фойдани, тушумни) аниқлаш учун молиявий ҳисоботлар маълумотларининг таққосланишини таъминлаш мумкин бўлмаса, ушбу модданинг биринчи қисми 4 ва 5-бандларида кўрсатилган усуллардан фойдаланилади.

Ушбу модданинг биринчи қисми 4 ва 5-бандларида кўрсатилган усуллар бозор нархлари кўрсаткичларини бевосита ҳисоб-китоб қилмаган ҳолда қўлланилиши мумкин. Кўрсатилган усуллардан фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси назорат қилинадиган битимнинг молиявий кўрсаткичларини (натижаларини) таққосланадиган битимлар бўйича рентабеллик оралиғи билан таққослайди ва унинг асосида, агар ушбу битим тарафлари мустақил шахслар бўлса, олиниши мумкин бўлган даромад суммасининг ҳисоб-китобини амалга оширади.

Худди шундай тартибда назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳининг молиявий кўрсаткичлари (натижалари) таққосланадиган

битимлар бўйича рентабеллик оралиғи асосида ҳисоб-китоб қилинган молиявий кўрсаткичлар билан таққосланади ва даромадларнинг суммаларига ҳисоб-китоб қилиш амалга оширилади.

Суд битим нархининг бозор нархларига мувофиқлигини белгилаш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ушбу бўлимда назарда тутилган чекловларсиз инобатга олиши мумкин.

Солиқ тўловчилар битимларни тузишда ушбу Кодексида назарда тутилмаган мақсадларда нархни белгилаш соҳасидаги ўз сиёсатини асослаш учун ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган усулларга амал қилиши шарт эмас.

187-модда. Молиявий кўрсаткичлар ва рентабеллик оралиғи

Назорат қилинадиган битимларда солиқ солиш мақсадида даромадларни ушбу Кодексининг 189 – 192-моддаларида назарда тутилган тартибда аниқлашда қуйидаги рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин:

1) акциз солиғини ва қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган ялпи фойданинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушумга нисбати сифатида аниқланадиган ялпи рентабеллик;

2) ялпи фойданинг сотилган товарлар (хизматлар) таннархига нисбати сифатида аниқланадиган харажатларнинг ялпи рентабеллиги;

3) акциз солиғини ва қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, асосий фаолиятдан олинган фойданинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумга нисбати сифатида аниқланадиган сотиш рентабеллиги;

4) асосий фаолиятдан олинган фойданинг реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) таннархи, реализация қилиш харажатлари ва товарларни (хизматларни) реализация қилиш билан боғлиқ маъмурий харажатларнинг суммасига нисбати сифатида аниқланадиган харажатлар рентабеллиги;

5) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган ялпи фойданинг реализация қилишга доир харажатларга ва товарларни (хизматларни) реализация қилиш билан боғлиқ бўлган маъмурий харажатларга нисбати сифатида аниқланадиган реализация қилиш бўйича харажатларнинг ва маъмурий харажатларнинг рентабеллиги;

6) асосий фаолиятдан олинган фойданинг таҳлил қилинадиган битимда бевосита ёки билвосита фойдаланиладиган активларнинг (муомалада бўлмаган ва муомалада бўлган) жорий бозор қийматига нисбати сифатида аниқланадиган активлар рентабеллиги.

Активларнинг жорий бозор қиймати тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлмаганда активлар рентабеллиги молиявий ҳисоботнинг маълумотлари асосида аниқланиши мумкин.

Рентабеллик ва бошқа молиявий кўрсаткичлар ушбу бобнинг мақсадида Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари учун Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисобот маълумотлари асосида аниқланади. Чет эл юридик шахслари учун мазкур молиявий кўрсаткичлар чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисобот маълумотлари асосида аниқланади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган молиявий ҳисобот маълумотлари билан таққослашни таъминлаш мақсадида бундай маълумотларга тузатишлар киритилади.

Рентабеллик оралиғини аниқлаш чоғида, агар битимлар назорат қилинадиган бўлмаса, таққосланадиган камида тўртта битим, шу жумладан солиқ тўловчи томонидан амалга оширилган битимлар натижалари бўйича ёхуд таққосланадиган камида тўртта юридик шахснинг молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланадиган рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Мазкур юридик шахсларни танлаш назорат қилинадиган битимга нисбатан таққосланадиган иқтисодий шартларда (тижорат шартларида) ўзининг тармоқ хусусиятини ва амалга ошириладиган фаолият турларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Назорат қилинадиган битим тарафи мансуб бўлган тармоқда, ушбу тарафга нисбатан мустақил юридик шахслар мавжуд бўлмаганда функционал таҳлил учун юридик шахсларни танлаш ушбу юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган вазифаларнинг таққосланишини, улар томонидан қабул қилинадиган таваккалчиликларни ва фойдаланиладиган активларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Таққосланадиган тўртта ва ундан ортиқ битим тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлмаганда ёхуд таққосланадиган тўртта ва ундан ортиқ юридик шахснинг молиявий ҳисоботи мавжуд бўлмаганда, рентабеллик оралиғини аниқлаш мақсадида кам сондаги таққосланадиган битимлар (кам сондаги юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботи) тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш мумкин.

Ушбу Кодекснинг 186-моддаси биринчи қисми 2–4-бандларида кўрсатилган усулларни қўллаш мақсадида рентабеллик оралиғи қуйидаги тартибда аниқланади.

Дастлаб рентабеллик оралиғини аниқлаш учун фойдаланиладиган рентабеллик жами кўрсаткичлари ушбу оралиқни аниқлаш учун фойдаланиладиган танламани ҳосил қилган ҳолда, ўсиб бориш тарзида тартибга келтирилади. Бунда рентабелликнинг ҳар бир кўрсаткичига, энг камидан бошлаб ўз тартиб рақами берилади. Агар танланма рентабелликнинг икки ва ундан ортиқ бир хил кўрсаткичини ўз ичига олса, унга барча шундай кўрсаткичлар киритилади.

Рентабеллик оралиғини аниқлашда назорат қилинадиган битим рентабеллиги ҳисобга олинмайди. Сўнгра тўпلامда рентабеллик кўрсаткичларининг сони тўртга қолдиқсиз бўлинишига қараб, рентабеллик оралиғи қуйидаги икки усулдан бири билан аниқланади:

1) агар ушбу сон қолдиқсиз бўлинса, рентабеллик оралиғининг энг кам кўрсаткичи рентабеллик кўрсаткичларининг ярим суммасига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткичлар танламада бўлинишдан ҳосил бўлган қисмга тенг бўлган тартиб рақамига ва кейинги тартиб рақамига эга бўлади. Рентабеллик оралиғининг энг юқори қиймати бундай ҳолда рентабеллик кўрсаткичларининг ярим суммасига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткичлар танламада бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг уч қаррасига тенг бўлган тартиб рақамига ва кейинги тартиб рақамига эга бўлади;

2) агар ушбу сон қолдиқсиз бўлинмаса, рентабеллик оралиғининг энг кам қиймати рентабеллик кўрсаткичига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткич танламада бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг бутун қисми бирлигига оширилган кўрсаткичга тенг бўлган тартиб рақамига эга бўлади. Рентабеллик оралиғининг энг юқори кўрсаткичи бундай ҳолда рентабеллик кўрсаткичига тенг деб қабул қилинади, мазкур кўрсаткич танламада бўлинишдан ҳосил бўлган қисмнинг бутун қисми уч қарраси бирлигига оширилган қийматга тенг бўлган тартиб рақамига эга бўлади.

Таққосланадиган иқтисодий шартларда (тижорат шартларида) амалга ошириладиган фаолият натижалари бўйича рентабелликни ҳисоб-китоб қилиш юридик шахс молиявий ҳисоботининг маълумотлари асосида қуйидаги шартларга бир вақтда риоя қилинганда амалга оширилиши мумкин:

1) юридик шахс таққосланадиган фаолиятни амалга оширади ва у билан боғлиқ таққосланадиган вазифаларни бажаради. Фаолиятнинг таққосланиши Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифида, шунингдек халқаро ва бошқа таснифларда назарда тутилган иқтисодий фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши мумкин;

2) юридик шахс соф активларининг умумий миқдори рентабеллик ҳисоб-китоб қилинадиган бир неча йилдан охириги йилнинг 31 декабри ҳолатига кўра молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича манфий ҳисобланмайди;

3) юридик шахс рентабеллик ҳисоб-китоб қилинадиган бир неча йилдан бир йилдан ортиқ даврдаги молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича сотувлардан зарарларга эга бўлмайди;

4) юридик шахс 25 фоиздан ортиқ бўлган улуш билан бошқа юридик шахс фаолиятида бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этмайди ҳамда бевосита иштирок этиш улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган иштирокчи (акциядор) сифатидаги юридик шахсга эга бўлмайди.

Агар маълумотларидан рентабеллик оралиғини ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган юридик шахсларнинг консолидациялашган

молиявий ҳисоботи маълумотларидан фойдаланиш имконияти бўлса, ушбу модданинг саккизинчи қисми 4-бандида назарда тутилган мезонлар қўлланилмайди.

Агар ушбу модданинг ўнинчи ва ўн биринчи қисмларида белгиланган чекловларга кўра функционал таҳлил учун тўрттадан кам юридик шахс қолса, ушбу модданинг саккизинчи қисми 4-бандида кўрсатилган иштирок этиш улуши мезонлари 25 фоиздан 50 фоизга қадар оширилиши мумкин.

Рентабеллик оралиғини ҳисоб-китоб қилиш учун назорат қилинадиган битим тузилган пайтдаги ёхуд вақт бўйича унга яқин бўлган, аммо битим тузилган календарь йилнинг 31 декабридан кечикмаган пайтдаги мавжуд ахборотдан фойдаланилади.

Ушбу модданинг ўн биринчи қисмида кўрсатилган мазкур ахборот ўрнига назорат қилинадиган битим тузилган календарь йилдан бевосита олдинги уч календарь йилдаги (ёхуд ушбу битимда нархлар белгиланган календарь йилдаги) молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Мазкур ахборот жумласига солиқ тўловчининг мустақил шахслар билан ўзи амалга оширган битимлар тўғрисидаги ахбороти ҳам киради.

Рентабеллик оралиғини аниқлашда таққосланишни таъминлаш мақсадида рентабеллик кўрсаткичлари таққосланадиган юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботларидаги маълумотларга асосланган ҳолда мавжуд фарқларга тузатиш киритиш мақсадида ўзгариши мумкин. Бундай тузатишлар, хусусан, дебиторлик ва кредиторлик қарзи кўрсаткичларида, солиқ тўловчининг ва молиявий ҳисобот маълумотларидан рентабеллик оралиғини аниқлаш учун фойдаланиладиган юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари бўйича товар-моддий захираларнинг кўрсаткичларида амалга оширилади.

188-модда. Таққосланадиган бозор нархлари усули

Таққосланадиган бозор нархлари усули назорат қилинадиган битимдаги товарлар (хизматлар) нархларининг бозор нархларига мувофиқлигини назорат қилинадиган битим нархини ушбу модданинг иккинчи – еттинчи қисмларида назарда тутилган тартибда аниқланган бозор нархлари оралиғи билан таққослаш асосида аниқлашни назарда тутати.

Агар назорат қилинадиган битимга нисбатан айнан ўхшаш (бир турдаги) товарлар (хизматлар) билан тузилган фақат битта таққосланадиган битим ҳақидаги ахборот мавжуд бўлса, таққосланадиган битимнинг нархи, башарти ушбу назорат қилинадиган ҳамда таққосланадиган битимларнинг тижоратга оид ва (ёки) молиявий шартлари тўлиқ таққосланса, бир вақтнинг ўзида бозор нархлари оралиғининг энг кам ва энг кўп кўрсаткичлари деб эътироф этилиши мумкин. Мазкур қоида назорат қилинадиган ва таққосланадиган битимларнинг тижоратга оид ва (ёки) молиявий шартлари тўлиқ таққосланишини тегишли тузатишлар билан таъминлаш мумкин бўлган тақдирда ҳам қўлланилиши мумкин.

Агар таққосланадиган битимдаги товарларни (хизматларни) сотувчи ушбу товарлар (хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаган бўлса, ушбу қисмда назарда тутилган қоидалар қўлланилмайди.

Бир хил (бир турдаги) товарлар (хизматлар) предмети бўлган бир нечта таққосланадиган битим (шу жумладан солиқ тўловчининг мустақил шахслар билан битимлари) тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда, бозор нархлари оралиғи қуйидаги тартибда аниқланади. Дастлаб таққосланадиган битимларда қўлланилган, бозор нархлари оралиғини аниқлаш учун фойдаланиладиган нархлар мажмуи ушбу оралиқни аниқлаш учун фойдаланиладиган танламани ҳосил қилган ҳолда ўсиб бориш тарзида тартибга солинади. Бунда нархнинг ҳар бир кўрсаткичига, энг кам миқдоридан бошлаб ўз тартиб рақами берилади. Агар танлама нархнинг икки ва ундан ортиқ бир хил қийматини ўз ичига олган бўлса, унга барча шундай кўрсаткичлар киритилади. Бозор нархлари оралиғини аниқлашда назорат қилинадиган битимнинг нархи ҳисобга олинмайди. Солиқ тўловчи томонидан мустақил шахслар билан амалга оширилган таққосланадиган битимлар сони етарли бўлганда, бошқа битимлар бўйича ахборот ҳисобга олинмаслиги мумкин. Сўнгра олинган танлама асосида рентабеллик оралиғини аниқлаш учун ушбу Кодекснинг 187-моддаси тўққизинчи қисмида назарда тутилган тартибда бозор нархларининг оралиғи топилади.

Бозор нархлари оралиғи таҳлил қилинган давр мобайнида қўлланилган нархлар ҳақидаги мавжуд ахборот ёки назорат қилинадиган битим амалга оширилишига қадар бўлган энг яқин санадаги ахборот асосида аниқланади.

Биржа котировкалари тўғрисида эълон қилинган ёки сўров бўйича олинган ахборотдан фойдаланилганда бозор нархларининг оралиғи тегишли биржада рўйхатдан ўтказилган айнан ўхшаш (бир турдаги) товарлар билан амалга оширилган битимларнинг нархлари асосида аниқланади. Бундай ҳолда битимларнинг улар амалга оширилган санада қайд этилган энг кам ва энг кўп нархи ўртасидаги оралиқ бозор нархлари оралиғи деб эътироф этилади.

Бозор нархлари оралиғи биржа котировкалари асосида аниқланганда битимларнинг иқтисодий (тижорат) шартларидаги фарқларни ҳисобга олишга, чунончи, қуйидаги иқтисодий (тижорат) шартлар асосида фарқларни ҳисобга оладиган тузатишлар воситасида йўл қўйилади:

1) тегишли бозорга товарлар (хизматлар) етказиб берилиши учун зарур бўлган, ҳужжатлар ва (ёки) ахборот манбалари билан асосланган ва тасдиқланган харажатлар;

2) божхона божларини тўлаш харажатлари;

3) тўлов шартлари;

4) савдо брокерининг (воситачининг ёки агентнинг) у томонидан савдо-воситачилик функциялари бажарилганлиги учун воситачилик (агент) ҳақи.

Ахборот-нарх агентликларининг айнан ўхшаш (бир турдаги) товарларнинг (хизматларнинг) нархлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилганда энг кам ва энг кўп кўрсаткичлар бундай товарларнинг (хизматларнинг) эълон қилинган нархларининг энг кам ва энг кўп кўрсаткичларига мувофиқ бўлган оралик ушбу Кодекснинг 186-моддаси ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларига мувофиқ бозор нархларининг оралиғи деб эътироф этилиши мумкин. Бунда фақат назорат қилинадиган битим тааллуқли бўлган вақт даврида таққосланадиган шартлар асосида тузилган битимлар бўйича маълумотлар инобатга олинади.

Агар назорат қилинадиган битимнинг нархи ушбу модда қоидаларига мувофиқ аниқланган бозор нархлари оралиғи чегарасида бўлса, солиқ солиш мақсадларида ушбу нарх бозор нархларига мувофиқ бўлган нарх деб эътироф этилади.

Агар назорат қилинадиган битимнинг нархи бозор нархлари оралиғининг энг кам миқдоридан кам бўлса ёки унинг энг кўп миқдоридан кўп бўлса, ушбу нарх бозор нархларига мувофиқ бўлмаган нарх деб эътироф этилади. Мазкур номувофиқлик мавжуд бўлган тақдирда, солиқ солиш мақсадида бозор нархлари оралиғининг ўртача қийматига тенг бўлган нарх қабул қилинади.

Солиқ солиш мақсадида бозор нархлари оралиғининг ўртача қийматини ушбу модданинг тўққизинчи қисмига мувофиқ қўллаш, башарти бу бюджет тизимига тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини камайтирмаса ёки солиқ тўловчи зарарининг суммаси ошишига олиб келмаса, амалга оширилади.

189-модда. Кейинги реализация қилиш нархи усули

Кейинги реализация қилиш нархи усули назорат қилинадиган битим нархининг ушбу назорат қилинадиган битимда (бир турдаги битимлар гуруҳида) олинган товарни кейинги реализация қилишда (қайта сотишда) назорат қилинадиган битим тарафи томонидан олинган ялпи рентабелликни таққослаш асосида бозор нархларига мувофиқлигини аниқлашни назарда тутди. Ушбу усулдан фойдаланилганда ялпи рентабелликнинг бозор оралиғи ушбу Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

Кейинги реализация қилиш нархи усулидан фойдаланиш нархларнинг бозор нархларига мувофиқлигини аниқлаш учун бошқа усулларга нисбатан устувор бўлиб, унга кўра товар назорат қилинадиган битим доирасида олинади ва тарафлари мустақил шахслар бўлган битим доирасида қайта ишланмаган ҳолда қайта сотилади. Агар қайта сотишни амалга ошираётган шахс унинг ялпи рентабеллиги даражасига сезиларли таъсир кўрсатадиган номоддий активлар объектларига эгалик қилмаса, мазкур усулдан фойдаланилади.

Агар товар қайта сотилганда қуйидаги операциялар амалга оширилса ҳам кейинги реализация қилиш нархи усулидан фойдаланиш мумкин:

1) товарни қайта сотишга ва транспортда ташишга тайёрлаш (товарларни туркумларга ажратиш, жўнатмаларни шакллантириш, саралаш, қайта ўраш);

2) агар якуний маҳсулотнинг (ярим тайёр маҳсулотларнинг) хусусиятлари аралаштириладиган товарларнинг хусусиятларидан сезиларли фарқ қилмаса, товарларни аралаштириш.

Агар товарни мустақил шахсларга кейинги реализация қилиш таққосланадиган тижорат шартларида ва (ёки) молиявий шартларда турли нархларда амалга оширилса, рентабеллик оралиғини аниқлашда товарни кейинги реализация қилиш нархи сифатида барча шундай битимлар бўйича ушбу товарнинг ўртача нархидан фойдаланилади.

Агар қайта сотишни амалга ошираётган шахсда ялпи рентабеллик ушбу Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланган рентабеллик оралиғи чегарасида бўлса, солиқ солиш мақсадида назорат қилинадиган битимда товар сотиб олинган нарх бозор нархларига мувофиқ деб эътироф этилади.

Агар қайта сотишни амалга ошираётган шахсда ялпи рентабеллик ушбу Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланган рентабеллик оралиғининг энг кам миқдоридан кам бўлса ёки унинг энг юқори миқдоридан кўп бўлса, солиқ солиш мақсадида назорат қилинадиган битим нархи товарни кейинги реализация қилишнинг амалдаги нархидан ва рентабеллик оралиғининг ўртача қийматига мувофиқ келадиган ялпи рентабелликдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Кейинги реализация қилиш нархи усули қўлланилганида ахборот-нарх агентликларининг айнан ўхшаш (бир турдаги) товарларнинг (хизматларнинг) нархлари (нархлар оралиғи) тўғрисидаги маълумотларидан ва бундай товарларга (хизматларга) бозор нархлари оралиғи нархларидан ушбу Кодекс 188-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган тартибда фойдаланишга йўл қўйилади.

Солиқ солиш мақсадида рентабеллик оралиғининг ўртача қийматини ушбу модданинг еттинчи қисмига мувофиқ қўллаш, башарти бу бюджет тизимига тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини камайтирмаса ёки солиқ тўловчининг зарари суммаси ошишига олиб келмаса, амалга оширилади.

190-модда. Харажат усули

Харажат усули назорат қилинадиган битим нархининг бозор нархларига мувофиқлигини аниқлашни назарда тутди ва мазкур усул назорат қилинадиган битим (назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳи) тарафи бўлган шахс харажатларининг ялпи рентабеллигини таққосланадиган битимлардаги харажатлар ялпи рентабеллигининг ушбу

Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланган бозор оралиғи билан таққослашга асосланади.

Харажат усули, чунончи, қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) сотувчи билан ўзаро боғланган шахслар томонидан хизматлар кўрсатилганда (бундан хизматлар кўрсатилганда сотувчи харажатларининг рентабеллик даражасига сезиларли таъсир кўрсатувчи номоддий активлардан фойдаланилган ҳоллар мустасно);

2) пул маблағларини бошқаришга доир хизматлар кўрсатилганда, жумладан қимматли қоғозлар бозорида ва (ёки) валюта бозорида савдо операцияларини амалга оширишда;

3) юридик шахснинг якка ижро этувчи органи вазифаларни бажариш бўйича хизматлар кўрсатилганда;

4) сотувчи билан ўзаро боғлиқ шахсларга хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар сотилганда;

5) ўзаро боғлиқ шахслар ўртасида узоқ муддатли шартномалар бўйича товарлар (хизматлар) реализация қилинганда.

Агар назорат қилинадиган битим тарафи бўлган сотувчида ушбу битим бўйича харажатларнинг ялпи рентабеллиги ушбу Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланган рентабеллик оралиғи доирасида бўлса, назорат қилинадиган битимнинг нархи солиққа тортиш мақсадидаги бозор нархларига мувофиқ деб эътироф этилади.

Агар назорат қилинадиган битим тарафи бўлган сотувчида харажатларнинг ялпи рентабеллиги рентабеллик оралиғининг энг кам миқдоридан кам ёки унинг энг кўп миқдоридан кўп бўлса, назорат қилинадиган битимнинг нархи солиқ солиш мақсадида реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) амалдаги таннархидан ва рентабеллик оралиғининг ўртача қийматига мувофиқ келадиган харажатларнинг ялпи рентабеллигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Харажат усули қўлланилганда ахборот-нарх агентликларининг айнан ўхшаш (бир турдаги) товарлар (хизматлар) нархлари тўғрисидаги маълумотларидан фойдаланишга ҳамда ушбу Кодекс 188-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган тартибда айнан ўхшаш (бир турдаги) товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархлари оралиғини аниқлашга йўл қўйилади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ солиқ солиш мақсадида рентабеллик оралиғининг ўртача қийматини қўллаш, башарти бу бюджет тизимига тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг камайишига ёки солиқ тўловчининг зарари суммаси ошишига олиб келмаса, амалга оширилади.

191-модда. Таққосланадиган рентабеллик усули

Таққосланадиган рентабеллик усули назорат қилинадиган битим тарафи бўлган шахсда юзага келган операцион рентабелликни

таққосланадиган битимлардаги операцион рентабелликнинг ушбу Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланган бозор оралиғи билан таққослашни назарда тутати.

Таққосланадиган рентабеллик усулидан, хусусан, ахборот мавжуд бўлмаганда ёки етарли бўлмаганда фойдаланиш мумкин бўлиб, мазкур ахборотга асосланган ҳолда таққосланадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартларининг зарур бўлган таққослаш даражаси мавжудлиги ҳақида асосланган хулоса чиқариш ҳамда ушбу Кодекс 186-моддаси биринчи қисмининг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган усуллардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Ушбу модданинг мақсади учун ушбу Кодекс 187-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ аниқланадиган операцион рентабелликнинг қуйидаги кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин:

- 1) сотиш рентабеллиги;
- 2) харажатлар рентабеллиги;
- 3) тижорат ва бошқарув харажатлари рентабеллиги;
- 4) активлар рентабеллиги;
- 5) рентабелликнинг амалга ошириладиган вазифалар, фойдаланиладиган активлар ҳамда қабул қилинадиган иқтисодий (тижорат) таваккалчиликлари ва ҳақ тўлаш даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттирувчи бошқа кўрсаткичи.

Рентабелликнинг аниқ кўрсаткичини танлашда назорат қилинадиган битим тарафининг фаолият тури, ушбу тараф томонидан амалга ошириладиган вазифалар, фойдаланиладиган активлар ва қабул қилинадиган иқтисодий (тижорат) таваккалчиликлари, тегишли рентабелликни ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган маълумотларнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва уларни таққослаш мумкинлиги, шунингдек бундай кўрсаткичнинг иқтисодий асосланганлиги ҳисобга олинади.

Ушбу моддани қўллаш мақсади учун рентабеллик кўрсаткичларидан қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда фойдаланилади:

- 1) сотиш рентабеллигидан қайта сотувчи билан ўзаро боғлиқ шахслардан олинган товарларни кейинги қайта сотишда ёки қайта сотувчи билан боғлиқ бўлмаган шахслардан олинган товарларни у билан ўзаро боғлиқ бўлган шахсларга кейинги қайта сотишда фойдаланилади;

- 2) тижорат ва бошқарув харажатларининг ялпи рентабеллигидан ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган ҳолларда, агар қуйидаги иккита шарт бир вақтда бажарилса, фойдаланилади:

- а) қайта сотувчи товарларни олишда ва кейинги қайта сотишда узоқ бўлмаган вақт даврида сезиларли бўлмаган иқтисодий (тижорат) таваккалчиликларига дуч келса;

- б) қайта сотувчининг сотишдан олиннадиган ялпи фойдаси миқдори ҳамда у томонидан амалга оширилган тижорат ва бошқарув харажатлари миқдори ўртасида бевосита ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлса;

3) харажатларнинг рентабеллигидан хизматлар кўрсатиш ва товарлар ишлаб чиқаришда фойдаланилса;

4) активлар рентабеллигидан товарлар ишлаб чиқаришда (хусусан, агар назорат қилинадиган битимлар кўп сармоя талаб қиладиган фаолиятни амалга оширувчи шахслар томонидан амалга оширилса) фойдаланилади.

Таққосланадиган рентабеллик усулидан фойдаланилганда рентабелликнинг бозор оралиғи билан назорат қилинадиган битимнинг қуйидаги талабларга жавоб берадиган тарафининг рентабеллиги таққосланади:

1) назорат қилинадиган битим тарафи айти бир товар билан кетма-кет бажарилган битимлар бўйича олинган фойдага қўшган ҳиссаси назорат қилинадиган битимнинг бошқа тарафи қўшган ҳиссага нисбатан кам бўлган вазифаларни амалга оширади;

2) назорат қилинадиган битимнинг тарафи назорат қилинадиган битимнинг бошқа тарафига нисбатан кам иқтисодий (тижорат) таваккалчиликларни қабул қиладди;

3) назорат қилинадиган битимнинг тарафи рентабеллик даражасига сезиларли таъсир кўрсатадиган номоддий активлар объектларига эгалик қилмайди.

Агар назорат қилинадиган битимнинг тарафи ушбу модда олтинчи қисмининг 1–3-бандларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса, рентабелликнинг бозор оралиғи билан таққослаш учун назорат қилинадиган битимнинг мазкур талабларга энг кўп даражада жавоб берадиган тарафи танланади.

Агар назорат қилинадиган битим бўйича рентабеллик ушбу Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланган рентабеллик оралиғи доирасида бўлса, солиқ солиш мақсадларида назорат қилинадиган битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқ деб эътироф этилади.

Агар назорат қилинадиган битим бўйича рентабеллик рентабеллик оралиғининг энг кам миқдоридан кам бўлса ёки унинг энг кўп миқдоридан кўп бўлса, солиқ солиш мақсадларида рентабеллик оралиғининг ўртача қиймати инобатга олинади.

Рентабеллик оралиғининг ўртача қийматига асосан солиқ солиш мақсадида назорат қилинадиган битимга доир фойдага (даромадга, тушумга) тузатишлар амалга оширилади.

Солиқ солиш мақсадида ушбу модданинг тўққизинчи ва ўнинчи қисмларига мувофиқ фойдага (даромадга, тушумга) тузатишларни қўллаш, башарти бу бюджет тизимига тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг камайишига ёки солиқ тўловчининг зарари суммаси ошишига олиб келмаса, амалга оширилади.

192-модда. Фойдани тақсимлаш усули

Фойдани тақсимлаш усули назорат қилинадиган битимнинг тарафлари ўртасида ушбу битимнинг барча тарафлари томонидан олинган жами фойданинг амалда тақсимланишини фойдани таққосланадиган битимлар тарафлари ўртасида тақсимлаш билан таққослашдан иборатдир.

Агар назорат қилинадиган битимнинг (назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳининг) тарафлари бир вақтнинг ўзида улар билан ўзаро боғлиқ бўлган шахслар иштирокидаги бир турдаги битимларнинг тарафлари бўлса, ушбу бир турдаги битимларнинг натижалари назорат қилинадиган битим натижалари билан биргаликда баҳоланади. Бунда солиқ солиш мақсадида назорат қилинадиган битим ва мазкур бир турдаги битимлар бўйича жами фойда назорат қилинадиган битим бўйича фойдани тақсимлаш тартибига ўхшаш тартибда тақсимланиши лозим.

Агар жами фойдаси ушбу модданинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши лозим бўлган юридик шахслар бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган турли талаблар асосида бухгалтерия ҳисобини юритса, фойдани тақсимлаш усулини қўллаш мақсадида бундай молиявий ҳисобот ягона ҳисобга олиш талабларига мослаштирилиши керак.

Фойдани тақсимлаш усулидан, чунончи, қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

1) ушбу Кодекс 186-моддаси биринчи қисмининг 1–4-бандларида назарда тутилган усуллардан фойдаланиш мумкин бўлмаганда ва назорат қилинадиган битимнинг (назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳининг) тарафлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг сезиларли ўзаро боғлиқлиги мавжуд бўлганда;

2) назорат қилинадиган битим тарафларининг мулкида (фойдаланишида) рентабеллик даражасига сезиларли таъсир кўрсатувчи номоддий активлар объектларига доир ҳуқуқлар мавжуд бўлганда (номоддий активлар объектларининг предмети бўлган, мустақил шахслар томонидан амалга оширилган бир турдаги битимлар мавжуд бўлмаганда).

Назорат қилинадиган битим тарафлари ўртасида назорат қилинадиган битим бўйича фойда (зарар) суммасини тақсимлаш ушбу Кодекс 176-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари қўлланилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Фойдани тақсимлаш принципларини танлаш назорат қилинадиган битимнинг (назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳининг) ҳолатларига боғлиқ бўлади ва назорат қилинадиган битим бўйича фойдани таққосланадиган тижорат ва (ёки) молиявий шартларда шунга ўхшаш фаолиятни амалга ошираётган мустақил шахслар ўртасида фойдани тақсимлашга мувофиқ тарзда тақсимлашга олиб келиши керак.

Назорат қилинадиган битимнинг (назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳининг) тарафлари ўртасида фойдани тақсимлаш фойдани тақсимлаш усулига мувофиқ ҳолда назорат қилинадиган битим (назорат

қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳи) бўйича олинадиган жами фойдага назорат қилинадиган битим (назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳи) тарафлари қўшган ҳиссани баҳолаш асосида қуйидаги мезонларга ёки уларнинг аралашмаларига мувофиқ амалга оширилади:

1) назорат қилинадиган битим бўйича жами фойдага назорат қилинадиган битим тарафлари томонидан амалга ошириладиган функцияларга, улар томонидан фойдаланиладиган активларга ва қабул қилинадиган иқтисодий (тижорат) таваккалчиликларни қабул қилишига мутаносиб равишда;

2) назорат қилинадиган битимда фойдаланилган киритилган сармоядан олинган даромадни назорат қилинадиган битим тарафлари ўртасида мутаносиб равишда тақсимлашда;

3) таққосланадиган битим тарафлари ўртасида фойдани тақсимлашга мутаносиб равишда.

Назорат қилинадиган битим тарафлари ўртасида фойдани тақсимлаш усули қўлланилганида жами фойда ёхуд бундай битим барча тарафларининг қолдиқ фойдаси тақсимланади.

Ушбу модданинг мақсадида назорат қилинадиган битим барча тарафларининг таҳлил қилинаётган давр учун операцион фойдасининг суммаси таҳлил қилинаётган битим барча тарафларининг жами фойдаси деб эътироф этилади.

Ушбу модданинг мақсадида қолдиқ фойда (зарар) қуйидаги тартибда аниқланади:

дастлаб ушбу Кодекс 186-моддаси биринчи қисмининг 1–4-бандларида кўрсатилган усуллар асосида, назорат қилинадиган битимнинг (назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳининг) ҳар бир тарафи учун бозор нархлари оралиғи асосида ушбу тараф учун ҳисоб-китоб қилинган фойда (зарар) аниқланади. Бунда битимнинг ҳар бир тарафи учун ушбу тараф амалга оширадиган вазифалар, у фойдаланаётган активлар, қабул қилинаётган иқтисодий ва тижорат таваккалчиликлари инобатга олинади;

сўнгра назорат қилинадиган битим бўйича жами фойда (зарар) ва назорат қилинадиган битимнинг барча тарафлари учун сотишдан олинадиган жами ҳисобланган фойда (зарар) суммаси ўртасидаги ижобий фарқ назорат қилинадиган битим бўйича қолдиқ фойда деб, салбий фарқ эса ушбу назорат қилинадиган битим бўйича қолдиқ зарар деб эътироф этилади.

Фойдани тақсимлаш усули қўлланилиши натижасида назорат қилинадиган битимнинг ҳар бир иштирокчиси фойдасининг (зарарининг) якуний миқдори солиққа тортиш мақсадидаги, ҳисоб-китоб қилинган фойдага (зарарга) ва қолдиқ фойдага (зарарга) мос келадиган суммага тенг деб қабул қилинади.

Жами ёхуд қолдиқ фойдани (зарарни) назорат қилинадиган битимнинг тарафлари ўртасида тақсимлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади:

1) назорат қилинадиган битим тарафи томонидан номоддий активларни яратишга сарфланган харажатларнинг миқдори;

2) назорат қилинадиган битим тарафда банд бўлган ходимларнинг тавсифлари, шу жумладан уларнинг сони ва малакаси (ходимлар томонидан сарфланган вақт, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг миқдори);

3) назорат қилинадиган битим тарафининг фойдаланишида (тасарруфида) бўлган активларнинг бозор қиймати;

4) амалга оширилаётган вазифалар, фойдаланилаётган активлар ва қабул қилинаётган иқтисодий (тижорат) таваккалчиликлари ҳамда назорат қилинадиган битим бўйича сотишлардан амалда олинган фойда (зарар) миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттирувчи бошқа кўрсаткичлар.

Ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида кўрсатилган кўрсаткичлар, башарти улар назорат қилинадиган битим бўйича ҳақиқатда олинган фойда (зарар) миқдорига таъсир қилса, эътиборга олинади ва уларнинг таъсир кўрсатиш даражасига кўра эътиборга олинади.

Назорат қилинадиган битим (назорат қилинадиган бир турдаги битимлар гуруҳи) тарафлари ўртасида фойдани ушбу модда еттинчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган мезон бўйича тақсимлаш мустақил шахслар ўртасида амалга оширилган таққосланадиган бир турдаги битимлар бўйича сотишдан олинган фойда (зарар) суммасини тақсимлаш ҳақидаги ахборот мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Назорат қилинадиган битим бўйича фойдани (зарарни) тақсимлашнинг мазкур тартибидан фойдаланишга қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя қилинганда йўл қўйилади:

1) назорат қилинадиган битим тарафларининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари таққосланадиган битимлар тарафларининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланадиган бўлиши ёхуд зарур тузатишлар воситасида таққосланадиган турга мос келтирилган бўлиши керак;

2) назорат қилинадиган битим тарафлари активларининг жами рентабеллиги таққосланадиган битимлар тарафларининг жами рентабеллигидан сезиларли тарзда фарқ қилмаслиги ёхуд зарур тузатишлар воситасида таққосланадиган турга мос келтирилиши керак.

Агар назорат қилинадиган битим тарафининг ҳақиқий фойдаси фойдани тақсимлаш усули билан ҳисоб-китоб қилинган фойдадан кўп ёки унга тенг бўлса ёхуд агар ушбу тараф томонидан кўрилган зарар бундай усул билан ҳисоб-китоб қилинган зарардан кам ёки унга тенг бўлса, ушбу тарафда солиқ солиш мақсадида тегишинча ҳақиқатда олинган фойда ёхуд ҳақиқатда кўрилган зарар қабул қилинади.

Агар назорат қилинадиган битим тарафининг ҳақиқий фойдаси фойдани тақсимлаш усули билан ҳисоб-китоб қилинган фойдадан кам бўлса, солиқ солиш мақсадида унинг учун бундай усул билан ҳисоб-китоб қилинган фойда қабул қилинади.

Агар назорат қилинадиган битим тарафининг ҳақиқий зарари фойдани тақсимлаш усули билан ушбу тараф учун ҳисоб-китоб қилинган зарардан кўп бўлса, солиққа тортиш мақсадида унинг учун бундай усул билан ҳисоб-китоб қилинган зарар қабул қилинади.

Ушбу модданинг ўн олтинчи ва ўн еттинчи қисмларига мувофиқ солиққа тортиш мақсадида ҳисобга олинган фойдани (зарарни) солиқ тўловчи томонидан ҳақиқатда олинган фойда (зарар) билан таққослаш асосида, фойда солиғи солиқ тўловчининг фойдасига (зарарига) тузатиш амалга оширилади.

Солиққа тортиш мақсадида фойдани тақсимлаш усули билан ҳисоб-китоб қилинган фойдани (зарарни) ушбу модданинг ўн бешинчи – ўн саккизинчи қисмлари асосида қўллаш, агар бу ушбу ҳолат бюджет тизимида тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг камайишига ёки солиқ тўловчининг зарари суммаси ошишига олиб келмаса, амалга оширилади.

24-боб. Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати

193-модда. Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати мақсадида ахборотни тайёрлаш ва тақдим этиш

Солиқ тўловчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг талабига кўра мазкур талабда кўрсатилган аниқ битимга (бир турдаги битимлар гуруҳига) тааллуқли ҳужжатларни тақдим этади. Ҳужжатлар деганда ҳужжатлар мажмуи ёки эркин шаклда тузилган ягона ҳужжат (агар бундай ҳужжатларни белгиланган шаклда тузиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса) тушунилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар назорат қилинадиган битимни (бир турдаги битимлар гуруҳини) амалга оширган солиқ тўловчининг (бошқа шахсларнинг) фаолияти тўғрисидаги, ушбу битим билан боғлиқ бўлган куйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

1) назорат қилинадиган битим ўзи билан амалга оширилган шахсларнинг рўйхати (улар солиқ резиденти бўлган давлатлар ва ҳудудларни кўрсатган ҳолда), битимнинг тавсифи, унинг шартлари, жумладан нархни белгилаш усулининг тавсифи (мавжуд бўлса), тўловларни амалга ошириш шартлари ва муддатлари ҳамда битим ҳақидаги бошқа ахборот;

2) битим тарафлари бўлган шахсларнинг вазифалари ҳақидаги (солиқ тўловчи томонидан функционал таҳлил ўтказилган тақдирда), улар томонидан фойдаланиладиган, ушбу назорат қилинадиган битим билан боғлиқ бўлган активлар тўғрисидаги ва улар томонидан қабул қилинаётган, солиқ тўловчи битим тузишда инобатга олган иқтисодий (тижорат) таваккалчиликлар ҳақидаги маълумотлар.

Агар солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 23-бобида назарда тутилган усуллардан фойдаланган бўлса, ҳужжатларга фойдаланилган усуллар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар киритилади:

1) фойдаланилаётган усулни танлаш ва қўллаш усули сабабларининг асоси;

2) фойдаланилаётган ахборот манбаларига ҳавола;

3) таққосланадиган битимларни танлаш учун фойдаланилган ёндашувни тавсифлаган ҳолда, назорат қилинаётган битим бўйича бозор нархлари оралиғининг (рентабеллик оралиғининг) ҳисоб-китоби;

4) назорат қилинадиган битим амалга оширилиши натижасида олинган даромадларнинг (фойданинг) суммаси ва (ёки) амалга оширилган харажатларнинг (кўрилган зарарларнинг) суммаси, олинган рентабеллик;

5) назорат қилинадиган битимдан уни амалга оширган шахс томонидан ахборотни, интеллектуал фаолият натижаларини, корхонани, унинг маҳсулотини ва хизматларини индивидуаллаштириш белгиларига (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларига) бўлган ҳуқуқларни ва бошқа мутлақ ҳуқуқларни (тегишли ҳолатлар мавжуд бўлганда) қабул қилиш натижасида олинадиган иқтисодий наф ҳақидаги маълумотлар;

6) назорат қилинадиган битимнинг нархига (рентабеллигига) таъсир кўрсатган бошқа омиллар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан назорат қилинадиган битимни тузган шахснинг бозор стратегияси тўғрисидаги маълумотлар, агар ушбу бозор стратегияси назорат қилинадиган битим нархига (рентабеллигига) таъсир кўрсатган бўлса;

7) солиқ тўловчи томонидан солиқ базасига ва солиқ суммасига ушбу Кодекс 177-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ киритилган тузатишлар.

Солиқ тўловчи назорат қилинадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари мустақил шахсларнинг таққосланадиган битимлари шартларига мос келишини тасдиқловчи бошқа ахборотни мазкур шартларни таққослашни таъминлаш учун киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар солиқ тўловчидан назорат қилинадиган битимлар тузилган қалендарь йилдан кейинги йилнинг 1 июнидан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан талаб қилиниши мумкин.

Ушбу модда биринчи – тўртинчи қисмларининг қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

1) агар битимларнинг нархлари юзасидан ушбу Кодекс 178-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ монополияга қарши органлар томонидан кўрсатма белгиланган ёки нарх тартибга солинадиган бўлса ва ушбу Кодекс 179-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ қўлланилса;

2) агар битим назорат қилинмайдиган бўлса;

3) қимматли қоғозларга доир ва қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир битимлар тузилса;

4) ушбу Кодекснинг 25-бобига мувофиқ солиқ солиш мақсадида нархни белгилаш тўғрисидаги келишув тузилган битимлар амалга оширилса.

Солиқ тўловчи ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган битимлар бўйича мазкур ҳужжатларни ихтиёрий равишда тақдим этишга ҳақли.

Солиқ органларига тақдим этиладиган ҳужжатларнинг батафсиллиги ва асосланганлиги битимнинг мураккаблигига ҳамда унинг нархи шаклланишига (битимлар тарафларининг рентабеллигига) мутаносиб бўлиши керак.

194-модда. Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати

Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати доирасида назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текшириш (бундан буён ушбу бобда текширув деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан унинг жойлашган ери бўйича ўтказилади.

Текширув ушбу Кодекснинг 182-моддасига мувофиқ юборилган назорат қилинадиган битимлар ҳақидаги билдиришнома ёки ҳудудий солиқ органининг хабарномаси асосида, шунингдек солиқ текширувини ўтказиш натижасида назорат қилинадиган битим аниқланган тақдирда ўтказилади.

Текширувларни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Кодекснинг 150–152-моддаларида белгиланган солиқ назорати тадбирларини ўтказишга ҳақли.

Назорат қилинадиган битимлар нархларининг бозор нархларига мувофиқлигини назорат қилиш Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ёки ҳудудий солиқ органлари томонидан ўтказиладиган солиқ назоратининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, назорат қилинадиган битта битимга (бир хил битимлар гуруҳига) нисбатан айнан бир календарь йил учун икки ва ундан ортиқ текширув ўтказишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан назорат қилинадиган битта битимга (бир хил битимлар гуруҳига) нисбатан такрорий текширув ўтказишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

1) солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 177-моддасига мувофиқ солиқ суммаси илгари солиқ ҳисоботида баён этилганидан кўра камроқ миқдорда (зарар суммаси – каттароқ миқдорда) аке этирилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этганда;

2) солиқ тўловчи томонидан назорат қилинадиган битим ҳақида илгари тақдим этилган ахборотда номутаносиблик аниқланганда.

Текширув доирасида текширув ўтказиш тўғрисидаги қарор чиқарилган йилдан аввалги беш календарь йилдан ошмайдиган даврда тузилган назорат қилинадиган битимлар текширилиши мумкин.

Солиқ тўловчи томонидан тузилган битимга нисбатан текширув ўтказиш ушбу солиқ тўловчининг солиқ текширувларини ҳамда мазкур битим тузилган солиқ даври учун солиқ мониторингини ўтказишга тўсқинлик қилмайди.

Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати тадбирларини амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан олинган материаллар ва маълумотлардан текшириладиган назорат қилинадиган битим иштирокчилари бўлган бошқа шахсларни текширишда фойдаланилиши мумкин.

195-модда. Трансферт нархни белгилашда солиқ назоратини ўтказиш тартиби

Текширув Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида унинг мансабдор шахслари томонидан ўтказилади.

Текширув ўтказиш тўғрисидаги қарор, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 182-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган билдиришнома ёки хабарнома олинган кундан эътиборан тўрт йилдан кечиктирмай чиқарилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қабул қилинганлиги тўғрисида у қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида солиқ тўловчини хабардор қилади.

Агар солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 177-моддасига мувофиқ солиқ суммаси солиқ ҳисоботида илгари берилганидан кўра кам миқдорда (зарар суммаси – каттароқ миқдорда) акс эттирган ҳолда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этган бўлса, текширув ўтказиш тўғрисидаги қарор ушбу аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан тўрт йилдан кечиктирмай чиқарилиши мумкин. Бунда текширув фақат тузатиш киритиш амалга оширилган назорат қилинадиган битимга нисбатан ўтказилади.

Текширув олти ойдан ошмайдиган муддатда ўтказилади.

Текширув ўтказиш муддати уни ўтказиш тўғрисида қарор чиқарилган кундан эътиборан ва бундай текширув ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотнома тузилган кунга қадар ҳисоблаб чиқарилади.

Алоҳида ҳолларда, текшириш ўтказишнинг мазкур муддати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига кўра ўн икки ойгача узайтирилиши мумкин.

Текширув ўтказиш муддатини узайтириш асосларини ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилайди.

Чет давлат органларидан ахборот олиш, солиқ тўловчи томонидан чет тилида тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва (ёки) ўзбек ёки рус тилига таржима қилиш зарур бўлган тақдирда, текширув ўтказиш муддати қўшимча равишда олти ойдан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин.

Агар текширув чет давлат органларидан ахборот олиш учун узайтирилган бўлса ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сўралаётган ахборотни олти ой ичида ололмаган бўлса, мазкур текширувни узайтириш муддати қўшимча равишда уч ойга кўпайтирилиши мумкин.

Текширув ўтказиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси солиқ тўловчига қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида юборилади.

Агар назорат қилинадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартларининг мустақил шахслар ўртасидаги таққосланадиган битимларнинг шартлари билан таққосланишини аниқлаш учун солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 23-бобида кўрсатилган усулларни ёки уларнинг комбинациясини қўллаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси текширувни амалга ошириш чоғида солиқ тўловчи томонидан қўлланилган усулни (усуллар комбинациясини) қўллайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси назорат қилинадиган битимни тузиш шартларидан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчи томонидан қўлланилган усул (усуллар комбинацияси) назорат қилинадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартларининг мустақил шахслар ўртасидаги таққосланадиган битимлар шартлари билан таққосланиши мумкинлиги ёки таққослана олмаслиги тўғрисида асосланган хулоса чиқаришга имкон бермаслигини исботласа, бошқа усул (усуллар комбинацияси) қўлланилиши мумкин.

Текширув давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Кодекснинг 23-бобида назарда тутилмаган бошқа усулларни қўллашга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Кодекснинг 146-моддасида назарда тутилган тартибда солиқ тўловчига текшириладиган битимга (бир хил битимлар гуруҳига) нисбатан ушбу Кодекснинг 193-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиш ҳақидаги талабномани йўллашга ҳақли.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар тегишли талабнома олинган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ичида солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг текширув ўтказиладиган мансабдор шахси текшириладиган битимларнинг ушбу битимларга тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган иштирокчиларидан ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилишга ҳақли.

Хужжатларни (ахборотни) бундай талаб қилиш хужжатларни талаб қилишнинг ушбу Кодекснинг 147-моддасида белгиланган тартибига ўхшаш тартибда амалга оширилади.

Текширувнинг охири кунида текширувчи ўтказилган текширув тўғрисидаги маълумотномани тузиши шарт бўлиб, унда текширув предмети ва уни ўтказиш муддатлари қайд этилади.

Ўтказилган текширув тўғрисидаги маълумотнома ўзига нисбатан бундай текширув ўтказилган шахсга ёки унинг вакилига имзо қўйдириб топширилади ёки у олинган сана ҳақида далолат берувчи бошқа усулда топширилади.

Агар солиқ тўловчи (унинг вакили) ўтказилган текширув тўғрисидаги маълумотномани олишдан бош тортса, мазкур маълумотнома солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Ўтказилган текширув тўғрисидаги маълумотнома почта орқали буюртма хат билан юборилганда, буюртма хат юборилган санадан эътиборан ҳисоблаганда бешинчи кун у топширилган сана деб ҳисобланади.

Агар текширув натижаларига кўра солиқ суммасининг камайишига (зарар суммасининг ошишига) олиб келган, назорат қилинадиган битим нархининг бозор нархларидан четга чиқиши фактлари аниқланган бўлса, текширувни ўтказган ваколатли мансабдор шахслар белгиланган шаклдаги текширув далолатномасини текширув тўғрисидаги маълумотнома тузилган кундан эътиборан икки ой ичида тузиши керак.

Текширув далолатномаси текширувни ўтказган мансабдор шахслар ва ўзига нисбатан ушбу текширув ўтказилган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ўзига нисбатан текширув ўтказилган шахс ёки унинг вакили текширув далолатномасини имзоланиши рад этган тақдирда ушбу далолатномага бу ҳақда тегишли ёзув киритилади.

Текширув далолатномаси ушбу Кодекснинг 156-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган талаблар ҳисобга олинган ҳолда тузилади.

Текширув далолатномаси назорат қилинадиган битим нархининг бозор нархлари оралиғи чегарасидан чиқишининг хужжатлар билан тасдиқланган фактларини ҳам, шунингдек ушбу ҳолат солиқ суммасининг камайишига (зарар суммасининг ошишига) олиб келганлигининг асосланишини ва бундай камайиш (кўпайиш) суммасининг ҳисоб-китобини ўз ичига олиши керак.

Текширув далолатномаси ўзига нисбатан текширув ўтказилган шахсга у тузилган санадан эътиборан беш кун ичида ёки ушбу шахснинг вакилига имзо қўйдириб топширилиши ёки олинган сана ҳақида далолат берувчи бошқа усулда топширилиши керак.

Агар ўзига нисбатан текширув ўтказилган шахс ёки унинг вакили текширув далолатномасини олишдан бош тортса, ушбу факт текширув далолатномасида акс этирилади ва текширув далолатномаси юридик

шахснинг жойлашган ери ёки жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Текширув далолатномаси почта орқали буюртма хат билан юборилганда, буюртма хат юборилган санадан эътиборан ҳисоблаганда бешинчи кун у олинган сана деб ҳисобланади.

Ўзига нисбатан текширув ўтказилган шахс (унинг вакили) текширув далолатномасида баён қилинган фактларга ва (ёки) текширувчиларнинг хулосалари ҳамда таклифларига рози бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига умуман мазкур далолатнома бўйича ёки унинг алоҳида қисмлари бўйича ёзма эътирозларини тақдим этишга ҳақли.

Бунда мазкур шахс ўз эътирозларининг асосланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини) ёзма эътирозларига илова қилишга ёки келишилган муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига топширишга ҳақли.

Бундай эътирозлар солиқ текшируви далолатномаси олинган кундан эътиборан йигирма календарь кун ичида тақдим этилади.

Солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган далолатномани, бошқа текширув материалларини ва далолатномага доир ёзма эътирозларни кўриб чиқиш, шунингдек текширув натижаларига кўра қарор қабул қилиш ушбу Кодекснинг 158–160-моддаларида назарда тутилган материалларни кўриб чиқиш ва солиқ текшируви натижалари бўйича қарор қабул қилиш тартибига ўхшаш тартибда амалга оширилади.

25-боб. Солиқ солиш мақсадларида нархни белгилаш тўғрисидаги битим

196-модда. Солиқ солиш мақсадларида нархни белгилаш тўғрисидаги битим ҳақидаги умумий қондалар

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган Ўзбекистон Республикаси юридик шахси (бундан буён ушбу бобда солиқ тўловчи деб юритилади) солиқ солиш мақсадида нархни белгилаш тўғрисидаги битим (бундан буён матнда нархни белгилаш тўғрисидаги битим деб юритилади) тузиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига мурожаат қилишга ҳақли.

Солиқ тўловчи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўртасида тузилган, ўзининг амал қилиши муддати давомида солиқ солиш мақсадида назорат қилинадиган битимларда нархларни аниқлаш ва (ёки) нархларни белгилаш усулларини қўллаш тартиби тўғрисидаги битим нархни белгилаш тўғрисидаги битим деб ҳисобланади.

Нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг мақсади солиқ тўловчи томонидан тузиладиган битимларда бозор нархларини қўллашдан иборатдир.

Нархни белгилаш тўғрисидаги битим предмети қуйидагилардан иборат:

- 1) назорат қилинадиган битимларнинг ҳамда ўзига нисбатан нархни белгилаш тўғрисидаги битим тузиладиган товарларнинг (хизматларнинг) турлари ва (ёки) рўйхатлари;
- 2) солиқ солиш мақсадида нархларни аниқлаш тартиби ва (ёки) нархни белгилаш усуллари (формулаларининг) тавсифи ҳамда уларнинг қўлланилиш тартиби;
- 3) битимлар нархларининг нархни белгилаш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқлигини аниқлашда фойдаланиладиган ахборот манбаларининг рўйхати;
- 4) нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати;
- 5) нархни белгилаш тўғрисидаги битим шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг рўйхати, уларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари.

Тарафларнинг келишуви бўйича бошқа шартлар ҳам нархни белгилаш тўғрисидаги битим предмети бўлиши мумкин.

197-модда. Нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг тарафлари

Солиқ тўловчи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси номидан унинг раҳбари (раҳбар ўринбосари), агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, нархни белгилаш тўғрисидаги битим тарафларидир.

Агар ташқи савдо битимига нисбатан нархларни белгилаш тўғрисида тарафлардан ҳеч бўлмаганда бири чет давлатнинг солиқ резиденти ҳисобланиб, битим тузиш назарда тутилса, солиқ тўловчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига бундай чет давлат ижро этувчи ҳокимиятининг ваколатли органи иштирокида нархни белгилаш тўғрисида шундай битим тузиш ҳақидаги ариза билан мурожаат этишга ҳақли. Чет давлат ижро этувчи ҳокимиятининг ваколатли органи иштирокидаги бундай битимни тузиш, башарти ушбу давлат билан иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш мақсадида шартнома (битим) тузилса, мумкин бўлади. Нархни белгилаш тўғрисидаги бундай битимларни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Агар бир турдаги назорат қилинадиган битимлар Ўзбекистон Республикасининг бир нечта ўзаро боғлиқ юридик шахси (юридик шахслар гуруҳи) ўртасида тузилса, мазкур юридик шахслар билан нархни белгилаш тўғрисида кўп томонлама битим тузилиши мумкин. Бундай битимнинг шартлари ушбу битимни тузган барча юридик шахслар гуруҳига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Кодекснинг тегишинча 199 ва 200-моддаларида белгиланган тартибда нарх белгилаш тўғрисидаги битимни тузишда, унинг шартларини ўзгартиришда ва унинг шартлари бажарилиши юзасидан текшириш ўтказишда юридик шахслар гуруҳининг умумий манфаатларини ушбу гуруҳдан битта юридик шахс ифодалаши мумкин. Бундай шахснинг ваколатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган ишончномалар билан тасдиқланади.

Нархни белгилаш тўғрисида битим тузган солиқ тўловчи битим қайси шахслар билан тузилаётган бўлса, ўша шахсларни бундай битим тузилганлиги факти ҳақида ва унда белгиланган, солиққа тортиш мақсадида қўлланиладиган нархни аниқлаш тартиби тўғрисида хабардор қилишга ҳақли.

198-модда. Нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати

Нархни белгилаш тўғрисидаги битим битта битим ёки айти бир предметга эга бўлган бир нечта битим (бир турдаги битимлар гуруҳи) бўйича уч йилдан ошмайдиган муддатга тузилиши мумкин.

Нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши солиқ тўловчи мазкур битим кучга кирган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига битим тузиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган календарь йилнинг биринчи санасидан эътиборан ўтган даврга нисбатан татбиқ этилади.

Солиқ тўловчи, агар у нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг барча шартларига риоя этса, нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига мурожаат қилишга ҳақли.

Нархни белгилаш тўғрисидаги битим тарафларнинг келишувига кўра ушбу Кодекснинг 199-моддасида назарда тутилган тартибда икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Нархни белгилаш тўғрисидаги битим, агар бевосита мазкур битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, битим имзоланган йилдан кейинги календарь йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

199-модда. Нархни белгилаш тўғрисидаги битимни тузиш тартиби

Солиқ тўловчининг нархни белгилаш тўғрисидаги битимни тузиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилган аризасига солиқ тўловчи томонидан қуйидагилар илова қилинади:

- 1) нархни белгилаш тўғрисидаги битим лойиҳаси;
- 2) солиқ тўловчининг назорат қилинадиган битимлар билан боғлиқ фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар, шунингдек солиқ тўловчи томонидан

нархни белгилаш тўғрисида битим тузиш таклиф қилинаётган назорат қилинадиган битимлар ҳақидаги ҳужжатлар;

3) солиқ тўловчи таъсис ҳужжатларининг кўчирма нусхалари;

4) солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

5) солиқ тўловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган жойдаги солиқ органида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

6) солиқ тўловчининг охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисоботи;

7) нархни белгилаш тўғрисидаги битимни тузишда аҳамиятга эга ахборот мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, эркин шаклда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ тўловчидан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган, нарх белгилаш ҳақидаги битим мақсади учун зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ тўловчи томонидан ушбу модданинг биринчи – учинчи қисмларига мувофиқ тақдим этилган аризани ва бошқа ҳужжатларни улар олинган кундан эътиборан олти ойдан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқади. Мазкур муддат тўққиз ойга қадар узайтирилиши мумкин.

Солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатини узайтириш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи – учинчи қисмларига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) нархни белгилаш тўғрисидаги битимни тузиш ҳақидаги қарор;

2) нархни белгилаш тўғрисидаги битимни тузишни рад этиш ҳақидаги асослантилган қарор;

3) нархни белгилаш тўғрисидаги битим лойиҳасини маромига етказиш зарурлиги ҳақидаги қарор.

Тегишли қарор солиқ тўловчига (унинг вакилига) қабул қилинган санадан эътиборан беш кун ичида юборилади.

Нархни белгилаш тўғрисида битим тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинган тақдирда, қарорда битим имзоланган жой, сана ва вақт кўрсатилади.

Такроран тақдим этилган битим лойиҳаси бўйича қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан уч ой ичида қабул қилинади.

Қуйидагилар нархни белгилаш тўғрисида битим тузишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш учун асос бўлади, хусусан:

1) ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги ёки тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги;

2) нархни белгилаш тўғрисидаги битим лойиҳасида таклиф этилган нархларни аниқлаш тартибини ва (ёки) нархни белгилаш усулларини қўллаш натижасида битимлар нархларининг бозор нархларига мувофиқлиги таъминланмаслиги ҳақидаги асослантирилган хулоса.

Нархни белгилаш тўғрисида тузилган битимнинг кўчирма нусхаси солиқ тўловчи ҳисобда турган жойдаги солиқ органига ушбу битим имзоланган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан юборилади.

Солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилган нархни белгилаш тўғрисида битим тузиш ҳақидаги аризани унинг ўзи чақириб олиши мумкин.

Нархни белгилаш тўғрисидаги битим ушбу моддада назарда тутилган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

200-модда. Нархин белгилаш тўғрисидаги битимнинг бажарилишини текшириш

Нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг солиқ тўловчи томонидан бажарилишини текшириш ушбу Кодекснинг 24-бобида назарда тутилган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Агар солиқ тўловчи ўзи тузган нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг барча шартларига риоя қилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси мазкур битимда нархлари (нархларни аниқлаш усуллари) келишилган назорат қилинадиган битимларга нисбатан солиқларнинг, пеняларнинг ёки жарималарнинг қўшимча ҳисобланишини ёхуд зарар суммаларини камайтиришни назарда тутадиган қарорни қабул қилишга ҳақли эмас.

201-модда. Нархни белгилаш тўғрисидаги битимни тугатиш тартиби

Нархни белгилаш тўғрисидаги битим унинг амал қилиш муддати ўтганидан кейин тугатилади ёки ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Солиқ тўловчи нархни белгилаш тўғрисидаги битимни унинг амал қилиши муддати давомида солиқларнинг тўлиқ тўланмаслигини келтириб чиқарган ҳолда бузган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ

қўмитаси раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига кўра ушбу битим муддатидан олдин тугатилади.

Нархни белгилаш тўғрисидаги битим тарафларнинг келишувига ёки суднинг қарорига кўра ҳам муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг нархни белгилаш тўғрисидаги битимни тугатиш ҳақидаги қарори солиқ тўловчига (унинг вакилига) ундан тилхат олинган ҳолда топширилади ёки унга қарор олинган сана тўғрисида далолат берувчи бошқа усул билан берилади ёхуд солиқ тўловчига тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилган қарор ушбу буюртма хат юборилган кундан эътиборан беш кун ўтгач олинган деб ҳисобланади.

Солиқ тўловчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг нархни белгилаш тўғрисидаги битимни тугатиш ҳақидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

202-модда. Нархни белгилаш тўғрисидаги битим шартларининг барқарорлиги

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганда нархни белгилаш ҳақидаги битимнинг нархни белгилаш тўғрисида битим тузиш, унга ўзгартишлар киритиш ва унинг амал қилишини тугатишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш қисмига тааллуқли шартлари ўзгаришсиз қолади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчининг фаолиятига ва нарх белгилашга таъсир қилувчи ўзгартиришлар бўлган тақдирда, битим тарафлари нархни белгилаш тўғрисидаги битимнинг матнига тегишли ўзгартишлар киритишга ҳақли.

VII БЎЛИМ.

НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ФОЙДАСИГА СОЛИҚ СОЛИШ ШАРТЛАРИ ВА УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

26-боб. Назорат қилинадиган чет эл компанияларининг фойдасига солиқ солишнинг умумий қоидалари

203-модда. Назорат қилинадиган чет эл компанияларининг фойдасига солинадиган солиқни тўловчи шахслар

Агар ушбу бўлимда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари назорат қилинадиган чет эл компанияларининг тақсимланмаган фойдасидан ушбу Кодекста белгиланган тартибда солиқ тўлаши шарт.

Чет эл компанияларини назорат қилинадиган чет эл компаниялари деб эътироф этиш тартиби ҳамда юридик ва жисмоний шахсларни бундай чет эл компанияларини назорат қилувчи шахслар деб эътироф этиш тартиби ушбу Кодекснинг тегишинча 39 ва 40-моддаларида белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти назорат қилинадиган чет эл компаниясини назорат қилувчи шахс деб эътироф этилса, у ушбу назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тақсимланмаган фойдасини ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган ўз даромадлари таркибига киритиши шарт. Юридик шахслар мазкур тақсимланмаган фойдани фойда солиғи базасига, жисмоний шахслар эса – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базасига киритади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қоидалар ҳар бир назорат қилинадиган чет эл компаниясига нисбатан унинг ҳар бир назорат қилувчи шахси томонидан алоҳида қўлланилади.

Ушбу Кодекснинг 204-моддасида назарда тутилган ҳолларда назорат қилинадиган чет эл компанияларининг тақсимланмаган фойдаси ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишдан озод қилинади.

204-модда. Назорат қилинадиган чет эл компанияларининг фойдасини солиқ солишдан озод қилиш

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси, агар ушбу чет эл компаниясига нисбатан қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, ушбу модда қоидалари ҳисобга олинган ҳолда, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишдан озод қилинади:

1) у ўзи ташкил қилинган чет давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ нотижорат ташкилоти бўлиб, олинган фойдани (даромадни) акциядорлар (иштирокчилар, таъсисчилар) ёки бошқа шахслар ўртасида тақсимламайдиган бўлса;

2) у актив чет эл компанияси ёки актив чет эл ҳолдинг компанияси бўлса;

3) ушбу чет эл компанияси учун даромадларни (фойдани) бундай компания доимий жойлашган давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий йил учун молиявий ҳисобот тузиладиган давр якунлари бўйича ушбу Кодекснинг 207-моддасига мувофиқ аниқланадиган солиқ солишнинг самарали ставкаси ушбу Кодекснинг 337-моддаси 12-бандида кўрсатилган фойдадан олинадиган солиқ ставкаси миқдоридан кам бўлмаган миқдорни ташкил этса;

4) у чет давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ банк ёки суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ёхуд бошқа махсус рухсатнома асосида фаолият юритадиган банк ёки суғурта ташкилоти бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси, агар бундай чет эл компанияси доимий жойлашган давлат (ҳудуд) ушбу Кодекснинг

181-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган офшор юрисдикциялар рўйхатига киритилмаган бўлса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишдан озод қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисми 3 ва 4-бандларида кўрсатилган назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси, агар Ўзбекистон Республикаси билан солиқ солиш масалалари бўйича халқаро шартномаси мавжуд бўлган давлат (ҳудуд) бундай чет эл компанияси доимий жойлашган ер бўлса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишдан озод қилинади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясини актив чет эл компанияси ёки актив чет эл холдинг компанияси деб эътироф этиш қоидалари ушбу Кодекснинг 205-моддасида белгиланади.

Фойда солиғи бўйича даромадга (фойдага) солиқ солишнинг самарали ставкасини ҳисоб-китоб қилиш қоидалари ушбу Кодекснинг 207-моддасида белгиланади.

Актив чет эл холдинг компаниясининг фойдаси ушбу Кодекснинг 205-моддасида кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси – бундай актив чет эл холдинг компаниясини назорат қилувчи шахс учун солиқ солишдан озод қилинади. Мазкур актив чет эл холдинг компаниясининг фойдаси Ўзбекистон Республикасининг ушбу юридик шахсида – ушбу актив чет эл холдинг компаниясини назорат қилувчи шахсда бевосита ёки билвосита иштирок этувчи ушбу чет эл холдинг компаниясини назорат қилувчи бошқа шахсларда ҳам озод қилинади. Ушбу фойда бундай шахсларнинг мазкур назорат қилувчи шахсда иштирок этиш улушига мувофиқ миқдорда солиқ солишдан озод қилинади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясини фойда солиғи солишдан ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган асосларга кўра ушбу Кодексга мувофиқ озод қилиш ҳуқуқи ҳужжат билан тасдиқланиши керак. Мазкур ҳуқуқни тасдиқлаш учун ушбу назорат қилинадиган чет эл компаниясини назорат қилувчи шахс бўлган солиқ тўловчи ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига бундай солиқдан озод қилиш шартларига риоя қилинишини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Бу ҳужжатлар ушбу Кодекснинг 209-моддаси иккинчи – бешинчи қисмларида назарда тутилган муддатда тақдим этилади ва унинг назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини солиқ солишдан озод қилиш ҳуқуқини берувчи шартларга риоя этилишини тасдиқлаш учун зарур бўлган қисми давлат тилига таржима қилиниши лозим.

205-модда. Актив чет эл компаниялари ва актив чет эл холдинг компаниялари

Ўзининг молиявий ҳисоботи маълумотларига кўра молия йилида пассив фаолиятдан олинган даромадларининг улуши кўрсатилган давр учун даромадларининг умумий суммасида 20 фоиздан кўп бўлмаган миқдорни

ташқил этган чет эл юридик шахси ушбу Кодекснинг мақсадида актив чет эл компанияси деб эътироф этилади.

Устав фондида (устав капиталида) Ўзбекистон Республикаси юридик шахси бўлган назорат қилувчи шахснинг бевосита иштирок этиш улуши кетма-кет келадиган камида уч юз олтмиш беш календарь кун ичида камида 75 фоизни ташқил этган чет эл юридик шахси ушбу Кодекснинг мақсадида чет эл холдинг компанияси деб эътироф этилади.

Агар чет эл холдинг компаниясига нисбатан қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя қилинса, ушбу чет эл холдинг компанияси ушбу Кодекснинг мақсадида актив чет эл холдинг компанияси деб эътироф этилади:

1) унинг пассив фаолиятдан олинган даромадларининг (бундан актив чет эл компаниясидан олинган дивидендлар мустасно) улуши молия йилида молиявий ҳисобот маълумотларига кўра ўз даромадлари умумий суммасининг 5 фоизидан ошмаса;

2) ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган улушни ҳисоб-китоб қилишда дивидендлари пассив фаолиятдан олинган даромадлар таркибидан чиқариладиган ҳар бир актив чет эл компаниясининг устав фондида (устав капиталида) унинг бевосита иштирок этиш улуши кетма-кет келадиган камида уч юз олтмиш беш календарь кун ичида камида 50 фоизни ташқил этса.

Ушбу модданинг мақсадида молия йили деганда, чет эл юридик шахси ташқил этилган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисобот тузиладиган вақт даври молиявий йил, унинг молиявий ҳисоботи деганда эса ушбу юридик шахснинг консолидация қилинмаган молиявий ҳисоботи тушунилади.

Қайси фаолият турини амалга оширишдан олинган даромад солиқ солиш мақсадида пассив фаолиятдан олинган даромад деб қаралиши ушбу Кодекснинг 206-моддасига мувофиқ аниқланади.

206-модда. Актив ва пассив фаолиятдан олинадиган даромадлар

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг даромадларини аниқлашда ушбу Кодекснинг мақсадида унинг қуйидаги даромадлари ҳисобга олинади:

1) ушбу чет эл компанияси томонидан олинган дивидендлар;

2) юридик шахсларнинг, бошқа шахсларнинг ёки улар бирлашмаларининг фойдасини ёки мол-мулкни тақсимлаш натижасида, шу жумладан уларни тугатиш чоғида тақсимлаш натижасида олинадиган даромадлар;

3) ҳар қандай турдаги қарз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан фойдада иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган облигациялар ва айирбошланадиган облигациялар бўйича фоизли даромад;

4) роялти;

5) чет эл ҳуқуқи бўйича юридик шахс бўлмаган чет эл ташкилотида акцияларни (улушларни) реализация қилишдан ва (ёки) ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказишдан олинadиган даромадлар;

6) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига (ҳосила молиявий воситаларига) доир операциялар бўйича даромадлар;

7) кўчмас мулкни реализация қилишдан олинadиган даромадлар;

8) мол-мулкни ижарага ёки иккиламчи ижарага беришдан олинadиган даромадлар, шу жумладан лизинг операцияларидан олинadиган даромадлар, бундан денгиз ёки хаво кемаларини ва (ёки) транспорт воситаларини, шунингдек халқаро ташишларда фойдаланиладиган контейнерларни ижарага ёки иккиламчи ижарага беришдан олинadиган даромадлар мустасно. Бунда лизинг олувчи томонидан лизинг предметини олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ лизинг операцияларидан олинadиган даромад лизинг тўловининг лизинг берувчига лизингга берилган мол-мулк қийматини тўлашни чиқариб ташланган ҳолдаги барча суммасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади;

9) инвестиция пай фондларининг инвестиция пайларини реализация қилишдан (шу жумладан тўланишидан) олинadиган даромадлар;

10) маслаҳат бериш, юридик, бухгалтерлик, аудиторлик, инжиниринг, реклама, маркетинг хизматлари, ахборотга ишлов бериш хизматлари кўрсатишдан, шунингдек илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширишдан олинadиган даромадлар;

11) ходимларни тақдим этишга оид хизматлардан олинadиган даромадлар;

12) ушбу модда биринчи қисмининг 1–11-бандларида кўрсатилган даромадларга ўхшаш бўлган бошқа даромадлар;

13) бошқа даромадлар.

Ушбу Кодекснинг мақсадида ушбу модданинг биринчи қисми 1–12-бандларида кўрсатилган даромадлар *пассив* фаолиятдан олинadиган даромадлар деб, ушбу модданинг биринчи қисми 13-бандида кўрсатилган даромадлар *актив* фаолиятдан олинadиган даромадлар деб эътироф этилади.

Агар бунда чет эл компаниясининг асосий фаолияти ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида кўрсатилган даромадларни олишга йўналтирилган бўлса ва чет давлатнинг (ҳудудининг) қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус лицензия асосида амалга оширилса, кўрсатилган даромадлар *актив* фаолиятдан олинadиган даромадлар жумласига киритилиши мумкин. Хусусан, банклар учун бундай даромадлар *актив* фаолиятдан олинadиган даромадлар деб эътироф этилади.

207-модда. Даромадларга (фойдага) солиқ солишнинг самарали ставкаси

Чет эл компанияси мансуб бўлган давлат (ҳудуд) қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл компанияси ва унинг алоҳида бўлинмалари томонидан

ҳисоблаб чиқарилган даромад (фойда) солиғи ҳамда бундай даромадларнинг тўлов манбаида ушбу компания даромадларидан (фойдасидан) ушлаб қолинган даромад (фойда) солиғи суммасининг чет эл компаниясининг унинг алоҳида бўлинмалари билан биргаликдаги даромадининг (фойдасининг) умумий суммасига нисбати чет эл компаниясининг даромадларига (фойдасига) солиқ солишнинг самарали ставкаси ҳисобланади.

Даромад (фойда) солиғи суммасини ҳисоб-китоб қилиш чоғида солиқ тўловчи чет эл компаниясининг унинг алоҳида бўлинмалари билан биргаликдаги даромадининг (фойдасининг) умумий суммасини ҳисоб-китоб қилиш чоғида инобатга олинган даромадлар (фойда) жумласига кирувчи ва чет эл ташкилотининг чет эл компанияси мансуб бўлган давлат (ҳудуд) қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) чет эл компаниясининг унинг алоҳида бўлинмалари билан биргаликдаги даромадининг (фойдасининг) умумий суммаси ҳисоблаб чиқарилган даврдан фарқ қилувчи бошқа даврларда ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқлар суммасига тузатиш киритишга ҳақли.

Агар солиқ даври яқунлари бўйича чет эл компаниясида даромадлар мавжуд бўлмаса ёки даромадининг (фойдасининг) умумий суммаси манфий ёхуд нолга тенг бўлса, самарали солиқ ставкасини ҳисоб-китоб қилиш амалга оширилмайди, назорат қилинадиган чет эл компанияси эса ушбу Кодекснинг 204-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган шартларни қаноатлантирувчи деб эътироф этилади.

208-модда. Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини солиқ солишда ҳисобга олиш тартиби

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг ушбу Кодекснинг XI бўлимига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинган фойдаси (зарари) суммаси ушбу Кодекснинг мақсадида мазкур компаниянинг фойдаси (зарари) деб эътироф этилади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини ҳисоблаб чиқаришда ушбу Кодекснинг XI бўлимида назарда тутилган, хусусан, ушбу чет эл компанияси доимий жойлашган давлат (ҳудуд) билан халқаро битим мавжудлигидан келиб чиқадиган хусусиятлар ҳисобга олинади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси бундай компания мансуб бўлган давлат (ҳудуд) қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисобот тузиладиган йилдан кейинги календарь йилда ушбу чет эл компанияси томонидан тўланган дивидендлар миқдорига, ушбу молиявий ҳисобот тузиладиган молиявий йил давомида тўланган оралик дивидендлар ҳисобга олинган ҳолда камаяди.

Агар назорат қилинадиган чет эл компаниясининг молиявий ҳисоботи у мансуб бўлган давлат (ҳудуд) қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилмаса, ушбу банд мақсадида календарь йил қўлланилади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари тўлов манбаи бўлган дивидендлар тарзидаги даромадлар, агар ушбу назорат қилинадиган чет эл компаниясини назорат қиладиган шахс бундай даромадларга нисбатан ҳақиқатда ҳуқуққа эга бўлса ва бундай даромадлар ҳисобидан солиқ тўлашдан озод қилинган бўлса ёхуд уларни ушбу Кодексга мувофиқ мустақил равишда тўлаган бўлса, ҳисобга олинмайди.

Агар назорат қилинадиган чет эл компанияси юридик шахс ташкил этмаган чет эл тузилмаси бўлса, унинг фойдаси ушбу чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахслари ва (ёки) унинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ бенефициарлар деб эътироф этилган бошқа шундай шахслар фойдасига тақсимланган фойда миқдорига камаяди.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг ушбу Кодексга мувофиқ аниқланадиган тақсимланмаган фойдаси, ушбу компанияни назорат қилувчи шахс деб эътироф этиладиган солиқ тўловчи томонидан олинган даромадларга тенглаштирилади. Бундай даромадлар назорат қилувчи шахсларда назорат қилувчи шахс юридик ёки жисмоний шахс эканлигига боғлиқ равишда фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда инобатга олинади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тақсимланмаган фойдаси назорат қилувчи шахсда солиқ базасини аниқлашда назорат қилувчи шахсининг ушбу компанияда фойдани тақсимлаш ҳақидаги қарор қабул қилинган санадаги ҳолатга кўра иштирок этиши улушига мувофиқ бўлган улушда ҳисобга олинади.

Агар фойдани тақсимлаш ҳақидаги қарор бундай компания мансуб бўлган давлатнинг (ҳудуднинг) конун ҳужжатларига мувофиқ молия йили учун молиявий ҳисобот тузиладиган давр охирига тўғри келадиган йилнинг 31 декабрига қадар қабул қилинмаган бўлса, мазкур фойда назорат қилувчи шахсининг тегишли даврнинг охиридаги иштирок этиши улушига тўғри келадиган улушда ҳисобга олинади.

Агар назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдадаги улушини мазкур усулда аниқлаш имкони бўлмаса, унинг фойдаси назорат қилувчи шахсда солиқ базасини аниқлашда ҳақиқатда шундай фойдага (даромадга) доир ҳуқуққа эга бўлган шахслар ўртасида ушбу фойда тақсимланган тақдирда у ҳуқуққа эга бўлган (эга бўладиган) фойда суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади.

Агар назорат қилувчи шахс назорат қилинадиган чет эл компаниясида унинг назорат қилувчи шахслари бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан эътироф этиладиган юридик шахслар орқали билвосита иштирок этса, у ҳолда ушбу назорат қилинадиган чет эл компаниясининг мазкур назорат қилувчи шахсда ҳисобга олинадиган фойдаси бошқа назорат қилувчи шахсларда ҳисобга олиниши лозим бўлган фойда суммасига камаяди. Бундай камайтириш мазкур назорат қилувчи шахсининг билвосита иштироки назорат қилинадиган чет эл компаниясида

қайси юридик шахс орқали амалга ошириладиган бўлса, назорат қилувчи шахснинг ана шу юридик шахсда иштирок этиш улушига мутаносиб улушда амалга оширилади.

Агар бунда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахсда солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинishi лозим бўлган фойдасининг суммаси нолга тенг бўлса, солиқ тўловчи уни фойда солиғи (жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи) бўйича солиқ декларациясида акс эттирмайди.

Назорат қилувчи шахс қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этади, бунда ушбу солиқ бўйича солиқ базасини аниқлашда мазкур шахс томонидан назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси ҳисобга олинади:

1) назорат қилинадиган чет эл компаниясининг солиқ ҳисоботи тақдим этилган солиқ бўйича солиқ базасини аниқлашда фойда ҳисобга олинган давр учун молиявий ҳисоботи ёки молиявий ҳисобот мавжуд бўлмаган тақдирда бошқа ҳужжатлар;

2) агар ушбу назорат қилинадиган чет эл компанияси мансуб бўлган давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига ёки таъсис (корпоратив) ҳужжатларига мувофиқ бу молиявий ҳисоботнинг аудитини мажбурий равишда ўтказиш белгиланган бўлса ёки аудит чет эл ташкилоти томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилса, ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган назорат қилинадиган чет эл компаниясининг молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик ҳулосаси.

Ушбу модданинг ўн учинчи қисмида кўрсатилган, чет тилида тузилган ҳужжатлар (уларнинг нусхалари) давлат тилига таржима қилинган бўлиши керак.

Агар молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳулосасини солиқ ҳисоботини тақдим этиш билан бир вақтда тақдим этиш мумкин бўлмаса, молиявий ҳисобот назорат қилинадиган чет эл компаниялари тўғрисидаги билдиришномада молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳулосаси тузилган сана сифатида акс этган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирилмаган муддатда тақдим этилади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси, агар унинг ушбу Кодекснинг XI бўлимига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинган миқдори уч юз миллион сўмдан ортиқни ташкил этса, тегишли солиқ бўйича солиқ даври учун солиқ базасини ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ аниқлашда ҳисобга олинади.

Агар назорат қилинадиган чет эл компанияси молия йили якунлари бўйича фойдани (тўлиқ ёки қисман) ўз давлати (ҳудуди) қонун ҳужжатларида ушбу фойдани устав капиталини кўпайтириш учун йўналтириш мажбурияти белгиланганлиги туфайли иштирокчилар (пайчилар, ишончли вакиллар ёки бошқа шахслар) ўртасида тақсимлай олмаса, бундай фойда назорат қилувчи шахсда солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

**209-модда. Чет эл компанияларида иштирок этиш
тўғрисидаги ва назорат қилинадиган чет эл
компаниялари ҳақидаги хабарномалар**

Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентлари бўлган солиқ тўловчилар ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда солиқ органини куйидагилар тўғрисида хабардор қилади:

чет эл юридик шахси фаолиятида ўзининг иштирок этиши тўғрисида (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаларини таъсис этиш ҳақида);

чет эл компанияларининг назорат қилувчи шахслари ҳисобланган назорат қилинадиган чет эл компаниялар ҳақида.

Чет эл юридик шахслари фаолиятида иштирок этиш тўғрисидаги хабарнома шундай чет эл юридик шахсида бундай хабарномани тақдим этиш учун асос бўлган иштирок этиш юзага келган (улуш ўзгарган) санадан эътиборан бир ойдан кечиктирилмаган муддатда тақдим этилади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниялари тўғрисидаги хабарнома назорат қилинадиган чет эл компанияси фойдасининг улуши ушбу Кодекснинг 208-моддасига мувофиқ назорат қилувчи шахсда ҳисобга олиниши керак бўлган солиқ давридан кейинги йилнинг 20 мартдан кечиктирилмаган муддатда тақдим этилади.

Агар чет эл ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш тўғрисидаги хабарнома тақдим этилганидан кейин бундай хабарномани тақдим этиш учун асослар ўзгармаган бўлса, такрорий хабарномалар тақдим этилмайди.

Чет эл ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш тугатилган тақдирда, солиқ тўловчи иштирок этиш тугатилган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирилмаган муддатда солиқ органини бу ҳақда хабардор қилади.

Солиқ тўловчилар чет эл юридик шахслари фаолиятида иштирок этиш тўғрисидаги хабарномаларни ва назорат қилинадиган чет эл компаниялари ҳақидаги хабарномаларни ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига тақдим этади.

Чет эл юридик шахсларида иштирок этиш тўғрисидаги хабарномалар ва назорат қилинадиган чет эл компаниялари ҳақидаги хабарномалар солиқ органига электрон шаклда тақдим этилади. Жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчилар мазкур хабарномаларни қоғозда тақдим этишга ҳақлидир.

Чет эл юридик шахсларида иштирок этиш тўғрисидаги хабарномаларнинг ва назорат қилинадиган чет эл компаниялари ҳақидаги хабарномаларнинг шакллари, шунингдек уларни тўлдириш ҳамда тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдикланади.

Чет эл юридик шахсларида иштирок этиш тўғрисидаги хабарнома куйидаги ахборотни ўз ичига олиши керак:

- 1) хабарномани тақдим этиш учун асослар юзага келган сана;

2) солиқ тўловчи ундаги иштироки ҳақида (унинг таъсис этилганлиги ҳақида) хабарнома тақдим этган чет эл юридик шахсининг (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасининг) номи;

3) рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) давлатда (ҳудудда) чет эл юридик шахсига берилган рўйхатдан ўтказилганлик рақами, ушбу чет эл юридик шахсининг рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) давлатда (ҳудудда) солиқ тўловчи сифатидаги коди – улар мавжуд бўлган тақдирда;

4) солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида иштирок этиш улуши, башарти билвосита иштирок этиш мавжуд бўлса, солиқ тўловчининг чет эл юридик шахсида иштирок этиш тартибини қуйидаги ахборотни кўрсатган ҳолда очиб бериш:

а) чет эл юридик шахси фаолиятида билвосита иштирок этиш амалга ошириляётган ҳар бир кейинги юридик шахсга нисбатан – ушбу қисмининг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ахборот;

б) чет эл юридик шахси фаолиятида билвосита иштирок этиш амалга ошириляётган ҳар бир кейинги юридик шахс фаолиятида иштирок этиш улуши;

5) чет эл юридик шахсида (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасида) иштирок этишнинг якунланиш санаси.

Назорат қилинадиган чет эл компаниялари тўғрисидаги хабарнома қуйидаги ахборотни ўз ичига олиши керак:

1) хабарнома тақдим этиляётган давр;

2) чет эл юридик шахсининг (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасининг) номи;

3) рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) давлатда (ҳудудда) чет эл юридик шахсига берилган рўйхатдан ўтказилганлик рақами, рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) давлатда (ҳудудда) ушбу чет эл юридик шахсининг солиқ тўловчи сифатидаги коди (кодлари) – улар мавжуд бўлган тақдирда;

4) чет эл юридик шахсининг (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасининг) у жойлашган давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ молия йили учун молиявий ҳисоботи тузиладиган даврнинг охири куни бўлган сана;

5) чет эл юридик шахси мансуб бўлган давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ молия йили учун молиявий ҳисобот тузилган сана, шунингдек у мансуб бўлган давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдадан (даромаддан) олинадиган солиқ бўйича солиқ даврининг тугалланиш санаси;

б) чет эл юридик шахсининг молия йили учун молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик хулосаси тузилган сана (ушбу юридик шахс мансуб бўлган давлатнинг (ҳудуднинг) қонун ҳужжатларига мувофиқ аудит мажбурий равишда ўтказилган тақдирда);

7) чет эл юридик шахсида солиқ тўловчининг иштирок этиши улуши, билвосита иштирок этиш мавжуд бўлганда чет эл юридик шахсида солиқ

тўловчининг иштирок этиш тартибини қуйидаги ахборотни кўрсатган ҳолда очиб бериш:

а) билвосита иштирок этиш ўзи орқали амалга ошириладиган ҳар бир кейинги юридик шахсга нисбатан – ушбу қисмнинг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ахборот;

б) билвосита иштирок этиш амалга ошириладиган ҳар бир кейинги юридик шахс фаолиятида иштирок этиш улуши;

8) солиқ тўловчини назорат қилинадиган чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун асосларнинг тавсифи;

9) назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишдан озод қилиш учун асосларнинг тавсифи.

Чет эл юридик шахсларида иштирок этиш тўғрисида тақдим этилган хабарномадаги ёки назорат қилинадиган чет эл компаниялари ҳақидаги хабарномадаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, уларни тўлдиришда йўл қўйилган ноаниқликлар ёхуд хатолар аниқланганда солиқ тўловчи аниқлаштирилган хабарномани тақдим этишга ҳақли.

Солиқ органида солиқ тўловчи чет эл компаниясининг (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасининг) назорат қилувчи шахси эканлиги, лекин солиқ органига ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хабарномани юбормаганлиги ҳақида ахборот мавжуд бўлганда, солиқ органи зарур тушунтиришларни тақдим этиш ёки ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хабарномани топшириш ҳақидаги талабномани ушбу солиқ тўловчига юборади.

Талабнома солиқ тўловчига, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ солиқ мақсадида ахборот алмашиш доирасида чет давлатларнинг ваколатли органларидан ахборот олишда, шу жумладан ушбу Кодекснинг 40-моддаси биринчи қисмида кўрсатилмаган ҳолларда юборилади. Мазкур талабнома олинган санадан эътиборан йигирма календарь кун ичида солиқ тўловчи томонидан бажарилиши лозим.

Солиқ органининг талабномаси қуйидаги ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак:

1) хабар юбориладиган солиқ тўловчининг номи;

2) солиқ органида солиқ тўловчи қайси чет эл юридик шахсларини назорат қилувчи шахс эканлиги тўғрисида далолат берувчи ахборот мавжуд бўлса, ўша чет эл юридик шахсларининг (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмаларининг) номи;

3) рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) давлатда (ҳудудда) чет эл юридик шахсига берилган рўйхатдан ўтказилганлик рақами, ушбу чет эл юридик шахсининг рўйхатдан ўтказилган (инкорпорация қилинган) давлатдаги (ҳудуддаги) солиқ тўловчи сифатидаги коди (кодлари) – улар мавжуд бўлган тақдирда;

4) солиқ тўловчини чет эл юридик шахснинг (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасининг) назорат қилувчи шахси деб эътироф этиш учун солиқ органида мавжуд асосларнинг тавсифи.

Солиқ тўловчи солиқ органига юборилган талабномада баён этилган фактларга тааллуқли тушунтиришларни тақдим этиб, тушунтиришлар билан бир вақтда уни чет эл юридик шахсини назорат қилувчи шахс деб эътироф этиш учун асослар мавжуд эмаслиги ҳақида далолат берувчи ҳужжатларни қўшимча равишда тақдим этишга ҳақли.

Солиқ органи солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тушунтиришларни ва ҳужжатларни кўриб чиқиши шарт.

Агар тақдим этилган тушунтиришлар ва ҳужжатлар кўриб чиқилганидан кейин ёхуд улар мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчини чет эл юридик шахсини (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасини) назорат қилувчи шахс деб эътироф этиш учун асосларни аниқласа, солиқ органининг мансабдор шахси ушбу солиқ тўловчига бундай шахсни назорат қилувчи шахс деб эътироф этиш учун шундай шахс томонидан назорат қилинадиган чет эл компаниялари ҳақидаги хабарномани юборади. Мазкур хабарнома ушбу модда ўнинчи қисмининг 8-бандида назарда тутилган ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак.

Ўзига хабарнома юборилган шахс мазкур хабарнома юзасидан у олинган санадан эътиборан уч ой ичида судга шикоят қилишга ҳақли. Бунда мазкур шахс тегишли ариза судга берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида ушбу факт ҳақида солиқ органини хабардор қилади.

Ўзига хабарнома юборилган шахс хабарнома юзасидан низолашиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган суд ҳужжати қонуний кучга киргунига қадар ушбу Кодекснинг мақсадида чет эл юридик шахсини (юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмасини) назорат қилувчи шахс деб эътироф этилиши мумкин эмас.

Агар шахс ўзи назорат қиладиган чет эл компаниялари тўғрисида ўз манзилига юборилган хабарнома устидан шикоят бермаган бўлса, мазкур хабарнома олинган санадан эътиборан уч ой ўтгач ушбу шахс ўзини чет эл компаниясини назорат қилувчи шахс деб эътироф этган ҳисобланади. Бунда мазкур шахс учун ушбу Кодекснинг назорат қилинадиган шахсларга нисбатан қўлланиладиган қоидалари татбиқ этилади.

VIII БЎЛИМ.

СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА УЛАРНИ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**27-боб. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун
жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар**

210-модда. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчаси

Солиқ тўловчининг, солиқ агентининг ёки бошқа шахснинг ушбу Кодекста жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

211-модда. Жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар

Юридик ва жисмоний шахслар солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун ушбу Кодекснинг 28 ва 29-бобларида назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўлади.

Жисмоний шахс солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун ўн олти ёшдан бошлаб жавобгарликка тортилиши мумкин.

212-модда. Жавобгарликка тортишининг умумий шартлари

Ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ушбу Кодексда назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким солиққа оид содир этилган айни бир ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Юридик шахснинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилишига мазкур ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги факти солиқ органининг кучга кирган қарорида аниқланганлиги асос бўлади.

Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ёки қонунда назарда тутилган бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши уни тўланиши керак бўлган солиқлар (йиғимлар) ва пеняларнинг суммаларини тўлаш (ўтказиш) мажбуриятдан озод этмайди.

Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор деб ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор эмаслигини исботлаши шарт эмас.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик факти ва шахснинг уни содир этишда айбдорлиги тўғрисида далолат берувчи ҳолатларни исботлаш мажбурияти солиқ органларининг зиммасига юклатилади.

213-модда. Жавобгарликка тортишни истисно этувчи ҳолатлар

Шахс солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қуйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлган тақдирда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас:

- 1) солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатининг мавжуд эмаслиги;
- 2) солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда шахснинг айби мавжуд эмаслиги;

3) солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетганлиги.

Ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳам шахс солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

214-модда. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганда айб шакллари

Ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатни (ҳаракат ва ҳаракатсизлик) қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этган шахс солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб эътироф этилади.

Агар солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ғайриқонуний эканлигини билган бўлса, бундай ҳаракатнинг (ҳаракатсизликнинг) зарарли оқибатлари юзага келишини истаган ёхуд уларнинг юзага келишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб топилади.

Агар солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ғайриқонуний эканлигини ёхуд бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида юзага келадиган оқибатларнинг зарарли эканлигини гарчанд уларни олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда билмаган бўлса, бундай ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик туфайли содир этилган деб эътироф этилади.

Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдорлиги унинг мансабдор шахсларининг ёки вакилларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишини келтириб чиқарган айбига қараб аниқланади.

215-модда. Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини истисно қилувчи ҳолатлар

Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини истисно қиладиган ҳолатлар деб куйидагилар эътироф этилади:

1) солиққа оид ҳуқуқбузарлик белгилари бўлган қилмишнинг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида содир этилганлиги. Мазкур ҳолатлар ҳаммага маълум фактларнинг мавжудлиги, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар ва исботлаш учун махсус воситалар талаб этилмайдиган бошқа усуллар билан аниқланади;

2) солиққа оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган қилмиш бундай қилмиш содир этилган пайтда касаллик оқибатида ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган солиқ тўловчи – жисмоний шахс томонидан содир этилганда. Мазкур ҳолатлар мазмуни, моҳияти ва санаси бўйича солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир

этилган ўша солиқ даврига тааллуқли бўлган ҳужжатларни солиқ органига тақдим этиш орқали исботланади;

3) солиқ органининг ёки бошқа ваколатли органнинг (ушбу орган мансабдор шахсининг) солиқни (йиғимни) ҳисоблаб чиқариш, тўлаш тартиби тўғрисида ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилишининг бошқа масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида солиқ тўловчига (йиғим тўловчига, солиқ агентига) ёхуд номаълум доирадаги шахсларга берган ёзма тушунтиришлари солиқ тўловчи (йиғим тўловчи, солиқ агенти) томонидан бажарилганда. Мазкур ҳолатлар ушбу органнинг тегишли ҳужжати мавжуд бўлган тақдирда белгиланади, ушбу ҳужжат маъноси ва мазмунига кўра, бундай ҳужжат қабул қилинган санадан қатъи назар, солиққа оид ҳуқуқбузарлик юз берган солиқ даврига тааллуқли бўлади;

4) солиқ мониторингини ўтказиш даврида солиқ органининг солиқ тўловчига (йиғим тўловчига, солиқ агентига) юборилган асослантилган фикри солиқ тўловчи (йиғим тўловчи, солиқ агенти) томонидан бажарилганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3 ва 4-бандлари қоидалари, агар солиқ органининг ёзма тушунтиришлари ёки асослантилган фикри солиқ тўловчи (йиғим тўловчи, солиқ агенти) томонидан тақдим этилган тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри ахборотга асосланган бўлса, қўлланилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида шахс солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгар бўлмайди.

216-модда. Жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) шахсий ёки оилавий шароитлар оғир кечиши оқибатида солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этиш;

2) таҳдид ёки мажбурлаш таъсирида ёхуд моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этиш;

3) суд ёки ишни кўраётган солиқ органи томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи деб топилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг илгари худди шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилганлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилади. Агар солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ўзига нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилган шахс бу чоралар қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида бундай ҳуқуқбузарликни қайта содир этмаган бўлса, у жавобгарликка тортилмаган деб ҳисобланади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар суд ёки ишни кўраётган солиқ органи томонидан белгиланади ва молиявий санкциялар қўлланилганда инобатга олинади.

217-модда. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши

Агар солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан эътиборан ёки мазкур ҳуқуқбузарлик содир этилган солиқ даври тугаганидан кейинги кундан эътиборан ва жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтга қадар беш йил (ўтиш муддати) ўтган бўлса, шахс солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан эътиборан муддатнинг ўтишини ҳисоблаб чиқариш барча солиққа оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади, ушбу Кодекснинг 223 ва 224-моддаларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно.

Муддатнинг ўтишини тегишли солиқ даври тугаганидан кейинги кундан эътиборан ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекснинг 223 ва 224-моддаларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади.

Агар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилаётган шахс солиқ текширувини ўтказишга фаол қаршилик кўрсатган бўлса ва ушбу солиқ текширувини ўтказиш ҳамда бюджет тизимида тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини солиқ органи томонидан аниқлаш учун бартараф этиб бўлмайдиган тўсиққа айланган бўлса, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши ушбу Кодекс 144-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган далолатнома тузилган кундан эътиборан тўхтатилган деб ҳисобланади. Мазкур ҳолатда жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши сайёр солиқ текширувини ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиши тугаган ва муддат ўтишини тиклаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан қайта тикланади.

218-модда. Молиявий санкциялар

Молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик чорасидир.

Молиявий санкциялар ушбу Кодекснинг 28 ва 29-бобларида назарда тутилган миқдорларда белгиланади ва пул ундириш (жарималар) тарзида қўлланилади.

Жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳеч бўлмаганда битта ҳолат мавжуд бўлган тақдирда, жарима миқдори ушбу Кодекснинг тегишли моддасида белгиланган миқдорга нисбатан икки марта камайтирилади.

Аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбга иккунга бўлинганда ва солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда молиявий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланганда жарима миқдори ушбу Кодекснинг тегишли моддаларида белгиланган миқдорга нисбатан икки бараварга камайтирилади.

Ушбу Кодекснинг 216-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жарима миқдори икки баробар оширилади.

Бир шахс томонидан икки ва ундан ортиқ солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, молиявий санкциялар ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида тарзда ундирилади.

28-боб. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этганлик учун жавобгарлик

219-модда. Солиқ органида ҳисобга қўйиш тартибини бузиш

Қўшилган қиймат солиғининг солиқ тўловчиси сифатида солиқ органларида ҳисобга қўйишнинг белгиланган тартиби солиқ тўловчи томонидан бузилганда, –

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳисобга қўйиш санасидан ҳақиқатда ҳисобга қўйилган санагача бўлган даврда олган даромадининг беш фоизи миқдорида, лекин беш миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу Кодекснинг 131-моддасида назарда тутилган ҳолларда солиқ солиш объекти бўйича солиқ органларида ҳисобга қўйиш муддатлари бузилганда, агар ҳисобга қўйишнинг белгиланган муддатидан ўтиши:

ўттиз кундан кўп бўлмаганда, – бир миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади;

ўттиз кундан кўп бўлганда, – икки миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл юридик шахси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассасасини ташкил этишга олиб келувчи фаолиятнинг солиқ органида ҳисобга қўймасдан амалга оширилиши –

бундай фаолиятни амалга ошириш бошлангандан ҳақиқатда ҳисобга қўйилган санагача бўлган даврда олинган даромаддан ўн фоиз миқдорида, лекин ўн миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятини яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш, –

бундай фаолиятдан олинган даромадларнинг ўн фоизи миқдорида, лекин бир миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

220-модда. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш

Солиқ ҳисоботини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этмаслик, –

бу солиқ ҳисоботи асосида тўланиши (қўшимча тўланиши) лозим бўлган солиқ суммасини белгиланган муддатда тўланмаган ҳар бир кечиктирилган кун учун бир фоиз миқдорида, лекин кўрсатилган сумманинг ўн фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

221-модда. Назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибини бузиш

Назорат-касса техникасининг ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларининг қўлланилиши мажбурий бўлгани ҳолда, уларни қўлламаздан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонларни, чекларни ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек ҳисоб-китоб терминаллари орқали тўловларни қабул қилишни рад этганлик –

беш миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ органларида рўйхатга олинмаган назорат-касса техникасини қўллаган ёки сотиб олувчига квитанциялар, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатларни берган ҳолда савдони амалга оширганлик ва (ёки) хизматлар кўрсатганлик, –

етти миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бошқа шахслар номига расмийлаштирилган ҳисоб-китоб терминалларида солиқ тўловчи томонидан фойдаланилиши, –

йигирма миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Техник талабларга мувофиқ бўлмаган ёки хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса техникаларидан фойдаланганлик, –

йигирма миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

222-модда. Даромадлар ва (ёки) харажатларни ҳисобга олиш қоидаларини бузиш

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан даромадлар ва (ёки) харажатларни ҳисобга олиш (даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш китоби) қоидаларини бузиш –

беш юз минг сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

223-модда. Солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш)

Солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) – яширилган (камайтириб кўрсатилган) солиқ базаси суммасининг йигирма фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Яширилган (камайтириб кўрсатилган) солиқ базаси суммасидан ушбу Кодексга мувофиқ солиқларни ҳисоблаш амалга оширилади.

Ушбу модданинг мақсадида солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуйидагилар эътироф этилади:

товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум суммасини ҳисобга олиш регистрларида акс эттирмаслик;

юкларни товар-кузатув ҳужжатларини расмийлаштирмасдан ёхуд сохта ҳужжатлар бўйича ташиш;

ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги;

расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва реализация қилиш;

товарлар (хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни алмаштириш, сохталаштириш ёки йўқ қилиш;

калбаки бирламчи бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш;

назорат-касса техникасининг фискал хотираси хизмати дастурига ноқонуний равишда ўзгартириш киритиш;

фойдаланилмаган моддий харажатларни фойдаланилган деб, ишлаб чиқариш ҳисоботида кўшиш;

товарларни сотишдан (хизмат кўрсатишдан) олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотиш ҳажмини ва даромадни (фойдани) қасддан камайтириш);

моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари харажатларини (лимитларни) ва амортизация (эскириш) нормасини сунъий равишда ошириш ёки нормативларни нотўғри қўллаш;

иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимларнинг ҳақиқий иш ҳақи суммаси солиқ ҳисоботида акс эттирилмаганлиги;

меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходимларнинг солиқ ҳисоботида акс эттирилмаганлиги;

реализация қилинган товарлар қийматини ҳисоб ҳужжатларида ҳақиқатда реализация қилинган қийматидан пасайтирилган нархлар бўйича акс эттириш.

Ушбу модда учинчи қисмининг ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича яширилган солиқ базаси суммаси охириги ўн икки ой учун аниқланади.

224-модда. Солиқни (йиғимни) тўламаслик ёки тўлик тўламаслик

Солиқни (йиғимни) нотўғри ҳисоблаб чиқариш ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида солиқ (йиғим) суммасини тўламаслик ёки тўлик тўламаслик, агар бундай қилмиш ушбу Кодекснинг 223, 226 ва 227-моддаларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аломатларини ўз ичига олмаган бўлса, –

тўланмаган солиқ (йиғим) суммасининг йиғирма фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

225-модда. Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарларни (хизматларни) реализация қилишда, шунингдек қўшилган қиймат солиғини тўловчилар бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик, –

маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг йиғирма фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт.

226-модда. Трансферт нархни белгилашда солиқларни тўламаслик ёки тўлик тўламаслик

Назорат қилинадиган битимларда солиқ солиш мақсадида мустақил шахслар ўртасидаги битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари билан солиштириб бўлмайдиган тижорат ва (ёки) молиявий шартлар қўлланилиши натижасида солиқ суммаларини солиқ тўловчи томонидан тўламаганлик ёки тўлик тўламаганлик, –

тўланмаган солиқ суммасининг қирқ фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

227-модда. Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда улуши солиқ базасига киритилмаганлиги натижасида солиқни тўламаслик ёки тўлик тўламаслик

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг юридик ёки жисмоний шахс бўлган назорат қилувчи шахслари томонидан мазкур компания фойдасининг улуши солиқ базасига киритилмаганлиги натижасида солиқ суммаларини тўламаганлик ёки тўлик тўламаганлик, –

назорат қилинадиган чет эл компаниясининг солиқ базасига киритилиши лозим бўлган фойдасига нисбатан тегишинча фойда солиғи бўйича ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича

тўланмаган солиқ суммасининг йиғирма фоизи миқдориди, лекин ўн миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**29-боб. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик
учун банкларнинг жавобгарлиги**

**228-модда. Солиқ (йиғим), бўнак тўлови, пенялар
ва жарималарни ўтказиш тўғрисидаги
топшириқномаларни бажариш муддатларини бузиш**

Банк томонидан солиқ (йиғим), бўнак тўлови, пеня ва жарима суммасини ўтказиш тўғрисидаги солиқ тўловчининг топшириқномасини, солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажармаслик (бажарилишини кечиктириш) –

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг бир юз элликдан бир қисми миқдориди, лекин кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ўтказилмаган сумма бир фоизининг бешдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**229-модда. Банклар томонидан банк ҳисобварақлари
ва операциялар бўйича маълумотномаларни
(кўчирмаларни) солиқ органига тақдим этмаслик**

Ушбу Кодекснинг 134-моддасида назарда тутилган маълумотномани (кўчирмаларни) банк томонидан солиқ органига тақдим этмаслик, шунингдек маълумотномаларни (кўчирмаларни) белгиланган муддатни бузган ҳолда ёки нотўғри маълумотлар бўлган маълумотномаларни (кўчирмаларни) тақдим этиш, –

икки миллион сўм миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

IX БЎЛИМ.

**СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ
ВА УЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ
ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ) УСТИДАН
ШИКОЯТ БЕРИШ**

**30-боб. Солиқ органларининг ҳужжатлари ва улар мансабдор
шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан
шикоят бериш тартиби**

230-модда. Шикоят бериш ҳуқуқи

Ҳар бир шахс солиқ органларининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, агар ушбу шахснинг фикрига кўра бундай ҳужжатлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) унинг ҳуқуқларини бузса, шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ёки идоравий норматив ҳужжатларга мувофиқ тузилган, солиқ органларининг бир ёки бир нечта жисмоний ёки юридик шахсга қаратилган, юридик аҳамиятга молик муайян ҳаракатларни содир этишга ундовчи кўрсатмаси мавжуд бўлган ҳужжат солиқ органининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжати деб эътироф этилади.

Солиқ органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Солиқ органининг сайёр солиқ текшируви ёки солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарори юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан бекор қилинган тақдирда, ушбу қарор бўйича солиқларнинг ва молиявий санкцияларнинг ундирилган (тўланган) суммалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ушбу суммалар ундирилган (тўланган) даврда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда қайтарилиши (ҳисобга олиниши) лозим.

231-модда. Шикоят бериш тартиби

Солиқ органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи солиқ органига шикоят қилиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шахснинг солиқ органига унинг кучга кирган ва кучга кирмаган, норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатлари, унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинган мурожаати, агар ушбу шахснинг фикрига кўра мазкур ҳужжатлар, ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик унинг ҳуқуқларини бузса, шикоят деб эътироф этилади.

Солиқ органининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят бериш тегишинча шикоят бўйича солиқ органининг юқори турувчи органи томонидан қарор қабул қилингунига ёки суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимларни ундиришни, шунингдек молиявий санкциялар қўлланилишини тўхтатиб туради. Солиқ тўловчи қайси солиқ органининг қарори ёки мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилаётган бўлса, ўша органни солиқ органининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят берганлиги тўғрисида тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиши шарт.

Солиқ органининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилиш фақат юқори турувчи солиқ органига шикоят қилинганидан кейингина мумкин бўлади. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ қўмитасининг қарори устидан шикоят қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар шикоят бўйича қарор ушбу Кодекснинг 235-моддаси саккизинчи ва тўққизинчи қисмларида белгиланган муддатларда юқори турувчи солиқ органи томонидан қабул қилинмаса, солиқ органларининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Юқори турувчи солиқ органларининг норматив хусусиятга эга бўлмаган, шикоятларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган ҳужжатлари устидан фақат суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг норматив хусусиятга эга бўлмаган, шикоятларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган ҳужжатлари устидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибида шикоят қилинади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ органларининг ҳужжатлари (шу жумладан норматив ҳужжатлари), улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибида шикоят қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Шикоят берган шахс шикоят бўйича қарор қабул қилинишига қадар уни кўриб чиқаётган солиқ органига ёзма ариза юбориш йўли билан шикоятни тўлиқ ёки қисман чақириб олиши мумкин.

Шикоятни чақириб олиш уни берган шахсни ўша асосларда шикоят билан такроран мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

232-модда. Солиқ текширувлари натижалари бўйича қабул қилинган солиқ органларининг қарорлари устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари

Солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан шикоят юқори турувчи солиқ органига қарорлари устидан шикоят қилинаётган солиқ органи орқали берилади.

Қарорлари устидан шикоят қилинаётган солиқ органи бундай ариза келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида уни юқори турувчи солиқ органига барча материаллар билан бирга юбориши шарт.

Солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан шикоят шахс

Ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддат узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ушбу муддат шикоят бераётган шахснинг илтимосномаси бўйича юқори турувчи солиқ органи томонидан тикланиши мумкин.

233-модда. Шикоятнинг шакли ва мазмуни

Шикоят ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар солиқ органига ёзма ёки электрон шаклда юборилиши мумкин.

Шикоят уни берган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Шикоятда куйидагилар кўрсатилади:

1) жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда яшаш жойи ёки шикоят бераётган юридик шахснинг номи ва манзили;

2) солиқ органининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжати, мансабдор шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилаётган шикоят;

3) солиқ органининг номи, норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжат, устидан шикоят берилаётган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);

4) шикоят бераётган шахс ўзининг ҳуқуқлари қайси асосларга кўра бузилган деб ҳисобласа, ўша асослар;

5) шикоят бераётган шахснинг талаблари.

Шикоятда телефон рақамлари, электрон почта манзиллари ва шикоятни ўз вақтида кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Шикоят солиқ органининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжати, унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бераётган шахснинг ваколатли вакили томонидан берилган тақдирда, шикоятга ушбу вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Шикоятга шикоят бераётган шахснинг далилларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

234-модда. Шикоятни кўрмасдан қолдириш

Юқори турувчи солиқ органи, агар куйидагиларни аниқлаган бўлса, шикоятни тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиради:

шикоят шикоятни берган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланмаган бўлса ёхуд вакилнинг шикоятни имзолаш учун ваколатларини тасдиқловчи белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;

шикоят ушбу Кодексада белгиланган шикаят бериш муддати тугаганидан кейин берилган ва уни тиклаш тўғрисидаги илтимосномани ўз ичига олмаган бўлса ёки шикаят бериш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад этилган бўлса;

шикоят бўйича қарор қабул қилинишига қадар шикаятни берган шахс номидан шикаятни тўлиқ ёки қисман чақириб олиш тўғрисидаги ариза келиб тушган бўлса;

илгари айнан ўша асослар бўйича шикаят берилган бўлса;

шикоят солиқ органининг ушбу Кодексага мувофиқ белгиланган тартибда илгари шикаят қилинган қарори устидан берилган бўлса;

шикоят ушбу Кодекснинг 232-моддасида белгиланган тартиб бузилган ҳолда берилган бўлса;

шикоят ушбу Кодекснинг 233-моддаси талабларига мувофиқ расмийлаштирилмаган бўлса;

шикоят қўзғатилган жиноят иши доирасида ёки солиқ тўловчи судга шикаят масаласи бўйича муурожаат қилганда берилган бўлса.

Шикаятни кўриб чиқаётган солиқ органи шикаят олинган ёхуд шикаятни тўлиқ ёки қисман чақириб олиш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан беш кун ичида шикаятни тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдириш ҳақида қарор қабул қилади.

Қабул қилинган қарор тўғрисида шикаятни берган шахсга қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ёзма шаклда хабар берилади.

Шикаятни кўрмасдан қолдириш шахснинг шикаят бериш учун ушбу Кодексада белгиланган муддатларда шикаят билан такроран муурожаат қилишига монелик қилмайди, бундан ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича шикаятни кўрмасдан қолдириш ҳоллари мустасно.

235-модда. Юқори турувчи орган томонидан шикаятни кўриб чиқиш

Шикаятни кўриб чиқиш давомида уни берган шахс ўз далилларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни шикаят бўйича қарор қабул қилинганига қадар тақдим этишга ҳақли.

Юқори турувчи солиқ органи шикаятни, уни берган шахснинг далилларини тасдиқловчи ҳужжатларни, шикаят кўриб чиқилиши давомида тақдим этилган қўшимча ҳужжатларни, шунингдек қуйи турувчи солиқ органи томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқади.

Шикаятни кўриб чиқувчи солиқ органи ўз ташаббусига кўра ёки муурожаат қилувчининг илтимосига кўра шикаятни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Юқори турувчи солиқ органи шикаятни кўриб чиқиш якунлари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиради;

солиқ органининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатини бекор қилади;

солиқ органининг қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилади;

солиқ органининг қарорини тўлиқ бекор қилади ва иш юзасидан янги қарор қабул қилади;

солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ноқонуний деб эътироф этади ва ишнинг моҳияти бўйича қарор чиқаради.

Агар шикоят берган шахс шикоят бўйича қарор қабул қилинишига қадар ушбу шикоятни кўриб чиқиш давомида тақдим этилган қўшимча ҳужжатларни қарори устидан шикоят берилган солиқ органига ўз вақтида тақдим этиш мумкин бўлмаган сабаблар бўйича тушунтиришларни тақдим этган бўлса, бу қўшимча ҳужжатлар юқори турувчи солиқ органи томонидан кўриб чиқилади. Мазкур қоида ушбу Кодекснинг 159 ёки 166-моддаларида назарда тутилган тартибда қабул қилинган қарорлар устидан шикоят берилганда қўлланилади.

Юқори турувчи солиқ органи, агар шикоятни кўриб чиқиш натижасида солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартиб-таомилининг муҳим шартлари бузилганлиги аниқланган бўлса, ушбу Кодекснинг 159 ёки 166-моддаларида назарда тутилган тартибда қабул қилинган қарорни бекор қилишга ҳақлидир.

Юқори турувчи солиқ органи қарорни бекор қилиб, кўрсатилган материалларни, шикоят берган шахснинг важларини тасдиқловчи ҳужжатларни, шикоятни кўриб чиқиш давомида тақдим этилган қўшимча ҳужжатларни ва ушбу Кодекснинг тегишинча 159 ёки 166-моддаларида назарда тутилган тартибда қуйи турувчи солиқ органи томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ҳамда ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган қарорни қабул қилади.

Ушбу Кодекснинг 159-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган қарор устидан берилган шикоят бўйича қарор, солиқ аудити натижалари бўйича солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш ва (ёки) қўшимча ҳисобланган солиқларни тўлаш тўғрисидаги қарор шикоят олинган санадан эътиборан бир ой ичида юқори турувчи солиқ органи томонидан қабул қилинади. Бу муддат солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан қуйи турувчи солиқ органларидан шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (ахборотни) олиш учун ёки шикоят берган шахс қўшимча ҳужжатларни тақдим этганда узайтирилиши, бироқ ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилмаган шикоят бўйича қарор солиқ органи томонидан шикоят олинган санадан эътиборан ўн беш кун ичида қабул қилинади. Бу муддат солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан қуйи турувчи солиқ органларидан шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (ахборотни) олиш учун ёки шикоят берган шахс қўшимча ҳужжатлар тақдим этганда

узайтирилиши, бироқ ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) шикоятни кўриб чиқиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори шикоят берган шахсга қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч кун ичида топширилади ёки юборилади.

Солиқ органининг шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қарори шикоят берган шахсга қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч кун ичида топширилади ёки юборилади.

236-модда. Судлар томонидан шикоятларни кўриб чиқиш

Солиқ органларининг ҳужжатлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга берилган шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

МАХСУС ҚИСМ Х БЎЛИМ. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

31-боб. Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объекти

237-модда. Солиқ тўловчилар

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва (ёки) товарларни (хизматларни) реализация қилувчи қуйидагилар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилади (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади):

- 1) Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;
- 2) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида бир миллиард сўмдан ошган ёхуд ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлар;
- 3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, агар товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса;
- 4) фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари;
- 5) оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича – оддий ширкатнинг ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс – оддий ширкатнинг иштирокчиси;
- 6) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтувчи шахслар. Мазкур шахслар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилади.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ мажбуриятлари ушбу бўлимда белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ агентлари томонидан бажарилади.

Қуйидагилар солиқ тўловчилар деб ҳисобланмайди, бундан ушбу модданинг биринчи қисми 6-бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно:

- 1) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари – ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида;
- 2) айланмадан олинadиган солиқни тўловчи шахслар.

Солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда солиқ органларида қўшилган қиймат солиғини (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобида туради.

238-модда. Солиқ солиш объекти

Қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

- 1) реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма;
- 2) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб кириш.
Фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмани бундай доимий муассасанинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

- 1) якка тартибдаги тадбиркор томонидан ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий (оилавий) мол-мулкни реализация қилиш;
- 2) юридик шахс қайта ташкил этилаётганда унинг мол-мулкни ҳуқуқий ворисга (ҳуқуқий ворисларга) ўтказиш;
- 3) ишончли бошқарувнинг муассиси томонидан мол-мулкни ишончли бошқарувчига бериш ва ишончли бошқарув шартномасининг амал қилиш муддати тугаган тақдирда, ишончли бошқарувчининг ўзи ишончли бошқарувга берилган мол-мулкни қайтариши;
- 4) миллий валюта ёки чет эл валютаси муомаласи билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш (бундан нумизматика мақсадлари мустасно).

32-боб. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи

239-модда. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма

Товарларни реализация қилиш бўйича айланма қуйидагилардан иборат:

1) товарга бўлган мулк ҳуқуқини пуллик асосда, шу жумладан товарнинг қарз шартномаси бўйича ўтказиш;

2) товарни бепул бериш, бундан шундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно;

3) мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) бериш;

4) товарни бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари асосида бериш.

Товарни реализация қилишдан фарқ қилувчи ҳар қандай фаолият, шу жумладан қуйидагилар хизматларни реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади:

1) пуллик асосда хизматлар кўрсатиш;

2) бепул хизматлар кўрсатиш, шу жумладан мол-мулкни солиқ тўловчининг бепул фойдаланиши учун бериш, бундан шундай хизматларни кўрсатиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно.

Товарларни бепул бериш ёки бепул хизматлар кўрсатиш қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда бирига риоя этилганда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқарилган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асослантирилган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида қуйидагилар ҳам товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмадир:

1) юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш);

2) оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) иштирокчилари ўртасида шундай шартнома доирасида товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш);

3) қуйидагиларга товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш):

а) юридик шахс иштирокчилари таркибидан иштирокчи чиққанда (чиқарилганда) ёки унинг юридик шахсда иштирок этиш улуши камайганда ёхуд иштирокчидан ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (улушнинг бир қисми) юридик шахс томонидан қайтариб сотиб олинганда, иштирокчига;

б) эмитент бўлган юридик шахс томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олишда, акциядорга;

в) юридик шахс тугатилганда, акциядорга ёки иштирокчига;

4) харажатлари ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ (бундан 20-бандда назарда тутилган харажатлар мустасно) фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган, солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарган товарларни бериш, ўз кучи билан хизматлар кўрсатиш;

5) жисмоний шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш ёки дивидендлар тўлаш ҳисобига товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш);

6) солиқ тўловчи томонидан ўзига тегишли мол-мулкни (хизматларни), агар бундай мол-мулк (хизматлар) бўйича солиқ суммаси тўлиқ ёки қисман ҳисобга ўтказилган бўлса, бошқарув органи аъзоларига, ходимларга, уларнинг оила аъзоларига ёхуд бошқа шахсларга солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий мақсадларда фойдаланиш учун бериш (хизматлар кўрсатиш);

7) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайтариш шарти билан қайта ишлашга бериш, агар товарлар ва (ёки) мол-мулк қайта ишлаш маҳсули шаклида шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса;

8) эркин божхона ҳудудининг божхона тартиб-таомилига солиқ тўламасдан жойлаштирилган товарни йўқотиш, бошқа ҳолатларда солиқни тўлаш зарур бўлган тақдирда;

9) қайтарилиши лозим бўлган, кўп марта муомалада бўладиган идишларнинг сотувчи томонидан берилиши, агар идиш бундай идишдаги маҳсулотни етказиб беришга доир шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаса.

Товарларни (хизматларни) олиш ҳуқуқини берувчи ваучерларни реализация қилиш ёки бепул бериш мазкур товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади.

240-модда. Товарларни реализация қилиш жойи

Қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

1) товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса ва битим натижасида унинг ҳудудидан ташқарига чиқарилмайдиган бўлса;

2) товар жўнатиш ёки транспортда ташиш бошланган пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса.

241-модда. Хизматларни реализация қилиш жойи

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, башарти бундай хизматларнинг харидори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни амалга оширса ёки турса, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади.

Агар хизматларнинг харидори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахсни (унинг филиалларини ёки ваколатхоналарини) ёки жисмоний шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш асосида ҳақиқатда ҳозир бўлса, мазкур ҳудуд харидорнинг фаолиятни амалга ошириш жойи деб эътироф этилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган тақдирда, харидорнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиши юридик

шахсинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жой ёки уни бошқариш жойи, унинг доимий муассасаси жойлашган ер (агар хизматлар ушбу доимий муассаса орқали олинган бўлса), жисмоний шахсинг яшаш жойи асосида белгиланади.

Қуйидаги ҳолларда ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудуди хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, агар:

1) хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган кўчмас мол-мулк билан бевосита боғлиқ бўлса. Бундай хизматлар жумласига, хусусан, архитектура лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш фаолиятини тайёрлаш ва мувофиқлаштириш, архитектура ва қурилиш фаолияти устидан муаллифлик ва (ёки) техник назорат билан боғлиқ бўлган қурилиш, монтаж қилиш, қурилиш-монтаж хизматлари, кўчмас мол-мулкка доир ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш ишлари, кўкаламзорлаштириш ишлари, шунингдек кўчмас мол-мулкни ижарага бериш қиради;

2) хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда бўлган кўчар мол-мулк билан бевосита боғлиқ бўлса, бундан транспорт воситаларини ижарага бериш мустасно. Бундай хизматлар жумласига, хусусан, кўчар мол-мулкни монтаж қилиш, созлаш, йиғиш, ишлов бериш, қайта ишлаш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, сақлаш қиради;

3) умумий овқатланиш, кўнгилочар, дам олиш ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар, туризм, меҳмонхона хизматлари ва жойлаштируви, маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ўқитиш (таълим) соҳасидаги, шу жумладан малака имтиҳонлари ўтказиш, семинарлар, малака ошириш курсларини, пуллик кўرғазмаларни, конференцияларни, симпозиумларни ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни ташкил этишга доир хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатилса. Ушбу банднинг қоидалари электрон шаклда кўрсатиладиган ўқитиш (таълим) соҳасидаги хизматларга нисбатан татбиқ этилмайди.

4) ташиш ва (ёки) транспортда ташиш бўйича хизматлар ёхуд бевосита ташиш ва (ёки) транспортда ташиш билан боғлиқ хизматлар қуйидагилар томонидан кўрсатиладиган бўлса:

а) Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, агар жўнатиш пункти ва (ёки) белгиланган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса. Ушбу кичик бандда кўрсатилган қоида ушбу транспорт воситаларида ташишни (транспортда ташишни) назарда тутувчи, кемада вақтинча юк ташишга доир шартнома бўйича (экипаж билан бўлган вақтга) транспорт воситаларини бериш чоғида ҳам қўлланилади. Бунда, агар ҳаво кемаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган пунктлар ўртасида ташиш учун фойдаланиладиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди кемада вақтинча юк ташиш шартномасига кўра ҳаво кемаларини фойдаланишга бериш бўйича хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайди;

б) чет эллик шахслар томонидан, агар жўнатиш пункти ва белгиланган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса (бундан чет эл юридик шахслари томонидан йўловчиларни, почтани ва юкни ушбу юридик шахснинг доимий бўлмаган муассасаси орқали ташишга доир хизматлар мустасно). Ушбу кичик банднинг қоидалари товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етиб келиш жойидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш жойигача транспортда ташиш чоғида божхона транзитининг божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни бевосита ташиш ва (ёки) транспортда ташиш билан боғлиқ хизматларга ҳамда ушбу қисмнинг 5-бандида кўрсатилган хизматларга нисбатан татбиқ этилмайди;

5) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етиб келиш жойидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш жойигача ташиш чоғида божхона транзитининг божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни ташиш ва (ёки) транспортда ташиш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар (бундан ушбу қисмнинг 7-бандида кўрсатилган хизматлар мустасно) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик шахслар ёки чет эл юридик шахсининг доимий муассасаси ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилса;

б) ҳаво кемаларига бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизматлари кўрсатилса;

7) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали табиий газни қувурлар орқали ташишни ташкил этиш бўйича хизматлар Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан кўрсатилса;

8) ижарага бериш пайтида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган транспорт воситаларини қисқа муддатли ижарага бериш билан боғлиқ хизматлар. Агар хизматлар транспорт воситаларини узоқ муддатли ижарага бериш билан боғлиқ бўлса, транспорт воситаларининг жойлашган еридан қатъи назар, хизматларни сотиб олувчининг фаолиятини амалга оширадиган жойи (жойлашган ери) бундай хизматларнинг реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Бунда ҳаво ва денгиз кемаларига, вертолётларга ва темир йўл транспортининг ҳаракатдаги таркибига нисбатан шартнома, агарда у 90 кунгача бўлган муддатга тузилган бўлса, қисқа муддатли деб ҳисобланади. Бошқа транспорт воситаларига нисбатан бундай шартномалар 30 кунгача бўлган муддатга тузилган бўлса, қисқа муддатли деб ҳисобланади;

9) телевидениеда ва (ёки) радиода, оммавий ахборот воситаларида ва бошқа шаклларда рекламани жойлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида амалга ошириладиган хизматлар;

10) ушбу Кодекснинг 282-моддасида кўрсатилган электрон шаклдаги хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган ёки фаолиятни амалга ошираётган шахслар томонидан олинса. Бунда, агар қуйидаги шартлардан

ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди жисмоний шахс томонидан электрон шаклдаги хизматларни олиш жойи деб эътироф этилади;

а) харидорнинг яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса;

б) харидор томонидан хизматларга ҳақ тўлаш учун фойдаланиладиган банк ёки харидор томонидан хизматларга ҳақ тўлаш амалга ошириладиган тўлов тизимларининг оператори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса;

в) харидор хизматларни олиш чоғида фойдаланган тармоқнинг манзили Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган бўлса;

г) хизматларни олиш ёки хизматларга ҳақ тўлаш учун фойдаланиладиган телефон рақами мансуб бўлган мамлакатнинг халқаро коди Ўзбекистон Республикаси томонидан берилган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси, агарда ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган хизматларни реализация қилиш жойи унда белгиланган мезонларга мувофиқ бўлмаса, ушбу хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайди.

Агар хизматлар кўрсатиш асосий хизматларни реализация қилишга нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга бўлса, бундай реализация қилиш жойи деб асосий хизматлар реализация қилинган жой эътироф этилади.

242-модда. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи томонидан ҳисобварақ-фактура тақдим этилган сана ёки товарлар жўнатилган (берилган) сана, агар ушбу сана ҳисобварақ-фактура тақдим этилган санадан олдин келса, товарларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир.

Агар товарни жўнатиш (бериш) амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи харидорга ўтказилган кун товарларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир.

Кўчмас мол-мулк реализация қилинган тақдирда, кўчмас мол-мулкни бошқа шахс тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг тарафлари томонидан имзоланган қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси бўйича харидорга кўчмас мол-мулк берилган сана айланма амалга оширилган сана деб ҳисобланади.

Хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжат расмийлаштирилган (имзоланган) сана хизматларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир.

Ушбу модданинг тўртинчи қисми қоидалари бошланиши бир ҳисобот (солиқ) даврига, тамомланиши эса бошқа ҳисобот (солиқ) даврига тўғри келадиган хизматларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари, қувурлар тизими орқали юкларни ташишга доир хизматлар реализация қилинганда, товарлар (хизматлар) доимий (узлуксиз) асосда реализация қилинган бошқа ҳолларда товарлар етказиб берилган (хизматлар кўрсатилган) календарь ойнинг сўнгги куни товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир.

Объектлар қурилишида, шу жумладан объектларни фойдаланиш учун тайёр ҳолда қуришда, шунингдек узоқ (бир солиқ ҳисоботи давридан ортик) технологик даврийликдаги узоқ муддатли шартномалар бўйича, агар тузилган узоқ муддатли шартномалар шартларида хизматларни ҳар ойда топшириш назарда тутилмаган бўлса, ҳар бир календарь ойнинг охириги куни айланма амалга оширилган сана деб ҳисобланади.

Мол-мулк молиявий ижарага (лизингга) берилганда, молиявий ижара (лизинг) шартномаси тарафлари томонидан имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномасига кўра мол-мулк ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) тасарруфига берилган сана айланма амалга оширилган сана деб ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун товарларни беришда (хизматлар кўрсатишда) айланма амалга оширилган сана деб солиқ тўловчининг тегишли ички ҳужжати билан расмийлаштирилган, ушбу товарни бериш (хизматлар кўрсатиш) амалга оширилган кун эътироф этилади.

Товарлар экспорт божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилган тақдирда, қуйидаги саналар товарни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана деб ҳисобланади:

1) божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона чегараси ҳақиқатда кесиб ўтилган сана;

2) божхонага оид декларациялашни амалга оширган божхона органининг белгилари қўйилган ҳолда товарларга тааллуқли божхона юк декларацияси рўйхатдан ўтказилган сана – даврий ва (ёки) вақтинчалик божхонага оид декларациялашдан фойдаланилган ҳолларда.

33-боб. Солиқ солишдан озод этиш

243-модда. Солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма

Агар ушбу Кодекснинг 260-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидагиларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод этилади:

1) мактабгача таълим муассасаларида (ташкилотларида) болаларга қараш бўйича хизматларни;

- 2) беморлар ва кексаларни парвариш қилиш бўйича хизматларни;
- 3) дафн этиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматларини, диний ашёларни, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмалар томонидан удумларни ва маросимларни ўтказишга доир хизматларни;
- 4) протез-ортопедия буюмларини, ногиронлиги бўлган шахслар учун инвентарни, шу жумладан ушбу буюмлар ва инвентарни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилиш, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича хизматларни;
- 5) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг маҳсулотларини ушбу муассасалар томонидан реализация қилиш;
- 6) ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат бўлган ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган товарлар ва хизматларни;
- 7) почта маркаларини (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали откриткаларни, конвертларни;
- 8) пенсиялар ва нафақалар тўлашга доир хизматларни;
- 9) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишларини. Мазкур солиқ солишдан озод этиш тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда қўлланилади;
- 10) ўқитиш (таълим) соҳасидаги хизматларни, шу жумладан тест синовлари ва имтиҳонлар ўтказишни ташкил этиш хизматларини, хусусан: бошланғич, ўрта, ўрта махсус, техник ва касб-ҳунар, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасидаги таълим хизматларини; таълим муассасалари (ташкилотлари), шунингдек кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширадиган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган қўшимча таълим бериш бўйича хизматларни; мактабгача таълим ва тарбия дастурлари доирасида таълим ва тарбиялаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда болаларга қараш ва уларни парваришлаш бўйича хизматларни, тўғаракларда, секцияларда (шу жумладан спорт секцияларида) ва студияларда вояга етмаган болалар билан машғулотлар ўтказиш бўйича хизматларни;
- 11) тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларни (бундан косметологик хизматлар мустасно). Ушбу банднинг мақсадида тиббий хизматлар жумласига, хусусан, қуйидагилар киради: тиббий ёрдамга ва санитария хизмати кўрсатишга доир хизматлар; ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш бўйича хизматлар;

стоматологик хизматлар, шу жумладан тишларни протезлаш бўйича хизматлар;

12) ветеринария хизматларини. Ушбу банднинг мақсадида ветеринария хизматлари жумласига, хусусан, қуйидагилар киради:

ветеринарияга оид хизматлар кўрсатиш, ҳайвонларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича хизматлар;

ҳайвонлар ва инсон учун умумий бўлган касалликлардан аҳолини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилиш;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг ветеринария ва ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлаш;

13) дори воситаларини, ветеринария дори воситаларини, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларни;

14) санаторий-курорт, соғломлаштириш хизматларини, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг хизматларини. Ушбу банднинг мақсадида:

а) санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматлари жумласига санаторийлар, шифохоналар, профилакторийлар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан уларнинг асосий фаолияти доирасида кўрсатиладиган, улар юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатилишидан қатъи назар, йўлланмалар ёки жойсиз даволаниш учун бериладиган ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хизматлар киради;

б) жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг хизматлари жумласига, хусусан, спорт иншоотларида, мактабларда, клубларда спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда жамоаларида соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказишга оид хизматлар, умумжисмоний тайёргарлик хизматлари, спорт мусобақаларини ёки байрамларни, спорт-томоша тадбирларини ўтказиш бўйича хизматлар, шунингдек мазкур тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун спорт иншоотларини ижарага бериш киради;

15) йўловчиларни ягона тарифлар бўйича ташиш хизматларини кўрсатиш:

а) умумий фойдаланишдаги йўловчи ташиш шаҳар транспортида ва йўловчи ташиш автомобиль транспортида (бундан такси, шу жумладан йўналишли такси мустасно);

б) шаҳар атрофидаги йўналишда темир йўл транспортида;

16) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар. Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар жумласига лифт хўжаликлари, ер ресурслари ва давлат кадастри, уй-жой фондидан фойдаланиш, уни сақлаш ва таъмирлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг бевосита аҳоли

томонидан ҳақ тўланадиган хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларга уй-жой мулкдорлари ширкатлари орқали ҳақ тўлаш киради;

17) товарларни (хизматларни), агар товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бепул амалга оширилса;

18) қимматбаҳо металлдан ишланган банк ва ўлчовли қуймаларини, қимматбаҳо металлдан ишланган қуйма (инвестиция) тангаларни (нумизматика мақсадлари учун фойдаланиладиган тангалардан, шунингдек қимматбаҳо металлдан ишланган чет эл тангаларидан ташқари), заргарлик буюмларини;

19) божсиз савдо божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни;

20) юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ваколатли органлар, ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни, агар бундай хизматлар кўрсатиш шарт эканлиги қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса, фаолиятнинг муайян соҳасида ушбу органлар ва ташкилотларнинг зиммасига юклатилган алоҳида ваколатларни бажариш доирасида давлат божи ёки бошқа тўловлар ундирилади;

21) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроққа оид ва геоботаника ишларини;

22) бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йиллик минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида кўрсатиладиган геология хизматлари;

23) халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олинadиган товарларни (хизматларни), агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда тутилган бўлса;

24) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари хизматларини;

25) телекоммуникация тармоқларида оператив-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

26) меценатлик кўмаги тарзида бериладиган (кўрсатиладиган) товарларни (хизматларни);

27) ушбу Кодекснинг 244-моддасида назарда тутилган молиявий хизматларни;

28) ушбу Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган ҳаётни суғурта қилиш хизматларини ва бошқа суғурта хизматларини.

Ушбу моддада санаб ўтилган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланма солиқ тўловчиларда бундай фаолиятни амалга ошириш учун тегишли лицензиялар ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, агар унинг амалга оширилишини лицензиялаш

лозим бўлса ёки рухсат этувчи ҳужжатлар талаб этса, қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишдан озод этилади.

Солиқ солинадиган айланмаларни ва ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ солиқ солишдан озод этиладиган айланмаларни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ушбу Кодекснинг 268-моддасига мувофиқ айланмаларнинг алоҳида ҳисобини юритиши шарт.

244-модда. Солиқ солишдан озод этиладиган молиявий хизматлар

Қуйидаги молиявий хизматлар солиқ солишдан озод этилади:

1) банк операциялари, хусусан:

юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини омонатларга жалб этиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг жалб этилган пул маблағларини банклар номидан ҳамда уларнинг ҳисобидан жойлаштириш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар учун хизмат қилувчи банк ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш, шунингдек банк карталарига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг топшириғига кўра уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

юридик ва жисмоний шахсларга касса хизматларини банк кассалари ёки махсус асбоб-ускуналар (банкومات, автоматик депозит машиналар ва ҳоказо) орқали кўрсатиш;

чет эл валютасининг нақд пулдаги ва нақд пулсиз олди-сотдиси (шу жумладан чет эл валютасининг олди-сотди операцияларига доир воситачилик хизматлари кўрсатиш);

банк кафолатларини бажариш (банк кафолатини бериш ва бекор қилиш, бундай кафолат шартларини тасдиқлаш ва ўзгартириш, банк кафолати бўйича тўлов, бундай кафолатга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва текшириш);

мажбуриятларнинг пул шаклида бажарилишини назарда тутувчи учинчи шахслар учун кафиллик бериш;

аккредитивларни очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

тўлов тизимлари, дастурларидан ва ускуналардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш;

2) ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ахборот ва технологик ҳамкорликни, шу жумладан ҳисоб-китоблар иштирокчиларига банк карталари билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш ва уни тақдим этиш юзасидан хизматлар кўрсатилишини таъминловчи ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган операциялар;

3) юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини, кооперативларнинг пай фондларидаги ва инвестиция пай жамғармаларидаги пайларни, қимматли қоғозларни ҳамда ҳосила молиявий воситаларни реализация қилиш, бундан солиқ солиниши лозим бўлган ҳосила молиявий воситаларнинг асос активини реализация қилиш мустасно. Ушбу бўлим мақсадларида ҳосила молиявий воситани реализация қилиш деганда унинг асос активини реализация қилиш, шунингдек контракт бўйича муқофотлар суммаларини, вариацияга оид маржа суммаларини тўлаш, ҳосила молиявий воситалар шартларига мувофиқ асос актив тўлови бўлмаган ҳосила молиявий восита тарафларининг бошқа даврий ёки бир марталик тўловлари тушунилади;

4) реализация қилиниши ушбу қисмнинг 3-бандига биноан солиқ солишдан озод этиладиган ҳосила молиявий воситалар асосида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқлардан (талаблардан) бошқа шахс фойдасига воз кечиш (уларни бошқаларга бериш);

5) форфейтинг ва факторинг операциялари;

6) заёмларни пул шаклида беришга доир шартномалардан ва (ёки) кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан кредиторнинг ҳуқуқларидан (талабларидан) бошқа шахс фойдасига воз кечиш (уларни бошқаларга бериш, олиш) бўйича, шунингдек бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси асосида дастлабки шартнома юзасидан қарз олувчининг ҳар бир янги кредитор олдидаги мажбуриятларининг бажарилишга доир операциялар;

7) кредитларни, заёмларни пул шаклида ва қимматли қоғозлар билан бериш, шу жумладан улар бўйича фоизлар билан бирга бериш, шунингдек РЕПО операциялари, шу жумладан РЕПО операциялари бўйича қимматли қоғозлар берилганлиги учун тўланиши лозим бўлган пул суммалари;

8) мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) беришга доир хизматларнинг ушбу хизматлар бўйича фоизли даромадлар олишга тааллуқли қисми бўйича;

9) қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда уларнинг реестрини юритиш, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

10) транзакцияларни бир вақтнинг ўзида тўлов иштирокчилари ўртасида воситачилик ҳақларини тақсимлаган ҳолда амалга ошириш билан боғлиқ тўлов тизимларининг молия хизматлари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва қимматли қоғозларга тааллуқли қисм бўйича қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича ваколатли

орган билан келишилган ҳолда, ушбу модданинг қоидаларини қўллаш тартиби юзасидан тушунтиришлар, шу жумладан айрим айланмаларни батафсил аниқлаштириш бўйича тушунтиришлар беришга ҳақли.

245-модда. Солиқ солишдан озод қилинадиган суғурта хизматлари

Суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш хизматлари бўйича суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган суғурта қилиш бўйича хизматлар бу хизматлар натижасида:

1) суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;

қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича воситачилик ҳақи ва танъемалар;

суғурта агенти, суғурта ва қайта суғурта брокери, сюрвейер ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларининг хизматлари учун воситачилик ҳақи;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари (актуарийлар, ажастерлар, сюрвейерлар, ассистанс хизматлари ва шу сингарилар) кўрсатган хизматлардан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган, суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинадиган маблағлар;

қайта суғурта қилиш шартномалари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, улар бўйича суғурта мукофотларининг қайтариб берилган қисми суммалари;

бевосита суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинадиган бошқа даромадлар;

2) суғурта қилдирувчи (наф олувчи) қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

суғурта тўлови (суғурта товони);

превентив тадбирлар ўтказиш учун бериладиган маблағлар;

суғурта қилиш шартномаси зарарсиз амал қилиши учун суғурталовчи тўлайдиган маблағлар;

суғурта қилиш шартномасига мувофиқ бошқа маблағлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ушбу модда қоидаларининг қўлланилиш тартиби юзасидан, айрим айланмаларни батафсиллаштирган ҳолда, тушунтиришлар беришга ҳақли.

**246-модда. Солиқ солишдан озод этиладиган товарларни
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш**

Қуйидагиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш солиқ солишдан озод этилади:

1) жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кириладиган товарлар;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб кириладиган товарлар;

3) давлат, ҳукумат, халқаро ташкилотлар йўналишлари бўйича хайрия ёрдами мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш учун олиб кириладиган товарлар;

4) чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан уларнинг ўзлари билан бирга яшаётган оила аъзолари шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

5) қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида қимматга эга маданий мерос объектлари жамоасига киритилган, давлат маданият муассасалари томонидан олинган ёки улар томонидан совғага олинган маданий қимматликлар. Ушбу солиқ солишдан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тегишли тасдиқномаси мавжуд бўлган тақдирда қўлланилади;

6) ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, тасдиқланган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар;

7) халқаро китоб алмашинуви бўйича давлат кутубхоналари ва музейлари томонидан олинган босма нашрларнинг барча турлари, шунингдек халқаро нотижорат алмашинувини амалга ошириш мақсадида ихтисослаштирилган давлат ташкилотлари томонидан олиб кириладиган кинематография асарлари;

8) миллий валюта ва чет эл валютаси, қонуний тўлов воситалари бўлган банкнотлар (бундан коллекциялаш учун мўлжалланганлари мустасно), шунингдек қимматли қоғозлар;

9) халқаро молия институтларининг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олиб кириладиган товарлар, агар қарзга доир битимда бу товарлар олиб кириладиганда солиқдан озод этилиши назарда тутилган бўлса;

10) ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича

махсус орган томонидан олинадиган тезкор-кидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари;

11) дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситаларини, ветеринария дори воситаларини, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларни ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган хом ашё. Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқариладиган, олиб кириладиган тайёр дори воситаларига, ветеринария дори воситаларига, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларга нисбатан татбиқ этилмайди.

34-боб. Солиқ базаси

247-модда. Солиқ базасини аниқлашнинг умумий қоидалари

Товарларни (хизматларни) реализация қилишда солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан ушбу бобга мувофиқ ўзи ишлаб чиқарган ёки олган товарларни (хизматларни) реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятларига қараб аниқланади.

Товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан ушбу бобга ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Солиқ базасини аниқлаш чоғида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум солиқ тўловчининг ушбу товарларга (хизматларга) пулда ва (ёки) натура шаклларидаги тўлов, шу жумладан қимматли қоғозлар билан ҳақ тўлаш сифатида олинган барча даромадларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади.

Солиқ базасини аниқлаш чоғида солиқ тўловчининг чет эл валютасида ифодаланган тушуми (харажатлари) ушбу Кодекснинг 242-моддасида белгиланган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Агар сотувчи ва харидор ўртасидаги шартномада товарларга (хизматларга) чет эл валютасида белгиланган суммага тенг бўлган суммадаги миллий валютада ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса ҳамда бунда реализация қилинган товарларга (хизматларга) ҳақ тўланган сана уларни реализация қилиш бўйича ушбу Кодекснинг 242-моддасига мувофиқ аниқланадиган айланма амалга оширилган санага тўғри келмаса, мазкур саналарда чет эл валютаси курсларидаги фарқ туфайли юзага келган тушум суммасидаги ижобий ёки салбий фарқ солиқ базасини белгилашда ҳисобга олинмайди. Бундай ижобий ёки салбий фарқ ушбу Кодекснинг XII бўлимига

мувофиқ бошқа даромадлар ёки бошқа харажатлар таркибида сотувчи томонидан ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу Кодекснинг 239-моддасига мувофиқ ўз эҳтиёжлари учун солиқ солиш объекти деб эътироф этиладиган товарлар берилган (хизматлар кўрсатилган) тақдирда, солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан ушбу бобга мувофиқ аниқланади.

248-модда. Солиқ базасини аниқлаш тартиби

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ базаси ушбу Кодекснинг 176-моддаси талабларини ҳисобга олган ҳолда, акциз солиғини (акциз тўланадиган товарлар, хизматлар учун) ҳисобга олиб, унга солиқни киритмаган ҳолда, битим тарафлари томонидан қўлланилган нархдан (тарифдан) келиб чиққан ҳолда реализация қилинадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати сифатида аниқланади.

Харидорларга реализация қилиш бўйича айланмани амалга ошириш санасида чегирмалар (бошқа тижорат бонуслари) берган солиқ тўловчи солиқ базасини бундай чегирмалар (тижорат бонуслари) чегириб ташланган ҳолдаги нархдан (тарифдан) келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Солиқ базаси қуйидаги ҳолларда товарларнинг (хизматларнинг) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ аниқланадиган бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

1) товарларни (хизматларни) бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаб реализация қилишда;

2) агар ушбу Кодекснинг 239-моддаси биринчи қисми 2-бандида ёки иккинчи қисмининг 2-бандида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни (хизматларни) бепул беришда (кўрсатишда);

3) юридик шахснинг мол-мулкидан ушбу Кодекснинг 239-моддаси тўртинчи қисми 6-бандига мувофиқ шахсий мақсадларда фойдаланишда.

Агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли. Солиқ тўловчи бундай қарор юзасидан битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолашишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган (импорт қилинган) товарларни реализация қилиш чоғида солиқ базаси ушбу товарларни олиб кириш (импорт қилиш) чоғида бюджетга ҳақиқатда тўланган солиқ ҳисоблаб чиқарилган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Қайтариб бериш шарти билан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан товарлар ишлаб чиқариш бўйича хизматлар реализация қилинган тақдирда, солиқ базаси уларни қайта ишлашга доир

хизматларнинг қиймати асосида, унга солиқни киритмаган ҳолда, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса уларни қайта ишлашга доир хизматларнинг қиймати асосида, ушбу Кодексга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Объектларни қуришда, шу жумладан объектларни фойдаланиш учун тайёр қилиб қуришда, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишларни, шунингдек узок технологик (бир ҳисобот давридан ортиқ) даврийликдаги бошқа узок муддатли шартномаларни бажаришда солиқ базаси ҳар бир календарь ойнинг охирида ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмининг ушбу Кодекснинг 303-моддасига мувофиқ солиқ базаси киритилмаган ҳолда аниқланадиган қиймати асосида аниқланади. Агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, солиқ базаси бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг қийматидан келиб чиққан ва буюртмачи материалларининг қийматини солиқ базасига киритмаган ҳолда аниқланади.

Жисмоний шахсларга меҳнат ҳақи ҳисобига ёки дивидендлар тўловлари ҳисобига товарлар берилганда (хизматлар кўрсатилганда), шунингдек ушбу Кодекснинг 239-моддаси тўртинчи қисми 3-бандида белгиланган ҳолларда солиқ базаси товарларнинг (хизматларнинг) ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ аниқланадиган қийматидан келиб чиққан ва солиқни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Эркин божхона ҳудудининг божхона режимига солиқ тўламасдан жойлаштирилган товар йўқотилганда солиқ базаси ушбу Кодекснинг 254-моддаси биринчи қисмига мувофиқ аниқланади.

Товарларни (хизматларни) олишга бўлган ҳуқуқни берувчи ваучерни реализация қилиш чоғида ваучернинг солиқ ҳисобга олинган ҳолдаги қиймати солиқ базаси бўлади.

Олиб сотиш учун жисмоний шахслардан олинган автомобиллар ва уй-жой кўчмас мулк объектлари реализация қилинган тақдирда, солиқ базаси солиқ суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи ва сотиб олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ харажатлари чегирилмайдиган солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўзи ишлаб чиқарган товарлардан фойдаланилганда (ўз кучи билан хизматлар кўрсатилганда), солиқ базаси ушбу товарларнинг (хизматларнинг) бундай солиқ тўловчи томонидан ўтган 90 кун давомида реализация қилинган айнан шундай (улар мавжуд бўлмаганда шунга ўхшаш) товарларнинг (хизматларнинг) ўртача ўлчанган нархидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган қиймати сифатида, кўрсатилган даврда бундай реализация мавжуд бўлмаганда эса акцизлар ҳисобга олинган (акцизоти товарлар учун) ва солиқ қўшилмаган бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ушбу бўлимга мувофиқ реализация қилишга доир айланмалари солиқ солинмайдиган айланмалар бўлган чипталар, абонементлар, йўлланмалар (жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжатлар) ва хизматларни олиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатлар реализация қилинган тақдирда, солиқ базаси солиқ суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи ва уларни сотиб олиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ базасини аниқлашнинг бошқа шартлар ва ҳолатларни ҳисобга оладиган ўзига хос хусусиятлари ушбу Кодекснинг 249–256-моддаларида белгиланади.

249-модда. Молиявий ижара (лизинг) шартномалари бўйича операциялар амалга оширилганда солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Мол-мулк молиявий ижарага (лизингга) берилган тақдирда, ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) солиқ базаси барча даврий ижара (лизинг) тўловлари суммаси (шу жумладан, қайтариб сотиб олиш суммаси, агар шартномада шундай сумма назарда тутилган бўлса) сифатида, ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоиз ҳисобидаги даромади чегириб ташланган ва солиқ ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

Ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан молиявий ижара (лизинг) шартномасининг шартлари бажарилмаганлиги сабабли молиявий ижара (лизинг) объекти қайтарилган тақдирда, солиқ базаси ижарага олувчи (лизингга олувчи) томонидан объект қайтарилган санада бундай объект учун ўзи тўламаган ижара (лизинг) тўловларининг суммаси миқдорида фоиз ҳисобидаги харажат чегириб ташланган ва солиқ ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

Ушбу Кодекснинг 246-моддасига мувофиқ солиқ солишдан озод этилган, олиб кирилган технологик асбоб-ускуналар молиявий ижарага (лизингга) берилганда солиқ базаси мазкур асбоб-ускуналарни сотиб олиш нархи ва реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиқиб аниқланади.

250-модда. Воситачилик (топширик), транспорт экспедицияси шартномалари бўйича операциялар амалга оширилганда солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Комитентнинг (ишонч билдирувчининг) топшириғига кўра комитентга (ишонч билдирувчига) тегишли бўлган товарлар реализация қилинган тақдирда, воситачилик (топширик) шартномасининг шартларига мувофиқ бўлган шартлар асосида воситачи (ишончли вакил) томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича комитент (ишонч билдирувчи)

бундай учинчи шахсга хизматлар кўрсатганда солиқ базаси қуйидагича аниқланади:

1) воситачининг (ишончли вакилнинг) солиқ базаси – унинг солиқни ўз ичига оладиган воситачилик ҳақи миқдорида;

2) комитентнинг (ишонч билдирувчининг) солиқ базаси – комитентнинг (ишонч билдирувчининг) топшириғига кўра воситачи (ишончли вакил) томонидан реализация қилинган товарларнинг қиймати, шунингдек солиқни киритмаган ҳолда воситачи (ишончли вакил) томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича комитент (ишонч билдирувчи) бундай учинчи шахсга кўрсатган хизматларнинг қиймати миқдорида.

Солиқ солишдан озод этиш солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш билан боғлиқ бўлган воситачилик (топширик), транспорт экспедицияси шартномалари асосида хизматлар кўрсатишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Воситачилик (топширик) шартномаси шартларига мувофиқ бўлган шартлар асосида комитент (ишонч билдирувчи) учун унинг топшириғига кўра олинган товарлар воситачи (ишончли вакил) томонидан комитентга (ишонч билдирувчига) берилган тақдирда, учинчи шахс томонидан воситачи (ишончли вакил) билан тузилган битим бўйича бундай учинчи шахс комитент (ишонч билдирувчи) учун хизматлар кўрсатганда воситачининг (ишончли вакилнинг) солиқ базаси унинг солиқни ўз ичига оладиган воситачилик ҳақи миқдорида аниқланади.

Транспорт экспедицияси шартномасида белгиланган, транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мижоз бўлган тараф учун ташувчи ва (ёки) бошқа етказиб берувчилар томонидан хизматлар кўрсатилган тақдирда, экспедиторнинг солиқ базаси транспорт экспедицияси шартномасида назарда тутилган, унинг солиқни ўз ичига оладиган ҳақи миқдорида аниқланади.

251-модда. Корхона мол-мулк мажмуаси сифатида реализация қилинганда солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Корхона мол-мулк мажмуаси сифатида реализация қилинганда, солиқ базаси ушбу моддада белгиланган тартибда, уни реализация қилишнинг солиқни ўз ичига оладиган нархи миқдорида, ушбу корхона мол-мулкнинг ҳар бир солиқ объекти бўйича алоҳида аниқланади.

Агар корхонани реализация қилиш нархи унинг таркибига кирадиган жами мол-мулкнинг баланс қийматидан паст бўлса, корхонани реализация қилиш нархининг мазкур мол-мулкнинг баланс қийматига нисбати сифатида аниқланадиган тузатиш коэффициенти қўлланилади.

Агар корхонани реализация қилиш нархи унинг таркибига кирадиган жами мол-мулкнинг баланс қийматидан юқори бўлса, корхонани

реализация қилишнинг дебиторлик қарзи суммасига ва қимматли қоғозлар қийматига камайтирилган нархнинг реализация қилинган корхона таркибига кирадиган мол-мулкнинг дебиторлик қарзи суммасига ва қимматли қоғозларнинг қийматига камайтирилган баланс қийматига нисбати сифатида аниқланадиган тузатиш коэффициентини қўлланилади. Ушбу қисмга мувофиқ тузатиш коэффициентини ҳисоб-китоб қилишда қимматли қоғозларнинг қиймати, агар у фақат бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган бўлса, чиқариб ташланади.

Мол-мулкнинг ҳар бир турини реализация қилиш нархи унинг баланс қийматининг ушбу модданинг иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган тартибда белгиланадиган тузатиш коэффициентига кўпайтмаси сифатида аниқланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолатда, дебиторлик қарзининг суммасига доир тузатиш коэффициентини қўлланилмайди. Агар бундай ҳолда қимматли қоғозларнинг қиймати қайта баҳоланган бўлса, мазкур коэффициент уларнинг қийматига нисбатан ҳам қўлланилмайди.

Корхона сотувчиси томонидан корхона сотилган нархни кўрсатган ҳолда жамлама ҳисобварақ-фактура тузилади.

Жамлама ҳисобварақ-фактурада асосий маблағлар, номоддий активлар, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган мол-мулкнинг бошқа турлари, дебиторлик қарзининг суммалари, қимматли қоғозларнинг қиймати ҳамда баланс активларининг бошқа позициялари мустақил позицияларга ажратилади. Жамлама ҳисобварақ-фактурага инвентаризация далолатномаси илова қилинади.

Жамлама ҳисобварақ-фактурада ҳар бир мол-мулк турининг нархи ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда баланс қийматининг тузатиш коэффициентига кўпайтмасига тенг деб қабул қилинади.

Реализация қилинишига солиқ солинадиган мол-мулкнинг ҳар бир тури бўйича тегишли равишда солиқ ставкаси ва тегишли солиқ суммаси кўрсатилади.

252-модда. Транспортда ташишни амалга оширишда солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Йўловчиларни, бағажни, юкларни ёки почтани темир йўл, автомобиль, ҳаво ёки дарё транспортида ташишлар амалга оширилганда солиқ базаси солиқни қўшмаган ҳолдаги ташиш қиймати сифатида аниқланади.

Имтиёзли тарифлар бўйича йўл хужжатлари реализация қилинганда солиқ базаси ушбу имтиёзли тарифлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Сафар бошлангунига қадар харидорларга ишлатилмаган йўл ҳужжатлари учун пуллар қайтарилган тақдирда, қайтарилиши лозим бўлган суммага солиқнинг барча суммаси киритилади.

Сафар тугатилганлиги сабабли йўл давомида йўловчиларга йўл ҳужжатлари қайтарилган тақдирда, қайтарилиши лозим бўлган суммага йўловчилар юриши керак бўлган қолган масофага тегишли миқдордаги солиқ суммаси киритилади. Бундай ҳолда солиқ базасини аниқлашда йўловчиларга ҳақиқатда қайтарилган суммалар ҳисобга олинмайди.

253-модда. Муддатли битимлар бўйича товарлар (хизматлар) реализация қилинганда солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Муддатли битим деганда шартномада белгиланган муддат тугагач бевосита ушбу шартномада кўрсатилган нарх бўйича товарлар етказиб берилишини (хизматлар кўрсатилишини) тақозо этадиган битим тушунилади.

Муддатли битимлар бўйича товарлар (хизматлар) реализация қилинганда солиқ базаси ушбу товарларнинг (хизматларнинг) бевосита шартномада кўрсатилган, лекин реализация қилинган санадаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган қийматдан паст бўлмаган қиймати сифатида аниқланади.

Уюшган бозорда муомалада бўлмаган ҳосила молиявий воситалар реализация қилинганда солиқ базаси асос активнинг бевосита шартномада кўрсатилган, лекин реализация қилинган санадаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган қийматдан паст бўлмаган қиймати сифатида аниқланади.

Уюшган бозорда муомалада бўлган ва асос актив етказиб берилишини назарда тутувчи ҳосила молиявий воситаларнинг асос активи реализация қилинганда, солиқ базаси, агар ушбу модданинг бешинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, асос активи реализация қилиш амалга оширилиши керак бўлган ҳамда ушбу ҳосила молиявий воситани биржа тасдиқлаган таснифлаш шартларига мувофиқ белгиланган қиймат сифатида аниқланади.

Уюшган бозорда муомалада бўлган ва асос актив етказиб берилишини назарда тутувчи опцион контрактларнинг асос активи реализация қилинган тақдирда, солиқ базаси ушбу асос активи реализация қилиш амалга оширилиши керак бўлган ва ҳосила молиявий воситани биржа тасдиқлаган таснифлаш шартларига мувофиқ белгиланган қиймат сифатида, лекин реализация қилиш санасидаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилганидан паст бўлмаган қийматда аниқланади.

Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида опцион контракт (опцион) деганда бир тараф (опцион харидори) бошқа тарафдан (опционни сотувчидан) олдиндан белгиланган нарх бўйича асос активнинг муайян сонини сотиб

олиш («колл» опциони) ёки сотиш («пут» опциони) ҳуқуқини оладиган битим тушунилади.

Ушбу модданинг иккинчи – бешинчи қисмларини қўллаш мақсадида товарнинг, хизматнинг ёки асос активнинг нархи акцизлар ҳисобга олинган (акциз тўланадиган товарлар учун) ва солиқ ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

Товарларнинг, хизматларнинг ёки асос активнинг бозор қиймати – ушбу Кодекснинг VI бўлимига мувофиқ, уларни реализация қилиш санаси эса ушбу Кодекснинг 242-моддасига мувофиқ аниқланади.

Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида уюшган бозорда муомалада бўлган ҳосила молиявий воситанинг таснифланиши деганда ҳосила молиявий воситанинг шартларини белгиловчи биржа ҳужжати тушунилади.

254-модда. Товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда солиқ базасини аниқлаш тартиби

Товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда солиқ базаси қуйидагиларни қўшган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ушбу товарларнинг қиймати сифатида аниқланади:

1) товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қийматини;

2) товарлар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётганда тўланиши лозим бўлган акциз солиғи ва божхона божини.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона тартиб-таомилига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан илгари олиб чиқилган товарларнинг қайта ишлаш маҳсулотлари ушбу ҳудудга олиб кирилаётганда солиқ базаси бундай қайта ишлашнинг қиймати сифатида аниқланади.

Солиқ базаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган бир номдаги, турдаги ва маркадаги товарларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича алоҳида аниқланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг бир туркуми таркибида бир вақтнинг ўзида ҳам акциз тўланадиган, ҳам акциз тўланмайдиган товарлар мавжуд бўлса, солиқ базаси мазкур товарларнинг ҳар бир гуруҳига нисбатан алоҳида аниқланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар туркуми таркибида божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона тартиб-таомилига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан илгари олиб чиқилган товарларнинг қайта ишлаш маҳсулотлари мавжуд бўлса, солиқ базаси худди шундай тартибда аниқланади.

255-модда. Товарлар (хизматлар) чет эллик шахслар томонидан реализация қилинганда солиқ агентлари томонидан солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди реализация қилиш жойи бўлган товарлар (хизматлар) солиқ тўловчилар сифатида солиқ органларида ҳисобда турмаган чет эллик шахслар томонидан реализация қилинган тақдирда, солиқ базаси солиқ агентлари томонидан ушбу товарларни (хизматларни) акцизлар (акциз тўланадиган товарлар учун) ва солиқ ҳисобга олинган ҳолда реализация қилишдан олинган даромаднинг суммаси сифатида аниқланади.

Солиқ агентлари деб ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган товарларнинг (хизматларнинг) харидорлари (уларни олувчилар) бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари, яқка тартибдаги тадбиркорлар (ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари эътироф этилади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган чет эл юридик шахслари билан ҳисоб-китобларда Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ёки чет эл юридик шахсларининг доимий муассасалари топшириқ, воситачилик шартномалари ёки бошқа воситачилик шартномалари асосида иштирок этса, бундай шахслар солиқ агентлари деб эътироф этилади. Мазкур ҳолларда солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан бундай товарларнинг акцизлар (акциз тўланадиган товарлар учун) ва солиқ ҳисобга олинган ҳолдаги қиймати сифатида аниқланади.

Ушбу Кодекснинг 282-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган чет эл юридик шахслари реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатган, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига ёки Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахсларига топшириқ, воситачилик шартномалари ёки шунга ўхшаш шартномалар асосида электрон шаклдаги хизматлар кўрсатган тақдирда, бундай хизматларнинг мазкур харидорлари солиқ агентлари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир ҳар бир операция амалга оширилганда солиқ базаси ушбу бўлимнинг қоидалари ҳисобга олинган ҳолда алоҳида аниқланади.

Ушбу моддага мувофиқ солиқ агентлари деб эътироф этиладиган шахслар тегишли солиқ суммасини ҳисоблаб чиқариши, солиқ тўловчидан, у солиқ тўловчи эканлигидан ёки солиқ тўловчи эмаслигидан қатъи назар, уни ушлаб қолиши ва бюджетга ўтказиши шарт.

Агар контрактларнинг шартларига мувофиқ хизматлар чет элик шахслар томонидан солиқни ҳисобга олмасдан тақдим этилса, ушбу хизматлар бўйича солиқ базаси солиқ агентлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда, солиқни ҳисобга олмасдан аниқланади. Бундай ҳолда солиқ агенти тегишли солиқ суммасини мустақил тарзда ҳисоблаб чиқариши ва бюджетга ўтказиши шарт.

Ушбу модданинг қоидалари мазкур Кодекснинг 243–245-моддаларида кўрсатилган товарларни (хизматларни) реализация қилишда қўлланилмайди.

Ушбу моддага мувофиқ солиқнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати ушбу Кодекснинг 37-бобига мувофиқ тўланган солиқ суммасини ҳисобга киритиш ҳуқуқини беради.

256-модда. Давлат мол-мулки билан операциялар амалга оширилганда солиқ агентлари томонидан солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мол-мулки ижарага берилганда, давлат мулкни ижарага бериш бўйича ваколатли орган солиқ агенти деб эътироф этилади. Бундай ҳолларда солиқ базаси бундай мол-мулкнинг солиқ ҳисобга олинган ҳолдаги ижара шартномасида белгиланган ижара тўлови миқдорида солиқ агенти томонидан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат мол-мулки реализация қилинганда (берилганда) солиқ базаси солиқ агенти томонидан аниқланади. Бундай ҳолларда ушбу мол-мулкнинг харидорлари (уни олувчилар) солиқ агенти деб эътироф этилади, бундан яқка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахслар мустасно. Бундай ҳолларда солиқ базаси сотиб олинаётган (олинаётган) давлат мол-мулкнинг солиқ ҳисобга олинмасдан шартномада белгиланган қиймати миқдорида солиқ агенти томонидан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мусодара қилинган мол-мулк, суднинг қарорига биноан реализация қилинадиган мол-мулк, эгасиз қимматликлар, хазиналар ва сотиб олинган қимматликлар, шунингдек мерос олиш ҳуқуқи асосида давлатга ўтказилган қимматликлар реализация қилинган тақдирда, солиқ базаси ушбу мол-мулкни (қимматликларни) акциз солиғини (акциз тўланадиган товарлар учун) ва солиқни ҳисобга олган ҳолда реализация қилишдан олинган даромад суммаси сифатида солиқ агенти томонидан аниқланади. Бундай ҳолларда ушбу мол-мулкни реализация қилишни амалга оширишга ваколатли бўлган орган, ташкилот ёки яқка тартибдаги тадбиркор солиқ агенти деб эътироф этилади.

Солиқ базаси ушбу моддада назарда тутилган ҳар бир операцияни амалга ошириш чоғида солиқ агентлари томонидан алоҳида аниқланади.

Ушбу моддага мувофиқ солиқ агенти деб эътироф этиладиган шахслар солиқ тўловчидан тегишли солиқ суммасини, у солиқ тўловчи эканлигидан ёки солиқ тўловчи эмаслигидан қатъи назар, ҳисоблаб чиқариши, ушлаб қолиши ва бюджетга тўлаши шарт.

Ушбу моддага мувофиқ солиқ тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати харидорга тўланган солиқ суммасини ушбу Кодекснинг 37-бобига мувофиқ ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

257-модда. Солиқ базасига тузатиш киритиш

Солиқ тўловчида солиқ базасига тузатиш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- 1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- 2) кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда;
- 3) битим шартлари ўзгарганда, шу жумладан жўнатилган товарларнинг, кўрсатилган хизматларнинг нархи ва (ёки) сони (ҳажми) ўзгарганда;

- 4) товарларни (хизматларни) сотувчи томонидан чегирмалар берилганда. Ушбу бандда назарда тутилган тузатиш киритиш, агар сийловлар бериш шартлари шартнома шартларида ёки солиқ тўловчининг нарх (тариф) сиёсатида назарда тутилган бўлса, илгари амалга оширилган товарларни (хизматларни) етказиб бериш бўйича солиқ базасини камайтиради. Бундай шартлар товарлар етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) шартномасининг муайян шартларини харидор томонидан бажаришни, шу жумладан товарларнинг (хизматларнинг) муайян ҳажмини олишни ва муддатидан олдин ҳақ тўлашни назарда тутиши мумкин.

Солиқ базасига уни камайтириш ёки кўпайтириш тарафга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Солиқ тўловчида солиқ базасига тузатиш киритиш товарларга (хизматларга) ҳақ тўлаш бўйича мажбурият ушбу Кодекснинг 313-моддасига мувофиқ умид қилиб бўлмайдиган қарздорлик деб эътироф этилганда ва уни ҳисобдан чиқариш лозим бўлган ҳолларда ҳам амалга оширилади. Бундай ҳолда тузатиш киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ базасига тузатиш киритиш (салбий ёки ижобий) қўшимча ҳисобварақ-фактура ёки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида ва ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар рўй берган солиқ даврида амалга оширилади.

Солиқ базаси хатоларни тузатиш натижасида ўзгартирилган тақдирда, шунингдек илгари ёзиб берилган ҳисобварақ-фактурага ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш зарур бўлганда ушбу модданинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда илгари ёзиб берилган ҳисобварақ-фактура

бечор қилинади ва унинг ўрнига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузатиш ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.

Товарларни (хизматларни) етказиб берувчи томонидан солиқ базасига тузатиш киритиш амалга ошириладиганда, харидор етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган қўшимча ҳисобварақ-фактура асосида илгари ўзи ҳисобга олиш учун қабул қилган солиқ суммасига тегишли тарзда тузатиш киритади (қўпайтиради ёки камайтиради).

35-боб. Солиқ ставкалари. Солиқ даври

258-модда. Солиқ ставкалари

Агар ушбу Кодекснинг 36-бобида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорида белгиланади.

Ушбу Кодекснинг 36-бобида назарда тутилган ҳолларда солиқ ставкаси 0 фоиз миқдорида белгиланади.

259-модда. Солиқ даври

Ушбу Кодекснинг 39-бобида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, бир ой солиқ давридир.

36-боб. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган айланма

260-модда. Экспорт операцияларига ва уларга тенглаштирилган операцияларга солиқ солиш

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солиш қуйидагилар реализация қилинганда амалга оширилади:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт божхона тартиб-таомилига олиб чиқилган товарлар;

2) илгари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилган товарлар ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш натижасида олинган (ҳосил бўлган) товарлар (қайта ишлаш маҳсулотлари, чиқиндилар ва (ёки) қолдиқлар);

3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилган ғамлаб қўйилган нарсалар. Ушбу модда мақсадида ҳаво кемаларидан рисоладагидек фойдаланилишини таъминлаш учун зарур бўлган ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материаллари ғамлаб қўйилган нарсалар деб эътироф этилади;

4) чет элдан келтирилган товарларни ташиш чоғида божхона транзити божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни бевосита Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етиб келиш жойидаги божхона органидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш жойидаги божхона органигача ташиш ёхуд транспортда ташиш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар;

5) халқаро ташишлар билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар.

Ноль даражали ставкани айрим ҳолларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу Кодекснинг 264-моддасида белгиланган.

Ноль даражали ставкани қўллаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар солиқ ҳисоботи билан бирга тақдим этилади.

261-модда. Экспорт операцияларини тасдиқлаш

Товарлар экспорт қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар куйидагилардан иборат:

1) контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

2) товарларни чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш учун белгиси қўйилган божхона юк декларацияси;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар белгиланган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган, товарга илова қилинадиган ҳужжатлар.

Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топшириқ) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитент (ишонч билдирувчи) томонидан қўшимча тарзда солиқ тўловчининг воситачи ёки ишончли вакил билан тузилган воситачилик шартномаси ёки топшириқ шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси) тақдим этилади.

Товарлар экспорт қилинганлигини тасдиқлаш учун амалга ошириладиган фаолиятнинг турига қараб бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин. Солиқ тўловчининг амалга ошириладиган фаолият турига қараб ноль солиқ ставкасини қўллаш ҳуқуқини тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати ҳамда уларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

262-модда. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида товарларни қайта ишлаш бўйича хизматларга солиқ солиш

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига

жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича хизматларга қайта ишлаш маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш шарти билан ноль ставка бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича хизматларга қайта ишлаш маҳсулотларини кейинчалик божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ эркин муомалага чиқариш режимига жойлаштирган ҳолда ушбу Кодекснинг 258-моддаси биринчи қисмида белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ солиниши лозим.

263-модда. Халқаро ташишлар билан боғлиқ хизматларга солиқ солиш

Ноль ставка бўйича солиқ солиш қуйидагиларни реализация қилиш чоғида амалга оширилади:

1) товарларни халқаро ташиш бўйича хизматларни. Товарларни халқаро ташиш деганда товарларнинг жўнатиш пункти ёки белгиланган пункти Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган тақдирда товарларни ҳаво кемалари, темир йўл транспорти ва (ёки) автотранспорт воситалари орқали ташиш тушунилади;

2) чет элдан келтирилган товарларни ташиш чоғида божхона транзити божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етиб келиш жойидаги божхона органидан то Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш жойидаги божхона органигача ташиш ёки транспортда ташиш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматларни;

3) ташишлар ягона халқаро ташиш ҳужжатлари асосида расмийлаштирилган тақдирда, башарти йўловчиларни, почтани ва бағажни жўнатиш пункти ёки белгиланган пункти Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, йўловчиларни, почтани ва бағажни ташиш бўйича хизматларни;

4) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига экспорт қилинадиган товарларни ташиш ёки транспортда ташиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қайта ишлаш маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари бўлган ташувчилар томонидан кўрсатиладиган хизматларни. Ушбу банднинг қоидалари, башарти ташиш ҳужжатларида божхона органларининг белгилари қўйилган бўлса, қўлланилади;

5) ҳаво кемаларига бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида кўрсатиладиган хизматларни, шу жумладан аэронавигация хизматини.

264-модда. Айрим ҳолларда ноль даражали ставканинг қўлланилиши

Товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаси тўланган солиқни қоплаш (қайтариш) йўли билан ноль даражали ставкаси бўйича тортилади, агар ушбу товарлар (хизматлар) қуйидагича олинса:

1) чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг (шу жумладан улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг) шахсий фойдаланиши учун;

2) Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида товарларни (хизматларни) сотиб олаётган солиқ тўловчилар томонидан, агар битимда ноль даражали ставка қўлланилиши назарда тутилган бўлса.

Агар тегишли чет давлатнинг қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарига ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга, ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимларига (шу жумладан улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларига) нисбатан худди шундай тартиб белгиланган бўлса ёхуд бундай норма Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бўлса, ноль даражали ставкани қўллаш ушбу модданинг биринчи қисми 1-бандига мувофиқ амалга оширилади.

Сув таъминоти, канализация, санитария жиҳатдан тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларни реализация қилишга доир айланмага, шу жумладан бундай хизматларни уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан аҳоли номидан, шунингдек идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг бўлинмалари томонидан олишга, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинади.

Ноль даражали ставка қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқарувчилар томонидан қимматбаҳо металлларни олиш бўйича ваколатли органга реализация қилинадиган бундай металлларга нисбатан қўлланилади.

37-боб. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби.

265-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Ушбу Кодекснинг 247–257-моддаларига мувофиқ солиқ базасини аниқлашда солиқ суммаси солиқ базасининг солиқ ставкасига мувофиқ бўлган фоизли улуши сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ суммаси товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир операцияларнинг солиқ базасидан, тегишли солиқ даврига тааллуқли бўлган

айланмаларни амалга ошириш санасидан келиб чиққан ҳолда, тегишли солиқ даврида солиқ базасини кўпайтирадиган ёки камайтирадиган барча ўзгартишлар ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир солиқ даврининг якунларига кўра ҳисоблаб чиқарилади.

Товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда солиқнинг умумий суммаси ушбу Кодекснинг 254-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ базасининг солиқ ставкасига мос келадиган фоизли улуши сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Агар ушбу Кодекснинг 254-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ солиқ базаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича алоҳида аниқланса, солиқ суммаси мазкур солиқ базаларининг ҳар бири бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқарилади. Бунда солиқнинг умумий суммаси бундай солиқ базаларининг ҳар бири бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаларини қўшиш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

266-модда. Тўланган солиқ суммаларини ҳисобга олиш

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда, агар ушбу Кодекснинг 267-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасини ҳисобга олиш орқали ушбу Кодекснинг 265-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқнинг умумий суммасини камайтиришга, қуйидаги шартларни бир вақтда бажарган тақдирда, ҳақли бўлади:

1) солиқ тўловчининг товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ фаолиятини амалга ошириш чоғида товарлардан (хизматлардан), фойдаланилганда реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши, шу жумладан ноль ставка бўйича солиқ солиниши лозим бўлганда;

2) олинган товарларга (хизматларга) солиқ тўловчи томонидан ҳисобварақ-фактура ёки етказиб берувчи томонидан тақдим этилган солиқ суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат олинганда ҳамда товарларни (хизматларни) етказиб берувчи солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилганда;

3) товарлар олиб кирилган (импорт қилинган) тақдирда солиқ бюджетга тўланганда;

4) ушбу Кодекснинг 255 ва 256-моддаларида назарда тутилган ҳолларда солиқ бюджетга тўланганда;

5) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма мавжуд бўлса.

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни экспортга реализация қилиш айланмаси мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) солиқ товарлар экспортидан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади.

Ноль даражали ставка бўйича тортиладиган товарлар экспорти воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали амалга оширилган тақдирда, солиқ воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг суммаси улушида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ушбу бобда белгиланган тартибда ҳақиқатда олинган товарлар бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Бунда ушбу бобни қўллаш мақсадида бундай хизматларни реализация қилиш бўйича айланмадан олинадиган солиқ солинадиган айланмага тенглаштирилади.

Солиқ тўловчи томонидан асосий воситалар (шу жумладан ўрнатиладиган асбоб-ускуналар), номоддий активлар ва кўчмас мулк объектлари, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар сотиб олинганда, шунингдек келгусида ўз асосий воситалари сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган активларни яратиш учун товарлар (хизматлар) сотиб олинганда сотувчи томонидан солиқ тўловчига такдим этилган солиқ суммасини ҳисобга олиш тўлиқ ҳажмда амалга оширилади. Солиқ тўловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бундай товарларни олиб кириш чоғида ушбу солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳудди шундай тартибда амалга оширилади.

Мол-мулк устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган тақдирда, олувчи мол-мулкни устав фондига (устав капиталига) бериш чоғида иштирокчи томонидан тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган асосий воситалар, номоддий активлар ва кўчмас мол-мулк объектлари, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича иштирокчи уларни бериш чоғида тўлаган солиқ ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда берилган активларни олувчи солиқ тўловчида ҳисобга олинади.

Солиқ тўловчи бўлмаган шахс солиқ тўловчи сифатида ушбу Кодекснинг 237-моддасига мувофиқ махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда, шунингдек солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинган тақдирда солиқ тўловчи махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйиш (озод қилишни бекор қилиш) санасида ўз балансида мавжуд бўлган товар-моддий захиралар қолдиқларининг ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида ҳисобга

олинган солиқ суммасини ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган шартларга риоя этилган тақдирда, ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ ҳисобга олинадиган солиқ суммаси:

товар-моддий захираларнинг қолдиқлари бўйича -- шахс рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйилган санадан олдинги сўнги ўн икки ой ичида олинган, солиқ тўловчида уни рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйиш (озод этишни бекор қилиш) санасида мавжуд бўлган товар-моддий захиралар қолдиғига тўғри келадиган товарларнинг (хизматларнинг) ҳақиқий қиймати бўйича;

узоқ муддатли активлар бўйича – мазкур объектларнинг шахс солиқ бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйилган (озод этиш бекор қилинган) санадаги қайта баҳоланиши ҳисобга олинмаган, солиқнинг тегишли суммасини ўз ичига олган баланс (қолдиқ) қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчи сифатида ҳисобда турмайдиган чет эл юридик шахси комитент (ишонч билдирувчи) бўлса, товар тегишли воситачилик (топширик) шартномасига мувофиқ шартлар асосида воситачи (ишончли вакил) томонидан реализация қилинган тақдирда, ушбу товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда тўланган солиқ суммаси тегишли солиқ даврида воситачи (ишончли вакил) томонидан реализация қилинган товарлар улушига тўғри келадиган улушда воситачи (ишончли вакил) томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўлган комитентнинг (ишонч билдирувчининг) топшириғига кўра олинган товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига воситачи (ишончли вакил) томонидан олиб кирилган тақдирда, импорт қилинган товарнинг божхона расмийлаштируви чоғида воситачи (ишончли вакил) томонидан тўланган солиқ комитентда (ишонч билдирувчида) ҳисобга олиниши лозим.

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш чоғида экспедитор томонидан ташувчидан ва (ёки) бошқа етказиб берувчилардан олинган хизматларга доир солиқ суммаси бундай шартнома бўйича экспедиторнинг мижози бўлган тарафда ҳисобга олинади.

Сотувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўловчиси бўлмаган чет эллик шахсга ушбу чет эллик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасида товарларни (хизматларни) олиш чоғида тақдим этилган ёки ушбу чет эллик шахслар товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш мақсадлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириши чоғида улар томонидан тўланган солиқ суммалари ҳисобга олиниши лозим. Солиқнинг мазкур суммалари ушбу Кодекснинг 255-моддасига мувофиқ солиқ агенти томонидан ушбу чет эллик шахснинг даромадларидан ушлаб қолинган солиқ бюджетга тўланганидан кейин, ушбу шахс олган (олиб кирган) товарлардан (хизматлардан) фақат солиқ агенти қийматидан солиқни ушлаб қолган товарларни ишлаб чиқариш ва

(ёки) реализация қилиш мақсадида фойдаланилган қисми бўйичагина ҳисобга олиниши ёки ушбу чет эллик шахсга қайтарилиши лозим. Бунда солиқнинг мазкур суммалари, башарти чет эллик шахс ушбу Кодекснинг 237-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобига қўйилган бўлса, ҳисобга олиниши ёки ушбу шахсга қайтарилиши лозим.

Агар солиқ тўловчи реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши лозим бўлган товарларни (хизматларни), шунингдек реализация қилиш бўйича айланмаси солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилса, ҳисобга олиниши лозим бўлган солиқ суммаси ушбу Кодекснинг 268-моддасида белгиланган тартибда аниқланади.

Агар ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни (хизматларни) олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлигига оид далиллар мавжуд бўлса, солиқ органлари ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатишни амалга оширишга ҳақли.

267-модда. Ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси

Товарларни (хизматларни) олиш (олиб кириш) чоғида солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ суммаси ушбу Кодекснинг 266-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда ҳисобга олинмайди:

1) реализация қилиш бўйича айланмалари ушбу бўлимга мувофиқ солиқ солишдан озод этилган товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизматлар кўрсатиш) учун мўлжалланган асосий воситалар, кўчмас мулк объектлари ва номоддий активлар сотиб олинганда (олиб кирилганда);

2) товарлар (хизматлар) ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган асосий воситаларни, кўчмас мулк объектларини куриш, модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш учун сотиб олинганда;

3) реализация қилиш бўйича айланмалари солиқдан озод этилган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизматлар кўрсатиш) учун сотиб олинганда;

4) товарлар (хизматлар) солиқ тўловчи бўлмаган юридик шахслар ёки яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан сотиб олинганда;

5) вакиллик харажатлари;

6) товарлар (хизматлар) бепул олинганда, бундан олувчи улар бўйича солиқ тўлаган ҳоллар мустасно;

7) солиқ тўловчининг шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланишга мўлжалланган, ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда харажатлар чегириб ташланмайдиган товарлар (хизматлар) сотиб олинганда.

Солиқ тўловчи товарларни (хизматларни) сотиб олиш чоғида тўлаган солиқ суммалари қуйидаги товарларни (хизматларни) сотиб олиш ёки олиб кириш чоғида ҳам, агар бу товарларни (хизматларни) сотиб олиш амалга оширилаётган фаолият турига боғлиқ бўлмаса, ҳисобга олинмайди:

1) енгил автомобилларни, мотоциклларни, вертолётларни, моторли қайиқларни, самолётларни, шунингдек моторли воситаларнинг бошқа турларини ва улар учун ёкилғини;

2) алкоголь ва тамаки маҳсулотларини.

Ушбу Кодекснинг 268–270-моддаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси сотиб олинган товарларнинг (хизматларнинг) қийматида ҳисобга олинади.

268-модда. Солиқ солишдан озод этиладиган реализация қилнш бўйича айланма мавжуд бўлганда солиқ суммасини ҳисобга олиш учун қабул қилнш тартиби

Агар солиқ тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солишдан озод этиладиган айланмаларни амалга оширса, солиқ солинадиган айланмага тўғри келадиган солиқ суммаси ҳисобга олиш учун қабул қилинади.

Ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммаси солиқ тўловчининг танловига кўра алоҳида-алоҳида усулда ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади.

Алоҳида-алоҳида усул бўйича солиқ тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солишдан озод этилган айланмалар учун фойдаланиладиган, олинган товарларнинг (хизматларнинг) ҳамда улар бўйича тўланган солиқ суммаларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни ажратиш мутаносиб усулда амалга оширилади.

Мутаносиб усул бўйича солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган солиқ суммаси солиқ солинадиган айланма суммасининг товарларни (хизматларни) реализация қилиш (солиқни ҳисобга олмасдан) бўйича айланманинг умумий суммасидаги жорий календарь йил ичида ўсиб боровчи яқун билан аниқланадиган солиштирма миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Мутаносиб усулдан фойдаланиш чоғида ҳисобга олиш учун қабул қилинмаган солиқ, шунингдек ушбу Кодекснинг 269-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олиниши лозим бўлган солиқ суммасига тузатиш киритилган ҳолларда ҳисобга олишга қабул қилинмаган солиқ солиқ тўловчи томонидан фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида чегириб ташланадиган харажатлар таркибида ҳисобга олинади.

Агар солиқ солинадиган айланмаларнинг улуши жорий солиқ даврида айланма умумий суммасининг 5 фоизидан ошиб кетмаса, солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар бўйича), шу жумладан узок муддатли активлар бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ

суммасини жорий солиқ даврида олинган товарларнинг (хизматларнинг) қийматига тўлиқ киритишга ҳақли.

**269-модда. Ҳисобга олиш учун қабул қилинган
солиқ суммаларига тузатиш киритиш**

Илгари товарларни (хизматларни) олиш чоғида ҳисобга олиш учун қабул қилинган, олинган товарлар (хизматлар) бўйича солиқ суммасига қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилиши лозим:

1) товарлардан (хизматлардан) келгусида солиқ солишдан озод этилган айланма учун фойдаланилганда;

2) улар бузилганда ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан, улар йўқлигида эса солиқ тўловчи томонидан белгиланган табиий камайиш нормаларидан ортиқча йўқотилган тақдирда. Ушбу банднинг қондаси фавқулодда ҳолатлар (табиий офат, ёнғин, авария, йўл-транспорт ҳодисаси ва бошқа шу каби ҳолатлар) муносабати билан товарларнинг бузилишига ёхуд йўқотилишига нисбатан татбиқ этилмайди;

3) етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда;

4) солиқ тўловчи мақомини йўқотганда (ёки солиқ тўлашдан озод қилинганда).

Сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича ушбу Кодекснинг 267-моддаси биринчи қисми 1 – 4-бандларига мувофиқ илгари ҳисобга олинмаган солиқ суммаси келгусида улар солиқ солинадиган айланма учун фойдаланилган ҳолларда тузатилади (ҳисобга олинади).

Тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси бундай тузатишларни амалга оширишдан олдинги охириги ўн икки ой ичида олинган товарларнинг (хизматларнинг) солиқ суммаси қайта тикланиши лозим бўлган товар-моддий захиралар қолдиқларига тўғри келадиган қиймати асосида аниқланади.

Асосий воситаларнинг объектлари, кўчмас мулк объектлари ва номоддий активлар бўйича тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси ушбу Кодекснинг 270-моддасида назарда тутилган тартибда қайта баҳолаш ҳисобга олинмаган, ушбу объектларнинг баланс қийматига тўғри келадиган, илгари бу объектлар бўйича ҳисобга олинган (ёки уларнинг қийматига киритилган) солиқ суммасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Илгари бундай товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинган миқдордаги, асосий воситаларга, кўчмас мулк объектларига ва номоддий активларга нисбатан эса уларнинг қайта баҳолаш ҳисобга олинмаган ҳолдаги қолдиқ (баланс) қийматига мутаносиб миқдордаги солиқ суммалари тикланиши лозим.

Товарларни (хизматларни) етказиб берувчи томонидан ушбу Кодекснинг 257-моддасига мувофиқ солиқ базасига тузатишлар киритиш

амалга оширилганда, харидор етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган кўшимча (ёки тузатилган) ҳисобварақ-фактура асосида у томонидан илгари ҳисобга қабул қилинган солиқ суммасига тегишли тартибда тузатиш киритиши керак.

Солиққа тузатиш киритиш суммаси кўрсатилган объектларнинг баланс қийматини оширишга (ёки камайтиришга) тааллуқли бўлади ёхуд фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмаган харажатлар (ёки даромадлар) таркибига киритилади.

Товар реэкспорт божхона тартиб-таомилига жойлаштирилганда ва ушбу товарнинг импорти чоғида солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ суммаси унга божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайтарилганда, солиқ тўловчи ҳисобга ўтказиладиган солиқ суммасига ўзига қайтарилган солиқ суммаси бўйича тузатиш киритади (уни камайтиради).

Ҳисобга олинган солиқ суммасига тузатишлар киритиш ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар юзига келган солиқ даврида амалга оширилади.

**270-модда. Асосий воситаларнинг айрим объектлари,
кўчмас мулк объектлари ва номоддий активлар
бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинган
солиқ суммаларига тузатиш киритиш**

Ушбу Кодекснинг 266-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган объектлар бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммасига ушбу Кодекснинг 267-моддасига мувофиқ объектлардан келгусида фойдаланилган тақдирда тузатиш киритилиши лозим, бундан тўлиқ амортизация қилинган ёки ишга туширилган пайтидан эътиборан ўн йилдан ортиқ вақт ўтган объектлар мустасно.

Солиққа тузатиш киритиш суммаси ушбу объектлар бўйича илгари ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммасидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг бундай тузатиш киритилаётган санадаги (қайта баҳолаш ҳисобга олинмаган ҳолдаги) баланс (қолдиқ) қийматига мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда солиққа тузатиш киритиш суммаси мазкур объектлар баланс қийматининг кўпайишига олиб борилади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган объектдан келгусида солиқ тўловчи томонидан ушбу бўлимга мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш (хизматлар кўрсатиш) учун янгидан фойдаланилса, солиқ тўловчи тузатиш киритишга ва ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасини ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилганига ўхшаш тартибда ҳисобга олиш учун қабул қилишга ҳақли.

Ушбу Кодекснинг 266-моддаси биринчи қисми 1-бандида кўрсатилган объектлар бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинмаган солиқ

суммаси, агар солиқ тўловчи томонидан кейинчалик бундай объектлардан ушбу Кодекснинг 267-моддаси биринчи қисми 1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланилса, ҳисобга ўтказилиши лозим, бундан тўлиқ амортизация қилинган ёки ишга туширилган пайтидан эътиборан ўн йилдан ортиқ вақт ўтган объектлар мустасно.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ солиққа тузатиш киритиш суммаси илгари мазкур объектлар қийматида киритилган солиқ суммасидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг тегишли солиқ суммасини ўз ичига оладиган, бундай тузатиш киритилган санадаги (қайта баҳолаш ҳисобга олинмаган ҳолдаги) баланс (қолдиқ) қийматида мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилади. Ушбу қисмга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиққа тузатиш киритиш суммаси ушбу Кодекснинг 266-моддаси учинчи қисмида белгиланган тартибда ҳисобга ўтказилиши лозим.

Агар ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган объектдан кейинчалик реализация қилиниши солиқ солишдан озод этилган товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун янгидан фойдаланилса, солиқ тўловчи ҳисобга ўтказиладиган солиқ суммасига тузатиш киритишни амалга ошириш ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибга ўхшаш тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасини тиклаши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган объектдан реализациясига солиқ солинадиган товарларни (хизматларни) ҳам, солиқ солишдан озод қилинган товарларни ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш) учун ҳам фойдаланилган тақдирда, тикланиши лозим бўлган солиқ суммаси кўрсатилган объект бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинган, объектнинг бундай тузатиш киритилган санадаги баланс (қолдиқ) қийматида (қайта ҳисоблашни ҳисобга олмаган ҳолда) тўғри келадиган солиқ суммасининг қисми сифатида аниқланади. Мазкур қисм солиқ солишдан озод қилинган реализация қилинган товарлар (хизматлар) қийматининг жорий календарь йили давомида ўсиб боровчи яқун билан аниқланадиган реализация қилинган товарлар (хизматлар) умумий қийматининг улушига мутаносиб равишда белгиланади.

Агар ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган объектдан келгусида ҳам реализация қилиш айланмаси солиқ солишдан озод қилинадиган, ҳам реализация қилиш айланмасига солиқ солинадиган товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланилса, ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси қуйидаги тартибда аниқланади:

1) ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган тартибга ўхшаш тартибда ҳисоблаб чиқарилган, объектнинг баланс (қолдиқ) қийматида ҳисобга олинган солиқ суммаси ажратилади;

2) ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ ҳисобга олинмайдиган, солиқ солишдан озод қилинган айланмага тўғри келадиган солиқ суммасининг ажратилган қисми аниқланади. Қолдиқ сумма ушбу бобга мувофиқ ҳисобга олинади.

**271-модда. Мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришда
ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ
суммаларига тузатиш киритиш**

Товарларни (хизматларни) олишда илгари ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммаси, агар бундай товарларга (хизматларга) ҳақ тўлаш бўйича мажбурият ушбу Кодекснинг 313-моддасига мувофиқ бундай тузатиш амалга оширилган солиқ даврида ҳисобдан чиқарилади, бундан ушбу Кодекснинг 266-моддаси биринчи қисми 3 ва 4-бандларига мувофиқ ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммалари мустасно.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатиш киритиш амалга оширилган товарлар (хизматлар) учун ҳақ тўланган тақдирда, ҳақ тўлаш амалга оширилган солиқ давридаги тегишли солиқ суммасига солиқ тўловчи ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган солиқ суммасини кўпайтириш томонга тескари тузатиш киритиш ҳуқуқига эга.

272-модда. Тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳар бир солиқ даври якунлари бўйича, ушбу Кодекснинг 265-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган, ушбу бобга мувофиқ ҳисобга олиниши ва тузатиш киритилиши лозим бўлган суммалар ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб кириш чоғидаги солиқ суммаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга тўланади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси салбий бўлса, солиқ тўловчи мазкур сумманинг ўрнини ушбу Кодекснинг 274-моддасида белгиланган тартибда қоплаш ҳуқуқига эга бўлади.

**273-модда. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни
тўлаш тартиби**

Солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Ушбу Кодекснинг 272-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқни тўлаш агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисобида турилган жой бўйича ҳар бир солиқ даврининг якунларига кўра, солиқ ҳисоботи тақдим этишлари муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб кириш чоғида солиқ ушбу бўлим қоидалари ҳисобга олинган ҳолда, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда бюджетга тўланади.

Солиқ агентлари солиқни ўзи солиқ ҳисобида турган жой бўйича тўлайди. Солиқ тўловчилар бўлмаган солиқ агентлари ўзи солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига тегишли солиқ ҳисоботини ушбу Кодекснинг 255 ва 256-моддаларига мувофиқ тўлаш амалга оширилган ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирмай тақдим этиши шарт.

Солиқ ҳисоботига солиқ тўловчининг харидлар реестрида ва сотувлар реестрида кўрсатилган маълумотлар киритилади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган шахслар, шунингдек воситачилик (топширик) ва транспорт экспедицияси шартномалари асосида бошқа шахснинг манфаатларни кўзлаб тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслар олинган ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар дафтарларидаги маълумотларни ҳам белгиланган шакл бўйича тақдим этиши шарт. Агар бундай шахслар солиқ тўловчилар бўлмаса, улар солиқ ҳисоботига фақат солиқ агенти сифатида операцияларни ёки воситачилик (топширик) шартномаси асосида комитентнинг (ишонч билдирувчининг), транспорт экспедицияси шартномаси асосида юкни олувчининг (юкни жўнатувчининг) манфаатларини кўзлаб воситачилик операцияларини амалга ошириш чоғида олинган ҳамда тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш дафтарларида акс эттириладиган маълумотларни киритади.

Харидлар ва сотувлар реестрларини, шунингдек келиб тушган ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш дафтарларини юритиш шакллари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

274-модда. Солиқнинг ўрнини қоплаш

Ушбу Кодекснинг 272-моддасига мувофиқ ўрни қопланиши лозим бўлган солиқ суммаси, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобидан ҳисобга олинади.

Солиқ тўловчи ўрни қопланиши лозим бўлган солиқ суммасини солиқ органларига солиқ суммасини қайтариш тўғрисида берилган аризага асосан қайтариш ҳуқуқига эга.

Агар камерал солиқ текшируви натижаларига кўра солиқ органи қайтариш учун аризада кўрсатилган солиқ суммасининг ўрнини тўлиқ ёки қисман қоплаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур солиқ суммаси солиқ тўловчига солиқ суммасини қайтариш тўғрисида ариза берилган санадан эътиборан олти кундан кечиктирмай қайтарилади.

Солиқнинг жами суммаси ўрнини тезлаштирилган тарзда қоплаш тартиби бу ҳақда солиқни қайтариш тўғрисидаги аризада кўрсатилган тақдирда, куйидаги тоифадаги солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг йирик солиқ тўловчилар тоифасига белгиланган тартибда киритилган юридик шахсларига;

2) солиқни қоплашга доир ариза билан бирга амалдаги банк кафолатини тақдим этган ёки солиқ органлари билан гаров шартномасини ушбу Кодекснинг 107 ёки 109-моддаларида белгиланган тартибда расмийлаштирган солиқ тўловчиларга;

3) экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширадиган шахсларга – агар илгари бу шахсларга солиқ суммаси қопланган ва бунда қонунбузарликлар аниқланмаган бўлса, ноль даражали солиқ ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган солиқнинг ошиб кетган суммалари қисмида;

4) чет эл дипломатик ваколатхоналарига ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарига;

5) маҳсулот тақсимотига оид битим иштирокчиларига, агар бундай битимда ноль даражали ставка қўлланилиши назарда тутилган бўлса;

б) солиқ мониторинги иштирокчиларига.

Солиқнинг ўрнини тезлаштирилган тартибда қоплашда солиқ тўловчи томонидан қайтариш учун аризада кўрсатилган солиқ суммасининг ўрни унга етти кун ичида тўлиқ ҳажмда қопланади. Бунда ўрни қопланиши учун аризада кўрсатилган солиқ суммаси асосланганлигининг камерал солиқ текшируви умумий тартибда амалга оширилади. Агар камерал солиқ текшируви натижаларига кўра аризада кўрсатилган солиқ суммаси ёки унинг бир қисми асоссиз бўлиб чиқса, солиқ тўловчи солиқнинг ўрни ўзига асоссиз равишда қопланган суммасини қоплаш санасидан то уни бюджетга тўлаш санасигача пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга тўлаши шарт.

Солиқ суммаларининг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари, ушбу моддага мувофиқ камерал солиқ текширувини ўтказиш, шунингдек чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган товарларни олиб чиқишда уларга солиқ суммасини қайтариш (TAX FREE) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

38-боб. Алоҳида ҳолларда солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

275-модда. Биргаликдаги фаолият, ишончли бошқарув ёки концессия битими доирасида операцияларни амалга оширишда солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Агар оддий ширкат шартномасининг (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартноманинг) иштирокчиларидан ҳеч бўлмаганда биттаси Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик шахси ёхуд яқка тартибдаги тадбиркор бўлса, солиқ солиш мақсадида биргаликдаги фаолият доирасида амалга ошириладиган

ҳамда ушбу Кодекснинг 239-моддасига мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган операцияларнинг умумий ҳисобини юритиш шундай иштирокчи (бундан буён ушбу моддада ишончли шахс деб юритилади) томонидан амалга оширилиши керак.

Мазкур қоида оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) мувофиқ ширкат ишларини юритиш кимнинг зиммасига юклатилганлигидан қатъи назар, қўлланилади.

Оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) концессия битимига ёки мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ операцияларни амалга оширишда ширкатнинг ишончли шахси, концессионер ёки ишончли бошқарувчи зиммасига солиқ тўловчининг ушбу бўлимда белгиланган мажбуриятлари юклатилади.

Оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) концессия битимига ёки мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ товарларни (хизматларни) реализация қилишда ширкатнинг ишончли шахси, концессионер ёки ишончли бошқарувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳисобварақ-фактураларни тақдим этиши шарт.

Солиқ солиниши лозим бўлган товарларни (хизматларни) оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) доирасида ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш учун олинadиган товарлар (хизматлар) бўйича солиқни ҳисобга олиш имконияти фақат ширкатнинг ишончли шахсига, башарти сотувчилар томонидан ушбу шахсга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар мавжуд бўлса, берилади.

Ширкатнинг ишончли шахси томонидан бошқа фаолият амалга оширилган тақдирда, оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) мувофиқ операцияларни амалга ошириш чоғида фойдаланиладиган ва ушбу шахс томонидан ўзининг бошқа фаолияти амалга оширилганда фойдаланиладиган товарларнинг (хизматларнинг) алоҳида-алоҳида ҳисоби мавжуд бўлганда, солиқ суммаларини ҳисобга олишга бўлган ҳуқуқ юзага келади.

Солиқни ҳисобга олишга оид қисм бўйича худди шундай қоидалар концессия битимига ёки мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ амалга ошириладиган операцияларга нисбатан белгиланади.

Ширкатнинг солиқ ҳисобини юритиш учун масъул бўлган ишончли шахси, концессионер, ишончли бошқарувчи оддий ширкат шартномасини (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномани) концессия битимини, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини бажариш жараёнида амалга оширилган операцияларнинг ҳисобини ҳар бир кўрсатиб ўтилган шартнома бўйича алоҳида-алоҳида юритади.

276-модда. Қайта ташкил этилганда солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Юридик шахс қайта ташкил этилганда унинг солиқ мажбурияти ушбу моддада белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, ушбу Кодекснинг 92-моддасига мувофиқ ўзининг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) томонидан бажарилади.

Юридик шахс қайта ташкил этилганда, қайта ташкил этиш шаклидан қатъи назар, қайта ташкил этилган юридик шахсга қўйилган ва (ёки) ушбу шахс томонидан товарларни (хизматларни) олишда (олиб киришда) тўланган, лекин у томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилинмаган солиқ суммаси ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда ушбу юридик шахснинг ҳуқуқий ворисиди, агар ҳуқуқий ворис солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳисобга олиниши лозим.

Солиқ суммаларини ҳисобга олиш қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси томонидан қайта ташкил этилган юридик шахс товарларни (хизматларни) олганда, унга тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар асосида, шунингдек ҳуқуқий ворис товарларни (хизматларни) олганда унга тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар асосида амалга оширилади. Солиқ суммаларини ҳисобга олиш қайта ташкил этилган юридик шахс томонидан товарлар (хизматлар) олиниши билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қарз ҳуқуқий ворисга ўтказилганидан кейин тўлиқ ҳажмда амалга оширилади.

Агар қайта ташкил этилган шахс ушбу Кодекснинг 274-моддасига мувофиқ солиқнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлса, лекин солиқнинг ўрни қопланиши лозим бўлган суммаси қайта ташкил этиш тугаллангунига қадар унга қопланмаса, кўрсатилган солиқ суммасининг ўрни унинг ҳуқуқий ворисига қопланади.

Агар юридик шахс қайта ташкил этилганда унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) солиқ тўловчи бўлмаса, қайта ташкил этилаётган шахс ушбу бўлимда белгиланган тартибда солиқни ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммасига тузатиш киритишни амалга ошириши керак.

277-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товарларни олиб чиқишда солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда солиқ солиш танланган божхона режимида қараб, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) товарлар эркин муомалада бўлиш (импорт) учун чиқариш божхона режимида жойлаштирилганда солиқ тўлиқ ҳажмда ҳисобланади;

2) товарлар реимпорт божхона режимига жойлаштирилганда солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ товарлар экспорт қилинганда тўлашдан озод этилган солиқ суммаларини ёхуд унга товарлар экспорт қилинганлиги туфайли қайтариб берилган суммаларни тўлайди. Санаб ўтилган суммаларни тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади;

3) товарлар транзит, божхона омбори, реэкспорт, бож олинмайдиган савдо, эркин божхона ҳудуди, йўқ қилиш, давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига, шунингдек ғамлаб қўйилган нарсалар божхонада декларация қилинганда солиқ тўланмайди;

4) товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилганда, башарти қайта ишлаш маҳсулотларини муайян муддатда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилса, солиқ тўланмайди;

5) товарлар вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирилганда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод этиш қўлланилади;

6) божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш маҳсулотлари олиб кирилган тақдирда, солиқ тўлови божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади;

7) товарлар ички истеъмол учун қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилганда солиқ тўлиқ ҳажмда тўланади.

Товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиладиганда солиқ солиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт божхона тартиб-таомилида олиб чиқиладиганда солиқ тўланмайди. Мазкур қоида товарларни кейинчалик экспорт божхона тартиб-таомилига мувофиқ олиб чиқиш мақсадида ушбу товарлар божхона омбори тартиб-таомилига жойлаштирилганда ҳам қўлланилади;

2) товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига реэкспорт божхона тартиб-таомилида олиб чиқиладиганда солиқ тўланмайди, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш чоғида тўланган солиқ суммалари эса солиқ тўловчига божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайтарилади. Мазкур қоида товарлар реэкспорт божхона тартиб-таомилига мувофиқ кейинчалик олиб чиқиш мақсадида божхона омбори божхона тартиб-таомилига жойлаштирилганда ҳам қўлланилади;

3) махсус божхона тартиб-таомилини тугаллаш мақсадида ғамлаб қўйилган нарсалар, шунингдек товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиладиганда солиқ тўланмайди;

4) товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ушбу қисмининг 1–3-бандларида кўрсатилганларига нисбатан бошқа тартиб-таомиллarga мувофиқ олиб чиқиладиганда, агар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, божхона тартиб-

таомиллари билан солиқ тўлашдан озод этиш ва (ёки) тўланган солиқ суммаларини қайтариш амалга оширилмайди.

Жисмоний шахслар томонидан шахсий, оилавий, уй-рўзгор эҳтиёжлари ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун мўлжалланган товарлар олиб ўтилаётганда, товарлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётганлиги муносабати билан солиқ тўлаш тартиби божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

39-боб. Электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

278-модда. Солиқ тўловчилар

Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган электрон шаклдаги хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари бундай хизматларни жисмоний шахсларга кўрсатишга оид қисм бўйича солиқ тўловчилар деб эътироф этилади.

Агар чет эл юридик шахслари жисмоний шахсларга ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган хизматларни электрон шаклда кўрсатса ҳамда уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса, бундай хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахслари билан топширик, воситачилик, агентлик шартномалари ёки бошқа шунга ўхшаш шартномалар асосида бевосита жисмоний шахслар билан ҳисоб-китобларда иштирок этадиган воситачилар бўлган чет эл юридик шахслари бундай хизматларни реализация қилишга доир операцияларга нисбатан солиқ агентлари деб эътироф этилади.

Агар бундай хизматлар воситачилар бўлган бир нечта юридик шахснинг ҳисоб-китобларида изчил кетма-кетликда иштирок этган ҳолда кўрсатилса, бевосита жисмоний шахслар билан ҳисоб-китобларда иштирок этаётган воситачи бўлган чет эл юридик шахси, унда ушбу хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахси билан шартнома мавжудлигидан қатъи назар, солиқ агенти деб эътироф этилади.

Агар бундай хизматлар Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига ва Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахсларга кўрсатиладиган бўлса, бундай хизматларнинг харидорлари бўлган мазкур шахслар солиқ агентлари деб эътироф этилади.

279-модда. Электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби

Агар чет эл юридик шахси жисмоний шахсларга ушбу Кодекснинг 282-моддасида кўрсатилган, реализация қилиш жойи Ўзбекистон

Республикаси деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматлар кўрсатадиган бўлса, ва агар бу юридик шахнинг ўзи воситачиларсиз хизматларни олувчи бўлган жисмоний шахслар билан ҳисоб-китобларни амалга оширса, чет эл юридик шахсини солиқ органида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисидаги ариза ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан рўйхати тасдиқланадиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Шундай хизматларда солиқ агенти деб эътироф этиладиган воситачи бўлган чет эл юридик шахсини солиқ органида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) худди шундай тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисидаги ариза чет эл юридик шахслари томонидан солиқ органига электрон шаклда хизматлар кўрсатиш бошланган (тугатилган) кундан эътиборан ўттиз календарь кундан кечиктирмай берилади.

280-модда. Солиқ солиш объекти ва солиқ базаси.

**Солиқ даври. Чет эл юридик шахслари томонидан
солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Жисмоний шахсларга электрон шаклдаги хизматларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солиш объектидир.

Чет эл юридик шахслари жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган, ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатганда солиқ базаси мазкур хизматларнинг уларни реализация қилишнинг ҳақиқий нархларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ҳисобга олинган ҳолдаги қиймати сифатида аниқланади.

Бир чорак солиқ давридир.

Солиқ базаси ҳар бир чорак бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов (қисман тўлов) келиб тушган вақтдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ базасини ушбу моддага мувофиқ аниқлаш чоғида электрон шаклда кўрсатиладиган хизматларнинг чет эл валютасида ифодаланган қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кўрсатилган хизматлар тўлови (қисман тўлови) келиб тушган ойнинг охири кунида белгиланган курси бўйича миллий валютада қайта ҳисобланади.

Агар бундай хизматларни реализация қилишга доир операцияларга нисбатан солиқни ҳисоблаб чиқариш бўйича мажбурият ушбу моддага мувофиқ солиқ агентининг зиммасига юклатилмаган бўлса, чет эл юридик шахслари солиқни ҳисоблаб чиқаришни мустақил равишда амалга оширади.

**281-модда. Электрон шаклда хизматлар кўрсатишда
чет эл юридик шахслари томонидан солиқ
ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш
тартиби**

Ушбу Кодекснинг 82-моддасида белгиланган электрон шаклдаги хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахслари солиқ органига солиқ ҳисоботини солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали, белгиланган формат бўйича электрон шаклда тақдим этади.

Чет эл юридик шахслари томонидан солиқ органига ҳужжатларни (ахборотни) ва маълумотларни тақдим этиш учун солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш мумкин бўлмаган даврда бундай ҳужжатлар (ахборот) ва маълумотлар телекоммуникация алоқа каналлари орқали тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботлари, ҳужжатлар (ахборот) ва бошқа маълумотлар ўтган чоракдан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Чет эл юридик шахслари томонидан солиқни тўлаш солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

282-модда. Электрон шаклдаги хизматлар

Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда жаҳон Интернет ахборот тармоғидан (бундан буён матнда Интернет тармоғи деб юритилади) автоматик усулда фойдаланиш орқали кўрсатилган хизматлар электрон шаклдаги хизматлар жумласига киради. Хусусан, бундай хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

1) дастурий таъминотдан (шу жумладан Интернет тармоғи орқали етказиб бериладиган ўйинлардан), шунингдек маълумотлар базаларидан, уларга киритиладиган янги маълумотлардан ва қўшимча функционал имкониятлардан Интернет тармоғи орқали, шу жумладан улардан масофадан туриб фойдаланиш имконини бериш йўли билан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни тақдим этиш;

2) электрон китоблардан (нашрлардан) ва бошқа электрон нашрлардан, ахборот, таълимга оид материаллардан, график тасвирлардан, матнли ёки матнсиз мусиқа асарларидан, аудиовизуал асарлардан фойдаланиш ҳуқуқини Интернет тармоғи орқали, шу жумладан Интернет тармоғи орқали кўриб чиқиш ёки эшитиш учун улардан масофадан туриб фойдаланиш имконини бериш йўли билан тақдим этиш;

3) Интернет тармоғида, шу жумладан электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлардан ва Интернет тармоғида ишлаб турган маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда рекламага оид хизматлар кўрсатиш, шунингдек Интернет тармоғида реклама учун рекламага оид майдон (жой) ва вақт бериш;

4) Интернет тармоғида товарларни (хизматларни) ва мулкӣ ҳуқуқларни олиш (реализация килиш) тўғрисида таклифлар жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;

5) Интернет тармоғи орқали сотувчилар ва харидорлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ва битимлар тузиш учун ахборот технологиялари ва тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган техник, ташкилий, ахборот имкониятларини ҳамда бошқа имкониятларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш. Бундай хизматлар жумласига, хусусан, Интернет тармоғида реал вақт режимида ишлайдиган савдо майдончасини бериш киради, бу майдонда потенциал харидорлар автоматлаштирилган тартиб-таомил воситасида ўз нарҳини таклиф этади ҳамда тарафлар автоматик тарзда яратиладиган хабар орқали сотув тўғрисида хабардор килинади;

6) ўз мақсадлари учун ёки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш мақсадида Интернет тармоғида ҳозир бўлишни таъминлаш ва (ёки) сақлаб туриш, фойдаланувчиларнинг электрон ресурсларини (сайтларини ва (ёки) Интернет тармоғидаги сайтлари саҳифаларини) сақлаб туриш, улардан Интернет тармоғидан бошқа фойдаланувчиларнинг фойдаланишини таъминлаш, фойдаланувчиларга уларни модификациялаш имконини тақдим этиш;

7) дастурнинг масофадан ва онлайн режимида ишлашини автоматик тарзда сақлаб туриш, Интернет тармоғида ахборот тизимларини, сайтларни ва (ёки) саҳифаларни бошқариш бўйича хизматлар кўрсатиш;

8) башарти ахборотни тақдим этган шахс ундан Интернет тармоғи орқали фойдаланиш имконига эга бўлса, ушбу ахборотни сақлаш ва унга ишлов бериш;

9) ахборот тизимида ахборотни жойлаштириш учун реал вақт режимида ҳисоблаш қувватини тақдим этиш;

10) домен номлар бериш, хостинг хизматларини кўрсатиш;

11) Интернет тармоғи орқали харидор томонидан маълумотлар киритилаётганда автоматик усулда юзага келадиган ахборотни етказиб бериш, маълумотларни қидириш, сўровларга кўра уларни саралаш ва ажратиш, ахборот-коммуникация тармоқлари орқали мазкур маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш бўйича автоматлаштирилган хизматлар кўрсатиш. Бундай етказиб беришлар жумласига, хусусан, фонд биржасининг реал вақт режимидаги маълумотлари, матнларнинг автоматлаштирилган таржимасини реал вақт режимида амалга ошириш киради;

12) потенциал харидорлар тўғрисидаги ахборотни қидириш ва (ёки) буюртмачига тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

13) Интернет тармоғидаги қидирув тизимларидан фойдаланиш имконини бериш;

14) Интернет тармоғидаги сайтларда статистикани юритиш.

Электрон шаклдаги хизматлар жумласига қуйидагилар кирмайди:

1) агар Интернет тармоғи орқали буюртма берилганда товарлар етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) аслида Интернет тармоғидан фойдаланмаган ҳолда амалга ошириладиган бўлса, товарларни (хизматларни) реализация қилиш;

2) электрон ҳисоблаш машиналари (шу жумладан компьютер ўйинлари) учун дастурларни ва моддий жисмлардаги маълумотлар базаларини реализация қилиш (улардан фойдаланиш ҳуқуқларини тақдим этиш);

3) электрон почта орқали маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

4) Интернет тармоғидан фойдаланиш имконини бериш бўйича хизматлар кўрсатиш.

ХІ БЎЛИМ. АКЦИЗ СОЛИҒИ

40-боб. Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти ва солиқ базаси

283-модда. Солиқ тўловчилар

Акциз солиғини тўловчилар (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб қуйидаги шахслар эътироф этилади:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

2) табиий газни истеъмолчиларга реализация қилишни амалга оширувчилар;

3) бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали, шунингдек газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар. Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади;

4) оддий ширкат иштирокчиси бўлган, оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириладиган акциз тўланадиган товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолият бўйича оддий ширкат ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс;

5) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди орқали акциз тўланадиган товарларни олиб ўтувчилар. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур шахслар солиқ тўловчилар деб эътироф этилади.

Қуйидагилар ҳам солиқ тўловчилар деб эътироф этилади:

1) телекоммуникация мобил алоқа хизматларини (акциз тўланадиган хизматларни) кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари;

2) Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган, акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ёки шундай товарларни олиб киришни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари.

284-модда. Солиқ солиш объекти

Акциз солиғи (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) солинадиган объектлар қуйидагилардан иборат:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан акциз тўланадиган товарларни бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериш:

товарга бўлган мулк ҳуқуқини бериш;

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан бериш;

акциз тўланадиган товарларни бепул бериш;

акциз тўланадиган товарларни (хизматларни) жисмоний шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ёки дивидендлар тўлаш ҳисобидан бериш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида ёхуд оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида бериш;

3) акциз тўланадиган товарларни:

а) иштирокчига (муассисга) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёхуд юридик шахсда иштирок этиш улуши камайганда ёки юридик шахс томонидан иштирокчидан ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (улушнинг бир қисми) қайтариб сотиб олинганда иштирокчига бериш;

б) юридик шахс бўлган эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинган тақдирда акциядорга бериш;

в) юридик шахсни тугатишда акциядорга ёки иштирокчига бериш;

4) акциз тўланадиган товарларни қайтариш шarti билан қайта ишлаш учун топшириш, шунингдек қайтариш шarti билан берилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган, шунингдек акциз тўланадиган шундай хом ашё ва материалларнинг маҳсули бўлган, акциз тўланадиган товарларни қайтариш шarti билан берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига ишлаб чиқарувчи томонидан топшириш;

5) акциз тўланадиган товарлардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш;

7) бензинни, дизель ёқилғисини ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

8) акциз тўланадиган хизматлар кўрсатиш;

9) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларнинг бузилиши, йўқотилиши, бундан фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келган ҳоллар мустасно. Айбдор томонидан товарнинг қиймати суғурта орқали тўланган ёки унинг ўрни қопланган тақдирда, акциз солиғи суғурта орқали тўлаш (ўрнини қоплаш) улушида тўланади.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни экспортга (экспортнинг божхона тартиб-таомилларида) реализация қилиш, бундан акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган, қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш шарти билан бериш;

3) ихтисослаштирилган газ таъминоти корхоналари орқали аҳолига суюлтирилган газни маиший эҳтиёжлар учун реализация қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қуйидаги акциз тўланадиган товарларни:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб кириш;

давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар орқали хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида олиб кириш;

агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда тутилган бўлса, халқаро молия институтларининг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олиб кириш;

5) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига солиқ солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилиш. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига солиқ солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб киришнинг энг юқори нормалари қонун ҳужжатларида белгиланади;

6) ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари.

285-модда. Солиқ базаси

Солиқ базаси белгиланган солиқ ставкаларига қараб акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) нисбатан солиқ ставкалари мутлақ (қатъий) суммада белгиланган бўлса, солиқ базаси акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) натурада ифодаланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) солиқ ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган бўлса, солиқ базаси бўлиб реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади.

Жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига бепул ёки бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган тартибда аниқланади.

Қайтариб бериш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишларнинг қийматини ҳамда қайтариш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг қийматини ўз ичига олади.

Акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси, агар ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ҳамда реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Четдан олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан фоизлардаги (адвалор) солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати асосида аниқланади.

Олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси импорт қилинган акциз тўланадиган товарларнинг натура ҳолидаги ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ва (ёки) акциз тўланадиган товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ва (ёки) шахсий эҳтиёжлар

учун фойдаланилган бензиннинг, дизель ёқилғиси ва газнинг натурада ифодаланган ҳажми солиқ базаси ҳисобланади.

**286-модда. Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга)
доир солиқ солинадиган операциялар
амалга ошириладиган сана**

Ушбу Кодекснинг 242-моддасида тегишли операциялар учун назарда тутилган сана акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) доир солиқ солинадиган операциялар амалга оширилган сана ҳисобланади.

Олиб кирилатган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солиш операцияларини амалга ошириш санаси уларни божхонанинг импорт тартиб-таомилидан чиқариш санаси ҳисобланади.

287-модда. Солиқ базасига тузатиш киритиш

Солиқ базасига тузатиш киритиш ушбу Кодекснинг 257-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади.

288-модда. Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқлаш

Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқловчи ҳужжатлар куйидагилардан иборатдир:

1) экспорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларни етказиб беришга доир контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

2) товарларни экспорт режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларацияси;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайинланган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган, товарга илова қилинадиган ҳужжатлар;

4) чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма.

Товарларни чет эл валютасида экспорт қилиш юзасидан даромадлар товарлар экспорт режимида чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь куни ичида келиб тушмаган тақдирда, товарларни экспортга реализация қилиш солиқ солишнинг объекти деб эътироф этилади.

Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топшириқ) шартномаси бўйича реализация қилинган тақдирда экспортни тасдиқлаш учун комитент (топшириқ берувчи) томонидан солиқ тўловчининг воситачи ёки ишончли вакил билан тузилган воситачилик

шартномаси ёки топшириқ шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси) қўшимча равишда тақдим этилади.

289-модда. Акциз тўланадиган товарлар ва хизматларнинг рўйхати. Солиқ ставкалари

Акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) рўйхати ва уларга доир солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланади.

Солиқ ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор), натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлақ суммада (катъий белгиланган), шунингдек адвалор ва катъий белгиланган солиқ ставкаларини ўз ичига олган аралаш ставкада белгиланади.

41-боб. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби

290-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва солиқнинг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Импорт қилинган, акциз тўланадиган, ўзига нисбатан аралаш – адвалор ва катъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган товарлар бўйича солиқ солиқ базаси ва адвалор ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда солиқ суммаси катъий белгиланган ставка қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган суммадан кам бўлиши мумкин эмас.

291-модда. Солиқ даври

Бир ой солиқ давридир.

292-модда. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби

Солиқ ҳисоботи, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ бўйича ҳисобда турилган жойдаги солиқ органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газ автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилинган тақдирда, солиқ ҳисоботи автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги солиқ органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

293-модда. Солиқ тўлаш тартиби

Солиқни тўлаш солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича солиқни тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган олиб кириладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

XII БЎЛИМ. Фойда солиғи

42-боб. Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти ва солиқ базаси

294-модда. Солиқ тўловчилар

Қуйидагилар фойда солиғининг солиқ тўловчилари (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб эътироф этилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари бўлган юридик шахслар (бундан буён ушбу бўлимда юридик шахслар деб юритилади);

2) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширадиган, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмалари (бундан буён ушбу бўлимда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидентлар деб юритилади);

3) Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан даромадлар олувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар (бундан буён ушбу бўлимда норезидентлар деб юритилади);

4) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчилари бўлган юридик шахслар;

5) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган ёки ўз ихтиёри билан фойда солиғини тўлашга ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлар;

6) оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича оддий ширкатнинг ишончли шахси.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари (бундан буён ушбу бўлимда консолидациялашган гуруҳ иштирокчилари деб юритилади) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғининг мазкур гуруҳ масъул иштирокчиси томонидан ҳисоблаб чиқариш учун зарур бўлган қисми бўйича солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бажаради.

Ушбу Кодекснинг 36-моддаси тўққизинчи қисмига мувофиқ агент вазифаларини амалга оширувчи жисмоний шахс, ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

Агар ушбу Кодекста бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, айланмадан солиқ тўловчи шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланмайди.

295-модда. Солиқ солиш объекти

Солиқ тўловчи томонидан олинган фойда солиғи (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ушбу бўлим мақсадида қуйидагилар фойда деб эътироф этилади:

1) юридик шахс учун – ушбу бўлимда назарда тутилган жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

2) фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидент учун – ушбу Кодекснинг 49-бобида белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, ушбу бўлимда назарда тутилган доимий муассасанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган жами даромад (шу жумладан бундай доимий муассасанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар) ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

3) норезидент учун – ушбу Кодекснинг 50-бобида белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар;

4) яқка тартибдаги тадбиркор учун – ушбу Кодекснинг 51-бобида белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, ушбу бўлимда назарда тутилган жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

5) зиммасига оддий ширкат ишларини юритиш юклатилган шахс учун – биргаликда ишлаб чиқарилган товарни (кўрсатилган хизматни) реализация қилишдан олинган даромад ва биргаликда ишлаб чиқарилиб реализация қилинган товарга (хизматга) тўғри келадиган биргаликдаги фаолиятга киритилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ.

296-модда. Солиқ базаси

Ушбу Кодекснинг 295-моддасига мувофиқ аниқланадиган, солиқ солиниши лозим бўлган фойда суммаси солиқ базаси ҳисобланади.

Солиқ базасини ушбу бўлимда белгиланган тартибда ва шартларда аниқлашда солиқ тўловчи даромадларининг ва (ёки) харажатларининг (зарарларининг) айрим турлари махсус қоидалар бўйича инобатга олиниши ёки инобатга олинмаслиги мумкин.

Солиқ тўловчи ушбу бўлимга мувофиқ фойдани ва зарарни ҳисобга олишнинг умумий тартибидан фарқ қиладиган тартиби назарда тутилган

операциялар бўйича даромадларнинг (харажатларнинг) алоҳида-алоҳида ҳисобини юритади.

Солиқ базаси, агар ушбу Кодекснинг 48 ва 50-бобларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ даври бошланганидан эътиборан ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Солиқ тўловчи томонидан ҳисобот (солиқ) даврида кўрилган зарарлар солиқ солиш мақсадларида солиқ базасини ушбу Кодекснинг 46-бобида белгиланган тартибда ва шартларда камайтиради.

Солиқ базаси назорат қилинадиган чет эл компанияларининг ушбу Кодекснинг VII бўлими ва 331-моддасига мувофиқ белгиланадиган умумий фойдасини ҳам ўз ичига олади.

Солиқ базасига ушбу бўлимда белгиланган ҳолларда ва тартибда тузатишлар киритилади.

Солиқ тўловчининг даромадларига ва (ёки) харажатларига (зарарларига) ушбу Кодекснинг VI бўлимида назарда тутилган ҳолларда тузатишлар киритилади.

Натура шаклидаги даромадлар ва харажатлар, агар ушбу қисмда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи томонидан битимнинг ҳақиқий нархидан келиб чиққан ҳолда инобатга олинади. Агар бундай битимдаги товарларнинг (хизматларнинг) нархи уларнинг бозор нархидан фарқ қилса ва бундай фарқланиш солиқ тўловчининг солиқ базаси камайишига ёки зарари кўпайишига олиб келса, солиқ базаси ушбу Кодекснинг VI бўлимига мувофиқ белгиланадиган бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

43-боб. Жами даромад

297-модда. Умумий қоидалар

Жами даромад юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасидаги ва унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан ҳисобот (солиқ) даври мобайнида олинган даромадлардан иборатдир.

Жами даромад, агар ушбу Кодекснинг 299-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қўшилган қиймат солигини ва акциз солигини инобатга олмаган ҳолда аниқланади.

Ушбу бўлим мақсадида жами даромадга (бундан буён ушбу бўлимда даромад деб юритилади) ҳар қандай шаклда ва (ёки) ҳар қандай фаолиятдан олиниши лозим бўлган даромадлар (бундан буён матнда олинган даромадлар деб юритилади), хусусан, қуйидаги даромадлар киради:

1) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад;
2) кредит (қарз, микрокредит ва бошқа молиявий операциялар) бўйича мукофот тарзидаги даромад;

3) суғурта, қайта суғурта ташкилотининг суғурта, қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича даромади;

- 4) РЕПО операциялари бўйича даромад;
- 5) қимматли қоғозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ушбу Кодекснинг 327–329-моддаларига мувофиқ олинган даромад;
- 6) асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг ушбу Кодекснинг 298-моддасига мувофиқ чиқиб кетишидан олинган даромад;
- 7) молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан мол-мулкни бериш бўйича пул мукофоти тарзидаги даромад;
- 8) мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно;
- 9) роялти;
- 10) ушбу Кодекснинг 299-моддасига мувофиқ текин олинган мол-мулк (олинган хизматлар);
- 11) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромад;
- 12) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад, бундан ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланмаган харажатларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар мустасно;
- 13) ушбу Кодекснинг 300-моддасига мувофиқ талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад;
- 14) ушбу Кодекснинг 301-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромад;
- 15) ушбу Кодекснинг 302-моддасига мувофиқ хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромад;
- 16) ушбу Кодекснинг 319-моддасига мувофиқ биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинган даромад;
- 17) қарздор томонидан эътироф этилган ёхуд қарздор томонидан суднинг қонуний қучга кирган ҳужжати асосида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун тўланиши лозим бўлган жарималар, пенялар ва бошқа санкциялар, шунингдек зарарларнинг (зиённинг) ўрнини қоплаш суммалари;
- 18) ушбу Кодекснинг 320-моддасига мувофиқ курсдаги ижобий фарқ;
- 19) дивидендлар ва фоизлар;
- 20) ишончли бошқарув муассиси томонидан мол-мулкни ишончли бошқаришдан олинган даромад;
- 21) шакллантирилиш харажатлари ушбу Кодекснинг 44 ва 45-бобларида белгиланган тартибда ва шартларда харажатлар таркибига қабул қилинган, қайта тикланган захиралар суммалари;
- 22) акциядор, иштирокчи юридик шахс фойдасига ўз улушининг (улуши бир қисмининг) қийматини олишдан воз кечган тақдирда, мазкур юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) камайиши муносабати билан олган даромад;

23) корхонани мол-мулк мажмуи сифатида сотишдан олинган даромад;

24) ушбу Кодекснинг VI бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда нархларга тузатишлар киритиш туфайли олинган даромад;

25) ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади;

26) алоҳида ҳисоби мавжуд бўлмаган ва (ёки) улардан мақсадли фойдаланилмаган мақсадли маблағлар тарзидаги даромад (бундан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланиладиган бюджет маблағлари мустасно);

27) ушбу қисмнинг 1–26-бандларида кўрсатилмаган бошқа даромадлар.

Даромадлар солиқ тўловчи томонидан олинган даромадларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шу жумладан электрон ҳужжатлар, шунингдек солиқни ҳисобга олишга доир ҳужжатлар асосида аниқланади.

Жами даромад ушбу бўлим мақсадларида пул, натура шаклида ва (ёки) бошқа шаклларда келиб тушган барча тушумлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчи томонидан олинган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлар қиймати миллий валютада ифодаланган даромадлар билан биргаликда ҳисобга олинади.

Юридик шахс қайта ташкил этилганда, мол-мулкнинг ва пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган номулкий ҳуқуқларнинг қиймати ва (ёки) юридик шахсларни қайта ташкил этиш чоғида ҳуқуқий ворислик тартибда олиннадиган (ўтказиладиган), қайта ташкил этилаётган юридик шахслар ўзининг қайта ташкил этилиш санасига қадар олган мажбуриятларининг қиймати янги ташкил этилган, қайта ташкил этилаётган ва қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг даромадлари деб эътироф этилмайди.

Агар даромадни бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эътироф этиш даромадни ушбу Кодексга мувофиқ аниқлаш ва эътироф этиш тартибидан фарқ қилса, мазкур даромад солиқ солиш мақсадларида ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Агар ушбу бўлимда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш чоғида активлар ва (ёки) мажбуриятларнинг қиймати ўзгарганлиги муносабати билан бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган даромадларга солиқ солиш мақсадидаги даромадлар сифатида қаралмайди, бундан ҳақиқатда олинган даромадлар мустасно.

Агар ушбу Кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, даромадни эътироф этиш санаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ аниқланади.

Солиқ тўловчининг даромадларига тузатиш киритиш ушбу Кодекснинг 332-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Агар муайян бир даромад даромадларнинг бир нечта моддасида назарда тутилган бўлса, жами даромадни аниқлашда мазкур даромад фақат бир марта киритилади.

298-модда. Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар

Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромад деб бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган фойда эътироф этилади.

Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ҳамда бошқа мол-мулкнинг нархини ошириш суммасининг ушбу асосий воситаларни ва бошқа мол-мулкни олдинги нархни пасайтириш суммасидан ортиқ суммалари асосий воситалар ҳамда бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

299-модда. Текин олинган мол-мулк (хизматлар)

Агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи томонидан текин олинган мол-мулк ва (ёки) хизматлар солиқ тўловчининг даромади деб эътироф этилади.

Мол-мулкни (хизматларни) текин асосда олиш чоғида олувчи шахснинг даромадлари, агар ушбу модданинг тўртинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу мол-мулкнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Текин олинган мол-мулкнинг (хизматларнинг) бозор қиймати ҳужжат билан тасдиқланиши керак. Хусусан, қуйидагилар шундай ҳужжатлар бўлиши мумкин:

- 1) юклаб жўнатишга, етказиб беришга ёки топширишга доир ҳужжатлар;
- 2) маҳсулот етказиб берувчиларнинг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар);
- 3) оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;
- 4) биржа хабарлари;
- 5) давлат статистика органларининг маълумотлари.

Қарз берувчига фоизли даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта

молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Қарз берувчининг даромадини аниқлашнинг худди шундай тартиби қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлган фоизлар тўлаш шарти билан берилган қарзларга (қайтариш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан қўлланилади.

Ушбу модда тўртинчи қисмининг қоидалари:

1) банкларо операцияларга ва кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитларга;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бериладиган қарзларга (ссудаларга);

3) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг бир иштирокчиси томонидан айти шу консолидациялашган гуруҳнинг бошқа иштирокчисига бериладиган қарзларга (қайтариб бериш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисми қоидалари ушбу Кодекснинг 322-моддасида назарда тутилган солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мол-мулкни ишончли бошқарувга беришдан наф олувчи оладиган даромадларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

300-модда. Талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар

Талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар қуйидагиларнинг ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади:

1) талаб қилиш ҳуқуқини олувчи солиқ тўловчи учун – қарздордан талаб бўйича асосий қарздан олиниши лозим бўлган сумма, шу жумладан талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш санасидаги асосий қарздан ортиқ сумма билан талаб қилиш ҳуқуқини олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ;

2) талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечган солиқ тўловчи учун – талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш қайси қиймат бўйича амалга оширилган бўлса, ўша қиймат билан солиқ тўловчининг дастлабки ҳисобга олиш ҳужжатларига биноан талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш санасида қарздордан олиниши лозим бўлган талабнинг қиймати ўртасидаги ижобий фарқ;

3) қарзни талаб қилиш ҳуқуқини бундан буён амалга оширувчи солиқ тўловчи учун – талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш қиймати билан мазкур талабни сотиб олиш харажатларининг суммаси ўртасидаги ижобий фарқ.

Талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечишдан олинган даромад талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш амалга оширилган ҳисобот (солиқ) даврида эътироф этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномасига кўра олинган салбий фарқ солиқ тўловчининг зарари деб эътироф этилади ва солиқ базаси аниқланаётганда чегириб ташланади.

301-модда. Илгари чегириб ташланган харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромад

Илгари чегириб ташланган харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар жумласига қуйидагилар киради:

1) жорий солиқ даврида ўрни қопланган, шу жумладан бундай талабларга бўлган ҳуқуқлардан ўзганинг фойдасига қайта воз кечиш йўли билан ўрни қопланган, олдин харажатлар жумласига киритилган, умидсиз (таваккал қилинган) деб эътироф этилган талабларнинг суммалари;

2) чиқимларнинг (харажатларнинг) ўрнини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан олинган маблағларнинг суммалари;

3) суғурта ташкилоти ёки зарар етказган шахс томонидан тўланган зарарни компенсация қилиш суммалари, бундан ушбу Кодекснинг 304-моддасида кўрсатилган суғурта тўловлари мустасно;

4) илгари чегирмалар жумласига киритилган чиқимларнинг ўрнини қоплашдан олинган бошқа компенсациялар.

Олинган компенсация у қайси ҳисобот (солиқ) даврида олинган бўлса, ўша ҳисобот (солиқ) даврининг даромади бўлади.

302-модда. Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинган даромадлар

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар деганда фаолияти солиқ тўловчининг асосий фаолиятига хизмат кўрсатишга қаратилган ва солиқ тўловчининг асосий фаолияти доирасида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган хўжаликлар тушунилади.

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар жумласига қуйидагилар киради:

1) ёрдамчи хўжаликлар;

2) уй-жой-коммунал хўжалиги объектлари: уй-жой фонди, меҳмонхоналар (туристик меҳмонхоналар бундан мустасно), ташриф буюрувчилар учун уйлар ва ётоқхоналар, ташқи ободонлаштириш объектлари, сунъий иншоотлар, чўмилиш хавзалари, пляжларнинг иншоотлари ҳамда асбоб-ускуналари, аҳолини газ, иссиқлик ва электр билан таъминлаш объектлари, уй-жой-коммунал хўжалиги объектларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун мўлжалланган

участкалар, цехлар, базалар, устахоналар, гаражлар, махсус машиналар ва механизмлар, омборхоналар;

3) ижтимоий-маданий соҳа объектлари: соғлиқни сақлаш ва маданият объектлари, болалар мактабгача таълим объектлари, болаларнинг дам олиш оромгоҳлари, санаторийлар (профилакторийлар), дам олиш базалари, пансионатлар, жисмоний тарбия ва спорт объектлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ишлаб чиқаришга оид бўлмаган объектлари (хаммомлар, сауналар, кирхоналар, тикувчилик устахоналари ҳамда маиший хизматлар кўрсатувчи бошқа устахоналар);

4) ўз ходимларига ёки ўзга шахсларга хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи умумий овқатланиш пунктлари, ўқув комбинатлари ва шунга ўхшаш бошқа хўжаликлар, ишлаб чиқаришлар ҳамда хизматлар.

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинган даромадлар хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан товарларни ва хизматларни реализация қилишдан олинган маблағларнинг суммаси билан хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг умумий фаолиятига боғлиқ харажатларнинг суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аникланади.

Ушбу бўлимга мувофиқ чегириб ташланиши лозим бўлган харажатлар хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар деб эътироф этилади.

Чегириб ташланадиган харажатларнинг даромадлардан ортиб кетиши хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан кўрилган зарар деб эътироф этилади.

303-модда. Узоқ муддатли контрактлар бўйича даромадлар

Агар тузилган контрактлар шартларида хизматларни босқичма-босқич топшириш назарда тутилмаган бўлса, узоқ технологик циклли ишлаб чиқариш (бир солиқ давридан ортик) бўйича мазкур хизматларни реализация қилишдан олинган даромад ҳисобга олиш маълумотлари асосида даромадни бир меъёрда эътироф этиш принципи инобатга олинган ҳолда солиқ тўловчи томонидан тақсимланади.

Узоқ муддатли контрактни ҳисобот даврининг охирига келиб ҳақиқатда ижро этиш контрактни бажариш бошлангандан эътиборан қилинган харажатларнинг солиштирма миқдорини контрактни бажаришга доир харажатларнинг умумий суммасида ҳисоб-китоб қилиш асосида аниқланади.

Ҳисобот даврининг охиридаги даромад қилинган харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган солиштирма миқдори ва контракт бўйича даромаднинг (контракт нархлари) умумий суммасидан келиб чиқиб аникланади. Мазкур контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар жорий ҳисобот даврида хизматларни реализация қилишдан олинган даромадни аниқлаш чоғида чегириб ташланади.

304-модда. Солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар

Қуйидагилар даромад сифатида ҳисобга олинмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса тарзида олинган маблағлар;

2) акцияларни (улушларни) жойлаштириш нархининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқча суммаси;

3) иштирокчилар таркибидан чиқиш (чиқиб кетиш) чоғида устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса доирасида олинган ёки иштирокчининг улуши миқдорини камайтириш, шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулкани иштирокчилар ўртасида тақсимлаш чоғида олинган маблағлар;

4) оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

5) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) шартнома шериклари (иштирокчилари) умумий мулкидаги улуши қайтарилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ушбу шерик (иштирокчи томонидан) қўшилган ҳисса миқдорида олинган маблағлар;

6) реализация қилинадиган товарлар (хизматлар) учун олдиндан тўлов (бўнак) тарзида бошқа шахслардан олинган маблағлар;

7) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мажбуриятларнинг таъминоти сифатида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар, уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган пайтга қадар;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ текинга олинган мол-мулк ва хизматлар;

9) ушбу Кодекснинг 48-моддасида назарда тутилган талаблар бажарилиши шarti билан олинган грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва мақсадли тушумлар;

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тарзида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топширик шартномаси ёки воситачилик хизматлари кўрсатишга доир бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариши муносабати билан, шунингдек воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан комитент ёхуд бошқа ишонч билдирувчи учун амалга оширилган харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан келиб тушган мол-мулк (пул мукофоти бундан мустасно). Бундай харажатлар, агар тузилган шартномалар шартларида бу харажатларнинг ўрнини қоплаш назарда тутилган бўлса, воситачидан ёки ишончли вакилдан чегириб ташланмайди;

12) молиявий ижара (лизинг) объектининг қиймати ўрнини ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг қисми тарзида қоплаш;

13) мол-мулк ижарасига доир шартнома бўйича олинган мол-мулк, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно;

14) телекоммуникация тармоқларидаги тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар;

15) инвестор ва давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган мол-мулк;

16) кредит ёки қарз шартномалари бўйича маблағлар ёки бошқа мол-мулк (маблағ жалб қилишни расмийлаштириш усулидан қатъи назар, бошқа шундай маблағлар ёки бошқа мол-мулк, шу жумладан қарз қимматли қоғозлар), шунингдек бундай жалб қилинган маблағларни тўлаш ҳисобидан маблағлар ёки бошқа мол-мулк;

17) концессия битими бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган мол-мулк;

18) давлат муассасалари томонидан барча даражалардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорига кўра олинган мол-мулк;

19) Ўзбекистон Республикасининг давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича олинган даромадлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ва Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чиқарилган халқаро облигациялар бўйича даромадлар;

20) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган пеняларнинг ва жарималарнинг суммаси.

44-боб. Харажатлар

305-модда. Умумий қоидалар

Ушбу Кодекс 294-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандида кўрсатилган юридик шахсларнинг солиқ базасини аниқлашда ушбу шахсларнинг жами даромадидан даромад олиш билан боғлиқ барча харажатлар чегириб ташланади, бундан ушбу бўлимга кўра чегириб ташланмайдиган харажатлар мустасно.

Ушбу бўлим мақсадларида солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ҳам ҳисобот (солиқ) даври давомида амалга оширилган (кўрилган), асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлари (ушбу Кодекснинг 333–336-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса зарарлар) харажатлар деб эътироф этилади.

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади.

Ҳар қандай чиқимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар деганда қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлар тушунилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

2) тегишли харажатлар амалга оширилган чет давлат ҳудудида қўлланиладиган тартибга мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

3) бошқа шаклда расмийлаштирилган, шу жумладан хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, йўл ҳужжатлари, шартномага мувофиқ кўрсатилган хизмат ҳақидаги ҳисобот билан расмийлаштирилган ҳужжатлар.

Ушбу Кодекснинг 37-бобига мувофиқ, жумладан амортизация қилинадиган активларни сотиб олиш ва ҳисобга олиннадиган қўшилган қиймат солиғининг суммаси, шу харажат сифатида эътироф этилмайди, бундан ушбу Кодекснинг 314-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар айтилган бир харажатлар харажатларнинг бир нечта моддасида назарда тутилган бўлса, солиқ базасини ҳисоб-китоб қилишда мазкур харажатлар фақат бир марта чегириб ташланади.

Солиқ тўловчининг қиймати чет эл валютасида ифодаланган харажатлари миллий валютада қиймати ифодаланган харажатлар билан биргаликда ҳисобга олинади.

Агар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ харажатни эътироф этиш ушбу Кодексга мувофиқ харажатни аниқлаш ва эътироф этиш тартибидан фарқ қилса, мазкур харажат солиқ солиш мақсадларида ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Агар ушбу бўлимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ солиш мақсадларида, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш чоғида активлар ва (ёки) мажбуриятларнинг қиймати ўзгарганлиги муносабати билан бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган чиқимларга харажатлар сифатида қаралмайди, бундан ҳақиқатда тўланган харажатлар мустасно.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, узоқ муддатли активларнинг дастлабки қиймати ва захираларнинг таннархига киритиладиган харажатлар амортизация ажратмалари воситасида ва бундай захираларнинг таннархи орқали чегирмалар жумласига киритилиши лозим.

Ушбу Кодекс 306-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ёки бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амортизация ажратмалари ҳисобланмайдиган узоқ муддатли активларнинг

қиймати мазкур активлар ушбу Кодекснинг 298-моддасида назарда тутилган тартибда чиқиб кетаётганда солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинади.

Солиқ тўловчининг харажатларига тузатишлар киритиш ушбу Кодекснинг 332-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Кодекснинг 306–316-моддалари ва 45-бобида кўрсатилган харажатлар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шартларга риоя этилган ҳолда чегирмалар жумласига киритилади.

306-модда. Амортизация харажатлари

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олинган асосий воситалар ва номоддий активлар ушбу модда мақсадларида амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилади.

Қуйидагилар амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилмайди ва амортизация қилинмайди:

1) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

2) маҳсулдор чорва моллари;

3) ахборот-кутубхона фонди;

4) музей ашёлари;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервация қилинган асосий воситалар;

6) моддий маданий мерос объектлари;

7) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлкалар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

8) қиймати илгари тўлиқ харажатлар жумласига киритилган мол-мулк;

9) асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар;

10) нотижорат ташкилотларнинг ушбу Кодекс 318-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган ҳамда нотижорат фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулки, бундан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан сотиб олинган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулк мустасно;

11) ушбу Кодекс 304-моддасининг 8, 9, 14, 15 ва 17-кичик бандларига мувофиқ келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган) мол-мулк.

Амортизация қилинадиган активнинг қиймати ушбу Кодекснинг 308-моддасида назарда тутилган амортизация ажратмалари ва (ёки) инвестициявий чегирмалар орқали харажатлар жумласига киритилади.

Амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, ушбу моддада назарда тутилган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Номоддий активларнинг қиймати ушбу Кодекснинг 307-моддасида назарда тутилган тартибда харажатлар жумласига киритилади.

Амортизация қилинадиган активлар, бундан номоддий активлар мустасно, солиқ солиш мақсадларида гуруҳлар (кичик гуруҳлар) бўйича тақсимланади ва уларни сотиб олишга (яратишга) доир чиқимлар амортизация ажратмалари орқали амортизациянинг қуйидаги чекланган нормалари бўйича харажатлар жумласига киритилади:

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда
I		Бинолар, иморатлар ва иншоотлар	
	1	Бинолар, иморатлар	3
	2	Нефть ва газ кудуклари	
	3	Нефть-газ омборлари	
	4	Кема қатнайдиган каналлар, сув каналлари	
	5	Кўприklar	
	6	Дамбалар, тўғонлар	
	7	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
	8	Корхоналарнинг темир йўллари	
	9	Қирғоқни мустаҳкамловчи, қирғоқни ҳимояловчи иншоотлар	
	10	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сизимлар	5
	11	Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи	
	12	Ёпик коллектор-дренаж тармоғи	
	13	Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлчалари, тўхташ жойлари	
	14	Истироҳат боғларининг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари	
	15	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	

	16	Иссиқхоналар ва парниклар	
	17	Бошқа иншоотлар	
II		Узатиш қурилмалари	
	1	Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	8
	2	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	
	4	Магистрал қувурлари	
	5	Бошқалар	
III		Куч машиналари ва асбоб-ускуналар	
	1	Иссиқлик техник асбоб-ускуналари	8
	2	Турбина асбоб-ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	
	4	Комплекс қурилмалар	
	5	Бошқа куч машиналари ва асбоб-ускуналари (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
IV		Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва асбоб-ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
	1	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва асбоб-ускуналар	15
	2	Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва асбоб-ускуналари	
	3	Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон асбоб-ускуналари, рақамли тизимлар узатиш асбоб-ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа асбоб-ускуналари	
	5	Узатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш асбоб-ускуналари	

	6	Киностудияларнинг махсус асбоб-ускуналари, тиббий ва микробиология саноати асбоб-ускуналари	
	7	Компрессор машиналари ва асбоб-ускуналари	
	8	Насослар	
	9	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупрок, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар	
	10	Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари	
	11	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сизимлар	
	12	Нефть қазиб чиқариш ва бурғулаш ускуналари	
	13	Бошқа машиналар ва ускуналар	
V		Ҳаракатланувчи транспорт	
	1	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	4
	2	Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари	
	3	Ҳаво транспорти	
	4	Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	20
	5	Енгил автомобиллар	
	6	Саноат тракторлари	
	7	Коммунал транспорт	
	8	Махсус вахта вагонлари	
	9	Бошқа транспорт воситалари	
VI		Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	
	1	Компьютерлар	20
	2	Периферия қурилмалари ва маълумотларга ишлов бериш ускуналари	
	3	Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси	

	4	Бошқа компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларга ишлов бериш ускуналари	
VII		Бошқа гуруҳларга киритилмаган асосий воситалар	15

Солиқ солиш мақсадлари учун ҳар бир кичик гуруҳ бўйича амортизация ажратмалари амортизация нормасини қўллаш орқали, бироқ ушбу Кодекста белгиланган чекланган нормадан кўп бўлмаган тарзда ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадларида амортизацияни ушбу моддада белгиланганидан пастроқ нормалар бўйича ҳисоблашга, агар бу солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, йўл қўйилади.

Солиқ базасига, ушбу моддада назарда тутилган нормаларга зид равишда, тўлиқ ҳисобланмаган амортизация суммаси миқдоридан тузатишлар киритиш амалга оширилмайди.

Фойдаланишда бўлган асосий воситаларни сотиб оладиган солиқ тўловчи ушбу объектлар бўйича амортизация нормасини, мазкур объектдан аввалги мулкдорлар томонидан фойдаланилган йиллар (ойлар) сонига камайтирилган фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда, белгилашга ҳақлидир.

Агар асосий воситадан ҳақиқатда фойдаланиш муддати аввалги мулкдорларда асосий воситаларнинг ушбу моддада таснифланиши асосида белгиланадиган фойдали тарзда фойдаланиш муддатига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўловчи техника хавфсизлиги талабларини ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда бу асосий воситадан фойдали тарзда фойдаланиш муддатини мустақил равишда, лекин уч йилдан кам бўлмаган муддатга белгилашга ҳақли.

Илгари фойдаланишда бўлган асосий воситалардан фойдаланиш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, амортизацияни ҳисоблаш ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Амортизация қилинадиган мол-мулк текин олинган тақдирда, унинг ушбу Кодекснинг 299-моддасига мувофиқ текин олинган мол-мулк тарзида жами даромадга киритилган қиймати амортизация қилинадиган мол-мулкнинг дастлабки қиймати бўлади ва бунда Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ дастлабки тарзда эътироф этиш чоғида шундай активларнинг қийматини кўпайтирувчи ҳақиқий чиқимлар инобатга олинади.

Солиқ солиш мақсадларида амортизация қилинадиган мол-мулкнинг қийматига ушбу Кодекс 317-моддасининг 17-бандида назарда тутилган харажатлар киритилмайди.

307-модда. Номоддий активларни амортизация қилиш харажатлари

Номоддий активларнинг қиймати номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланиш муддати мобайнидаги амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади.

Номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан ва (ёки) интеллектуал мулк объектидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки қўлланилиши мумкин бўлган чет давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш муддатларига доир бошқа чекловлардан келиб чиққан ҳолда ёхуд номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланишнинг тегишли шартномаларда шартлашилган муддатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Солиқ тўловчи томонидан амортизация ажратмалари уларнинг дастлабки қийматидан ва фойдали тарзда фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинган нормалар бўйича ҳар ойда ҳисобланади.

Фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йиллик муддатга белгиланади.

Агар номоддий активларни олиш ёки ишлаб чиқариш харажатлари солиқ тўловчининг солиқ базасини ҳисоблаб чиқариш чоғида харажатлар жумласига киритилган бўлса, бу харажатлар амортизация қилиниши лозим бўлган номоддий активларнинг қийматига киритилмайди.

308-модда. Инвестициявий чегирма

Солиқ тўловчи амортизация қилинадиган активлар бўйича инвестициявий чегирмаларни ушбу моддада белгиланган тартибда ва шартларда қўллашга ҳақли.

Инвестициявий чегирма амортизация харажати деб эътироф этилади.

Инвестициявий чегирма куйидаги миқдорда қўлланилади:

1) янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва (ёки) ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммаларининг 10 фоизи миқдорида;

2) ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасининг 5 фоизи миқдорида.

Ушбу Кодекс 317-моддасининг 17-бандига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар бўйича инвестициявий чегирма берилмайди.

Инвестициявий чегирма янги технологик ускунани ишга тушириш амалга оширилган ёхуд ўз ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш амалга оширилган, ишлаб чиқариш янги қурилиш шаклида кенгайтирилган, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш амалга оширилган, лаборатория тестларини ва синовларини ўтказиш учун комплекслар, ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминоти сотиб олинган ҳисобот (солиқ) даврида қўлланилади.

Ушбу модда мақсадларида:

1) товарларни (хизматларни) ишлаб чиқариш жараёнида солиқ тўловчи томонидан фойдаланиладиган, чиқарилган кундан эътиборан уч йилдан кўп бўлмаган муддат ўтган машиналар, аппаратлар, қурилмалар, механизмлар янги технологик ускуналар деб эътироф этилади;

2) асосий воситаларнинг технологик ёки хизматга оид мўлжалланилган мақсадини ўзгартиришга, уларнинг унумдорлигини оширишга ёки бошқа сифат хусусиятларини яхшилашга қаратилган ишлар модернизация қилиш деб эътироф этилади;

3) илғор техника ва (ёки) технологияни жорий этиш асосида асосий воситаларнинг ёки уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан эскирган ва жисмонан ишдан чиққан ускуналарни янги, нисбатан маҳсулдор ускуналарга алмаштиришга доир комплекс тадбирлар техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш деб эътироф этилади. Техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлаб чиқаришларнинг янгиларини барпо этиш ва амалдагиларини кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади;

4) ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш, товарлар (хизматлар) сифатини яхшилаш ва (ёки) уларнинг номенклатурасини ўзгартириш мақсадида реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган, товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган, мавжуд биноларни ва иншоотларни қайта қуриш ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган биноларни ва иншоотларни реконструкция қилиш деб эътироф этилади;

5) товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида янги биноларни ва иншоотларни қуриш ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш деб эътироф этилади.

309-модда. Амортизация қилинадиган активларни таъмирлаш харажатлари

Солиқ тўловчи томонидан амортизация қилинадиган активларни таъмирлаш учун амалга оширилган харажатлар қайси ҳисобот (солиқ)

даврида амалга оширилган бўлса, ўша ҳисобот (солиқ) даврида солиқ солиш мақсадларида ҳақиқий чиқимлар миқдорида харажатлар жумласига киритилади.

Агар ижарага олувчи ва ижарага берувчи ўртасидаги шартномада ижарага олувчининг амортизация қилинадиган активларга доир харажатларининг ўрнини ижарага берувчи томонидан қоплаш назарда тутилмаган бўлса, ушбу модданинг қоидалари ижарага олувчининг мазкур харажатларига нисбатан ҳам қўлланилади.

310-модда. Фоизлар ва айрим чиқимлар бўйича харажатлар

Солиқ тўловчининг қарз мажбуриятлари (кредитлар, товар ва тижорат кредитлари, қарзлар, банк омонатлари, банк ҳисобварақлари ёки расмийлаштириш усулидан қатъи назар, бошқа жалб қилинган маблағлар) бўйича фоизлар тарзидаги харажатлари (бундан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида капиталлаштириш учун рухсат берилган харажатлар мустасно) ушбу Кодекснинг VI бўлимида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, ҳақиқий ставкадан келиб чиқиб, чегириб ташланади.

Юридик шахснинг назорат қилинадиган қарзи билан боғлиқ харажатлари ушбу модданинг биринчи қисми қоидалари ҳисобга олинган ҳолда, ушбу моддада белгиланган энг кўп қийматлардан ошмайдиган миқдорда чегириб ташланади. Мазкур қоида қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

- 1) қарз маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларга;
- 2) неустойкаларнинг (жарималар, пеняларнинг) суммалари, жавобгарликнинг бошқа чоралари қўлланилганлиги натижасида, шу жумладан шартнома мажбуриятларини бузганлик учун зарарларнинг ўрнини қоплаш натижасида тўланиши лозим бўлган суммаларга.

Ушбу модда мақсадларида юридик шахснинг қуйидаги қарзлари назорат қилинадиган қарзлар деб эътироф этилади:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлмаган, мазкур солиқ тўловчи акцияларининг (устав фондидаги (устав капиталидаги) пайлар, улушларнинг) 20 фоизидан ортиғига бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган чет эллик юридик ёки жисмоний шахс олдидаги қарзи;

- 2) ушбу Кодекснинг 37-моддасига мувофиқ ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган чет эллик шахснинг ўзаро боғлиқ шахси деб эътироф этиладиган бошқа шахс олдидаги қарзи;

- 3) ушбу қисмнинг 1 ва (ёки) 2-бандларида кўрсатилган шахслар олдида кафиллик қилувчи, кафил сифатида иш юритувчи шахс ёки ушбу солиқ тўловчининг ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган қарзини тўлашни таъминлаш юзасидан мажбуриятни бошқача тарзда ўз зиммасига оладиган бошқа шахс олдидаги қарз.

Назорат қилинадиган қарз солиқ давридаги қуйидаги қарзларнинг жами суммаларини ўз ичига олади:

қарз маблағлари бўйича;

жавобгарликнинг бошқа чоралари қўлланилганлиги натижасида, шу жумладан шартнома мажбуриятларини бузганлик учун зарарларнинг ўрни қопланиши натижасида тўланиши лозим бўлган неустойкалар (жарималар, пенялар) суммалари бўйича.

Ушбу модданинг тўртинчи қисми мақсадлари учун солиқ даврида мавжуд бўлган қарз деганда, қайси хўжалик операцияси натижасида жорий ҳисобот (солиқ) даврида қарз юзага келадиган ёки кўпаядиган бўлса, ўша ҳар бир хўжалик операциясининг қиймат кўрсаткичлари суммаси, шунингдек жорий ҳисобот (солиқ) даврининг бошида тўланмаган қарзнинг суммаси тушунилади.

Агар ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган чет эллик шахс ёки бошқа шахслар олдидаги назорат қилинадиган қарз миқдори солиқ тўловчининг хусусий капиталидан уч баравардан ортиқ бўлса, фақат лизинг фаолияти билан шуғулланувчи банклар ва солиқ тўловчилар учун эса ўн уч баравардан ортиқ бўлса, харажатларнинг чегириб ташланиши лозим бўлган энг кўп миқдорини аниқлашда ушбу модданинг еттинчи – тўққизинчи қисмларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Солиқ тўловчи назорат қилинадиган қарзнинг ҳар бир тури бўйича энг кўп суммаларни ҳар бир ҳисобот (солиқ) даврининг охириги санасида ҳисоблаб чиқариши шарт. Ҳисоб-китоб назорат қилинадиган қарз бўйича айрим чиқимларнинг (харажатларнинг) солиқ даври бошланганидан эътиборан ўсиб боровчи яқун билан аниқланган суммасини тегишли ҳисобот (солиқ) даврининг охириги санасида ҳисоб-китоб қилинадиган капиталлаштириш коэффициентига бўлиш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу модданинг еттинчи қисмида кўрсатилган капиталлаштириш коэффициенти тегишли назорат қилинадиган, тўланмаган қарз миқдорини ушбу чет эл ташкилотининг солиқ тўловчи устав фондидаги (устав капиталидаги) бевосита ёки билвосита иштирок этиши улушига мувофиқ бўлган хусусий капитал миқдорига бўлиш ҳамда олинган натижани учга, банклар ва фақат лизинг фаолияти билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар учун эса ўн учга бўлиш йўли билан аниқланади.

Хусусий капитал миқдорини аниқлашда солиқ тўловчининг активлари суммаси ва мажбуриятлари миқдори (солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз суммалари, шу жумладан улар бўйича кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш суммалари ҳисобга олинмайди) тегишли ҳисобот (солиқ) даврининг охириги кундаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида аниқланади.

Назорат қилинадиган қарзнинг ҳар бир тури бўйича ушбу модданинг олтинчи – тўққизинчи қисмларига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинган, бироқ ҳақиқатда ҳисобланган харажатлардан кўп бўлмаган суммалар харажатлар жумласига киритилади.

311-модда. Геологик жиҳатдан ўрганиш, қидириш ва табиий ресурсларни қазиб олишга доир тайёргарлик ишлари учун харажатлар

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан қазиб олишни бошлашдан олдин геологик жиҳатдан ўрганиш, қидириш, фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир тайёргарлик ишлари учун амалга оширилган харажатлар, шу жумладан баҳолашга, жиҳозлашга, имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонусни тўлашга доир харажатлар, шунингдек ушбу Кодексга мувофиқ чегириб ташланиши лозим бўлган бошқа харажатлар амортизация қилинадиган активнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Бунда ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, бундай чиқимлар белгиланган нормалар доирасида харажатлар жумласига киритилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган харажатлар фойдали қазилмаларни қазиб олиш бошланган пайтдан эътиборан солиқ тўловчининг жами даромаддан амортизация ажратмалари тарзида чегириб ташланади.

Амортизация ажратмаларининг ҳар йилги суммаси, солиқ тўловчининг хоҳишига кўра белгиланадиган амортизация нормасини қўллаш йўли билан, бироқ ушбу моддада назарда тутилган амортизация қилинадиган активлар гуруҳи бўйича тўпланган харажатлар суммасининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳисоблаб чиқарилади.

Номаҳсулдор кудуқ тугатилган ёхуд солиқ тўловчи ер қаъри участкасидаги ишларни иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги, геологик жиҳатдан истиқболсизлиги ёки бошқа сабабларга кўра тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, башарти ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи тўлиқ тугатилса, солиқ тўловчи бундай ҳуқуқ тугатилган ҳисобот (солиқ) даврида қилинган харажатлар суммасини чегириб ташлашга ҳақли.

312-модда. Илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлар

Ушбу бўлим мақсадларида янги маҳсулотни (товарларни, хизматларни) яратиш ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни (товарларни, ишларни) такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этишнинг янги технологияларини, усулларини яратиш ёки қўлланилаётган шундай технологияларни, усулларни такомиллаштириш жумласига кирадиган харажатлар илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларга доир харажатлар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчининг илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлари, амортизация қилинадиган активларни олишга оид харажатлардан ташқари, тегишли илмий тадқиқотлар ва (ёки) тажриба конструкторлик ишланмаларининг натижасидан қатъи назар, ушбу моддада назарда тутилган тартибда бундай

тадқиқотлар ва ишланмалар (хизматларнинг алоҳида босқичлари) тугалланган ва (ёки) қабул қилиш-топшириш далолатномасини тарафлар имзолаганидан кейин чегириб ташланади.

Агар солиқ тўловчи илмий тадқиқотлар ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмалари юзасидан амалга оширилган харажатлар натижасида интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни олса, мазкур ҳуқуқлар номоддий активлар деб эътироф этилади. Бундай ҳолда кўрсатилган харажатлар ушбу Кодекснинг 307-моддасида назарда тутилган тартибда чегириб ташланади.

Ушбу модданинг қоидалари шартнома бўйича илмий тадқиқотларни ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларини ижрочи (пудратчи ёки субпудратчи) сифатида бажарувчи солиқ тўловчиларнинг харажатларини солиқ солиш мақсадларида эътироф этишга нисбатан татбиқ қилинмайди.

313-модда. Умидсиз қарзлар бўйича харажатлар

Ушбу модда мақсадларида, суднинг қарорига кўра, банкротлик, тугатиш, қарздор вафот этганлиги туфайли мажбуриятлар тугатилганлиги оқибатида ёки даъво муддати ўтганлиги оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган қарз умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи олдинги ҳисобот (солиқ) даврларида солиқ солинадиган даромадлар олиш билан боғлиқ бўлган умидсиз қарзларни чегириб ташлашга ҳақли.

Умидсиз қарзларни чегириб ташлашга фақат қарз ҳисобдан чиқарилган ва солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилган тақдирда йўл қўйилади.

314-модда. Қўшилган қиймат солиғига доир харажатлар

Агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, сотиб олинган товарларнинг (хизматларнинг) қийматида қўшилган қиймат солиғи бўйича қуйидаги чиқимлар ҳисобга олинади:

1) ушбу Кодекснинг 267-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинмайдиган қўшилган қиймат солиғи суммаси;

2) ушбу Кодекс 268-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган тартибда қўшилган қиймат солиғи суммаси;

3) ушбу Кодекснинг 270-моддасида кўрсатилган ҳолда қўшилган қиймат солиғига тузатиш киритиш суммаси.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобга олинмайдиган қўшилган қиймат солиғи суммасини қуйидаги ҳолларда харажатлар жумласига киритишга ҳақли:

1) ушбу Кодекс 268-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ мутаносиб усулни қўллашда;

2) агар солиқнинг тузатиш киритиш суммасини бундай тузатиш амалга ошириладиган сотиб олинган товарларнинг (хизматларнинг) қийматига киритиш мумкин бўлмаса, қўшилган қиймат солиғига ушбу Кодекснинг 269 ва 270-моддаларига мувофиқ тузатиш киритишда;

3) ушбу Кодекснинг 271-моддасида назарда тутилган тартибда қўшилган қиймат солиғига тузатиш киритишда.

315-модда. Захира фондларини шакллантириш харажатлари

Банклар ва банк операцияларини амалга оширишга доир лицензия асосида банк операцияларининг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар, шунингдек суғурта ташкилотлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ захира фондларини ташкил этади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган захира фондларига ажратмалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар доирасида харажатлар жумласига киритилади.

Ушбу модда биринчи ва иккинчи қисмларининг қоидалари соф фойда ҳисобидан шакллантириладиган захира фондларини ташкил этиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ҳақиқий харажатлар, уларга нисбатан захира фонди шакллантирилган бўлса, ташкил этилган захира фонди суммаси ҳисобидан ҳисобдан чиқарилади.

316-модда. Кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш юзасидан келгуси харажатлар учун захирани шакллантириш харажатлари

Товарларни (хизматларни) реализация қилишни амалга оширувчи солиқ тўловчи кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш юзасидан келгуси харажатлар учун захира ташкил этишга ҳақли. Бундай захирани шакллантиришга доир ажратмалар ушбу моддада назарда тутилган тартибда чегирмалар жумласига киритилади. Солиқ тўловчи бундай захирани ташкил этиш тўғрисидаги қарорни мустақил равишда қабул қилади ва солиқ солиш мақсадлари учун ҳисоб сиёсатида ажратмаларнинг энг юқори миқдорини аниқлайди.

Захира харидор билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ кафолатли муддат давомида хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш назарда тутилган товарларга (хизматларга) нисбатан ташкил этилади. Мазкур товарларни (хизматларни) реализация қилиш санасидаги захирага ажратмалар суммаси харажатлар жумласига киритилади.

Ташкил этилган захиранинг миқдори кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича солиқ тўловчи томонидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатларнинг мазкур товарларни (хизматларни) ўтган уч йил давомида реализация қилишдан олинган тушум ҳажмидаги улуши сифатида

аниқланадиган, ҳисобот (солиқ) даврида мазкур товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум суммасига кўпайтирилган энг кўп миқдордан ошмаслиги керак. Агар солиқ тўловчи товарларни (хизматларни) кафолатли таъмирлашни ва хизмат кўрсатишни бажариш шарти билан реализация қилишни уч йилдан кам муддатда амалга ошираётган бўлса, ташкил этилаётган захиранинг энг кўп миқдорини ҳисоб-китоб қилиш учун мазкур товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг бундай реализация қилишнинг ҳақиқий давридаги ҳажми инобатга олинади.

Илгари товарларни (хизматларни) реализация қилишни кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш шарти билан амалга оширмаган солиқ тўловчи мазкур чикимлар учун кутилаётган харажатларнинг миқдоридан ошмайдиган миқдордаги захирани ташкил этишга ҳақли. Кутилаётган харажатлар деганда кафолат муддати инобатга олинган ҳолда кафолат мажбуриятларини бажариш режасида назарда тутилган харажатлар тушунилади.

Солиқ даври тугагач, солиқ тўловчи ташкил этилган захиранинг миқдорига кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатларнинг мазкур товарларни (хизматларни) ўтган даврда реализация қилишдан олинган тушум ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда тузатиш киритиши керак.

Солиқ тўловчи томонидан солиқ даврида кафолатлар бериш шарти билан реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш учун тўлиқ фойдаланилмаган захира суммаси солиқ тўловчи томонидан кейинги солиқ даврига ўтказилиши мумкин. Бунда кейинги солиқ даврида янги ташкил этилаётган захиранинг суммасига захиранинг олдинги солиқ давридаги қолдиғи суммаси миқдоридан тузатиш киритилиши керак. Агар янги ташкил этилаётган захиранинг суммаси олдинги солиқ даврида ташкил этилган захира қолдиғининг суммасидан кам бўлса, улар ўртасидаги фарқ солиқ тўловчининг жорий солиқ давридаги даромадлари таркибига киритилиши лозим.

Агар солиқ тўловчи захира ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилса, кафолатли таъмирлашга доир ҳақиқий харажатларни ҳисобдан чиқариш ташкил этилган захира ҳисобидан амалга оширилади. Агар ташкил этилган захиранинг суммаси солиқ тўловчи томонидан амалга оширилган таъмирлаш харажатларининг суммасидан кам бўлиб қолса, улар ўртасидаги фарқ чегирмалар жумласига киритилиши лозим.

Солиқ тўловчи товарларни (хизматларни) кафолатли таъмирлаш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш шарти билан сотишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилганда, илгари ташкил этилган ва фойдаланилмаган захиранинг суммаси кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатишга доир шартномаларнинг амал қилиш муддатлари тугаганидан кейин даромадлар таркибига киритилиши лозим.

317-модда. Чегириб ташланмайдиган харажатлар

Солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган харажатлар жумласига қуйидагилар киради:

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан белгиланган моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан, улар мавжуд бўлмаганда эса, солиқ тўловчи томонидан белгиланган нормалардан ортиқча товарлар йўқолиши;

2) умумий овқатланиш корхоналарига ёки бошқа ташкилотларга жойларни текин бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматларнинг қийматини тўлаш;

3) солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 376-моддасида назарда тутилган, жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланган харажатлари;

4) дала (сафар) таъминоти, ходимнинг шахсий автотранспортдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўловлар;

5) пенсияларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

6) ушбу Кодекс 377-моддаси биринчи қисми 10-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган моддий ёрдам;

7) хайрия ёрдами тарзида берилган маблағлар, бундан меценатлик кўмагини кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар мустасно;

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалардан ортиқча тарзда атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндилар жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари;

9) лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этишга доир харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари ҳамда ушбу харажатларнинг ўрнини камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан қоплаш имкони бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар;

10) айбдорлари аниқланмаган талон-тарож қилишлар ва камомадлардан ёки айбдор тараф ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш имкони бўлмаган тақдирда кўрилган зарарлар;

11) бошқа шахслар учун тўланган солиқлар;

12) солиқ текширувлари натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар;

13) солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга (соғлиқни сақлашга оид, спорт ва маданий тадбирлар, дам олишни ташкил этиш ҳамда бошқа шунга ўхшаш тадбирларга) доир харажатлари, бундан тадбирларни ўтказишга доир

мажбуриятлар қонун ҳужжатлари билан солиқ тўловчининг зиммасига юклатилган ҳоллар мустасно;

14) касаба уюшмалари қўмиталарига ёрдам кўрсатиш;

15) маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган хизматлар (шаҳарларни ва шаҳарчаларни ободонлаштириш бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалигига ёрдамлашиш ва хизматларнинг бошқа турлари) кўрсатганлик учун қилинган харажатлар;

16) ушбу бўлимда назарда тутилган ҳоллардан ташқари солиқ солинмайдиган даромад олиш билан боғлиқ харажатлар;

17) ҳақиқатда хизматлар кўрсатмасдан, товарларни жўнатмасдан туриб амалга оширилган операциялар бўйича харажатлар, агар бундай факт суднинг қонуний қучга кирган қарори билан аниқланган ва унда ушбу харажатларни амалга оширган солиқ тўловчининг номи кўрсатилган бўлса;

18) даромад олишга қаратилган фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, агар қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай харажатларни амалга ошириш мажбурияти солиқ тўловчининг зиммасига юклатилмаган бўлса;

19) бюджет тизимига киритилиши лозим бўлган (киритилган) пенялар, жарималар ва бошқа санкциялар;

20) сотиб олишга, ишлаб чиқаришга, қурилишга, монтаж қилишга, ўрнатишга доир ва амортизация қилинадиган активларнинг қийматига қўшиладиган бошқа харажатлар, шу жумладан қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳолларида амалга ошириладиган, амортизация чегирмалари воситасидаги харажатлар жумласига киритиладиган харажатлар;

21) солиқ тўловчининг амортизация қилинмайдиган мол-мулкнинг бошланғич қийматига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритиладиган харажатлари;

22) ушбу Кодекда чегирмалар жумласига киритиш нормалари белгиланган харажатларнинг мазкур нормалар қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган чегирманинг энг юқори суммасидан ортиқ бўлган сумма;

23) шакллантирилиши ушбу бўлимда ва (ёки) қонун ҳужжатлари талабларида назарда тутилмаган захираларга, захира фондлари ва бошқа фондларга ажратмалар, бундан ушбу Кодекснинг 315, 316 ва 326-моддаларида назарда тутилган нормалар доирасидаги харажатлар мустасно;

24) солиқ тўловчи томонидан ҳисобланган дивидендлар суммалари;

25) солиқ тўловчи томонидан бошқа шахсларнинг фойдасига тўланадиган ихтиёрий суғурта бадаллари;

26) солиқ тўловчи томонидан ушбу Кодекснинг 310-моддасига мувофиқ солиқ солиш мақсадларида харажатлар деб эътироф этиладиган харажатларнинг суммасидан ортиқча ҳисобланган фойзалар ва айрим чиқимлар;

27) текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бундай бериш билан боғлиқ бўлган (шу жумладан қўшилган қиймат солиғи суммаси киритилган) харажатлар, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра мол-мулкни ўтказиш, шунингдек телекоммуникация тармоқларидаги тезкор-қидирув тизимининг техник воситаларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш мустасно;

28) ишончли бошқарув муассисининг ишончли бошқарув шартномасини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлари, агар ишончли бошқарув шартномасига кўра муассис наф олувчи бўлмаса;

29) нотижорат ташкилотларига ва халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, йиғимлар ва бошқа тўловлар, бундан бундай бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловларни тўлаш қонун ҳужжатларида (шу жумладан чет давлатларнинг қонун ҳужжатларида) назарда тутилган ва (ёки) ушбу бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловларни тўлаган солиқ тўловчилар томонидан фаолиятни амалга оширишнинг шarti ёхуд мазкур ташкилотлар томонидан солиқ тўловчилар ўз фаолиятини юритиши учун зарур хизматлар тақдим этишнинг шarti бўлган ҳоллар мустасно;

30) солиқ тўловчи томонидан ташкил этилган захира маблағлари ҳисобига амалга оширилган харажатлар, агар бундай захираларни ташкил этишга доир харажатлар ушбу Кодексда ёки бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чегирмалар жумласига киритилган бўлса;

31) мол-мулк нархининг пасайиш (қадрсизланиш) суммалари;

32) оддий ширкат шартномаси доирасида шериклар (иштирокчилар) томонидан шартнома шерикларининг (иштирокчиларининг) умумий мулкдаги улушни қайтариш ёки бундай мол-мулкни бўлиш чоғида кўрилган зарарлар;

33) солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиси томонидан ушбу гуруҳнинг масъул иштирокчисига солиқни (бўнак тўловларини, жорий тўловларни, пеняларни, жарималарни) ушбу Кодексда солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи учун белгиланган тартибда тўлаш учун берилган пул маблағлари, шунингдек солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан шу гуруҳнинг иштирокчисига ушбу солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ (бўнак тўловлари, жорий тўловлар, пенялар, жарималар) суммаси аниқлаштирилиши муносабати билан берилган пул маблағлари;

34) товар-моддий қимматликларни яроқсизлиги сабабли (сақлаш муддати ўтганлиги, жисмоний ва (ёки) маънавий эскирганлиги, шунга ўхшаш бошқа сабабларга кўра) ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, бундан фавқулодда ҳолатлар (табiiй офат, ёнғин, авария, йўл-транспорт ҳодисаси ва ҳоказолар) оқибатида кўрилган зарарлар мустасно);

35) муддати ўтган ва кечиктирилган кредитлар (қарзлар) бўйича муддатли қарз учун кредит шартномасида назарда тутилган ставкалардан ортиқча фоизлар;

36) хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пенялар ва санкцияларнинг бошқа турлари.

45-боб. Айрим солиқ тўловчилар ва операциялар турлари бўйича солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

318-модда. Нотижорат ташкилотларининг солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу Кодекснинг 58-моддасида кўрсатилган шартларга риоя этилган тақдирда нотижорат ташкилотининг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1) нотижорат ташкилотларининг таъминоти ва ушбу Кодекснинг 48-моддасида кўрсатилган устав фаолиятини амалга ошириши учун мақсадли тушумлар;

2) курсдаги ижобий фарқ суммасининг курсдаги салбий фарқ суммасидан ортиқ қисми;

3) аҳолининг диний мақсадда фойдаланиши учун мўлжалланган товарларни реализация қилишдан олинган даромад.

Нотижорат ташкилотларининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган даромадларига умумий белгиланган тартибда солиқ солинади.

Нотижорат ташкилотининг ушбу Кодекснинг 44-бобига мувофиқ харажатлар жумласига киритилиши лозим бўлган чиқимлари қуйидаги усулларнинг бири орқали аниқланади:

1) ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган даромадларнинг нотижорат ташкилотлари даромадларининг умумий суммасидаги улушидан келиб чиққан ҳолда;

2) ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган даромадлар ҳисобидан амалга оширилган харажатларнинг ва бошқа даромадлар ҳисобидан амалга оширилган харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобга олинишини назарда тутувчи солиқ ҳисоби маълумотлари асосида.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳисоб мавжуд бўлмаган ва (ёки) ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган даромадлардан мўлжалланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда (бюджет маблағлари бундан мустасно), солиқ тўловчи томонидан олинган мақсадли маблағлар ушбу солиқ тўловчининг жами даромади таркибига киритилади ва унга умумий белгиланган тартибда солиқ солинади.

Мақсадли фойдаланилмаган бюджет маблағларига нисбатан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Ушбу модданинг қоидалари фаолиятни ижтимоий соҳада амалга оширувчи нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

319-модда. Оддий ширкат (биргаликдаги фаолият шартномаси) доирасида операцияларни амалга оширишда солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ солиш мақсадларида ушбу Кодекснинг 275-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланадиган, оддий ширкатнинг (биргаликдаги фаолият шартномасининг) ишончли шахси оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият шартномаси) доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

Ушбу Кодекснинг 275-моддасида назарда тутилган операцияларнинг умумий ҳисобини юритиш, шу жумладан солиқ ҳисоби ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги қоидалар фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда қўлланилади.

Солиқ бўйича оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият шартномаси) шеригининг (иштирокчисининг) солиқ базасини аниқлашда, унинг томонидан умумий мулкка пулсиз ҳисса сифатида улуш киритилган тақдирда:

- 1) мол-мулкнинг баҳолаш қиймати ва ушбу мол-мулкнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ жами даромадга киритилади;
- 2) салбий фарқ солиқ базасини камайтирмайди.

Ишончли шахс оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномаси) барча шерикларининг (иштирокчиларининг) ушбу оддий ширкатнинг (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномаси) фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритади, бундай фаолият бўйича алоҳида солиқ базасини аниқлайди, солиқни ҳисоблаб чиқаради ва тўлайди. Бунда ушбу шахс мазкур солиқ суммасига нисбатан ушбу Кодексда белгиланган солиқ тўловчининг барча ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Ишончли шахс фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини ва (ёки) пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллашга ҳақли эмас.

Биргаликдаги фаолият натижасида олинган даромад биргаликдаги фаолият шериклари (иштирокчилари) ўртасида ҳар бир шерик (иштирокчи) ҳиссасининг улуши асосида ёки оддий ширкат шартномасининг (биргаликдаги фаолият шартномаси) шартларига мувофиқ тақсимланади. Мазкур даромад ҳар бир шерикда (иштирокчида) дивидендга тенглаштирилади ва унга ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солинади.

320-модда. Курсдаги фарқларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашда, шунингдек чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш чоғида юзага келадиган курсдаги ижобий (салбий) фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жами даромадлар (харажатлар) таркибига киритилади.

321-модда. Захираларни баҳолаш усулларини ўзгартириш натижасига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Захираларни баҳолашнинг солиқ тўловчи томонидан олдинги солиқ даврида қўлланилган усулидан бошқа усулига ўтилган тақдирда, солиқ тўловчининг жами даромади (харажати) баҳолашнинг янги усулини қўллаш натижасида юзага келган ижобий фарқ суммасига кўпайтирилиши ва салбий фарқ суммасига камайтирилиши лозим.

Захираларни ҳисоблашнинг бошқа усулига ўтиш солиқ тўловчи томонидан солиқ даври бошидан эътиборан амалга оширилади.

322-модда. Ишончли бошқарувда солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ишончли бошқарув шартномаси бўйича берилган мол-мулк, ушбу бўлим мақсадларида, ишончли бошқарувчининг даромади деб эътироф этилмайди.

Ишончли бошқарув шартномасига мувофиқ ишончли бошқарувчи томонидан олинган пул мукофоти унинг даромади деб эътироф этилади ва унга ушбу Кодексда белгиланган тартибда солиқ солинади.

Агар ишончли бошқарув шартномасида ишончли бошқарувни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини ишончли бошқарув муассиси ёки бошқа шахс томонидан қоплаш назарда тутилмаган бўлса, мазкур харажатлар ишончли бошқарувчининг харажатлари деб эътироф этилади.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқаришга доир даромадларни ва харажатларни ҳар ойда ўсиб боровчи яқун билан аниқлаши ҳамда муассисга ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа наф олувчисига олинган даромадлар ҳамда харажатлар тўғрисидаги маълумотларни ушбу бўлимга мувофиқ солиқ базасини аниқлаш чоғида бу даромадлар ва харажатларни мазкур шахслар томонидан ҳисобга олиш учун тақдим этиши шарт.

Қимматли қоғозларни ва муддатли битимларнинг молиявий воситаларини ишончли бошқариш чоғида ишончли бошқарувчи даромадлар

ҳамда харажатларни ушбу Кодекснинг 327–329-моддаларида назарда тутилган тартибда аниқлайди.

Агар ишончли бошқарув шартномаси шартларига кўра, ишончли бошқарув муассиси ягона наф олувчи бўлса, бундай муассиснинг солиқ базасини аниқлаш қуйидаги хусусиятлар инobatга олинган ҳолда амалга оширилади:

1) ишончли бошқарув шартномасини амалга ошириш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар (шу жумладан мол-мулк амортизацияси ва ишончли бошқарувчига пул мукофоти тўлаш) олинган даромадларнинг ҳамда амалга оширилган харажатларнинг турига қараб, ушбу бўлимда белгиланган тартибда ишончли бошқарув муассисининг даромадлари ва харажатлари таркибига киритилади;

2) қимматли қоғозларга доир операциялар ва муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар (ишончли бошқарувчига пул мукофоти тўлаш бундан мустасно) бўйича даромадлар (харажатлар) ишончли бошқарув муассисининг қимматли қоғозларга ва муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича даромадлари (харажатлари) таркибига ҳамда бундай операциялар учун ушбу бўлимда белгиланган тартибда тегишли тоифага киритилади.

Агар ишончли бошқарув шартномаси шартларига кўра ишончли бошқарув муассиси наф олувчи бўлмаса ёхуд биттадан ортиқ наф олувчи аниқланса, бундай шартнома иштирокчиларининг солиқ базасини белгилаш қуйидаги хусусиятлар инobatга олинган ҳолда амалга оширилади:

1) ишончли бошқарув шартномаси бўйича наф олувчининг даромадлари унинг даромадлари таркибига олинган даромад турига боғлиқ равишда киритилади ва белгиланган тартибда солиққа тортилиши лозим;

2) ишончли бошқарув шартномасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар (ишончли бошқарувчининг пул мукофотидан ташқари, агар бу ҳолат мазкур шартномада пул мукофотини тўлаш ушбу шартномани бажариш доирасида олинган даромадларни камайтириш ҳисобидан бўлмаслиги назарда тутилган бўлса) солиқ солиш мақсадларида наф олувчининг харажатлари таркибида ҳисобга олинади. Бунда ишончли бошқарувчига ҳақиқатан пул мукофоти тўлаш харажатлари (ишончли бошқарувчининг пул мукофотидан ташқари, агар бу ҳолат мазкур шартномада пул мукофотини тўлаш ушбу шартномани бажариш доирасида олинган даромадларни камайтириш ҳисобидан амалга ошириш назарда тутилган бўлса) алоҳида ҳисобга олинади ва ишончли бошқарувчи муассисининг харажатлари таркибидаги харажатлар сифатида эътироф этилади;

3) ишончли бошқарув шартномаси бўйича бир нечта наф олувчи мавжуд бўлган тақдирда, ушбу қисмга мувофиқ даромадлар ва харажатлар уларда ўзларига тегишли бўлган улушга мутаносиб равишда ҳисобга олинади.

Ишончли бошқарув шартномаси амалда бўлган даврда кўрилган зарарлар ишончли бошқарув муассисининг ёки наф олувчининг солиқ бўйича солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинмайди. Бундай зарарлар ушбу ишончли бошқарувдан олинадиган келгуси даромадларга ушбу бўлимда белгиланган тартибда ўтказилади.

Ишончли бошқарув шартномасини тугатиш чоғида ишончли бошқарувдан кўрилган зарарлар ишончли бошқарув муассисининг ёки наф олувчининг солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинмайди ва келгуси даврга ўтказилмайди.

Ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, ишончли бошқарувга берилган мол-мулк, мазкур шартнома шартларига кўра, ишончли бошқарув муассисига қайтарилиши ёхуд бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Мол-мулк қайтарилган тақдирда ишончли бошқарув муассисидан, ишончли бошқарувга берилган мол-мулкнинг ишончли бошқарув шартномаси кучга кирган пайтдаги қиймати ва ушбу шартномани тугатиш пайтидаги қиймати ўртасидаги ижобий (салбий) фарқ юзага келишидан ёки келмаслигидан қатъи назар, даромад (зарар) юзага келмайди.

Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишда ушбу шахсда у олган мол-мулкнинг қиймати миқдоридаги даромад юзага келади.

Ишончли бошқарувчи ишончли бошқарув шартномасини бажариш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар бўйича ҳамда ишончли бошқарувдан пул мукофоти тарзида олган даромадлари бўйича, ҳар бир ишончли бошқарув шартномаси кесимида алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Муассиснинг ёки наф олувчининг, шунингдек ишончли бошқарув шартномаси бўйича ишончли бошқарувчининг даромадлари ҳар бир ҳисобот (солиқ) даврида, бундай шартномада ишончли бошқарув шартномасининг амал қилиш муддатида ҳисоб-китобларни амалга ошириш назарда тутилганлигидан ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, шакллантирилади.

Агар ишончли бошқарувнинг муассиси ёки наф олувчиси юридик шахс бўлса, ишончли бошқарувчи ишончли бошқарув шартномасини амалга ошириш (шу жумладан амортизация чегирмаларини ҳисоблаб чиқариш) билан боғлиқ даромадларни ва харажатларни ишончли бошқарувнинг муассиси ёки наф олувчиси бўлган юридик шахснинг солиқ солиш мақсадида ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда аниқлаши шарт. Бунда ишончли бошқарувчи ишончли бошқарувнинг ушбу муассисига солиқ базасини аниқлаш учун зарур бўлган барча бирламчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Ушбу модданинг (бундан ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари мустасно), шунингдек ушбу Кодекс 336-моддаси иккинчи қисмининг қоидалари алоҳида мол-мулк мажмуи – пай инвестиция фондини

ташқил этувчи мол-мулкни бошқарувчи компанияга ва ишончли бошқарув шартномаси иштирокчиларига (муассисларига) нисбатан татбиқ этилмайди.

323-модда. Корхонани мол-мулк мажмуи сифатида сотиб олишда даромадларни ва харажатларни эътироф этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу бўлим мақсадида корхонани мол-мулк мажмуи сифатида сотиб олиш нархи ва корхонанинг мол-мулк комплекси сифатидаги соф активларининг қиймати (мажбуриятлар чегириб ташланган ҳолдаги активлар) ўртасидаги фарқ ушбу моддада белгиланган тартибда солиқ тўловчининг харажати (даромади) деб эътироф этилади. Мазкур фарқ топшириш далолатномаси асосида нархга устама (ижобий фарқ бўлганда) ёки нархдан сийлов бериш (салбий фарқ бўлганда) тарзида аниқланади.

Корхона ким ошди савдоларида хусусийлаштириш тартибида ёки танлов бўйича мол-мулк мажмуи сифатида сотиб олинган тақдирда, харидор томонидан тўланадиган устама (олинадиган чегирма) миқдори харид нархи ва корхонанинг мол-мулк мажмуи сифатидаги баҳолаш (бошланғич) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Харидор томонидан тўланадиган устаманинг (олинаётган чегирманинг) суммаси солиқ солиш мақсадида қуйидаги тартибда ҳисобга олинади:

1) мол-мулк мажмуи сифатидаги корхона харидори томонидан тўланадиган устама харидорнинг мол-мулк мажмуи сифатидаги корхонага бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан эътиборан беш йил мобайнида бир меъёрда унинг харажатлари деб эътироф этилади;

2) мол-мулк мажмуи сифатидаги корхонанинг харидори томонидан олинадиган сийлов харидорнинг мол-мулк мажмуи сифатидаги корхонага бўлган мулк ҳуқуқининг ўтишини давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилган ойдаги даромади деб эътироф этилади.

Сотувчининг корхонани мол-мулк мажмуи сифатида реализация қилишдан кўрган зарари ушбу Кодекснинг 46-бобида белгиланган тартибда солиқ солиш мақсадларида сотувчи томонидан ҳисобга олинади.

324-модда. Қимматли қоғозларга доир РЕПО операциялари бўйича солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларни

Ушбу Кодекснинг 52-моддасида назарда тутилган тартибда амалга ошириладиган қимматли қоғозларга доир РЕПО операциялари иштирокчиларига солиқ солиш ушбу моддада белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари тегишли фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари асосида воситачилар, ишончли вакиллар, агентлар, ишончли

бошқарувчилар томонидан солиқ тўловчи ҳисобидан амалга оширилган солиқ тўловчининг РЕПО операцияларига нисбатан ҳам қўлланилади.

РЕПОнинг биринчи қисми бўйича ва РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни реализация қилиш чоғида солиқ солиш мақсадларида молиявий натижа аниқланмайди.

Солиқ тўловчи ўзи қабул қилган солиқ сиёсатига мувофиқ солиқ солиш мақсадларида РЕПО операцияси бўйича чиқиб кетаётган (қайтарилаётган) қимматли қоғозларни ҳисобга олиш тартибини мустақил равишда белгилайди.

Ушбу Кодекс мақсадларида РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчи учун РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича сотиб олиш нархи ва РЕПОнинг биринчи қисми бўйича реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) харажатлар таркибига киритиладиган жалб этилган маблағлар бўйича фоизлар тўлашга доир харажатлар ўртасидаги фарқ, агар бундай фарқ ижобий бўлса;

2) даромадлар таркибига киритиладиган, қимматли қоғозлар орқали берилган қарз бўйича фоизлар тарзидаги даромадлар ўртасидаги фарқ, агар бундай фарқ салбий бўлса.

Ушбу Кодекс мақсадларида РЕПОнинг биринчи қисми бўйича харидор учун РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича реализация қилиш нархи ва РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотиб олиш нархи ўртасидаги фарқ деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) даромадлар таркибига киритиладиган, жойлаштирилган маблағлар бўйича фоизлар тарзидаги даромадлар ўртасидаги фарқ, агар бундай фарқ ижобий бўлса.

2) харажатлар таркибига киритиладиган, қимматли қоғозлар орқали олинган қарз бўйича фоизлар тарзидаги харажатлар ўртасидаги фарқ, агар бундай фарқ салбий бўлса.

Агар ушбу модданинг бешинчи ва (ёки) олтинчи қисмларида назарда тутилган даромадлар Ўзбекистон Республикасининг норезидентга тўланса ва ушбу даромадлар бу норезидентнинг доимий мауссасаси билан боғлиқ бўлмаса, бундай даромадлар ушбу норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари жумласига киритилади ва унга РЕПОнинг иккинчи қисми бажарилиши санасида тўлов манбаида солиқ солинади.

Ушбу модда мақсадларида РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича иштирокчилар мажбуриятларини ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда бажариш (тугатиш) санаси РЕПО операцияси бўйича даромадларни (харажатларни) эътироф этиш санаси деб ҳисобланади.

РЕПО операцияларини тузиш ва бажариш билан боғлиқ харажатлар умумий тартибда ҳисобга олинади.

Агар РЕПОнинг биринчи ва иккинчи қисмларини бажариш саналари ўртасидаги даврда РЕПОнинг биринчи қисми бўйича харидорда РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчига РЕПО операциясининг объекти бўлган (купонли тўлов, қимматли қоғозларнинг номинал қийматини қисман тўлаш) қимматли қоғозлар бўйича даромадларни бериш мажбурияти юзага келса, бундай тўловларнинг суммаси даромадларни (харажатларни) ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиш давомида РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича реализация қилиш (сотиб олиш) нархига киритилади. Мазкур қоида, агар репо шартномасида РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчининг РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни кейинчалик сотиб олиш чоғида пул маблағларини тўлашга (РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича реализация қилишга (сотиб олиш нархларига) доир мажбуриятларини бундай тўловларни амалга ошириш ўрнига тегишли тўловлар суммасига камайтириш назарда тутилган бўлса, қўлланилади.

Агар репо шартномасига мувофиқ, бундай тўловлар РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича мажбуриятларни аниқлашда ҳисобга олинмаса, бу тўловлар суммалари ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ аниқланадиган даромадларни (харажатларни) ҳисоб-китоб қилишда реализация қилиш (сотиб олиш) нархига киритилмайди.

Агар репо шартномасида РЕПО операцияси объекти бўлган қимматли қоғозларнинг нархи ўзгарган тақдирда, РЕПО иштирокчилари ўртасида РЕПОнинг биринчи ва иккинчи қисмларини бажариш саналари ўртасидаги даврда ҳисоб-китобларни (пул маблағларини ўтказиш ва (ёки) қимматли қоғозларни ўтказиш) амалга ошириш назарда тутилган бўлса, бундай ўтказмаларнинг суммалари ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ аниқланадиган даромадларни (харажатларни) ҳисоб-китоб қилишда РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича реализация қилиш (сотиб олиш) нархига киритилади. Мазкур қоида, агар репо шартномасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда сотувчининг РЕПОнинг биринчи қисми бўйича пул маблағларини тўлашга доир мажбуриятларини РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни кейинчалик сотиб олишдаги ўтказмалар суммасига камайтириш назарда тутилган бўлса, қўлланилади.

Агар репо шартномасига мувофиқ пул маблағларини ва (ёки) қимматли қоғозларни бундай олиш (ўтказиш) РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича мажбуриятларни аниқлаш чоғида ҳисобга олинмаса, бундай ўтказмаларнинг суммалари ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ аниқланадиган даромадларни (харажатларни) ҳисоб-китоб қилишда РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича реализация қилиш (сотиб олиш) нархига киритилмайди.

Агар РЕПО операцияси норезидент (РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчи) ва Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлган юридик шахс (РЕПОнинг биринчи қисми бўйича харидор) ўртасида амалга

оширилган бўлса ва РЕПО операциясининг объекти бўлган акциялар (дивидендлар олиш ҳуқуқини берувчи депозитар қайдлар) бўйича РЕПОнинг биринчи ва иккинчи қисмларини бажариш саналари ўртасидаги даврда дивидендлар тўланган бўлса (дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати тузилади), РЕПОнинг биринчи қисми бўйича харидор дивидендларни тўлаш манбаида қайси дивидендлар бўйича солиқ агенти солиқни ушлаб қолмаган бўлса ёки солиқ мазкур норезидент учун дивидендлар тарзидаги даромадлардан ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам суммада ушлаб қолинган бўлса, ўша дивидендлар тарзидаги даромадларга нисбатан солиқ агенти деб эътироф этилади.

Агар репо шартномасида РЕПО операциясининг биринчи қисми бўйича берилган қимматли қоғозларни ушбу Кодекснинг 52-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ бошқа қимматли қоғозлар билан алмаштириш имконияти назарда тутилган бўлса, бундай алмаштириш чоғида солиқ солиш тартиби ўзгармайди.

Солиқ солиш мақсадларида лозим даражада бажариш чоғида қимматли қоғозларни РЕПОнинг ҳам биринчи, ҳам иккинчи қисми бўйича реализация қилишнинг ҳақиқатдаги нархи, ушбу қимматли қоғозларнинг бозор қийматидан қатъи назар, қўлланилади.

РЕПОнинг иккинчи қисми лозим даражада бажарилмаган тақдирда бундай РЕПО операцияси бўйича солиқ базаси ушбу операция иштирокчилари томонидан қуйидаги тартибда аниқланади:

1) РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчи РЕПОнинг иккинчи қисми бажарилганлигини солиқ солиш мақсадларида эътироф этади. Бир вақтнинг ўзида у РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича қайтариб сотиб олинмаган қимматли қоғозларнинг РЕПО операциялари бўйича мажбуриятларни репо шартномаси орқали ёки РЕПО операцияси тарафларининг бошқа битими орқали тугатиш мақсадлари учун аниқланадиган нархдан келиб чиққан ҳолда реализация қилинганлигини эътироф этади ва бунда ушбу қимматли қоғозларнинг бозор қийматини ушбу Кодекста белгиланган солиқ солиш мақсадлари учун аниқлашга доир талабларни ҳисобга олади. Қимматли қоғозларни реализация қилишни бундай эътироф этиш шартнома шартларига мувофиқ РЕПОнинг иккинчи қисмини бажариш санасида ёхуд ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш доирасида қимматли қоғознинг олди-сотдиси санасида амалга оширилади;

2) РЕПОнинг биринчи қисми бўйича харидор РЕПОнинг иккинчи қисми бажарилганлигини солиқ солиш мақсадларида эътироф этади. Бир вақтнинг ўзида у РЕПОнинг иккинчи қисми бўйича сотилмаган қимматли қоғозларнинг РЕПО операциялари бўйича мажбуриятларни репо шартномаси орқали ёки РЕПО операцияси тарафларининг бошқа битими орқали тугатиш мақсадлари учун аниқланадиган нархдан келиб чиққан ҳолда сотиб олинганлигини эътироф этади ва бунда ушбу қимматли қоғозларнинг бозор қийматини ушбу Кодекста белгиланган солиқ солиш мақсадлари учун аниқлашга доир талабларни ҳисобга олади.

Қимматли қоғозларни олишни бундай эътироф этиш шартнома шартларига мувофиқ РЕПОнинг иккинчи қисмини бажариш санасида ёхуд ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш доирасида қимматли қоғознинг олди-сотдиси санасида амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бўйича қисқа позицияларни очишда солиқ базасини аниқлаш тартибининг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича ваколатли органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

325-модда. Қимматли қоғозлар қарзига доир операциялар чоғида солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу Кодекснинг 53-моддасида назарда тутилган тартибда амалга ошириладиган қимматли қоғозларга доир қарз операциялари иштирокчиларига солиқ солиш ушбу моддада белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Қимматли қоғозларни қарзга бериш ва қимматли қоғозларни қарздан қайтариб олиш чоғида солиқ солиш мақсадларида молиявий натижа аниқланмайди, бундан ушбу моддада белгиланган ҳоллар мустасно. Бунда қарз шартнома бўйича берилган қимматли қоғозларни сотиб олиш харажатлари кредитор томонидан мазкур қимматли қоғозларни ушбу Кодекс қоидаларини ҳисобга олган ҳолда келгусида (қарз қайтарилгандан кейин) реализация қилиш (чиқиб кетиши) чоғида ҳисобга олинади.

Солиқ тўловчилар қимматли қоғозлар қарзи доирасида берилган (олинган) қимматли қоғозлар бўйича алоҳида солиқ ҳисобини юритиши шарт. Қимматли қоғозлар қарзи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир тақдим этилган (олинган) қарз бўйича юритилади.

Қарз шартномасига кўра, қимматли қоғозлар бўйича тўловлар, агар уларни олишга бўлган ҳуқуқ қарз шартномаси амал қилиши даврида юзага келган бўлса, қарз олувчининг даромадлари деб эътироф этилмайди ва қарз берувчининг даромадларига киритилади.

Фоизли (купонли) даромад кредиторнинг солиқ базасини ушбу бўлимда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинади ва қарз олувчининг қарз объекти бўлган қимматли қоғозлар бўйича фоизли (купонли) даромади бўйича солиқ базасини аниқлаш чоғида ҳисобга олинмайди.

Агар қимматли қоғозларга доир қарз шартномаси норезидент (кредитор) ва Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлган юридик шахс (қарз олувчи) ўртасида тузилган бўлса ҳамда қимматли қоғозларга доир қарз шартномасининг амал қилиш даврида қимматли қоғозлар бўйича фоизли (дисконт) даромад тўланса ёки қарз предмети бўлган акциялар (дивидендлар олиш ҳуқуқини берадиган депозитар тилхатлар) бўйича дивидендлар тўланса, бундай қарз олувчи фоизли

(дисконт) даромадга ёки дивидендлар тарзидаги даромадларга нисбатан солиқ агенти деб эътироф этилади.

Кредитор томонидан қимматли қоғозларга доир қарз шартномаси бўйича олиниши лозим бўлган фоизлар унинг ушбу бўлимга мувофиқ ҳисобга олинган даромади деб эътироф этилади.

Қарз олувчи томонидан қимматли қоғозларга доир қарз шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган фоизлар унинг ушбу бўлимга мувофиқ ҳисобга олинган харажатлари деб эътироф этилади.

326-модда. Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларида қимматли қоғозларнинг кадрсизланиш захираларини шакллантириш харажатлари

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчисига берилган тегишли лицензия мавжуд бўлган тақдирда, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари профессионал фаолиятни амалга оширувчилар деб эътироф этилади.

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари солиқ солиш мақсадларида қимматли қоғозларнинг кадрсизланиш захираларига ажратмаларни харажатлар жумласига киритишга ҳақли. Бундай ҳолда, ташкил этишга (тузатиш киритишга) доир ажратмалари илгари солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинган қимматли қоғозлар кадрсизланишининг тикланган захиралари суммалари мазкур солиқ тўловчиларнинг даромади деб эътироф этилади.

Қимматли қоғозларнинг кадрсизланиш захиралари қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олиш нархларининг бу қимматли қоғозларнинг бозор котировкасидан (захираларнинг ҳисоб-китоб миқдори) ортиқ бўлган миқдорда, ҳисобот (солиқ) даврининг охиридаги ҳолатга кўра ташкил этилади (тузатиш киритилади). Бунда қимматли қоғозни сотиб олиш нархига ушбу модда мақсадларида қимматли қоғозни сотиб олишга доир харажатлар ҳам киритилади.

Захиралар мазкур талабларни қаноатлантирадиган қимматли қоғозларнинг бир марта чиқарилишидаги (қўшимча чиқарилишидаги) ҳар бир қимматли қоғозга нисбатан, бошқа чиқарилган (қўшимча чиқарилган) қимматли қоғозларнинг қиймати ўзгаришидан қатъи назар, ташкил этилади (тузатишлар киритилади).

Ўзига нисбатан илгари захира ташкил этилган қимматли қоғозлар реализация қилинган ёки бошқача тарзда чиқиб кетган тақдирда, илгари солиқ базасини аниқлаш чоғида ҳисобга олинган ташкил этишга (тузатиш киритишга) доир ажратмалар, бундай захиранинг суммаси солиқ тўловчининг қимматли қоғозни реализация қилиш ёки унинг бошқача тарзда чиқиб кетиши санасидаги даромадларига киритилиши лозим.

Агар ҳисобот (солиқ) даври тугагач, захираининг мазкур давр охиридаги қимматли қоғозларнинг бозор котировкаси ҳисобга олинган ҳолдаги суммаси етарли бўлмаса, солиқ тўловчи захира суммасини ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган тартибда кўпайтиради. Агар ҳисобот (солиқ) даврининг охирига келиб илгари ташкил этилган захираининг қайта тикланган суммалар ҳисобга олинган ҳолдаги суммаси ҳисоб-китоб қилинган миқдордан кўп бўлса, солиқ тўловчи захира бундай қайта тиклаш суммалари даромадга киритилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинган миқдорга камайтиради (тиклайди).

Қимматли қоғозларнинг қадрсизланиш захиралари, қимматли қоғозлар номиналининг валютасидан қатъи назар, миллий валютада ташкил этилади. Чет эл валютасида номиналлаштирилган қимматли қоғозлар учун сотиб олиш нархи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматли қоғозни сотиб олиш санасидаги расмий курси бўйича миллий валютада қайта ҳисоб-китоб қилинади, уларнинг бозор котировкаси эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг захираини ташкил этиш (тузатиш киритиш) санасидаги расмий курси бўйича аниқланади.

Чиқарилиш шартларида қимматли қоғозларнинг номинал қийматини қисман қоплаш назарда тутилган қимматли қоғозлар учун ҳисобот (солиқ) даврининг охиридаги ҳолатга кўра захираини шакллантириш (унга тузатиш киритиш) чоғида сотиб олиш нархига тузатиш қимматли қоғознинг номинал қийматини қисман қоплаш улуши ҳисобга олинган ҳолда киритилади.

РЕПОнинг биринчи қисми бўйича сотувчи бўлган ёки қимматли қоғозлар қарзига доир операциялар юзасидан қарз берувчи бўлган солиқ тўловчи РЕПО операциялари (қарз шартномаси) бўйича берилган қимматли қоғозлар бўйича қимматли қоғозларнинг қадрсизланиш захираларини шакллантиришга ҳақли эмас.

РЕПОнинг биринчи қисми бўйича харидор бўлган ёки қимматли қоғозлар қарзига доир операциялар юзасидан қарз олувчи бўлган солиқ тўловчи РЕПО операциялари (қарз шартномаси) бўйича олинган қимматли қоғозлар бўйича қимматли қоғозларнинг қадрсизланиш захираларини шакллантиришга ҳақли.

327-модда. Қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ тўловчининг қимматли қоғозларни реализация қилишдан ёки бошқача тарзда чиқиб кетишидан (шу жумладан уларнинг номинал қийматини қоплаш ёки қисман қоплашдан) олинган даромадлари қимматли қоғозларни реализация қилиш ёки уларнинг бошқача тарзда чиқиб кетиш нархидан, шунингдек солиқ тўловчига харидор томонидан тўланган, жамланган фоизли (купонли) даромаднинг суммасидан ва солиқ тўловчига эмитент (вексель берувчи) томонидан тўланган жамланган фоизли (купонли) даромаднинг суммасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бунда солиқ тўловчининг қимматли қоғозларни реализация қилишдан ёки бошқача тарзда чиқиб кетишидан олган даромадига илгари солиқ солишда ҳисобга олинган фоизли (купонли) даромад суммаси киритилмайди.

Солиқ тўловчининг қимматли қоғозларни, шу жумладан пайли инвестиция фондининг инвестиция пайларини реализация қилиш ёки уларнинг бошқача тарзда чиқиб кетиши (шу жумладан уларнинг номинал қийматини қоплаш ёки қисман қоплаш) чоғидаги харажатлари қимматли қоғозни сотиб олиш нархидан (шу жумладан уни сотиб олиш харажатларидан), уни реализация қилиш харажатларидан, инвестиция пайларининг ҳисоб-китоб қилинган қийматидан ажратилган сийловлар миқдоридан, қимматли қоғозларни сотувчига солиқ тўловчи томонидан тўланган жамланган фоизли (купонли) даромад суммасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда илгари солиқ солишда ҳисобга олинган жамланган фоизли (купонли) даромад суммаси харажатга киритилмайди.

Ушбу боб мақсадларида қимматли қоғозлар қуйидаги ҳолларда ҳам реализация қилинган (сотиб олинган) деб эътироф этилади:

1) солиқ тўловчининг тегишли қимматли қоғозларни бир турдаги муқобил талабларни ҳисобга ўтказиш орқали беришга (қабул қилишга) доир мажбуриятлари тугатилганда, шу жумладан бундай мажбуриятлар қонун ҳужжатларига мувофиқ клирингни амалга оширишда тугатилган тақдирда;

2) уюштирилган савдолар қоидалари ёки клиринг қоидалари шартларида тузилган шартномалардан келиб чиқадиган муқобил талаблар ҳисобга ўтказилганда, агар бундай ҳисобга олиш нетто-мажбуриятларнинг суммасини аниқлаш мақсадида амалга оширилган бўлса.

Муомаладаги қимматли қоғозларга оид битимлар амалга оширилган тақдирда, қимматли қоғозга доир тегишли битим тузилган савдолар ўтказилган сана битим амалга оширилган сана деб эътироф этилади.

Муомаладаги қимматли қоғозларга оид битим қимматли қоғозларнинг уюшган бозоридан ташқарида амалга оширилган тақдирда, қимматли қоғозни ўтказишнинг барча жиддий шартларини белгиловчи шартнома санаси битимни амалга ошириш санаси деб эътироф этилади.

Акциядорлик жамиятининг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш чоғида олинган акцияларни реализация қилувчи акциядор бўлган солиқ тўловчи даромадни акцияларни реализация қилиш нархи ва акцияларнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш натижасида акцияларнинг сони ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда тузатиш киритилган, дастлаб тўланган қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқлайди.

Солиқ тўловчи солиқ солиш мақсадларида қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ, қимматли қоғозларни реализация қилиш ёки уларнинг бошқача тарзда чиқиб кетиши чоғида чиқиб кетган қимматли қоғозларнинг қийматини харажатларга ўтказишнинг қуйидаги усулларида бирини мустақил равишда танлайди:

- 1) сотиб олиш вақтига кўра биринчи бўлган қиймат бўйича (ФИФО);
- 2) бирликнинг қиймати бўйича.

Ушбу модда мақсадларида тўлови қимматли қоғозни чиқариш шартларида назарда тутилган, қимматли қоғозни чиқариш санасидан ёки кейинги купонли даромадни тўлаш санасидан қимматли қоғозни бериш санасига қадар ўтган календарь кунлар сонига мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинадиган фоизли (купонли) даромаднинг бир қисми жамғарилган фоизли (купонли) даромад деб эътироф этилади.

Қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича солиқ базаси солиқ тўловчилар томонидан алоҳида аниқланади. Бунда солиқ тўловчилар қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозлар операциялари бўйича солиқ базасини қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлмаган қимматли қоғозлар операциялари бўйича солиқ базасидан алоҳида аниқлайди.

Ўтган солиқ даврлари давомида қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича зарар (зарарлар) кўрган солиқ тўловчилар қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича жорий ҳисобот (солиқ) даврида олинган тегишли солиқ базасини ушбу Кодекснинг 336-моддасида белгиланган тартибда ва шартларда камайтиришга (ушбу зарарларни келгусига ўтказишга) ҳақли.

Ўтган солиқ даврларида қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлмаган қимматли қоғозларга доир операциялардан кўрилган зарарлар ҳисобот (солиқ) даврида белгиланган ушбу қимматли қоғозларга доир операцияларнинг солиқ базасини камайтириши мумкин.

Ўтган солиқ даврларида қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозларга доир операциялардан кўрилган зарарлар ушбу тоифадаги қимматли қоғозларни реализация қилишга доир операциялар бўйича ҳисобот (солиқ) даврида солиқ базасини камайтириши мумкин.

Тегисли ҳисобот даврида қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлган ҳамда қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлмаган қимматли қоғозлар операцияларидан кўрилган зарарларни солиқ даври мобайнида келгусига кўчириш қимматли қоғозларнинг кўрсатилган тоифалари бўйича тегишинча бундай қимматли қоғозларга доир операциялардан кўрилган фойда доирасида алоҳида-алоҳида амалга оширилади.

Қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозларга доир операциялардан олинган даромадлар қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлмаган қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича қилинган харажатларга ёки кўрилган зарарларга камайтирилиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлмаган қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича олинган даромадлар қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича қилинган харажатларга ёки кўрилган зарарларга камайтирилиши мумкин эмас.

Ушбу модда мақсадларида қимматли қоғознинг бозор котировкаси деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) Ўзбекистон Республикасида савдо ташкилотчисининг савдоларига (шу жумладан биржага) қўйилган қимматли қоғозлар учун – бундай савдо ташкилотчиси орқали савдо куни мобайнида амалга оширилган битимлар бўйича қимматли қоғознинг ўртача тортилган нархи;

2) чет эл савдо ташкилотчисининг савдоларига (жумладан биржага) қўйилган қимматли қоғозлар учун – бундай савдо ташкилотчиси томонидан савдо куни мобайнида ўзи орқали амалга оширилган битимлар бўйича ҳисоб-китоб қилинадиган қимматли қоғознинг ёпилиш нархи.

Агар айти бир қимматли қоғоз бўйича битим икки ёки ундан ортиқ савдо ташкилотчиси томонидан амалга оширилган бўлса, солиқ тўловчи савдо ташкилотчиларининг бирида юзага келган бозор котировкасини мустақил танлашга ҳақли.

Агар ўртача тортилган нарх савдо ташкилотчиси томонидан ҳисоб-китоб қилинмаса, ушбу модда мақсадларида бу савдо ташкилотчиси орқали савдо куни давомида амалга оширилган битимларнинг энг паст ҳамда энг юқори нархлари йиғиндисининг ярми ўртача тортилган нарх деб эътироф этилади.

Муомалада бўлган қимматли қоғозлар билан савдо ташкилотчиси орқали битим амалга оширилган тақдирда:

1) қимматли қоғозга доир тегишли битим амалга оширилган савдолар ўтказилган сана битим тузилган сана деб эътироф этилади;

2) солиқ солиш мақсадларида қимматли қоғозни ҳақиқатда реализация қилиш (сотиб олиш) ёки бошқача тарзда чиқиб кетиш нархи эътироф этилади.

Муомаладаги қимматли қоғозларга оид битим қимматли қоғозларнинг уюшган бозоридан ташқарида (савдо ташкилотининг иштирокисиз) амалга оширилган тақдирда:

1) қимматли қоғозни ўтказишнинг барча жиддий шартларини белгиловчи шартнома санаси битимни амалга ошириш санаси деб эътироф этилади;

2) агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ солиш мақсадларида қуйидаги шартларнинг ҳеч бўлмаганда биттасига риоя этилганда, қимматли қоғозни ҳақиқатда реализация қилиш (сотиб олиш) ёки бошқача тарзда чиқиб кетиш нархи бозор нархи деб эътироф этилади:

агар битим амалга оширилган куни қимматли қоғозга нисбатан биттадан кўп битим рўйхатга олинган бўлса, амалга оширилган битимнинг ҳақиқий нархи, башарти бу нарх битимни амалга ошириш санасида савдо ташкилотчиси (ташкилотчилари) томонидан ушбу санада рўйхатга олинган мазкур қимматли қоғозга доир битимларнинг энг юқори ва энг паст нархлари ўртасидаги ораликда (нархлар оралиғида) бўлса, бозор нархи деб эътироф этилади;

агар битим амалга оширилган санада қимматли қоғозга доир битта битим рўйхатга олинган бўлса, амалга оширилган битимнинг ҳақиқий нархи, агар ушбу нарх кўрсатилган қимматли қоғоз билан бозор нархи белгиланаётган битимни амалга ошириш санасидаги бошқа бир битимнинг нархига мувофиқ бўлса, бозор нархи деб эътироф этилади;

3) ушбу қисмнинг 2-бандини қўллаш мақсадларида:

савдо ташкилотчиси томонидан рўйхатга олинган битимларнинг энг юқори ва энг паст нархи (битта битимнинг нархи) манзилсиз буюртмалар асосида амалга оширилган битимлар бўйича аниқланади;

савдо ташкилотчиларида битимни амалга ошириш санасидаги нархлар оралиғи (битта битимнинг нархи) тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлмаганда, ушбу банд мақсадлари учун савдо ташкилотчиларининг тегишли битим амалга оширилган кунга қадар бўлиб ўтган энг яқин савдолар санасидаги маълумотларига кўра ушбу қимматли қоғозларни реализация қилиш чоғидаги оралиқ нарх (битта битимнинг нархи), агар ушбу қимматли қоғозлар бўйича савдолар савдо ташкилотчисида битим амалга оширилган санадан кейинги кетма-кетликдаги уч ой ичида лоақал бир марта ўтказилган бўлса, қабул қилинади;

агар айна бир қимматли қоғоз бўйича битимлар кўрсатилган санада икки ва ундан ортиқ савдо ташкилотчиси томонидан амалга оширилган бўлса, агар ушбу бандда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ тўловчи савдо ташкилотчисини, солиқ солиш мақсадларида қимматли қоғознинг нархини аниқлаш учун фойдаланадиган нархлар оралиғининг (битта битим нархининг) қийматини мустақил равишда танлашга ҳақли. Бунда, агар ушбу моддада кўрсатилган савдо ташкилотчиларидан айримларида ушбу қимматли қоғозга доир биттадан ортиқ битим рўйхатга олинган бўлса, бошқа савдо ташкилотчиларида эса ушбу қимматли қоғозга доир фақат битта битим рўйхатга олинган бўлса, солиқ тўловчи ушбу қимматли қоғозга доир биттадан ортиқ битим рўйхатга олинган савдо ташкилотчилари орасидан савдо ташкилотчисини, солиқ солиш мақсадларида қимматли қоғознинг нархини аниқлаш учун фойдаланиладиган нархлар оралиғининг (битта битим нархининг) қийматини мустақил равишда танлашга ҳақли.

Муомалада бўлган эмиссиявий қимматли қоғозлар уларни жойлаштириш чоғида сотиб олинган тақдирда, шунингдек ушбу қимматли қоғозлар жойлаштирилгандан кейин доираси чекланмаган шахсларга биринчи бор таклиф қилинганда, шу жумладан ушбу қимматли қоғозларни таклиф этиш бўйича хизматлар кўрсатадиган брокердан сотиб олинганда бундай қимматли қоғозларнинг ҳақиқий нархи бозор нархи деб эътироф этилади ва солиқ солиш мақсадлари учун қабул қилинади.

Муомалада бўлган қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг уюшган бозоридаги битимларнинг энг паст нархидан паст нарх бўйича реализация қилинган тақдирда молиявий натижани аниқлашда қимматли қоғозларнинг уюшган бозоридаги битимнинг энг паст нархи қабул қилинади.

Муомалада бўлган қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг уюшган бозоридаги битимларнинг энг юқори нархидан юқори нарх бўйича сотиб олинган тақдирда, молиявий натижани аниқлашда қимматли қоғозларнинг уюшган бозоридаги энг юқори нархи қабул қилинади.

Қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида ягона битим амалга оширилган тақдирда, бундай битимнинг нархи энг юқори (энг паст) нарх деб эътироф этилади.

Очиқ пайли инвестиция фондларининг муомаладаги инвестиция пайларига доир операциялар бўйича, шу жумладан улар тегишли очиқ пайли инвестиция фондини ташкил этувчи мол-мулкни ишончли бошқаришни амалга ошираётган компаниядан сотиб олинган (тўланган) тақдирда, битимнинг ҳақиқий нархи, агар у инвестиция фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция пайининг ҳисоб-китоб қийматига тенг бўлса, бозор нархи деб эътироф этилади ва солиқ солиш мақсадида қабул қилинади.

Муомалада бўлмаган қимматли қоғозлар бўйича битимнинг ҳақиқий нархи, агар ушбу бандда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қимматли қоғознинг ҳисоб-китоб қилинган нархи ва нархнинг чекланган тарзда четга чиқишидан келиб чиқиб аниқланган энг юқори ва энг паст нархи ўртасидаги оралиқда турган бўлса, бозор нархи деб эътироф этилади ва солиқ солиш мақсадлари учун қабул қилинади.

Ушбу модда мақсадлари учун муомалада бўлмаган қимматли қоғозлар нархининг чекланган тарзда четга чиқиши, ушбу қимматли қоғознинг ҳисоб-китоб қилинган нархидан 20 фоиз миқдорда кўпайишидан ёки камайишидан келиб чиқиб белгиланади.

Муомалада бўлмаган қимматли қоғоз ҳисоб-китоб қилинган нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланган энг кам нархидан ва нархларнинг чегаравий тарзда четга чиқишидан келиб чиқиб ҳисобланган нархидан паст нархда реализация қилинган тақдирда, молиявий натижани аниқлашда қимматли қоғознинг ҳисоб-китоб қилинган нархидан ва нархларнинг чегаравий ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда белгиланган энг паст нарх қабул қилинади.

Муомалада бўлмаган қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг ҳисоб-китоб қилинган нархидан ва нархларнинг чегаравий ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда белгиланган энг юқори нарх бўйича сотиб олинган тақдирда, солиқ солиш мақсадларида молиявий натижани аниқлашда қимматли қоғознинг ҳисоб-китоб қилинган нархидан ва нархларнинг чегаравий четга чиқишидан келиб чиққан ҳолда белгиланган энг юқори нарх қабул қилинади.

Ушбу модда мақсадларида қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлмаган қимматли қоғозларнинг ҳисоб-китоб нархини белгилаш тартиби қимматли қоғозлар бозори бўйича ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Очиқ пайли инвестиция фондларининг қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлмаган инвестиция пайларига доир операциялар бўйича, шу жумладан улар очиқ пайли инвестиция фондини ташкил этувчи мол-мулкни ишончли бошқаришни амалга оширувчи бошқарувчи компаниядан сотиб олинган (тўланган) тақдирда, агар битимнинг ҳақиқий баҳоси инвестиция фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган инвестиция пайининг ҳисоб-китоб қилинган қийматига тенг бўлса, солиқ солиш мақсадлари учун битимнинг ҳақиқий нархи қабул қилинади.

Ёпиқ ва оралик пайли инвестиция фондларининг муомалада бўлмаган инвестиция пайларига доир операциялар бўйича, шу жумладан улар тегишли пайли инвестиция фондини ташкил этувчи мол-мулк ишончли бошқаришни амалга оширувчи бошқарувчи компаниядан сотиб олинган тақдирда, агар битимнинг ҳақиқий баҳоси инвестиция фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган инвестиция пайининг ҳисоб-китоб қилинган қийматига тенг бўлса, солиқ солиш мақсадлари учун битимнинг ҳақиқий нархи қабул қилинади.

Агар инвестиция фондлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пайли инвестиция фондларининг муомаласи чекланган инвестиция пайларини бериш, тўлаш ёки айирбошлаш инвестиция пайининг ҳисоб-китоб қилинган қиймати бўйича амалга оширилмаса, агар битимнинг ҳақиқий баҳоси битта инвестиция пайи бериладиган ва пайли инвестиция фондини ишончли бошқариш қоидаларига мувофиқ, тебранишларнинг энг кўп чегараси ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланган пул маблағларининг суммасига тенг бўлса, солиқ солиш мақсадида битимнинг ҳақиқий нархи қабул қилинади.

Муомалада бўлмаган қимматли қоғозларнинг ҳисоб-китоб қилинган нархи қимматли қоғозни ўтказишнинг барча муҳим шартларини белгиловчи шартнома санасида аниқланади.

Солиқ солиш мақсадлари учун муомалада бўлмаган инвестиция пайларининг ҳисоб-китоб қилинган нархи битимни тузиш санасига энг яқин бўлган, инвестиция пайининг ҳисоб-китоб қилинган қиймати аниқланадиган санадан олдинги санада аниқланади.

328-модда. Муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу модда мақсадларида уюшган бозорда муомалада бўлган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича солиқ тўловчининг ҳисобот (солиқ) даврида олган даромадлари деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) солиқ тўловчи ҳисобот (солиқ) даври мобайнида олиши керак бўлган вариациявий маржанинг суммаси;

2) муддатли битимларнинг қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлган молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳисобот (солиқ) даври ичида олиниши керак бўлган, шу жумладан асос активни етказиб бериш назарда тутилган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳисоб-китоблар тартибидаги бошқа суммалар.

Ушбу модда мақсадлари учун солиқ тўловчининг ҳисобот (солиқ) даврида уюшган бозорда муддатли битимларнинг муомалада бўлган молиявий воситалари бўйича амалга оширилган харажатлари деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) вариациявий маржанинг ҳисобот (солиқ) даврида солиқ тўловчи томонидан тўланиши лозим бўлган суммаси;

2) уюшган бозорда муомалада бўлган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳисобот (солиқ) даври ичида тўланиши лозим бўлган бошқа суммалар, шунингдек асос активни етказиб бериш назарда тутилган битимлар бўйича ўтказиладиган асос активнинг қиймати;

3) уюшган бозорда муддатли битимларнинг муомалада бўлган молиявий воситаларига доир операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Ушбу модда мақсадлари учун солиқ тўловчининг уюшган бозорда муддатли битимларнинг муомалада бўлмаган молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳисобот (солиқ) даврида олинган даромадлари деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операция иштирокчиларидан бири операция бажарилганда (тугалланганда) ҳисобот (солиқ) даврида олиши лозим бўлган пул маблағларининг суммалари;

2) уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳисобот (солиқ) даврида олиниши лозим бўлган, шу жумладан асос активни етказиб беришни назарда тутувчи муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳисоб-китоблар тартибида олиниши лозим бўлган бошқа суммалар.

Уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳисобот (солиқ) даврида қилинган харажатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операция иштирокчиларидан бирига операция бажарилганда (тугалланганда) ҳисобот (солиқ) даврида тўланиши лозим бўлган пул маблағларининг суммалари;

2) уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ҳисобот (солиқ) даври ичида тўланиши лозим бўлган бошқа суммалар, шунингдек асос активни етказиб беришни назарда тутувчи битимлар бўйича бериладиган асос активнинг қиймати;

3) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Уюшган бозорда муомалада бўлган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича солиқ базаси ва уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича солиқ базаси алоҳида ҳисоблаб чиқарилади.

Уюшган бозорда муомалада бўлган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича солиқ базаси ҳисобот (солиқ) даврида олиниши керак бўлган барча асос активлар билан тузилган мазкур битимларга доир даромадларнинг суммалари ва ҳисобот (солиқ) йилидаги барча асос активлар бўйича харажатларнинг суммалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Салбий фарқ, тегишинча, шундай операциялардан кўрилган зарар деб эътироф этилади.

Уюшган бозорда муомалада бўлган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича зарарлар ушбу модданинг саккизинчи қисмига мувофиқ аниқланадиган солиқ базасини камайтирмайди.

Уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича солиқ базаси барча асос активлар билан мазкур операцияларга доир даромадлар ва ҳисобот (солиқ) давридаги барча базис активлар билан мазкур операцияларга доир харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Салбий фарқ, тегишинча, бундай операциялардан олинган зарарлар деб эътироф этилади.

Уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича зарарлар ушбу модданинг олтинчи қисмига мувофиқ аниқланадиган солиқ базасини камайтирмайди.

Уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича зарарлар уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича кейинги солиқ даврларида юзага келадиган солиқ базасини ушбу бўлимда белгиланган тартибда камайтириш жумласига киритилиши мумкин.

Уюшган бозорда муомалада бўлган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига нисбатан битимнинг ҳақиқий нархи, агар битимнинг ҳақиқий нархи битимни тузиш санасида савдо ташкилотчиси томонидан рўйхатга олинган мазкур воситага доир тузилган битимларнинг энг юқори ва энг паст нархи ўртасидаги оралиқда (нархлар оралигида) бўлса, солиқ солиш мақсадларида бозор нархи деб эътироф этилади. Агар айни бир муддатли битимларнинг молиявий воситаси бўйича битимлар икки ва ундан ортиқ савдо ташкилотчиси томонидан амалга оширилган бўлса, муддатли битимларнинг иштирокчиси нархлар оралиғидан битимнинг ҳақиқий нархини солиқ солиш мақсадларида эътироф этиш учун фойдаланадиган, рўйхатдан ўтказилган савдо

ташкilotчисини мустақил равишда танлашга ҳақли. Савдо ташкilotчисида тегишли битимни тузиш санасидаги нархлар оралиғи тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда, кўрсатилган мақсадлар учун савдо ташкilotчисининг охириги уч ой ичида бўлиб ўтган энг яқин савдолар санасидаги нархлар оралиғи тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланади.

Уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битим молиявий воситасини реализация қилишнинг (сотиб олишнинг) ҳақиқий нархи, агар ушбу нарх мазкур муддатли битимлар молиявий воситасининг муддатли битимни тузиш санасидаги ҳисоб-китоб қийматидан ошиш (пасайиш) тарафга кўпи билан 20 фоиз фарқ қилса, солиқ солиш мақсадлари учун бозор нархи деб эътироф этилади.

Муддатли битимлар молиявий воситалари тегишли турларининг ҳисоб-китоб қийматини аниқлаш тартиби қимматли қоғозлар бозори бўйича ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Агар уюшган бозорда муомалада бўлмаган муддатли битим молиявий воситасини реализация қилишнинг (сотиб олишнинг) ҳақиқий нархи мазкур муддатли битимлар молиявий воситасининг ҳисоб-китоб қийматидан ошиш (пасайиш) тарафга кўпи билан 20 фоиз фарқ қилса, солиқ тўловчининг даромадлари (харажатлари) 20 фоиз оширилган (камайтирилган) ҳисоб-китоб қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Своп-контрактдаги мажбуриятлар (талаблар) бўйича олинган даромадлар ва кўрилган зарарлар муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича тегишли солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинади.

329-модда. Хеджирлаш операцияси бўйича солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу Кодекс 51-моддасининг биринчи қисми талаблари инобатга олинган ҳолда хеджирлаш операцияси амалга оширилганда солиқ базасини аниқлашда даромадлар (харажатлар) ҳисобга олинади, уни ҳисоблашда хеджирлаш объекти билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар ҳисобга олинади.

Банклар солиқ базасини уюшган бозорда муомалада бўлмаган ва асос активи чет эл валютасидан иборат бўлган, етказиб бериладиган муддатли битимга доир операциялар бўйича кўрилган зарарнинг суммасига камайтиришга ҳақли.

Асос активлари фоизли ставкалардан иборат бўлган муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операцияларни амалга оширишда, бундай воситаларнинг шартларида назарда тутилган фоиз ставкаларидан келиб чиққан ҳолда, даромадларни (харажатларни) ҳисобга олиш ҳисобот (солиқ) даврининг сўнггида амалга оширилмайди. Бунда муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир тегишли

операциялар бўйича даромад (харажат) деб, шу жумладан, фоишли ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ва бундай операцияларга доир шартномага мувофиқ олинishi (тўланиши) лозим бўлган даромадлар (харажатлар) эътироф этилади.

Тегишли шартномада назарда тутилган тўловларнинг санаси бундай операциялар бўйича даромадларни (харажатларни) эътироф этиш санасидир.

330-модда. Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчилари томонидан олинган даромадлар бўйича солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг барча иштирокчилари томонидан олинган даромадлар бўйича солиқ базаси (бундан буён ушбу моддада консолидациялашган солиқ базаси деб юритилади) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларининг солиққа тортиш мақсадларида ҳисобга олинadиган барча даромадларининг ва барча харажатларининг суммалари асосида, ушбу моддада белгиланган хусусиятлар инoбатга олинган ҳолда аниқланади. Бу мақсадлар учун ушбу гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчисига консолидациялашган солиқ базасини ҳисоблаб чиқариш учун зарур бўлган барча зарур ахборотни солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда тақдим этади.

Солиқ базасини аниқлаш ва солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчисига зарур ахборотни тақдим этиш тартиби ҳисоб сийёсатида солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳига солиқ солиш мақсадида белгиланади.

Консолидациялашган солиқ базасининг ҳисобот (солиқ) давридаги ҳисоб-китоби ушбу моддага мувофиқ ушбу гуруҳ барча иштирокчиларининг маълумотлари асосида, солиқ тўловчилар уюшган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан солиқ даври бошланганидан эътиборан ўсиб боровчи яқун билан мустақил равишда тузилади.

Консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳининг консолидациялашган солиқ базаси консолидациялашган гуруҳ барча иштирокчиларининг ушбу бўлим қоидалари ҳисобга олинган харажатларининг арифметик суммасига камайтирилган даромадларининг арифметик суммаси сифатида аниқланади. Салбий фарқ солиқ тўловчилар уюшган гуруҳининг зарари деб эътироф этилади.

Консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳи иштирокчиларининг даромадларни тўлаш манбаида солиқ солиниши лозим бўлган даромадлари, шунингдек консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳининг назорат

қилинадиган чет эл компанияларининг назорат қилувчи шахслари бўлган иштирокчиларининг улар назорат қиладиган чет эл компанияларининг фойдаси тарзидаги даромадлари консолидациялашган солиқ базасига киритилмайди.

Консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳининг иштирокчилари, ушбу Кодекснинг 316-моддасига мувофиқ кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича захирани товарларни (хизматларни) ушбу гуруҳнинг бошқа иштирокчиларига реализация қилишга тааллуқли қисми бўйича шакллантирмайди.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи таркибига солиқ тўловчи кирганда, кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича захира ушбу гуруҳнинг бошқа иштирокчиларига реализация қилинган товарларга (ишларга) тааллуқли бўлган захиралар суммаларига оид қисм бўйича тикланади. Бунда ушбу Кодекс 316-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ аниқланадиган захиранинг энг кўп миқдорига тузатиш киритилади, бу тузатиш солиқ тўловчи томонидан кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатларнинг кўрсаткичларини аниқлашда солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари ўртасидаги операцияларни кўрсатилган товарларни (хизматларни) ўтган уч йилда реализация қилишдан олинган тушум, шунингдек кўрсатилган товарларни (ишларни) ҳисобот (солиқ) даврида реализация қилишдан олинган тушум ҳажмида истисно этади.

Солиқ тўловчи солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчисига айланган солиқ даври бошланғунига қадар ўтган уч йилда товарларни (ишларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг кўрсаткичига тузатиш киритиш амалга оширилмайди. Солиқ тўловчи солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи аъзоси бўлган солиқ даврларида бу кўрсаткич мазкур товарларни (ишларни) бундай гуруҳнинг бошқа иштирокчиларига реализация қилишдан олинган тушумни ўз ичига олмайди.

Кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича тикланган захираларнинг суммалари, шу жумладан захиранинг энг кўп миқдорини камайтириш натижасидаги суммалар солиқ тўловчи солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи аъзосига айланган солиқ даврдан олдинги солиқ давридаги жами даромад таркибига киритилади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиси бўлган банклар солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи иштирокчиларидан бирининг бу гуруҳнинг бошқа иштирокчилари олдидаги қарзига тааллуқли қисм бўйича ушбу Кодекснинг 315-моддасига мувофиқ захирани шакллантирмайди. Гуруҳга кириш чоғида банклар захирани бу гуруҳнинг бошқа иштирокчиларига тегишли бўлган қарзнинг суммасига тиклайди. Тегишли суммалар банк солиқ тўловчиларнинг

консолидациялашган гуруҳи аъзосига айланган солиқ даврдан олдинги солиқ давридаги жами даромад таркибига киритилади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг ушбу гуруҳ таркибига кирган, солиқ даврдан олдинги солиқ даврларида ушбу бўлимга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган зарарларни кўрган аъзолари консолидациялашган солиқ базасини ўзлари кўрган зарарнинг бутун суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришга ёхуд ушбу гуруҳ таркибига кирган солиқ даврдан эътиборан зарарларни ушбу Кодекснинг 333-моддасида белгиланган тартибда келгусига ўтказишга ҳақли эмас.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи аъзоларининг ушбу гуруҳ таркибига киргунига қадар кўрган зарарларини (шу жумладан ушбу Кодекснинг 302-моддасига мувофиқ хизмат кўрсатувчи хўжаликлар объектларидан фойдаланганлик оқибатида кўрилган зарарларни) консолидациялашган солиқ базаси билан умумлаштиришга йўл қўйилмайди. Мазкур қоида солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи таркибига ушбу гуруҳнинг иштирокчисига қўшиб олиш ёки бундай гуруҳнинг иштирокчисига қўшиб юбориш йўли билан кирган юридик шахслар кўрган зарарларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Кодекснинг ушбу бўлимида назарда тутилган солиқ солиш мақсадида қабул қилинадиган харажатлар нормативлари солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг ҳар бир иштирокчиси томонидан қўлланилади.

Ушбу Кодекста қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бўлмаган солиқ тўловчилар учун белгиланган қимматли қоғозларга ва муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари солиқ базасини алоҳида аниқлашга, шунингдек солиқ базасини кўрилган зарарлар суммасига камайтиришга ва зарарларни келгуси даврга ўтказишга тааллуқли қисми бўйича консолидациялашган солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришда қўлланилади.

Ушбу моддада белгиланган қоидалар фақат 337-модданинг 12-бандида белгиланган солиқ ставкаси қўлланиладиган солиқ базасини аниқлашга, банклар учун эса ушбу Кодекс 337-моддасининг 1-бандида белгиланган солиқ ставкаси қўлланиладиган солиқ базасини аниқлашга нисбатан татбиқ этилади.

331-модда. Назорат қилинадиган чет эл компанияларининг фойдасига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси (зарари) деб мазкур компаниянинг ушбу моддада белгиланган тартибга мувофиқ қуйидаги усуллардан бири билан аниқланган фойдасининг (зарарининг) миқдори эътироф этилади:

1) компания рўйхатдан ўтказилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган мазкур компаниянинг йиллик молиявий ҳисоботи маълумотлари бўйича. Бундай ҳолда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг солиқ солинунига қадар бўлган фойдасининг (зарарининг) миқдори ушбу компаниянинг фойдаси (зарари) деб эътироф этилади;

2) ушбу бўлимда солиқ тўловчи бўлган юридик шахслар учун белгиланган қоидалар бўйича.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини (зарарини) ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ аниқлаш қуйидаги шартлардан бири бажарилган тақдирда амалга оширилади:

1) ушбу назорат қилинадиган чет эл компаниясининг доимий турган жойи солиқ солиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан халқаро шартномаси мавжуд бўлган чет давлат бўлса, бундан солиқ солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси билан ахборот алмашишни таъминламайдиган давлатлар (худудлар) мустасно;

2) молиявий ҳисоботга нисбатан салбий фикрлар мавжуд бўлмаган ёки фикрларни ифодалаш рад этилмаган аудиторлик хулосаси тақдим этилган бўлса.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини (зарарини) ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ аниқлаш қуйидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

1) назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини (зарарини) аниқлаш мақсадида бундай компания рўйхатдан ўтказилган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган консолидациялашмаган молиявий ҳисоботдан фойдаланилади.

Агар назорат қилинадиган чет эл компанияси рўйхатдан ўтказилган давлатда бундай қонун ҳужжатлари мавжуд бўлмаса, фойда (зарар) Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ёхуд молиявий ҳисоботларни тузишнинг халқаро жиҳатдан эътироф этилган, қимматли қоғозларни савдоларга қўйишга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиши учун чет эл молиявий воситачилари рўйхатига киритилган чет эл фонд биржалари ҳамда чет эл депозитар-клиринг ташкилотлари томонидан қабул қилинадиган стандартларига мувофиқ аниқланади;

2) агар назорат қилинадиган чет эл компанияси рўйхатдан ўтказилган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу компаниянинг молиявий ҳисоботи мажбурий аудитдан ўтказилиши шарт бўлмаса, ушбу Кодекс мақсадларида фойдани (зарарни) аниқлаш аудити аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган молиявий ҳисобот асосида амалга оширилади. Ушбу бандда белгиланган шартларга риоя этиш ушбу модда иккинчи қисмининг 1-бандини қўллаш мақсадлари учун талаб этилмайди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган шартлар бажарилмаган тақдирда, шунингдек назорат қилувчи шахс бўлган солиқ тўловчининг танловига кўра, назорат қилинадиган чет эл компаниясининг

foydasini (zarari) usbu modda birinchi qismining 2-bandiga muvofiq aniqlanadi, bundan usbu moddaning oltinginchi, ettinginchi, tuzinginchi – un birinchi qismlarida belgilangan qoidalar mустасно.

Агар назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини (зарарини) аниқлаш тартиби usbu modda birinchi qismining 2-bandiga muvofiq солиқ тўловчининг танлови бўйича қўлланилса, бундай тартиб тегишли назорат қилинадиган чет эл компаниясига нисбатан бу тартибни қўллаш бошланган санадан эътиборан камида беш солиқ даври ичида қўлланилиши лозим ва бу ҳисоб сиёсатида назорат қилувчи шахс бўлган солиқ тўловчига солиқ солиш мақсадлари учун мустаҳкамлаб қўйилган бўлиши керак.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг usbu компаниянинг молиявий ҳисоботи маълумотлари бўйича аниқланган ва чет эл валютасида ифодаланган, usbu Кодекснинг 208-моддасида назарда тутилган тартибга muvofiq ҳисобга олиннадиган дивидендларнинг (тақсимланган фойданинг) миқдорига камайтирилган фойдаси (зарари) чет эл валютасининг йиллик молиявий ҳисобот тузиладиган давр учун аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан миллий валютага нисбатан белgilangan ўртача курси қўлланилган ҳолда миллий валютада қайта ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

Назорат қилинадиган ҳар бир чет эл компанияси фойдасининг (зарарининг) суммаси компаниянинг тегишли давр (даврлар) учун тузилган, унинг молиявий ва солиқ ҳисоботлари илова қилинган молиявий ҳисоботи билан ҳужжатлар асосида тасдиқланган бўлиши керак.

Назорат қилинадиган чет эл компанияси фойдасининг (зарарининг) суммаси usbu modda birinchi qismining 2-bandiga muvofiq аниқланган тақдирда, назорат қилинадиган чет эл компанияси фойдасининг (зарарининг) суммаси чет эл ташкилоти доимий турган давлатнинг (ҳудуднинг) расмий валютасида аниқланади ҳамда у чет эл валютасининг назорат қилинадиган чет эл компанияси фойдасининг (зарарининг) суммаси аниқланадиган календарь йил учун аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан миллий валютага нисбатан белgilangan ўртача курси қўлланилган ҳолда миллий валютада қайта ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Назорат қилинадиган чет эл компанияси фойдасининг (зарарининг) суммаси фойданинг суммасини аниқлаш имконини берадиган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Бундай ҳужжатлар, хусусан, назорат қилинадиган чет эл компаниясининг ҳисоб-китоб варақларидан кўчирмалар, амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи дастлабки ҳужжатлардан иборат бўлиши мумкин.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини (зарарини) аниқлашда usbu компаниянинг йиллик молиявий ҳисоботида акс эттирилган қуйидаги даромадлари (харажатлари) ҳисобга олинмайди:

1) компаниянинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини, кооперативларнинг пайчилик фондларидаги пайларини ва пайчилик

инвестиция фондларидаги пайларни, қимматли қоғозларни, ҳосила молиявий воситаларни молиявий ҳисоботни тузишда қўлланиладиган стандартларга мувофиқ ҳақиқий қиймати бўйича қайта баҳолаш суммалари тарзидаги;

2) назорат қилинадиган чет эл компанияси рўйхатдан ўтказилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига (ушбу компаниянинг молиявий ҳисоботини тузиш мақсадлари учун ҳисоб сиёсатига) мувофиқ молиявий ҳисоботда назорат қилинадиган чет эл компанияси деб эътироф этилган шўъба (бирлашган) ташкилотлар фойдасининг (зарарининг) суммалари тарзидаги;

3) резервларни шакллантиришга сарфланган харажатларнинг ва резервларни тиклашдан кўрилган зарарларнинг суммалари тарзидаги. Бунда назорат қилинадиган компаниянинг фойдаси илгари шакллантирилган резервнинг миқдорини камайтирадиган харажатлар суммасига камайтирилади. Агар назорат қилинадиган чет эл компаниясининг компания рўйхатдан ўтказилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботи маълумотларига кўра зарар аниқланса, илгари шакллантирилган резервнинг миқдорини камайтирувчи харажатлар бундай зарарнинг суммасини кўпайтиради.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдасини (зарарини) аниқлаш чоғида илгари шакллантирилган резервнинг миқдорини камайтирувчи харажатлар суммасини ҳисобга олишнинг ушбу модда тўққизинчи қисмининг 3-бандида белгиланган тартиби, агар назорат қилинадиган чет эл компаниясининг молиявий ҳисоботида илгари шакллантирилган резервларни камайтирувчи харажатлар суммаси очиб берилган бўлса ёки бундай харажатлар ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса, қўлланилади.

Компаниянинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлари, кооперативларнинг пайчилик фондларидаги пайлари ва пайчилик инвестиция фондларининг пайлари, қимматли қоғозлар, ҳосила молиявий воситалар реализация қилинган ёки бошқача тарзда чиқиб кетган тақдирда, назорат қилинадиган чет эл компаниясининг, ушбу модданинг биринчи қисми 1-бандига мувофиқ, аниқланган фойдасига (зарарига) уларни қайта баҳолаш суммалари (агар бундай қайта баҳолаш амалга оширилган бўлса), шу жумладан уларнинг кадрсизланишидан кўрилган зарарнинг суммаси миқдорида тузатиш киритилади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг йиллик молиявий ҳисоботларининг маълумотларига кўра зарар аниқланса, агар ушбу модданинг ўн тўртинчи қисмида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, у келгуси даврларга чекловларсиз тақсимлаб ўтказилиши ва ушбу компаниянинг солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган усуллардан бири ёрдамида аниқланган

зарари, агар назорат қиладиган шахс бўлган солиқ тўловчи мазкур зарар олинган давр учун назорат қилинадиган чет эл компанияси тўғрисидаги билдириш хатини тақдим этмаса, келгуси даврларга тақсимлаб ўтказилиши мумкин эмас.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг солиқ базаси назорат қилинадиган ҳар бир чет эл компаниясига нисбатан алоҳида-алоҳида аниқланади.

Агар назорат қилинадиган чет эл компаниясининг солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олиннадиган даромадлари ўзига нисбатан ўзаро боғлиқ шахслар ўртасида битимлар тузилиши муносабати билан солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг тўлиқлигини текшириш ўтказилган солиқ тўловчи билан назорат қилинадиган битим тузилиши натижасида олинган бўлса ҳамда мазкур текширув натижалари юзасидан қабул қилинган, кучга кирган қарорга мувофиқ битим нархига солиқни қўшимча ҳисоблаш мақсадида тузатиш киритилган бўлса, назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тегишли даромадлари солиқ базасини белгилаш мақсадида мазкур тузатишни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Назорат қилинадиган чет эл компанияси томонидан шу назорат қилинадиган чет эл компаниясининг ёхуд унинг ўзаро боғлиқ шахсининг назорат қилувчи шахси деб эътироф этиладиган юридик шахсининг фойдасига қимматли қоғозларни ва (ёки) мулкий ҳуқуқларни (шу жумладан улушларни, пайларни) реализация қилишдан олинган даромадлар, шунингдек назорат қилинадиган чет эл компаниясининг қимматли қоғозларни ва (ёки) мулкий ҳуқуқларни (шу жумладан улушларни, пайларни) сотиб олиш нархи тарзидаги харажатлари, башарти қимматли қоғозларни ва (ёки) мулкий ҳуқуқларни (шу жумладан улушларни, пайларни) реализация қилиш нархи уларнинг, назорат қилинадиган компаниянинг ҳисобга олиш маълумотларига кўра, мулк ҳуқуқи мазкур қоғозларга ва (ёки) мулкий ҳуқуқларга (шу жумладан улушларга, пайларга) ўтган санадаги ҳужжатлар билан тасдиқланган қийматидан келиб чиққан ҳолда, бироқ мазкур қимматли қоғозларнинг ва (ёки) мулкий ҳуқуқларнинг (шу жумладан улушларнинг, пайларнинг) мулк ҳуқуқи ўтган санадаги бозор қийматидан ошмаган, ҳужжатлар билан тасдиқланган қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланган бўлса, назорат қилинадиган компаниянинг фойдасидан (зараридан) чиқариб ташланади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тегишли даврдаги фойдасига нисбатан ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси назорат қилувчи шахсининг иштироки улушига мутаносиб равишда чет давлатлар қонун ҳужжатларига ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ шу фойдага нисбатан ҳисоблаб чиқарилган солиқнинг (шу жумладан даромадни тўлаш манбаида ушлаб қолиннадиган даромад солиғининг), шунингдек шу назорат қилинадиган чет эл компаниясининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси фойдасига нисбатан ҳисоблаб чиқариладиган фойда солиғининг миқдорига нисбатан камайтирилади.

Чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, Ўзбекистон Республикасининг давлат (ҳудуд) билан солиқ солиш масалаларига доир халқаро шартномаси мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу сумма чет давлатнинг солиқлар соҳасида назорат қилиш ва текширишга ваколатли органи томонидан тасдиқланиши керак.

46-боб. Солиқ базасига тузатиш киритиш

332-модда. Даромадлар ва харажатларга тузатиш киритиш

Ҳисобот солиқ давридаги даромад (харажатлар) миқдорининг солиқ базасини аниқлашда илгари даромад (харажат) деб эътироф этилган сумма доирасида кўпайиши ёки камайиши тузатиш киритиш деб эътироф этилади.

Даромадлар ва харажатларга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилиши лозим:

- 1) товарлар, шунингдек суғурталанувчига суғурта мукофоти тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- 2) битим шартлари ўзгартирилганда;
- 3) нархлар ўзгартирилганда, сотиб олувчи томонидан чегирмадан фойдаланилганда;
- 4) кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган даромадлар ва харажатларга тузатиш киритиш қуйидагича амалга оширилади:

кафолат муддати белгиланган товарлар (хизматлар) бўйича – кафолат муддати доирасида;

суғурта мукофотлари бўйича – шартномани бекор қилиш пайтида;
бошқа ҳолларда – бир йиллик муддат доирасида.

Ушбу моддага мувофиқ даромадлар ва харажатларга тузатиш киритиш мазкур модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда товарни (хизматни) сотувчи ушбу Кодекснинг 257-моддасида назарда тутилган тартибда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадга тузатиш киритади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда даромадлар ва харажатларга тузатиш киритиш мазкур ҳоллар содир бўлган солиқ даврида амалга оширилади.

Даромадлар ва харажатларга тузатиш киритиш солиқ тўловчи солиқ солишнинг умумбелгиланган тартибига ўтган тақдирда ҳам амалга оширилади, бундан тузатиш киритилаётган даромадлар бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш ҳоллари мустасно.

333-модда. Зарарларни келгусига ўтказиш

Ушбу бўлимда назарда тутилган даромадлар ва харажатларга киритилган тузатишларни инобатга олган ҳолда чегирилиши лозим бўлган

харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши солиқ тўловчининг зарари деб эътироф этилади.

Муомаладаги қимматли қоғозлар ва муддатли битимларнинг муомаладаги молиявий воситаларига доир операциялар бўйича зарарлар тадбиркорлик фаолиятидан кўрилган зарарлар деб эътироф этилади.

Олдинги солиқ даврида (даврларида) ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган зарари (зарарлари) бўлган солиқ тўловчи жорий солиқ даврининг фойдасини ушбу кўрилган зарарнинг бутун суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир.

Солиқ тўловчи зарарни ушбу зарар кўрилган солиқ даврдан кейинги ўн йил мобайнида келгусига ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир.

Ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир кейинги солиқ даврида ҳисобга олинмаган жами суммаси ушбу бўлимга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Солиқ базаси олдинги солиқ даврида (даврларида) кўрилган зарар суммасига фақат жорий солиқ даврининг яқунлари бўйича камайтирилиши мумкин.

Бир календарь йилдан ортиқ йилларда кўрилган зарарлар улар кўрилган кетма-кетликда ўтказилади.

Бош банкдан умидсиз қарзларни олувчи шўъба ташкилоти томонидан кўрилган зарарлар келгуси даврларга ўтказилмайди.

Зарарларни ўтказишнинг алоҳида ҳоллардаги ўзига хос хусусиятлари ушбу Кодекснинг 334–336-моддаларида назарда тутилгандир.

334-модда. Қайта ташкил этилганда зарарларни ўтказиш

Қайта ташкил этиш муносабати билан ўтказиладиган зарарлар солиқ тўловчилар бўлган ҳуқуқий ворислар ўртасида тақсимлаш баланси асосида ўтказиладиган активлар қийматининг қайта ташкил этилаётган юридик шахс активлари қийматидаги тақсимлаш балансини тузиш санасидан олдинги санадаги ҳолатига кўра солиштирма миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади ва ушбу Кодекснинг 333-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Ҳуқуқий ворис бўлган солиқ тўловчи қайта ташкил этилган тақдирда, унинг илгари ўз фаолиятини тугатган солиқ тўловчидан кўрган зарарлари ўтказилмайди.

335-модда. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича зарарларни ўтказиш

Ушбу Кодекс 333-моддасининг қоидалари солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳига нисбатан ушбу моддада белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

Агар солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи олдинги солиқ даврида (даврларида) зарар (зарарлар) кўрган бўлса, бундай

гуруҳнинг масъул иштирокчиси жорий солиқ даврининг консолидациялашган солиқ базасини зарарнинг бутун суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақли.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчиси консолидациялашган гуруҳ таркибидан чиқиб кетганидан кейин (ушбу гуруҳ фаолиятини тугатгандан кейин):

1) жорий солиқ даврининг солиқ базасини мазкур гуруҳ фаолият кўрсатган даврда кўрилган зарарнинг суммасига (ушбу сумманинг бир қисмига) камайтиришга ҳақли эмас;

2) жорий солиқ даврининг солиқ базасини мазкур иштирокчи томонидан у солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчиси бўлмаган солиқ даврларининг якунлари бўйича кўрилган зарар суммасига (ушбу сумманинг бир қисмига) ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва шартларда камайтиришга ҳақли. Бунда ушбу Кодекс 333-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган, солиқ тўловчи зарарни келгусига ўтказишни амалга оширишга ҳақли бўлган муддат бундай солиқ тўловчи солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиси бўлган йиллар сонига оширилади.

Агар солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчиси мазкур гуруҳдаги ўзининг иштирок этиш даврида қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган бўлса, мазкур гуруҳ таркибидан чиқиб кетганидан кейин (ушбу гуруҳ фаолиятини тугатганидан кейин) бу иштирокчи жорий солиқ даврининг солиқ базасини ўзи ҳуқуқий вориси бўлган солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари бўлмаган бундай қайта ташкил этилган солиқ тўловчилар солиқ даври якунлари бўйича қайта ташкил этилган солиқ тўловчидан олинган зарарлар суммасига (шу сумманинг бир қисмига) ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва шартларда камайтиришга ҳам ҳақли.

Агар солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчиси мазкур гуруҳдаги ўзининг иштирок этиш даврида юридик шахсни бўлиш йўли билан янгидан ташкил этилган бўлса, мазкур гуруҳ таркибидан чиқиб кетганидан кейин (ушбу гуруҳ фаолиятини тугатганидан кейин) бу иштирокчи жорий солиқ даврининг солиқ базасини ўзи ҳуқуқий вориси бўлган солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари бўлмаган бундай қайта ташкил этилган юридик шахс солиқ даври якунлари бўйича қайта ташкил этилган солиқ тўловчидан олинган зарарлар суммасига (шу сумманинг бир қисмига) ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва шартларда, ушбу Кодекснинг 92-моддасини ҳисобга олган ҳолда камайтиришга ҳам ҳақли.

336-модда. Операцияларнинг айрим турлари бўйича зарарларни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

Юридик шахснинг мол-мулк мажмуи сифатидаги корхонани устав фондида (устав капиталда) иштирок этиш улушини реализация қилишдан ёки унинг бошқача тарзда чиқиб кетишидан кўрилган зарар реализация

қилинган (чиқиб кетган) активларга айнан ўхшаш активларни реализация қилишдан (уларнинг чиқиб кетишидан) олинган даромадлар ҳисобидан компенсация қилинади.

Ишончли бошқарув шартномаси бўйича қўрилган зарарлар ишончли бошқарув муассисининг солиқ базасини белгилашда ҳисобга олинмайди. Бундай зарарлар ушбу ишончли бошқарувнинг келгусидаги даромадларига ўтказилади.

Оддий ширкат шартномасида (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномада) иштирок этишдан шерикларнинг (иштирокчиларнинг) олган зарари ишончли шахсда ушбу оддий ширкат оладиган келгуси даромадларга ўтказилади.

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан қўрилган зарарлар биргаликда аниқланади ва тадбиркорлик фаолиятдан олинган солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинмайди. Бундай зарарлар шу хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинган келгуси даромадларга ўтказилади.

Муомалада бўлмаган қимматли қоғозлар ва муддатли битимларнинг муомалада бўлмаган молиявий воситаларига доир операциялар бўйича зарарлар алоҳида аниқланади ва худди шундай операциялардан олинган даромадлар ҳисобидан ҳар бир солиқ базаси доирасида компенсация қилинади.

Солиқ тўловчи ушбу моддада назарда тутилган зарарларни улар қўрилган солиқ давридан кейинги ўн йил мобайнида келгусига ўтказишни амалга оширишга ҳақли. Бунда ушбу Кодекс 333-моддасининг олтинчи қисмида кўрсатилган чеклов бундай зарарларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**47-боб. Солиқ ставкалари. Солиқни ҳисоблаб чиқариш
ва тўлаш тартиби**

337-модда. Солиқ ставкалари

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда
1	Банклар	20
2	Қуйидаги солиқ тўловчилар: цемент (клинкер) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи; полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи; фаолиятининг асосий тури мобиль алоқа хизматларини кўрсатишдан иборат бўлган	20

3	Ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойда бўйича ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган мезонларга жавоб берувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва балиқ хўжалиги корхоналари	0
4	Ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи солиқ тўловчилар	0
5	Кўшимча манбалардан даромадлар олувчи бюджет ташкилотлари	0
6	Товарларни (ишларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда	0
7	Бозор ва савдо комплексларида хизмат кўрсатишдан олинган фойда	20
8	Товарларнинг (хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи электрон тижорат субъектларининг миллий реестрига киритилган солиқ тўловчилар	7,5
9	Ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва умумий ходимлар сонига ногиронлиги бўлган шахслар камида 50 фоизни ташкил этадиган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчилар	0
10	Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинадиган даромадлар	0
11	Дивидендлар тарзидаги даромадлар	5
12	Қолган солиқ тўловчилар, бундан 1–11-бандларда кўрсатилганлар мустасно	15

Ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар фаолиятнинг барча турлари бўйича белгиланган солиқ ставкасини қўллайдди.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар, агар ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган даромадлари жами даромаднинг 90 фоиздан кўпроғини ташкил этса, фаолиятнинг барча турлари бўйича 0 фоиз миқдорида солиқ ставкасини қўллашга ҳақлидир.

Ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 59-моддасида белгиланган мезонларга риоя этмаган тақдирда, мазкур шартларга риоя этмаганлик рўй берган солиқ даврининг бошланишидан эътиборан ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида

белгиланган солиқ ставкасини илгари ўтган солиқ даврлари учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этган ҳолда қўллайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг 8-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар, агар кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишдан олинган даромадлар жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 90 фоизини ташкил этса, 7,5 фоиз миқдоридаги солиқ ставкасини қўллашга ҳақли.

Қўшимча манбалардан даромад олувчи бюджет ташкилотлари, башарти бўшатилаётган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджет ташкилотларининг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, ўз ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли тарзда фойдаланса, 2023 йилнинг 1 январига қадар 0 фоиз миқдоридаги солиқ ставкасини қўллайди.

Ўзида ишловчиларнинг умумий ўртача йиллик сонининг 3 фоизидан кўпроғи ногиронлиги бўлган шахсларни ташкил этадиган юридик шахслар учун солиқ ставкаси ушбу моддада белгиланган нормадан ортиқча ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига солиқ ставкасининг бир фоизи ҳисобидан камайтирилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 6-бандида назарда тутилган 0 даражали фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси солиқ тўловчилар томонидан, агар товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар жами даромаднинг камида 15 фоизини ташкил этса, қўлланилади.

Товарлар экспорт қилинганда, шу жумладан товар воситачи (ишончли вакил) орқали реализация қилинганда, 0 даражали фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси солиқ тўловчилар томонидан, ушбу Кодекснинг 261-моддасида назарда тутилган товарларнинг экспортини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, қўлланилади.

Товарлар экспорт қилинганда, 0 даражали фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси солиқ тўловчилар томонидан, товарларни чет эл валютасида экспорт қилиш юзасидан даромадлар товарлар (хизматлар) экспортга чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь куни ичида келиб тушмаган тақдирда, қўлланилмайди.

Ушбу модданинг саккизинчи қисми қоидалари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- 1) рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган хом ашё товарлар экспортига;
- 2) халқаро ташишлар хизматларига, бундан автотранспортда ташишлар мустасно;
- 3) товарларни қувурлар орқали ва газ қувурлари орқали ташиш бўйича хизматларга.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасида фаолиятни амалга ошираётган айрим солиқ тўловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан оширилган солиқ ставкалари белгиланиши мумкин.

338-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

Йилнинг чораги ҳисобот давридир.

339-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби

Ҳисобот (солиқ) даврининг якунлари бўйича солиқ суммаси солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда аниқланади.

Ҳисобот даври якунлари бўйича солиқ суммаси солиқ даврининг бошидан ошиб борувчи якун билан, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ базасининг солиқ ставкасига мувофиқ бўлган фойзалардаги улуши сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 342-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда фойда солигини ёки чет давлатда тўланган даромадлардан олинган худди шундай турдаги тўланган солиқни ҳисобга ўтказиш йўли билан солиқ суммасини камайтиришга ҳақли.

Агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ ҳисоботи барча солиқ тўловчилар томонидан ҳар бир ҳисобот ва солиқ даври ўтганидан кейин солиқ бўйича ҳисобда турган жойидаги солиқ органига тақдим этилади.

Агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ ҳисоботи куйидаги муддатларда тақдим этилади:

- 1) ҳисобот даври якунлари бўйича – ҳисобот давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирмай;
- 2) солиқ даври якунлари бўйича – солиқ даври ўтгандан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай.

Бюджет ташкилотлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан солиқ бўйича солиқ ҳисоботи солиқ даври якунларига кўра тақдим этилади, бундан матлубот кооперативлари мустасно. Бунда ўтган солиқ даври якунлари бўйича жами даромад мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ ҳисоботини тақдим этиш талаб қилинмайди.

340-модда. Солиқни тўлаш тартиби

Агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқни тўлаш ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича, тегишли ҳисобот (солиқ) даври учун солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда беш миллиард сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар ушбу модданинг учинчи – олтинчи қисмига

мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловларини ҳисобот даври ҳар бир ойнинг йигирма учинчи кунидан кечиктирмай тўлайди.

Жорий солиқ даврининг биринчи чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси ўтган солиқ даврининг охириги чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнақ тўлови суммасига тенг этиб қабул қилинади.

Жорий солиқ даврининг иккинчи чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси жорий йилнинг биринчи ҳисобот даври учун солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғи суммасининг учдан бирига тенг этиб қабул қилинади.

Жорий солиқ даврининг учинчи чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси ярим йиллик яқунларига кўра солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғининг суммаси ва биринчи чорак яқунлари бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғининг суммаси ўртасидаги фарқнинг учдан бирига тенг этиб қабул қилинади.

Жорий солиқ даврининг тўртинчи чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси тўққиз ойлик яқунларига кўра солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғининг суммаси ва ярим йиллик яқунлари бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғининг суммаси ўртасидаги фарқнинг учдан бирига тенг этиб қабул қилинади.

Агар ушбу модданинг учинчи – олтинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси манфий ёки нолга тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайди.

Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташкил этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида беш миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнақ тўловларини бундай ошиб кетиш содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди.

Бўлиш ёки ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этиш натижасида янгидан ташкил этилган юридик шахс, жами даромадининг миқдоридан қатъи назар, ҳар ойлик бўнақ тўловларини, агар бўлиш ёки ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган юридик шахс солиқ бўйича ҳар ойлик бўнақ тўловларини бундай қайта ташкил этиш амалга оширилган солиқ даврида ҳисоблаб чиқарган бўлса, иккита келгуси солиқ даври мобайнида тўлайди.

Ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича ҳисобот (солиқ) даври мобайнида тўланган ҳар ойлик бўнақ тўловлари суммаси ҳисобот (солиқ) даври учун солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқни тўлаш чоғида ҳисобга олинади.

Ҳар ойлик бўнақ тўловини ҳисоблаб чиқариш солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Жами йиллик даромаднинг миқдоридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини солиқ бўйича фақат солиқ даври яқунлари юзасидан тақдим этувчи солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнақ тўловларини тўламайди.

Солиқ тўловчи тугатилганда солиқ тугатиш якунлангунига қадар тўланиши лозим.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи ҳар ойлик бўнак тўловларини ҳисоблашни рўйхатдан ўтказувчи органдан бундай ахборот олинган ойдан эътиборан тўхтатиб туради.

Фаолият тикланган ва тугатиш жараёни тўхтатилган тақдирда, ҳар ойлик бўнак тўловларини ҳисоблаш уларни ҳисоблаш тўхтатилган ойдан эътиборан тикланади.

341-модда. Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича ҳисоблаб чиқарилган бўнак тўловлари суммаларини, шунингдек солиқ суммаларини тўлашни, шундай гуруҳни тузиш тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилган жойда, мазкур суммаларни ушбу гуруҳнинг ва улар алоҳида бўлинмаларининг иштирокчилари бўйича тақсимламасдан амалга оширади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича солиқ ҳисоботи солиқ органига ушбу Кодекс 339-моддасининг бешинчи қисмида белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этилади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг қолган иштирокчилари ўзи ҳисобда турган жойдаги солиқ органига солиқ ҳисоботини тақдим этмайди.

Агар солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчилари ушбу гуруҳнинг консолидациялашган солиқ базасига киритилмайдиган даромадларни олса, улар ўзи ҳисобда турган жойдаги солиқ органларига солиқнинг фақат ушбу даромадларга нисбатан ҳисоблаб чиқарилган қисми бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича солиқ ҳисоботи шу гуруҳнинг масъул иштирокчиси томонидан солиқ ҳисоби маълумотлари ҳамда умуман солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича консолидациялашган солиқ базаси асосида фақат консолидациялашган солиқ базасига нисбатан солиқни ҳисоблаб чиқариш қисми бўйича тузилади.

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан ушбу гуруҳ фаолият кўрсата бошлаган солиқ даврининг биринчи чорагида тўланиши лозим бўлган солиқ бўйича ҳар ойлик бўнак тўловларининг суммаси шу гуруҳ барча иштирокчиларининг ушбу гуруҳ тузилишидан олдинги солиқ даврининг учинчи чорагида

тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўловлари суммаси сифатида аниқланади.

Агар солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини тузиш тўғрисидаги шартнома солиқ органи томонидан солиқ даври бошланганидан кейин рўйхатдан ўтказилган бўлса, солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчилари томонидан солиқ даври бошидан буён ўтган ҳисобот даврларининг яқунлари бўйича тўланган бўнак (жорий) тўловлари солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг бўнак жорий тўловлари солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг тегишли иштирокчиси ҳисобига ўтказилиши (қайтарилиши) лозим.

342-модда. Солиқни ҳисобга олиш

Чет давлатнинг қонун ҳужжатларига ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ ҳақиқатда тўланган (ушлаб қолинган) фойда солиғининг суммаси ёки ушбу чет давлатда олинган даромадлардан олинган айнан ўхшаш турдаги солиқ Ўзбекистон Республикасида фойда солиғини тўлаш ҳисобидан солиқ тўловчида ушбу моддада белгиланган тартибда ва миқдорларда ҳисобга олиниши лозим.

Фойда солиғи суммаси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлардан олинган айнан ўхшаш турдаги солиқни ҳисобга олиш бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

- 1) Ўзбекистон Республикасида солиқ солиниши лозим бўлган даромад бўйича;
- 2) Ўзбекистон Республикаси билан халқаро шартнома мавжуд бўлганда;
- 3) бундай солиқ тўланганлигини (ушлаб қолинганлигини) тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда.

Фойда солиғининг ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган (ушлаб қолинган), айнан ўхшаш турдаги солиқ ҳисобга олинган суммасининг миқдори солиқ тўловчи кўрсатилган даромад олиниши лозим бўлган (олинган) солиқ даври учун тўлаши лозим бўлган фойда солиғи суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Чет давлат ваколатли органининг маълумотномаси ёки солиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тўланганлиги фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фойда солиғи ёки айнан ўхшаш турдаги солиқ тўланганлигини (ушлаб қолинганлигини) тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Агар ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар чет тилида тузилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидаги таржимаси мавжуд бўлиши шарт.

**48-боб. Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентларига
тўланадиган дивидендлар ва фойзлар тарзидаги
даромадларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

**343-модда. Дивидендлар тарзидаги даромадларга
солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентига тўланадиган дивидендларга ушбу Кодекснинг 345-моддасида назарда тутилган тартибда тўлов манбаида солиқ солинади ва бундай даромадларни олувчи томонидан солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади.

Агар дивидендлар Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентига тўланса, олинган дивидендларга нисбатан тўланадиган солиқ суммаси уни олувчи томонидан олинган дивидендлар суммасидан ва ушбу Кодекс 337-моддаси биринчи қисмининг 11-бандида белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб, мустақил равишда аниқланади. Бунда дивиденд олувчилар ушбу моддага мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасини даромад манбаи жойлашган жой бўйича тўланган солиқ суммасига камайтиришга, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳақли эмас.

**344-модда. Фойз тарзидаги даромадларга солиқ солишнинг
ўзига хос хусусиятлари**

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентига тўланадиган фойзлар ушбу даромадларни олувчининг солиқ базасида ҳисобга олинади ва унга ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс томонидан нотижорат ва бюджет ташкилотларига тўланадиган фойзларга тўлов манбаида ушбу Кодекс 337-моддаси биринчи қисмининг 12-бандида белгиланган миқдордаги солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади ва бундай даромадлар олувчиларнинг солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади.

**345-модда. Солиқ агентлари томонидан дивидендлар
ва фойзлардан солиқни ҳисоблаб чиқариш,
ушлаб қолиш ҳамда тўлаш тартиби**

Дивидендлар ва фойзлар тарзида даромадлар тўловчи юридик шахслар ушбу Кодекс 343-моддасининг биринчи ва 344-моддасининг иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда солиқ агентлари деб эътироф этилади.

Солиқ агенти Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентлари деб эътироф этиладиган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга нисбатан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича алоҳида солиқ суммасини ушбу Кодекс 337-моддасининг биринчи қисми 11-бандида ёки 381-моддасида назарда тутилган солиқ ставкалари бўйича кўрсатилган даромадларни ушбу моддада белгиланган тартибда ҳар бир тўловга татбиқан белгилайди.

Дивидендлар олувчи солиқ тўловчининг даромадларидан ушлаб қолинадиган солиқ суммасини аниқлашда солиқ базаси ҳар бир олувчига нисбатан солиқ агенти томонидан шу олувчига тўғри келадиган солиқ солинадиган дивидендлар жами суммасининг улуши сифатида аниқланади. Дивидендларнинг солиқ солиниши лозим бўлган бундай жами суммаси юридик шахс томонидан барча олувчиларнинг фойдасига тақсимланиши лозим бўлган, ушбу юридик шахс томонидан жорий ҳисобот (солиқ) даврида ва ўтган ҳисоботда (солиқ даврларида) олинган дивидендларни дивидендларни олувчилар фойдасига тақсимлаш санасидаги дивидендлар умумий суммасига камайтирилган дивидендларнинг умумий суммаси сифатида аниқланади. Бунда тақсимланадиган дивидендларнинг умумий суммасини ушбу юридик шахс томонидан олинган дивидендлар суммасига камайтириш, башарти ушбу олинган дивидендлар суммаси аввал ушбу юридик шахснинг дивидендлар тарзида олинган даромадларига нисбатан солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинмаган бўлса, амалга оширилади.

Солиқ агенти ушбу Кодекс 344-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган фоиз тарзидаги даромадларга нисбатан солиқ суммасини, ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган тартибга айнан ўхшаш тартибда аниқлайди.

Дивидендлар ва фоизлардан олинадиган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи ўзининг солиқ ҳисобига олинган жойидаги солиқ органига дивидендлар ва фоизлар ҳисобланган ойдан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирмай солиқ агентлари томонидан тақдим этилади.

Солиқ суммаси дивидендларни ва фоизларни тўлаш муддатидан кечиктирмай бюджетга тўланади.

Солиқ агенти дивидендлар ва фоизларни олувчининг талабига кўра, ушбу шахсга солиқ даври учун даромад суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги маълумотнома тақдим этиши шарт.

346-модда. Солиқ агентининг жавобгарлиги

Солиқ суммаси тўлов манбаида ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агенти солиқнинг ушлаб қолинмаган суммасини ва у билан боғлиқ пеня суммасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга киритиши шарт.

49-боб. Фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидентларнинг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

347-модда. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаш

Фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидентнинг даромадларидан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ушбу бобда назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу Кодекснинг 43 – 47-бобларида белгиланган тартибда мазкур норезидент томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Бажарилиши мазкур бобда назарда тутилган, фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент бўлган солиқ тўловчининг мажбуриятлари унинг доимий муассасасига юклатилиши мумкин. Бунда доимий муассаса солиқ тўловчининг барча ҳуқуқларига эга бўлади.

Доимий муассасанинг жами даромадини бундай доимий муассасанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга ошириш бошланган санадан эътиборан олинган даромадларнинг қуйидаги турлари ташкил этади:

1) норезидент томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятини ўзининг доимий муассасаси орқали амалга ошириш натижасида олинган даромадлар;

2) норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва (ёки) уни тасарруф қилишдан олган даромадлари;

3) норезидентнинг даромадлари, шу жумладан унинг бошқа давлатлардаги тузилмавий бўлинмаларининг Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган мазкур юридик шахснинг доимий муассасаси орқали амалга ошириладиган фаолиятга айнан ўхшаш ёки бир хил фаолиятни амалга оширишдан оладиган даромадлари;

4) ушбу Кодекснинг 351-моддасида кўрсатилган Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган доимий муассасага тегишли бошқа даромадлар;

5) бундай доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар.

Агар норезидент Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ҳам ўзининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси билан биргаликда бажариладиган битта лойиҳа ёки алоқадор лойиҳалар доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, агар норезидент худди шундай ёки айнан ўхшаш фаолият билан худди шундай ёки айнан ўхшаш шароитлардаги фаолиятда банд бўлган яқка ва алоҳида шахс бўлганида ҳамда ўзи доимий муассасаси бўлган норезидентдан мустақил равишда фаолият кўрсатганида олиши мумкин бўлган даромад бундай доимий муассасанинг даромади деб ҳисобланади.

Агар норезидентнинг доимий муассасаси томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарларни (хизматларни) норезидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бошқа таркибий бўлинмаси реализация қилса, агар у худди шундай ёки айнан ўхшаш фаолият билан худди шундай ёки айнан ўхшаш шароитлардаги фаолиятда банд бўлган якка ва алоҳида шахс бўлганида ҳамда ўзи доимий муассасаси бўлган норезидентдан мустақил равишда фаолият кўрсатганида олиши мумкин бўлган даромад бундай доимий муассасанинг даромади деб эътироф этилади.

Агар норезидент Ўзбекистон Республикасида учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, доимий муассаса шаклланишига олиб келадиган тайёргарлик ва (ёки) ёрдамчи турдаги фаолиятни амалга оширса ва бунда шундай фаолиятга нисбатан ҳақ олиш назарда тутилмаган бўлса, солиқ солинадиган база ушбу доимий муассасанинг бундай фаолият билан боғлиқ харажатлари суммасининг 20 фоизи миқдорида белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси норезиденти доимий муассасасининг шундай норезидентнинг бош офиси ёки бошқа тузилмавий бўлинмалари олдидаги мажбуриятлари бўйича юзага келадиган курсга оид фарқлар Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси даромадлари (харажатлари) жумласига киритилмайди.

Агар норезидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолияти доимий муассаса шаклланишига олиб келадиган биттадан ортиқ муассасаси бўлса, солиқ солинадиган база ва солиқ суммаси ҳар бир муассаса учун алоҳида ҳисобланади.

348-модда. Чегириб ташланадиган харажатларни аниқлаш

Солиқ базасини аниқлаш чоғида Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятдан доимий муассаса орқали солиқ солинадиган даромадлар олиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар, улар Ўзбекистон Республикасида ёки унинг ҳудудидан ташқарида қилинганидан қатъи назар, доимий муассасанинг чегирмалари жумласига киритилади, бундан ушбу Кодексга мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига ўзининг доимий муассасаси томонидан тўланадиган қуйидаги кўринишдаги суммалар ҳам чегирилмайди:

1) ушбу норезидентнинг мулкидан ёки интеллектуал мулкидан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун роялти, гонорарлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар;

2) ушбу норезидент томонидан доимий муассасага кўрсатилган хизматлар учун харажатлар;

3) ушбу норезидент томонидан доимий муассасага берилган заёмлар бўйича пул мукофотлари;

4) ушбу норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси орқали фаолиятидан даромадлар олиш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар;

5) ушбу норезидентнинг мазкур модданинг тўртинчи қисмида белгиланган, Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатлари.

Агар қўлланиладиган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси қоидаларига кўра Ўзбекистон Республикаси норезиденти доимий муассасасининг солиқ солинадиган даромадини аниқлашда шу норезидентнинг бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатларини чегириб ташлашга йўл қўйилса, бундай харажатлар суммаси шундай норезидент томонидан ўз танловига биноан қуйидаги усуллардан бири бўйича аниқланади:

- 1) харажатларни мутаносиб равишда тақсимлаш усули;
- 2) харажатларни чегирмаларга бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усули.

Ушбу модда учинчи қисмининг мақсадида ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқарув ва бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатлар деб эътироф этилади. Бунда ушбу норезидентнинг бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатлари жумласига қуйидагилар киритилмайди:

- 1) норезидентнинг бевосита доимий муассасаси томонидан Ўзбекистон Республикасида ёки норезидентнинг ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Республикасида ушбу Кодексга мувофиқ чегирмалар жумласига киритиладиган бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатлари;

- 2) норезидентнинг бевосита ваколатхонаси ёки доимий муассасалари томонидан бошқа давлатларда қилинган, Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган доимий муассасасининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатлари;

- 3) Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган доимий муассасанинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатлар.

Норезидент ҳисобот (солиқ) даври мобайнида ўз танловига кўра бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатларни солиқ ҳисоботига иловада кўрсатиладиган доимий муассасанинг чегирмаларига киритиш усулларидан фақат биттасини қўллайди.

Норезидентнинг бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатлари Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасанинг чегирмаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда киритилади.

349-модда. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби

Доимий муассасалар орқали фаолият юритадиган норезидентлар солиқ ҳисоботини солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги солиқ органига ушбу Кодекс 339-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда тақдим этади.

Доимий муассаса орқали фаолият юритадиган норезидентлар солиқ даврининг якунларига кўра солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун назарда тутилган муддатларда, солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги солиқ органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳам (ихтиёрий шаклда) тақдим этади.

Доимий муассасанинг фаолияти солиқ даври тугагунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ бўйича солиқ ҳисоботи ва Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот фаолият тугатилганидан кейин бир ойдан кечиктирмай тақдим этилиши керак.

Солиқни тўлаш ушбу Кодекснинг 340-моддасида назарда тутилган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.

Норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассаса орқали фаолиятини тугатганда солиқ бундай фаолият тугагунига қадар тўланади.

350-модда. Солиқ агенти томонидан ушлаб қолинган солиқни ҳисобга олиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан доимий муассаса белгиларига жавоб берадиган фаолиятдан, доимий муассаса сифатида солиқ органида ҳисобга қўйишга қадар олинган даромадларга ушбу Кодекснинг 50-бобида белгиланган тартибда солиқ агентидан солиқ солиниши лозим. Бунда солиқ агенти томонидан ушлаб қолинган солиқ норезидент солиқ органида доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилганидан кейин солиқ мажбуриятларини қоплаш ҳисобига ҳисобга олиниши лозим.

Мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳисобга олиш солиқ агенти томонидан солиқ ушлаб қолинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

50-боб. Норезидентларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

351-модда. Умумий қоидалар

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган ва доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан олинган солиқ норезидентга даромад тўловчи солиқ агенти томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ушлаб қолинади. Солиқнинг ушлаб қолиниши солиқ тўловчининг даромадларидан бундай даромадларнинг ҳар бир тўлови пайтида амалга оширилади.

Бундай даромадлар жумласига, хусусан, қуйидагилар кирди:

1) Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларидан олинган дивидендлар;

2) Ўзбекистон Республикасининг қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар, шу жумладан чиқариш ва муомалада бўлиш шартларида фоизлар кўринишидаги даромадларни олиш назарда тутилган давлат қимматли қоғозлари. Бунда Ўзбекистон Республикасининг давлат облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг халқаро облигациялари бўйича даромадларга солиқ солинмайди;

3) Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларидан ва яқка тартибдаги тадбиркорларидан олинган ҳар қандай турдаги қарз мажбуриятлари (шунингдек фойдада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи облигациялар ва конвертация қилинадиган облигациялар) бўйича фоизлар;

4) ҳар қандай номоддий активдан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун роялти;

5) қуйидагилар реализация қилинганда олинадиган даромадлар:

а) акциялар (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган акциялар мустасно), Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши (пайлар);

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўчмас мулк;

в) мулк мажмуаси сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхона;

г) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган инвестиция пай фондларининг инвестиция пайлари.

Бундай даромадларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу Кодекснинг 356-моддасида белгиланади;

б) норезидентга тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси резиденти орқали ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш доирасида топширик шартномаси ва бошқа айнан ўхшаш фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида сотиладиган товарларни реализация қилишдан олинган даромадлар.

Ушбу бандда кўрсатилган даромадлар ҳужжатлар билан тасдиқланган, норезидент томонидан реализация қилинган товар учун олинадиган сумманинг уни олишдан ошган қисми сифатида белгиланади. Товарларни сотиб олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, солиқни ушлаб қолиш норезидент томонидан олинадиган барча суммадан амалга оширилади;

7) Ўзбекистон Республикасида юзага келадиган таваккалчиликларни суғурталаш, биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномалари бўйича тўланадиган суғурта муқофотлари;

8) Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан халқаро алоқа учун симли ўтказгич, радио-оптик ёки бошқа электромагнит тизимлар орқали белгилар, сигналлар, матнлар, тасвирлар, товушларни узатиш, қабул

қилиш ва қайта ишлаш учун тўловни назарда тутувчи телекоммуникация хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар;

9) халқаро ташиш, шу жумладан юкларни юклаш, қайта юклаш, тушириш ва жойлаш учун ташиш шартномаси шартларида назарда тутилган тўлов бўйича хизматлар.

Халқаро ташиш деганда йўловчиларни, юкларни, товарларни, шу жумладан почтани дарё ёки ҳаво кемалари, автомобиль ёки темир йўл транспорти орқали, давлатлардан бири Ўзбекистон Республикаси бўлган турли давлатларда жойлашган пунктлар ўртасида амалга ошириладиган ҳар қандай ташиш тушунилади.

Ушбу банднинг мақсади учун фақат Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган пунктлар ўртасида, шунингдек фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасида амалга ошириладиган ташиш халқаро ташиш деб эътироф этилмайди;

10) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага ва иккиламчи ижарага бериш, шу жумладан лизинг операцияларидан олинган даромадлар, дарё, ҳаво кемаларини ва (ёки) бошқа транспорт воситаларини, шунингдек контейнерларни ижарага ёки қўшимча ижарага беришдан олинган даромадлар;

11) халқаро ташишларда ва Ўзбекистон Республикаси ичида ташишларда транспорт-экспедиторлик хизматлари.

Бунда юк юборувчидан (юк олувчидан) олинган сумма ва юк ташувчининг тегишли бирламчи ҳужжатлари билан тасдиқланган, юк ташувчига тўланиши лозим бўлган сумма ўртасидаги фарк сифатида ҳисобланган мукофот суммаси солиқ солиниши лозим бўлган даромаддир. Юк ташувчининг тегишли бирламчи ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг норезидентига ушбу Кодекс 353-моддасининг 3-бандида белгиланган солиқ ставкалари бўйича тўланган барча суммага солиқ солиниши лозим;

12) шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жарималар, пенялар ва бошқа тўловлар;

13) беғараз олинган мол-мулк, хизматлар. Беғараз олинган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ушбу Кодекснинг 299-моддасида назарда тутилган тартибда белгиланади;

14) Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентига ёки фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент бўлган юридик шахсга қарзни талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечишдан олинган даромад.

Бунда шундай даромаднинг миқдори норезидентнинг бирламчи ҳужжатларига мувофиқ, қайси талаб қилиш ҳуқуқи бўйича воз кечиш амалга оширилган бўлса, ўша талаб қилиш ҳуқуқининг қиймати ва талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш санасида қарздордан олиниши лозим бўлган талаб қилиш қиймати ўртасидаги ижобий фарк сифатида белгиланади;

15) Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентидан ёки Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент бўлган юридик шахсдан қарзни талаб қилиш ҳуқуқини олиш чоғида талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечишдан олинган даромад.

Бунда шундай даромаднинг миқдори асосий қарзнинг талабига кўра қарздордан олиниши лозим бўлган сумма, шу жумладан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш санасидаги асосий қарздан ортиқ бўлган сумма ва талаб қилиш ҳуқуқини олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади;

16) серверга ахборот жойлаштириш ва унга техник хизмат кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диск майдони ва (ёки) алоқа каналини тақдим этишдан олинган даромадлар;

17) бошқарувга оид, техник ёки маслаҳат хусусиятига эга хизматлар учун тўлов сифатида белгиланган техник хизматлардан олинган даромадлар;

18) норезидент томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизматлар кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар.

Қуйидагилар норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидаги манбаларидан олинган даромадлар жумласига кирмайди:

1) фақат ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи шахс номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилган ҳамда фақат Ўзбекистон Республикасида товар сотиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар олиб кириш билан боғлиқ ташқи савдо операцияларидан олинган даромадлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб кириш билан боғлиқ операцияларга нисбатан ушбу қоида қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда импорт божхона тартиб-таомилига жойлаштирилганда қўлланилади:

а) товарни етказиб бериш ушбу шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сақлаш жойларидан (шу жумладан божхона омборларидан) амалга оширилмаса;

б) товар чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси орқали сотилмаса.

Агар ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилмаган бўлса, ушбу шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятига тааллуқли даромадларининг бир қисми товарни реализация қилиш чоғида Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромад деб эътироф этилади.

Агар норезидент томонидан монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш хизматлари, ходимларни ўқитиш хизматлари ва бошқа шу каби хизматлар кўрсатилишини назарда тутувчи асбоб-ускуналар (қурилмалар, механизмлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар) сотиб олиш (сотиш) бўйича халқаро шартномада (контрактда) кўрсатиладиган хизматлар қиймати алоҳида кўрсатилмаган бўлса, норезидентнинг солиқ солинадиган даромади

бундай асбоб-ускуналар (қурилмалар, механизмлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар) қийматининг 20 фоизига тенг деб қабул қилинади. Худди шундай қоидалар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидент вакилларининг ташқи савдо шартномаси (контракти) бўйича асбоб-ускуналарни монтаж қилиш, ўрнатиш ёки ишга тушириш-созлаш пайтида ҳақиқатдан мавжуд бўлган тақдирда, ҳаттоки ушбу шартномада (контрактда) норезидентлар томонидан монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш, улар томонидан ходимларни ўқитиш хизматларини ва бошқа шу каби хизматларни кўрсатиш назарда тутилмаган бўлса ҳам, қўлланилади;

2) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар, бундан мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар мустасно.

Хизмат кўрсатиш бўйича контрактда норезидент томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам хизматлар кўрсатилишини назарда тутувчи қоидалар мавжуд бўлганда, ушбу моддада белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби хизматларнинг ҳар бир тури учун алоҳида-алоҳида қўлланилади. Норезидент томонидан ягона ишлаб чиқариш-технологик цикл доирасида хизмат кўрсатишнинг ҳар бир босқичи норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида солиқни ушлаб қолиш мақсадида хизматларнинг алоҳида тури сифатида кўриб чиқилади. Бунда контракт бўйича норезидент даромадларининг умумий суммаси Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида хизматлар кўрсатишдан олинган даромадларга асосланган тарзда тақсимланган бўлиши керак.

Ушбу модданинг тўртинчи қисми қоидаларини қўллаш мақсадида норезидент хизмат олувчига норезидентнинг умумий даромад суммаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар ва унинг ташқарисида хизмат кўрсатишдан олинган даромадларга тақсимланганлигини тасдиқловчи, Ўзбекистон Республиканинг қонун ҳужжатларига ва (ёки) чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган, норезидент томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини тақдим этиши шарт. Бундай тақсимланиш мавжуд бўлмаганда, ҳам Ўзбекистон Республикасида, ҳам унинг ташқарисида хизмат кўрсатишдан норезидентга тўланадиган даромаднинг бутун суммасига солиқ солиниши лозим.

352-модда. Солиқ агентлари деб эътироф этиладиган шахслар

Қуйидагилар солиқ агентлари деб эътироф этилади:

- 1) юридик шахслар, шу жумладан солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчилари;
- 2) яқка тартибдаги тадбиркорлар;

3) фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга оширувчи норезидентлар;

4) норезидент бўлган юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари;

5) ушбу Кодекс 351-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандида кўрсатилган мол-мулкни олувчи жисмоний шахслар ва Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмалари, бундан ушбу қисмининг 3-бандида кўрсатилганлар мустасно.

353-модда. Солиқ ставкалари

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

№	Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкалари, фоизларда
1	Дивидендлар ва фоизлар	10
2	Суғурта, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари	10
3	Халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишлар (фрахтдан олинган даромадлар)	6
4	Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб этилган кредитлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси банклари ва лизинг берувчилари томонидан чет эл молия институтларига тўланадиган даромадлар	0
5	Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда улар юзасидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, шунингдек халқаро тўлов карточкалари воситасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар	0
6	Бошқа даромадлар, бундан 1–5-бандларда кўрсатилган даромадлар мустасно	20

354-модда. Солиқ агентлари томонидан солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Солиқ базаси солиқ тўловчига ҳар бир даромадни тўлаш чоғида солиқ агенти томонидан алоҳида аниқланади.

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига солинадиган солиқ суммаси ушбу Кодекснинг 356-моддасида назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ базасининг солиқ ставкасига мувофиқ бўлган фоиздаги улуши сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ суммаси Ўзбекистон Республикасининг норезидентига даромадни тўлаш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада, ушбу Кодекснинг 356-моддасида назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва тўланади.

Норезидентларга тўланадиган даромадлардан олинадиган солиқ суммасини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш солиқ агенти томонидан даромадларнинг барча турлари бўйича амалга оширилади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно, агар:

1) солиқ агенти норезидент томонидан тўланадиган даромад норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасасига тааллуқли эканлиги ва солиқ агентининг ихтиёрида норезидент солиқ органида норезидентнинг доимий муассасаси сифатида ҳисобда турганлиги тўғрисида солиқ органи томонидан тасдиқланган маълумотнома борлиги ҳақида хабардор қилинган бўлса;

2) норезидентга тўланадиган даромадга нисбатан ушбу Кодекснинг 353-моддасида 0 фоизли солиқ ставкаси назарда тутилган бўлса;

3) маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларни бажаришда олинган даромадлар тўланадиган бўлса, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бундай даромадларни солиқ солишдан озод этиш назарда тутилган бўлса;

4) Ўзбекистон Республикасининг қўлланиладиган халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида солиқ солинмайдиган даромадлар тўланадиган бўлса, башарти тегишли даромадни олиш учун ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган норезидент томонидан солиқ агентига ушбу Кодекснинг 358-моддасида назарда тутилган тасдиқнома тақдим этилган бўлса.

Норезидентга Ўзбекистон Республикасининг қўлланиладиган халқаро шартномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида камайтирилган солиқ ставкалари бўйича солиқ солинадиган даромадлар тўланган тақдирда, даромадлардан солиқ суммасини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш норезидент томонидан солиқ агентига ушбу Кодекснинг 358-моддасида назарда тутилган тасдиқнома тақдим этилиши шarti билан тегишли камайтирилган солиқ ставкалари бўйича амалга оширилади. Ушбу қисм қоидалари мазкур Кодекснинг 6-моддаси қоидалари ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

Даромадни тўлаш деганда, норезидентга бундай тўлаш амалга ошириладиган жойидан қатъи назар, қуйидагилар тушунилади, хусусан:

1) нақд пул ва (ёки) нақд пулсиз шаклда пулларни, қимматли қоғозларни, иштирок этиш улушини, товарларни, мол-мулкни бериш;

2) Ўзбекистон Республикаси норезидентининг даромадларига нисбатан тузиладиган битимлар (воз кечиш ҳақи, бир турдаги қарама-қарши талабномани ҳисобга ўтказиш, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш чоғида ҳисобга ўтказиш, новация, қарздан кечиб юбориш);

3) бажаришнинг имкони бўлмаганлиги ёки қарздор ва кредитор айти бир шахс эканлиги туфайли даромадни тўлаш мажбуриятининг тугаши.

Агар даромад пулсиз шаклда ёки ўзаро ҳисобга ўтказишлар орқали тўланса, шунингдек агар ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси норезидентнинг пул шаклида олинадиган даромади суммасидан ортиқ бўлса, агар ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ агенти солиқни норезидентнинг пулсиз шаклда олинадиган даромадини тегишли тарзда ҳисоблаб чиқарилган суммада бюджетга тўлаши шарт.

Норезидентнинг даромадларига солиқ солиш мазкур норезидент томонидан ўз даромадларини учинчи шахсларнинг, бошқа давлатлардаги ўз бўлинмаларининг фойдасига ва бошқа мақсадларда тасарруф этишдан қатъи назар, амалга оширилади.

Суғурта мукофотларидан олинган даромадлар бўйича солиқларнинг тўланган суммалари суғурта ҳодисалари юзага келганда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Суғурта ҳодисаси юзага келганда суғурта тўловлари ўзидан солиқ агенти томонидан солиқ ушлаб қолинган ва тўланган суғурталовчи бўлган норезидентнинг даромадларини камайтириш учун ҳисобга ўтказишга қабул қилинади. Мазкур қайта ҳисоблаш норезидентга даромадни тўлаган ва даромадни тўлаш чоғида солиқни ушлаб қолган солиқ агенти томонидан амалга оширилиши мумкин.

Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидалари ғайриқонуний равишда қўлланилганда, бу солиқнинг ушлаб қолинмаслигига ёки тўлиқ ушлаб қолинмаслигига сабаб бўлса, солиқ агенти ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ва тегишли пеня суммасини бюджетга киритиши шарт.

Солиқ агенти томонидан ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ норезидентнинг даромадларидан ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ўз маблағлари ҳисобидан уни ушлаб қолмаган ҳолда тўланган тақдирда, солиқ агентининг солиқни ушлаб қолиш ва ўтказиш бўйича мажбурияти бажарилган деб эътироф этилади.

355-модда. Солиқ агентлари томонидан солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва уни тўлаш тартиби

Норезидентларнинг даромадларидан олинадиган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботи солиқ агенти томонидан ўзи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги солиқ органига даромадлар тўланган ойдан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Агар ушбу Кодекснинг 356-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, норезидентларнинг даромадларидан ҳисоблаб чиқарилган ва ушлаб қолинган солиқ суммаси солиқ агенти томонидан бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

1) банклар томонидан, бундан дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадлар мустасно, – даромадларни тўлаш амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмай;

2) қолганлар томонидан, – норезидентга даромадлар тўланган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай.

**356-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг
мол-мулкни реализация қилишдан олинган
даромадларига солиқ солишнинг
ўзига хос хусусиятлари**

Агар ушбу Кодекснинг 351-моддаси иккинчи қисми 5-бандида кўрсатилган устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар, улушлар (пайлар), кўчмас мулк, мол-мулк мажмуаси тарзидаги корхоналар, пайли инвестиция фондлари инвестиция пайлари (бундан буён ушбу моддада мол-мулк деб юритилади) норезидент бўлган бир юридик шахс томонидан норезидент бўлган бошқа юридик шахсга ёки норезидент бўлган жисмоний шахсга ёхуд Ўзбекистон Республикаси резидентига реализация қилинган бўлса, ушбу модда қоидалари қўлланилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги чет эл тузилмаларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Кодекснинг 351-моддаси иккинчи қисми 5-бандида кўрсатилган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мол-мулкни реализация қилиш суммасининг уни ҳужжатлар билан тасдиқланадиган сотиб олиш қийматидан ошган суммаси сифатида аниқланади. Мол-мулкни сотиб олиш қийматини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, солиқ агенти томонидан солиқни ушлаб қолиш мол-мулкни реализация қилиш қийматидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Мол-мулкни реализация қилувчи норезидент солиқ агентига мол-мулкни сотиб олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (улар мавжуд бўлган тақдирда) кўчирма нусхаларини тақдим этиши шарт. Солиқ агенти тақдим этилган ҳужжатлар асосида ушбу Кодекс 351-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандига мувофиқ аниқланадиган солиқ базасидан ҳамда ушбу Кодекснинг 353-моддасида белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда солиқ суммасини ҳисоблаб чиқаради ва ушлаб қолади.

Солиқ агенти сотиб олинаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказгунига (расмийлаштиргунига) қадар норезидентнинг мол-мулкни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича Ўзбекистон

Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги солиқнинг ҳисоб-китобини қуйидагиларни реализация қилиш чоғида мустақил равишда ёки ваколатли шахс орқали тақдим этиши шарт:

1) Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушни (пайни) реализация қилишда – мазкур юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига;

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган кўчмас мулкни реализация қилишда – кўчмас мулк турган жойдаги солиқ органига;

3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мол-мулк мажмуаси тарзидаги корхонани реализация қилишда – мазкур корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган пайли инвестиция фондларининг инвестиция пайларини реализация қилишда – ишончли бошқарувчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига.

Норезидентнинг мол-мулкни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича солиқ ҳисоботи норезидент даромадни оладиган валютада тузилади. Солиқ ҳисоботига мол-мулк олди-сотди шартномасининг кўчирма нусхаси ҳамда сотувчи томонидан тақдим этилган, мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (мавжуд бўлган тақдирда) кўчирма нусхалари илова қилинади. Агар мол-мулкни сотиб олиш қиймати солиқ ҳисоботи тузиладиган валютада ифодаланмаган бўлса, мазкур қиймат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мол-мулкни сотиб олиш санасидаги курси бўйича солиқ ҳисоботи тузилаётган валютага қайта ҳисоблаб чиқарилади. Солиқ органлари солиқ ҳисоб-китоби тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш куни ичида солиқ агенти ёки унинг ваколатли шахси номига солиқ суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг солиқ ҳисоботини тақдим этиш санасидаги курси бўйича миллий валютадаги солиқ суммасини кўрсатган ҳолда тўлов хабарномасини ёхуд норезидент томонидан реализация қилинган мол-мулкдан олинган солиқ бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани ёзиб беради.

Солиқ сотиб олинган мол-мулкка бўлган мулк ҳукуки рўйхатдан ўтказилгунига (расмийлаштирилгунига) қадар бюджетга тўланиши лозим.

Солиқ органи солиқ тўланганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган санадан эътиборан бир иш куни ичида солиқ агентига ёки унинг ваколатли шахсига солиқ тўланганлиги ёхуд солиқ бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотнома беради, маълумотнома олинган мол-мулкка бўлган мулк ҳукуқини рўйхатдан ўтказувчи (расмийлаштирувчи) органга тақдим этилади.

Олинадиган мол-мулкка бўлган мулк ҳукуқини рўйхатдан ўтказувчи (расмийлаштирувчи) органлар солиқ органининг маълумотномаси тақдим

этилган тақдирдагина мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишни (расмийлаштиришни) амалга оширади.

Ушбу модда учинчи – тўққизинчи қисмларининг қоидалари акцияларни ва инвестиция пайларини Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозларининг биржадаги ва биржадан ташқари уюшган бозорларида реализация қилиш чоғида қўлланилмайди.

Акциялар ва инвестиция пайлари қимматли қоғозларнинг биржадаги ва биржадан ташқари уюшган бозорида реализация қилинганда Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлари бозоридаги ҳисоб-китоб – клиринг палатаси солиқ агенти деб эътироф этилади.

Солиқ агенти акцияларнинг ва инвестиция пайларининг тузилган олди-сотди битимлари бўйича савдолар яқунлари реестри асосида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш вақтида реализация қилинган акциялар (инвестиция пайлари) қийматидан ва ушбу Кодекснинг 353-моддасида белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда сотувчининг пул маблағларидан солиқни ушлаб қолади.

Солиқ суммаси пул маблағларини акциялар ва инвестиция пайлари қийматини тўлаш ҳисобига бир вақтнинг ўзида сотувчининг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилган ҳолда тўлов валютасида бюджетга тўланади. Солиқ агенти акциялар ва инвестиция пайлари сотувчисининг талабига кўра битим ва ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақида маълумотнома бериши шарт.

Солиқ агенти солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларида ўзи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги солиқ органига солиқ ушлаб қолинган акциялар ва инвестиция пайларининг олди-сотдисида доир битимларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича реестрини тақдим этади.

Акциялар ва инвестиция пайларини сотиб олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, сотувчи солиқ агенти солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига ортиқча тўланган солиқни қайтариш тўғрисида ариза тақдим этиш ҳуқуқига эга. Аризага акцияларни ва инвестиция пайларини реализация қилиш ва сотиб олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ҳамда солиқ агенти томонидан берилган битим ва ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақидаги маълумотноманинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Норезидентларнинг даромадлари бўйича ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

357-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича солиқ солишдан озод қилишнинг ёки пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси (битими) қоидаларини қўллашнинг ушбу моддада белгиланган тартиби норезидентнинг ушбу Кодекснинг 351-моддасида назарда тутилган даромадларига нисбатан татбиқ этилади.

Солиқ агенти солиқ солишдан озод қилишни ёки пасайтирилган солиқ ставкасини, агар даромад олувчи норезидент Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси тузилган давлатнинг солиқ резиденти бўлса, мустақил равишда қўллаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари даромад олувчи томонидан солиқ агентига солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат даромадни тўлаш санасидан кечиктирмай тақдим этилиши шарти билан қўлланилади.

Даромадлар норезидентга дивидендлар, фоизлар ва (ёки) роялти тарзида тўланганда, башарти норезидент ушбу даромадларга бўлган ҳуқуққа ҳақиқатда эга бўлса, солиқ агенти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ва ушбу Кодекснинг 6-моддасида белгиланган қоидаларда назарда тутилган солиқ солишдан озод қилишни ёки пасайтирилган солиқ ставкасини қўллайди. Солиқ агенти норезидентдан ушбу норезидент тегишли даромадни олишга бўлган ҳуқуққа ҳақиқатда эга эканлиги тасдиқномасини сўраб олишга ҳақли.

Даромадларни олиш учун ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлган норезидентга ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган даромадларни воситачи орқали тўлашда солиқ агенти даромаднинг бундай ҳақиқий олувчиси резиденти бўлган давлат билан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган солиқ солишдан озод қилишни ёки норезидент томонидан даромадларни тўлашга асос бўладиган кўшимча шартнома (контракт) ва бошқа ҳужжатлар воситачи орқали ҳақиқий олувчи бўлган ҳар бир шахс бўйича даромад суммаси акс эттирилганда унинг пасайтирилган ставкасини қўллашга ҳақли. Бундай ҳужжатлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1) жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исмини (агар улар шахсини тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган бўлса) ёки юридик шахснинг номини;

2) резидентлик мамлақатида солиқ рўйхатидан ўтказилган рақамини ёки шунга монанд ҳужжат рақамини (мавжуд бўлган тақдирда);

3) резидентлик мамлақатида давлат рўйхатидан ўтказилган рақамини (ёки шунга монанд ҳужжат рақамини).

Солиқ агенти томонидан ортиқча ушлаб қолинган солиқ бюджетга тўланган тақдирда, даромаднинг ҳақиқий олувчиси Ўзбекистон

Республикасининг халқаро шартномаси қоидаларига мувофиқ уни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Ортиқча ушлаб қолинган солиқни норезидентга қайтариш ушбу Кодекснинг 12-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Норезидент томонидан битта ёки алоқадор лойиҳалар доирасида хизматлар кўрсатишдан даромад олинган тақдирда, мазкур солиқ агенти учун ушбу моддани қўллаш мақсадида солиқ агенти норезидент томонидан доимий муассаса ташкил этилганлиги фактини аниқлайди, шу жумладан хизматлар кўрсатиш шартномаси (контракти) асосида аниқлайди. Норезидент томонидан Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса тузилганлиги факти аниқланган тақдирда, солиқ органи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидаларини норезидентларнинг даромадларини солиқ солишдан озод этиш қисми бўйича қўллашга ҳақли эмас.

Солиқ агенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилмаган тақдирда, солиқ агенти ушбу Кодексда белгиланган тартибда ва муддатларда тўлов манбаидан солиқни ушлаб қолиши ҳамда ўтказиши шарт.

358-модда. Солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатга қўйиладиган талаблар

Норезидент бўлган даромад олувчи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси тузилган давлатнинг резиденти эканлигини тасдиқлайдиган, қуйидаги турлардан бирида тақдим этилган расмий ҳужжат ушбу бўлим қоидаларини қўллаш мақсадида солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатдир:

1) норезидент резиденти бўлган чет давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган асл нусха. Бунда шундай ҳужжатни бериш консуллик легаллаштириш амалга оширилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда апостиль қўйилган ҳолда бажарилади;

2) ушбу модданинг 1-банди талабларига мувофиқ бўлган ҳужжат асл нусхасининг нотариал тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси;

3) чет давлат ваколатли органининг интернет-ресурсида жойлаштирилган, солиқ резидентлигини тасдиқловчи электрон ҳужжатнинг қоғоздаги нусхаси.

Солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартнома мавжуд бўлган давлатда чет эл банклари ва халқаро банклараро телекоммуникация тузилмаларига чет эл банкининг ёки халқаро банклараро телекоммуникация тизимининг доимий турган жойи фактини тасдиқлаш, агар бундай турган жой ҳамма фойдалана оладиган ахборот манбаларидаги маълумотлар билан тасдиқланса, талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда легаллаштириш қуйидаги ҳолларда талаб қилинмайди, агар:

1) солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат чет давлат ваколатли органининг интернет-ресурсида жойлаштирилган бўлса;

2) ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахс (шахслар) имзосининг ва муҳрининг ҳақиқийлигини тасдиқлашнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, яъни:

а) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси билан;

б) ўзаро келишиб олиш тартиб-таомили доирасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ва чет давлатнинг ваколатли органи ўртасида белгиланган бўлса.

Норезидентнинг солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси халқаро шартнома тузган давлатнинг солиқ резиденти деб норезидент эътироф этилади.

Агар солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатда солиқ резидентлиги даври кўрсатилмаган бўлса, бундай ҳужжат берилган (чет давлат ваколатли органининг интернет-ресурсида жойлаштирилган) календарь йил мобайнида норезидент Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузган давлатнинг солиқ резиденти деб эътироф этилади.

51-боб. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

359-модда. Солиқ солинадиган даромадларни ва чегириладиган харажатларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ даврида якка тартибдаги тадбиркорлар, агар мазкур Кодекснинг ушбу моддасида ва 360-моддасининг саккизинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда солиқ солинадиган даромадларнинг ва чегириладиган харажатларнинг ҳисобини юритиши шарт.

Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида солиқ солинадиган даромадларнинг ҳамда амалга оширилган товар операцияларининг ҳисобини юритиши шарт.

Қуйидагилар солиқ солинадиган даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларидир:

1) чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ солинадиган даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш китоби;

2) товар чеклари китоби.

Солиқ солинадиган даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ солинадиган даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси асосида якка тартибдаги тадбиркор солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Солиқ солинадиган даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорда охириги ёзув киритилган пайтдан эътиборан беш йил мобайнида сақланади ҳамда уларга рақамлар қўйилган, ип ўтказиб боғланган ва тегишли солиқ органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

360-модда. Солиқ солиш объектини ва солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ солиш объекти ва солиқ базаси ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, мазкур Кодекснинг 295 ва 296-моддаларида назарда тутилган тартибда аниқланади.

Жами даромад якка тартибдаги тадбиркор томонидан тадбиркорлик фаолияти доирасида олинган даромадлардан иборат бўлади.

Жисмоний шахс ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузишда, агар бу битимларни тузиш вазиятининг ўзидан аниқ келиб чиқмаса, у якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритаётганлигини кўрсатиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг жами даромадидан солиқ базасини аниқлашда, агар ушбу модданинг бешинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур Кодекснинг 44-бобига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлардан ташқари солиқ солинадиган даромаднинг олиниши билан боғлиқ барча харажатлар чегириб ташланади.

Амортизация қилинадиган активлар бўйича амортизация ажратмалари активдан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган тақдирда ва тадбиркорлик фаолияти билан харажатларнинг алоқаси аниқ асосланган бўлса, жами даромаддан чегириб ташланади.

Якка тартибдаги тадбиркор солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини танлашга ҳақли.

Соддалаштирилган тартибдаги солиқ базаси жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида белгиланади.

Якка тартибдаги тадбиркор солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини танлаганда солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида харажатлар ҳисобини юритиш мажбуриятларидан озод қилинади, бундан ушбу Кодекс 359-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно.

Якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

томонидан белгиланган шаклдаги билдиришномани қуйидаги муддатларда тақдим этади:

1) янгидан рўйхатдан ўтказилганлар – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бошлангунига қадар;

2) фойда солиғини тўлашга ўтганлар, шу жумладан ихтиёрий равишда ўтганлар – бир вақтнинг ўзида фойда солиғини тўлашга ўтиш тўғрисидаги билдиришномани солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига юборганда;

3) қолганлари – жорий йилнинг 25 январидан кечиктирмай.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш қуйидаги муддатларда бошланади:

1) ушбу модда тўққизинчи қисмининг 1-бандида кўрсатилганлар учун – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бошланган пайтдан;

2) ушбу модда тўққизинчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар учун – якка тартибдаги тадбиркор фойда солиғини тўлашга ўтиш тўғрисидаги билдиришномани ва солиқ базасини соддалаштирилган тартибда ҳисоблаб чиқариш ҳақидаги аризани солиқ органига тақдим этган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб;

3) ушбу модда тўққизинчи қисмининг 3-бандида кўрсатилганлар учун – жорий йилнинг 1 январидан бошлаб.

Солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибидан ихтиёрий равишда воз кечиш ва солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган умумий тартибига ўтиш келгуси солиқ даври бошланганидан эътиборан амалга оширилади.

Солиқ базасини ҳисоблаб чиқаришнинг умумий тартибига ўтиш тўғрисидаги билдиришнома Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан белгиланган шаклда солиқ даври бошланишидан камида бир ой олдин солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига тақдим этилади.

361-модда. Солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар

Солиқ солишда қуйидагилар ҳисобга олинмайди:

1) якка тартибдаги тадбиркорнинг унга мулк ҳуқуқи асосида, шунингдек мол-мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўювчи бошқа ашёвий ҳуқуқ туфайли тегишли бўлган кўчмас мулкни сотишдан олинган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиниши лозим бўлган даромадлари;

2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳамда якка тартибдаги тадбиркор фойда солиғини тўлашга ўтгунига қадар айланмадан солиқни тўлаш даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар.

362-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби

Ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича солиқ суммаси якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил равишда аниқланади.

Ҳисобот даври яқунлари бўйича солиқ суммаси, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ базасининг солиқ ставкасига мувофиқ бўлган фоизли улуши сифатида солиқ даври бошланишидан эътиборан ошиб борувчи яқун тарзида ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ ҳисоботи якка тартибдаги тадбиркор томонидан ҳар бир ҳисобот ва солиқ даври ўтганидан кейин, солиқ солинадиган объектлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботи якка тартибдаги тадбиркор томонидан қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

ҳисобот даври яқунлари бўйича – ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирмай;

солиқ даври яқунлари бўйича – ўтган солиқ даврдан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай.

363-модда. Солиқни тўлаш тартиби

Солиқни тўлаш ушбу Кодекснинг 340-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**ХИШ БЎЛИМ.
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН
ДАРОМАД СОЛИҒИ**

**52-боб. Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти
ва солиқ базаси**

364-модда. Солиқ тўловчилар

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ тўловчилари деб (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) қуйидагилар эътироф этилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахслар;

2) Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан даромад олувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахслар.

365-модда. Солиқ солиш объекти

Солиқ тўловчининг жами даромади жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг (бундан кейин ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) солиқ солиш объекти деб ҳисобланади.

366-модда. Солиқ базаси

Солиқ базаси қуйидагилар ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахслар учун – ушбу бўлимда назарда тутилган солиқ имтиёзларини ҳисобга олган ҳолдаги жами даромадлари;

2) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган жисмоний шахслар учун – ушбу бўлимда назарда тутилган солиқ имтиёзлари қўлланмаган ҳолдаги жами даромадлари.

Солиқ базасини аниқлашда солиқ тўловчининг ҳам пул шаклида, ҳам натура шаклида олган даромадлари ёки даромадларни тасарруф этиш учун юзага келган ҳуқуқлари, шунингдек моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобга олинади. Бунда солиқ тўловчининг алоҳида турдаги даромадлари ушбу бўлимда белгиланган шартларда ва тартибда жами даромад таркибида ҳисобга олинishi ёки ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Солиқ тўловчининг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари, ҳақиқатда даромадлар олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича миллий валютага қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Турли солиқ ставкалари бўйича солинадиган солиқ базаси алоҳида аниқланади.

Солиқ базаси, агар ушбу Кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ даври бошидан эътиборан ўсиб боровчи яқун билан аниқланади.

Солиқ базаси назорат қилинадиган чет эл компанияларининг ушбу Кодекснинг VII бўлимига ва 208-моддасига мувофиқ аниқландиган йиғма фойдасини ҳам ўз ичига олади.

Солиқ базасига ушбу бўлимда белгиланган ҳолларда ва тартибда тузатиш киритилади.

Ушбу Кодекснинг VI бўлимида назарда тутилган ҳолларда солиқ тўловчининг даромадларига ушбу Кодекснинг 20-бобида назарда тутилган тартибда тузатиш киритилади.

Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ўз фармойишига, суднинг ёки бошқа органлар ва ташкилотларнинг қарорига кўра ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ базасини камайтирмайди.

367-модда. Даромад олинган сана

Ушбу бўлимнинг мақсадида даромад олинган сана қуйидагича аниқланади:

1) даромадни тўлаш куни, шу жумладан даромадни солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақларига ўтказиш ёки даромадлар пул шаклида олинганда – даромадни солиқ тўловчининг топшириғига кўра учинчи шахсларнинг ҳисобварақларига ўтказиш куни;

2) даромадлар натура шаклида олинганда – даромадларни натура шаклида бериш куни;

3) даромадлар моддий наф тарзида олинганда – товарларни (хизматларни), қимматли қоғозларни сотиб олиш куни. Агар сотиб олинган қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш ушбу қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқи солиқ тўловчига ўтганидан кейин амалга оширилса, даромаднинг ҳақиқатда олинган санаси сотиб олинган қимматли қоғозларнинг қийматига тегишли тўловни тўлаш куни сифатида аниқланади;

4) бир турдаги қарама-қарши талабларни ҳисобга олиш куни;

5) белгиланган тартибда солиқ агенти томонидан умидсиз қарз ҳисобдан чиқарилган кун;

6) ходим сафардан қайтганидан кейин бўнақ ҳисобот тасдиқланган ойнинг охири куни.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромад олинганда бундай даромаднинг олинган санаси деб, солиқ тўловчига меҳнат шартномаси (контракти) асосида меҳнат мажбуриятларини бажарганлиги учун, унга даромадлар ҳисобланган ойнинг охири куни эътироф этилади, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган иш қидириш даврига компенсация тўланган сана эътироф этилади.

Календарь ой тугагунига қадар меҳнат муносабатлари бекор қилинган тақдирда, солиқ тўловчи томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромаднинг ҳақиқатда олинган санаси деб унга даромад ҳисобланган охири иш куни эътироф этилади.

Назорат қилинадиган чет эл компанияси фойдасининг суммаси тарзидаги даромадлар учун даромаднинг ҳақиқатда олинган куни деб чет эл компанияси ёки тузилмаси рўйхатдан ўтказилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ молия йили учун молиявий ҳисобот тузиладиган даврнинг тугалланиш санаси тўғри келадиган календарь йилдан кейинги солиқ бўйича солиқ даврининг охири санаси эътироф этилади.

Назорат қилинадиган чет эл компанияси рўйхатдан ўтказилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш мажбуриятлари мавжуд бўлмаган тақдирда, бундай компания фойдасининг суммаси тарзидаги даромаднинг ҳақиқатда олинган санаси деб фойда аниқладиган календарь йилидан кейинги календарь йилнинг охири куни эътироф этилади.

53-боб. Жами даромад

368-модда. Жами даромад

Агар ушбу бўлимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жами даромад солиқ тўловчи томонидан ҳисобот (солиқ) даври давомида олинган қуйидаги даромадлардан ташкил топади:

1) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун – Ўзбекистон Республикасидаги ва унинг ташқарисидаги манбалардан олинган даромадлардан;

2) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлардан.

369-модда. Жами даромадга киритилмайдиган даромадлар

Қуйидагилар жами даромад таркибига киритилмайди:

1) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган солиқ тўловчи олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти ва совғалар;

2) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари томонидан қон олганлик учун олинадиган суммалар;

3) олинган алиментлар;

4) фуқаролар томонидан олинадиган суғурта товони суммалари;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда тўланадиган стипендиялар;

6) қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

7) давлат пенсиялари, ижтимоий суғурта (ҳомилдорлик ва бола туғилганда бериладиган туғиш нафақалари, қўшимча дам олиш куни, дафн этиш) бўйича нафақалар;

8) мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари, улар бўйича фойзли даромадлар, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари.

9) қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлар;

10) Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан чиқарилган халқаро облигациялар бўйича даромадлар.

Солиқ агентларининг ушбу Кодекснинг 386-моддасида назарда тутилган жисмоний шахс фойдасига амалга оширадиган қуйидаги харажатларига солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:

1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш бўйича харажатлари;

2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

3) фавқулодда ҳолатлар муносабати билан етказилган зарарлар суммаси доирасида бериладиган моддий ёрдам суммалари;

4) ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб қайтиш бўйича харажатлари;

5) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл қарточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлари;

6) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озик-овқат билан таъминлаш бўйича харажатлар;

7) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

8) хизмат сафарларига оид қуйидаги компенсация тўловлари:

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдоридан, лекин авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда;

уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида;

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

9) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар);

хизмат ишларида шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно;

дала таъминоти;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан ушбу Кодекснинг 373 ва 377-моддаларида кўрсатилганлари мустасно;

10) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,76 бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 70,3 фоизи миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,6 фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

11) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

мархумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида мархумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар;

12) талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

13) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

14) солиқ тўловчининг мижозларнинг товарлар ва хизматларни сотиб олиш фаоллигини оширишга қаратилган ва бонуслар (баллар, мижозни ушбу ташкилотлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиш фаоллигини белгилловчи бошқа бирликлар) ҳисобланишини назарда тутувчи дастурларда иштироки натижасида ушбу дастурда белгиланган асослар бўйича олинган пул ва натура шаклидаги даромадлари. Даромадлар солиқ тўловчининг жами даромадига қуйидаги ҳолларда қўшилади:

солиқ тўловчининг ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган дастурларда иштирок этиши очик оферта шартларисиз амалга оширилганда;

солиқ тўловчи ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мамлакатимиздаги ва чет эл ташкилотларининг дастурларига, уларда акцепт муддати ўттиз кундан кам ва (ёки) уларда оммавий офертани муддатидан олдин чакириб олиш имконияти назарда тутилган шартлар асосидаги очик офертага қўшилганда;

ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ташкилотчи билан лавозим мажбуриятларини бажаришда меҳнат муносабатларида бўлган, шунингдек солиқ тўловчи томонидан товарлар етказиб берганлик (ишлар бажарганлик, хизматлар кўрсатганлик) учун ҳақ (мукофот) ёки моддий ёрдам сифатидаги тўлов шаклидаги даромад тўланганда.

370-модда. Жами даромаднинг таркиби

Қуйидагилар жами даромадга киради:

1) ушбу Кодекснинг 371-моддасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

2) ушбу Кодекснинг 375-моддасига мувофиқ мулкый даромадлар;

3) ушбу Кодекснинг 376-моддасига мувофиқ моддий наф тарзидаги даромадлар;

4) ушбу Кодекснинг 377-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар.

371-модда. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган ходимларга ҳисобланадиган ҳамда тўланадиган қуйидаги барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлардан, тариф ставкаларидан ва мансаб маошларидан

келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар;

ушбу Кодекснинг 372-моддасига мувофиқ рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

ушбу Кодекснинг 373-моддасига мувофиқ компенсация тўловлари (компенсация);

ушбу Кодекснинг 374-моддасига мувофиқ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;

ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳақ ҳисобланган бошқа тўловлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар жумласига қуйидагилар ҳам киради:

предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган, тузилган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўловлар (бундан яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар мустасно);

юримдик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юримдик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизматининг, ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралар ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

372-модда. Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

1) йиллик иш якунлари бўйича пул мукофоти;

2) юримдик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги низомида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

3) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар;

4) таътилга қўшимча ҳақлар ҳамда ушбу Кодекс 377-моддасининг 10-бандида кўрсатилмаган моддий ёрдам;

5) кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

6) рационализаторлик таклифи учун тўлов;

7) меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар.

373-модда. Компенсация тўловлари (компенсация)

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қуйидагилар киради:

1) табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар). Бунда юридик шахслар ходимларининг чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун иш ҳақиға коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммасини аниқлаш ҳисоблаш санасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдорида белгиланади;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақиға устамалар;

3) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

4) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар;

5) доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларнинг вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақиға қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортикча тўланадиган устамалар;

6) иш берувчи жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача бориш ва у ердан қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган ҳолда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси ёки маош миқдорида тўланадиган суммалар;

7) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортикча дала таъминоти;

9) хизмат сафарлари вақтида қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

10) ишлар вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

11) хизмат сафарлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

12) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 369-моддаси иккинчи қисмининг 10-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар;

13) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

374-модда. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш жумласига қуйидагилар киради:

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ:

а) йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътил учун тўлов, шунингдек ушбу таътилдан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлови;

б) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътил учун тўлов;

в) ўқиш билан боғлиқ таътил ва ижодий таътиллار учун тўлов;

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътил учун тўлов;

2) асосий иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;

3) донор ходимларга кўриқдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун тўлов;

4) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга тўлов;

5) қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;

б) маълум муддатга аввалги иш жойи бўйича лавозим маоши миқдори сақлаб қолинган ҳолда бошқа юридик шахслардан ишга жойлаштирилган,

шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турган ходимларга маошдаги фарқ тўлови;

7) ходимларга кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи;

8) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолingan вақт учун тўлов;

9) меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча тўлов;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки иш берувчининг қарори билан мажбурий прогул вақти учун ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун тўлов;

11) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун тўлов;

12) асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлари меҳнатига тўлов;

13) иш берувчининг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар;

14) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун иш берувчи ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

375-модда. Мулккий даромадлар

Мулккий даромадлар таркибига қуйидагилар киради:

1) фоизлар;

2) дивидендлар;

3) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

4) солиқ тўловчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар. Мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади. Мазкур қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкни реализация қилиш қиймати, кўчмас мулк бўйича эса – кадастр қиймати ҳамда реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ даромад деб эътироф этилади;

5) саноат мулки объектларига, селекция ютуғига оид патент (лицензия) эгаси бўлган солиқ тўловчининг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади;

6) роялти;

7) ишончли бошқарувга берилган мол-мулк бўйича ишончли бошқарувчидан олинган даромад;

8) ушбу Кодекснинг 324-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланадиган РЕПО операциялари бўйича даромад;

9) ушбу Кодекснинг 327 – 329-моддаларида назарда тутилган тартибда аниқланадиган, қимматли қоғозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг ҳосила молиявий воситалари билан операциялар бўйича даромад;

10) ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади;

11) ушбу Кодекснинг 319-моддасига мувофиқ аниқланадиган, оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) мувофиқ иштирок этишдан олинган даромадлар;

12) ушбу модданинг 1 – 11-бандларида кўрсатилмаган мулк хусусиятга эга бошқа даромадлар.

376-модда. Моддий наф тарзидаги даромадлар

Солиқ тўловчи томонидан моддий наф тарзида олинган даромадлар, агар ушбу Кодекс 369-моддасининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидагилардан иборат:

1) солиқ агенти томонидан солиқ тўловчи манфаатларини кўзлаб, товарлар (хизматлар), мулк хуқуқлар ҳақини тўлаш, шу жумладан:

солиқ тўловчининг болаларини мактабгача таълим муассасаларида (ташкilotларида) ўқитиш, тарбиялаш ҳақини тўлаш;

солиқ тўловчиларга берилган уй-жойнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатларини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулатор даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

солиқ агентининг солиқ тўловчи даромади бўлган бошқа харажатларини тўлаш;

2) солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текин, шу жумладан ҳада шартномаси бўйича берилган мол-мулкнинг ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати;

3) товарларни (хизматларни) солиқ тўловчиларга реализация қилиш нархи ҳамда шу товарларнинг (хизматларнинг) ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган қиймати ўртасидаги салбий фарқ;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

5) жисмоний шахснинг солиқ агенти олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

б) солиқ агенти томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, солиқ тўловчидан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи томонидан солиқ агентидан товарлар (хизматлар) олинган тақдирда, ушбу товарларнинг (хизматларнинг) қиймати уларни сотиб олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчи томонидан солиқ агентидан акциз тўланадиган товарлар ёки қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (хизматлар) олинган тақдирда, бундай товарларнинг (хизматларнинг) қийматида акциз солиғининг ва қўшилган қиймат солиғининг тегишли суммаси ҳисобга олинади.

377-модда. Бошқа даромадлар

Солиқ тўловчининг бошқа даромадларига қуйидагилар киради:

1) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан солиқ тўловчиларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

2) ҳайвонларни (қорамолларни, паррандаларни, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқларни ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда сотишдан, ипак қуртини, чорвачилик, асаларичилик ва дехқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

3) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулкнинг, мулкӣ ҳуқуқларнинг қиймати;

4) мусобақаларда, кўриқларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

5) ютуқлар;

6) грант берувчидан олинган грантларнинг, шу жумладан чет давлатлар грантларининг суммалари;

7) солиқ тўловчиларнинг яратилган илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун олган даромадлари;

8) халқаро спорт мусобақаларидаги совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

9) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси (контракти) бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

10) қуйидагича кўрсатиладиган моддий ёрдам:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга кўрсатиладиган;

ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрсатиладиган;

бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан кўрсатиладиган;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзида кўрсатиладиган моддий ёрдам;

11) ишламайдиган пенсионерларга солиқ агенти томонидан тўланадиган тўловлар;

12) маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пуллик тўловлар;

13) ушбу Кодекснинг VI бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда нархларга тузатиш киритиш туфайли олинган даромад;

14) ушбу Кодекснинг 300-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланадиган талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад;

15) солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 371–376-моддаларида кўрсатилмаган бошқа даромадлари.

54-боб. Солиқ имтиёзлари

378-модда. Солиқ солинмайдиган даромадлар

Қуйидаги даромад турларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдорда;

ушбу Кодекснинг 377-моддасида кўрсатилган бошқа ҳолларда, – солиқ даври учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдорда;

2) солиқ агенти томонидан қуйидаги йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, бундан туристик йўлланмалар мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронлиги бўлган шахсларга, шу жумладан ушбу иш берувчида ишламайдиган ногиронлиги бўлган шахсларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек санаторий-курорт ҳамда соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшгача болалари (ўқийдиганларга – ўн саккиз ёшгача) учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек иш берувчининг даволашга ҳамда тиббий хизмат кўрсатишга, ногиронлик профилактикаси ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олишга оид харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун иш берувчилар томонидан соғлиқни сақлаш

муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида эса – унинг оила аъзоларига, ота-онасига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, бу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари қўмағида амалга оширилаётган бўлса;

6) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

7) солиқ тўловчиларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар, бундан қуйидагиларни сотишдан олинган даромадлар мустасно:

қимматли қоғозларни (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар мустасно), юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини);

нотурар жойларни;

ўттиз олти календарь ойдан кам муддатда солиқ тўловчининг мулкида бўлган турар жойларни;

8) уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамолларни, паррандаларни, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар ва ҳоказоларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда сотишдан (бундан саноатда қайта ишлаш мустасно) чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно;

9) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

10) иш берувчидан солиқ даври мобайнида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,11 бараваригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совғалар;

илгари мазкур иш берувчининг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

11) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текинга олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан қуйидагилар мустасно:

илм-фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ҳамда санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари;

яқин қариндош бўлмаган шахслар ўртасидаги кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, қимматли қоғозлар, юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушлар;

12) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

13) жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклардаги омонатлар бўйича фоизлар ва ютуқлар;

14) нодавлат ноижорат ташкилотларидан, халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек ваколатли органнинг хулосаси мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида солиқ тўловчи грант берувчидан бевосита олган грантнинг суммаси;

15) солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш (ҳаёт суғуртаси соҳасининг барча тоифаларида) бўйича суғурта мукофотларини тўлаш учун Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган қисми, қуйидаги шартларда:

суғурта бадаллари ўсиб бормайдиган тартибда тўланганда ва бир йўла тўланадиган суғурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ойдан сўнг олинганда. Суғурталанган шахснинг муайян ёшгача яшаши ёки ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномасида кўрсатилган муддатдан бошқача тарздаги суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, суғурта суммаси ушбу кўрсатилган шартларга амал қилмаган ҳолда тўланиши мумкин;

шартнома бўйича суғурта даври бошланиш санасидан камида 12 ойдан сўнг рента (аннуитет) олинганда ва рентани (аннуитетни) тўлаш санасида шартнома бўйича ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг (аннуитетнинг) тўрт бараваридан кам бўлмаганда;

рента (аннуитет) тўлаш шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан бошланганда, бунда дастлабки рентани (аннуитетни) тўлаш бошланадиган вақтда ҳақиқатда тўланган суғурта бадаллари суммаси шартнома бўйича суғурта мукофотининг йиллик миқдоридан кам бўлмаслиги керак ва ренталарни (аннуитетларни) тўлаш санасига ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг (аннуитетнинг) тўрт бараваридан кам бўлмаганда.

Мазкур банднинг шартлари бузилганда ёхуд шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда ва суғуртачи суғурта бадалини тўлиқ ёки қисман қайтарганда, қайтарилган суғурта бадали суғуртачи томонидан солиққа тортилади.

16) солиқ тўловчининг қуйидагиларга йўналтириладиган, солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари:

Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида таълим олиш (ўзининг, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов;

солиқ базасининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда, меценатлик кўмагини кўрсатиш;

олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни солиқ даври давомида жами ўн беш миллион сўмгача бўлган миқдорда қоплашга, башарти якка тартибдаги уй-жойнинг ёки қўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати уч юз миллион сўмдан ошмаса ҳамда у дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидияларни ҳисобга олган ҳолда олинган бўлса. Мазкур имтиёз қарз олувчига ва бирга қарз олувчиларга, имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган барча солиқ тўловчиларга берилган, солиқ солиниши лозим бўлган даромадларни камайтириш суммаси солиқ даври давомида жами ўн беш миллион сўмдан ошмаган тақдирда, татбиқ этилади;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги ихтиёрий равишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига;

17) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳады шартномалари бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадлар, агар бу улушларни, пайларни ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса.

Юридик шахс ташкил этмаган чет эл тузилмасига нисбатан ёки қайси чет эл юридик шахси учун рўйхатдан ўтиш мамлакатининг қонун ҳужжатларига мувофиқ капиталда иштирок этиш назарда тутилмаган бўлса, ўша чет эл юридик шахсига нисбатан назорат қилиш ҳуқуқи, агар бундай ҳуқуқлар уларни бир оиланинг аъзолари ва (ёки) яқин қариндошлар бўлган шахслар ўртасида ўтказиш натижасида олинган бўлса, даромад олиш ёки даромадни тасарруф этиш ҳуқуқининг юзага келиши деб эътироф этилмайди;

18) пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган солиқ тўловчиларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари;

19) солиқ тўловчи бўлган қимматбаҳо металллар қидирувчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қазиб олиш йўли билан эга бўлган қимматбаҳо металлларни реализация қилишдан олган даромадлари.

379-модда. Жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод этиш

Қуйидагиларнинг даромадларига солиқ солинмайди:

1) чет давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

2) чет давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

3) чет давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса – ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4) чет давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса – ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

5) халқаро ноҳукумат ташкилотларининг мансабдор шахслари – агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича.

380-модда. Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш

Қуйидаги солиқ тўловчилар қисман (даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) солиқ солишдан озод этилади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар. Бу имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва иштирокчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган ва доираси қонун ҳужжатларида белгиланадиган шахслар. Бу имтиёз уруш ногиронининг (иштирокчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (иштирокчиларга) ногироннинг (иштирокчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

4) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Бу имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штамп қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идораларнинг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органлари ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

5) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Бу имтиёз ҳар бир бола учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

6) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ҳамда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Бу имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, янги

никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;

7) болалигидан ногиронлиги бўлган шахс, доимий парваришни талаб этадиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота ёки она. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғликни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси асосида берилади.

Ушбу моддада назарда тутилган солиқ имтиёзлари тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ календарь йил давомида вужудга келган тақдирда, солиқ имтиёзи унга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Агар солиқ тўловчи ушбу моддада назарда тутилган бир нечта асос бўйича солиқ имтиёзига доир ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта солиқ имтиёзи берилади.

Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса – яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади. Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, солиқ тўловчи имтиёзга бўлган ҳуқуқни йўқотган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган солиқ имтиёзлари солиқ тўловчининг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойи бўйича ҳисобланса, солиқ имтиёзини қўллаш асосий иш жойи бўйича амалга оширилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий бўлмаган иш жойи бўйича ҳисобланса, солиқ имтиёзи жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқ тўловчининг яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан қўлланилади. Шунга ўхшаш тартиб мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

55-боб. Солиқ ставкалари. Солиқ даври

381-модда. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахслар учун солиқ ставкалари

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахснинг даромадларига, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқа қоида

назарда тутилмаган бўлса, 12 фоизлик солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади.

Дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадларга 5 фоизлик солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади.

382-модда. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган жисмоний шахслар учун солиқ ставкалари

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига қуйидаги солиқ ставкалар бўйича солиқ солинади:

№	Солиқ объекти	Солиқ ставкалари, фоизларда
1	Дивидендлар ва фоизлар	10
2	Ушбу Кодексга мувофиқ аниқланадиган, халқаро ташишларда транспорт хизматлари тақдим этишдан олиннадиган даромадлар (фрахтдан олиннадиган даромадлар).	6
3	Меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадлар, 1 ва 2-бандларда кўрсатилмаган бошқа даромадлар	20

383-модда. Қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ суммалари

Қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ суммалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланади.

384-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

Солиқ агентлари учун ҳисобот даври бир ойдир.

56-боб. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўлаш тартиби

385-модда. Умумий қоидалар

Солиқ қуйидагилар томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва тўланади:

1) солиқ тўловчига даромад тўлайдиган солиқ агентлари томонидан;

2) солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда.

Солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифалари солиқни:

ушбу Кодекснинг 392-моддасида белгиланган тартибда қатъий белгиланган миқдорда тўлашни;

ушбу Кодекснинг 397-моддасида белгиланган тартибда жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида тўлашни танлашга ҳақли.

Ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар қуйидаги тоифадаги солиқ тўловчиларга татбиқ этилади:

1) товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади календарь йилида юз миллион сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорларга. Агар календарь йилида товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади белгиланган миқдордан ошса, якка тартибдаги тадбиркор ушбу Кодексида назарда тутилган тартибда айланмадан солиқ ёхуд қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлашга ўтади.

2) якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахсларга;

3) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга ошираётган оила аъзоларига;

4) «Хунарманд» уюшмаси аъзолари бўлган хунармандчилик фаолияти субъектларига.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар солиқ тўлаш тартибини қуйидагилар орқали танлашга ҳақли:

1) тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтказилиши чоғида танланган солиқ тўлаш тартибини кўрсатиш;

2) доимий яшаш жойи бўйича солиқ органларига жорий йилнинг 25 январидан кечиктирмасдан танланган солиқ тўлаш тартиби тўғрисида билдириш хати тақдим этиш.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчи томонидан билдириш хати ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган муддатларда тақдим этилмаслиги унинг солиқни қатъий белгиланган миқдорда тўлашга розилигини билдиради.

Солиқ ушбу Кодексида назарда тутилган ҳолларда солиқ органи томонидан ҳам ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

Ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобланган жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади.

386-модда. Солиқ агентларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги

Солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш мажбурияти солиқ тўловчига даромад тўлайдиган ва солиқ агентлари деб эътироф этилган қуйидаги шахсларнинг зиммасига юклатилади:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига;
- 2) яқка тартибдаги тадбиркорларга;
- 3) Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахсларга;
- 4) Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган юридик шахсларнинг ваколатхоналарига;
- 5) ушбу Кодекс 351-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандида кўрсатилган мол-мулкни сотиб олган жисмоний шахсларга;
- б) солиқ тўловчининг мол-мулкни ишончли бошқаришни амалга оширувчи ишончли бошқарувчига.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5-бандида кўрсатилган шахслар мазкур Кодекснинг 356-моддасида назарда тутилган тартибда солиқни ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказишни амалга оширади.

Солиқ суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агенти ушлаб қолинмаган суммани ва у билан боғлиқ пеняни ушбу Кодексга мувофиқ бюджетга ўтказиши шарт.

Солиқ агентлари жисмоний шахснинг талабига биноан унга даромадларининг суммалари ва турлари ҳақида, шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган шаклда маълумотнома бериши шарт.

387-модда. Солиқ агентларида солиқ солинадиган даромадлар

Солиқ агентида солиқ солинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

- 1) ушбу Кодекснинг 371-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари;
- 2) ушбу Кодекснинг 376-моддасига мувофиқ моддий наф тарзидаги даромадлар;
- 3) ушбу Кодекснинг 375-моддасига мувофиқ мулкий даромадлар;
- 4) ушбу Кодекснинг 377-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар.

Ўзи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсга моддий наф тарзида даромад тўловчи солиқ агенти жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида солиқни ушлаб қолмасликка ҳақли. Бунда солиқ тўловчи моддий наф тарзидаги даромад бўйича ушбу Кодекснинг 393-моддасига мувофиқ солиқни тўлаши шарт.

388-модда. Солиқ агентлари томонидан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби

Солиқ агентлари солиқ ҳисобининг регистрларида жисмоний шахсларнинг улардан солиқ даврида олган даромадлари, жисмоний шахсларга тўлов манбаида қўлланилган солиқ имтиёзлари, ҳисоблаб чиқарилган ва ушлаб қолинган солиқлар ҳисобини юритади.

Солиқ ҳисоби регистрларининг шакллари, уларда солиқ ҳисобининг таҳлилий маълумотларини ҳамда бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари маълумотларини акс эттириш тартиби солиқ агенти томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилади. Мазкур шаклларда солиқ тўловчини идентификация қилиш имконини берадиган маълумотлар, солиқ тўловчиларга тўланадиган даромад турлари ва тўлов манбаида унга қўлланилган солиқ имтиёзлари, уларни тўлаш санаси, солиқ тўловчининг мақоми, солиқни ушлаб қолиш ва тўлаш санаси кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларга солиқ солиш солиқ агентлари томонидан солиқ базаси ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Солиқ агентлари солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 387-моддасида кўрсатилган даромадларидан ҳисобланган солиқ суммасини ушлаб қолиши шарт.

Солиқнинг ҳисобланган суммасини солиқ тўловчидан ушлаб қолиш, солиқ агенти солиқ тўловчига тўлаётган ҳар қандай пул маблағлари ҳисобидан, бу пул маблағлари солиқ тўловчига ёки унинг топшириғига биноан учинчи шахсларга тўланаётганда амалга оширилади.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш ушбу бўлимда белгиланган солиқ базаси ҳамда солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда, даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан эътиборан ҳар ойда ортиб боровчи яқун билан солиқ тўловчининг иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа солиқ агентларидан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахсларнинг солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс йиллик жами даромади тўғрисида декларация топширганда солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги солиқ агентига дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Йлгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, солиқ ушбу Кодекс 378-моддаси 1-бандининг учинчи хатбошисида ва 380-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган

ҳолда ушлаб қолинади. Маълумотнома ва солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилган тақдирда, солиқ суммаси илгари асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инobatга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида солиқни ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан эътиборан илгариги ва янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилингандан кейин ходимга илгариги иш жойидан тўлов амалга оширилганда, бундай тўловлар ушбу Кодекс 378-моддаси 1-бандининг учинчи хатбошисида ва 380-моддасида назарда тутилган солиқ имтиёзлари қўлланилмаган ҳолда солиққа тортилади.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан солиқнинг якуний суммаси жами йиллик даромад тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари бўйича солиқ органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

389-модда. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби ва муддатлари

Солиқ агентлари ўзларининг солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги солиқ органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

1) солиқ даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида – солиқ органларига тўлов манбаидан солиқ солинмаган моддий наф тарзида даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган шаклдаги маълумотномани;

2) ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган даромадлар суммалари ҳамда ушлаб қолинган солиқнинг суммалари тўғрисидаги – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган шаклдаги маълумотларни. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахслар йил якунлари бўйича ҳисобланган ва амалда тўланган даромадларнинг суммалари ҳамда ушлаб қолинган, солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартига қадар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари бўлган, ходимлари 25 нафардан ортиқ бўлган алоҳида бўлинмаларга ва (ёки) филиалларга эга солиқ агентлари, бундан йирик солиқ тўловчилар мустасно, ушбу алоҳида

бўлинмалар ва (ёки) филиаллар ходимларига нисбатан мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқ ҳисоботини – алоҳида бўлинмалар ва (ёки) филиаллар ҳисобда турган жойдаги солиқ органига тақдим этади.

Якка тартибдаги тадбиркор бўлган солиқ агентлари, агар ушбу Кодекснинг 57-бобида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ўзларининг ёлланма ходимларига оид мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқ ҳисоботини ўзи солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги солиқ органига тақдим этади.

390-модда. Солиқни тўлаш тартиби

Тўлов манбаида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси солиқ тўловчига даромадларни тўлаш билан бир вақтда, лекин солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай солиқ агенти томонидан тўланади.

Даромадлар натура шаклида амалга оширилганда солиқ натура тарзидаги тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида тўланади.

391-модда. Ортиқча ушланган солиқ суммасини қайтариш тартиби

Агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ агенти томонидан солиқ тўловчининг даромадидан ортиқча ушланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг ёзма аризасига асосан қайтарилиши лозим.

Солиқ агенти томонидан бир солиқ даври ичида ортиқча ушланган солиқ суммаси қайтарилади.

Солиқ тўловчига ортиқча ушланган солиқ суммасини қайтариш даромадларидан бундай солиқ агенти томонидан ушлаб қолиндирилган солиқ тўловчи бўйича ҳам, бошқа солиқ тўловчилар бўйича ҳам келгуси тўловлар ҳисобидан бюджет тизимига ўтказилиши лозим бўлган ушбу солиқ суммаси ҳисобидан, солиқ агенти солиқ тўловчининг тегишли аризасини олган кундан эътиборан уч ой ичида солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчига ортиқча ушланган солиқ суммасини қайтариш солиқ агенти томонидан солиқ тўловчининг аризасида кўрсатилган банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

Солиқ агенти бўлмаганда ёхуд ушбу банднинг иккинчи қисмида белгиланган солиқ даври тугаганда, солиқ тўловчи солиқ даврининг якунига кўра солиқ декларациясини бир вақтнинг ўзида тақдим этган ҳолда, илгари солиқ агенти томонидан ортиқча ушланган ва бюджет тизимига ўтказилган солиқ суммасини қайтариш тўғрисида солиқ органига ариза беришга ҳақли.

Солиқ даврида Ўзбекистон Республикасининг резиденти мақомини олган солиқ тўловчи ушбу солиқ даврида норезидент мақомида тўлаган солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилишга ва қайтариб олишга ҳақли.

Солиқ суммасини солиқ тўловчига қайтариш солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 397-моддасида белгиланган тартибда кўрсатилган солиқ даври якунига кўра солиқ декларациясини тақдим этган тақдирда яшаш жойи (турган жойи) бўйича ҳисобга қўйилган солиқ органи томонидан амалга оширилади. Ушбу декларацияга мазкур солиқ даврида Ўзбекистон Республикасининг резиденти мақомини тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилиниши керак.

392-модда. Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашнинг хусусиятлари

Ушбу Кодекс 385-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган, қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлаш хоҳишини билдирган солиқ тўловчи солиқни ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг ўн бешинчи санасидан кечиктирмай, қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлайди.

Солиқ тўловчи қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни у тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан ёки яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд оилавий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширади.

Бир нечта фаолият тури билан шуғулланаётган солиқ тўловчилар ҳар бир фаолият тури бўйича қатъий белгиланган миқдорда солиқни алоҳида, шу фаолият тури учун белгиланган миқдорда тўлайди.

Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлаш қўлланиладиган фаолиятдан олинadиган даромадлар билан бирга бошқа даромадлар олувчи солиқ тўловчилар бу даромад турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритиши шарт ва бу даромадлар бўйича жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларация асосида, ушбу Кодекснинг 397-моддасида назарда тутилган тартибда, ушбу Кодекснинг 381-моддасида белгиланган ставкалар бўйича солиқ тўлайди.

Агар яқка тартибдаги тадбиркор (оилавий тадбиркорлик субъекти) ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтнинг ўзида давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномани топширади. Бунда ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркор (оилавий тадбиркорлик субъекти) ҳар бир ёлланган ходимга белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкаларини ҳам белгиланган муддатларда солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органига топширади.

Яқка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган навбатдаги иш куни тугагунига қадар солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органларига

якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.

Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни тўхтатиб туриш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) солиқ органлари томонидан олинган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисидаги ахборот;

2) солиқ органлари томонидан олинган якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходимга берилган ҳисобга олиш карточкалари.

Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлаш хоҳишини билдирган солиқ тўловчилар даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш регистрларида даромадларни олиш билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт.

Даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш регистрлари қуйидагилардир:

1) Якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) даромадларини ва харажатларини ҳисобга олиш китоби;

2) Товар чеклари китоби.

Даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш регистрларининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорни (оилавий тадбиркорлик субъектини) солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) аризаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органларига йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

57-боб. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида даромадларга солиқ солиш

393-модда. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари киради:

мулкый даромадлар, агар ушбу бўлимга мувофиқ бу даромадларга солиқ агентда солиқ солинмаса;

илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

моддий наф тарзидаги даромадлар, агар бу даромадларга солиқ агентда солиқ солинмаган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар;

ушбу Кодекс 385-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар, улар томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ тўлаш тартиби танланганда;

солиқ агенти томонидан солиқ ушлаб қолинмаган солиқ солинадиган бошқа даромадлар.

Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация, агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадларидан солиқ унинг аризаси бўйича ушлаб қолинган бўлса тақдим қилинмайди, бундан ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган даромадлар мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган ёки жорий йилнинг 1 апрелигача резидентга айланган чет эл жисмоний шахси, ушбу модда биринчи ва иккинчи қисмларининг қоидаларидан қатъи назар, ушбу Кодекснинг 397-моддасида назарда тутилган тартибда ва муддатларда жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этади.

394-модда. Айрим тоифадаги солиқ тўловчилар томонидан олинган даромадларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу Кодекс 385-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ тўлайдиган солиқ тўловчилар даромадларни олиш билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳақиқатда амалга оширилган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириб ташлаш ҳуқуқига эга. Бунда солиқ тўловчиларнинг ушбу Кодекс 385-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган жами даромади товарларни (хизматларни) реализация қилинишидан олинган даромадлардан, шунингдек ушбу Кодекснинг 370-моддасида кўрсатилган бошқа даромадлардан иборат.

395-модда. Муаллифлик ҳақи тарзида олинган даромадларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тарзида даромад олувчи солиқ

тўловчилар бундай фаолиятни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ушбу моддага мувофиқ даромадларига солиқ солинадиган солиқ тўловчилар солиқни солиқ органининг ёзма хабарномаси асосида тўлайди.

илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган солиқ тўловчи даромадлар олиш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда у ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, ҳақиқатда сарфланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш ҳуқуқига эга, лекин чегирма олинган жами даромад суммасининг 30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларга қуйидагилар қиради:

илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур материаллар сотиб олишга доир харажатлар;

фақат илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр қилиш, ижро этиш ёки улардан бошқача тарзда фойдаланиш мақсадида фойдаланиладиган бино ва мол-мулк ижарасига доир харажатлар.

396-модда. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация

Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризадан иборат бўлади.

Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга тўланган даромадлар ва ушлаб қолingan солиқ суммалари тўғрисида солиқ агентининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган шаклдаги маълумотномаси илова қилинади.

Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларациянинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Солиқ органи томонидан солиқ тўловчи тақдим этган жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг камайишига олиб келувчи хатолар аниқланган тақдирда, солиқ органи жами йиллик даромад ҳақидаги тақдим этилган декларацияда аниқланган хатолар тўғрисида солиқ тўловчига билдириш хати юборади.

Солиқ органининг хабарномасини олган солиқ тўловчи ўн кун ичида жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга зарур бўлган ўзгартиришларни киритиши шарт.

Агар жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза солиқни тўлаш муддати ўтгунига қадар берилса, солиқ тўловчи ушбу Кодексда белгиланган жавобгарликдан озод этилади.

Агар жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза солиқни тўлаш муддати ўтганидан кейин, лекин хатолар

солиқ органи томонидан аниқлангунига қадар берилса, солиқ тўловчи солиқнинг етишмаётган суммасини ҳамда унга тегишли пеняни тўлаган тақдирда, жавобгарликдан озод этилади.

Солиқ тўловчи солиқ органининг тақдим этилган жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда аниқланган хато тўғрисидаги билдириш хатини олган кун солиқ органи томонидан хато аниқланган кун, деб ҳисобланади.

397-модда. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тартиби

Солиқ тўловчилар ушбу Кодекснинг 393-моддасида кўрсатилган даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, доимий яшаш жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги солиқ органига жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин.

Ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортик муддат Ўзбекистон Республикасининг ташқарисида турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасига қайтган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай доимий яшаш жойидаги солиқ органига Ўзбекистон Республикасидаги ва унинг ташқарисидаги манбалардан олган даромадлари бўйича жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган даромадлар бўйича жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этиш мезонларига мувофиқ келмаган давр учун солиқ тўланмайди.

Грант олган солиқ тўловчи жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни топшираётганда грант бўйича олинган даромад суммасини, солиқ миқдорини кўрсатади, шунингдек ваколатли органнинг тегишли хулосасини илова қилади.

Мол-мулкни ижарага беришдан тўлов манбаида солиқ солинмайдиган даромадлар олаётган солиқ тўловчилар, шунингдек ушбу Кодекс 385-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган ва жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ тўлайдиган жисмоний шахслар жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни белгиланган муддатларда тақдим этиш билан бир қаторда дастлабки тарздаги декларацияни ҳам қуйидаги муддатларда тақдим этади:

1) мол-мулкни ижарага беришдан даромад оладиган солиқ тўловчилар – ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш кун муддатда;

2) ушбу Кодекс 385-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган, жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни тўлайдиган жисмоний шахслар – жорий йилнинг 1 февралидан кечиктирмай. Янги рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари – тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган ойнинг охирига қадар дастлабки декларацияни тақдим этади.

Кўчмас мулкнинг ижара шартномаси солиқ органларида ҳисобга қўйилаётганда дастлабки декларация тақдим этилмайди.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олиш тугаган тақдирда солиқ тўловчи доимий яшаш жойидаги солиқ органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Жорий йилнинг 1 апрелига қадар Ўзбекистон Республикасининг резидентига айланган чет эллик жисмоний шахс олдинги солиқ даври учун жами йиллик даромади тўғрисида декларация топширади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ушбу бобда белгиланган тартибга мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган даромад келтираётган фаолиятини календарь йили ичида тугатган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган даврда жорий солиқ даврида ҳақиқатда олган даромадлари тўғрисидаги декларация бу жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетишидан бир ой аввал тақдим этилиши лозим. Агар Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс жорий йилнинг 1 февралига қадар чет элга доимий яшашга чиқиб кетса, жорий йил учун даромадлар бўйича декларация тақдим этилмайди.

Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация бўйича ҳисобланган ва тақдим этиш тартиби ушбу модданинг тўққизинчи қисмида белгиланган солиқни тўлаш декларация тақдим этилган санадан эътиборан ўн беш кун ичида амалга оширилади.

Агар солиқ тўловчи жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, шунингдек олдин тақдим этилган декларацияда нотўғри маълумотлар аниқланган ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациянинг ўзгарганлиги ҳақидаги аризани ушбу Кодекс 396-моддасининг олтинчи қисмида белгиланган муддатларда тақдим этмаган тақдирда, солиқ органи солиқ суммасини ўзидаги мавжуд ахборот асосида ҳисоблашга ва тўланиши лозим бўлган, ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида солиқ тўловчига ўн кунлик муддатда тўлов хабарномасини топширишга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация ёки тўғрилланган декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларацияни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

398-модда. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация бўйича солиқ тўлаш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслар жами йиллик даромад тўғрисидаги декларациянинг маълумотларига кўра ҳисоблаб чиқарилган солиқни ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайди.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслар ҳисоблаб чиқарилган солиқни чет давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда миллий валютада ифодаланган солиқ Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган солиқ тўланган санадаги курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқарилади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромад оладиган жисмоний шахслар, шунингдек ушбу Кодекс 385-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ тўловчи жисмоний шахслар солиқни тақдим этилган дастлабки декларация ёки солиқ органининг хабарномаси асосида, даромад олинган ойдан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунигача ҳар ойда тўлайди. Йил тугагач, солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнидан кечиктирмай солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши лозим.

Қуйидагилар солиқ тўланган сана деб ҳисобланади:

солиқ солиқ агентлари ёки жисмоний шахслар томонидан банкдаги ҳисобварағидан тўланган тақдирда – банкдаги ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун;

жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари киритилган тақдирда – банк кассасига маблағлар тўланган сана.

Солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган солиқни тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак.

399-модда. Резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида тўланган солиқни ҳисобга олиш

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлашда ушбу Кодекснинг 342-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

Солиқни ҳисобга олиш солиқ даври якуни бўйича жисмоний шахс томонидан тақдим этилган жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида амалга оширилади.

400-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солиш тўлов манбаида тўловлар Ўзбекистон Республикасининг ичкарасида ёки ташқарисида қилинганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг даромадларига Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ҳисобга олган ҳолда солиқ солинади, бундан солиқни ундириш ўзаролик принципи бўйича тугатилиши ёки чекланиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахсга даромадларни тўлаш тўлов манбаида солиқни ушлаб қолмасдан ёки ушбу Кодекснинг 6-моддасига мувофиқ иккиёқлама солиқ солишга йўл қўймаслик масалаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидаларига ва халқаро шартномалар бўйича солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишга доир махсус қоидаларга мувофиқ пасайтирилган ставкани қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг қоидалари ғайриқонуний тарзда қўлланилиши мазкур солиқ ушлаб қолинмаслигига ёки тўлиқ ушлаб қолинмаслигига сабаб бўлган тақдирда, Кодекснинг ушбу бўлимига мувофиқ солиқ агенти деб эътироф этилган шахслар томонидан ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ва у билан боғлиқ пеня суммасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга киритилиши шарт.

Ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ солиқ агенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти даромадларидан ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ундан ушланмасдан ўз маблағлари ҳисобидан тўланганда, солиқ агентининг солиқни тўлов манбаидан ушлаб қолиш ва кўчириб бериш мажбурияти бажарилган ҳисобланади.

401-модда. Норезидентнинг даромадларидан ушлаб қолинган солиқни қайтариш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаси қўлланиши ҳуқуқига эга бўлган норезидент жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлардан солиқ ушлаб қолинган ва бюджетга тўланган тақдирда, бундай норезидент ушбу Кодекснинг 12-бобида назарда тутилган тартибда тўланган солиқни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

XIV БЎЛИМ. ИЖТИМОЙ СОЛИҚ

58-боб. Ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш

402-модда. Солиқ тўловчилар

Ижтимоий солиқни солиқ тўловчилари (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб қуйидагилар эътироф этилади:

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар, чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари ва филиаллари;

ушбу Кодекснинг 408 ва 409-моддаларида назарда тутилган тартибга мувофиқ ижтимоий солиқ тўлайдиган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари.

403-модда. Солиқ солиш объекти

Иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари ижтимоий солиқнинг (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) солиқ солиш объектидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимлар билан таъминлаш юзасидан хизматлар кўрсатишга доир шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган юридик шахсга тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам солиқ солиш объектидир.

Жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун улар томонидан тадбиркорлик фаолиятини ва (ёки) яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш солиқ солиш объектидир.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

иш берувчининг ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигига бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш тарзидаги, ушбу Кодекс 369-моддаси иккинчи қисмининг 10-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча харажатлари;

пахта йиғим-терими бўйича мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлиги учун меҳнат ҳақи тўлашга доир харажатлар.

404-модда. Солиқ базаси

Солиқни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ базаси ушбу Кодекснинг 371-моддасига мувофиқ тўланадиган харажатлар суммаси сифатида аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахслар учун солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси уларнинг Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотлари ходимлари учун иш ҳақи миқдорининг ошиши инобатга олинган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқариладиган, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ишга юборилгунига қадар охириги иш жойида меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олган даромадларидан келиб чиқиб аниқланади.

Ушбу Кодекс 403-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ базаси чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар суммаси сифатида, бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимлар билан таъминлаш юзасидан хизматлар кўрсатишга доир шартнома бўйича харажатлар умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаган суммада белгиланади.

405-модда. Солиқ ставкалари

Солиқ ставкалари, агар ушбу Кодекснинг 408-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги миқдорларда белгиланади:

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Солиқ тўловчилар, бундан 2–4-бандларда назарда тутилганлар мустасно	12
2.	Бюджет ташкилотлари	25
3.	«SOS – Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмалари	7
4.	Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланувчи солиқ тўловчилар	4,7

Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан пасайтирилган солиқ ставкалари белгиланиши мумкин.

406-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.
Йил оyi ҳисобот давридир.

407-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Солиқ солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ иш берувчининг ва айрим тоифадаги жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахслар бўйича солиқни тўлаш мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг зиммасига юклатилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ ҳисобида турилган жойдаги солиқ органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб боровчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15 кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар томонидан йил яқунлари бўйича солиқнинг ҳисоботи ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартига қадар тақдим этилади.

Солиқни тўлаш ҳар ойда, солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

408-модда. Айрим тоифадаги жисмоний шахслар томонидан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар:

1) яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

2) яқка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан (бундан буён матнда яқка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари деб юритилади) – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорда;

3) фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзолари томонидан:

яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

оиланинг бошқа аъзолари томонидан (бундан ўн саккиз ёшга тўлмаганлар мустасно) – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорда;

4) «Хунарманд» уюшмасининг хунармандчилик фаолияти субъектлари бўлган, кишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган аъзолари томонидан ўз фаолиятининг дастлабки икки йилида – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдориди;

5) «Уста-шогирд» мактаблари ўқувчилари томонидан улар йигирма беш ёшга тўлгунига қадар ишлаган даврида – йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда мажбурий тартибда тўланади. Белгиланган миқдордаги солиқнинг тўланиши меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиқларининг аъзолари, шунингдек майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорка ер участкасида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд элик бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парваришлаётган жисмоний шахслар йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдориди солиқ тўлайди. Бунда деҳқон хўжалиги раҳбари солиқни мажбурий тартибда тўлайди, бошқа аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тўлайди. Белгиланган миқдордаги солиқнинг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг ва жисмоний шахснинг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи хунармандчилик фаолияти субъектлари бўлган «Хунарманд» уюшмасининг аъзолари солиқ тўлашдан озод этилади, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган қолган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун эса солиқ миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади. Имтиёзларга бўлган ҳуқуқ календарь йил давомида вужудга келган ёки тугатилган тақдирда, солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ юзага келган ёки тугатилган ойдан эътиборан амалга оширилади.

Солиқни тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан – ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай;

юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиқларининг аъзолари томонидан – ҳисобот йилининг 1 октябригача амалга оширилади. Бунда солиқнинг миқдори тўлов кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Янги рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан солиқни тўлаш улар яқка тартибдаги

тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширилади.

Солиқни тўлаш мажбурияти:

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзолари учун – оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш юритадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг;

якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари учун – ушбу ходимлар билан меҳнат шартномасини тузган якка тартибдаги тадбиркорнинг зиммасига юклатилади.

Тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, идентификация рақами ва тўлов киритилаётган давр кўрсатилиши шарт. Бунда оила аъзолари – оилавий тадбиркорлик иштирокчилари ва ходим ёллаган якка тартибдаги тадбиркорлар бўйича тўлов топшириқномаси (кирим ордери) ҳар бир оила аъзоси учун ва якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун алоҳида-алоҳида ёзилади. Агар тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга ошириладиган ой (деҳқон хўжаликлари аъзолари учун – йил) учун тўланган деб ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатиб турилганлиги тўғрисида солиқ органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Солиқ органлари томонидан олинган, ҳар бир ёлланган ходим учун белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходимига солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Агар фаолиятини тўхтатиб турган якка тартибдаги тадбиркор якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкасини солиқ органига белгиланган муддатларда топширмаса, якка тартибдаги тадбиркорнинг мажбуриятлари бўйича солиқни ҳисоблаш тўхтатилмайди.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган солиқ тўловчилар солиқни ушбу Кодекснинг 405-моддасида кўрсатилган солиқ ставкалари бўйича жами йиллик даромад тўғрисида декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадлар суммасидан келиб чиқиб тўлашга, бироқ ушбу моддада белгиланган, унинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган, солиқни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида тўлашга ҳақли. Бунда тўланиши лозим бўлган солиқнинг узил-кесил суммаси ушбу модданинг биринчи – бешинчи қисмларига мувофиқ тўланган суммалар ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

409-модда. Ихтиёрий равишда солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар солиқни жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммасидан келиб чиққан ҳолда, солиқни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида ихтиёрий асосда тўлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан солиқни тўлаш жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация маълумотлари бўйича солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддатларида амалга оширилади.

XV БЎЛИМ. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ

59-боб. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

410-модда. Солиқ тўловчилар

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ тўловчилари (бундан буён ушбу бобда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодекснинг 411-моддасига мувофиқ солиқ солиш объекти ҳисобланувчи мол-мулкка эга бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари;

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчмас мулкка эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар.

Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлашнинг имкони бўлмаса, ушбу мулкка эгалик қилувчи ва (ёки) ундан фойдаланувчи шахс солиқ тўловчи ҳисобланади.

Агар юридик шахс кўчмас мулкни молиявий ижарага (лизинг) олган бўлса, у ҳам солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

411-модда. Солиқ солиш объекти

Кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (бундан буён ушбу бобда солиқ деб юритилади) солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Кўчмас мулк жумласига қуйидагилар киради:

1) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар;

2) қурилиши тугалланмаган объектлар. Қурилиши тугалланмаган объектларга қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради;

3) темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

4) қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари, кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач.

Қуйидаги кўчмас мулк объектлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

1) нотижорат ташкилотлари томонидан нотижорат фаолиятини амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган объектлар;

2) турар жой-коммунал хўжалигининг ва белгиланган мақсади бўйича фойдаланиладиган бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги объектлари. Турар жой-коммунал ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжаликлари объектлари жумласига шаҳарлар ва шаҳарчаларни санитария тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш объектлари, ташқи ёритиш, коммунал-маиший эҳтиёжлар учун ва аҳолига водопровод (сув олиш ва тозалаш иншоотлари билан), канализация (тозалаш иншоотлари билан), газ, қозонхоналар ва иссиқлик тақсимланадиган тармоқлар (уларнинг иншоотлари билан), шунингдек турар жой-коммунал хўжалиги объектларига техник жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш учун мўлжалланган бинолар киради;

3) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;

4) суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари;

5) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар;

6) табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектлар. Объектларни табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектлар жумласига киритиш тегишли экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки ёнғин хавфсизлиги органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади;

7) ер участкалари.

412-модда. Солиқ базаси

Қуйидагилар солиқ базасидир:

1) ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 3-бандларида назарда тутилган объектлар бўйича – ўртача йиллик қолдиқ қиймати.

Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Бунда тўлиқ амортизация қилинган бино бўйича унинг уч йилда камида бир марта аниқланадиган қайта баҳоланган (бозор) қиймати солиқ базасидир;

2) ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган объектлар бўйича – тугалланмаган қурилишнинг ўртача йиллик қиймати;

3) ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида белгиланган объектлар бўйича – мазкур объектларнинг ўртача йиллик қиймати (реализация қилинмаган қисми бўйича).

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан солиқ базаси ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидир.

413-модда. Солиқ базасини аниқлаш тартиби

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охири кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи яқун билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ базаси мазкур объектларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

Солиқ базаси ҳар бир солиқ солиш объекти бўйича алоҳида аниқланади.

Солиқ тўловчи томонидан солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишнинг имкони бўлмаса, солиқ базаси солиқ тўланиши назарда тутилган фаолиятдан олиннадиган соф тушумнинг жами соф тушум ҳажмидаги улушига қараб аниқланади.

414-модда. Солиқ имтиёзлари

Солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ базаси қуйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилади:

1) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектларининг;

2) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкнинг.

Қуйидагилар солиқдан озод қилинади:

1) ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва ходимларининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар камида 50 фоизни ташкил этадиган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар;

2) қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, улар фойдаланишга жорий этилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга.

415-модда. Солиқ ставкалари

Солиқ ставкаси, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, 2 фоиз миқдорида белгиланади.

Агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қурилиши норматив муддатда тугалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси 4 фоиз миқдорида белгиланади.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектларига нисбатан қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан таъсир чоралари қўлланилиши мумкин ҳамда ушбу Кодекснинг 414-моддасида кўрсатилган солиқ имтиёзлари уларга татбиқ этилмайди.

Солиқ ставкаси қуйидагиларга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида белгиланади:

1) умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

2) консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлари.

416-модда. Солиқ даври

Календарь йил солиқ давридир.

417-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Солиқ тўловчилар солиқни ушбу Кодекснинг 412-моддасига мувофиқ аниқланган солиқ базасидан ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ҳисоблаб чиқаради.

Солиқ ҳисоботи солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар томонидан эса солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралига қадар бўлган муддатда тақдим этилади.

Агар кўчмас мулк, ушбу Кодекс 411-моддасининг иккинчи қисми 3-бандида кўрсатилган объектлардан ташқари, солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, солиқ ҳисоботи кўчмас мулк жойлашган ердаги солиқ органларига тақдим этилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар (бундан Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар мустасно) солиқ бўйича бўнак тўловларни тўлайди.

Бўнак тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 10 январигача, янги ташкил қилинганлари эса, давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай солиқ органларига мўлжалланаётган солиқ базасидан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади. Солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври мобайнида юзага келган солиқ тўловчилар солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган бўнак тўловлар қуйидагича тўланади:

айланмадан солиқ тўловчилар томонидан – йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдоридан йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай;

айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – йиллик солиқ суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдоридан ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ базаси ўзгарган тақдирда солиқ тўловчи солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган

маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнак тўловларга солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даври учун тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси, бўнак тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Солиқ даврида солиқ бўйича бўнак тўловлар суммаси солиқ ҳисоботида кўрсатилган бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ камайтирилган тақдирда, солиқ органи бўнак тўловларни солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан солиқ ҳар йили бир марта солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тўланади.

60-боб. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

418-модда. Солиқ тўловчилар

Мулкида ушбу Кодекснинг 419-моддасига мувофиқ солиқ солиш объекти деб тан олинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ҳолдаги ёки этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиқ тўловчилари (бундан буён ушбу бобда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб эътироф этилади.

Агар мол-мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, шунингдек кўчмас мулк мулкдори вафот этган тақдирда, бу мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

419-модда. Солиқ солиш объекти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган куйидаги мол-мулк жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг (бундан буён ушбу бобда солиқ деб юритилади) солиқ солиш объекти ҳисобланади.

- 1) уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари;
- 2) тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари;
- 3) қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектлар.

Қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга ушбу объектни қуришга доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган

норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар қиради;

4) бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар.

420-модда. Солиқ базаси

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати солиқ базаси ҳисобланади.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси қирқ икки миллион сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг шартли қиймати Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек вилоят марказларида – ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган сумманинг беш баравари миқдорида, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса – икки баравари миқдорида солиқ базаси ҳисобланади.

Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича солиқ тўловчи бўлган тақдирда, солиқ базаси ҳар бир объект бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

421-модда. Солиқ имтиёзлари

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулк солиқ солишдан озод этилади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг.

Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва катнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган уларга тенглаштирилган шахслар.

Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (катнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (катнашчиларга) эса ногироннинг (катнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар

органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари).

Ушбу имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади.

Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, солиқ имтиёзи уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқа идораларнинг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органлари ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади.

Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) солиқ имтиёзи фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

4) энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланадиган энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга.

Мазкур имтиёз энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган ҳолда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома асосида тақдим этилади.

Қуйидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк олтмиш квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади:

1) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор ота-оналаридан бирининг. Мазкур имтиёз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асосида берилади;

2) пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

3) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

Ушбу моддада кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзларига эга бўлган шахслар солиқ имтиёзини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органларига мустақил равишда тақдим этади.

Ушбу моддада белгиланган солиқ имтиёзлари мулкдорнинг танловига кўра фақат битта яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектига татбиқ этилади, бундан ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида кўрсатилган шахслар мустасно.

422-модда. Солиқ ставкалари. Солиқ даври

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

№	Солиқ солиш объектлари	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлганлари бундан мустасно), бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,2
2.	Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони:	
	200 кв.м дан ва 500 кв.м га қадар бўлган	0,25
	500 кв.м дан ортиқ бўлган	0,35
3.	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари	0,25
4.	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари	2

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан рўйхатга олинмаган янги қурилган уй-жойларга нисбатан солиқ ставкаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан тақдим

этилган ахборот асосида мулкнинг шартли кийматига нисбатан икки баравар миқдорида қўлланилади.

Худудларнинг ва фаолият амалга ошириладиган жойларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ўрнатилган солиқ ставкаларига 0,7 дан 1,3 гача бўлган ораликдаги камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилашга ҳақли.

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона турар жойдан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, солиқ ушбу модда биринчи қисмининг 1–3-бандларида белгиланган солиқ ставкалари бўйича тўланади.

Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, 4 фоиз миқдорида белгиланади.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек қурилиши тугалланмаган объектларга нисбатан қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан юридик шахслар учун назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

Календарь йил солиқ давридир.

423-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январдаги ҳолатига кўра бўлган кадастр қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бир неча мулкдорларининг умумий улушли мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун солиқ ҳар бир мулкдор томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошланишига қадар, янги мулкдор томонидан эса, унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ мулк ҳуқуқи юзага келган ойдан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун солиқ меросхўрда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган тақдирда, солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тугатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик ёки бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

Календарь йил мобайнида имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) тақдирда, солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади.

Солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда ҳар йили 1 мартдан кечиктирмай топширилади.

Солиқ даври учун солиқни тўлаш тенг улушларда 15 апрелга ва 15 октябрга қадар амалга оширилади.

XVI БЎЛИМ. ЕР СОЛИҒИ

61-боб. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи

424-модда. Умумий қоидалар

Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара тўлови тарзда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара тўлови ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайди.

425-модда. Солиқ тўловчилар

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари юридик шахслардан

олинадиган ер солиғини тўловчилар (бундан буён ушбу бобда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб эътироф этилади.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи солиқ тўловчи деб эътироф этилади. Бунда молиявий ижара (лизинг) шартномасига мувофиқ молиявий ижарага (лизинг) берилган (олинган) кўчмас мулк объектлари бўйича ижарага олувчи (лизинг олувчи) солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

426-модда. Солиқ солиш объекти

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг (бундан буён ушбу бобда солиқ деб юритилади) солиқ солиш объектидир.

Қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объекти сифатида ҳисобланмайди:

1) ноижорат ташкилотлари томонидан ноижорат фаолияти доирасида фойдаланиладиган ерлар;

2) аҳоли пунктларининг, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, шаҳобча йўллар, суғориш тармоқлари, коллекторлар, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби умумий фойдаланишдаги ерлар);

3) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;

4) аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, истирохат боғлари, сайилгоҳлар, хиёбонлар, дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун белгиланган жойлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

5) давлат кўрикхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма кўрикхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма кўрикхоналарининг (бундан овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма кўрикхоналар мустасно), табиий питомникларнинг, давлат биосфера резерватларининг, миллий боғларнинг ерлари;

6) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар – тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган, профилактика ҳамда даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;

7) рекреация аҳамиятига молик ерлар – аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ер участкалари;

8) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектлари, хотира боғлари эгаллаган ер участкалари;

9) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

10) юридик шахс балансида бўлган ва фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар;

11) коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дафн этиш жойлари, маиший чикиндиларни йиғиш, қайтадан ортиш ва саралаш жойлари, шунингдек чикиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари);

12) кўп квартирали уйлар эгаллаган ерлар, бундан яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари мустасно;

13) сув фонди;

14) захиралар.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ер участкалари хўжалик фаолиятини юритиш учун фойдаланилса, улар ушбу бобда белгиланган тартибда солиқ солиш объекти ҳисобланади.

427-модда. Солиқ базаси

Қуйидагилар солиқ базасидир:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича – ушбу Кодекснинг 428-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасининг умумий майдони, ;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича – ушбу Кодекснинг 428-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган норматив қиймати, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса – ер участкасининг умумий майдони.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, солиқ базаси ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ базаси ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ вужудга келган тақдирда, солиқ базаси ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ бекор қилинган тақдирда,

солиқ базаси ушбу ҳуқуқ тугатилганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).

Солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширганда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган ер участкаси бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаганда, солиқ базаси солиқни тўлаш назарда тутилган фаолиятдан олинadиган соф тушумнинг умумий соф тушум ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

428-модда. Солиқ имтиёзлари

Қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқарувчилар қайта тикланадиган энергия манбалари (номинал куввати 0,1 МВт ва кўпроқ) ускуналари эгаллаган ер участкалари бўйича улар ишга туширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга солиқдан озод этилади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради:

маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш объектлари эгаллаган ерлар;

спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари (магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармоқларидаги кузатиш қудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар);

магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Ихота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овланадиган кимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар,

бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар;

томчилатиб суғориш қўлланиладиган ерлар – томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга;

қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштириладиган ерлар – ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;

мелиорация ишлари амалга ошириладиган мавжуд суғориладиган ерлар – ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;

янги барпо этиладиган боғлар, тоқзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Кузда ўтқазилган янги кўчатлар учун берилладиган солиқ имтиёзи муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтқазилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади;

илмий ташкилотларнинг, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжалиklarининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган ерлар ва ўрмон фондининг ерлари. Ушбу бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади.

Ушбу моддада белгиланган солиқ имтиёзлари белгиланган мақсадда бевосита фойдаланилмаётган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

429-модда. Солиқ ставкалари

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича солиқ ставкалари 1 гектар учун мутлақ миқдорда белгиланади. Солиқ ставкаларининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича солиқ ставкалари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-

сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса – 1 гектар учун мутлақ миқдорда белгиланади.

Қуйидагилар эгаллаган ер участкалари учун солиқ ставкасига 0,1 коэффициент қўлланилади:

ягона иштирокчилари ногиронларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва ходимлар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этадиган ҳамда ногиронларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар эгаллаган ерлар;

электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон каналзациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, таксимлагич шкафлар, ерга улаш контури кутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупрок кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўл станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, қувурларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, қувурларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар банд этган ерлар;

самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар – қурилишнинг норматив муддати даврида;

консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар – уларнинг консервацияси даврида.

Ушбу модданинг учинчи қисми юридик шахсларга белгиланган тартибда ажратилган ер участкаларига татбиқ этилади.

Ер участкаси мулкдорининг, ер эгасининг, ердан фойдаланувчининг ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет бали пасайган) тақдирда, солиқ юридик шахслар

томонидан ернинг сифати ёмонлашгунига қадар мавжуд бўлган бонитет балидан келиб чиққан ҳолда тўланади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати яхшиланган тақдирда (бонитет бали ошганда), солиқ юридик шахслар томонидан тупрок бонитировкаси ўтказилган йилдан кейинги йилнинг бошидан янги бонитет балидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати бўйича, агротехник тадбирлар тугаган даврларда қайта ҳисоб-китоб қилинмасдан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг икки баравари миқдоридан тўланади.

Қурилиши тугалланмаган объектлар эгаллаган ер участкалари учун, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, солиқ икки баравар солиқ ставкалари бўйича тўланади.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек қурилиши тугалланмаган объектларга нисбатан қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан таъсир чоралари қўлланилиши мумкин ҳамда ушбу Кодекснинг 428-моддасида кўрсатилган солиқ имтиёзлари уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига ушбу қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектларнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради.

Ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг тўрт баравари миқдоридан белгиланади.

430-модда. Солиқ даври

Календарь йил солиқ давридир.

431-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби

Солиқ ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ ҳисоботи ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органига қуйидаги муддатларга тақдим этилади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича – жорий солиқ даврининг 10 январига қадар;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича – жорий солиқ даврининг 1 майига қадар.

Солиқ тўловчилар солиқни ушбу Кодекснинг 427-моддасига мувофиқ аниқланган солиқ базасидан ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ҳисоблаб чиқаради.

Солиқ базаси (ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси) солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда юридик шахслар бир ойлик муддат ичида солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Солиқ даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган юридик шахслар қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлари бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этади.

Ушбу Кодекс 426-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган объектлар жойлашган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар жорий солиқ даврининг 10 январига қадар мазкур объектларнинг жойлашган ери бўйича солиқ органларига солиқ солиш объекти ҳисобланмайдиган, юридик шахсда мавжуд бўлган ер участкалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклдаги маълумотномани тақдим этади.

432-модда. Солиқни тўлаш тартиби

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқни тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

айланмадан солиқ тўловчилар учун – йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдоридан, ҳар чорак биринчи ойининг 10-кунигача;

айланмадан солиқ тўловчи бўлмаган солиқ тўловчилар учун – йиллик солиқ суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдоридан, ҳар ойнинг 10-кунигача.

Солиқ даври давомида солиқ тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқни тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар – солиқнинг қолган суммаси.

62-боб. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи

433-модда. Солиқ тўловчилар

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик

шахс ташкил этган ёки этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини солиқ тўловчилари (бундан буён ушбу бобда солиқ тўловчи деб юритилади) деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара тўлови ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга нисбатан жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Уй-жой, яшаш учун мўлжалланмаган иморатлар ва иншоотлар мерос бўйича ўтиши билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтган ер участкалари учун ер солиғи мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятларини инобатга олган ҳолда меросхўрлардан ундирилади.

434-модда. Солиқ солиш объекти

Қуйидаги ер участкалари жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг (бундан буён ушбу бобда солиқ деб юритилади) солиқ солиш объектидир:

1) деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳада қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб сотиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди, бундан ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида кўрсатилганлар ва кўп квартирали уйларда жойлашган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари мустасно.

435-модда. Солиқ базаси

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг маълумотлари бўйича ер участкаларининг майдони солиқ базасидир.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек яқка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари бўйича солиқ базаси ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Хизмат юзасидан берилган чек ер майдонлари бўйича солиқ базаси ўз ходимларига ер участкаларини берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади.

436-модда. Солиқ имтиёзлари

Солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

4) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан бирга алоҳида уйда яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади;

5) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

6) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган) фуқаролар. Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногиронлиги

бўлган шахснинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

7) энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар – қайта тикланадиган энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга. Мазкур имтиёз энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган ҳолда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома асосида берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари, бундан 5-бандда кўрсатилгани мустасно, якка тартибдаги уй-жой қурилиши, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга берилади. Бунда мазкур солиқ имтиёзлари солиқ тўловчининг танлови бўйича фақат битта ер участкасига берилиши мумкин, бундан ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида кўрсатилган шахслар мустасно.

Ушбу моддада кўрсатилган солиқ имтиёзларига эга бўлган шахслар солиқ имтиёзларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларини ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органларига мустақил равишда тақдим этади.

437-модда. Солиқ ставкалари

Солиқ ставкалари 1 кв.м учун мутлақ миқдорларда белгиланади. Солиқ ставкаларининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

Худудларнинг ва фаолият амалга ошириладиган жойнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши белгиланган солиқ ставкаларига 0,7 дан 1,3 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилаш ҳуқуқига эга.

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари учун солиқ жисмоний шахслардан юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича ундирилади ҳамда ушбу Кодекснинг 436-моддасида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек норматив муддатида қурилиши тугалланмаган объектлар жойлашган ер участкаларига нисбатан қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан юридик шахслар учун назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона ер участкасидан унда жойлашган уйда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, солиқ жисмоний шахслар учун белгиланган солиқ ставкаси бўйича тўланади.

Якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ёки уни ободонлаштириш амалга оширилмаган тақдирда солиқ уч баравар миқдорда тўланади.

Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда, солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг уч баравари миқдорида белгиланади.

438-модда. Солиқ даври

Календарь йил солиқ даври ҳисобланади.

439-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Солиқ органлари ҳар йили 1 мартдан кечиктирмай солиқ суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномасини жисмоний шахсларга имзо қўйдириб ёки тўлов хабарномаси олинганлиги фактини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда топширади.

Йил мобайнида ер участкаси майдони ўзгарганда ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқ юзага келганда (тугатишганда) солиқ органлари мазкур ўзгаришлардан кейин бир ой ичида солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиши ҳамда солиқ тўловчига солиқ суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этиши керак.

440-модда. Солиқ тўлаш тартиби

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан эътиборан жисмоний шахслар томонидан тўланади.

Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқни тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тугатилади (камайтирилади).

Солиқ бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёзга бўлган ҳуқуқ юзага келган ойдан эътиборан тўланмайди. Солиқ бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ тугатилган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ тугатилган ойдан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди.

Солиқ даври учун солиқни тўлаш жисмоний шахслар томонидан 15 апрель ва 15 октябрга қадар тенг улушларда амалга оширилади.

XVII БЎЛИМ.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

63-боб. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш

441-модда. Солиқ тўловчилар

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан бирламчи фойдаланишни ёки сувни истеъмол қилишни амалга оширувчи қуйидаги шахслардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;

фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалари орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар;

сувдан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;

деҳқон хўжаликлари.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган сув учун солиқни тўловчилар деб эътироф этилади.

442-модда. Солиқ солиш объекти

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) солиш объектидир.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлмайди:

1) нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолиятни амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган сув ресурслари;

2) соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

3) атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқариб олинган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

4) шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш пайтида чиқариб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайта қуйиладиган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

5) гидроэлектростанциялар гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ресурслари;

6) иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қуйиладиган сув ресурслари;

7) кишлок хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган шўрларни ювиш нормалари доирасидаги сув ресурслари.

443-модда. Солиқ базаси

Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ базасидир.

444-модда. Солиқ базасини аниқлаш тартиби

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (дастлабки) ҳисоби ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбоблар кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сувни истеъмоли қилишнинг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда яшил дарахтзорларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида ҳисобини юритади. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилганда, солиқ базаси манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади. Сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келиб тушадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига жорий солиқ даврининг 15 январига қадар тақдим этиши керак. Солиқ органлари уч кун ичида ушбу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим.

Иссиқ сув ҳамда буғ ҳосил қилиниши бўйича солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ўзи фойдаланган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Биоларнинг бир қисми, алоҳида иншоотлар ижарага берилганда солиқ базаси сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аниқланади.

Биоларнинг бир қисмини, алоҳида иншоотларни ижарага олган ва сув етказиб беришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар билан шартнома тузган юридик шахслар солиқ базасини мустақил равишда аниқлайди.

Солиқ тўловчилар юридик шахслар билан сув етказиб берилиши юзасидан солиштириб кўриш жараёнида олинган сувнинг ҳажмини аниқлаштиришда сув ҳажмининг фарқини солиштириш амалга оширилган даврдаги ҳисоб-китобларда акс эттиради.

Юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар солиқ тўлайди. Қурилиш ишлари янги қурилиш майдончасида бажарилган тақдирда, қурилишда фойдаланиладиган сув ҳажми учун қурилиш ташкилоти солиқ тўлайди.

Юридик шахслар қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга тааллуқли қисм бўйича солиқ базасини солиқ даврида бир гектар суғориладиган ерларни суғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртача ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Деҳқон хўжаликлари учун солиқ базаси солиқ органлари томонидан ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ аниқланади.

Солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширган тақдирда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ базаси қайси фаолият бўйича солиқ тўлаш соф тушумнинг умумий ҳажмида назарда тутилган бўлса, ўша фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг солиштирма ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Алкоголли маҳсулот ва алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилган сувнинг ҳажми ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун солиқ базаси ҳисобланади. Алкоголли маҳсулот ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми деганда истеъмол идишидаги тайёр маҳсулотга тўғри келадиган сувнинг ҳажми тушунилади.

445-модда. Солиқ ставкалари

Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлақ миқдорда белгиланади. Солиқ ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

Сувдан фойдаланиш учун белгиланган лимитлардан ортиқча сув олинганда, бундай ортиқча қисм бўйича солиқ ставкалари белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари миқдорида белгиланади.

Сув ресурсларидан рухсат берувчи ҳужжатларсиз фойдаланилганда, шунингдек автотранспорт воситаларини ювишни амалга оширувчи корхоналар томонидан ер усти манбаларидан олинган сувдан фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари миқдорида белгиланади.

446-модда. Солиқ даври

Календарь йил солиқ даври ҳисобланади.

447-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби

Солиқ суммаси солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Дехқон хўжаликлари учун солиқ суммаси солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда солиқ органлари томонидан аниқланади.

Солиқ ҳисоботи сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солиқ органларига қуйидагилар томонидан йилда бир марта тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан, бундан қишлоқ хўжалиги корхоналари мустасно – йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан – жорий солиқ даврининг 15 декабригача;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – солиқ давридан кейинги йилнинг 20 январигача.

Солиқ органлари солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномасини деҳқон хўжаликларига солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай топширади.

448-модда. Солиқ тўлаш тартиби

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар солиқ бўйича бўнак тўловларни тўлайди, бундан қишлоқ хўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек деҳқон хўжаликлари мустасно.

Бўнак тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 20 январигача, янги ташкил этилганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солиқ органларига мўлжалланаётган солиқ базасидан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади. Солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври ичида юзага келган солиқ тўловчилар солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган бўнак тўловлар:

солиқ даврида солиқ суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан кўпроқни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (бундан айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар мустасно) – ҳар ойнинг 20 санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида;

солиқ даврида солиқ суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ҳар чорак учинчи ойининг 20 санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида тўланади.

Солиқ даври давомида мўлжалланаётган солиқ базаси ўзгарганда, солиқ тўловчи солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнак тўловларга солиқнинг ўзгарган суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даври учун бўнак тўловлар ҳисобга олинган ҳолда солиқни тўлаш солиқ тўловчилар томонидан, бундан деҳқон хўжаликлари мустасно, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ даври учун бўнак тўловлар суммаси солиқ ҳисоботида кўрсатилган бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ миқдорга камайтирилган тақдирда, солиқ органи бўнак

тўловларни солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоб-китоб қилади.

Дехкон хўжаликлари томонидан солиқни тўлаш йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майгача амалга оширилади.

XVIII БЎЛИМ. ЕР ҚАЪРИДАН ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

64-боб. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш

449-модда. Солиқ тўловчилар

Ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олувчи, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олувчи ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни солиқ тўловчилар (бундан буён ушбу бобда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонларни қидиришни, фойдали қазилмаларни қазиб олишни, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилар деб эътироф этилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахслар қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолиятни амалга оширишга тааллуқли қисм бўйича солиқ тўловчилар бўлмайди.

450-модда. Солиқ солиш объекти

Фойдали қазилмани қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (бундан буён ушбу бобда солиқ деб юритилади) солиш объектидир.

Қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилманинг ҳажми фойдали қазилмаларнинг ҳақиқий йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Фойдали қазилманинг захираси қайси фойдали қазилманинг миқдорига камайтириладиган бўлса, ўша фойдали қазилманинг ҳисобланган миқдори ва фойдали қазилмани қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) тўлиқ технологик цикли яқунлангач аниқланган,

ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма миқдори ўртасидаги фарқ фойдали қазилманинг ҳақиқий йўқотишларидир.

Солиқ солиш объекти фойдали қазилманинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар (шу жумладан бирга қўшилиб чиқадиган);

фойдали қазилмалардан, минерал хом ашёдан, техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали компонентлар;

саноат йўсинида дастлабки қайта ишловдан ўтказилган қазиб олинган углеводородлар шу жумладан бирга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар;

углеводородларни қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган, лекин олдинги қазиб олинганда ва қайта ишланганда қайта ишланадиган фойдали қазилмалар таркибида тайёр маҳсулот сифатида солиқ солинмаган фойдали компонентлар;

ажратиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлмайди:

қатламдаги босимни сақлаб туриш ва (ёки) углеводородларни ёпиқ технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий газ ҳажми;

солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида қазиб олинган (ажратиб олинган) ҳамда ўзининг хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланилган кенг тарқалган фойдали қазилмалар. Кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари натижасида қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмалар, бундан қайта ишланган ва реализация қилинган фойдали қазилмалар ҳажми мустасно.

451-модда. Солиқ базаси

Солиқ базаси ер қаъридан фойдаланувчи томонидан мустақил равишда ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмага, шу жумладан асосий фойдали қазилмани қазиб олишда бирга чиқадиган фойдали компонентларга нисбатан аниқланади.

Агар ушбу модданинг еттинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати сифатида аниқланади.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма бўйича пулда

ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) уларнинг натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали алоҳида аниқланади.

Ҳисобот даврида фойдали қазилма реализация қилинмаган тақдирда, солиқ базаси реализация қилиш амалга оширилган охириги ҳисобот даврида фойдали қазилмани реализация қилишнинг ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Фойдали қазилма умуман реализация қилинмаган тақдирда, солиқ базаси ҳисобот даврида мазкур фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархини 20 фоизга оширган ҳолда аниқланади. Бунда, солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган ўша ҳисобот даврида ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасига ҳисобот даврида шаклланган ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Қазиб олинган фойдали қазилманинг бир қисми реализация қилиниб, қолган қисмидан ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда, фойдали қазилма бўйича солиқ базаси реализация қилинган ушбу фойдали қазилманинг ўртача олинган реализация қилиш нархидан келиб чиқиб аниқланади.

Фойдали қазилмадан ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда бундай фойдали қазилмалар учун солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмани ишлаб чиқариш таннархини 20 фоизга оширган ҳолда аниқланади.

452-модда. Солиқ ставкалари

Фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) 0 фоизли ставка бўйича солиқ солиш фойдали қазилмаларнинг норматив йўқотишларига тааллуқли қисми бўйича амалга оширилади. Фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) конларда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг қабул қилинган схемаси ва технологиялари билан технологик боғлиқ ҳолдаги, ваколатли орган томонидан қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда тасдиқланадиган нормалар доирасидаги йўқотишлар норматив йўқотишлардир.

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Солиқ солинадиган объектнинг номи	Солиқ ставкалари, фоизларда
1. Асосий ва бирга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун	
Энергия манбалари:	
Табиий газ	30

Утилизация қилинган табиий газ, реализация қилинган хажми бўйича	9
Ер остига жойлаштирилган газ	2,6
Газ конденсати	20
Нефть	20
Тош кўмир	4
Қўнғир кўмир	4
Ёнувчи сланцлар	4
Рангли, нодир ва радиоактив металлар:	
Тозаланган мис	10
Молибденли саноат маҳсулоти	10
Рений	10
Концентратланган қўрғошин	8
Металл рух	10
Вольфрам концентрати	10,4
Уран	10
Селен	10
Теллур	10
Индий	10
Висмут	10
Асл металлар:	
Олтин	10
Кумуш	10
Палладий	10
Платина	10
Осмий	10
Нодир тош хом ашёси:	
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зеб-зийнат учун тошлар хом ашёси	24
Феруза, лиственит, родонит, змеевик, мрамар йўл-йўл ақиқ, кахолонг, яшма, халцедон, ақиқ, гематит	24
Қора металлар:	
Темир	5
Титан-магнетитли рудалар	4
Марганец рудалари	4
Кон-кимё хом ашёси:	
Тош туз (овқатга ишлатиладиган)	3,5, бироқ 10000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Калий тузи	3,5
Сульфат тузи	3,5

Фосфоритлар (донасимон)	5
Карбонат хом ашёси (оҳактошлар, доломитлар)	3,5
Оҳактошлар (сода учун ва Biox технологияси бўйича саноат чиқиндиларини тозалаш)	3,5
Минерал (лойсимон, темироксили, карбонатли) пигментлар	5,5
Йод	4,8
Қишлоқ хўжалиги руда хом ашёси (глауконит, бентонитли гил, уруғсимон ва табиий фойдаланиладиган ҳамда желвакли фосфоритлар)	3,5
Кон-руда хом ашёси:	
Эрувчан шпат	21,2
Табиий графит	8
Бирламчи каолин (концентрат), реализация қилинган ҳажми бўйича	7,9
Иккиламчи каолин, реализация қилинган ҳажмига доир	7,9
Дала шпати хом ашёси (пегматит, дала шпати, фельзит, лейкократли гранит, кварц-дала шпати хом-ашёси)	6,5
Кварц кумлари (шиша)	3
Кумтош (шиша)	5
Бентонитли лой (бурғуланган эритмалар)	4,8
Тальк ва тальк тоши	4
Талькли магнезит	4
Волластонит	4
Асбест	4
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт	4
Барит концентрати	4
Ўтга чидамли, қийин эрувчан гиллар	4
Оҳактошлар, доломитлар (шиша, металлургия учун, ўтга чидамли), флюс оҳактош	5, бироқ 11500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Кварц ва кварцит (шиша, техник кремний, силикомарганц, диналар ишлаб чиқариш учун)	6,5
Қолиплаш хом ашёси (кумлар, лойлар)	4
Вермикулит	4
Минерал пахта учун хом ашё (доломит, тоғ жинслари)	5
Ҳайвонлар ва қушларни озиклантириш учун оҳактош қобиғи	5
Серпентинит (ўтга чидамли хом ашё)	5
Қурилиш материаллари:	

Цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактошдан ташқари цемент хом ашёси (мергели, лойлар, сланцлар, лёссимон жинслар, қумоқсимон, лойсимон чиғаноқлар, каолин, вулқон жинслари, пелитли туффитлар, базальтлар, диабазлар, андезибазальтлар, глиежлар, темир таркибли қўшимчалар, магнетит – гематитли жинслар, кварц қуми ва ҳ.к.)	10
Цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош	45 000 сўм/тонна*
Оҳак ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош	5
Табиий безактошдан блоклар (оҳактош, оҳактош-чиғанлик, равертин симон оҳактошлар, мрамор, гранит, гранодиорит, граносиенит, нефелинли сиенит, габбро, граносиенитпорфир, кварц порфирдаги игнимбритлар, липарито-дацитлар, вулқон туфи, вулқон жинслари, кумтош)	5, бироқ 20 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Мармар ушоғи	5, бироқ 17 000 сўм/куб. м дан кам бўлмаган
Керамзит хом ашёси (бентонит ва лой жинслари)	5
Гишт-черепица хом ашёси (қумоқсимон, лёссимон жинслар, лёсслар, зичловчи сифатида қумлар ва бошқалар)	5, бироқ 7 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Гипс тоши, гипс ва ангидрид, ганч	5, бироқ 9 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Арраланадиган, харсангтош ва шағал учун тошлар	5, бироқ 7 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Соҳилни ҳимоя қилиш ишлари учун хом ашё (оҳактошлар, порфиритлар, гранитлар)	5, бироқ 10 000 сўм/куб. м дан кам бўлмаган
Қурилиш қумлари	5, бироқ 8 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Тош-шағал аралашмаси	5, бироқ 7 500 сўм/куб.м

	дан кам бўлмаган
Қумтошлар	5
Оҳактош-чиғанок	5, бироқ 12 500 сўм/куб. м дан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари)	5, бироқ 10 000 сўм/куб. м дан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари)	5, бироқ 10 000 сўм/куб. м дан кам бўлмаган
Фарфор хом ашёси (фарфор тоши, лойли оқ қуюқлашувчи сланец)	5
Тўғон қуриш учун хом ашё (тош-шағал материаллари, лёссимон жинслар, қум, бентонитли лой, оҳактошлар)	5
Бошқа кенг тарқалган фойдали қазилмалар (мергеллар, аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	5
2. Техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали қазилмалар	Асосий фойдали қазилмани қазиб олганлик учун ставканинг 30 %и

* Цемент ишлаб чиқарувчи заводлар, шунингдек цемент хом ашёси – оҳактошни реализация қиладиган ер қаъридан фойдаланувчилар белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлайди. Цемент ишлаб чиқариш учун кўмирдан фойдаланувчи заводлар учун солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилади.

Асл, рангли, ноёб ва радиоактив металларни қазиб олишни амалга оширувчи алоҳида солиқ тўловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан оширилган солиқ ставкалари белгиланиши мумкин.

453-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ даври ҳисобланади.
Қуйидагилар ҳисобот давридир:
юридик шахслар учун – бир ой;
жисмоний шахслар учун – календарь йил.

454-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда солиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Фойдали қазилмаларнинг алоҳида турлари бўйича солиқ суммаси солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкасидан, лекин белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаган ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ ҳисоботи солиқ ҳисобида турган жойдаги, норуда фойдали қазилмалар бўйича эса – қазиб олиш амалга оширилган жойдаги солиқ органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан – ортиб борувчи якун билан ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

жисмоний шахслар томонидан – йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай.

Солиқни тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

юридик шахслар томонидан – ҳар ойда кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай;

жисмоний шахслар томонидан – солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай.

ХІХ БЎЛИМ. ЙИҒИМЛАР

65-боб. Автотранспорт йиғимлари

455-модда. Автотранспорт йиғимларининг турлари

Автотранспорт йиғимлари жумласига қуйидагилар киради:

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим.

456-модда. Солиқ тўловчилари

Автотранспорт воситаларини сотиб олувчи ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб киришни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳамда норезидентлари автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон

Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимни солиқ тўловчилари деб эътироф этилади.

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг эгалари ёки улардан фойдаланувчилар ушбу воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити йиғими солиқ тўловчилари деб эътироф этилади.

Автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчилар мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган янги автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун йиғимни солиқ тўловчилари деб эътироф этилади.

457-модда. Солиқ солиш объекти

Қуйидагилар йиғимлар солиш объектидир:

автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзити.

458-модда. Солиқ базаси

Солиқ базаси қуйидагилардир:

сотиб олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари двигателининг от кучидаги қуввати ёки автотранспорт воситаларининг қиймати;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганида ёки унинг ҳудуди орқали транзитида – чет давлатларнинг автотранспорт воситалари.

459-модда. Солиқ имтиёзлари

Автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) ишлаб чиқарувчи завод томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган енгил автомобилни ва (ёки) мотоаравачани сотиб олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлиги бўлган шахслар;

2) яқин қариндошларидан ҳады шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар;

3) фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, конун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияга эга бўлган автомобиль транспорти корхоналари – йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналишли таксилардан ташқари);

4) юридик шахслар – қирқ тоннадан ортиқ юк кўтарадиган, сотиб олинган кон автосамосваллари бўйича;

5) ҳомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобилларни олган (сотиб олган) болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, ногирон болалар учун марказлар, қариялар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари;

6) юридик шахслар – автотранспорт воситаларини битта тизим (давлат ва хўжалик бошқаруви органи) ичида балансдан балансга бепул ўтказиш чоғида;

7) қайта ташкил этиш натижасида автотранспорт воситасини олган ҳуқуқий ворис;

8) автотранспорт воситаларини ушбу модданинг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган юридик шахсларга лизингга бериш учун олувчи лизинг берувчилар.

460-модда. Йиғимларни тўлаш тартиби

Автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда қуйидаги ҳолларда ундирилади:

1) автотранспорт воситалари олди-сотди, алмаштириш, ҳадя, бепул бериш шартномаси асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олинганда;

2) автотранспорт воситалари юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ёки дивидендлар сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинганда;

3) автотранспорт воситалари лизингга бериш учун сотиб олинганда, бундан ушбу Кодекс 459-моддасининг 8-бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Йиғим тарафларнинг ёзма келишувига кўра лизинг берувчидан ёки лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, йиғим лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг шартномасининг муддати тугаганидан сўнг мазкур лизинг (иккиламчи лизинг) шартномаси предмети бўлган автотранспорт воситаси қайта рўйхатдан ўтказилаётганида такроран йиғим ундирилмайди;

4) автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганда.

Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари сотиб олинганда, йиғим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланади.

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим чет давлатнинг автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кираётганида ундирилади.

XX БЎЛИМ. АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

66-боб. Айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш

461-модда. Солиқ тўловчилар

Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (бундан буён ушбу бўлимда юридик шахслар деб юритилади);

2) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар.

Айланмадан олинадиган солиқ қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

1) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб киришни (импортни) амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга;

2) акциз солиғи тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи ва фойдали қазилмаларни қавлаб олишни амалга оширувчи юридик шахсларга;

3) юридик шахслар – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига, башарти уларда эллик гектар ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлса;

4) бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахсларга;

5) лотореяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларга;

6) оддий ширкат ишларини юритиш ўз зиммасига юклатилган ишончли шахсга – оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича;

7) бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахсларга, улардан самарасиз фойдаланиладиганлиги бўйича қонунда белгиланган тартибда хулоса киритилганда;

8) марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни (жорий ва капитал таъмирлаш бундан мустасно) қуришни бажарувчи юридик шахсларга.

462-модда. Айланмадан олинадиган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу Кодекснинг 461-моддаси биринчи қисми 1-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлаш ўрнига айланмадан олинадиган солиқ (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) тўлашни назарда тутадиган махсус солиқ режимини танлашга ҳақли.

Ушбу Кодекснинг 461-моддаси биринчи қисми 1-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар айланмадан олинадиган солиқ тўлашга навбатдаги солиқ давридан бошлаб ўтишга ҳақли. Айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтиш учун солиқ тўловчилар айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтиши тўғрисида солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда, бироқ айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтилаётган навбатдаги солиқ даври бошланишига қадар ўн кундан кечиктирмай хабардор қилади.

Ушбу Кодекснинг 461-моддаси биринчи қисми 2-бандида кўрсатилган солиқ тўловчиларнинг солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошганда, агар ушбу модданинг тўртинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқнинг ошиб кетган суммасидан айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтади.

Ушбу Кодекснинг 461-моддаси биринчи қисми 2-бандида кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни тўлаш ўрнига қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтишга ҳақли. Солиқ солиш тартибини танлаш учун якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органига товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари юз миллион сўмдан ошган санадан беш кундан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда билдиришнома юборади.

Билдиришнома ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган муддатларда тақдим этилмаганда якка тартибдаги тадбиркор айланмадан олинадиган солиқ тўлайди.

Янги ташкил этилган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида танланган солиқ солиш тартибини кўрсатиш орқали айланмадан олинадиган солиқни тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқига эга.

Юридик шахслар айланмадан олинадиган солиқни қўллашни ушбу Кодекснинг 237-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиш учун ва бир вақтнинг ўзида айланмадан олинадиган солиқни тўлашни рад этишга доир ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ихтиёрий равишда рад этишга ҳақли.

Қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ихтиёрий равишда ўтган солиқ тўловчилар, башарти жорий солиқ даври яқунлари бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромадлари бир миллиард сўмдан ошмаган бўлса, айланмадан олинадиган солиқни тўлашга камида ўн икки ойдан кейин қайта ўтишга ҳақли.

Солиқ даври давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади бир миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар, шу жумладан янги ташкил этилган юридик шахслар ва янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар бундай ошиш рўй берган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Агар янги ташкил этилган юридик шахсда ёки янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад суммаси рўйхатдан ўтилган санадан то календарь йил тугагунига қадар, 365 га бўлинган ва рўйхатдан ўтилган санадан то календарь йил тугагунига қадар бўлган кунлар сонига кўпайтирилганда бир миллиард сўмга тенг суммадан ошса, у ҳолда бундай шахслар рўйхатдан ўтилган йилдан кейинги йилдан эътиборан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Воситачилик, топшириқ шартномаси ва воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи солиқ тўловчилар, шу жумладан телекоммуникациялар операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадни реализация қилиш бўйича умумий айланмадан (битим суммаларидан) келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахслар, уларни самарасиз фойдаланаётганлиги бўйича хулоса киритилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорлари бўлган юридик шахслар, инвестицион лойиҳанинг амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулоса беришга ваколати бўлган ваколатли органнинг хулосаси чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан эътиборан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобидан объектлар қурилишини (бундан жорий ва капитал таъмирлаш мустасно) бажарувчи юридик шахслар бундай қурилишга доир шартнома расмийлаштирилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан эътиборан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Солиқни тўлаш солиқ тўловчини қуйидагилардан озод этмайди:

ушбу Кодекс билан унинг зиммасига юклатилган солиқ агентининг мажбуриятларини бажаришдан;

агар ушбу Кодексада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳисобварақ-фактура тақдим этиш, харидларни ҳисобга олиш китобини ва сотишларни ҳисобга олиш китобини юритиш мажбуриятидан.

463-модда. Солиқ солиш объекти

Ушбу Кодекснинг 43-бобига мувофиқ аниқланадиган жами даромад солиқ солиш объектидир, бундан ушбу Кодекснинг 304-моддасига мувофиқ, ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ солиш чоғида инobatга олинмайдиган даромадлар мустасно.

Солиқ солиш мақсадида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад деганда қуйидагилар тушунилади:

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун – ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан олинган даромадлар. Бунда, агар юқорида қайд этилган хизматларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлар бажарилган ҳамда тасдиқланган хизматларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги даромади сифатида белгиланади;

мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

товарларни (хизматларни) текин берувчи юридик шахслар учун – агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, товарларнинг (хизматларнинг) таннархи ёки уларни олиш баҳоси (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда). Мазкур норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига бепул бериладиган товарларга (хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди;

нотижорат ташкилотларининг ушбу Кодекс 318-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилмаган даромадлари.

Солиқ солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳам ҳисобланади:

1) товарларни (хизматларни) қуйидагиларга:

а) иштирокчилар таркибидан иштирокчи чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёхуд унинг юридик шахсдаги улуши камайтирилганда ёки юридик шахс томонидан иштирокчидан унинг ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (улушининг қисми) қайтариб сотиб олинганда ушбу иштирокчига бериш;

б) юридик шахс бўлган эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинганда акциядорга бериш;

в) юридик шахс тугатилганда акциядорга ёки иштирокчига бериш;

2) товарларни (хизматларни) жисмоний шахс меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисобидан ёки дивиденд тўлаш ҳисобидан бериш;

3) товарларни ёки бошқа мол-мулкни қайта ишлаб бериш учун бериш, агар товарлар ва (ёки) мулк қайта ишлаш маҳсулоти сифатида шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса;

4) кўп марта айланадиган, сотувчига қайтарилиши шарт бўлган идишларни, агар идиш маҳсулотни шундай идишда етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса, бериш.

Товарларни (хизматларни) олиш ҳуқуқини тақдим этувчи ваучерларни реализация қилиш ёки бепул бериш мазкур товарларни (хизматларни) реализация қилиш деб эътироф этилади.

Узоқ муддатли шартномалар бўйича даромадлар ушбу Кодекснинг 303-моддасида назарда тутилган тартибда жами даромад таркибига киритилади.

Балансининг валюта ҳисобварақларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти деб эътироф этилади. Курсдаги салбий фарқнинг суммаси курсдаги ижобий фарқ суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма айланмадан олиннадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ базасини камайтирмайди.

Солиқ тўловчилар томонидан жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ёхуд қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлаш даврида айланмадан олиннадиган солиқни тўлашга ўтгунига қадар олинган даромадлар жами даромадга киритилмайди.

464-модда. Солиқ базаси

Ушбу Кодекснинг 463-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жами даромад солиқ базаси деб эътироф этилади, бундан қуйидагилар мустасно:

1) Ўзбекистон Республикасининг давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг халқаро облигациялари бўйича даромадлар;

2) солиқ агентидан солиқ солиниши лозим бўлган дивидендлар;

3) қайтариладиган кўп марта айланадиган тара қиймати, агар унинг қиймати илгари товарларни (хизматларни) сотишдан олинадиган даромадга киритилган бўлса;

4) амортизация қилинадиган активларни тугатишда уларни қўшимча баҳолашда олинган, олдинги нархни туширишлардаги суммадан ортиқча сумма ҳисобидан олинган даромадлар;

5) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар шаклланган даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказилганлиги инобатга олинган ҳолда солиқ солинади;

6) товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар, агар товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар умумий даромаднинг 15 фоизидан кўпроғини ташкил этса.

Солиқ солинадиган база ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чегирмалардан ташқари қуйидагилар учун камайтирилади:

1) брокерлик ташкилотлари учун – битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

2) комиссия шартномаси бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун – товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига реализация қилинган товар улушида;

3) туризм фаолияти субъектлари учун – туристик хизматларни онлайн бронлаштириш ва сотиш учун яратилган дастурий маҳсулотларни ҳамда ахборот тизимларини жорий этишга йўналтирилган маблағлар суммасига.

465-модда. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ базасини аниқлашниги ўзига хос хусусиятлари

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ базаси бўлиб ушбу Кодекс 463-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган, унинг тадбиркорлик фаолияти доирасида олинган жами даромади ҳисобланади.

Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузишда ўзининг якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият кўрсатаётганлигини, агар бу битимларни тузиш ҳолатининг ўзидан яккол келиб чиқмаса, кўрсатиши шарт.

Солиқ солишда якка тартибдаги тадбиркорнинг жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган, унинг тадбиркорликни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий (оилавий) мол-мулкани сотишдан олинган даромадлари ҳисобга олинмайди.

466-модда. Даромадларга тузатиш киритиш

Ҳисобот солиқ даврида солиқ базасини кўпайтириш ёки камайтириш даромадларга тузатиш киритиш деб эътироф этилади.

Даромадларга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

- 1) товарлар тўлик ёки қисман қайтарилганда;
- 2) битим шартлари ўзгарганда;
- 3) нархлар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловлардан фойдаланганда;
- 4) кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган даромадларга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ушбу моддага мувофиқ даромадларга тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда товарни (хизматларни) сотувчи товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадга тузатиш киритишни ушбу Кодекснинг 257-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширади.

Даромадларга ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади.

Даромадларга тузатиш киритиш солиқ тўловчи умумбелгиланган солиқ солиш тартибидан айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтган ҳолларда ҳам амалга оширилади, бундан тузатиш киритиладиган даромадлар бўйича имтиёзларни қўллаш ҳоллари мустасно.

467-модда. Солиқ ставкалари

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги солиқ тўловчилар, бундан 2–14-бандларда назарда тутилганлар мустасно	4
2.	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари)	5
3.	Ломбардлар	25
4.	Концерт-томоша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар оладиган юридик шахслар	5
5.	Брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганлар бундан мустасно), шунингдек воситачилик, топширик шартномаси ва воситачилик хизматлари	25

	кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар, шу жумладан телекоммуникация операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар	
6.	Суғурта агентлари, шунингдек суғурта, қимматли қоғозлар бозори ва товар-хом ашё биржаларида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар	13
7.	Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага бериш ҳисобланган юридик шахслар (лизинг компаниялари бундан мустасно)	8
8.	Умумий овқатланиш корхоналари	
	жойлашган жойига қараб:	
	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	8
	бошқа аҳоли пунктларида	6
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	4
	шундан	
	умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	Жойлашган жойига қараб белгиланган солиқ ставкасининг 75%и
9.	Чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар	
9.1.	жойлашган жойига қараб:	
	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
9.2.	жойлашган жойидан қатъи назар:	
	алкоголли маҳсулотлар, тамаки маҳсулотлари, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни реализация қилишдан товар айланмаси бўйича	4
10.	Улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдони амалга оширадиган савдо корхоналари (11-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	4
11.	Қуйидаги жойларда жойлашган улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3

	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
12.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи, сараловчи, сақловчи ва қадоқловчи тайёрлов ташкилотлари	товар айланмасининг 4%и ёки ялпи даромаднинг 25%и
13.	Электрон тижорат субъектларининг Миллий реестрига киритилган солиқ тўловчилар	2
14.	Ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон Чернобилчилари» ассоциацияси бўлган ва умумий сонидан ногиронлар, уруш ва 1941–1945 йиллар меҳнат fronti ветеранлари 50 фоиздан кам бўлмаган ва ногиронлар, уруш ва 1941–1945 йиллар меҳнат fronti ветеранларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 50 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчилар	0

468-модда. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш

Турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) солиқ ставкалари белгиланган бир неча фаолият тури билан шуғулланадиган солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича солиқни тўлаши шарт.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари чакана савдо соҳасидаги мустақил юридик шахс бўлмаган турли аҳоли пунктларида жойлашган бир қанча савдо нуқталарига эга солиқ тўловчиларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу Кодекс 297-моддаси учинчи қисмининг 4, 5, 6, 10, 11, 12, 13, 14, 17, 18, 21, 22, 23, 25 ва 27-бандларида кўрсатилган даромадларга, шунингдек фоизлар тарзидаги даромадларга солиқ тўловчининг ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича умумий жами даромадларидаги улуши устунлик қиладиган фаолият тури учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича солиқ солинади.

Ҳисобот (солиқ) даврида ушбу Кодекс 467-моддасининг 2–14-бандларида кўрсатилган фаолият турлари мавжуд бўлмаганда, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган даромадларга ушбу Кодекс 467-моддасининг 1-бандида белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади.

469-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.
Йил чораги ҳисобот давридир.

470-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича солиқ суммаси солиқ тўловчи томонидан мустақил аниқланади.

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ҳисобот даври якунлари бўйича солиқ суммаси солиқ даври бошидан ортиб борувчи якун билан солиқ базасининг мос солиқ ставкасига фоиз улуши сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

1) ҳисобот даври якунлари бўйича – ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай;

2) солиқ даври якунлари бўйича – солиқ давридан кейинги даврнинг 15 февралидан кечиктирмай;

Ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича солиқни тўлаш тегишли ҳисобот (солиқ) даври учун солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

XXI БЎЛИМ.

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИГА
СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**67-боб. Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари
иштирокидаги юридик шахсларга солиқ солишнинг
ўзига хос хусусиятлари**

**471-модда. Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари
иштирокидаги юридик шахсларга солиқ
солиш шартлари**

Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда ташкил этилган ва қонун ҳужжатларида тасдиқланадиган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар учун айрим солиқлар бўйича имтиёزلарни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади.

Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари деганда чет давлатнинг фуқарolari бўлган жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган

шахслар, шунингдек чет эллик нодавлат юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатини тақдим этмасдан амалга ошириладиган инвестициялар тушунилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланадиган муддатга киритилган тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари ҳажмига қараб, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод этиш тарзидаги солиқ имтиёзлари берилади.

Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқ имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли.

472-модда. Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахслар томонидан солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби

Ушбу Кодекснинг 471-моддасида назарда тутилган солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда қўлланилади:

1) юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланадиган ҳудудларга жойлаштирилганда;

2) чет эллик инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга оширилганда;

3) юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталида) чет эллик иштирокчиларнинг улуши камида 33 фоиз, акциядорлик жамиятлари учун эса камида 15 фоиз бўлганда;

4) чет эл инвестициялари эркин айирбошланадиган валюта ёки янги замонавий технологик асбоб-ускуна тарзида киритилганда;

5) ушбу Кодекснинг 471-моддасида назарда тутилган солиқ имтиёзлари берилганлиги натижасида уларнинг қўлланилиши муддати мобайнида олинган даромадларнинг камида 50 фоизи ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида реинвестицияга йўналтирилганда.

Ушбу Кодекснинг 471-моддасида назарда тутилган солиқ имтиёзларини олган тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахс имтиёзлар берилган муддат ўтганидан кейин бир йил ўтмасидан олдин фаолиятини тугатган тақдирда, чет эллик инвесторнинг фойдасини ўз мамлакатига ўтказиш ва капиталини хорижга олиб чиқиб кетиш фақат берилган солиқ имтиёзлари суммаларининг ўрни бюджетга қопланганидан кейин амалга оширилади.

Ушбу бобда назарда тутилган шартларга номувофиклик аниқланган тақдирда, ушбу Кодекснинг 471-моддасида назарда тутилган солиқ имтиёзларини олган тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахс белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган

давр учун солиқлар ушбу Кодекснинг VIII бўлимида назарда тутилган пенялар қўлланилган ҳолда, умумбелгиланган тартибда тўланади.

68-боб. Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари

473-модда. Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига солиқ солиш шартлари

Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, мол-мулк солиғидан, ер солиғидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган муддатга озод қилиш тарзида солиқ имтиёзлари берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқ имтиёзлари фақат инвестор (инвесторлар) ва Махсус иқтисодий зона дирекцияси ўртасида тузилган Махсус иқтисодий зона ҳудудига инвестиция киритиш тўғрисидаги битимда назарда тутилган махсус иқтисодий зона иштирокчисининг фаолияти турларига нисбатан татбиқ этилади.

Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари қўшилган қиймат солиғи ва бошқа солиқлар бўйича имтиёزلардан ушбу Кодексга мувофиқ фойдаланиладилар.

474-модда. Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби

Ушбу Кодекс 473-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати махсус иқтисодий зона иштирокчисининг гувоҳномаси олинган кундан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади.

Махсус иқтисодий зонанинг иштирокчиси мақомидан маҳрум этилганда тадбиркорлик субъекти махсус иқтисодий зона иштирокчиларига бериладиган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялардан махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомидан маҳрум этилган ойнинг биринчи кунидан эътиборан фойдаланишга ҳақли эмас.

Агар махсус иқтисодий зона иштирокчиси инвестициялар ҳажмини солиқ имтиёзларининг узоқроқ амал қилиш муддатини назарда тутадиган миқдоргача оширса, у инвестицияларнинг ҳақиқий ҳажмига мувофиқ солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатини узайтиришга ҳақли. Бунда, агар инвестициялар ҳажмининг ошиши имтиёзларнинг аввалги амал қилиш муддати тугаганидан кейин амалга оширилса, солиқ имтиёзлари имтиёзларнинг узоқроқ амал қилиш муддатига бўлган ҳуқуқ юзага келган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан қўлланилади.

**69-боб. Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида
амалга ошириладиган фаолиятга солиқ солишнинг
ўзига хос хусусиятлари**

475-модда. Умумий қоидалар

Маҳсулот тақсимотига оид битим шартнома бўлиб, бу шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ҳамда муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қабри участкасида қонларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни қавлаб олиш учун мутлақ ҳуқуқлар беради.

Маҳсулот тақсимотига оид битимда қуйидагилар назарда тутилади:
ҳисоб юритиш ва ҳисобот бериш тартиби;
солиқ солиш ва бошқа тўловларни тўлаш шартлари;
чет эллик инвесторнинг улушини олиб чиқиш тартиби.

**476-модда. Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида
амалга ошириладиган фаолиятга солиқ
солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Чет эллик инвестор, бундан маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно, маҳсулот тақсимотига оид битимнинг амал қилиш муддати мобайнида ушбу Кодекснинг 17-моддасида назарда тутилган солиқларни тўлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган солиқлар, агар маҳсулот тақсимотига оид битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Чет эллик инвесторга солиқ солиш қуйидаги ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади:

1) фойда солиғи маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажариш чоғида олинган даромад бўйича ва фаолиятнинг бошқа турлари бўйича олинган даромад бўйича алоҳида-алоҳида тўланади. Битим шартларига биноан чет эллик инвесторга тегишли бўлган, чегирмалар қилинмаган ҳолда фойдага қолган маҳсулотнинг қиймати маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажариш чоғида олинган даромадлар бўйича фойда солиғи солиш объектидир;

2) минерал хом ашёни қавлаб олиш ҳажмига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбатан фоизли нисбатда маҳсулот тақсимотига оид битим шартларига мувофиқ белгиланадиган ва пул шаклида ёки қавлаб олинган минерал хом ашёнинг бир қисми тарзида тўланадиган ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ.

Агар юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахслар бирлашмаси инвестор сифатида иш юритаётган бўлса, бундай бирлашманинг иштирокчиларидан бири ёки маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажарувчи оператор солиқ мажбуриятларини бажарувчи бўлади. Бунда лицензия олган инвестор бир ойлик муддатда солиқ органини мазкур бирлашмадан солиқ мажбуриятини бажарувчи бўлиб иш юритадиган иштирокчи тўғрисида хабардор этиши шарт.

70-боб. Адвокатлар ҳайъатларига, адвокатлик фирмаларига, адвокатлик бюроларига ва адвокатларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

477-модда. Адвокатларга солиқ солиш

Адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари фаолиятнинг нотижорат ташкилотлар сифатида адвокатлар томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қисми бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлашдан озод қилинади, бундан қуйидагилар мустасно:

- божхона тўловлари;
- ижтимоий солиқ;
- автотранспорт йиғими;
- тўлов манбаида ушлаб қолинadиган солиқлар.

Адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилганда (юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган) солиқлар ва йиғимлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар учун ушбу Кодексада назарда тутилган тартибда тўланади.

478-модда. Адвокатлар даромадларига солиқ солиш

Адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатганлик учун олинadиган гонорарлар суммаларига ушбу моддада назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, мазкур Кодекснинг XIII бўлимида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинади.

Адвокатнинг даромадлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солиш объектидир.

Адвокатнинг даромади адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун олинган сумма билан адвокатлар ҳайъатларини, адвокатлик фирмаларини ва адвокатлик бюроларини сақлаб туриш учун ўтказиладиган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ базаси адвокатнинг даромадидан унинг даромадида ҳисобга олинadиган ижтимоий тўлов чегириб ташланган ҳолда аниқланади.

**71-боб. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга
солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

**479-модда. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариусларга солиқ солиш**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ушбу бобда назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу Кодексда белгиланган тартибда солиқларни тўловчилар ҳисобланади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинadиган даромадлар бўйича белгиланган ставкалар бўйича ижтимоий солиқ ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўлайди.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус зиммасига ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш мажбурияти юклатилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар нотариал хизматлар кўрсатиш бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.

**480-модда. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариусларнинг фойдасига солиқ солиш**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фойда солиғини ушбу Кодексда белгиланган ставка бўйича тўлайди. Бунда фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва тўлаш йилига бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай амалга оширилади.

Фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи ушбу Кодекснинг 43-бобида назарда тутилган даромадларнинг барча турлари нотариусларнинг даромадлари деб эътироф этилади.

Нотариал фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар чегириладиган харажатлар жумласига киритилади. Бунда чегирилмайдиган харажатлар ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ аниқланади.

Фойда солиғи тўланганидан кейин хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг тасарруфида қолган фойда солиқ солиш мақсадида дивидендларга тенглаштирилади.

